О.БОБОЖОНОВ, К.ЖУМАНИЁЗОВ

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ



"МОЛИЯ"

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОРТИҚБОЙ БОБОЖОНОВ, КАРИМБОЙ ЖУМАНИЁЗОВ

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро (IAS), Америка (GAAP) ва миллий (БҲМС) стандартларига асосан ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган иккинчи нашри

ТОШКЕНТ – «МОЛИЯ» – 2002

Б-723

ББК 65.9 (5У) 26я73

О. Бобожонов, К. Жуманиёзов. Молиявий ҳисоб. Т., «Молия» нашриёти. 2002. 672 бет.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик фаолиятини муваффақиятли юритиш, тижорат фаолиятини ривожлантириш ва рақобатбардошликни кучайтириш ишбилармонларнинг халқаро тили бўлмиш бухгалтерия ҳисобининг қонунлари, низомлари ва стандартларини ўрганишни тақозо қилади. Ушбу китобда мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, фирма, акциядорлик жамиятлари, ташкилотлар ва жисмоний шахслар томонидан юритиладиган бухгалтерия ҳисоби ана шу меъёрий ҳужжатлар, тартиб-қоидалар асосида ёритилган.

Китобда ҳисоблашиш муомалалари, ресурслар, активлар, инвестиция, мажбуриятлар ҳисоби, ҳисобот тузиш ва тақдим қилиш тартиблари ҳозирги замон халқаро стандартларига асосан ёритилган.

Дарсликни ёзишда ривожланган давлатларда қўлланилаётган молиявий ҳисоб стандартлари, БМТ тавсиялари ва Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларидан кенг фойдаланилган.

Китоб олий ўқув юртларининг бакалавриатура ва магистратура талабалари учун дарслик сифатида тавсия қилинган. Бундан ташқари ундан малака ошириш марказлари ва курсларининг тингловчилари, коллежларнинг ўқувчилари, барча хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерлари, иқтисодчилари, аудиторлар, солиқ назоратчилари ва жисмоний шахслар ҳам қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари, и. ф. н. Т. Жўраев, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Ташқи иқтисодий фаолиятда бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг мудири, и. ф. д. профессор Н. Жўраев, кафедра доценти, и. ф. н. М. Мирходжаев. «Бухгалтерия ҳисоби» кафедрасининг доценти, и. ф. н. Н. Хасанов.

Масъул муҳаррир- и. ф. н. Т. И. Жўраев.

SamKI
KUTUBXONASI

Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси
«Молия» нашриёти. 2002.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг 70 йиллигига бағишланади

КИРИШ

Иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашиб бориши, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви ўз навбатида, мавжуд қонунчилик асосини доимий равишда такомиллаштириб уни халқаро меъёрлар ва стандартларга мослаштириб боришни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил қилиш ва юритиш Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркибини, ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС) ва «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси» асосида амалга оширилади. Ушбу меъёрий ҳужжатлар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил қилиш ва олиб боришнинг умумий тартибларини белгилайди.

Бухгалтерия ҳисоби – бу ички бошқарув ва ташқи истеъмолчилар учун жорий ва якуний маълумотларни тайёрлаш ва уларга тақдим қилиш мақсадида амалга ошириладиган узлуксиз ва ўзаро боғлиқ кузатишлар, ўлчовлар, рўйхатга олиш, маълумотларни қайтадан ишлаб чиқиш ва корхоналар, бирлашмалар ва муассасаларнинг хўжалик фаолияти устидан назорат ўрнатиш тизимидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчилик шакллари турли хил бўлган субъектларнинг ташкил топиш жараёнида уларни бошқариш, фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш ва маъмурият томонидан тезкор қарорларнинг қабул қилинишига асос бўладиган зарур маълумотларни асосан бухгалтерия ҳисоби тақдим этади.

Барча хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятларини бухгалтерия ҳисобида қайд этиб боришлари ва молиявий ҳисоботларни тузишлари, бу маълумот-

ларни ички ва ташқи истеъмолчилар (раҳбарият, инвесторлар, акциядорлар, солиқ органлари, банклар)га тақдим қилишлари шарт.

Хўжалик муомалаларининг жорий ҳисоби хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётларининг режасига асосланган ҳолда юритилади. Счётлар бухгалтерия ҳисобининг асосий элементларидан бўлиб, бухгалтерия ҳисоби объектини иқтисодий нуқтаи назардан гуруҳлашда қўлланиладиган моддий ва пул воситаларининг ҳаракатини хамда хўжалик муомалаларини амалга ошириш даврида уларнинг ҳолати ва ташкил топиш манбаларини кўрсатишдир.

Ўзбекистон Республикасининг аста-секинлик билан жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига уйғунлашуви, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда кенг имкониятлар туғилиши, миллий ҳисоб ва ҳисоботни максимал даражада ойдинлаштириш заруриятини юзага келтиради.

Халқаро стандартлар (IAS ва GAAP) талабларидан келиб чиққан ҳолда олиб бориладиган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг соддалаштирилган (унификациялаштирилган) тизими субъектнинг кўрсатаётган фаолияти ва иқтисодий аҳволи тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантиришга ёрдам беради, бу эса, ўз навбатида, бухгалтерия ҳужжатлари ва ҳисоботларининг барча фойдаланувчиларга, жумладан, чет эл сармоячиларига қулайлигини оширади.

Бухгалтерия ҳисобига миллий стандартларнинг жорий этилиши асосан бухгалтерия ҳисобининг энг муҳим қоидалари ва тамойилларини изоҳлаб бериш ва умумлаштириш, асосий тушунчаларини баён қилиш ва уни Ўзбекистон Республикасида мулкчилик шаклларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда қўллаш заруриятидан келиб чиққандир.

Муқаддам қабул қилинган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) субъектлар томонидан амалга ошириладиган турли хилдаги молия-хўжалик муомалаларининг бухгалтерия ҳисобини юритишни тартиблаштириш мақсадида ишлаб чиқилган эди. («Ҳисобга олиш ва молиявий ҳисобот» – 1-сонли БҲМС, «Инвентаризация қилишни ташкил қилиш ва ўтказиш» – 19-сонли БҲМС).

«Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси ва уни

қўллаш бўйича йўриқнома» номли 21-сонли Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартининг ишлаб чиқилиши бухгалтерия ҳисоби соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий босқичларидан бири бўлди.

2000 йил март ойининг 30-кунида Молия вазирлигининг 37-сонли қарори билан тасдиқланган ва 2000 йил июн ойининг 1-кунида Адлия вазирлигида 930-сон билан рўйхатдан ўтказилган ушбу стандарт Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ва бухгалтерия ҳисобининг халқаро (IAS) ва Америка миллий (GAAP) стандартларига мос равишда ишлаб чиқилган бўлиб, молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисобини олиб борадиган ва такомиллаштирилган счётлар режасини ўзида мужассамлаштиргандир.

Мазкур счётлар режаси хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида кўрсатилиши зарур бўлган хўжалик муомалаларининг бухгалтерия ҳисоби юритиладиган счётларнинг йиғиндисидан иборат.

Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнида счётлар режасини қўллаш бўйича йўриқнома, ҳар бир ҳисобнинг қўлланиш соҳаси, бухгалтерия ҳисобини олиб бориш тамойилларига асосланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисобида хўжалик муомалаларини счётларда қайд қилиш тартибини ва бухгалтерия ҳисоби бўйича амалда қўлланиб келинаётган ҳужжатларни белгилайди.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар бухгалтерия ҳисобини юритувчи ва ушбу йўриқномада кўзда тутилган (бюджет ҳисобидаги муассасалар ва банклардан ташқари), барча хўжалик юритувчи субъектлар мазкур стандартларни қўллаш соҳаси ҳисобланади.

2002 йил 1 январдан кучга киритилган янги счётлар режасининг эскисидан фарқ қилувчи асосий хусусияти шундаки, янги режага сармоя, мажбуриятлар, лизинг, олинадиган счётлар ва бошқа муомалаларни ҳисобга олишни муқобиллаштириш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ёки унинг бу объектга тааллуқлилигидан келиб чиқувчи ҳар бир счёт аниқлаштирилган ва махсус счётлар киритилган.

Бозор муносабатларига ўтишнинг долзарб талабларига жавоб берувчи ушбу счётлар режасини қўллаш бухгалтерлар ишини соддалаштиришга, бухгалтерия ҳисобини юритишни

максимал даражада муқобиллаштиришга, молиявий ҳисобот тузишда субъект фаолиятига доир маълумотларни аниқроқ кўрсатишга, бухгалтерия ҳисобининг янада тушунарли ва қулай бўлишига ёрдам беради.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот тизими бозор иқтисодиётининг муҳим элементи эканлигини эътиборга олган ҳолда, субъектларнинг молиявий ҳисоботини шаклллантириш, тақдим этиш ва нашр қилиш қоидалари ва йўналишларини мувофиқлаштириш мулк эгаси ва сармоячиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади ва молиявий ҳисоботни тузишда, хўжалик алоқаларини амалга оширишда субъектнинг молиявий аҳволи тўғрисида ишончли, холисона маълумот берилишини таъминлайди.

I БОБ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ КОНСЕПТУАЛ АСОСЛАРИ ВА УНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ

Ижтимоий тараққиётнинг ишончли заминини яратиш ижтимоий муносабатни демократиялашни, одамларнинг ташаббуси ва амалий фаолиятига чинакам эркинлик беришни, юксак унум билан меҳнат қилиш омилларини ишга солишни талаб қилади. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ишлаб чиқаришни ҳар томонлама жадаллаштириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш борасидаги белгиланган чора-тадбирлар қаторида халқ хўжалигини бошқаришни янада такомиллаштириш хўжалик механизмини бозор иқтисодиётига мослаш имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш имконини берадиган самарали ва ихчам бўлган бошқариш тизимини яратиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Иқтисодий усулларнинг бошқариш тизимига ўтиш шароитида хўжаликни юритишнинг янги усулларига яъни, биринчи навбатда аниқ тўла хўжалик ҳисобини жорий этиш имконини берадиган ўзининг харажатларини ўзи қоплаш, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, давлат корхоналари билан бир қаторда кичик, мустақил жамоа, қўшма ва шахсий корхоналарни яратиш тизимига аста-секин ўтиш талаб этилади.

Режалар ва топшириқларнинг қандай бажарилаётганлиги устидан узлуксиз ва қаттиқ назорат ўрнатмай туриб, хўжаликни мақсадга мувофиқ бошқариш мумкин эмас.

Ишлаб чиқаришни бошқариш деганда энг аввало белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида кишилар жамоасига мақсадга мувофиқ равишда таъсир этиш тушунилади. Бунинг учун тадбирлар ишлаб чиқилади, ишлаб чиқилган режалар ва топшириқларга асосан ушбу вазифаларни бажариш йўллари аниқланади, вазифаларнинг бажарилишини таъминлайдиган ишлаб чиқариш ташкил қилинади, унинг устидан назорат юритилади ва тезликда тартибга солиб турилади. Бошқариш тизими, умуман олганда, бошқариш учун зарур

бўлган қарорларни қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини таъминлашдан иборат.

Бошқариш қарорларини ишлаб чиқиш учун албатта, тегишли ахборотлар бўлиши шарт. Ҳар бир бошқариш қарори (ечим) бошқариш масалаларига тааллуқли тегишли ахборотларни таҳлил этиш асосида қабул қилинади.

Ҳар бир бошқарилувчи объект томонидан фойдаланиладиган ахборотнинг барча таркиби ундаги бошқаришнинг ахборот тизимини ташкил қилади. Бу ахборот тизими бошқариш тизимининг барча устунларига зарур бўлган бошқариш ахборотни йиғиш, ишлаш ва топшириш усуллари ва техника воситаларининг йиғиндисидир. Бошқариш ахбороти таркибида иқтисодий ахборот ҳам ўзининг миқдори жиҳатидан, ҳам бошқарув қарорларни қабул қилишга таъсири жиҳатидан салмоқли ўрин эгаллайди.

Субъектларнинг хўжалик фаолиятини юритиш учун ўзаро боғлиқ бўлган маълумотлар йиғиндисидан фойдаланилади. Бу маълумотлар субъектнинг ва унинг айрим тармоқлари фаолиятига миқдорий ва сифатий тавсифнома беради ва шу маълумотлар асосида уларнинг ишлаши режалаштирилади, ҳисоб ва ҳисоботлари уюштирилади ва бажарилган ишлар баҳоланиб, тегишли тартибда рағбатлантирилади. Иқтисодий маълумотлар режали ва ҳисобот маълумотларига бўлинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида субъектларнинг фаолиятини режалаштириш демократик принципга мувофиқ илмий асосда режаларни ишлаб чиқаришни тақозо қилади ва меҳнат жамоасининг кенг иштироки билан амалга оширилади. Бунда ҳар бир субъект тармоқнинг узоқ муддатли вазифаларидан келиб чиқиб ва ҳудудни комплекс ривожлантириш режаларини ҳисобга олиб ўзининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий тараққиётининг истиқболларини ишлаб чиқади.

Ҳисобот маълумотлари маълум бир даврда эришилган ҳақиқий натижаларни акс эттиради, унинг асосий қисми бухгалтерия ҳисобида кўрсатилади. Ҳозирги пайтда барча иқтисодий ахборотнинг деярли 3/4 қисмини бухгалтерия ҳисоби беради.

Субъектларда бухгалтерия ҳисобини шундай ташкил этиш лозимки, у иқтисодий маълумотлар тизимини иложи борича тўла акс эттиришни таъминлаши керак.

Бухгалтерия ҳисоби айрим субъектларда содир бўлаётган хўжалик маблағлари ва жараёнларининг ҳаракатини маълум

ҳужжатлар билан асосланган ҳолда рўйхатга олиш ва пулда баҳолаб умумлаштирилган тарзда ёппасига ва бевосита кузатиш тизимидир. У субъектнинг хўжалик фаолиятини бошқариш ва унда хўжалик ҳисобини жорий эттиришнинг муҳим воситаси ҳисобланиб, субъектнинг маблағларидан тўғри ва унумли фойдаланиш ва унинг бутлигини таъминлаш устидан ҳам дастлабки, ҳам жорий (кундалик) ва келгуси назоратни юритиш имконини беради.

Бухгалтерия ҳисоби ёрдамида мавжуд моддий қийматликлар, пул маблағларининг ҳаракати кузатилади ва назорат қилинади, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар аниқланади, хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари ва субъектларнинг умумий мулки ҳақидаги маълумотлар йиғилади.

Бухгалтерия ҳисоби ҳар қандай тизимда ҳам қуйидаги учта функцияни бажаради: 1) ахборот бериш, 2) назорат қилиш, 3) бошқарув ечимларини ишлаб чиқиш. Бу функцияларни бажаришда бухгалтерия ҳисоби ҳар хил усуллар, техника ва шаклардан фойдаланиши мумкин. Шунинг билан бирга, бухгалтерия ҳисоби ҳар хил ижтимоий тизимларда муайян ижтимоий тизимнинг мақсадларига қараб ҳар хил вазифаларни бажарищи мумкин.

Кейинги пайтларда баъзи иқтисодий адабиётларда функция билан вазифа тушунчаси чалкаштирилиб талқин қилинмоқда, ваҳоланки функция сўзи лотинча йўналиш, фаолият, мажбурият ёки ишни англатиб, у ёки бу нарса нима учун хизмат қилади деган саволга жавоб беради, вазифа эса функция эмас, балки амалга оширилиши ёки ечилиши лозим бўлган нарсани англатади.

Бухгалтерия ҳисобининг вазифаларини яхши тушуниб олиш учун унинг объектларини билиб олиш лозим бўлади. Субъектлардаги бухгалтерия ҳисобининг объектларини қуйидаги тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Субъектнинг маблағ (ресурс)лари: меҳнат воситалари, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари, тайёр маҳсулот, устав фонди (капитали), бошқа ҳар хил жамғармалар, келгусидаги харажатлар ва тўловларнинг захиралари, субъектларнинг жамғарган фойдаси ҳисобидан яратилган ҳар хил захира (резервлар)лар ва ҳоказолар. Бу маблағлар ишлаб чиқариш жараёни учун тегишли шароит яратиб беради.

2. Субъектларда содир бўлаётган муҳим жараёнлар: товар-моддий бойликларни тайёрлаш ва сотиб олиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг сотилиши, капитал қурилиш ва бошқа жараёнлар.

3. Ҳисоблашиш муомалалари: бюджет, мол етказиб берувчи ва пудратчилар, харидорлар, ишчи ва хизматчилар, давлат банки ва бошқа банклар ҳамда бошқа ташкилот ва шахслар билан ҳисоблашишлар.

4. Субъектнинг хўжалик-молиявий фаолиятининг молиявий натижалари: жамоанинг олган даромади, фойдаси ва кўрган зарарлари.

Бухгалтерия ҳисоби иқтисодий адабиётларда маълум хўжалик субъекти тўғрисидаги молиявий ахборотни ўлчаш, ишлаш ва топширишни амалга ошириш тизими деб ҳам таърифланади.

Бухгалтерия ҳисоби хўжалик фаолияти билан қарорлар қабул қилувчилар ўртасида алоқа боғлаш учун хизмат қилади. У хўжалик фаолиятини, унинг маълумотларидан кейинчалик фойдаланиш мақсадида маълум тартибда қайд қилиб ўлчайди, олинган маълумотларни ишлаб, маълум вақтгача сақлайди, сўнгра уларни керакли ахборотга айлантириш учун қайта ишлаб чиқади ва кейинчалик бу ахборотни ҳисоботлар воситасида қарорларни қабул қилувчиларга фойдаланиш учун топширади. Баъзи иқтисодий адабиётларда бухгалтерия ҳисобини бошқарув ахборот тизимининг молиявий маркази деб ҳам таърифлашади. У бошқарув ходимларига ҳам ва ташқи фойдаланувчиларга ҳам субъект фаолияти ҳақида тўла маълумотга эга бўлишлик имкониятини яратади.

Ҳаётда кўпинча бухгалтерия ҳисоби билан ҳисобчилик тушунчаси чалкаштириб юборилган. Ваҳоланки ҳисобчилик — бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёни, хўжалик муомалаларини қайд қилиш ва ҳисоб ҳужжатларини сақлаш жараёнидир. Бу беихтиёр ва қайта-қайта бажариладиган иш бухгалтерия ҳисобининг бир қисмидир. Бухгалтерия ҳисоби эса ўзида ахборотдан фойдаланувчиларнинг талабларига жавоб берадиган ахборот тизимини яратишни ҳам қамраб олади. Унинг асосий мақсади ахборотни таҳлил қилиш, тушунтириш ва фойдаланишдир. Бухгалтерия ҳисоби тизимлар ижросини акс эттириш, сметалар тузиш, муомалаларни таҳлил қилиш, аудиторлик текширувлар ўтказиш, солиқларни ўз вақтида ҳисоблаш ва уни режалаштиришдан иборат.

Шунинг учун ҳисобчи билан бухгалтерни мутлақо солиштириб бўлмайди. Чунки ҳисобчи бухгалтерия ҳисобида амалга ошириладиган баъзи вазифаларни жумладан, арифметик ҳисоблаш, жамлаш, кўчириш, рўйхатга олиш, ҳужжатларни тўлдириш ва ундаги ёзувларни текшириш ва бошқа шу каби иккинчи даражадаги ишларни бажаради, бухгалтер хўжалик муомалаларига тегишли бухгалтерия проводка(ўтказма)ларини бериш, уларни тегишли ҳисоб регистрларига ёзиш, режа ва сметаларни тузиш, маҳсулотнинг режадаги ва ҳақиқий таннархини аниқлаш, уларнинг ҳар бири бўйича рентабеллик даражасини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ахборотларини таҳлил ва аудит қилиб, ундан мантиқий хулосалар чиқарувчи, бошқарув қарорларини ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ эта биладиган мутахассисдир. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда бундай бухгалтерларни **дипломли бухгалтерлар** деб атаб, уларни ҳисобчилардан анча юқори қўйишади ва уларнинг меҳнатларини рағбатлантиришда шу афзалликларини ҳисобга олишади.

Бухгалтерия ҳисоби иқтисодиётнинг ҳар бир ривожланиши босқичида халқ зиммасига тушган барча хўжалик ва барча сиёсий вазифаларни бажариш хизматидадир. Шунинг учун бухгалтерия ҳисоби бошқариш ва назорат қилиш воситаси ва хўжалик фаолияти ҳақида аниқ ва жуда сифатли ахборот манбаи сифатида айниқса ҳозирги пайтда муҳим вазифа ҳисобланган моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона ҳамда тежаб-тергаб фойдаланиш устидан қатъий назоратни амалга ошириш, хўжасизлик ва исрофгарчиликка қарши қатъий кураш олиб бориш, бундай ҳодисаларнинг олдини олиш чораларини кўриш, ўғриликлар ва қонунларни қўпол равишда бузиш ҳолларининг олдини олиш ва очиб ташлаш каби вазифаларни амалга оширишда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун бухгалтерия ҳисобининг шу кунлардаги асосий мақсади бозор иқтисодиётини бошқариш ва оёққа турғазиш шароитида бошқарув қарорларини тайёрлаш, асослаб бериш ва қабул қилиш, субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти ҳақида сифатли ўз вақтида тайёрланган ахборот билан таъминлашдан иборат.

Юқорида айтилганларга асосланиб, бухгалтерия ҳисобининг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– асосий фондлар, товар-моддий бойликлар, пул маблағларининг келиб тушиши ва уларнинг ҳаракатини тўла ва ўз вақтида акс эттирилишини таъминлаш;

– маҳсулот ишлаб чиқариш, уларни сотиш, меҳнат унумдорлиги, фойда, рентабеллик, меҳнат ҳақи фонди, капитал сарфлар, бюджет ва бошқа тащкилотлар билан ҳисоблашиш ва бошқа кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилишини аниқ акс эттириш, кузатиш ва уларнинг натижаларини топиш;

– субъектнинг ва унинг айрим бўлимларидаги ишлаб чиқариш, қурилиш-монтаж ва бошқа ишлар билан боғлиқ харажатларни тўла акс эттириш, назорат қилиш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳисобот калькуляциясини тузиш;

– субъект ва унинг айрим бўлимларининг раҳбарларини молиявий-хўжалик фаолиятининг барча бўлинмаларига доир тўла ва аниқ иқтисодий ахборот билан тезликда таъминлаб туриш;

– таъсисчилар, акциядорлар, сармоя эгалари, юқори ташкилот, молия, солиқ, статистика ва бошқа бухгалтерия ҳисоботи маълумотларидан фойдаланувчи ташкилот ва шахсларга ўз вақтида топшириш учун аниқ ҳисоботларни яратиш;

– бошқарув қарорларини иқтисодий жиҳатдан асослаб бериш учун умумлаштирилган ахборотнинг тартиблаштирилган оқимини таминлаш;

– тўла хўжалик ҳисобини субъект миқёсида ҳамда унинг айрим ишлаб чиқариш бўлинмалари ва бригадаларида жорий этиш ва мустаҳкамлаш;

– субъектнинг маблағларидан тўла ва унумли фойдаланиш, ундаги мулкларнинг бутлигини таъминлаш, иқтисодий тежаш тартибига риоя қилиш, субъект жамоасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш устидан назорат юритиш учун тегишли ахборотлар билан таъминлаш.

Бу вазифаларни тўла-тўкис бажариш учун бухгалтерия ҳисобчиликнинг илғор шаклларидан фойдаланиши лозим бўлади.

Мамлакатимизнинг субъектларида бухгалтерия ҳисоби 1996 йил 30 августида Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тасдиқланган "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига асосланиб ташкил этилади.

Бу Қонунга кўра Республикамизнинг субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш, бухгалтерия ҳисобининг стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Республика Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби эса меъёрий ҳужжатларда келтирилган тегишли қоидаларига асосланади. Шу жумладан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бухгалтерия ҳисобини соддалаштириб юритиш стандарти ҳам, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари билан белгиланади.

Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ушбу қоидалари бу борадаги жаҳон стандартларига мосланган бўлиб, ривожланган бозор иқтисодиёти шароитидаги мамлакатларнинг субъектларида юритилаётган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи учун зарур бўлган энг асосий тамойиллари «консепсиялари»ни мамлакатимизнинг субъектларида жорий этишга қаратилган.

Умуман олганда, ривожланган мамлакатларда ҳозирги пайтда бухгалтерия ҳисобининг 20 дан ортиқ тамойиллари мавжуд.

Маълумки, режали-маъмурий иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси юқорида турувчи вазирликлар, идоралар, статистика ва солиқ органлари каби давлат бошқарув органлари учун ахборотларни йиғиш ва ишлашдан иборат эди. Корхона фаолияти тўғрисидаги энг муҳим масалалар, жумладан, режалаштириш, нарх-наволарни белгилаш, мол сотиб олиш ва уларни истеъмолчиларга етказиб бериш, корхона ходимларининг иш ҳақини белгилаш ва бошқа шу каби масалалар юқорида турувчи давлат органлари томонидан ҳал қилинар эди. Корхоналар давлат мулкчилигини бошқаришнинг алоҳида бир босқичи сифатида қаралар, бухгалтерия ҳисоби эса мулкнинг бут сақланиши тўғрисидаги ахборот билан таъминлар эди.

Давлат ягона мулк эгаси ва корхонанинг инвестори бўлиб ҳисобланар эди. Бундай шароитда корхонанинг ҳисоботи давлат топшириқларини бажариш, давлат бюджетига қилинадиган ажратмаларнинг тўғрилигини текшириш ва статистика ахборотларни йиғиш воситаси бўлиб хизмат қилар эди. Шунинг учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи олдига қўйиладиган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат эди:

– қатъий бир хиллик (унификацияланганлик);

– ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилишини акс эттирадиган кўрсаткичларга мўлжал қилиш;

– солиқ солиш базасини ва бюджетга бошқа ажратмаларни ҳисоблаш:

Субъектларнинг фаолияти бозор иқтисодиётида олдингига қараганда анча фарқ қилади. Бу фарқлар қуйидагилар билан боғлиқ:

1. Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг таркиби ўзгариб, давлат мулкчилиги жамиятдаги мулкчиликнинг фақат бир турига айланади, субъект фаолиятидан манфаатдор бўлган кўплаб янги мулкчилик юзага келади, чунки улар бу субъектга ўз маблағларини қўядилар.

2. Субъектлар рақобатчиликда енгиб чиқиш ва самарали молиявий натижалар берадиган қарорларни қабул қилишга ҳаракат қиладилар ва шу мақсадда бозор конъюктурасини ўрганадилар, ўз фаолиятини мустақил режалаштирадилар, мол етказиб берувчи ва харидорларни топадилар, нарх-наволарни мустақил белгилайдилар ва ҳоказо;

3. Бюджетдан молиялаш ва давлат кредитларини олишдан ташқари эндиликда субъектлар фақат харидорлар ва товарларни сотиш бозорлари учун рақобатчилик курашида қатнашибгина қолмай, ундан ташқари, тижорат банкларининг кредит ресурслари ҳамда потенциал инвесторларнинг шундай маблағлари учун рақобатчилик курашини олиб борадилар.

Шунинг учун субъектда биринчидан бошқарув қарорларини чиқариш ва уларнинг натижаларини баҳолаш учун ўз вақтида ва тўлиқ бўлган ахборотни олиш эҳтиёжи туғилади. Иккинчи томондан, субъектлар тегишли ахборотни шу субъектларга ўз маблағларини қўйган мавжуд инвесторлар ва бўлғуси инвесторларга ҳам топшириши керак бўлади. Шу билан бирга бозор иқтисодиёти шароитида солиқ ажратмаларининг тўғрилиги ҳақида ҳам ҳисобот бериш сақланиб қолади.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисоби бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ҳисобчилик ва статистика функцияларини бажарувчи воситасидан субъектларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни йиғиш, ишлаш ва топшириш қуролига айланади. Бу ахборотдан манфаатдор томонлар ўз ихтиёридаги вақтинча ортиқча маблағларни самаралироқ инвестиция қилиш тўғрисидаги асосланган қарорлар қабул қилиш учун фойдаланадилар.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини бизнес тили деб аташади. Уни ўрганиш ҳар қандай тилни ўрганишга жуда ўхшаб кетади ва бухгалтерия

ҳисобида ишлатиладиган кўпчилик сўзлар ҳаётда қўлланиладиган худди шундай сўзларга қараганда бошқача маънога эга бўлганлиги сабабли уни ўрганиш бироз қийинроқ туюлади.

Ҳар қандай тил ҳам бухгалтерия ҳисобидек, жамиятнинг ўзгариб бораётган эҳтиёжига жавобан ривожланиб ва ўзгариб боради. Бухгалтерия ҳисобида қўлланиб келинаётган қоидалар ҳам ёки уларнинг бир қисми жамиятнинг ўзгариб бораётган эҳтиёжларга қараб ўзгартирилиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби ва унинг маълумотларидан ҳаётда жуда кенг миқёсда фойдаланилади. Бу ахборотлардан фойдаланувчиларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: 1) субъектнинг бошқарувчилари; 2) субъектдан ташқарида туриб, ундан молиявий манфаатдор бўлганлар; 3) субъектнинг молиявий хўжалик фаолиятидан тўғридан-тўғри молиявий қизиқишда бўлмаган шахслар, гуруҳлар ёки агентлар. Бухгалтерия ҳисобининг маълумотларидан фойдаланувчиларнинг солиштирма тарзи қуйидагича шаклга эга.

Бозор иқтисодиёти шароитидаги бухгалтерия ҳисобининг маълумотларидан фойдаланувчилар

Ички фойдаланувчилар	Ташқи фойдаланувчилар
Бошқарув ходимлари	Акциядорлар ва бошқа мулк эгалари Кредиторлар Мол етказиб берувчилар Харидорлар ва буюртмачилар Ҳукумат: солиқ органлари. Юқори ташкилотлар (вазирликлар, уюшмалар) Статистика органлари Бошқа давлат органлари

Субъектнинг бошқарувчиларини одатда маъмурият деб номлашади. Маъмурият корхона ёки ташкилотнинг фаолиятини бошқариш ва унинг олдида турган мақсадларига эришиш учун тўла жавоб берадиган шахслар гуруҳига айтилади. Субъектнинг мақсадлари, кучи турли-туман бўлиши мумкин, лекин рақобатчиликнинг жуда қийин бўлган шароитларида компаниянинг муваффақияти ва рақобатбардошлиги маъмуриятдан барча кучни иккита энг муҳим бўлган мақсадга, яъни фойдалилик (рентабеллик) ва ликвидликни таъминлашга қаратилишини талаб қилади. Фойдалилик инвестиция қилинадиган капитални ишга жалб қилиш ва ушлаб қолиш учун зарур бўлган фойдани

етарли даражада ишлаб топиш қобилиятини англатади. Ликвидлик эса корхона ёки ташкилотларнинг ўз қарзларини тўлай олиш ёки бошқа мажбуриятларини ўз вақтида бажараолиш имкониятларини англатади. Бевосита (тўғридан-тўғри) молиявий манфаатдор бўлган фойдаланувчилар инвесторлар ҳақиқий инвесторга айланадиган ҳозирги пайтда ва келгусида шахс ва ташкилотлардан иборат бўлиб, улар субъектнинг молия ҳисоботларини таҳлил қилиб, компаниянинг «Келгусидаги молиявий истиқболлари қандай, унга маблағларни қўйишга арзийдими ёки йўқми?» каби саволларни ечишга ҳаракат қиладилар. Кредиторлар субъектнинг фоизларни тўлашга ва ўз вақтида қарзларини узишга етарли маблағларининг борлигини аниқлашга ҳаракат қиладилар.

Эгри (билвосита) молиявий манфаатдор бўлган фойдаланувчилар ҳар хил давлат хизматчилари ва жамоат гуруҳларидан иборат бўлиб, улар сўнгги пайтда бухгалтерия ҳисоби ахборотларидан фойланувчиларни ташкил қилмоқда.

Ташқи фойдаланувчиларни асосан қуйидаги кўрсаткичлар қизиқтиради:

1. Субъектнинг активлари ва пассивларининг таркиби;
2. Субъектнинг ликвидлиги;
3. Ўзининг ва жалб қилинган капиталнинг ҳиссаси;
4. Активларнинг айланиш тезлиги;
5. Барча активлар ва реализация қилинган маҳсулотнинг рентабеллик даражаси;
6. Субъектнинг ихтиёрида қоладиган соф фойда;
7. Тўланган дивидендларнинг ҳиссаси (агар акциядорлик компанияси бўлса).

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларидан бирида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг маълумотлари ундан фойдаланувчиларнинг талабларига мосланган ва тушунарли бўлишлиги, агар улар маълумотларни тушунаолмасалар бухгалтерия ходимлари оғзаки ёки хат билан тушунтириб беришлари лозимлиги таъкидланган. Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан унга хос бўлган янги иқтисодий тушунчалар, мулкчиликнинг янги турлари ва илгари бизга таниш бўлмаган янги иқтисодий ҳодисалар ҳаётимизга кириб келди. Масалан, бозор иқтисодиёти шароитидаги мулкчиликнинг янги турлари бўлган хусусий, шахсий, жамоа, акциядорлик, ширкат ва бошқа шу каби ташкилотларнинг юзага келиши, хўжаликни юритишдаги ҳар хил таваккалчиликлар ва бекорликлар, жумла-

дан харидорнинг пул ўтказмай қўйиши, маҳсулот истеъмолчиларининг топилмай қолиниши, нархларнинг кескин ўзгариб кетиши ва ҳоказоларга дуч келиши мумкин. Бундан ташқари, бухгалтерия ҳисобида қимматбаҳо қоғозларга инвастинциялар қилиш, ўз акцияларини чиқариш ва сотиш, валюта ва ҳаракатсиз мулкларга доир муомалалар, дивидендлар олиш ва тўлаш каби бизга илгари таниш бўлмаган янги турдаги ходисалар юзага келади.

Мана шу янги ҳодисалар ва ҳисоб объектларини ҳисобга олиб, уларга тўғри талқин бериш учун бухгалтерия ҳисоби шу маълумотларни йиғиш, ишлаш умумлаштиришнинг самарали тизимига эга бўлишлиги керак. Шу муносабат билан 1989 йилнинг июн ойида Москвада, кейинчалик Тошкентда Транснационал компаниялар бўйича Марказий банк ва Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан Бухгалтерия ҳисоби муаммолари бўйича халқаро семинар ва конференциялар ўтказилиб, собиқ СССР ва шу жумладан, Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини ҳалқаро стандартларга мос равишда юргазиш масалалари муҳокама қилинди, бухгалтерия ҳисобини янгича юритишга доир қатор ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва улардан бири, бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг энг асосий қуролларидан бири бўлган ва СССРнинг кўпчилик регионларида, Ўзбекистон Республикасида ҳам 1992 йилдан бошлаб жорий этилган янги счётлар режасидир. Бу счётлар режасида бозор иқтисодиётига хос бўлган деярли барча янги тушунчалар ҳисобга олинган бўлиб, уни ишлаб чиқишда барча Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари ва ривожланган бозор иқтисодиётидаги давлатларнинг олим ва мутахассислари қатнашган.

Ундан ташқари, ҳисобот даври учун тузиладиган ҳисобот шаклларининг сони, улардаги кўрсаткичлар анча қисқартирилиб, капитал бозорини ривожлантириш, хусусийлаштириш, ички ва ташқи инвестициялар оқимини ошириш, хусусий сектор фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун ишончли ахборот асосини яратиш имконини бермоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобининг ахборотидан асосий фойдаланувчиларнинг манфаатини қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин:

SamKI
KUTUBXONASI

Бухгалтерия ҳисобининг ахборотидан фойдаланувчиларнинг манфаати

Фойдаланувчилар	Манфаати	Ахборот манбалари
Субъектнинг менеджерлари	Ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятнинг самарадорлигини баҳолаш. Молиявий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш	Субъектнинг ички ҳисоботлари. Субъектнинг молиявий ҳисоботи
Солиқ органлари	Солиқ солиш	Молиявий ҳисобот Солиқ бўйича ҳисобот. Ички текширувларнинг маълумотлари
Акциядорлар	Акциялар қиймати курсининг истиқболларини ва дивидендларни тўлаш истиқболларини баҳолаш	Молиявий ҳисобот
Кредиторлар	Кредиторлик қарзларини ўзиш ва фоизларни тўлаш учун керакли ресурсларнинг мавжудлигини аниқлаш	Молиявий ҳисобот, махсус маълумотномалар
Мол етказиб берувчилар	Етказиб берилган моллар бўйича қарзларни тўлаш учун ресурсларнинг мавжудлигини аниқлаш	Молиявий ҳисобот
Харидорлар	Маҳсулотга қўйилган нархларнинг асосланганлиги	Молиявий ҳисобот
Статистика органлари	Статистик умумлаштирувлар	Статистика ҳисоботлари. Молиявий ҳисобот

Умуман олганда, бухгалтерия ҳисоби фани бошқа иқтисодий фанлар сингари жамиятнинг ривожланиб бориши билан у ҳам хўжаликни бошқаришнинг асосий қуролларидан бири сифатида доимо ривожланиб боради. Буни масалан, бухгалтерия ҳисобининг бошқа соҳадаги ўзгаришлар ва такомиллашишини инобатга олмай туриб, счётлар режасининг ўзгаришларида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, счётлар режасидаги энг катта ўзгариш 1960 йилнинг 1 январида содир бўлган. Бунда бухгалтерия ҳисобининг синтетик счётларининг сони анча қисқартирилиб, уларнинг коди (рақами) уч рақам (000)ли белгидан икки (00) рақамли белгига айлантирилган. Бу эса бухгалтерия ҳисобини соддалаштиришдан ташқари, уни механизациялаш ва автоматлаштиришда ўз вақтида жуда қўл келган. Счётлар режасида кейинги қисман ўзгаришлар 1985, 1986 ва 1987 йилларда юз берган. Бу ўзгаришлар хўжалик механизмида

содир бўлган ўзгаришлар ва такомиллаштиришлар муносабати билан юз берган.

Счётлар режасининг охирги ўзгариши фақат бизнинг Республикамизда 1995 йил 1 январдан бошлаб Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва реализацияси бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларнинг таркиб топиши ҳақидаги Низомнинг ҳаётга татбиқ этилиши муносабати билан содир бўлди. Мазкур Низом ўз фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг ишлаб чиқарган маҳсулоти (иш, хизмат)нинг таннархига қўшиладиган харажатларнинг бир хиллигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Маълумки, бухгалтерия ҳисоби қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотни ўлчаш, ишлаш ва топшириш тизими сифатида таърифланади.

Бозор иқтисодиётидаги мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби икки турга бўлинади, улардан биринчиси Молиявий ҳисоб ва иккинчиси Бошқарув ҳисобидир.

Молиявий ҳисобни қисқача таърифлайдиган бўлсак, у давлат ва нодавлат органларнинг ишлаб чиққан ва тавсиф этилган барча қонун ва қоидаларига риоя қилинган ҳолда юритиладиган бухгалтерия ҳисобининг туридир. Унинг маълумотларидан фақат субъектнинг раҳбарияти томонидан ички мақсадлар учунгина фойдаланилмай, бу маълумотлар субъектдан ташқаридагиларга ҳам фойдаланиш учун топширилади.

Бухгалтерия ҳисоботини олувчилар улардан тўғри фойдаланишлари учун бухгалтерия ҳисобининг амалиётига таъсир этадиган ташкилотлар томонидан бухгалтерия ҳисоби бўйича қўлланмалар тизими ишлаб чиқилди. Бундай қўлланма бозор иқтисодиётидаги мамлакатларда, жумладан АҚШда умумқабул қилинган бухгалтерия принциплари деб номланади. Бу принциплар бухгалтер ва ишбилармонлар томонидан улардан фойдаланувчиларнинг талабларини қондириш учун доимо ривожлантирилиб ва ўзгартирилиб борилади.

АҚШнинг бундай миллий ташкилотлари бухгалтерия стандартлари бюроси, Маслаҳатчи бухгалтерларнинг Америкалик институти, қимматбаҳо қоғоз ва биржа муомалалари бўйича комиссияси, Солиқ бошқармаси ва давлат ташкилотларидаги стандартлар бюросидан иборат.

Кейинги йилларда бухгалтерия ҳисобининг принципларини ривожлантириш борасида халқаро ҳамкорлик қилиш анча ривож топа бошлади. Масалан, чет эл матбуотининг маълумотла-

рига кўра, Бухгалтерия стандартларининг халқаро қўмитаси томонидан 20 дан ортиқ халқаро стандартлари маъқулланиб улар 6 та тилга таржима қилинган экан. 1997 йилда эса Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси яратилиб, унга олтмишдан ортиқ мамлакатларнинг ихтисосланган бухгалтерлик ташкилотлари киритилаган. Бу федерация бухгалтерия ҳисобига доир масалаларни халқаро даражада ҳал қилиш билан шуғулланади. Ундан ташқари АҚШ даги бухгалтерия ҳисобига таъсир қилувчи ташкилотларга Бухгалтерларнинг миллий ассоциацияси, Молиявий раҳбарлар институти ва Америка бухгалтерлар ассоциациясини киритиш мумкин. Ўзбекистон Республикасида бундай ташкилотларга ҳозирча Ўзбекистон Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси давлат истиқбол ва статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлари ва аудиторларининг ассоциясидан иборат.

Молиявий ҳисоб молиявий ҳисобот деб номланадиган қатор ҳисоботларни тузиб топшириш билан якунланади. Бухгалтерия ҳисобининг умум қабул қилинган принципларига биноан қуйидаги учта ҳисобот тузилиши керак:

1. Бухгалтерия баланси.
2. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот.
3. Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот.

Шу билан бирга ушбу молиявий ҳисобот қуйидаги ахборотлар билан таъминланиши лозим:

1. Мавжуд ва бўлғуси кредиторларга унумли капитал қўйилмалар қилиш ва кредитларни бериш ҳақида қарорлар қабул қилиш учун хизмат қиладиган.

2. Хўжалик-иқтисодий фаолиятни тушунадиган ва ахборотни оқилона ўрганишга ҳаракат қиладиган шахсларга тушунарли бўлиш.

3. Субъектнинг иқтисодий ресурслари, уларга қўйилган талаблар ва шу ресурслар ҳамда уларга қўйиладиган талабларни ўзгартирадиган хўжалик муомалалари ҳамда ҳодисаларнинг таъсири ҳақида.

4. Субъектнинг тегишли давр мобайнидаги фаолиятининг молиявий натижалари ҳақида.

5. Ахборотдан фойдаланувчиларга дивидендлар, фоизлар бўйича пул маблағларининг келиб тушиши мўлжалланган суммаларини баҳолаш ва вақтлар ичида тақсимлаш ва шунингдек

реализациядан ёки қарзларни узиш ёки қимматбаҳо қоғозлардан олинган даромадларни баҳолаш имконини беради.

Бу келтирилган вазифалардан биринчи ва иккинчиси молиявий ҳисобот ҳақидаги ахборот олдига қўйилади, бунда ҳисобот тушуна биладиган ўқувчига тайёрланади. Учинчи вазифа бухгалтерия балансига, тўртинчиси фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга ва бешинчиси мавжуд пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботга тегишлидир. Уларнинг ҳаммаси биргаликда молиявий ҳисоботни ташкил қилади ва ўтган давр тўғрисидаги ахборот ҳисобланиб, улар фойдаланувчиларга хўжалик субъектнинг келажакдаги молиявий аҳволи, маблағларнинг ҳаракатига тегишли бўлган истиқболини белгилаш ва қарорлар қабул қилишга ёрдам бериш учун топширилади.

Гарчи юз йиллар давомида бухгалтерия ҳисоби биринчи навбатда давлатнинг манфаати учун хизмат қилган. Масалан, солиқ йиғиш фаолияти билан боғлиқ бўлган бўлса ҳам, саноат революциясининг натижасида унинг олдига янги талаблар қўйилган. Чунки тобора йириклашиб бораётган корхоналар ўзларини молиялаш ва фаолиятларни бошқарадиган одамларнинг сонини ошириш учун маблағлар зарур бўлган. Шундай қилиб, икки гуруҳ юзага келган, улардан бири – маблағ қўювчилар, иккинчиси эса бошқарувчилар. Биринчиси иккинчисидан субъектнинг ихтиёрига берилган маблағларнинг сақланиши ва фойдаланиши ҳақида ҳисобот талаб қилган. Шу билан бирга бошқарувчи (менеджер)лар томонидан талаб қилинаётган ахборот субъектнинг мулкларини бошқариш учун ҳам фойдали эканлигини англаганлар. Шундай қилиб бошқарув ҳисоби ҳам ривожлана бошлаган.

Бошқарув ҳисоби ахборот турларидан биридир. У субъект доирасидаги жарён ҳисобланиб, субъектнинг ходимлари томонидан режалаштириш, ўзини бошқариш ва субъектнинг фаолиятини назорат қилиш учун фойдаланиладиган ахборот билан таъминлайди. Бу жараён бошқарув ходимларига ўз функцияларини бажариш учун зарур бўлган ахборотни топиш, ўлчаш, йиғиш, таҳлил қилиш, тайёрлаш, тушунтириб (изоҳ) бериш, топшириш ва қабул қилишларни ўз ичига олади.

Маълумки, ташкилотнинг кундалик фаолияти натижасида турли туман ва ҳар куни содир бўлган воқеалар бўйича тезкор ахборот юзага келади. Бу ахборот молиявий ва бошқарув ҳисобида акс эттириладиган якуний ахборот учун хом-ашёдир.

Умуман олганда, менеджер учун ҳар қандай ахборот ҳам, у ҳисоб обеъктими ёки йўқми, баҳолаш мумкинми ёки йўқми, ундан қатъий назар, у жуда муҳимдир. Масалан, буюртмачи компания маҳсулотининг сифатидан норози ва у бошқа мол етказиб берувчини қидиришга тайёр эканлиги тўғрисидаги хабарни олди, гарчи у ҳисоб объекти бўлмаса ҳам ва уни миқдорий жиҳатдан баҳолаб бўлмаса ҳам, бундай ахборот ўзича жуда муҳимдир.

Юқорида таъкидланганидек, акцияларнинг эгалари, кредиторлар ва субъектлардан ташқаридаги бошқа манфаатдор шахслар учун аталган бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот ва пул активларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, молиявий ҳужжатлари сифатида ташкилотнинг ўз менежерлари учун ҳам жуда фойдалидир. Лекин бошқарув ходимлари учун бухгалтерия ҳужжатларидаги ахборотларга қараганда янада кўпроқ мукаммаллаштирилган ахборот керак бўлади.

Шунинг учун тезкор ахборот бошқарув ҳисобини дастлабки маълумотлар билан таъминлайди. Лекин тезкор ахборотнинг кўпчилик қисми менежерни бевосита қизиқтирмаслиги мумкин. Масалан, агар ишлар яхши кетаётган бўлса, менежерни палончи муҳандиснинг ўтган ойнинг ярмида ишлаб топган маоши қанча бўлганлиги ёки субъектнинг счётига ўтган куни қанча пул келиб тушиши тўғрисида маълумот қизиқтирмайди. Албатта бу ҳодисалар тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши шарт ва бу хужжатлар бошқарув тизимининг дастлабки поғонаси томонидан фойдаланилиш мумкин. Менежер эса дастлабки ҳисоб ҳужжатларидан олинган якуний ахборотдан фойдаланса ҳам бўлаверади. Бошқача қилиб айтганда, бошқарув ҳисобида фойдаланиладиган ахборот якуний ахборотдир.

Маълумки, бухгалтерлар ҳар хил мулкчилик шаклидаги субъектларда ёлланиб ишлайдилар. Уларнинг субъектнинг фаолияти тўғрисидаги билимлари қанчалик кенг, ҳар томонлама ва чуқур бўлса, бошқарув ҳисоби соҳасидаги бухгалтернинг бошқарув қарорларига таъсири ҳам шунча катта бўлади. Кейинги пайтларда ривожланган мамлакатлардаги раҳбар ходимларнинг аксарияти бухгалтерлик ёки молиявий билимга эга бўлишга интилганлар.

Бошқарув ҳисоби бухгалтерларининг асосий вазифалари бошқарув ходимларини тўғри бўлган бошқарув қарорларини чиқариш учун зарур бўлган ахборот билан таъминлашдан иборат. Фирма фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва

ўғирликнинг олдини олиш мақсадида бухгалтерияда ички назорат тизимини яратишлари керак бўлади. Улар фойда режаларини тузиш, сметалар тузиш ва маблағларнинг ҳаракатлари устидан назорат қилишда фаол қатнашадилар. Улар шунингдек ҳужжатларни тўғри юритиш ва ҳужжатлардан фойдаланишни кузатиш, тегишли молиявий ҳисоботларни тайёрлаш субъект томонидан солиқлар тизимига доир қонунчилик ва давлат томонидан ўрнатилган тартиб ва қоидаларга риоя қилишини назорат қиладилар. Улар компьютерлаштирилган тизимлардаги энг янги ҳамда ҳисобда компьютерлардан фойдаланиш борасида эришилган янгиликлар билан таниш бўлишлари лозим.

Молиявий ва бошқарув ҳисоблари бир бирларидан қуйидаги нуқтаи назардан ва хусусиятлари билан фарқ қилади:

1. Ҳисобни юритишнинг мажбурийлиги. Молиявий ҳисобнинг юритилиши мажбурийдир. Талаб қилинадиган шакл ва талаб қилинадиган аниқлик даражасидаги маълумотларни йиғиш учун, бу маълумотларни маъмурият фойдали ҳисоблайдими ёки йўқми, ундан қатъий назар, катта куч сарфланади.

Бошқарув ҳисобини юритиш раҳбариятнинг ихтиёрига боғлиқ. Бунда ҳеч қандай бегона ташкилот нима қилиш керак ва нимани қилмаслик кераклиги тўғрисида буйруқ бераолмайди. Шунинг учун бошқарув ҳисобини юритиш бутунлай маъмуриятнинг хоҳишига боғлиқ. Агар ахборотни йиғиш ва ишлаш улардан олинадиган нафдан қимматга тушса, унда бундай ахборотни олишга хожат қолмайди.

2. Ҳисобни юритишдан мақсад. Молиявий ҳисобнинг мақсади – субъектдан ташқаридаги фойдаланувчилар учун зарур бўлган молиявий ҳужжатларни тузишдир. Ҳужжатлар тузилгандан сўнг мақсадга эришилган ҳисобланади. Бошқарув ҳисоби фақат режалаштириш, ўзининг фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш қуроли бўлиб ҳисобланади.

3. Ахборотдан фойдаланувчилар. Молиявий ҳисобни юритиш натижасида олинган ахборотдан фойдаланувчилар аксарият аниқ бўлмаган ташкилотлардан иборат (бундан ташкилотнинг ўз маъмурияти мустаснодир). Кўпчилик компанияларнинг маъмурияти шу компаниянинг бухгалтерия ҳисоботидаги ахборотлардан фойдаланувчи акциядорлар, кредиторлар ва бошқа шахсларнинг кўпчилигини шахсан билмаслиги мумкин. Ундан ташқари, кўпчилик ташқи фойдаланувчиларнинг талаблари бир хил деб фараз қилинади. Бошқарув ҳисобининг маълумотларидан фойдаланувчиларнинг (компаниянинг мене-

жерлари ва уларга ахборотни йиғиш ва таҳлил қилишда ёрдам берувчи ходимлар) эса одатда ҳар бири шахсан маълум бўлади. Шунинг учун уларга хос бўлган талаблар ҳам маълум бўлиб, бошқарув ҳисобининг тизими ҳам шу талабларга мосланган бўлади.

4. Негизли (базисли) тузилиши. Молиявий ҳисоб асосланган тенглик, яни актив=мажбурият+субъект эгасининг капитали деган тушунчага асосланиб тузилади. Бошқарув ҳисоби эса учта ҳар хил бўлган принциплар гуруҳига асосланади, унда ягона келиб чиқишлик мавжуд эмас. Бир гуруҳ принципларга асосланиб, тайёрланган ахборотлардан маълум мақсадларда фойдаланиш мумкин, ағарда бошқа мақсадлар учун ишлатилганда, у нафақат камроқ наф келтириши у ёқда турсин, балки баъзида чалкашликларга олиб келиши мумкин.

Бошқарув ҳисобининг ҳар бир тизими даромадлар, чиқимлар (харажатлар), активлар тущунчаларига қараб иш кўради.

Ҳисобнинг бу тизими маълумотларнинг икки турига қараб иш кўради:

1. Содир бўлиб ўтган ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар.
2. Келгуси даврларни баҳоловчи маълумотлар.

Биринчиси бўлиб ўтган ҳодисани рўйхатга олишни англатса, иккинчиси – келажакда нима бўлишини англатади (тахмин қилади). Келажакда бўладиган ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги савол бўйича мўлжал қилиш учун хизмат қилади: Ишлар қандай кетаяпти? Қандай муаммоларга муҳимроқ эътибор бериш керак? Келгуси даврларни баҳоловчи маълумотлар тегишли муаммоларнинг ичида қайси бир вариант яхшироқ бўлиши мумкин деган саволга жавоб беради.

5. Асосий қоидалар. Молиявий ҳисоб умумий қабул қилинган ҳисобнинг асосий принципларга биноан юритилиши керак. Бунда ташқи фойдаланувчилар бухгалтерия ҳужжатларининг умумқабул қилинган асосий қоидалар асосида тузилганлигига амин бўлишлари керак. Акс ҳолда бухгалтерия ҳисобининг маълумотларини тўғри тушинишга ишонч бўлмайди.

Ташкилотнинг бошқарув ходимлари эса ички бошқарув ҳисобида қўлланиладиган қоидаларнинг фойдалилигига қараб, ҳисобнинг ҳар қандай қоидаларига ҳам асосланаверади. Бошқарув ҳисобининг қоидаларини асословчи асосий омил ундан наф келишидир.

6. Вақт билан боғланиш. Молиявий ҳисоб ташкилотнинг молиявий тарихини акс эттиради. Бухгалтерия ўтказмалари

хўжалик муомалалари содир бўлиб ўтгандан кейин берилади. Гарчи молиявий ҳисобнинг маълумотлари режалаштириш учун асос қилиниб олинса ҳам, улар ўз табиатларига кўра тарихий хусусиятга эгадир. Бошқарув ҳисоби тарихий хусусиятга эга бўлган ахборот билан биргаликда, келажакни баҳолаш ва режалаштиришни ҳам ўз таркибига олади. Молиявий ҳисобнинг вазифаси – у қандай бўлганлигини кўрсатиш бўлса, бошқарув ҳисоби – у қандай бўлиши кераклигини кўрсатади.

7. Ахборотнинг кўриниши – шакли. Молиявий ҳисобнинг пировард маҳсули бўлган молиявий ҳужжатлар асосан пул ифодасидаги ахборотдан иборат. Бошқарув ҳисоби ҳам пул ифодасидаги, ҳам пулда ифодаланмаган ахборотни беради. Бошқарув ҳисобида материалларнинг миқдори ва унинг қиймати, сотилган буюмларнинг сони ва уларни сотишдан тушган пулнинг суммасини акс эттиради ва ҳоказо.

8. Ахборотнинг аниқлик даражаси. Фирманинг маъмуриятига ўз вақтида олинган ахборот керак ва бунда кўпинча ахборотни тезроқ олиш фойдасига ахборотнинг аниқлигига қўйилган талабларни маълум даражада бўшаштиришга ҳам йўл қўйиш мумкин. Шундай қилиб бошқарув ҳисобидан кўпинча, аниқ бўлган маълумотларга қараганда, тахминий маълумотлардан кўпроқ фойдаланилади. Албатта, молиявий ҳисобнинг маълумотлари ҳам ҳар доим жуда аниқ бўлиши керак, лекин бошқарув ҳисобида, молиявий ҳисобга қараганда тахминий маълумотлардан кўпроқ фойдаланилади.

9. Ҳисоботнинг даврийлиги. Тўлиқ молиявий ҳисобот субъект томонидан йилнинг якуни бўйича тузилади, унчалик батафсил бўлмаган ҳисобот эса ҳар чоракда тузилади. Бошқарув ҳисобида эса батафсил ҳисоботлар катта ташкилотлар томонидан ҳар ойда тузилади. Фаолиятнинг айрим турлари бўйича ҳисоботлар ҳар ойда, ҳар куни, баъзи пайтларда эса – шу ондаёқ тузилиши мумкин.

10. Ҳисоботларни топшириш муддатлари. Маълумотларни ташқи аудиторлар томонидан молиявий ҳисоботларни текшириш, тайёрлаш, чоп қилиш ва тақсимлаш учун маълум вақт керак бўлганлиги сабабли, улар фойдаланувчиларнинг қўлига ҳисобот даври тугагандан кейин бир неча ҳафта ичида келиб тушади.

Бошқарув ҳисоби бўйича тузилган ҳисобот эса кечиктирмасдан чора кўришни талаб қиладиган ахборотдан иборат бўлиши мумкин.

Бу ҳисоботлар одатда ҳисобот ойи ўтгандан кейин бир неча кунда ёки кундалик ҳисобот учун олинган куннинг эрталабига тузилади.

11. Ҳисоботнинг объекти: Молиявий ҳисоботларда ташкилот ягона бутунликда изоҳланади. Бир нечта тармоқларда фаолият кўрсатаётган компаниялар учун тармоқнинг ҳар бири бўйича харажат ва олинган даромадларни акс эттириш зарурияти мавжуд. Бошқарув ҳисобида асосий эътибор субъектнинг унча катта бўлмаган бўлинмаларига ва улардаги айрим буюмлар, фаолият турлари, ташкилий бўлинмалар, жавобгарлик марказларига жалб қилинади. Лекин субъект харажатларининг жаъми суммасини қисмларга бўлиб, айрим бўлинмаларнинг харажатларига ёзиш (ўтказиш), молиявий ҳисобда мавжуд бўлмаган, муҳим муаммоларни келтириб чиқаради.

12. Ҳисобни тўғри юритмаганлиги учун жавобгарлик. Гарчи бундай ҳоллар кам учратилса ҳам, баъзида кредиторлар ёки акциядорлик компаниялар йиллик бухгалтерия ҳисоботи ва балансдаги ахборотни асоссиз бузиб кўрсатилганлиги ҳақида компанияни айблаб, судга мурожаат қилишлари мумкин. Бошқарув ҳисобидаги ҳисоботлар эса, юқорида таъкидлангандагидек, ҳисобда умумқабул қилинган принципларга албатта тўғри келиши шарт эмас ва улар кенг оммага мўлжалланган эмас.

Менежер ўзининг нотўғри бўлган қарорлари учун жавобгарликка тортилиши мумкин ва бунда бошқарув ҳисобининг маълумотлари бундай қарор ва кейинчалик амалга ошириладиган тадбирларга сабаб бўлиши мумкин. Лекин жавобгарликка тортиш учун бошқарув ҳисобининг қандайдир маълумотлари эмас, балки фақат қабул қилинган қарор ёки амаллар сабаб бўлиши мумкин.

Молиявий ҳисоб билан бошқарув ҳисоблари ўртасидаги юқорида келтирилган фарқларга қарамасдан, уларнинг ўртасида ўхшашлик ҳам мавжуддир. Чунки молиявий ҳисобда мавжуд бўлган элементларни бошқарув ҳисобида ҳам топиш мумкин. Бунинг икки сабаби бор: 1) молиявий ҳисоб учун умумқабул қилинган принципларнинг аҳамиятини белгиловчи омиллар бошқарув ҳисобига нисбатан ҳам амал қилади. Масалан, бошқарув ходимлари ўзининг фаолиятида мутлақо текшириб бўлмайдиган субъектив баҳолаш ва фикрларга таянаолмайдиган стандартлар мавжуд бўлиб, ҳар бир мамлакат ўзига зарур деб билган принциплардан (ҳисоб юритишнинг асосий қоидалари) фойдаланади. Бу принциплар одатда бир нечта асо-

сий консепсия ва идрок қилинадиган тушунчаларга таяниб ишлаб чиқарилган бўлади.

Ҳозирги пайтда барча мамлактларда бухгалтерия ҳисоби биринчи навбатда баланслаштириш принципига таянади.

Маълумки, бухгалтерия баланси ҳисобни мустақил юритадиган ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг маълум бир вақтга бўлган молиявий аҳволини пул ифодасида акс эттиради.

Молиявий аҳвол деганда компаниянинг маълум бир даврга мавжуд бўлган иқтисодий ресурсларининг шу компаниянинг барча капиталига (солиштириб) қарши қўйилиши тушунилади. Бунда иқтисодиёт ҳамма капиталга тенг бўлади. Ҳар бир компаниянинг икки турдаги капитали бўлади: ўз капитали ва жалб қилинган кредиторлик қарзлар. Шундай қилиб иқтисодий ресурслар — жалб қилинган капитал, мажбуриятлар ва умуман капиталлардир.

Бухгалтерия ҳисобидаги атамаларга биноан иқтисодий ресурсларга актив сифатида, кредиторлик қарзлари эса пассив сифатида қаралади. Лекин бизнинг мамлакатимизда пассив деганда ҳам ўз маблағларининг манбалари, ҳамда жалб қилинган маблағларнинг манбалари (биргаликда) тушунилади. Бозор иқтисодиёти ривожланган бошқа мамлакатларда эса пассив деганда фақат кредиторлик қарз тушунилади. Шунинг учун ушбу мамлакатларда бу тенглик қуйидагича ифодаланса:

активлар = пассивлар + капитал

бизда: активлар=мажбуриятлар+капитал тенглиги билан ифодаланади, яъни барча активлар барча пассивларга тенг бўлади. Шу келтирилган тенглама бутун дунёда балансли тенглама сифатида маълумдир.

Активлар — бу субъектда илгари амалга оширилган муомалалар ёки ўтган даврда содир бўлган ҳодисалар воситасида ва мазкур юридик шахс томонидан сотиб олинган ёки назорат қилинадиган маблағларнинг ҳолатини акс эттиради.

Активлар балансда пулда ифодаланган қийматлик, яъни пул маблағлари ва қарздорлик мажбуриятлар (дебиторлар), материал қийматликлар, жумладан, товар захиралари, ер участкалари, иморатлар, асбоб-ускуналар, муаллифлик ҳуқуқлари ва савдо белгилари сифатида келтирилади.

Мажбуриятлар — мазкур юридик шахс томонидан бошқа юридик шахслардан олинган активлар ёки уларнинг хизматидан фойдаланиб илгари амалга оширилган муомалалар ёки илгари бўлиб ўтган ҳодисалар натижасида даромадларнинг тах-

мин қилинган потенциал камайишини англатади. Мажбуриятлар компаниянинг қарзлари, кредиторларга кредитга сотиб олинган товарлар ва хизматлар учун қарзлар, топширилган васиқалар учун қарзга олинган пул маблағлари, ишчи ва хизматчиларга меҳнат ҳақи бўйича қарзлар, ҳамда давлатга солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича қарзлардан иборат. Агар фирма ўз қарзларини тўлаш қобилиятига эга бўлмаса, унда қарзларини тўлаш учун фирманинг активларини мажбурий соттириш Қонун билан белгиланган. Бунда кредиторлар мулк эгаларига қараганда кўпроқ ҳуқуққа эга бўлиб, ўзларига тегишли бўлган суммаларни тўла-тўкис ундириб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Капитал – юридик шахснинг мавжуд активларидан мажбурият суммаларининг айириб ташланганидан кейин қолган қисми (суммаси)дан иборат бўлиб, шу юридик шахснинг манфаатини англатади. Бизнесда мулк эгасининг манфаати ўз капитали ёки оддий қилиб айтганда, капитал деб номаланди. Капитал мулк эгасининг компания активларига қилинган талабнома (заявка)сини англатади. Унинг суммаси қолдиқ капитал деб аталади. Чунки, агар мулк эгаси ҳамма мажбуриятларини тўласа, қолган сумма капитал ҳисобланади. Шундай қилиб баланс тенгламасидан фойдаланиб, капитални қуйидагича аниқлаш мумкин:

капитал = активлар - мажбуриятлар

Капитал активлар билан мажбуриятлар ўртасидаги фарққа тенг бўлганлиги сабабли баъзида капиталнинг қолдиғи активга тенг дейишади.

Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг энг асосий принципи бўлган баланслаштириш принципидан ташқари, 1996 йилнинг 30 августида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонун"га кўра қуйидаги асосий принциплар киритилган:

– бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзув усули билан юритиш;

– узлуксизлик;

– хўжалик муомалаларини, актив ва пассивларни пулда баҳолаш;

– ишончлилик;

– ҳисоблаш;

– узоқни кўриш (эҳтиёкорлик);

– мазмуннинг шаклдан устиворлиги;

– кўрсаткичларнинг солиштирувчанлиги;

– молиявий ҳисоботнинг холислиги (нейтраллиги);

– ҳисобот давридаги даромад ва харажатларнинг бир бирига тўғри келиши;

– актив ва мажбуриятларни бохолашнинг ҳақиқийлиги.

Юқорида келтирилган принципларнинг кўпчилиги илгари маъмурий иқтисодиёт шароитида ишлаган бугалтерлар учун янгиликдир. Лекин уларнинг баъзилари, биринчи қарашда таниш кўринса ҳам, бозор иқтисодиёти шароитида бутунлай бошқа маънога эга.

Бухгалтерия ҳисобининг иккиёқлама ёзув усули билан юритиш принципи ёки ҳисобнинг иккиламчилик концепцияси, бухгалтерия ҳисобининг назарияси курсидан бизга маълум. бўлган иккиёқлама ёзув атамаси ҳисобнинг иккиламчилик концепциясининг амалий гавдаланиши ёки қўлланилиши усулидир. Маълумки субъектнинг иқтисодий ресурслари активлар деб аталади.

Пассивлар ўз навбатида икки турга бўлинади: мажбуриятлар, яъни кредиторлар (фирма эгаларидан ташқари, ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар)нинг талаблари ва мулк эгаларининг капитали, яъни субъект эгаларининг талаблари. Акциядорлик субъектлари эгаларининг капитали одатда акциядорлик капитали деб номланади. Субъектнинг ҳамма активлари ёки унинг эгалари ёки кредиторлар томонидан талаб қилиб олиниши мумкинлиги ва бу даъволарнинг умумий суммаси талаб килинаётган активлар суммасидан ошмаслиги сабабли активлар ва пассивлар тенг бўлади. Мана шу асосий бухгалтерия тенгламаси шакли ҳисобнинг иккиламчилиги консепсиясини ифодалайди. Бухгалтерия ҳисобининг барча тадбирлари асосан шу тенгламадан келиб чиқиб, у қуйидагича ифодаланади:

Активлар = мажбуриятлар + капитал

Шунингдек бизга маълумки, субъектнинг ҳисоб регистрларида акс эттириладиган ҳодисалар хўжалик муомалалари деб баҳоланиб, ҳар бир хўжалик муомаласи ҳисоб регистрларига икки томонлама таъсир кўрсатади. Чунки бухгалтерия ҳисобининг тизими шундай ташкил қилинганки, хўжалик муомаласининг ҳар иккала таъсири ҳам ҳисоб регистрларида акс эттирилиши шарт. Шунинг учун бухгалтерия ҳисоби иккиёқлама ёзув тизими деб номланган.

Бухгалтерия ҳисобининг иккиламчи консепсиясини тушунтиришда қуйидаги воқеага мурожаат қиламиз. Фуқаро Аҳмедов янги субъект очаяпти деб фараз қиламиз. Бунинг учун у биринчи навбатда банкда счётини очиб, ўзининг шахсий пулларидан 100 минг сўм топширди дейлик. Бу хўжалик муомаласининг иккиламчи таъсири шундаки, энди субъект 100 минг сўмлик пул маблағлари, яъни активга эга бўлди, фуқаро Аҳмедов, мулк эгаси эса бу активларга нисбатан 100 минг сўмлик талабга эга бўлди. Бошқача қилиб айтганда, буни қуйидагича ифодалаш мумкин:

Активлар (пул маблағлари), 100 минг сўм = Пассивлар эгасининг капитали, 100 минг сўм.

Навбатдаги хўжалик муомаласи 30 минг сўмлик банк кредитини олишдан иборат бўлган. Бунда ҳисоб регистрлари икки йўналишда ўзгартирилган:

1) уларнинг пул маблағлари 30 минг сўмга кўпайиб, 130 минг сўмни ташкил қилганлигини кўрсатади ва 2) уларнинг активларига янги талаб, яъни банкнинг 30 минг сўмлик талабининг пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Узлуксизлик. Маълумки, бухгалтерия ҳисоби субъектнинг хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг ҳаракатини кўрсатади. Бунинг учун у хўжалик жараёнидаги барча муомалаларининг устидан ёппасига ва узлуксиз кузатув олиб бориб, натижада олинган маълумотларни ўлчаш ва ҳужжатларда акс эттириш йўли билан уларни ягона пул ўлчовида умумлаштирган ҳолда кўрсатиб беради. Шунинг учун бухгалтерия ҳисоби айрим субъектларда содир бўлаётган жараён ва хўжалик муомалаларини узлуксиз кузатиш ва кетма-кет қайд қилишни амалга ошириш ва хўжалик фаолиятини ҳар томонлама назорат қилиш усули ҳисобланади.

Хўжалик муомалаларининг актив ва пассивларини пулда баҳолаш. Бу принцип универсал ўлчагич сифатида пул ўлчагичидан фойдаланишни англатади.

Умумийлик. Молиявий ҳисобот фақат пулда ифодаланган ахборот сифатида қайд қилинади. Бундай ҳисобнинг афзаллиги шундаки, унда пул умумқабул қилинган ўлчагич ҳисобланиб, унинг воситасида содир бўлган турли-туман ходисалари умумлаштириш мумкин бўлган кўрсаткич, яъни пулда ифодалаш мумкин бўлади.

Лекин шундай афзаллилигига қарамасдан, бухгалтерия ҳисоби бизнесда муҳим ҳисобланган баъзи ҳолатларни, маса-

лан, фирма президентининг соғлиғи, қурилишнинг бошланиш вақти, рақобатчи субъект бозорга яхшироқ маҳсулот олиб чиққанлиги каби ҳодисаларни акс эттирмайди.

Ишончлилик. Бу принцип бухгалтерия ҳисобининг ахборотлари хатосиз эканлиги ва ростликни англатади. Бухгалтерия ҳисобини юритиш қонуни ва қоидаларини бузган шахслар белгиланган тартибда жазоланади.

Ҳисоблаш (начисление). Ҳисоблаш усули субъектнинг бухгалтерига тегишли даромадлар ва харажатларнинг қайси ҳисобот даврига тегишли эканлигини ҳал қилиш имконини беради. Ҳисоблаш усулига биноан даромадлар, гарчи олинадиган пул маблағлари сотувчининг счётига ҳали ўтказилмаган бўлса ҳам тегишли маҳсулот қайси ҳисобот даврида жўнатилган ёки хизматлар бажарилган бўлса, ўша давр (ой)га тегишли бўлади. Шунингдек харжатлар ҳам, улар субъект томонидан шу ҳисобот даврида тўланганми ёки йўқми, ундан қатъий назар, қайси ҳисобот даврида юзага келган бўлса, ўша ҳисобот даврида акс эттирилади. Шу билан бирга, ҳисоблаш усули эҳтиёткорлик принципидан фойдаланишни ҳам назарда тутади.

Консерватизм (эҳтиёткорлик). Эҳтиёткорлик ёки консерватизм принципи ҳисобот ҳужжатларида активлар ва фойданинг баҳоланишини, иш ва хизмат кўрсатиш ва мажбуриятларнинг баҳоланишини пасайтириб кўрсатишга йўл қўймасликни назарда тутади. Шунинг учун потенциал зиёнлар ёки зарарларни акс эттириш учун, потенциал фойдани акс эттиришга қараганда камроқ асослардан фойдаланса ҳам бўлаверади, деган маънога эга.

Эҳтиёткорлик принципини акс эттиришлардан бири пастроқ баҳолаш қоидаси, яъни таннарх ёки бозор нархида баҳолаш ҳисобланади. Бу қоиданинг моҳияти шундаки, агарда субъект ўзининг айланма маблағларини бир нархда сотиб олгану, лекин ҳозирги пайтда уларнинг нархи тушиб кетган бўлса, унда субъект ўзининг ҳисобот ҳужжатларида маблағларини жорий бозор нархида акс эттириб, фарқларини жорий давр зарарларига ўтказиши керак бўлади. Лекин, агар мазкур ҳисобот давридаги айланма активларнинг бозор нархи шу активларнинг сотиб олиш нархига қараганда ошиб кетган бўлса, унда субъект ўз активларини шу ошиб кетган бозор нархи бўйича ҳақиқатда сотилиши дақиқасигача ўз ҳужжатларига ҳеч қандай ўзгартиришлар киритмайди. Бухгалтерия ҳисобида қабул қилинган бундай тартиб бозордаги ўзгарувчан ҳолатларни ва у билан боғлиқ бўлган субъектнинг хўжалик фаолияти ва унинг

мулкчиларининг таваккалчилигини ҳисобга олиш имкониятини беради. Бу концепциядан амалий фойдаланиш мақсадида бозор иқтисодиётидаги давлатларда махсус қоидалар, яъни молиявий ҳисоб ва ҳисобот стандартлари ишлаб чиқилади. Бу стандартлар ташқи фойдаланувчилар учун аталган молиявий ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатларини тузишда маълум концептуал бирликни таъминлаш учун хизмат қилади. Бу нарса шунингдек молиявий ҳисоботни тузишда муҳим бўлган яна бир принцип ҳисобланган ташқи фойдаланувчиларга тушунарли бўлишликни ҳам таъминлайди.

Мазмуннинг шаклдан устиворлиги. Бу принципнинг моҳияти шундай, ахборотни молиявий ҳисоботда акс эттирилганда унинг юридик шаклидан кўра унинг иқтисодий мазмунига кўпроқ эътибор берилади. Масалан, агарда субъект ўз фаолиятида узоқ муддатга ижарага олинган маблағлардан фойдаланса, унда у (ижарага олувчи субъект) бу маблағларни, гарчи улар юридик нуқтаи назаридан бошқа субъектларнинг мулки бўлса ҳам, балансда активлар таркибида акс эттиради.

Кўрсаткичларнинг солиштирувчанлиги. Солиштирувчанлик субъектнинг хўжалик-молиявий фаолияти ҳақидаги маълумотлар бошқа субъектларнинг фаолияти тўғрисидаги шунга ўхшаш ахборот билан солиштириш мумкин бўлишлигини таъминлашни талаб қилади. Бундан ташқари, ушбу субъектда қўлланиладиган бухгалтерия ҳисобининг усулларини иложи борича узоқ муддатда, ўзгартирилмасдан, сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир.

Чунки бунинг воситасида бир неча ҳисобот давридаги субъектнинг фаолиятига доир маълумотларини солиштириш имконига эга бўлинади.

Молиявий ҳисоботнинг холислиги /нейтраллиги/. Нейтраллик – моливий ҳисобот ундан фойдаланувчиларнинг бир гуруҳининг манфаатини кўзлаб иккинчи гуруҳнинг зарарига хизмат қилмайди.

Ҳисобот давридаги даромад ва харажатларнинг бир бировига тўғрилиги. Бу принцип мазкур ҳисобот даврининг даромадларини олиш имконини яратган харжатларгина акс эттирилиши лозимлигини англатади. Агар айрим даромадлар ва харажатлар ўртасидаги бевосита боғлиқликни аниқлаш қийин бўлса, унда харажатлар бир неча ҳисобот даврлари ўртасида бирор шартли тақсимлаш усули ёрдамида тақсимланади. Бунга мисол тариқасида бир неча йилларга тақсимланадиган амор-

тизацияланадиган харажатларни келтириш мумкин. Бунга шунингдек келгуси давр харажатларини акс эттириш масаласини ҳам мисол сифатида келтириш мумкин. Чунки келгуси давр харажатлари ҳам қайси даврда даромад келтирса, ўша даврнинг ҳисобига ўтказилади. Умуман олганда бу масала анча мураккаб бўлиб, кўпинча бу харажатларнинг қайси даврга тааллуқлигини аниқлаш маъқулдир.

Актив ва мажбуриятларни баҳолашнинг ҳақиқийлиги. Бу принципнинг моҳияти шундаки, актив ва пассивларни баҳолаш уларнинг сотиб олиш таннархига асосланади, яъни дастлаб субъектга келтириш неча пулга тушган бўлса шу қийматда баҳоланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида субъектларнинг солиқ тўлаш қоидаларига риоя қилиши солиқ назорати ташкилотлари томонидан назорат қилинади. Ҳисоботни тузиш қоидаларига риоя қилиниши эса мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан текширилади. Бу ташкилотлар ҳисоботни текшириб бўлгандан кейин ташқи фойдаланувчиларга топширилган ҳисоботларнинг тўғри эканлигини ёзма тасдиқлаб берадилар. Субъектнинг инвесторлари, одатда, бухгалтерия ҳисобининг ички счётларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар. Шунинг учун ҳам бундай аудиторлик назорати ташқи фойдаланувчиларга зарурдир. Шунинг учун капитални инвестиция қилиш объектларига жамиятнинг ишончини таъминловчи аудиторлик тизимининг мавжудлиги бозор механизмининг муҳим омилларидир ва шартларидан бири ҳисобланади. Аудит тизими солиқ инспекциясидан катта фарқ қилади. Чунки унинг вазифаси солиқлар ва бюджетга бошқа ажратмалар бўйича ҳисоблашишнинг тўғри эканлигини текширишдан иборат бўлибгина қолмай субъект томонидан топширилган ҳисоботлардаги маълумотларнинг тўғри эканлигини исботлаш йўли билан маблағ қўювчилар (инвесторлар) ва кредиторларнинг манфаатини ҳимоя қилишдан ҳам иборатдир. Шунинг учун барча бозор иқтисодиёти шароитидаги мамлакатларда аудит тизимини такомиллаштириш, унинг ишончлилигини ва муҳимлигини ошириш борасида катта ишлар олиб борилмоқда.

Албатта, аудиторлик тизими субъектнинг ҳисоботидаги маълумотларнинг тўғри эканлиги тўғрисида тўла кафолат бўла олмайди ва бунинг учун жавобгарлик фақат ташқи аудитга эмас, субъектнинг раҳбариятига ҳам юкланади.

Лекин аудиторлик тизими бозор иқтисодиёти шароитида муҳим тизимлардан ҳисобланади.

Кейинги пайтларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот тизимида катта ўзгаришлар бўлиб ўтмоқда. Бунда айниқса 1992 йил бозор иқтисодиёти ҳамда халқаро талабларга жавоб берадиган ҳисоб тизимини яратишда муҳим сана бўлиб қолди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришнинг асосий хусусияти шундаки, давлат томонидан ҳисоб ишларини ташкил қилишга доир ҳужжатларда бухгалтерия ишларини уюштиришнинг асосий услубий принциплари билан биргаликда субъектга ҳисоб юритишда у ёки бу сиёсатни, бухгалтерия ҳисобининг шаклини, ҳисоб ахборотини ишлаш технологиясини, бухгалтерия ишларини ташкил қилиш усулларини танлаш ҳуқуқлари берилган. Шу муносабат билан кейинги йилларда ватанимиздаги ҳисоб назарияси ва амалиётида субъектнинг ҳисоб сиёсати деган тушунча пайдо бўлиб, у замонавий шароитдаги бухгалтерия ҳисобининг ривожланиш йўналишини акс эттиради.

Ҳисоб сиёсатини бухгалтерия ҳисобини юритиш субъектнинг маблағларини ҳисобот йилида баҳолашнинг услубий қоидаларининг йиғиндиси деб таърифлаш мумкин.

Эндиликда ҳар қандай мулкчилик шаклидаги, ташкилий-ҳуқуқий тузилишдаги ва тармоққа тегишли субъектлар қуйидаги соҳалар бўйича ўзининг ҳисоб сиёсатини танлаб олиши мумкин:

– асосий воситаларнинг амортизациясини ҳисоблаш;
– асосий воситаларни таъмирлаш сарфларини ҳисобга олиш;
– материалларни сотиб олиш сарфларини ҳисобга олиш;
– арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг эскиришини ҳисобга олиш;
– моддий айланма маблағларининг ҳисобини ташкил қилиш ва баҳолаш;
– ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш;
– материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, жўнатилган товарларни баҳолаш;
– ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотни ҳисобда акс эттириш;
– маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализациясини ҳисобга олиш;
– шубҳали қарзлар бўйича ҳар хил захира (резерв)ларни яратиш;
– соф фойда ҳисобидан ҳар хил жамғармаларни ҳосил қилиш ва бошқа масалалар бўйича.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунига кўра бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилиниши корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбари томонидан амалга оширилади. Бунда субъектнинг раҳбарига қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

– бош бухгалтер раҳбарлигида бухгалтерия хизмат соҳасини яратиш;

– шартнома асосида таклиф қилинган мутахассис билан бухгалтерия ҳисобини юритиш, шартнома асосида ихтисослашган бухгалтерлик фирмасига топшириш ёки бухгалтерия ҳисобининг субъектига кирадиган хўжалик бирлашмасининг марказлаштирилган бухгалтерияси бўлимининг хизматидан фойдаланиш;

– бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.

Шу билан бирга субъектнинг раҳбарига қуйидагиларни таъминлаш мажбуриятлари юклатилган:

– ички ҳисоб ва ҳисобот тизимини ишлаб чиқиш;

– хўжалик муомалаларини назорат қилиш тартиби;

– бухгалтерия ҳисобининг тўлиқлиги ва ишончлилиги;

– ҳисоб ҳужжатларининг сақланишини;

– ташқи фойдаланувчиларга молиявий ҳисоботни тайёрлаб бериш;

– солиқ ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларни тайёрлаб бериш;

– ҳисоблашишларнинг ўз вақтида амалга оширилиши.

Субъектда пул маблағларини, товар-моддий ва бошқа қийматликларни қабул қилиш учун асос бўлиб ҳисобланган ҳужжатлар, корхона, муассаса ва ташкилотнинг кредит ва ҳисоблашиш мажбуриятлари ва шунингдек бухгалтерия ҳисоботи ва баланси раҳбар ёки унинг хоҳиши билан белгиланган шахслар томонидан имзоланади.

Субъектнинг раҳбари ҳужжатларга ўз имзоларини қўядиган икки рўйхатни белгилаб тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга раҳбарлик функцияларини бажарувчи шахслар, иккинчисига эса – бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув функцияларини бажарувчи шахслар киритилади.

Иккинчи рўйхатдаги шахсларнинг имзосисиз ҳужжатлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Бозор иқтисодиёти шаротида ҳар бир корхона, ташкилот ёки фирма фармон, низом ва кўрсатмаларга риоя қилган ҳолда ҳисоб сиёсатини ўзи белгилайди ва субъектнинг раҳбарияти ёки мулк эгасининг буйруғига мувофиқ амалга ошрилади. Бу буйруқда бухгалтерия аппаратини ташкил қилиш ва унинг тузилиши, молиявий ва бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва бухгалтерия ҳисобини юритишнинг аниқ тартиб ва қоидалари белгиланади.

Хулоса қилиб айтганда корхона ва фирмаларда молиявий ва бошқарув ҳисобларини ташкил қилиш қуйидаги кўринишда ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.



Шартли белгилар:

⟶ тўғри алоқа

⟵ тескари алоқа.

Юқоридаги умумий кўринишга мувофиқ корхона ва фирмаларда бухгалтерия аппарати қуйидаги тартибда ташкил қилинади:

Бош бухгалтер ва унинг ўринбосарлари
Меҳнат ва унга ҳақ тўлаш гуруҳи
Моддий ресурсларни ҳисобга олиш гуруҳи
Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш гуруҳи
Тайёр маҳсулотлар ва уларни сотишни ҳисобга олиш гуруҳи
Ҳисоблашиш муомалаларини ҳисобга олиш гуруҳи
Солиқ, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини ҳисобга олиш гуруҳи
Ахборотларни машиналарда ҳисоблаш гуруҳи
Йиғма – таҳлил гуруҳи

II БОБ. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ВА УНИНГ ЭКВИВАЛЕНТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Корхона, фирма ва ташкилотларнинг фаолиятида хўжалик алоқалари муҳим ўрин тутади, чунки бу алоқалар орқали таъминот, ишлаб чиқариш, маҳсулотларни жўнатиш ва сотиш жараёнлари амалга оширилади. Хўжалик алоқалари шартномаларга асосланиб амалга оширилади. Натижада битта хўжалик юритувчи субъект товар-материал захираларини етказиб берувчи, ишларни бажарувчи ва хизматларни кўрсатувчи, иккинчи хўжалик юритувчи субъект эса сотиб олувчи, истеъмолчи сифатида майдонга чиқади, натижада ушбу қийматликлар, иш ва хизматларнинг қийматини тўлаш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Бу алоқалар натижасида ҳосил бўлган ҳисоблашишларни аниқ ташкил қилиш, айниқса бозор шароитида айланма маблағларнинг тезкорлик билан айланишига ва пул маблағларининг ўз вақтида келиб тушишига шароит яратиб беради.

Хўжалик юритувчи субъектлар юқоридаги муомалалардан ташқари ишлаб чиқариш топшириқларини бажарувчи ходимлар билан ҳам ўзаро ҳисоблашишлар – ишчи ва хизматчилар, ижтимоий муҳофаза, бюджет билан бўладиган ҳисоблашишларни ҳам амалга оширади. Кўп ҳолларда корхона, ташкилот ва муассасалар билан ҳисоблашишлар нақд пулсиз амалга оширилади. Бу ҳисоблашишлар жараёнида банкларнинг хизматларидан фойдаланилади, чунки ҳисоблашишлар амалга ошириладиган счётлар тегишли банкда очилади. Банклар юридик шахслар ҳисобланиб корхона ва ташкилотларнинг маблағларини қайтариб бериш, фоизларни тўлаш ва муддатли шартлар билан жалб қиладилар. Ўзбекистон Республикасида Марказий банк, тижорат банклари (тармоқларга хизмат кўрсатувчи – пахта, галла, мева, сабзавот, қурилиш ва ҳоказо) ва хусусий банклар мавжуд.

Банк ва мижоз (клиент)нинг муносабатлари шартномага асосан амалга оширилади. Банклар орқали амалга ошириладиган муомалалар ҳисоблашиш ва кредит муаммоларига бўлинади. Ҳисоблашиш муомалаларида банк мол етказиб берувчи ва

олувчи ўртасидаги ҳисоблашишларни амалга оширса ва назорат қилиб турса, кредит муомаласида банк қарз берувчи ва берилган қарзнинг ўз вақтида қайтариб олинишини назорат қилади.

Банкларда ҳисоблашиш счётларидан ташқари жорий ва махсус счётлар (хусусийлаштириш жамғармаси, аккредитив, чек дафтарлари) ҳам очилади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида пул маблағлари ва эквивалентлари муомалаларининг ҳисобини юритишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– пул маблағларининг ҳаракати ва ҳисоблашиш муомалаларини тўғри ва вақтида ҳужжатлаштириш;

– корхона, муассаса ва ташкилотларнинг кассасидаги нақд пуллар, қимматбаҳо қоғозлар мавжудлигининг тезкор ва кундалик назоратини ташкил қилиш;

– пул маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиш;

– бюджет, банк, шахслар билан ҳисоблашишни ўз вақтида ва тўғри амалга оширишни назорат қилиш;

– мол етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан амалга ошириладиган ҳисоблашиш турларининг тузилган шартномадаги ҳисоблашиш турлари ва вақтига тўғри келишини назорат қилиш;

– дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашишларни текшириб бориш.

Хўжалик юритувчи субъектлар – корхона, фирма ва ташкилотларнинг жорий активлари, пул маблағлари, уларнинг эквивалентлари ва олинадиган счётлари муомаладаги муддатига қараб ушбу активлар қуйидагиларга бўлинади:

– узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ) активлар;

– қисқа муддатли ёки жорий (бир йилгача) активлар.

Жорий активлар ликвидликнинг пасайиши тартибида қуйидагилардан ташкил топган:

– пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари;

– қисқа муддатли инвестициялар;

– олинадиган счётлар;

– товар-моддий захиралари;

– олдиндан тўланган сарфлар (берилган бўнаклар).

Пул маблағлари ва пул эквивалентларининг тавсифи

Пул маблағлари мажбуриятларни зудлик билан тўлаш учун ишлатилиши мумкин бўлган турдаги маблағларни ўз ичига олади. Пул маблағларига молиявий муассасалардаги жорий счётдаги қолдиқлар, нақд купюралар, тангалар, валюталар, кичик кассанинг нақд пуллари ва молиявий муассасалар томонидан муддатли депозитлар ва муомаладан чиқариш учун қабул қилинган, субъектнинг кассасидаги конкрет ўтказиб бериладиган пул ҳужжатларидир (депозит счётлар ҳам пул маблағлари сифатида кўрилади. Оддий омонат счётлари бўйича банк муомаладан чиқариш ҳақида дастлабки хабарномани талаб қилиш ҳуқуқига эга, аммо бу ваколатни кам қўллайди. Шунинг учун омонат счётлари одатда пул маблағларига киритилади). Бу ўтказиладиган пул ҳужжатларига оддий чеклар, кассанинг ордерлари, мижозларнинг чеклари, пул ўтказмалари ва бошқа ҳисоблашиш воситалари киради. Баланснинг «Пул маблағлари» моддасидаги қолдиқ пул маблағлари счётларига кирадиган барча турдаги маблағларни акс эттиради.

Пул эквивалентлари – бу пул маблағларига ўхшайдиган лекин бошқача туркумланадиган активлардир. Улар хазина васиқалари (хазина васиқалари – бу муомалага чиқарилган, кейин бир йилдан кам муддатда қайтариладиган ҳукуматнинг фоизсиз мажбуриятларидир. Улар чегирма билан сотилади ва ўз вақтида тўланади. Тўлаш қиймати билан чиқарилиш қиймати ўртасидаги фарқ харидорнинг фоиз даромади бўлади. Хазина васиқалари бир йил ичида ва ундан ортиқ муддатда тўланадиган ҳукуматнинг мажбуриятлари ҳисобланиб, агар улар жорий молиявий йил давомида тўланмаса, қисқа муддатли инвестиция сифатида туркумланмайди), тижорат қоғозлари (қисқа муддатли васиқалар – бу корпорациялар томонидан чиқарилган ўзининг қисқа муддатли пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини молиялаштирувчи маблағлардир) ва депозит сертификатлардан (тезда талаб қилиб олиш мумкин бўлмаган депозит сертификатлари ёки банк депозитлари, муомаладан чиқариш йўли билан тўланиши ва жазо (санкция) ўтказилиши мумкин) иборат. Кечикишлар ва жарима жазо (санкция)лари пул эквивалентларининг пул маблағларига алмаштирилишига таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун, эквивалентлар касса счётида ҳисобга олинади. Кўпинча пул эквивалентларини ҳисоблашиш воситаларига айлантириш эҳтиёжи йўқ (пул

эквивалентлари молиявий ҳолатнинг ўзгариши ҳақидаги ҳисобот учун махсус маънога эга). Эквивалентлар одатда қисқа муддатли инвестиция счётига киритилади.

Ҳисобот даврининг охирида тўлиқ олинмаган пул ўтказмалари (чеклар) пул маблағлари счётининг қолдиқларидан айрилмайди. Баъзи компаниялар пул маблағлари счётидаги қолдиқни, чеклар тўлаш учун тақдим қилинмагунча камайтирмайдилар. «Пул маблағлари» счёти эркин фойдаланиш мумкин бўлмаган, компенсацион қолдиқ деб аталувчи, суммани ўз ичига олади. Бу қолдиқ кредит тўғрисидаги шартноманинг таъминоти сифатида субъект ўзининг счётида банк талабига биноан сақлайдиган минимал суммани кўрсатади. Ҳақиқатда бу шартнома нақд пулни чегаралайди ва компаниянинг ликвидлигини пасайтириши мумкин.

Овердрафт – бу қисқа муддатли мажбурият каби ҳисобланадиган ва актив счётлардаги мавжуд бўлган дебет қолдиқдан юқори бўлмаган суммадаги тўловни амалга оширишда вужудга келадиган кредит қолдиқдир. Овердрафт, агарда банк томонидан тўланган омонатчи счётининг овердрафтини амалга ошираётган бўлса, субъектнинг ушбу банкдаги бошқа пул маблағлари счётларида ижобий қолдиққа эга бўлган ҳолдагина дебет ва кредит қолдиқларини ўзаро қоплаш мумкин. Бу ҳолда банк дебитор ва кредитор ролини бажаради. Аммо турли молиявий муассасаларнинг счётлари ўзаро қопланмайди.

Бозор иқтисоди шароитида пул маблағини ва унинг эквивалентларини сақлаш, кирими ва сарфининг устидан қаттиқ ва тизимли назорат ўрнатиш лозим. Чунки улар тез ҳаракат қиладиган ва ўғирланиши нисбатан осон бўлган маблағлардир.

Шунинг учун уларни сақлаш, кирим ва сарфланишни назорат қилишнинг қуйидаги усулларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

А. Пул маблағларининг ички назорати.

Ички назорат тизими қуйидагиларни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган сиёсат ва тадбирлардир:

– активларни ҳимоя қилиш;

– субъектнинг молиявий сиёсатига мослигини таъминлаш;

– бухгалтерия счётларида акс эттирилган кўрсаткичларнинг ишончлилигини таъминлаш.

Пул маблағлари ва ликвидли активлар устидан ўрнатилган қатъий ички назорат тизими, пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг амалга оширилган баҳоланиши молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун аниқ ва ишончли бўлиб ҳисобланади.

Пул маблағлари устидан ўрнатилган ички назорат қуйидаги вазифаларни бажариши керак:

– пул маблағларини алоҳида сақлаш ва алоҳида ҳисобини юритиш;

– нақд пулга амалга оширилган барча муомалаларнинг ҳисобини юритиш;

– кассада фақат зарур бўлган нақд пулнинг қолдиғини сақлаш;

– кассадаги нақд пул қолдиғининг доимий текширув ҳисобларини амалга ошириш;

– даромад келтирмайдиган пул маблағларининг қайтарилишини таъминлаш;

– пул маблағларини жисмоний назорат қилиш (вақти вақти билан кассадаги нақд пулларни инвентаризация усули ёрдамида текшириб туриш).

В. Пул маблағларининг келиб тушишини назорат қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Ҳамма субъектларда пул маблағларининг тушишишининг кўп манбалари ва ҳар хил назорат муомалалари мавжуд. Амалда қуйидаги муомалалар кўпроқ ишлатилади:

– пул маблағларини тўлаш, нақд пулга амалга ошириладиган муомалаларни акс эттириш ва кассадаги қолдиқларни таққослаш бўйича мажбуриятларни таъминлаш. Бу тартиб ўғирликни қалбаки ҳужжатлар билан беркитиш ва ўғирлик таваккалчилигини камайтиради;

– пул маблағларининг банкдаги счётларга тушишидан бошлаб, доимий ва тўхтовсиз пул олиш учун ҳар бир алоҳида ходимга мажбуриятни белгилаш.

Бу назорат ўз навбатида қуйидагиларни талаб этади:

а) кечиктирилмаган ҳисоблашишлар, яъни ҳисоблашишларни белгиланган вақтда амалга ошириш;

б) кечиктирилмаган ёзувлар, муомала ёзувларини ўз вақтида амалга ошириш;

в) олинган барча пул маблағларини ўз вақтида депонентлаш, яъни тегишли мақсадлар ёки мажбуриятларга йўналтириш.

Пул маблағларининг бошқарув функциясини бажариш бўйича тўхтовсиз назоратни таъминлаш ва ёзувларни юритиш.

Бу назорат, кундалик ва кассадаги нақд пулнинг кутилмаган ҳисоби, ички тафтиш ва кундалик олинган пул маблағлари, тўловлар ва қолдиқнинг кундалик ҳисоботини ўз ичига олади.

С. Пул маблағларининг сарфини назорат қилиш тартиби қуйидагилардир.

Кўпчилик компания ва фирмалар жуда кўп ремитентларга пул тўлайдилар. Пул маблағларини назорат қилиш тизими ҳар бир компания ва фирма учун айрим ишлаб чиқарилса ҳам қуйидаги қоидалар кўп ҳолларда умумий ҳолда қўлланилади:

– пул маблағларининг харажатлари ҳақидаги ҳужжатларни юритиш бўйича чекларни ёзиш, имзолаш, уларни юбориш ва ёзувларни юритиш бўйича мажбуриятларни тақсимлаб бериш;

– хўжалик эҳтиёжлари учун сарфланган харажатларни кичик суммадан ташқари (кичик кассалар), олдиндан рақамланган чеклар билан расмийлаштириш (харажат ордерлари билан);

– агар кичик кассанинг счётлари қўлланилса, улардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқларни назорат қилиш зарур;

– харажатни тасдиқловчи зарур ҳужжатлар мавжуд бўлсагина кассанинг чиқим ордерларини ёзиш;

– пул маблағларини рўйхатга олиш ва расмийлаштириш устидан назорат қилиш, яъни кассанинг кирим ва чиқим дафтарини ўз вақтида ва тўғри юритиш.

А. Касса муомалаларини ҳисобга олиш

Нақд пуллар ва қимматбаҳо қоғозларни сақлаш учун ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилотларда касса мавжуддир. Касса муомалалари «Ўзбекистон Республикасида касса муомалаларини амалга ошириш тартиби ҳақида»ги Марказий банкнинг кўрсатмасига асосан амалга оширилади.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект касса (ғазна) учун махсус жиҳозланган хона ёки хоналарни ажратиши лозим. Ушбу хоналар темир эшик, темир панжаралар, огоҳлантирувчи жиҳозлар, темир сейф ва темир шкафларга эга бўлиши, пул бериш туйнукчалари ва ходимлар олган пулини ҳисоблайдиган стол ва стуллар ўрнатилган кичик хонага эга бўлиши лозим.

Кассада доимий сақланадиган нақд пулнинг миқдори банк билан келишилган ҳолда белгиланади. Маълум муомалалар (меҳнат ҳақи, нафақа ...) учун олинадиган нақд пуллар 3 кунгача

(олинган кундан бошлаб) сақланиши мумкин. Касса муомалаларини амалга ошириш жараёнида қуйидаги ҳужжатлар тузилади:

– «Кассанинг кирим ордери» – кассага нақд пул кирим қилинаётганда. Унга бош ҳисобчи имзо чекади ва паттаси қирқиб олинади;

– «Кассанинг чиқим ордери» – кассадаги нақд пулларнинг чиқишига асос бўлади. Унга субъектнинг раҳбари ва бош бухгалтери имзо чекадилар. Айрим ҳолларда (меҳнат ҳақи берилаётганда – тўлов қайдномаси, якка тартибда пул олганда – ариза ва бошқалар) бошқа қўшимча ҳужжатлар тузилади;

– «Кирим ва чиқим ордерларини қайд қилиш журнали». Бу журнал бухгалтерияда юритилиб унда ҳар бир кирим ва чиқим ордери қайд қилинади ва тартиб номери қўйилиб олинган ва сарфланган нақд пулларнинг ҳаракати ва йўналиши устидан назорат қилинади;

– «Касса китоби» – уни кассир юритади. Китобнинг бетлари номерланган ва охирида бетлар сони кўрсатилиб муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак.

Касса китобидаги ёзувлар икки нусхада амалга оширилади. Биринчи нусхаси ҳисобот сифатида тегишли ҳужжатлар билан бухгалтерияга топширилади ва иккинчи нусхаси эса кассирда сақланади.

Кассанинг ҳужжатларида тузатиш ёки ўчириб ёзишга рухсат берилмайди.

Кассада нақд пуллардан ташқари қимматбаҳо қоғозлар (акция, облигация), пул ҳужжатлари (йўлланмалар), транспортда юриш билетлари, маркалар, лотерея билетлари ҳам сақланади. Нақд пулларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш 5010- «Миллий валютадаги пул маблағлари» ва 5020- «Хориж валютасидаги пул маблағлари» номли синтетик, актив счётларда амалга оширилади. Ушбу счётларнинг дебетида ой бошидаги қолдиқ, оборотида ой давомидаги нақд пулнинг кирими, кредит оборотида эса нақд пулларнинг ой давомидаги чиқими – сарфи ҳисобга олиб борилади.

Кредит суммалари гуруҳлашган ҳолда 1-журнал ордерда, дебет суммалари 1-қайдномада жамғарилиб борилади.

Ҳозирги вақтда тезкор муомалаларни амалга ошириш ва меҳнат ҳақини ўз вақтида тўлаш мақсадида йирик компания ва фирмаларда кичик кассалар ташкил қилинган.

Кичик кассалар кундалик харажатлар учун нақд пул берадиган бўнак жамғармасининг турига киради. Бўнак жамғармалари – бу

харажат қилинган суммаларни доимий тўлдириб турадиган махсус мақсадлар учун ташкил қилинган жамғармалардир. Жамғарманинг ҳажми 5000 сўмгача ёки 10000 сўмдан кам ёки ундан кўп бўлиши ҳам мумкин. Катта компанияларнинг ҳамма офисларида ва ишлаб чиқариш бўлимларида жойлашган бир неча кичик кассаси бўлиши мумкин. Алоҳида ҳар бир бўлимда кичик кассанинг суммаси кам бўлса ҳам, уларнинг ҳаммасидаги нақд пул катта суммани ташкил қилиши мумкин. Кичик кассалар ишчи ва ходимларнинг транспорт харажатларини, почта харажатлари, офис буюмлари харажатларини бошқариш ва амалга ошириш учун тузилган. Кичик кассалардаги пул маблағларининг қолдиғи умумий пул маблағлари қолдиғининг бир қисми бўлади ва янги кичик касса тузилганда ўзгаради.

Фараз қилайлик, бир ойда 10000 сўмлик махсус кичик касса тузилди. Бу сумма маъмурий харажатлар ва фоизларни тўлаш учун мўлжалланган. Ҳисобда 10000 сўм миқдорида кичик кассанинг счёти очилди.

Кичик касса. . . . . 10000 сўм
Банк. . . . . 10000 сўм.

Кассир нақд пул олиш учун кассанинг чиқим ордеридаги рухсатномани кўриб чиқади ва керак бўлган нақд пулни беради. Кассанинг чиқим ордерлари кичик кассанинг нақд пуллари билан биргаликда сақланади. Нақд пул ва тўлов миқдори 10000 сўмга тенг бўлиши керак. Тўловлар ҳисобда кўрсатилмайди ва ушбу тўловларга журнал ёзувлари қилинмайди.

Биринчи ойнинг охирида кассада 1000 сўм қолади ва бу ой давомида 9000 сўм тўланганлигини кўрсатиб туради (10000-1000). Бу кассирнинг тўловларини тасдиқлайдиган 9000 сўмга кассанинг чиқим ордерларига эга бўлиши кераклигини билдиради. Кейинги касса ордерлари касса билан бирга олиб борилади: почта сарфи – 3000 сўм; канцелярия товарлари – 3500 сўм ва такси учун тўлов – 2000 сўм (жаъми 8500 сўм). Демак, кассадаги камомад 500 сўмга тенг. Эҳтимол, битта чиқим касса ордери йўқотилган ёки берилган кассанинг чиқим ордерида тўланган сумма камайтириб кўрсатилган бўлиши мумкин. Камомад қуйидаги тўлдирув ёзуви билан акс эттирилади:

Почта харажатлари. . . . . .3000 сўм
Канцелярия товарлари бўйича харажатлар. . . . . .3500 сўм
Транспорт харажатлари. . . . . .2000 сўм
Пул маблағларининг камомади. . . . . .500 сўм
Касса. . . . . .9000 сўм.

Кассадаги маблағлар тугаганда, харажатларни ва кассадаги нақд пулнинг қолдиғини тўғри акс эттириш учун ҳисобот даврининг охирида у янгидан тўлдирилади. Ёзув кассир томонидан эмас, бухгалтерия томонидан қайд қилинади ва доимий таққослашлар амалга оширилади.

Пул маблағларининг камомади ёки ортиқчалиги – бу харажатлар счёти (дебет қолдиқ) ёки даромадлар счёти (кредит қолдиқ)да кўрсатилади. Камомад ёки ортиқчалик қайд қилишдаги ёки тўловдаги хатолардан пайдо бўлади. Агар камомад одатдагидан кўпроқ ёки шу кассада доимий бўлиб турса, демак ўғирлик ҳақида шубҳа туғилади. Маълум ҳолларда ўғирлик ёки товламачилик ҳақида шубҳа бор жойда, бу зарар каби акс эттирилади, аммо нақд пулнинг камомади ёки ортиқчалиги сифатида эмас.

Кичик касса тўлдирилганда, сарфланганда ёки ёпилганида кичик кассанинг ва банкнинг счётларига тегишли ёзув қайд қилинади. Масалан: агарда офиснинг пул эҳтиёжлари кучайганлиги сабабали кичик касса 15000 сўмгача ошса, қуйидаги ёзув амалга оширилади:

Кичик касса. . . . . 14000 сўм
Банк. . . . . 14000 сўм.

Чунки ойнинг охирида кичик кассанинг қолдиғи 1000 сўмни ташкил қилган.

Кассадаги нақд пулнинг қолдиқларини таққослаш тартиби қуйидагича.

Ҳар ҳисобот санасида ёки жорий ойнинг ой охирида кассадаги қолдиқларни таққослаш шарт. Ҳар бир пул маблағларини сақлаш жойи бўйича алоҳида счётда юритиш, таққослашнинг ўтказилишини осонлаштиради ва хатоларни топишга имконият беради. Таққослаш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

– кассадаги нақд пул қолдиқларини санаш – кассирнинг иштирокида нақд пул муомаласи билан шуғулланмайдиган шахслар ўтказадилар ва текшириш натижасида тузилган далолатнома ҳамма иштирокчилар томонидан имзоланиб, сана қўйилиши шарт;

– бухгалтерия счётидаги қолдиқларни ҳақиқатдаги нақд пул маблағлари билан таққослаш. Барча тафоввутлар кўрсатилиши керак ва ушбу аниқланган тафоввутлар далолатномага қайд қилиниши лозим.

Бундан ташқари қимматбаҳо қоғозлар 5600 – «Пул эквивалентлари ва йўлдаги пул маблағлари» синтетик, актив счётда ва 3-журнал ордерида, қатъий ҳисобот бланкалари (меҳнат дафтарчалари, юк хатлари, йўл варақлари) эса 006 – «Қатъий ҳисобот бланкалари» номли балансдан ташқари счётда умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олиб борилади.

Корхона, муассаса ва ташкилотлардаги айрим муомалаларни тезкорлик билан амалга ошириш учун ҳисобдор шахслар хизматидан фойдаланадилар. Улар субъектнинг ходимлари бўлиб маъмурий хўжалик муомалаларини амалга ошириш ва хизмат сафарига бориш учун кассадан нақд пул оладилар. Бу шахсларнинг рўйхати субъектнинг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Хўжалик сарфлари учун сарфланадиган нақд пуллар субъектнинг тасдиқланган чегара (смета) суммасида хизмат сафари сарфи эса буйруққа асосан сафар гувоҳномаси кўрсатилиб ҳисобланган суммада бориш - келиш йўл харажатлари, кунлик сарфлари, тунаш харажатлари кўрсатилади.

Бу сарфларнинг мақсадга мувофиқлиги юқори мансабдор шахслар томонидан тасдиқланади. Ҳисобдор шахслар муомала содир бўлгандан кейин 3 кун ичида ҳисобот тузишлари лозим. Қолдиқ суммалари яъни, сарфланмай қолган бўнаклар кассага топширилади, ортиқча сарф қилинган бўлса кассадан олинган бўнакнинг фарқ суммаси берилади. Агарда шахслар ўз вақтида ҳисобот бермасалар бу суммалар уларнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади.

Ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашиш муомалалари:

4420-«Хизмат сафари учун берилган бўнак»

4430-«Умумхўжалик сарфи учун берилган бўнак»

4490-«Берилган бошқа бўнаклар» номли актив счётларда ва

6870-«Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз» пассив счётида юритилади.

4420-4490 счётларининг дебет томонида берилган бўнак суммасининг давр бошидаги қолдиғи ва ой давомида берилган бўнак суммаларининг йиғиндиси ҳисобга олиб борилади. Ушбу счётларнинг кредитида сарфланган сумма ва 6870 – «ҳисобдор шахсларга бўлган қарз» счётининг кредитида эса ҳисобдор шахсларга бўлган қарз суммаси ҳисобга олиб борилади.

Ушбу суммадан фойдаланиш ва уларни ўз вақтида қайтаришни назорат қилиш учун ҳар бир ҳисобдор шахс

бўйича аналитик ҳисоб (карточка) юритилади ва олинган ва сарфланган суммалар тезкорлик билан қайд қилиб борилади.

Ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашиш бўйича умумлаштирилган маълумотлар 7-журнал ордерда йил давомида йиғма жаъми сумма кўрсатилган ҳолда ҳар бир ҳисобдор шахс бўйича юритилади.

Хўжалик юритувчи субъектда нақд пулларнинг ҳолати ва ҳаракати устидан назоратни кучайтириш ва тезкор маълумот олиш мақсадида ушбу муомалаларни уларнинг турлари бўйича кодлаштириш мақсадга мувофиқдир.

5010 – «Миллий валютадаги *пул маблағлари*» счётида аналитик ҳисобни юритиш кодлари

№	Ҳисоб муомалалари	Коди
1	Кассадаги нақд пулларнинг қолдиғи	50100
2	– *Нақд пулларнинг кирими:*	50101
	– банкдан олинган маблағлар	501011
	– қарзга олинган маблағлар	501012
	– ҳисобдор шахслар томонидан олинган сумманинг қайтарилиши	501013
	– нақд пулга сотилган маҳсулотлар	501014
	– нақд пулга сотилган хизматлар	501015
	– ота-оналарнинг бадаллари	501016
	– таъсис бадаллари	501017
	– ва бошқалар.	5010...
3.	– Нақд пулларнинг чиқими:	50102
	– меҳнат ҳақини тўлаш	501021
	– нафақа тўлаш	501022
	– мукофот тўлаш	501023
	– алимент тўлаш	501024
	– меҳнат ҳақи ҳисобидан бўнак бериш	501025
	– ҳисобдор шахсларга бўнак бериш	501026
	– дивидендлар бериш	501027
	– лимитдан ортиқча пулнинг банкка қайтарилиши	501028
	– ва ҳоказо.	50102...

5020 – «Хориж валютасидаги пул маблағлари» счётида ҳам аналитик ҳисоб шу тартибда кодлаштирилади.

Касса муомалаларининг счётларда акс эттирилишининг умумий чизмаси

5000 «Касса»

5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари»

5220 «Хорижий валютадаги пул маблағлари»

Счётларнинг кредитидан | **Счётларнинг дебетига**

Дебет | **Кредит**

Сальдо – N

4010, 9010, 9030-	Маҳсулот, иш ва хизматларнинг сотилишидан олинган маблағлар	Нақд пулга товарларни сотиб олиш	-2910
9210-	Асосий воситаларнинг бузилишидан олинган материалларнинг сотилиши	Нақд пулга моддий қийматликларни сотиб олиш	-1010-1090
9220-	Бошқа активларнинг сотилиши	Маҳсулотни жўнатиш ва сотиш сарфлари	-9410-9419
5110-5210	Банкдаги счётлардан нақд пулнинг олиниши	Ҳайвонларни сотиб олиш	-1110
4310-	Мол етказиб берувчилар томонидан бўнакнинг қайтарилиши	Ортиқча пул маблағларининг топширилиши	-5110, 5210
7310-	Харидор ва буюртмачилардан бўнакнинг олиниши	Қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш	-0610
4430-	Ҳисобдор шахслар олган ортиқча сумманинг қайтарилиши	Дастурларни сотиб олиш	-0430
4710-	Таъсисчиларнинг улушлари юзасидан бадаллари	Меҳнат ҳақи, ёрдам пуллари, мукофотлар, дивидендларнинг берилиши	-6710, 6610, 6890
4890-	Қарзлар суммасининг қайтарилиши	Хизмат сафари, хўжалик сарфлари ва бошқа сарфлар учун ходимларга берилган бўнаклар	-4420-4430, 4490
4690-	Меҳнат ҳақи бўйича ортиқча берилган сумманинг қайтарилиши	Ходимларга нақд пулда қарз бериш	-4620
4890-	Аилод корхоналаридан нақд пулнинг кирим қилиниши	Ижара тўловлари ва фоизининг тўланиши	-6810-6820
4890-	Коммунал, алоқа хизматлари ва бошқа тўловлар	Бир маротабалик ёрдамнинг берилиши	-9439
4820- (9520) 4830- (9530)	Васиқа фонзлари, улуш даромадлари ва дивидендларнинг олиниши	Бўлинмалар ҳисобидан амалга оширилади ган тўловлар	-4110
7510-	Ходимларга уй-жой қурилиши учун нақд пулда кредит олиш	Офатлар ва ёнғинлар сабабли қопланмайдиган сарфлар	-9720

Счётларнинг кредитидан		Счётларнинг дебетига	
Дебет			**Кредит**
7710-	Мақсадли тушумларнинг кирими	Сарфланган мақсадли маблағлар	-7710.
9590-	Нақд пулнинг ортиқчалиги	Нақд пулнинг камомади	-9433, 4630
4630-	Камомад ва ўғирлик қийматини нақд пулда тўлаш	ҳисобдор шахсларга бўлган қар тўланди	-6870-
4610-	Кредитга сотилган товарларнинг қиймати олинди	Депонент суммасининг нақд пулда берилиши	-6720
6910-	Банкнинг қисқа муддатли кредити олинди	Моддий ёрдам пули берилди	-9439
7510-	Узоқ муддатли банк кредити олинди	Олинган қисқа муддатли кредит тўланди	-6910
6940-	Қисқа муддатли қарз олинди	Олинган узоқ муддатли кредит тўланди	-7510
7690-	Узоқ муддатли қарз олинди	Олинган узоқ муддатли қарз тўланди	-7690
4210-	Даъволар бўйича қарзнинг олиниши	Бўнакнинг берилиши	-4410-4490
6310-	Сотиладиган махсулот, иш ва хизматлар учун бўнакнинг олиниши	Табиий офатларнинг натижаларини тугатиш учун сарфланган маблағлар	9720

Б. Банкдаги ҳисоблашиш счёти бўйича муомалаларни ҳисобга олиш

Юридик шахслар яъни, мустақил балансга, Низом ва Уставига эга бўлган субъектлар банкларда ўзларининг ҳисоблашиш счётини (5110 – «ҳисоблашиш счёти») очиш ҳуқуқига эгадирлар.

Чунки вақтинча фойдаланишдан четга чиқарилган пул маблағларини сақлаш ва уларнинг устидан тизимли ва доимий назоратни кучайтириш лозим. Банк ёки бошқа молиявий ташкилотларнинг счётларини қўллаш пул маблағлари устидан назоратларни ўрнатишнинг муҳим усулидир. Ваҳоланки банкларнинг счётидан фойдаланиш бир нечта устунликларни рўёбга чиқаради:

– пул маблағлари банкларда махсус жиҳозланган хоналарда сақланади, яъни жисмоний ҳимояланган бўлади;

– пул маблағлари бўйича алоҳида ҳисоб банк томонидан юритилади;

– пул маблағларини бошқариш жараёнида ўғирлик ва таваккалчиликнинг даражасини камайтиради;

– мижозлар билан ҳисоблашиш муомалаларини нақд пулсиз шаклида тўловлар ва олувларни бевосита банкдаги ушбу счёт орқали амалга ошириш мумкин;

– пул эмиссиясининг даражасини, пировард натижада унинг сарфини камайтириш имкониятига эга бўлинади, чунки нақд пул қанча кўп муомалада бўлса шунча кўп жисмоний эскиради.

Хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоблашиш счёти очаётганда, банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

– ҳисоблашиш счётини очиш тўғрисида ариза;

– рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома;

– устав ва таъсис шартномасининг нотариал идора томонидан тасдиқланган нусхаси;

– нотариал идора томонидан тасдиқланган имзолар ва муҳр белгилари туширилган икки дона карточка (1-имзо субъектнинг раҳбариники, 2-имзо бош бухгалтерники);

– солиқ назорати ва Пенсия жамғармасида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотнома.

Ҳисоблашиш счётини очиш жараёнида субъект банк билан шартнома тузади ва юридик шахснинг ҳисоблашиш счётига № берилади.

Қўшма корхоналар эса юқорида қайд қилинган ҳужжатлардан ташқари банкка инвестиция лойиҳасини тасдиқловчи давлат қайдномасининг нусхасини ҳам топшириши лозим.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, йирик хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг хоҳишига кўра ҳисоблашиш счётини очгандан кейин бошқа манзилларда (субъект жойлашган манзилдан ташқарида) жойлашган бўлимлари, филиаллари, йирик дўконлари ва бошқа бўлинмалари учун жорий счётлар очиш ҳуқуқига эгадирлар. Бўлим, филиал ва дўконлар ўзларининг ушбу жорий счётлари орқали асосий ҳисоблашиш счётидан маблағ ўтказиб ходимларига меҳнат ҳақи, мукофот ва нафақалар бериш, хизмат сафарларининг сарфларини қоплаш, ходимларнинг омонатларига ўтказиш, меҳнат ҳақидан ушланган суммаларни солиқ органлари ва пенсия жамғармаларига ўтказиш, ишлаб чиқариш учун бошқа тезкор ва зарурий муомалаларни ва бошқа хўжалик муомалаларини амалга оширадилар.

Банкда ҳисоблашиш счётини очгандан кейин субъектлар доимий рўйхатдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома олиш учун қайд қилинган Устав капиталининг 30%ни банкка қўйилганлиги тўғрисида тегишли банкдан тасдиқнома (справ-

ка) олиши лозим. Банк ушбу Устав капиталини 30%ни ҳисоблашиш счётига ўтказгандан кейингина субъектга ушбу тасдиқнома (справка)ни бериш ҳуқуқига эга.

Ҳисоблашиш счётида субъектнинг вақтинча озод маблағлари, маҳсулотни сотиш, ишни бажариш ва хизматларни кўрсатишдан олинган даромадлар, олинган қисқа ва узоқ муддатли кредит ва қарзлар ҳисобга олинади ва ҳисоблашишнинг асосий қисми амалга оширилади:

– мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашиш;

– тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоблашиш;

– ижтимоий муҳофаза ташкилотлари ва давлат суғурта идоралари билан ҳисоблашиш;

– бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашиш;

– меҳнат ҳақи, моддий ёрдам, мукофот, нафақа ва шунга ўхшаш йўналишдаги тўловлар учун нақд пулларни кассага олиш.

Бу маблағларни ўтказиш ёки нақд олиш субъект раҳбарининг топшириғи ва розилиги билангина амалга оширилади. Айрим ҳолларда (қонунга мувофиқ) банк субъектнинг розилигисиз қуйидаги мажбуриятларга тегишли маблағларни ҳисоблашишга (инкассо тартибида) ўтказиши мумкин:

– тўлов муддати келган бюджетга бўлган қарзлар;

– маҳаллий ва хўжалик судларининг ижро варақларига асосан;

– кредитдан фойдаланиш фоизи, муддати ўтган кредит суммаси ва банк хизмати суммаси.

Қолган барча муомалалар субъект раҳбариятининг розилиги билан тасдиқланган график асосида амалга оширилади, яъни банкка пул маблағининг келиб тушиши ва счётларни тўловга қабул қилиш вақти инобатга олинади.

Пул маблағларини қабул қилиш, нақд пулни бериш ва нақд пулсиз ҳисобларни амалга ошириш банк томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги ҳужжатларга асосан амалга оширилади:

«Нақд пулни кирим қилиш эълони» - бу ҳужжат ҳисоблашиш счётига нақд пул топширилганда қўлланилади ва пул қўювчига тасдиқловчи ҳужжат сифатида патта (квитанция) берилади;

«Пул чеки» - ҳисоблашиш счётидан тегишли миқдордаги нақд пулни олиш учун субъектнинг банкка берадиган буйруғи;

«Тўлов топшириқномаси» - субъектнинг ҳисоблашиш ёки хориж валютаси счётидан мол етказиб берувчилар, пудратчилар, юқори ташкилотлар, молия ва суғурта ташкилотларининг счётига тегишли маблағларни кўчириши тўғрисидаги топшириғи.

Маблағларни олувчиларнинг жойлашуви ва қайси банк уларга хизмат кўрсатувига қараб ушбу тўлов топшириқномаларнинг тегишли нусхаларининг миқдори белгиланади. Тўлов топшириқномалари шаҳар ичидаги ҳисоблашишлар ва шаҳар ташқарисидаги ҳисоблашишлар амалга оширилганда ҳам ёзилади. Ушбу тўлов топшириқномаларининг шакли ҳисоблашишларнинг ҳамма турлари учун бир хилдир.

Айрим ҳолларда яъни, бир нечта пул ўтказмалари бир вақтда амалга оширилса, махсус шаклдаги йиғма топшириқнома ёзилади. Бундай йиғма тўлов топшириқнома битта банк хизмат қиладиган бир нечта мол етказиб берувчилар, иш бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар учун ёзилади. Имзо ва муҳр тўлаш лозим бўлган умумий сумманинг тагига бир марта қўйилади.

«Ҳисоблашиш чеки» - нақд пулни олиш чекидан бошқача кўринишда бўлиб, субъектнинг ҳисоблашиш счётидан олувчининг счётига тегишли маблағни ўтказиш учун банкка асос бўлувчи ҳужжат;

«Ҳисоблашиш счётидан кўчирма» - субъектнинг банкдаги шахсий ҳисоб варағининг нусхаси. Унда маблағларнинг ҳаракати, қолдиғи тўғрисидаги маълумот маълум даврда бериб турилади. Субъектлар ҳар куни ёки банк билан келишилган кунларда банк томонидан ҳисоблашиш счётидан кўчирма олиб туради. Унда ҳисобот даврида содир бўлган муомалалар ўз аксини топади. Бу кўчирмага маблағларни қабул қилиш ёки кўчириш учун асос бўлган бошқа субъектлар томонидан берилган счёт-фактуралар, тўлов талабномалари ва субъект томонидан берилган тўлов топшириқномалари илова қилинади.

Чунки банк субъектнинг пул маблағларини сақланаётганлиги учун унга қарздор ҳисобланади (унинг кредитор қарзлари), шунинг учун ҳисоблашиш счётидаги маблағларнинг давр бошидаги қолдиғи ва кирими натижасида кўпайиши ҳисоблашиш счётининг кредитида ва ушбу маблағларнинг камайиши, ҳисобдан чиқариш ёки нақд пулда олиш яъни, сарфи дебет томонида акс эттирилади.

Кўчирма (нусха)ни ўқиётганда шунга эътибор бериши керакки, дебет томонидаги суммалар банкнинг субъектга бўлган қарзининг камайиши ва кредитидаги суммалар эса субъектга бўлган қарзларнинг кўпайишини билдиради. Кўчирмани ўқиш

осон бўлиши учун содир бўлган муомалаларга рақамлар (кодлар) қўйилади.

Ҳисоблашиш счётидан кўчирма аналитик ҳисоб регистри ҳисобланади ва бухгалтерия ёзувларини амалга оширишда асос бўлади. Чунки унга илова қилинган ҳужжатларда банкнинг тўлаганлиги ёки тўлашга қабул қилганлиги тўғрисида махсус белги қўйилади. Агар кўчирмада хато мавжуд бўлса, бу сумма 4210 – «Даъволар бўйича олинадиган счётлар» счётига ўтказилиб, банкка маълум қилинади. Кўчирмадаги ҳар бир муомала алоқадор счётларнинг ичидаги муомалаларнинг йўналиши бўйича гуруҳлаштирилади. Субъектда ҳисоблашиш счётидаги муомалаларнинг синтетик ҳисоби 5110 – «Ҳисоблашиш счёти» – актив, синтетик счётда юритилади. Унинг дебет томонида ой бошидаги маблағнинг қолдиғи, ҳолати ва маблағларнинг кўпайиши, субъектнинг кассасидан нақд пулларнинг қайтиши, истеъмолчи, буюртмачи ва дебиторлардан келиб тушган маблағлар, олинган кредит ва қарзлар кўрсатилади. Кредит томонида эса, мол етказиб берувчиларга олинган хом ашё ва материаллар, пудратчиларга бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган суммалар, бюджетдан ва суғурта ташкилотларидан қарздорлик, олинган кредитлар, қарзлар бўйича ва бошқа кредиторлик қарзларини тўлаш, субъектнинг кассасига олинган нақд пуллар қайд қилиб борилади.

Ҳозирги даврда ҳисоблашиш муомалаларини тезлаштириш, маблағларнинг айланиш самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу муомалалар компьютерлаштирилган. Натижада банкдаги ҳисоблашиш счётидаги маблағларнинг ҳаракати ва ҳолати махсус рақамларда (кодларда) берилади.

Банкдаги ҳисоблашиш счётидаги содир бўлган муомалаларнинг тасдиқланган кодлари

Муомала Коди	Муомалаларнинг турлари	
	Дебети бўйича	Кредити бўйича
01	Тўлов топшириқномасига мувофик тўланди	Тўлов талабномасига ва счёт-фактурага мувофиқ кирим қилинди
02	Чекка мувофиқ нақд пул тўланди	Нақд пул кирим қилинди
03	Ҳисоблашиш чекининг суммаси тўланди	Ҳисоблашиш чеки кирим қилинди
04	Аризага мувофиқ қўйилган аккредитивлар ёки махсус счётлар тўланди	Аккредитив ёки махсус счётда фойдаланилмай қолган сумма кирим қилинди

Муомала Коди	Муомалаларнинг турлари	
	Дебети бўйича	Кредити бўйича
05	Ҳисоблашиш счёти кўчирмасининг иловасига мувофиқ ҳисобдан чиқарилди	Ҳисоблашиш счёти кўчирмасининг иловасига мувофиқ кирим қилинди
06	Қарзни тўлаш учун ҳисобдан чиқарилди	Аризага мувофиқ олинган қарз ҳисоблашиш счётига қабул қилинди
07	Аризага мувофиқ, лимитланган чек дафтарчаси берилди	Лимитланган чек дафтарчасининг қолдиқ суммаси кирим қилинди
08	Махсус кредит ва қарз счётлари муқобиллаштирилди	Махсус кредит ва қарз счётлари муқобиллаштирилди
09	Олинган қарз ва кредитлар юзасидан тўланган фоиз суммалари ҳисобдан чиқарилди	Берилган қарзлар бўйича олинган фоизлар кирим қилинди

Ҳисоблашиш счётидан олинган кўчирмага асосан 2-журнал-ордернинг кредит муомалаларидаги суммаларини, яъни мол етказиб берувчиларга тўланган қарзлар, банк кредитлари, бюджет ва ижтимоий сугурта тўловлари ва олинган нақд пулларни умумлаштиради, 2-қайднома эса ушбу счётнинг дебет томонида қайд қилинган муомалалари бўйича маблағларнинг ҳаракатини яъни, харидорлардан тушган маблағлар, олинган кредит ва қарзлар, дебиторлар ва буюртмачилардан тушган суммаларни умумлаштиради ва назорат қилади. Бу журнал-ордер ва қайдноманинг маълумотлари ёрдамида бухгалтерия ходимлари ҳисоблашиш счётига кирим қилинган пул маблағларининг манбаларини, сарфланиш мақсадлари ва бошқа ташкилот ва корхоналар олдидаги тўлов мажбуриятининг бажарилишини назорат қиладилар. Ушбу ёзувлар ва пул маблағларининг ҳаракати банкнинг кўчирмасига асосан амалга оширилади.

Банк томонидан берилган кўчирмадаги бир хил счётларда кўрсатилган суммалар йиғилади ва тегишли 2-журнал-ордер ва қайдномаларга жаъми суммаси ёзилиб борилади. Ушбу регистрларни тўлғазиш тартиби банкнинг ҳар бир кўчирмаси учун муддати (бир, икки, беш, ўн кун)дан қатъий назар битта қатор қолдирилади. Ҳар ойда олинган банк кўчирмаларининг сони тегишли 2-журнал-ордер ва 2-жамғарма қайдномадаги қаторлар сонига тенг бўлиши шарт. 2-журнал-ордер ва 2-қайдномада ёзувлар тегишли счётлар алоқа қилган ҳолда 5110 - "Ҳисоблашиш счёти"нинг дебети ва кредити бўйича ёзилади. Натижада ҳар ҳисобот куни ёки ойда бухгалтерия ходимлари

томонидан маблағлар киримининг манбалари ва улардан мақсадли фойдаланиш, бюджет ва бошқа муассасаларга мажбурий тўловлар ва календар-графикдаги тўлов мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилади.

Айрим ҳолларда, яъни субъектнинг ҳисоблашиш счётидаги маблағи тугаб қолса мажбурий тўловларни (солиқ, пенсия фонди, меҳнат ҳақи, тиббий муҳофаза учун) амалга ошириш учун унинг хориж валютасидаги маблағи счётидаги (агарда хориж валютасида маблағи бўлса) маблағни белгиланган ҳисоблашиш курсида ҳисоблашиш счётига сўмда ўтказиб ушбу тўловларни амалга оширади.

Ҳозирги давр талабига асосан ҳисоб ишларига ҳисоблаш техникаларини муваффақиятли жорий қилиш (компьютерлаштириш) учун ҳисоблашиш счётида қайд қилинган муомалаларнинг аналитик ҳисобини кодлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Банкдаги счётларда сақланаётган пул маблағларининг ҳолатини ва хўжалик муомалаларининг таъсирида уларнинг ҳаракати (кирими ва сарфи)ни таққослаб туриш лозим. Бу счётлардаги маблағларни таққослаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ваҳоланки, банк ёки бошқа молиявий ташкилотларнинг счётларини қўллаш пул маблағлари устидан назорат қилишнинг муҳим усулидир. Чунки банк счётларининг бир неча устунликлари мавжуддир:

Аналитик ҳисобнинг кодлари

№	Аналитик ҳисобнинг турлари	Код
1	Ҳисоблашиш счётидаги маблағларнинг қолдиғи	51100
2	Ҳисоблашиш счётига маблағларнинг кирими:	51200
	– маҳсулотни сотишдан тушган маблағлар	51201
	– ишларни бажаришдан тушган маблағлар	51202
	– хизмат қилишдан тушган маблағлар	51203
	– истеъмолчилардан олинган бўнаклар – буюртмачилардан олинган бўнаклар	51204 51205
	– асосий воситаларни сотишдан тушган малағлар	51206
	– бошқа активларни сотишдан тушган маблағлар – номоддий активларни сотишдан тушган маблағлар	51207 51208
	– дебиторлардан олинган маблағлар	51209
	– кассадаги ортиқча пулнинг қайтарилиши – бюджет тўловларининг ортиқча қисмининг қайтарилиши	51210 51211

№	Аналитик ҳисобнинг турлари	Код
	– суғурта тўловларининг ортиқча қисмининг қайтарилиши	51212
	– қисқа муддатга олинган кредитлар	51213
	– узоқ муддатга олинган кредитлар	51214
	– уй-жой қурилиши учун олинган кредитлар	51215
	– қисқа муддатга олинган қарзлар	51216
	– узоқ муддат олинган қарзлар	51217
	– таъсисчиларнинг баъдаллари	51218
	– нотўғри ҳисобдан чиқарилган суммаларнинг қайтарилиши ва ҳоказолар	51219
3	Ҳисоблашиш счётидан маблағларнинг чиқими	51300
	– мол етказиб берувчиларга бўлган қарзнинг тўланиши	51301
	– пудратчиларга бўлган қарзнинг тўланиши	51302
	– кассага нақд пулнинг олиниши	51303
	– олинган бўнакларнинг қайтарилиши	51304
	– ишлаб чиқариш сарфларининг амалга оширилиши	51305
	– маъмурий сарфларнинг амалга оширилиши	51306
	– маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ сарфларнинг амалга оширилиши	51307
	– ходимлар меҳнат ҳақининг халқ банкига ўтказилиши	51308
	– бандлик жамғармасига маблағ ўтказиш	51309
	– фойда (даромад) солиғининг тўланиши	51310
	– қўшилган қиймат солиғининг тўланиши	51311
	– акциз солиғининг тўланиши	51312
	– мулк солиғининг тўланиши	51313
	– ижтимоий суғурта жамғармасига тўловларнинг амалга оширилиши	51314
	– қисқа муддатли кредитларни тўлаш	51315
	– қисқа муддатли қарзларни тўлаш	51316
	– узоқ муддатли кредитларни тўлаш	51317
	– узоқ муддатли қарзларни тўлаш	51318
	– уй-жой қурилиши учун олинган кредитларни тўлаш	51319
	– ижара мажбуриятларини тўлаш	51320
	– таъсисчиларга ҳисобланган дивидендларни тўлаш	51321
	– нотўғри ҳисобдан чиқарилган суммалар ва бошқалар	51322

– пул маблағлари банкнинг биносида жисмоний ҳимояланган бўлади;

– пул маблағлари бўйича алоҳида ҳисоб банк томонидан юритилади;

– пул маблағларидан фойдаланиш жараёнида ўғирликнинг содир бўлиши ҳолатларини камайтиради.

Мижозлар нақд пулсиз усулдаги тўловларни банк орқали ўтказадилар ва мол етказиб берувчиларга ва хизмат қилувчиларга бўлган қарзлар ҳам банк орқали нақд пулсиз шаклида тўланади.

Касса счётларини юритиш тартибига ўхшаш ҳар бир алоҳида банк счёти бўйича муомалаларни акс эттириш учун алоҳида счётлар юритиш зарур. Бу ўз навбатида таққослаш жараёнини ва содир бўлган хатоларни аниқлашни енгиллаштиради. Таққослаш жараёни қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

– банкдаги счётдан олинган лекин ҳисобда акс эттирилмаган суммаларни (бўнак муомалаларини амалга оширгани учун банк йиғимлари ва комиссион тўловлар ва ҳоказолар) кўриб чиқиш;

– ушбу аниқланган суммаларни ҳисобда акс эттириш;

– банк кўчирмаларига асосан банкдаги ҳисоблашиш счётидаги маблағларнинг қолдиқларини бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари билан таққослаш;

– етказиб берилмаган пул ўтказмалари ёки чек муомалаларини таққослашда вақт минтакасига оид фарқларни ҳисоблаш;

– пул маблағларининг қолдиғи ва ҳаракати бўйича тузилган таққослаш далолатномасини тузиш, унда санани кўрсатиш ва томонлар – банк ва компаниянинг бухгалтерия ходимлари томонидан имзоланиши лозим.

5110 – «ҳисобланиш счёти» бўйича муомалаларнинг акс эттирилиши

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетидан Кредит	
Сальдо- №			
4010-	Маҳсулот, иш ва хизматларнинг сотилишидан олинган даромад	Банкдан кассага нақд пул олиш	-5010
4010-	Асосий воситалар ва бошқа активларнинг сотилишидан олинган даромад	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қарзнинг тўланиши	-6010
4110-	Авлод корхоналаридан маблағларнинг келиб тушиши	Мол етказиб берувчиларга берилган бўнаклар	-4310, 4320
4210-	Мол етказиб берувчилар томонидан йўл қўйилган камомад суммасининг тўланиши	Илгари олинган бўнакнинг қайтарилиши	-6310-7310
4310- 4320-	Фойдаланилмаган бўнакнинг мол етказиб берувчилар ва пудратчилар томонидан қайтарилиши	Капитал қўйилмалар бўйича сарфларнинг тўланиши	- 0810-0890
4610-	Товарларни кредитга сотишдан тушган маблағлар	Васиқалар ва облигацияларни сотиб олиш	-0610, 4020

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетидан Кредит	
4710-	Акция эгаларининг ва таъсисчиларнинг бадал суммаси	Акция эгаларидан ўз акциясининг сотиб олиниши	-8610
4810-	Узоқ муддатли лизинг асосида берилган асосий воситалар учун олинган ижара тўлови	Бюджет тўловининг сўндирилиши	-6410
4820-	Даромадларнинг кирим қилиниши	Ижтимоий ва мажбурий сугурта юзасидан қарзнинг тўланиши	-6520
4830-	Даромадлар ва дивидендлар олиш	Таъсисчиларга ҳисобланган дивиденд суммасининг тўланиши	-6610
4890-	Дебиторлар қарзининг сўндирилиши	Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга бўлган қарзнинг тўланиши	-6110, 7110
5010-	Ортиқча нақд пулнинг кассадан кирим қилиниши	Авлод корхоналарга бўлган қарзнинг тўланиши	-6110, 7110
5210-	Хориж валютасининг сотиб олиниши	Банкнинг қисқа муддатли кредитларини тўлаш	-6910
5510- 5520-	Банкка қайтарилган чек ва аккредитивлар суммасига	Банкнинг узоқ муддатли кредитларини тўлаш	-7510, 6850
5620-	Йўлдаги пул маблағларининг кирим қилиниши	Қисқа муддатга олинган қарзнинг тўланиши	-6940
5830-	Қисқа муддатли қарзларнинг сўндирилиши	Узоқ муддатга олинган қарзнинг тўланиши	-7410, 6850
6310-	Олинган бўнак суммаси ва маҳсулот қийматининг қисман тўланиши	Лизинг асосида ижара ҳақининг тўланиши	-6810, 6811, 7630, 6850
6320-	Акцияга обуначилардан бўнакнинг олиниши	Акция ва облигацияларни сотиб олиш ва депозитга ўтказиш	-0610
6910-	Банкдан қисқа муддатли кредит олиш	Даъво суммасининг тўланиши	-6860
6940-	Қисқа муддатли қарзнинг олиниши	Банк хизматларини тўлаш	-9439
0910- (5830)	Узоқ муддатли қарзнинг қайтарилиши	Олинган қарзнинг фоизини тўлаш	-9439
7510-	Банкдан узоқ муддатли кредит олиш	Кредиторларга бўлган қарзларни тўлаш	-6890
0910- (5830)	Узоқ муддатли қарзларнинг қайтарилиши	Асосий ишлаб чиқариш ва ёрдамчи ишлаб чиқариш сарфларининг тўланиши	-2010, 2310
8521-	Номинал қийматдан ортиқча баҳога акцияларни сотишдан олинган эмиссия даромади	Бошқа шахсларга қисқа муддатли қарз бериш	-5820

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетидан Кредит	
9330-	Олинган жарима ва ўсма суммалари	Солиқ юзасидан бўнак тўлаш	-4510
9390-	Шубҳали қарзлар захираси ҳисобидан илгари ҳисобдан чиқарилган сумманинг келиб тушиши	Мажбурий тўловлар юзасидан бўнак тўлаш	-4550
9520-	Улуш, облигация даромадлари ва дивидендлар олиш	Узоқ муддатли қарз мажбуриятини тўлаш	-6850
9530-	Фоиз кўринишидаги даромадлар		

В. Хориж валютасидаги маблағларнинг ҳолати ва ҳаракатининг ҳисобини ташкил қилиш

Ҳар бир корхона ва фирма хориж валютасида пул маблағларига эга бўлиши ва муомалаларни амалга ошириши мумкин. Хориж валютасидаги муомалаларни амалга ошириш учун корхона ва фирмалар тегишли ваколатга эга бўлган банкларда жорий валюта счётларини очишлари лозим. Ушбу банклар эса валютадаги муомалаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки томонидан бериладиган рухсатнома (лицензия)га эга бўлиши керак. Ушбу лицензияларга эга бўлган банкларнинг рўйхати Марказий Банкнинг даврий бюллетени (хабарномаси)да чоп қилиб борилади.

Банкда валюта счётини очиш учун хўжалик юритувчи субъектлардан қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш талаб қилинади:

– валюта счётини очиш учун ариза;

– нотариал идораси ёки қайд қилувчи муассаса томонидан тасдиқланган таъсис ҳужжатлари (низом таъсис шартномаси)нинг нусхаси;

– нотариал идора томонидан тасдиқланган қайд қилиш ҳужжати;

– корхона ёки фирманинг қайд қилинганлиги тўғрисида солиқ назорати ва нафақа жамғармаси (фонди)нинг тасдиқномаси;

– бухгалтерия баланси;

– нотариал идора томонидан тасдиқланган имзо намунаси ва муҳр қўйилган карточка.

Қўшма корхоналар ва норезидентлар юқорида келтирилган ҳужжатлардан ташқари хориж инвестицияси билан давлат

рўйхатига киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни ҳам банкка топшириши лозим.

Тақдим қилинган ҳужжатлар текширилгандан кейин ва мижозларга кўрсатилган хизмат ҳақи келишилиб унга 2та хориж валютасидаги маблағлар счёти – ички ва ташқи счётлар 5210- «Мамлакат ичидаги валюта счёти» ва 5220- «Хориждаги валюта счёти» очилади.

Ушбу валюта счётлари очилгандан кейин банк ва шахс ўртасида шартнома тузилиб унда ҳисоблашиш – касса хизматлари, банкнинг бошқа хизмат турлари, таърифлар, хизмат кўрсатиш ҳақи, маблағларни жойлаштириш шартлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва шунга ўхшашлар кўрсатилади.

Хориж валютасида бўладиган муомалалар тегишли қонун ва Марказий банк томонидан ўрнатилган ҳисоблашиш муомалалари учун хориж валютасининг шу санадаги сўмга нисбатан курсига мувофиқ амалга оширилади ва ушбу курслар муомалаларни амалга оширишда асосий кўрсаткич бўлиб хизмат қилади.

Ушбу Қонунда «валюта», «валюта қийматлари», «валюта муомалалари ва унинг турлари», «ваколатли банклар», шахслар аниқ белгиланади.

Чет эл валюталари ва чет эл валютасидаги қимматбаҳо қоғозларнинг муомалалари, жорий валюта ва капиталларнинг ҳаракати билан боғланган валюта муомалаларига бўлинади.

А. Хориж валютасидаги жорий муомалалар:

– сотилган товарлар, бажарилган иш ва хизматлар ҳақини кирим қилиш ва тўлаш муомалалари;

– 180 кунгача молиявий кредитлар бериш ва олиш;

– капиталларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган инвестиция, кредитлар ва шунга ўхшаш маблағларни олиш ва тўлаш;

– носавдо хусусиятида бўлган муомалалар, меҳнат ҳақи, нафақа, алимент ва бошқалар суммаларининг кирими ва чиқими;

– молия вазирлиги ва МБ рухсат берган бошқа мақсадлар учун олинган ва тўланган хориж валютасидаги маблағлар.

Б. Капиталнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган хориж валютасидаги муомалалар:

– субъектнинг устав капиталига тўғридан-тўғри инвестиция қилиш;
– қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш, яъни инвестиция портфели;
– 180 кундан ортиқча муддатга молиявий кредитлар олиш ёки бериш;
– сотилган товарлар, бажарилган иш ва хизматларнинг экспорти ва импорти бўйича тўловларни 180 кундан ортиқ муддатда тўлаш;
– Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан рухсат берилган бошқа молиявий муомалалар.

Хориж валютасидаги муомалаларини «резидентлар» ва «резидент бўлмаганлар (норезидентлар)» амалга ошириши мумкин.

Резидентлар – булар физик шахслар бўлиб мамлакатда доимий яшаши лозим, Қонунда белгиланган ва мамлакатда жойлашган юридик шахслар ва бошқалардир. Резидентлар томонидан хориж валютасининг жорий муомалаларини амалга ошириш чегараланмаган.

Норезидентлар – мамлакатдан ташқарида доимий яшаётган жисмоний шахслар, мамлакатдан ташқарида жойлашган ва Қонун билан белгиланган юридик шахслар ва бошқалардир.

Норезидентлар Марказий банкнинг кўрсатмасига, «Норезидентларнинг ваколатли банкларда валюта счётларини очиш ва юритиш тартиби»га мувофиқ ваколатли банкларда сўм билан ҳисобланадиган счётларни очадилар, бу счётлар орқали экспорт ва импорт муомалаларига хизмат қиладилар, ваколатхоналарини асрайдилар ва инвестиция фаолиятини амалга оширадилар. Капиталнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган муомалалар Марказий банк томонидан жорий қилинган тартибга асосан амалга оширилади. Олинган товарлар, бажарилгн ишлар ва кўрсатилган хизматларни тўлаш ҳужжатлари ҳаракатининг чизмаси.

Корхона (фирма) Урганч ш.	Урганч шаҳар муомала банки	Тошкент ш. Банкининг валюта бошқармаси	Париж ш. «Лион кредити» банки	Франгистондаги фирма

Урганч ш. Банкнинг муомала бўлими счёт № 015...87	Банкнинг валюта бошқармасидаги боғланувчи счёт № 87...06 Тошкент ш.	«Лион кредити» банкидаги /FRF/ боғланувчи счёт № 9100-22043T Париж ш.	Франгистон фирмаси «Leon»нинг счёти № ...

Кирим қилинаётган хориж валютасидаги маблағлар мамлакат ичидаги валюта счётига қабул қилинади ва унинг бир қисми валюта биржасида сотилади.

Меъёрий ҳужжатларга мувофиқ тушган хориж валютасидаги маблағнинг бир қисми белгиланган курс бўйича валюта биржасида сотилиши керак. Лекин белгиланган имтиёзларга мувофиқ хориж валютасидаги қуйидаги тушумлари сотишдан озод қилинади:

– жалб қилинган кредит суммалари, кредитларни тўлаш ва ҳисобланган фоизлари;

– даллол ташкилотлардан тушган экспорт даромадининг бир қисми;

– норезидентларнинг устав капиталига қўйилмалари ва капиталда қатнашганлигидан олинган даромадлар;

– қимматбаҳо қоғозларни сотиш бўйича тушумлар ва бу қоғозлар бўйича олинган дивидендлар.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган фирмалар тузилган шартнома ва контрактлар бўйича ташқи иқтисодий алоқалари-муомалалари бўйича тушган хориж валютаси суммасининг 50% ни ваколатли банклар ёки хўжаликнинг ҳисоблашиш счёти орқали валюта биржасида МБ томонидан белгиланган курс бўйича сотишлари шарт.

Хорижий истеъмолчи товарни олгандан кейин мол етказиб берувчининг ваколатли банкидаги счётига унинг қийматини хориж валютасида ўтказади. Тижорат банки эса мол етказиб берувчининг тегишли счётига ушбу маблағ келиб тушганини хабар қилади ва 50% ни МБ боғловчи счётига сотиш учун ўтказади ва бу муомалани валюта счётининг эгасига билдиради. Шунинг учун ушбу муомала бўйича келиб тушган маблағ аввало транзит счётда акс эттирилишини тақозо қилинади.

Хориж валютасининг бир қисмини сотиш топшириғига унинг сўм қийматини акс эттирган тўлов топшириғи илова қилиниб ушбу сумма субъектнинг ҳисоблашиш счётига қабул қилинади. Хориж валютасида кирим қилинган тушум икки қисмдан ташкил топади:

– тушумнинг 50% хориж валютасида валюта счётига кирим қилинади;

– тушумнинг қолган 50% сўм эквиваленти қийматида субъект ёки фирманинг ҳисоблашиш счётига кирим қилинади.

Сўм эквиваленти – тегишли вақтда Марказий банк томонидан белгиланган валютанинг сўмга нисбатан қийматидир.

Ушбу эквивалент Марказий банкнинг тегишли хабарнома (бюллетен)ларида чоп қилиб борилади ва матбуотда эълон қилинади.

Бухгалтерия ҳисобида хориж валютаси билан содир бўладиган муомалалар 5210 - «Мамлакат ичидаги валюта счёти», 5220 - «Хориждаги валюта счёти»ларида ҳисобга олиб борилади. Бу счётлар синтетик ва актив счёт ҳисобланиб, унда корхона ёки фирмага тегишли хориж валютасидаги маблағларнинг ҳолати ва ҳаракати ҳисобга олинади ва назорат қилиб борилади. Ушбу ҳисобни юритиш ва назоратни чуқурлаштириш мақсадида қуйидаги счётларни юритиш тавсия қилинади:

5210-«Мамлакат ичидаги валюта счёти»,

5220-«Хориждаги валюта счёти»

Корхона ёки фирмалар хорижий валюталарининг 50% мажбурий ва бир қисмини ихтиёрий равишда сотиши мумкин. Ушбу валютанинг кирими ва уларни сотиш муомалалари қуйидагича акс эттирилади.

1. Валюталар хориждаги валюта счётига қабул қилинганда:

Д-т 5220-"Хориждаги валюта счёти»

К-т 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

2. Хориж валютасини хориж валютаси счётидан чиқарганда:

Д-т 5710-«Йўлдаги ўтказмалар» счёти ва

К-т 5220-«Хориждаги валюта счёти»

3. Хорижий валюта мамлакат ичидаги валюта счётига қабул қилинганда:

Дт 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счёти»

Кт 5710-«Йўлдаги ўтказмалар»

4. Сотилган хориж валютасининг ҳисобдан чиқариш кунидаги сўм эквивалент баҳосига:

Д-т 9220-«Бошқа активларнинг реализацияси» счёти ва

К-т 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счёти»

5. Валютани сотишдан келган сўм тушумига:

Д-т 5110-«ҳисоблашиш счёти» ва

К-т 9220-«Бошқа активларнинг реализацияси»дан олинган даромадлар суммасига

6.Валюта курсидаги ижобий натижа ҳисобдан чиқарилса ушбу суммага:

Д-т 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счёти"

К-т 9540-«Сўм курсининг ижобий фарқи бўйича олинган даромадлар»

7. Хориж валютасининг сўмга нисбатан курсидаги салбий натижа ҳисобдан чиқарилса ушбу суммага:

Д-т 9630-«Сўм курслари бўйича кўрилган зарарлар» счёти ва

К-т 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счёти»

Агарда корхона ва фирмалар хориж валютасининг ортиқча қисмини ихтиёрий равишда сотсалар 5710 - «Йўлдаги ўтказишлар» счёти қўлланилмайди ва муомалалар счётларда қуйидаги тартибда қайд қилинади:

1. Сотилган валютани охирги баҳода ҳисобдан чиқарганда (баланс қиймати):

Д-т 9220-«Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқа чиқимлари» счёти ва

К-т 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счёти»

2. Сотилган кундаги сўм курси бўйича хориж валютасини сотишдан келган тушумни қабул қилиш:

Д-т 5110-«Ҳисоблашиш счёти» ва

К-т 9220-«Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқа чиқимлар" счёти

3. Сўм курслари бўйича ижобий натижани қайд қилиш:

Д-т 5210-"Мамлакат ичидаги валюта счёти"

К-т 9540-«Сўм курсининг ижобий фарқлари бўйича олинган даромадлар" счёти

4. Курси бўйича салбий натижани қайд қилиш:

Д-т 9630-"Сўм курсининг натижаси бўйича кўрилган зарарлар" счёти ва К-т 9320-"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқа чиқимлар" счёти

5. Ушбу муомаладаги даромад ва сарфларнинг қопланиши:

а) сўм курслари бўйича олинган даромад суммасига:

Дт 9540-"Сўм курсининг ижобий фарқлари бўйича олинган даромадлар" счёти ва Кт 9910-«Якуний молиявий натижалар» счёти;

б) сўм курслари бўйича салбий натижалар бўйича кўрилган зарарлар суммасига:

Д-т 9910-"Якуний молиявий натижалар" счёти ва К-т 9630-"Сўм курслари бўйича кўрилган зарарлар" счёти

Чет эл валютасини тартибга солиш қонунига мувофиқ Марказий банк томонидан белгиланган тартибларга асосан ва тегишли мақсадлар учун ички валюта бозорида корхона ва фирмалар валюталарни ваколатли банклар орқали сотиб олиши мумкин. Ушбу валюталар асосан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

– чет мамлакатларга хизмат сафарига бориш сарфларини қоплаш;

– шартнома ёки контракт мажбуриятларини бажариш сарфлари ва шунга ўхшашлар.

Хориж валютасини сотиб олиш учун субъектлар тегишли банкларга сарфлаш мақсадлари ва йўналишларини кўрсатган ҳолда ариза берадилар.

Ушбу валютани сотиб олиш муомалалари бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тартибда қайд қилинади:

1. Хориж валютасини сотиб олиш учун банкка пул ўтказиш:

Д-т 4310-«Товар моддий қийматликлари учун мол етказиб берувчиларга берилган бўнаклар» счёти ва

К-т 5110-«Ҳисоблашиш счёти»

2. Хориж валютасини субъектнинг валюта счётига қабул қилиш:

Д-т 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счёти»

К-т 4310-«Товар моддий қийматликлари учун мол етказиб берувчиларга берилган бўнаклар»

3.Ваколатли банкка воситачилиги учун хизмат ҳақини бериш:

Д-т 9439 (ёки 5220-6010 ва 6010-4310) - «Бошқа муомалавий сарфлар»

К-т 5110 - «Ҳисоблашиш счёти»

Хориж валюталарини сотиб олиш муомалалар 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счёти» ёки 5220-"Хориждаги валюта счёти"да ҳисобга олиб борилади.

Хориж валютаси бўйича муомалалар ҳисобга олинганда иккита баҳода, яъни хориж мамлакатининг валютасида ва Ўзбекистон Республикасининг валютаси сўмда қайд қилиб борилади.

Ушбу валюталарни сотиб олиш вақтида Марказий банк томонидан белгиланган курсдан ортиқча тўланган сумма субъектнинг зарарига қабул қилинади:

Д-т 9630-«Сўм курси бўйича салбий фарқлардан кўрилган зарар» счёти ва

К-т 5110-«Ҳисоблашиш счёти»

Хориж валютаси билан амалга оширилган ҳамма муомалаларда уларнинг ҳисоби иккита баҳода – хориж давлатининг валютасида ва тегишли курс бўйича миллий сўмда ҳисобга олиб борилади. Олинган хориж валютаси тегишли банклардаги 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счёти» ва 5220-"Хориждаги валюта счёти"га кирим қилинади. Агарда хориж валютасининг сотиб олиш баҳоси Марказий банк ўрнатган курсидан юқори бўлса ушбу фарқ суммаси 9630-«Сўм курси

бўйича салбий фарқлардан кўрилган зарарлар» счётига олиб борилади (9630-5110); агарда сотиб олиш баҳоси Марказий банк томонидан ўрнатилган курсдан паст бўлса ушбу сумма 9540-"Сўм курси бўйича ижобий фарқлардан олинган даромадлар" счётига олиб борилади (5110-9540).

Тегишли банклар хориж валютасининг ҳаракати ва ҳолати тўғрисида корхона ёки фирмага 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счёти» ва 5220-«Хориждаги валюта счёти»дан кўчирма бериб боради. Ушбу кўчирмага асосан 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счёти» ва 5220-«Хориждаги валюта счёти»нинг кредит маълумотлари 2/1-журнал ордерда йиғиб борилади ва ушбу счётнинг дебет суммалари 2/1-қайднома ёрдамида назорат қилиб борилади. Назоратни чуқурлаштириш мақсадида 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счёти» ва 5220-«Хориждаги валюта счёти» бўйича аналитик ҳисоб карточкалари юритилиб, уларда ҳар бир валютанинг турлари бўйича айрим ҳисоблар олиб борилади.

2/1 жамғарма қайднома 5210 ва 5220 счётларининг дебети ва бошқа счётларининг кредити бўйича			2/1 журнал-ордер 5210 ва 5220 счётларнинг кредити ва бошқа счётларнинг дебети бўйича				
Муомаланинг мазмуни солир бўлган вақти ва ҳужжатнинг номи	4010	жами	6010	5020	9439	9630	жами
01.04.20хх га қолдиқ		200000 20000000					
05.04 18-мемориал-ордер. Хориждаги фирмага ўтказилди			80000 8000000				80000 8000000
14.04. 19-мемориал-ордер. Нақд валютада берилди				21000 2100000			21000 2100000
21.04. 24-мемориал-ордер.ўтказма учун тўланган хизмат ҳақи					400 40000		400 40000
26.04. 27-мемориал-ордер. Маҳсулотни сотишдан олинган даромад	250000 25000000	250000 25000000					
30.04. Сўм курсидаги фарқ. Банк бюллетени ой бошида 100 сўм ва ойнинг охирида 102 сўм = 1$						90000	90000
01.05.20хх га қолдиқ		348600 35557200					

Ҳисоб мажмуасини автоматлаштириш ва осонлаштириш мақсадида 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счёти» ва 5220-«Хориждаги валюта счёти»даги маблағларнинг ҳолати, ҳаракати ва турлари кодлаштирилади.

5210 - «Мамлакат ичидаги валюта счёти»

№	Маблағларнинг ҳолати ва турлари	Кодлари
1.	Валюта счётидаги маблағларнинг қолдиғи: - Америка доллари - Олмония маркаси - Франгистон франки ва ҳоказо	5210 521011 521012 521013 ...
2.	Маблағларнинг кирими - Америка доллари - Олмония маркаси - Франгистон франки ва ҳоказо	52102 521021 521022 521023 ...
3.	Маблағларнинг сарфланиши - Америка доллари - Олмония маркаси - Франгистон франки ва ҳоказо	52103 521031 521032 521033 ...

5220 - «Хориждаги валюта счёти»даги маблағларнинг ҳолати ва ҳаракатини кодлаштириш ҳам ушбу тартибда амалга оширилади.

Хориж валютасида амалга ошириладиган муомалаларни қайд қилиш

5210 - «Мамлакат ичидаги валюта счёти»

5220 - «Хориждаги валюта счёти»

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетидан Кредит	
Сальдо – N			
0910, 4020-	Васиқалар ва бошқа узоқ муддатли қарзларнинг қайтарилиши	Узоқ муддатли васиқаларни сотиб олиш	-0610
4010-	Қимматбаҳо қоғозларни сотиш	Қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш	-5810
4010-	НМА сотишдан олинган маблағлар	Олинган НМА қийматини тўлаш	-0410 -0490
4010-	Асосий воситаларни сотишдан олинган маблағлар	Олинган хом-ашё ва материаллар қийматини тўлаш	-6010, 6020
4010-	Бошқа активларни сотишдан олинган маблағлар	Капитал қўйилма сарфларини тўлаш	-0810 -0890
4810-	Ижара тўловларининг келиб тушиши	Ижара тўловларини амалга ошириш	-6810, 7630
4820-	Қарзга сотилган товарлар юзасидан фоизларнинг келиб тушиши	Қарзга олинган товарлар юзасидан фоизларнинг тўланиши	-6820
8521-	Акцияларни сотишдан олинган эмиссия даромади	Олинган даъволар суммасининг тўланиши	-6860

Счётларнинг кредитидан		Счётларнинг дебетидан	
Дебет			Кредит
4210-	Даъволар юзасидан келган тушумлар	Маълум мақсадлар учун валюта суммасини ўтказиш	-5620
5620-	Йўлдаги валюта суммасини кирим қилиш	Модний қийматликларни тайёрлаш сарфларининг тўланиши	-1510
4020-	Депозитлар ва бошқа қисқа муддатли қарзларни олишдан келган тушумлар	Маҳсулот, иш ва хизматларни сотиш сарфларининг тўланиши	-9410
4310, 4320-	Мол етказиб берувчиларга бўнак тўловларининг қайтарилиши	Кассага валюта олиш	-5020
4420- 4490-	Ҳисобдор шахслар томонидан фойдаланилмаган бўнак суммаларининг қайтарилиши	Аккредитивлар ва чек дафтарчаларини очиш	-5510, 5520
4010-	Корхоналарни приватизация қилишдан маблағнинг келиб тушиши	Бўнак суммаларини бериш	-4300, 4400, 4500
4710-	Таъсисчилар томонидан тўланган акция қийматининг кирими	Олинган бўнак суммаларининг қайтарилиши	-6310
6910, 7510-	Банклардан олинган қисқа ва узоқ муддатли кредитлар	Банкдан олинган қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг қайтарилиши	-6910, 7510, 6850
4510, 4550-	Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича берилган бўнакларнинг қайтарилиши	Олинган қисқа ва узоқ муддатли қарзларнинг қайтарилиши	-6940, 7410, 6850
4830-	Ҳисобланган дивидендларнинг кирим қилиниши	Таъсисчиларга дивидендларнинг тўланиши	-6610
6310-	Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	Акциядорлардан акцияларни сотиб олиш	-8610
6940, 7410-	Юридик шахслардан қисқа ва узоқ муддатли қарзлар олиш	Банк хизматларини тўлаш	-9439
5020-	Кассадаги ортиқча валютанинг топширилиши	Валютани сотиш сарфларини тўлаш	-9439
4110-	Авлод корхоналаридан олинган валюталарнинг кирим қилиниши	Сўм курсидаги салбий фарқлар бўйича кўрилган зарарлар	-9630
5510, 5520-	Фойдаланилмаган аккредитивлар ва чек суммаларининг кирим қилиниши	Хориж валюталарини сотиш	-9220
9540-	Сўм курсининг ижобий фарқи	Қисқа муддатли қарзлар бериш	-5820
9590-	Савдо биржасида қатнашганлик учун олинган даромадлар		

Г. Махсус счётлардаги ва йўлдаги пул маблағлари ва пул ўтказмаларининг ҳисобини юритиш

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳисоблашишнинг ҳар хил турлари, яъни субъект маблағининг айланишини тезлаштиришга ёрдам берадиган омиллар қўлланилади.

Амалга оширилаётган муомаланинг моҳияти ва аҳамиятига мувофиқ хўжалик субъектлари ҳисоблашиш жараёнида қуйидаги вазифаларни бажарадилар.

– товар муомалалари юзасидан ҳисоблашишлар, агарда субъект тайёр маҳсулотларини харидорларга сотса, иш бажарса ва хизмат кўрсатса – маблағ олувчи сифатида;

– агарда мол етказиб берувчилар ва хизмат кўрсатувчилардан хом ашё ва моддий қийматликлар олса ёки улар бажарган иш ёки хизматни истеъмол қилса – тайёрловчи субъект ёки мажбурият эгаси сифатида;

– бундан ташқари нотовар муомалалари бўйича ҳам турли муомалалар – маблағлар билан амалга ошириладиган қарз олиш ёки қарз бериш, инвестиция муомалалари ҳам амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар – мол етказиб берувчилар ва харидорларнинг жойлашиш манзилига мувофиқ битта шаҳар ичидаги ва шаҳарлараро ҳисоблашишни ҳам амалга оширадилар. Ушбу ҳисоблашишларнинг шакли Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланади.

Ҳозирги даврда ушбу субъектлар ўзаро мажбуриятларини бажаришда ҳисоблашишларнинг қуйидаги шаклларидан фойдаланадилар:

– тўлов топшириқномаларига асосан, айрим ҳолларда инкасса шаклида;

– аккредитивлар ва махсус счётлар ёрдамида;

– режали тўловлар тартибида;

– ўтказмалар – алоқа вазирлиги корхоналарининг ёрдамида ўтказиладиган пул маблағлари;

– чек дафтарчаларидаги чеклар ёрдамида ва бошқалар.

Хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида ушбу юқорида қайд қилинган шаклларнинг муқобил шаклини қўллаш ҳисоблашишларни тезлаштириш, мажбуриятларининг камайиши, товар моддий қийматликларни олиш муддатининг қисқариши ва дебитор ва кредитор қарзларнинг камайишига, оқибат натижада пул маблағларидан самарали фойдаланишга олиб келади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг махсус счётларидан миллий ва хорижий валюталардаги пул маблағларининг ҳолати ва ҳаракати устидан назоратни ўрнатиш ва кучайтириш мақсадида уларнинг ҳисобини юритиш учун 5500-«Банкдаги махсус счётлар» счётларининг гуруҳи қўлланилади. Ушбу маблағлар-актив счётларда субъектнинг махсус маблағлари ҳақидаги ахборотлар умумлаштирилади.

5500-«Банкдаги махсус счётлар» счётларида аккредитивлар, лимитланган ва лимитланмаган чек дафтарчалари, махсус мақсадлар учун ажратилган ва бошқа шунга ўхшаш маблағларнинг ҳолати ва уларнинг ҳаракати — кирими ва сарфи қайд қилиб борилади.

Аккредитивлар ва чек дафтарчалари билан ҳисоблашишлар

Айниқса ҳозирги давр тақозо қиладиган ҳисоблашиш турлари дебиторлар қарзининг кўпайиб бориши шароитида аккредитив ва чек билан ҳисоблашишлардир.

Аккредитив шаклдаги ҳисоблашиш олдиндан қийматини тўлаш учун маблағларни ажратиш усули асосан олган маҳсулотнинг қийматини ўз вақтида тўлай олмайдиган истеъмолчиларга қўлланилади (айрим ҳолларда истеъмолчининг тўлаш қобилиятига ишонч бўлмаса ҳам).

Аккредитив — бу мол етказиб берувчиларнинг счётига тегишли тузилган шартномада кўрсатилган шартларга кўра олинган товар-моддий қийматликларнинг қийматини истеъмолчининг аккредитив аризасига мувофиқ ўтказиб бериш тўғрисидаги ўзининг банкига берган топшириғидир. Аккредитив очилишидан аввал мол етказиб берувчи билан махсус шартнома тузилиб унда олинадиган хом ашё ва материалларнинг номи, миқдори, сифати, баҳоси ва етказиб бериш вақтлари кўрсатилади ва шунга мувофиқ тегишли сумма ҳисоблашиш ёки валюта счётидан ушбу счётга ўтказилади, яъни аккредитив очилади. Ҳар бир аккредитив фақат тегишли мол етказиб берувчи ва олинадиган товар-моддий захираларининг аниқ турлари учун очилади ва ушбу молларга тегишли тўловлар счётлари банкка топширилгандан кейин ушбу сумма харидорнинг счётидан мол етказиб берувчининг счётига ўтказилади.

Аккредитив очилаётганда мол етказиб берувчининг номи ва манзили, аккредитивнинг муддати, товарнинг номи, тўловни

олиш учун зарур ҳужжатлар (транспорт юкхати, муҳофаза полиси, сифат сертификати, товар белгиси ва ҳоказолар) ва бошқа шартлар хизмат қилувчи банкка топширилиши лозим. Олинган товарнинг қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар банкка топширилгандан кейин истеъмолчига хизмат қилаётган банкка бу ҳақда хабар берилиб, истеъмолчининг счётидан тегишли сумма олинади.

Муддати ўтгандан кейин аккредитивнинг фойдаланилмай қолган суммаси истеъмолчига хизмат қилаётган банкка қайтарилиб, унинг ҳисоблашиш ёки валюта счётига ўтказилади.

Чек дафтарчалари олинган хом-ашё ва материаллар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоблашишни осонлаштириш учун хизмат қилади. Ҳисоблашиш чеки бу чек берувчининг чекни тақдим қилувчининг счётига ушбу чекда кўрсатилган суммани ўтказиб бериш тўғрисидаги банкка берилган топшириғидир. Чек дафтарчаларининг ҳисоблашиш муддати банк билан келишилган ҳолда ўрнатилади ва ушбу муддатдан кейин фойдаланилмай қолган сумма банкка қайтарилиб топширилиши шарт. Бу дафтарчалар чегараланган ва чегараланмаган суммада бўлади. Бу чек дафтарчаси — айрим тўлов чекларидан ташкил топади ва ҳар бир тўлов учун чек ёзилади ва унинг тасдиқловчи қисми чек дафтарчасининг эгасида олиб қолинади. Ҳар бир очилган аккредитив ва тўлов чеклари махсус карточкаларда қайд қилиб борилади.

Мамлакат ҳудудида ва хорижда сўм ва валютада сақланаётган маблағларнинг мавжудлиги ва ҳаракатини назорат қилиш учун 5500-«Банкдаги махсус счётлар» қўлланилиб ундан юқоридаги қайд қилинган маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилади.

Бу 5500 счётларда аккредитивлар, лимитланган ва лимитланмаган чек дафтарчалари, бошқа тўлов ҳужжатлари (васиқалардан ташқари) алоҳида жорий ва бошқа махсус счётдаги пул маблағлари, мақсадли тушумлар ва молиялаштиришга алоқадор пул маблағларининг ҳаракати ҳисобга олинади.

5500 -«Банкдаги махсус счётлар» синтетик счётларида ушбу маблағларнинг ҳолати ва ҳаракати устидан назоратни кучайтириш мақсадида қуйидаги счётлар очилади.

5510-«Аккредитивлар» счётида аккредитивлардаги маблағларнинг ҳолати ва ҳаракати ҳисобга олиб борилади. Бу маблағлар билан ҳисоблашишни амалга ошириш тартиби банк

кўрсатмаларига асосан тартибга солинади. Аккредитивларга маблағлар асосан 5110-«Ҳисоблашиш счёти», 5200-«Хориж валютаси счёти», 6910-«Банкнинг қисқа муддатли кредитлари», 6940-«Қисқа муддатли қарзлар» каби счётлардан келиб тушади ва ушбу счётларнинг кредитида берилган маблағларнинг суммаси ёзилади.

Аккредитивлар асосан мол етказиб берувчи ва пудрачилар билан олинган материаллар ва бажарилган ишлар бўйича ҳисоблашиш учун маълум муддатга очилади. Ушбу муддат тугагандан кейин фойдаланмай қолган маблағ тегишли счётларга қайтарилади.

- 5010 - «Кассадаги миллий валютадаги пул маблағлари»
- 5020 - «Кассадаги хориж валютасидаги пул маблағлари»
- 5110 - «Банкдаги ҳисоблашиш счёти»
- 5210 - «Мамлакат ичидаги валюта счёти»
- 5220 - «Хориждаги валюта счёти»
- 6910 - «Банкнинг қисқа муддатли кредитлари»
- 6940 - «Қисқа муддатли қарзлар» ва бошқа счётлар.

5510-«Аккредитивлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир аккредитив бўйича айрим олган ҳолда юритилиб борилади, чунки очилган аккредитив бўйича маблағдан фойдаланиш даражаси устидан назорат ўрнатиш зарурдир.Аккредитивдаги пул маблағларининг ҳолати ва ҳаракатини счётларда қайд қилиш тартибини қуйидаги чизмада келтирилади.

5510 - «Аккредитивлар» счёти

Счётларнинг кредитидан		Счётларнинг дебетидан	
Дебет			Кредит
Сальдо-	N		
5110- 5220	Ўзининг маблағлари ҳисобидан аккредитивларни очиш	Аккредитив маблағларидан мол етказиб берувчиларга олинган хом-ашё ва материалларнинг қийматини тўлаш	-6010
6910-	Банкнинг қисқа муддатли кредитлари ҳисобидан аккредитивлар очиш	АТБларнинг олиниши	-1210
6940-	Қисқа муддатли қарзлар ҳисобидан аккредитивлар очиш	Реализация сарфларининг тўланиши	-9410
7510-	Узоқ муддатли кредитлар ҳисобидан аккредитив очиш	Мол етказиб берувчиларга бўлган қарзларнинг тўланиши	-6010
7690-	Узоқ муддатли қарзлар ҳисобидан аккредитив очиш	Пудратчиларга бўнакнинг берилиши	-4310
4210-	Берилган даъво суммаларининг келиб тушиши	Мулк сугуртасининг тўланиши	-6510

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетидан Кредит	
6320-	Акция обуначиларидан олинган бўнаклар	Аккредитивдан фоизларнинг тўланиши	-6820
4690-	Мақсадли йўналишдаги маблағларнинг келиб тушиши (ота-оналарнинг бадаллари ва ҳоказо)	Дам олиш уйлари ва санатория йўлланмаларининг тўланиши	-5910
		Банкдан олинган қисқа муддатли кредитларнинг тўланиши	-6910
		Банкдан олинган узоқ муддатли кредитларнинг тўланиши	-7510
		Олинган қисқа муддатли қарзларнинг тўланиши	-6940
		Олинган узоқ муддатли қарзларнинг тўланиши	-7690
		Фойдаланилмаган суммаларнинг ҳисоблашиш счётига қайтарилиши	-5110
		Фойдаланилмаган суммаларнинг хориж валютаси валюта счётига қайтарилиши	-5200

5520-«Чек дафтарчалари». Банкдан олинган чек дафтарчаларидаги маблағларнинг ҳолати ва ҳаракатини ҳисобга олиб бориш ва назорат қилиш учун қўлланилади. Чеклар билан ҳисоблашишлар банкнинг кўрсатмасидаги қоидаларга асосан амалга оширилади. Чек дафтарчаларини беришда депонентлаштирилган 5520-«Чек дафтарчалари» счётига маблағлар, 5110-«Ҳисоблашиш счёти», 5200-«Хориж валютаси счётлари», 6910-«Банкнинг қисқа мудддатли кредитлари», 6940-«Қисқа муддатли қарзлар» ва бошқа счётлардан олинади.

Ҳисоблашиш жараёни тўлаш учун банкка тақдим қилинган чеклардаги суммаларга асосан содир бўлади ва 5110-«Ҳисоблашиш счёти», 4400-«Берилган бўнаклар», 6010-«Мол етказиб берувчиларга бўлган қарзлар» счётларга ўтказилиб борилади. Чек дафтарчалардаги суммаларнинг ҳаракатини тезкор ва доимий назорат қилиб бориш зарур. Шунинг учун фойдаланилмаган суммалар фойдаланиш вақти тугагандан кейин

5110-"Ҳисоблашиш счёти";
5200-"Хориж валютасидаги счётлар";
6910-"Қисқа муддатли кредитлар";
6950-"Қисқа муддатли қарзлар";

7510-"Узоқ муддатли кредитлар";

7690-"Узоқ муддатли қарзлар" ва бошқа тегишли счётларга қайтарилади.

5520-«Чек дафтарчалари» счёти бўйича ушбу маблағлар устидан назоратни кучайтириш мақсадида ҳар бир олинган чек дафтарчалари бўйича айрим аналитик ҳисоб юритилади.

Чек дафтарчаларидаги маблағларнинг ҳаракатини счётларда акс эттириш тартиби қуйидаги чизмада келтирилган.

Счёт 5520 - «Чек дафтарчалари»

Счётларнинг кредитидан **Дебет**		**Счётларнинг дебетидан** **Кредит**	
Сальдо- суммаси	фойдаланилмаган қолдиқ		
5110, 5200-	Ўзининг маблағлари ҳисобидан чек дафтарчаларини олиш	НМА қийматини тўлаш	-0420
6910-	Банкнинг қисқа муддатли кредитлари ҳисобига олиш	Товар-моддий қийматликларининг қийматини тўлаш	-1000
7510-	Банкнинг узоқ муддатли кредитлари ҳисобига олиш	Ёш ҳайвонларни сотиб олиш	-1110
6940-	Қисқа муддатли қарзлар ҳисобига чек дафтарчаларини олиш	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қарзни тўлаш	-6010
7690-	Узоқ муддатли қарзлар ҳисобига чек дафтарчаларини олиш	Истеъмол қилинган хизматлар ҳақини тўлаш	-6890
		Ҳар хил кредиторларга бўлган қарзларни тўлаш	-6890
		Фойдаланилмай қолган суммани қайтариш:	
		- Кассага	-5010
		- Валюта счётига	-5110
		- Ҳисоблашиш счётига	-5200
		- Қисқа муддатли кредитни қоплаш	-6910
		- Қисқа муддатли қарзни қоплаш	-6940

Бундан ташқари банкдаги 5530 - «Бошқа махсус счётлар»да алоҳида сақланадиган қуйидаги маблағлар ҳисобга олиб борилади:

– мақсадли тушумлар ва молиялаштириш маблағлари айрим ҳисобга олиб борилади, чунки бу маблағлар аниқ фойдаланиш йўналиши бўйича йиғилиб фақатгина ижтимоий муассасалар — болалар яслиси, боғчалар ва бошқаларни асраш учун

фойданилади. Маблағлар эса ота-оналардан тушган боғча ва ясли учун тўловлар ва муассасалардан фойдаланаётган бошқа жисмоний ва юридик шахслардан тушган тушумлардан ташкил топади.

– корхона ва фирманинг илтимоси билан тўпланадиган **капитал сарфларни молиялаштириш маблағлари.** Бу маблағлар 0800 - «Капитал қўйилмалар»дан ташқари айрим тадбирларни молиялаштириш учун ишлатилади.

– **ҳукумат идоралари томонидан бериладиган ёрдамлар /субсидия/.** Айрим ҳолларда субъектнинг рақобат бардошлигини ушлаб туриш ва кўтариш учун ёки уни қайта тиклаш ёки кенгайтириш мақсадида маҳаллий ва марказий бюджетдан маблағ ажратилиб, ушбу маблағлардан фойдаланиш устидан шу муассасалар назорат қилиб борадилар.

– **маҳсулотлар ва ҳайвонлар учун аҳоли билан ҳисоблашишлар** счётида аҳоли билан улардан шартнома асосида сотиш учун олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳайвон ва паррандалар бўйича ҳисоблашиш учун зарур бўлган маблағлар ҳисобга олиб борилади.

Махсус мақсадлар учун ажратилган маблағларнинг ҳаракатини счётларда ҳисобга олиш тартиби қуйидаги чизмада келтирилган.

5530 - «Банкдаги бошқа махсус счётлар»

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетидан Кредит	
Сальдо-	N бошланғич қолдиқ		
6320-	Акция обуначиларидан депозит кўринишида бўнак олиш	Болалар муассасаларининг сарфларини тўлаш	-2320
4690-	Ота-оналардан бадалларни олиш	Санатория ва дам олиш уйларининг сарфларини тўлаш	-2320
4690-	Ижтимоий ташкилотларни асраш учун маблағ олиш	Капитал қўйилма сарфларининг амалга оширилиши	-0810
7710, 8810-	Давлат субсидияларини олиш	Мақсадли молиялаштириш ҳисобидан сарфларнинг амалга оширилиши	-7710
8532-	Капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун маблағ олиш	Ижара тўловларининг амалга оширилиши	-6810

Агарда аккредитивлар ва чек дафтарчалари хориж валютасида очилган бўлса ҳам уларнинг ҳолати ва ҳаракати ушбу 5510-«Аккредитивлар» ва 5520-«Чек дафтарчалари» счётлрида алоҳида қайд қилиб борилади. Чунки ушбу очилган аналитик счётлар тегишли валюталарда очилган аккредитивлар, махсус

счётлар ва олинган чекларда ҳар бир маблағнинг, айниқса давлат субсидиялари, мақсадли йўналишдаги маблағларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни қайд қилишга ёрдам беради.

5500-«Банкдаги махсус счётлар»нинг синтетик маълумотлари 3-журнал ордерда кредит белгилари бўйича умумлаштирилса, унинг аналитик ҳисоби,яъни ҳар бир аккредитив, чек дафтарчаси ва тегишли счётлар бўйича дебет томонидаги маълумотлар 25-қайдномада жамғарилиб борилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кассасида нақд миллий ва хорижий валюталардан ташқари почта маркалари, давлат божхона тўловларининг маркалари, васиқалар, авиа, темирйўл чипталари ва бошқа пул эквивалентларига тенглаштирилган ҳужжатлар ҳам сақланади.

Ушбу пул эквивалентлари ва йўлдаги пул маблағларининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни қайд қилиш ва умумлаштириш мақсадида 5600-«Пул эквиваленти ва йўлдаги пул маблағлари» счётларидан фойдаланилади. Ушбу счётлар актив счётлар бўлиб пул маблағлари счётларининг гуруҳига таълуқлидир. Пул эквивалентлари 5600 счётда номинал қийматда ҳисобга олиб борилади.

Йўлдаги пул маблағларига асосан маҳсулотларни сотиш ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш натижасида кассага олинган нақд пулларнинг банкдаги пул маблағларига ўтказиш учун инкассаторларга топширилган, лекин банк томонидан қабул қилинганлиги тасдиқланмаган нақд пул маблағлари киради. Ушбу маълумотларни қайд қилиш ва умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

- 5610-«Пул эквивалентлари (турлари бўйича)»
- 5620-«Йўлдаги пул маблағлари (турлари бўйича)»

Акциядорлик жамиятлари ўзларининг акцияларини тугатиш ёки қайта сотиш мақсадида сотиб олишини ҳам тегишли 5600-«Пул эквиваленти ва йўлдаги пул маблағлари» счётида юритиши мумкин. Ушбу ҳолатда бу муомалаларни қайд қилиш учун счётларнинг гуруҳида қўшимча равишда 5630-«Акция эгаларидан сотиб олинган ўзининг акциялари» счётини очиши мумкин. Ушбу счётда кейинчалик тугатиш ёки қайта сотиш учун акция эгаларидан сотиб олинган ўзининг акциялари ҳисобга олиб борилади.

Ушбу маблағлар ва муомалаларни тегишли счётларда қайд қилиш қуйидаги ҳужжатларга асосан амалга оширилади:

– тушган нақд пулларни топширганда – банкнинг патталари, алоқа бўлимларининг патталари, инкассаторларга топширилганлигини тасдиқловчи кузатув қайдномасининг нусхаси ва ҳоказолар;

– бош субъект юборган маблағга – санаси, топшириқнома номери, миқдори, банк ёки алоқа бўлимининг номи кўрсатилган билдиришномани олиш.

Айрим ўртоқлик жамиятлари келишилган тартибда бошқа шахсларнинг улушларини сотиб олиб бошқа қатнашувчиларга ёки учинчи шахсга бериш учун олинган улушларни ҳам ҳисобга олиб борадилар.

Акция эгаларидан ўзининг акцияларини сотиб олиш жараёнлари тегишли 5600-«Пул эквиваленти ва йўлдаги пул маблағлари» счётларининг дебет томонида ва уларнинг қийматини тўлаш эса тегишли 5000, 5110, 5200, 5500 ва ҳоказо счётларининг кредитида акс эттирилади. Агарда ушбу акциялар тугатилса (муомаладан чиқарилса), ушбу муомала қонун доирасида амалга оширилса тегишли 8600-«Сотиб олинган ўзининг акциялари» счётининг дебетида ва 5600-«Пул эквивалентлари ва йўлдаги пул маблағлари» счётининг кредитида қайд қилинади.

Пул эквивалентларининг аналитик ҳисоби ҳар бир пул эквиваленти (почта маркаси, давлат божхона маркаси, васиқа ва ҳоказо) бўйича айрим олган ҳолда юритилади.

Пул эквивалентининг ҳолати ва ҳаракатини счётларда қайд қилиш чизмаси қуйидаги тартибда берилади.

Счёт 5610 - «Пул эквивалентлари»

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетидан Кредит	
Сальдо-	N бошлангич қолдиқ		
5010, 5020, 5110, 5210, 5220-	Пул эквивалентларини нақд пулга ва нақд пул ўтказиш йўли билан олиш	Пул эквивалентларини ҳисобдор шахсларга бериш	-4420 4430
6870-	Ҳисобдор шахслар орқали пул эквивалентларини сотиб олиш (марка, патта ва бошқалар)	Ходимларга пул эквивалентларини бериш (патталар ва бошқалар)	-4490
6890-	Бошқа шахслардан пул эквивалентларининг олиниши	Пул эквивалентлари бўйича аниқланган камомадларни қайд қилиш	-4630

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетидан Кредит	
Сальдо-	N бошланғич қолдиқ		
6110-	Пул эквивалентларининг авлод корхоналари ва бошқа мустақил балансга ўтказилган бўлинмалардан олиниши	Сотиб олинган эквивалентларни сотишдан аниқланган фарқни акс эттириш (номинал қийматидан кам баҳода сотилса)	-9432
5220-	Валюта счётига қабул қилиш учун хориж валютасининг қийматини қайд қилиш	Сотиб олинган акцияларини тугатиш (муомаладан чиқариш)	-8600
5010-	Акция эгаларидан ўзининг акцияларини сотиб олиш		
9320-	Сотиб олинган ва ушбу эквивалентларни сотишдан аниқланган фарқнинг акс эттирилиши (номинал қийматдан ошиқча баҳода сотилса)		

Айрим субъектларда, айниқса, хизмат кўрсатувчи соҳаларда кассага қабул қилинган нақд пуллар тегишли масъул ходимлар (инкассаторлар) орқали банкдаги пул маблағлари счётига топширилади. Ушбу муомалаларни (маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган нақд пулларни (тушумларни) топширишни қайд қилиш, яъни, сақланиш жойидан кетган (инкассаторларга топширилган) лекин йўналтирилган жойига келиб тушмаган нақд пулларни ҳисобга олиш 5620-«Йўлдаги пул маблағлари» счётида амалга оширилади. Ушбу счёт транзит счёти ҳисобланиб ушбу пул маблағларининг ҳаракати ва ҳолати устидан доимий назоратни ўрнатишда боғловчи босқични бажаради.

Ушбу 5620-"Йўлдаги пул маблағлари" счётининг дебет томонида кассадан инкассаторларга топширилган нақд пуллар акс эттирилади ва шу вақтда 5010 ва 5020 счётларнинг кредити томонида қайд қилинади. Ушбу маблағлар банкдаги тегишли пул маблағлари счётларига қабул қилингандан кейин эса 5620-"Йўлдаги пул маблағлари" счётининг кредитидан пул маблағлари счётларининг 5110, 5210 дебетига ўтказилади.

Ушбу маблағлар ҳисобидан қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ва бошқа шахсларга бўлган қарзлар тўланса тегишли 6910-«Банкнинг қисқа муддатли кредитлари», 7510-«Банкнинг узоқ муддатли кредитлари», 6940-«Қисқа муддатли қарзлар» ва

7690-«Бошқа узоқ муддатли тўловлар» счётларнинг дебетида қайд қилиб борилади.

Ушбу счётни бош субъект ўзининг қарамоғидаги мустақил балансга ўтказилган бўлинмаларига пул маблағларини ўтказишда ушбу маблағлар ҳисобот даврининг охирида тегишли счётларга ўтказилмаганда қўллайди.

Бундан ташқари мустақил балансга ўтган бўлинмаларнинг пул маблағлари бош субъектга ўтказилаётганда шунга ўхшаш ҳолатлар рўй берса ушбу счётни юқорида келтирилган тартибда қўллайдилар.

Ушбу счётларда маблағларни қайд қилиш учун қуйидаги ҳужжатлар асос бўлиб хизмат қилади:

– кирим қилинган нақд пулларни топшираётганда – банкнинг ва алоқа бўлимининг паттаси, банкнинг инкассаторларига нақд пулларни топшираётганда кузатувчи қайдноманинг нусхаси ва бошқалар;

– бош корхона ўзининг бўлимларига берилаётган суммалари бўйича – ўтказиш учун пул маблағини қабул қилган банк ёки алоқа бўлимининг номи ва суммаси ва авизо (хабарномаси)нинг санаси, тўлов топшириқномасининг номери кўрсатилади.

Пул эквивалентлари ва йўлдаги пул маблағларининг аналитик ҳисоби уларнинг ҳар бир тури бўйича айрим олган ҳолда юритилади.

Йўлдаги пул маблағларининг ҳолати ва ҳаракатини счётларда акс эттиришнинг қуйидаги чизмаси келтирилган.

5620 - «Йўлдаги пул маблағлари» счёти

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетидан Кредит	
С- N бошлангич қолдиқ			
5010, 5020-	Инкассаторларга кассадаги нақд пулларнинг топширилиши:	Пул маблағларининг хисоблашиш счётига келиб тушиши	-5110
	– маҳсулотларни сотиш, ишларни бажариш, хизматларни кўрсатишдан тушган:	Пул маблағларининг валюта счётига келиб тушиши	-5210
	– молиявий муомалалардан тушган:	Пул маблағларининг бошқа махсус счётларга келиб тушиши	-5530

Счётларнинг кредитидан Дебет	Счётларнинг дебетидан Кредит
– кассадаги лимитдан ортиқча пуллар	

Молиявий ҳисобнинг асосий вазифаларидан биттаси пул маблағларининг ҳолати ва ҳаракати устидан, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектнинг доимий ва тизимли назоратни ўрнатишдир.

Ҳисоб шахсларнинг фаолиятини ташкил қилишдаги элементларидан биридир, чунки ҳисоб ва маъмурий қарорларни қабул қилиш учун зарур бўладиган ахборотларни йиғиш ва уларга ишлов бериш манбаидир. Субъектларнинг бошқа маблағлари каби пул маблағлари хўжаликда содир бўладиган муомалаларнинг таъсири натижасида доимий равишда ҳаракатда бўлади. Чунки субъектнинг фаолияти-таъминот, ишлаб чиқариш ва реализация жараёнлари доимо такрорланиб туради.

Субъектнинг пул маблағлари сақланиш жойларида- кассада, банкдаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларида (ҳисоблашиш, валюта счётларида, аккредитив, чек дафтарчалари ва бошқа махсус счётларда) ҳисобга олиб борилади. Лекин инкассация қилинаётганда ва пул ўтказмаларини амалга ошираётганда ушбу маблағларнинг ҳолати ва ҳаракати устидан назорат қилиш узилиб қолади. Шунинг учун ўша жараённи назорат қилиш, яъни йўлдаги ва ўтказмалардаги пул маблағларининг тегишли жойларга банклар ёки олувчиларга бориб еткунча назоратини ташкил қилиш учун махсус 5710-«Йўлдаги ўтказмалар» счёти қўлланилади. Ушбу счётда миллий ва хорижий валюталарнинг ўтказилиши юзасидан яъни, алоқа бўлимларига топширилган лекин тегишли манзилдаги олувчиларнинг счётларига бориб тушмаган йўлдаги ўтказмаларнинг ҳолати ва ҳаракати устидан назорат ўрнатилади. 5710-«Йўлдаги ўтказмалар» счётида тегишли суммаларни ёзиш учун банк муассасаларининг патталари, алоқа бўлимларининг патталари ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар асос бўлиб хизмат қилади.

Тегишли банкдаги пул маблағлари счётларидан банк кўчирмалари олингандан кейингина ушбу маблағлар 5710-«Йўлдаги ўтказмалар» счётининг кредитидан тегишли 5110,

5210, 5510, 5520, 5530, 6310, 6710 ва бошқа счётларнинг дебетига ўтказилади.

Хориж валютасидаги йўлдаги ўтказмалар 5710-«Йўлдаги ўтказмалар» счётида ушбу ўтказмаларнинг турлари бўйича айрим ҳисобга олиб борилади.

5710-«Йўлдаги ўтказмалар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир ўтказманинг тури бўйича айрим ҳолда юритилади.

Йўлдаги ўтказмалардаги пул маблағларининг ҳолати ва ҳаракатини счётларда акс эттиришнинг чизмаси қуйидагича келтирилган.

5710 - «Йўлдаги ўтказмалар» счёти

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетидан Кредит	
С- N бошланғич қолдиқ			
4110-	Филиал, авлод корхоналари ва бўлинмалардан ўтказмаларнинг келиб тушиши	Ўтказма йўли билан пул маблағларининг ҳисоблашиш счётига келиб тушиши	-5110
5010-	Кассадан банкдаги ҳисоблашиш счётига киритим қилиниши учун ўтказмаларнинг амалга оширилиши	Ўтказма йўли билан пул маблағларининг кассага нақд пулда келиб тушиши	-5010
5110, 5210, 5220-	Банкдаги пул маблағлари счётларидан бошқа фирмаларга ўтказмалар амалга оширилди	Хориж валюталарининг ўтказма усулида валюта счётларига келиб тушиши	- 5210, 5220
5210-	Банк томонидан сотилиши учун хориж валютасида ўтказма қилинди	Ўтказма йўли билан пул маблағларининг махсус счётларга келиб тушиши	- 5510, 5520, 5530
4010-	Харидорларнинг қарзи ўтказмалар орқали олинди	Олинган бўнакларнинг пул ўтказмалари шаклида қайтарилиши	-6310
6310-	Пул маблағларининг ўтказмалари хисобидан бўнак олинди	Ходимлар томонидан пул ўтказмаларининг амалга оширилиши	-6710
4890-	Бошқа дебиторлар қарзининг ўтказмалар билан тўланиши	Мақсадли молиялаштириш ва мақсадли тушумлар жамғармалари ҳисобидан пул ўтказмаларининг амалга оширилиши	-7710
9330-	Ўтказмалар усулида олинган маблағларнинг субъектнинг даромадига қабул қилиниши		

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетидан Кредит
8523-	Приватизация қилинган корхонанинг пул ўтказмалари мулк таркибида қабул қилинди	

Д. Жорий инвестициялар ва бошқа активларнинг ҳолати ва ҳаракатининг ҳисобини юритиш

Бозор иқтисодиёти шароитида субъектлар имконияти борича ўз маблағларидан самарали фойдаланишга, яъни кўпроқ даромад олишга ҳаракат қиладилар. Ушбу усуллардан биттаси вақтинча, ортиқча маблағларини бошқа субъектларнинг фаолиятига қўйиш ва келишилган ҳолда ушбу маблағлардан олинган даромадга шерик бўлишдир. Буни амалиётда инвестиция дейилади.

Инвестициялар – маълум давр давомида иқтисодий фойда кўриш мақсадида бошқа субъектнинг фаолиятига қўйилган капитални билдиради.

№ 12-сон БХМС «Молиявий инвестицияларнинг ҳисоби» қимматбаҳо қоғозларга қўйилган инвестициялардан фоиз роялти, дивидендлар ва ижара ҳақи шаклида даромад олиш, инвестиция қилинган капиталнинг ўсиши ёки инвестиция қилаётган компания томонидан бошқа манфаатларни олиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг ихтиёрида бўлган активлар сифатида таърифлайди, ҳамда уларни жорий ва узоқ муддатли инвестицияларга ажратади.

Жорий инвестициялар – эркин сотиладиган ва бир йилдан кўп бўлмаган муддатда эгалик қилишга қаратилган қимматбаҳо қоғозлардир. Улар одатда бозорнинг (ликвидли) қимматбаҳо қоғозлари деб аталади. Бозорнинг қимматбаҳо қоғозлари кўп ҳолларда вақтинча бўш турган нақд пуллар ва пул маблағларининг вақтинча қўйилмаси бўлади. Улар, шунингдек, бино, асбоб-ускуналарга ва бошқа узоқ муддатли активларга қўйилиши кутилаётган капитал ҳам бўлиши мумкин.

Жорий инвестициялар улушлар, қарзлар ва қимматбаҳо қоғозлар кўринишида амалга оширилган бўлиши ҳам мумкин.

Акциялардан ташқари улушлар ва қимматбаҳо қоғозлар сифатида эгалик ҳуқуқини ва мулк улушини (капитал) сотиш ёки шундай ҳуқуқини тасдиқловчи ҳар қандай молиявий инструмент хизмат қилиши мумкин. Конвертация қилинадиган облигациялар, субъект яъни эмитент томонидан чиқарилган ва қайта сотиб олинган акциялар, шунингдек тўланишга тақдим

этилиши мумкин бўлган имтиёзли акциялар бундан мустасно. Улушли қимматбаҳо қоғозлар одатда оддий ва имтиёзли акциялар кўринишида ифодаланган бўлади:

а) оддий акциялар – уларнинг эгалари субъектга эгалик қилишда иштирокчи эканлиги ва устуворликка эга томонларнинг талаблари қондирилгандан кейин, активларга даъвогарлик ҳуқуқига эгалигини тасдиқловчи қимматбаҳо қоғозлардир;

б) имтиёзли акциялар – одатда олдиндан кафолатли равишда белгиланган дивидендлар даражасига эга бўлган акцияларнинг махсус даражали гуруҳидир. Эгаларининг субъектнинг фойдасига ёки активларига даъволари оддий акциялар эгаларининг даъволарига нисбатан устун туради.

Қарзни билдирувчи қимматбаҳо қоғозлар одатда облигациялар, хазина васиқалари, депозит сертификатлари ва ҳоказо билан ифодаланади. Облигация – инвесторлар орасида жойлаштирилган, эмитентнинг мажбуриятининг шаклини тасдиқловчи ва акс эттирувчи молиявий инструментдир. Облигациялар маълум муддатгача тўланиши лозим ва фоизларнинг даврий тўланиб боришини талаб қилади.

Облигацияларнинг эгалари субъект унга қарздор эканлигини тасдиқловчи сертификат олади.

Облигациялар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

а) таъминланган- эмитент тўловга қодир бўлмай қолган ҳолларда фоизларни ва облигациянинг номинал қийматини тўлашнинг кафолати маълум активлар билан таъминланиб ва тасдиқланиб чиқарилган облигациялардир;

б) таъминланмаган – оддий кредит каби чиқарилган ва мулкий ҳуқуқ даъволарини келтириб чиқармайдиган, лекин қарздорлик мажбуриятини тасдиқловчи облигациялардир;

в) қайд қилинган – бир чиқарилишдаги (сериялар, гуруҳларнинг ҳаммаси) ҳамма облигацияларнинг қиймати бир вақтнинг ўзида тўланадиган облигациялардир;

г) серияли (гуруҳли) тўланадиган – облигацияларнинг қиймати маълум давр давомида қисман (алоҳида сериялар (гуруҳлар) билан) тўланадиган облигациялардир;

д) рўйхатдан ўтказиладиган – эгасининг номи ёзиладиган ва эмитентнинг китобида рўйхатдан ўтказиладиган облигациялардир – ушбу облигацияларни бошқа шахсларга сотиш мумкин эмас;

е) купонли (рўйхатдан ўтказилмайдиган) – тегишли бўлган фоиз суммалари ва уларнинг тўланиши куни ҳақида ахборот берувчи, қирқиб олинадиган купонли облигациялардир;

ж) конвертация қилинадиган – ўзида қарз мажбуриятини тасдиқловчи ва эмитентнинг мулкида улушли иштирок этиши элементларини бирлаштирувчи ва эгасига кейинчалик шу эмитентнинг оддий акцияларига алмаштириш имконини берувчи облигациялардир.

Субъектнинг ихтиёрида бўлган қимматбаҳо қоғозларнинг барчаси инвестиция портфели дейилади ва ушбу инвестиция портфели шу субъектнинг эмитент мулкидаги улуши ва мулкий ҳуқуқининг даражасини билдиради.

Бошланишида жорий инвестициялар ҳисобда сотиб олиш қиймати бўйича акс эттирилиб, ушбу сумма қимматбаҳо қоғозларнинг келишилган баҳоси, сотиб олиш харажатлари, жумладан, брокерларга берилган мукофотлар, божхона тўловлари ва йиғимлари ва банк хизматлари учун тўланган суммалардан иборат.

Кейинчалик жорий инвестициялар қуйидаги тартибда баҳоланади:

1. Ҳақиқий (бозор) қиймати; ёки
2. Сотиб олиш ва ҳақиқий (бозор) қийматларидан энг кичиги бўйича ҳисобга олиниши мумкин.

Ҳақиқий қиймат – хабардор бўлган ва битимга тайёр томонларнинг ўртасида активнинг айрибошланаётган суммасидир. Бозор қиймати – бу қимматбаҳо қоғозлар бозорида акцияларнинг келишилган ҳолдаги олинадиган ва сотиладиган қийматидир. Ушбу қийматга қуйидаги омиллар таъсир қилади:

а) умумиқтисодий шароитларга таъсир қилувчи омиллар;

б) инвесторларнинг мавжуд субъектга бўлган муносабатига (субъектнинг обрўси, имиджи);

в) субъектнинг олаётган фойдасининг ҳажмига боғлиқ.

Агарда субъект инвестицияларни ҳақиқий (бозор) қиймати бўйича ҳисобга олса, ушбу бозор қийматининг ўзгаришларини даврий равишда ҳисобга олиши лозим.

Танланган усулга мос равишда, қийматнинг кўпайиши қайта баҳолашдан олинган даромад сифатида хусусий капиталга олиб борилади, қийматнинг камайиши эса молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда харажат деб тан олинади.

Узоқ муддатли инвестициялар қуйидагича таърифланади:

Узоқ муддатли инвестициялар – бир йилдан узоқ муддатда эгалик қилишга мўлжалланган қимматбаҳо қоғозларга қўйилган инвестициялардир. Улар, одатда инвестиция портфелида улушли (акциялар) ва қарз (узоқ муддатли облигациялар) қимматбаҳо қоғозлар кўринишида ифодаланган бўлади.

Узоқ муддатли инвестициялар ҳисобда аввал сотиб олиш қиймати бўйича тан олинади ва сўнгра балансда қуйидаги қийматларда ҳисобга олиниши мумкин:

1. Сотиб олиш қиймати бўйича – келишилган бозор қийматида сотиб олиш ва тегишли сарфларнинг йиғиндиси;

2. Қайта баҳолаш қиймати бўйича – ҳозирги даврда бозор-биржадаги белгиланган қиймати;

3. Бозорда ташкил топган ва амал қилинаётган бозор қийматига эга қимматбаҳо қоғозлар бутун инвестиция портфели асосида аниқланадиган сотиб олиш ва бозор қийматларининг энг кам қиймати бўйича ҳисобга олиниши мумкин.

Жорий ва узоқ муддатли қўйилмалар сифатида сотиб олинадиган қимматбаҳо қоғозлар, иккита алоҳида қимматбаҳо қоғозлар портфелини акс эттиради ва сотиб олиш ва ҳақиқий (бозор) қийматларидан энг кичиги бўйича баҳолаш усули ҳар бир портфел учун алоҳида қўлланилади.

Инвестицияларни сотиб олиш тартиби қуйидагича белгиланган:

Қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш, ҳисобда 5800-«Қисқа муддатли инвестициялар» счётларининг дебетида сотиб олиш қиймати ва ушбу муомала билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда акс эттирилади. Инвестиция қимматбаҳо қоғозлар, жумладан акцияларнинг қиймати бўлиб, уларнинг номинал қиймати эмас, балким ҳақиқий қиймати ҳисобланади. Агар инвестициялар бошқа активларни қўйиш орқали амалга оширилса, у ҳолда уларнинг қиймати берилган активнинг ҳақиқий қийматига тенг бўлади.

Облигациялар ва шу каби қимматбаҳо қоғозлар инвестор томонидан балансда активлар гуруҳидаги счётда сотиб олиш қиймати бўйича акс эттирилади. Агар сотиб олиш қиймати номинал қиймат (тўлаш қиймати) дан фарқ қилса, у ҳолда сотиб олиш қиймати ва номинал қиймати орасидаги фарқ (устама ёки чегирма) суммаси, облигациялар чиқарилган муддат давомида тегишли тартибда ҳисобдан чиқарилади. Устаманинг ҳисобдан чиқарилиши қисқа муддатли

инвестициялар счётининг кредитланиши билан, чегирмалар эса ушбу счётнинг дебетланиши билан амалга оширилади. Чунки, облигацияларнинг тўланиши давригача уларнинг баланс қиймати номинал қийматга тўғри келиши керак. Облигациялар бўйича устамалар ва чегирмаларнинг ҳисобдан чиқарилишининг даврийлиги улар бўйича ҳисобланган фоиз даромадларининг даврийлигига мос келади. Берилган ҳисобот даврида ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган чегирма, устама суммалари фоиз даромади ёки харажати деб туркумлаштирилади.

Масалан:

1 январда 6 ойлик муддатга номинал қиймати 100000 сўм бўлган, 10% ли облигация ҳар ойлик фоизлар тўлови шарти билан 82.000 сўмга сотиб олинди. Облигациянинг қиймати ҳисоблашиш счётидан тўланди.

Дебет 5810-«Қимматбаҳо қоғозлар (облигациялар)»..... 82.000 сўм

Кредит 5110-«Ҳисоблашиш счёти»..... 82.000 сўм

1 январда 6 ойлик муддатга номинал қиймати 100000 сўм бўлган, 10% ли облигация ҳар ойлик фоизлар тўлови шарти билан 112.000 сўмга сотиб олинди. Облигациянинг қиймати валюта счётидан тўланди.

Дебет 5810-«Қимматбаҳо қоғозлар облигациялар)».....112.000 сўм

Кредит 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счёти» $1120=... 112.000 сўм

31 январда:

Қисқа муддатли инвестициялар бўйича фоиз даромадларини ҳисоблаш счётларда қуйидаги тартибда қайд қилинади:

Дебет 4820-"Олинадиган фоизлар" (100.000x0.1x1/6)..... 1.666 сўм

Кредит 9530-«Фоиз кўринишидаги даромадлар».... 1.666 сўм

Облигациянинг сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ суммасини (чегирмани) ҳисобдан чиқариш:

Бизнинг мисолимизда жаъми чегирма суммаси 18000(100000-82000)сўм).

Демак, ойлик ҳисобланадиган чегирма суммаси 3000(100000-82000x1/6) сўм.

Дебет 5810-«Қимматбаҳо қоғозлар (облигациялар)»..... 3.000 сўм

Кредит 9530-«Фоиз кўринишидаги даромад»..... 3.000 сўм

Облигациянинг сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ суммаси (устама)ни ҳисобдан чиқариш.

Бизнинг мисолимизда жаъми устама суммаси 12000 (112000-100000)сўм;

Демак, ойлик ҳисобланадиган устама суммаси 2000(112000-100000:1/6).

Дебет 9620-«Фоиз кўринишидаги сарфлар"..... 2.000 сўм

Кредит 5810-«Қимматбаҳо қоғозлар (облигациялар)»... 2.000 сўм

Ҳисобланган фоиз даромадининг ҳисоблашиш счётига келиб тушиши:

1 февралда: (100000х0,1: 1/6)=1666 сўм.

Дебет 5110-«Ҳисоблашиш счёти»..... 1666 сўм

Кредит 4820-«Олинадиган фоизлар»..... 1666 сўм

Қисқа муддатли облигацияларнинг тўланиши (эмитент томонидан сотиб олиниши):

30 июнда-(номинал қиймати 100000 сўм бўлган иккита 10%ли облигациялар)

Дебет 5110-«Ҳисоблашиш счёти».....200000 сўм

Кредит 5810-«Қимматбаҳо қоғозлар (облигациялар)»..... 200000 сўм.

Давлатнинг қисқа муддатли қарзи ҳисобланмиш хазина васиқалари одатда белгиланган даромад фоизига эга бўлмайди, улар берилган васиқанинг фоиз даромади ҳисобланган чегирма билан чиқарилади.

Масалан, 1 мартда субъект тўлов муддати 120 кундан кейин келадиган 97000 сўмлик хазина васиқасини сотиб олди ва ушбу сумма ҳисоблашиш счётидан тўланди. Ушбу хазина васиқасига 120 кундан кейин давлат 100000 сўм тўлайди.

1 мартда- хазина васиқасини сотиб олганда:

Дебет 5810-«Қимматбаҳо қоғозлар (хазина васиқаси)»..... 97000 сўм

Кредит 5110-«Ҳисоблашиш счёти»..... 97000 сўм

30 июнда-ушбу хазина васиқасини давлат сотиб олганда:

Хазина васиқаларининг тўланиши:

Дебет 5110-«Ҳисоблашиш счёти»..... 100000 сўм

Кредит 9530-«Фоизлар бўйича даромадлар».....3000 сўм

Кредит 5810-«Қимматбаҳо қоғозлар (хазина васиқаси)»... 97000 сўм

Фоизлар бўйича ҳисобланган суммаларни қўшган ҳолда фоизларни тўлаш саналари орасидаги даврда облигацияларни сотиб олиш ҳисоби:

1 мартда:

Номинал қиймати 100000 сўмга 10% ли облигация 5 йиллик муддатга 30 июн ва 31 декабрда фоизларининг йилда икки марта тўланиши шарти билан 101667 сўмга сотиб олинди, шу жумладан, ҳисобланган даромад фоизи 1667 (100000x0.1x1/12)сўмни ташкил қилади. Ушбу муомаланинг суммалари тегишли счётларда қуйидаги тартибда қайд қилинади:

Дебет "Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар".....100000 сўм

Кредит "Бошқа дебиторлик қарзини ҳисобга олувчи счётлар".. 1667 сўм

Кредит "Пул маблағлари" счёти..... 101667 сўм

Сотиб олиш давридан бошлаб фоиз тўланадиган санагача бўлган давр учун фоиз даромадининг ҳисобланиши (100000x0,1x4/12)-3333 сўм.

30 июн:

Дебет "Олинадиган фоизларни ҳисобга оладиган счёт"..... 3333 сўм

Кредит "Фоиз кўринишидаги даромадларни ҳисобга олувчи счёт"..... 3333 сўм

30 июн:

Фоиз тўланадиган бутун давр учун фоиз даромадининг келиб тушиши:

Жами тўланадиган фоизларнинг суммаси=50000 (100000x0,1x5)сўм

Йиллик тўланадиган фоизларнинг суммаси= =10000(50000:5)сўм

Тўланадиган даврдаги (30 июн ёки 31 декабр кунлари) фоизнинг суммаси=5000(10000:2)сўм.

Дебет "Пул маблағларини ҳисобга олувчи счёт"..... 5000 сўм

Кредит "Олинадиган фоизларни ҳисобга олувчи счёт"..... 3333 сўм

Кредит "Бошқа дебиторлик қарзларини ҳисобга олувчи счётлар (5000-3333)"..... 1667 сўм.

Акциялар бўйича дивидендлардан келадиган даромад, инвестор томонидан эмитент томонидан ҳисобланадиган дивидендларни эълон қилган куни 4830-«Олинадиган

дивидендлар» счётининг дебети ва 9520-«Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» счётининг кредити бўйича тан олинади.

Айрим ҳолларда инвестор олаётган дивидендлар – харид санасидан бошлаб олинган инвестор фойдасининг мутаносиб (пропорционал) улушидан юқори бўлади. Бу дивидендлар инвестициялардан даромад деб эмас, балки капиталнинг қайтими деб ҳисобга олиниши керак, яъни ҳисобланган дивиденд суммаси (тўлиқ ёки унинг бир қисми) қуйидаги мисолда кўрсатилганидек, инвестициялар счётининг кредитида қайд қилинади.

Фараз қилайлик, 20хх йилнинг 1 январ кунида «А» компанияси «Б» компаниясининг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 10% акцияларини сотиб олди. Ушбу йил учун «Б» компаниясининг соф фойдаси 40000 сўмни ташкил қилган эди, шу йилда бу компания умумий 6000 сўмда қуйидаги журнал ёзувларини амалга ошириши керак:

Дебет 5110- «Ҳисоблашиш счёти»..... 6000 сўм
Кредит 9520- «Дивиденд кўринишидаги даромад»..... 4000 сўм
Кредит 5810- «Қимаматбаҳо қоғозлар»..... 2000 сўм

Инвестициялар ҳақиқий қийматгача қайта баҳоланганда, мунтазамликка амал қилиш мақсадида қайта баҳолашнинг такрорланиш тезлиги (частоталари) ишлаб чиқилади.

Масалан, «Икром» компанияси қуйидаги қимматбаҳо қоғозларга эгалик қилади, деб фараз қиламиз:

Компаниялар	Акцияларнинг миқдори	Акцияларнинг сотиб олиш қиймати	Акцияларнинг ҳаққоний (бозор) қиймати	Жами сотиб олиш харажатлари	20хх йил 31 декабридаги умумий бозор қиймати	Бозор қийматининг кўпайиши (камайиши)
A	200	3500	4000	7.00000	8.00000	1.00000
B	400	1000	1500	4.00000	6.00000	2.00000
C	100	9000	5000	9.00000	5.00000	(4.00000)
-	-	-	-	2000000	1900000	(100000)

Сотиб олиш ва ҳаққоний (бозор) қийматидан, энг кам қиймати бўйича баҳолаш усулининг қўлланилиши, акциялар портфелининг қиймати 1000 сўмга, 20000 сўмдан 19000 сўмга камайтирилишини кўрсатади, бунда А ва В акцияларининг қиймати 3000 сўмга кўпайган, С компаниясиники 4000 сўмга камайган. 20хх йилнинг охирида қўллаш лозим бўлган ёзувлар:

20хх йил 31 декабр куни:

Дебет 9630-«Курсларнинг фарқидан кўрилган зарар»..... 4000 сўм

Кредит 5810-«Қимматбаҳо қоғозлар (акциялар)»..... 1000 сўм

Кредит 8531-«Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар».....3000 сўм

Агар «Икром» компанияси илгари сотиб олинган ҳамма акцияларни кейинги йилнинг 1 январда сотса, у ҳолда 19000 сўм олади (агарда акцияларнинг бозор қиймати 200х йил 31 декабрда ўзгармаса).

Фараз қилайлик, кейинги йилда «Икром» компанияси В компаниясининг қайта баҳоланган акцияларини 600000 сўмга, яъни сотиб олиш нархига нисбатан 200000 сўм юқори нархга сотди. Бу муомала қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 5110-«Ҳисоблашиш счёти».....600000 сўм

Кредит 5810-«Қимматбаҳо қоғозлар(акциялар)»..... 600000 сўм

Дебет 8531-«Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар».....200000 сўм

Кредит 9540-«Қимматбаҳо қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромад».....200000 сўм

Инвестицияларнинг чиқиб кетиши ҳисоби қуйидагича юритилади.

Қимматбаҳо қоғозларни сотишдан субъект одатда фойда олади ёки зарар кўради. Демак:

– даромад ва баланс қиймати орасидаги фарқ даромад ёки харажат сифатида тан олинади;

– активни қайта баҳолашдан келган ҳар қандай даромад молиявий натижалар бўйича олинган фойдага қўшилиши мумкин (бунда танланган усулдан охиригача фойдаланиш керак).

Агар инвестиция портфели асосида сотиб олиш ва бозор қийматидан энг кам қиймат бўйича ҳисобланадиган жорий актив бўлган бўлса, сотувдан келган фойда ёки зарар сотиб олиш қийматига асосланган ҳолда ҳисоблаб чиқилган бўлиши керак.

Агар инвестиция илгари қайта баҳоланган ёки бозор қиймати бўйича қайта баҳоланган ҳамда кўпайиш суммаси қайта баҳолашдан келган даромадга (хусусий капитал)га ўтказилган бўлса қуйидаги иккита усулни қўллаш мумкин:

а) қайта баҳолашдан келган даромад суммасининг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилиши

натижасида сотувдан келган даромад суммасига тегишли счётнинг кредитланиши билан;

б) ёки қайта баҳолашдан келган даромад суммасининг тақсимланмаган фойдага ўтказилиши билан.

Акциялар сотилганда сотиш ва сотиб олиш қийматлари орасидаги фарқ ҳисобда ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади. Бундай инвестициялар бўйича олинган дивидендларнинг суммаси «Пул маблағлари» (5000, 5100, 5200, 5500) счётларининг дебетида ва 9520 - «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» счётининг кредити бўйича акс эттирилади.

Айтайлик, «Хамза» СТ компанияси 5000 дона акциясини «Хамиджон ва О» корпорациясига сотади. Бу акцияларнинг ҳар бири 35 сўмга сотиб олинди, жумладан, хизмат учун брокерга комиссион тўловлари билан бирга. Бу акцияларнинг ҳар бирининг 25 сўмга сотилиши (брокерлик хизмати ва комиссион тўловларидан ташқари) қуйидагича акс эттирилади:

5 декабрда:

Дебет 5110-«Ҳисоблашиш счёти»..... 125000 сўм

Дебет 9690-«Молиявий фаолият бўйича бошқа сарфлар» (Инвестицияларни сотишдан кўрилган зарар).....50000 сўм

Кредит 5810-«Қимматбаҳо қоғозлар (акциялар)».....175000 сўм

Бундай инвестицияларни баҳолаш учун иккита усул қўлланилади, булар:

– амортизацияланадиган мулкни баҳолашдаги ва

– узоқ муддатли инвестицияларни баҳолашда қўлланиладиган усуллардир.

Молиявий ҳисоботларда инвестициялар тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар очиб берилади:

1. Тасдиқланган ҳисоб сиёсатида:

– инвестицияларнинг баланс қиймати;

– активларнинг баланс қийматининг ўзгариши;

– қайта баҳолаш натижасида олинган даромадни ёки кўрилган зарарни ҳисобга олиш усулини аниқлаш учун.

2. Қуйидаги муомалалар бўйича даромад моддаларига киритиладиган суммалар:

– фоизлар, дивидендлар, ижара ва лицензия тўловлари бўйича;

– инвестицияларни сотишдан олинган фойда ёки зарарлар бўйича;

– инвестицияларни баҳолашдаги ўзгаришлар бўйича.

3. Инвестицияни-активларни қайта баҳолаш бўйича маълумотлар, жумладан:

– инвестицияларни қайта баҳолашнинг даврийлиги тўғрисида;

– қайта баҳолаш усули ва мустақил ихтисослашган (профессионал) баҳоловчининг жалб қилиниши тўғрисида.

4. Инвестицияларни сотишда содир бўладиган муомалаларнинг суммаларини ва фарқларини счётларда қайд қилиш тартиблари (чекланишлар):

– инвестиция унинг қийматига киритилган, ҳисобланган фоиз даромади билан сотиб олинганда, ҳисобланган фоиз кўринишидаги даромаднинг суммасини дебиторлик қарзларига киритиш керак;

– брокерларга комиссион тўловлар каби сотиб олиш бўйича бошқа харажатлар инвестициянинг қийматига киритилиши лозим;

– фоизлар инвестициянинг муддати давомида ҳисобланади;

– инвестициянинг сотиб олиш қиймати номинал қийматидан паст бўлса, чегирма мавжуд бўлади. Инвестиция таннарх бўйича акс эттирилади, чегирманинг ҳисобдан чиқарилиши эса инвестициянинг муддати давомида инвестиция қийматининг кўпайиши сифатида фоизлар бўйича даромадга киритилиши йўли билан ҳисобга олинади. Натижада тўлаш санасида баланс қиймати номинал қийматга тенг бўлади. Ушбу суммага 9530-"Фоизлар кўринишидаги даромадлар" счёти кредитланади ва инвестициялар счёти дебетланади;

– инвестициянинг сотиб олиш қиймати номинал қийматидан ортиқ бўлса, устама мавжуд бўлади. Инвестиция таннарх бўйича акс эттирилади, устаманинг ҳисобдан чиқарилиши эса инвестиция муддати давомида фоизлар кўринишидаги даромаднинг камайишига олиб борилиши билан инвестиция қийматининг камайиши деб ҳисобга олинади. Натижада тўлаш санасида баланс қиймати номинал қийматга тенг бўлади. Ушбу суммага 9620-"Фоизлар кўринишидаги харажатлар" счёти дебетланади ва инвестициялар счёти кредитланади.

Изоҳ: Инвестиция сотиб олиш қиймати бўйича ҳисобга олинганда, тўлаш муддати етгандан кейин баланс қиймати номинал қийматга тенг бўлиши лозим.

Субъектнинг бошқа субъектларнинг қимматбаҳо қоғозларига, давлатнинг фоизли облигацияларига ва маҳаллий қарзлар ва ҳоказоларга қисқа муддатли (1 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга) қўйилмалари (инвестициялари), шунингдек, бошқа субъектларга берилган қарзларининг ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги маълумотлар қуйидаги счётларда ҳисобга олинади:

5810-«Қимматбаҳо қоғозлар»;

5830-«Берилган қисқа муддатли қарзлар»;

5890-«Бошқа жорий инвестициялар».

Қоплашнинг белгиланган муддатлари 1 йилдан ортиқ бўлмаган фоизли облигациялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар, шунингдек бошқа субъектларга берилган қарзлар қисқа муддатли инвестициялар гуруҳидаги счётларда ҳисобга олинади. Қоплаш (сўндириш) муддати белгиланмаган бошқа қимматбаҳо қоғозларга қўйилмалар қисқа муддатли қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинади. Ушбу қўйилмалар амалга оширилганда, сўзсиз улар бўйича бир йилдан кўп муддат ичида даромад олинади.

5810-«Қимматбаҳо қоғозлар» счётида акцияларга, давлатнинг фоизли облигация ва маҳаллий қарзларга, шунингдек бошқа қимматбаҳо қоғозларга қўйилган қисқа муддатли инвестицияларнинг ҳолати ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар 5810-«Қимматбаҳо қоғозлар» счётида сотиб олиш қийматида кирим қилинади.

Акция, облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозларнинг субъект томонидан олиниши 5810-«Қимматбаҳо қоғозлар» счётининг дебетида ва 5110-«Ҳисоблашиш счёти», хориж валюталарини ҳисобга олувчи 5210, 5220-счётларнинг кредити орқали акс эттирилади. Агарда қимматбаҳо қоғозлар учун тўлов моддий ёки бошқа қийматликлар (пул маблағларидан ташқари) орқали амалга оширилса, моддий ва бошқа қийматликларни ҳисобга олувчи счётлар кредитланади.

Субъектнинг қисқа муддатли инвестициялари юзасидан ажратилган суммалари бошқа субъектга ўтказилса-ю, аммо ҳисобот даврида унинг тегишли ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар олинмаса, ушбу суммалар қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларда алоҳида ҳисобга олинади.

Агар сотиб олинган облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозларнинг сотиб олиш баҳоси уларнинг номинал қийматидан фарқ қилса, у ҳолда сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқни шундай ўчириш ёки қўшимча ёзиш керакки, 5810-«Қимматбаҳо қоғозлар» счётида ҳисобга

олинадиган қимматбаҳо қоғозларнинг баҳоси уларни қоплаш даврида номинал қийматига тенг бўлиши керак.

5810-«Қимматбаҳо қоғозлар» счётида ҳисобга олинадиган облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозларнинг қопланиши (сўндирилиши) ва сотилиши пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида сотиш баҳосида 5810-«Қимматбаҳо қоғозлар» счётининг кредитида эса баланс қийматида акс эттирилади.

Қимматбаҳо қоғозларни сотишдан кўрилган молиявий натижалар, агарда даромад олинса, 9590-«Молиявий фаолиятлардан олинган бошқа даромадлар» счётининг кредитида ёки зарар кўрилса, 9690-«Молиявий фаолиятлар бўйича бошқа сарфлар» счётининг дебетида акс эттирилади.

5830-«Берилган қисқа муддатли қарзлар» счётида субъектнинг бошқа субъектларга қисқа муддатга берган пул маблағлари ёки бошқа қарзларнинг ҳолати ҳисобга олинади.

Берилган қарзлар 5830-«Берилган қисқа муддатли қарзлар» счётининг дебетида ва 5110-«Ҳисоблашиш счёти» ва бошқа тегишли счётларнинг кредити орқали акс эттирилади. қарзларнинг қайтарилиши 5110-«ҳисоблашиш счёти» ёки бошқа тегишли маблағлар счётининг дебети ва 5830-«Берилган қисқа муддатли қарзлар» счётининг кредити бўйича корреспонденцияси орқали акс эттирилади.

5890-«Бошқа жорий инвестициялар» счётида субъектларнинг банк ва бошқа омонатларга сўмда ва хорижий валютадаги қўйилмаларининг ҳаракати ҳисобга олинади.

Омонатларга пул маблағларининг ўтказилиши 5890-«Бошқа жорий инвестициялар» счётининг дебетида ва 5110-«ҳисоблашиш счёти» ёки 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари» ва 5220-«Хориждаги валюта счётлари»нинг кредити бўйича корреспонденцияланиши орқали акс эттирилади.

Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича аналитик ҳисоб икки хусусиятни эътиборга олган ҳолда юритилади:

- қисқа муддатли инвестицияларнинг турлари бўйича;
- қўйилмалар амалга оширилган объектлар бўйича (қимматбаҳо қоғозларни сотувчи субъектлар, омонатлар ва ҳоказолар).

Аналитик ҳисобнинг тузилиши қисқа муддатли қўйилмаларнинг мамлакат ҳудудидаги ва хориждаги объектлари бўйича зарур ва етарлича маълумотларга эга бўлинишини ҳам таъминлаши керак.

Жорий (қисқа муддатли) инвестиция шаклидаги хўжалик муомалалари тегишли счётларда акс эттирилишининг қуйидаги чизмаси келтирилган.

5800-"Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар"

5810-«Қимматбаҳо қоғозлар»

5830-«Берилган қисқа муддатли қарзлар»

5890-«Бошқа жорий инвестициялар»

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит
Сальдо- N		
5110, 5200-	Ҳисоблашиш ва валюта счётларидан пул ўтказиш йўли билан қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш	Қимматбаҳо қоғозларни сотишдан олинган маблағлар\ -5110, 5200
5110, 5220-	Қарзларни васиқа орқали бериш	Қисқа муддатли қарзларнинг қайтарилиши -5110
4710-	Акциялар тўлови хисобига қимматбаҳо қоғозлар олиш	Қарзларнинг қимматбаҳо қоғозлар ҳисобидан қопланиши -6890
5010-	Нақд пулга акцияларни сотиб олиш	Гаров сифатида акцияларнинг берилиши -6010
9210-	Асосий воситаларга акцияларни алмаштириш	Васиқанинг дисконтланиши -6930
0610-	Узоқ муддатли инвестициянинг таркибини (реструктуризация қилиш) ўзгартириш	Васиқанинг суммаси бўйича даъвонинг харидорга билдирилиши -4210
9010-	Тайёр маҳсулотни қисқа муддатли қарз сифатида бериш	Даъво муддати тугаши натижасида васиқа қарзининг зарарга ўтказилиши -9690
9020-	Товарларни қисқа муддатли қарз сифатида бериш	Қимматбаҳо қоғозларнинг камомади -4630

Молиявий ҳисоботларда инвестициялар бўйича қуйидаги маълумотлар ёритилади:

1. Қуйидаги тадбирларни ўтказиш учун ҳисоб сиёсатида:

– инвестицияларнинг баланс қийматини аниқлаш учун;

– жорий вақтда баланс қийматидаги содир бўлган ўзгаришларни аниқлаш учун;

– қайта баҳолашдан олинган даромад ёки кўрилган зарар суммаларини ҳисобга олиш усулини аниқлаш учун.

2. Даромад моддаларига киритиладиган суммаларни аниқлаш учун:

– фоизлар, дивидендлар, ижара ва лицензия тўловлари;

– инвестицияларни сотишдан олинган фойда ёки зарарлар;

– инвестицияларни баҳолаш бўйича ўзгаришлар.

3. Қайта баҳолаш бўйича маълумотлар:

– инвестицияларни қайта баҳолашнинг даврийлиги тўғрисида;

– қайта баҳолаш усули ва мустақил ихтисослашган (профессионал) баҳоловчининг жалб қилиниши ҳақида.

4. Инвестицияларни сотишда содир бўлган маълум чекланишлар.

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий мажбуриятларидан биттаси ўз ходимларининг дам олиш, даволаниш ва руҳиятини кўтарадиган тадбирларни ўтказиш ҳисобланади. Чунки ходимларга яратилган яхши шароитлар уларнинг меҳнат унумдорлигининг ошишига ижобий таъсир қилади.

Шунинг учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда дам олиш уйлари, оромгоҳлар, санаторий ва даволовчи муассасаларга, болалар оромгоҳларига йўлланмалар, дам олиш тадбирларида иштирок қилиш учун абонентлар ва бошқа пул эквивалентлари бўлиши лозим. Ушбу эквивалентларни ҳисобга олиш учун юқорида келтирилган счётларда ҳисобга олиниши мўлжалланмаган, аммо субъектнинг мулки ҳисобланувчи жорий активларнинг ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги маълумотларни ҳисобга олиш ва умумлаштириш учун мўлжалланган 5910- «Бошқа жорий активлар» счёти қўлланилади. Ушбу счёт актив бўлиб, унинг дебет томонида субъектда мавжуд бўлган ва юқорида қайд қилинган йўлланмалар, абонентлар, патталар ва ҳоказолар ҳисобга олиб борилади.

Бошқа жорий активларнинг аналитик ҳисоби уларнинг турлари бўйича айрим ҳолда юритилади.

5910 - «Бошқа жорий активлар» счётида содир бўладиган муомалаларнинг чизмаси

Счётларнинг кредитидан Дебет		**Счётларнинг дебетига Кредит**	
Сальдо-	N		
5010-	Дам олиш уйлари, сиҳатгоҳларга йўлланмалар нақд пулга сотиб олинди	Чипталар, абонентлар ва йўлланмаларнинг сақлаш учун кассага берилиши	-5010
5210, 5200, 5520	Пул ўтказиш йўли билан дам олиш уйлари, сиҳатгоҳларга йўлланмалар сотиб олинди	Умумхўжалик мақсадида алоқа маркаларининг сарфланиши	-9429
6870-	Ҳисобдор шахслар орқали йўлланма ва абонентларнинг сотиб олиниши	Йўлланма, абонентлар ва йўл чипталарининг нақд пулда сотилиши	-5010
6910-	Қисқа муддатли кредит ҳисобига йўлланма ва абонентларнинг сотиб олиниши	Йўлланма, абонент ва чипталарнинг меҳнат ҳақи юзасидан берилиши	-6710
5010-	Нақд пулга абонентлар ва йўл чипталарининг сотиб олиниши		

III БОБ. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Жамиятга зарур бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун меҳнат воситалари ва меҳнат буюмларидан фойдаланилади. Меҳнат воситалари деб, маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита қатнашадиган меҳнат қуроллари ҳамда шу ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмайдиган, лекин унинг учун маълум шароитлар яратиб, уни ташкил қилишга узоқ муддат хизмат қиладиган мулкларга айтилади. Уларга иморатлар, иншоотлар, узатувчи мосламалар, машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, уй-жой бинолари, хўжалик инвентарлари ва ҳоказолар киради ва узоқ муддатли активлар ҳисобланади.

Асосий воситалар тушунчаси.

Узоқ муддатли активлар – асосий воситалар ва номоддий активлар бўлиб:

а) бир йилдан кўпроқ фойдали хизмат қилиш муддатига эга бўлади;

б) ишлаб чиқариш, маъмурий мақсадлар учун фойдаланилади ёки ижарага берилади;

в) сотиш учун мўлжалланмайди.

Узоқ муддатли активлар ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади:

Моддий активлар (асосий воситалар); жисмоний табиий кўринишга эга бўлган, узоқ муддатда фойдаланиладиган, активлар; ерлар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, табиий ресурслар ва шунга ўхшашлар.

Моддий активлар ҳам ўз навбатида учта гуруҳга бўлинади:

– амортизация қилинишга тегишли бўлган моддий активлар, масалан, бинолар, иншоотлар, ускуналар, мебеллар, қурилмалар;

– емирилишга тегишли бўлмаганлари, масалан фойдали қазилмалар, ўрмон бойликлари ва шунга ўхшашлар;

– амортизация ёки емирилишга тегишли бўлмаганлари, масалан ер;

– номоддий активлар-моддий кўринишига эга бўлмаган, лекин субъектнинг мулки ҳисобланиб уларни сотиб олишга ол-

диндан сарфлар амалга оширилган ва келгусида субъектга даромад келтирадиган активлардир.

Номоддий активлар қуйидаги активлар сифатида аниқланади:

– компания фаолиятида фаол катнашади, инвестиция сифатида ёки қайта сотиш мақсадида сақланилмайди;

– режа бўйича жорий ҳисобот даври тугашидан кейин манфаат келтириши керак;

– ҳамма вақт ҳам моддий асосга эга эмас.

Номоддий активларнинг қиймати фақат имтиёзлар ёки тадбиркорлик ҳуқуқлари билан ифодаланиб, муомалавий, молиявий ёки фоизли даромад келтиради. Масалан, гудвил, патентлар муаллифлик ҳуқуқлари, савдо маркалари.

Асосий воситалар ва номоддий активларнинг ҳисобини юритишда иккита асосий муаммо мавжуд:

– жорий ҳисобот даврида улар қийматининг қанча қисмини ҳисобдан чиқаришни аниқлаш;

– балансда кўрсатилган қийматнинг қопланишини тўғри ҳисоблаш.

Бу масалаларни ечиш учун тўртта саволга жавоб бериш керак:

1. Асосий воситаларнинг бошланғич қийматини қандай аниқлаш керак?

2. Асосий воситалар қийматининг бир қисмини харажатларга қандай олиб бориш керак?

3. Асосий воситаларни таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларнинг ҳисобини қандай олиб бориш керак?

4. Ҳисобда асосий воситалар ва номоддий активларнинг ҳисобдан чиқарилишини қандай ифодалаш керак?

Меҳнат воситаларининг асосий хусусиятларидан бири шундан иборатки, улар ишлаб чиқариш жараёнида узоқ муддат хизмат қилади ва шу билан бирга ўзининг жисмоний кўринишини сақлаб қолади. Лекин улар маҳсулот ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган шароитларни яратиб беришда узоқ муддат қатнашади ҳамда астасекин эскириб боради ва эскирган қисми ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, иш ёки хизматнинг таннархига қисман ўтказилиб борилади. Субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти жараёнида асосий воситалар субъектга олинади ва фойдаланишга берилади, эскиради, таъмирланади, бир бўлимдан иккинчи бўлимга ўтказилади, эскириши, сотилиши ва текинга берилиши нати-

жасида субъектнинг ҳисобидан чиқарилади, ваҳоланки доимо ҳаракатда бўлади.

Субъектлар асосий воситаларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, бошқа субъектга сотиш, текинга (эҳсон сифатида) бериш, алмаштириш, ижарага бериш, вақтинча текинга фойдаланишга бериш ва ҳисобдан чиқариш ҳуқуқларига эгадирлар.

Ушбу ҳуқуқлардан фақатгина дастлабки ҳужжатларни ўз вақтида ва тўғри тўлғазиш натижасидагина самарали фойдаланиши мумкин.

Субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятида ишлатилаётган меҳнат воситаларининг турлари ва сони шунчалик турли-туман ва кўпки, уларнинг ҳисобини, назоратини кучайтириш ва маблағлар ажратишни осонлаштириш мақсадида бухгалтерия ҳисобида барча меҳнат воситаларининг ичидан дастлабки қиймати белгиланган қийматдан кам бўлмаган ва бир йилдан ортиқ хизмат қиладиган меҳнат воситалари ажратиб олинган ва уларга асосий восита (фонд)лар деб ном берилган.

Асосий воситаларнинг таркибига шунингдек нархларидан қатъий назар китоблар, қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоблари, вояга етган иш ҳайвонлари ва маҳсулдор ҳайвонлар киради. Бундан ташқари, асосий воситаларга капитал қўйилмалар ҳисобидан ерларни яхшилашга кетган харажатлар (иншоотлар яратишга кетган харажатлардан ташқари) ҳамда ижарага олинган асосий воситаларга сарфланган капитал харажатлар ҳам киради.

Тасдиқланган стандартга асосан асосий воситаларнинг гуруҳига қуйидагилар кирмайди:

1) қийматининг канча эканлигидан катъи назар, бир йилдан кам хизмат қиладиган меҳнат воситалари;

2) хизмат қилиш муддатидан катъи назар, қиймати тасдиқланган қийматдан кам бўлган меҳнат воситалари (қийматининг канчалигидан қатъий назар асосий воситаларга киритиладиган қишлоқ хўжалиги машиналари ва қуроллари, (вояга етган иш ва маҳсулдор ҳайвонлардан ташқари);

3) қийматининг қанчалигидан қатъий назар махсус ускуналар ва махсус мосламалар;

4) ёш ҳайвонлар, асалари уялари, тажриба қилинадиган ҳайвонлар:

5) қийматидан қатъий назар махсус кийимлар, махсус пойабзал, ўрин-кўрпалар (меҳмонхоналарникидан ташқари, чунки улар қийматидан қатъий назар асосий воситалар ҳисобланади);

6) экиш материаллари сифатида кўчатхоналарда ўстириладиган кўп йиллик кўчатлар;

7) балиқ овлаш қуроллари (қийматидан ва хизмат қилиш муддатидан қатъий назар);

8) илмий тадқиқот ташкилотлари ҳамда саноат корхоналари томонидан субъектнинг марказий тажрибахонаси учун сотиб олинган ускуналар, автоматлаштириш воситалари ва тажрибахонанинг асбоб-ускуналари.

Бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларидан бири мавжуд асосий воситаларни тўғри ҳисобга олиш ва уларни мулк сифатида сақлаш, таъмир қилиш, асосий воситаларнинг келишини, чиқиб кетишини ва субъектнинг ичидаги ҳаракатини тегишли ҳужжатларга асосан ҳисоб регистрларида тўғри акс эттириб боришдан иборат.

Шунингдек бухгалтерия ҳисоби асосий воситаларнинг маҳсулот таннархига ўтказаётган эскириш суммасини тўғри аниқлаш учун ҳам хизмат қилади ва ушбу ҳисобланган эскириш суммасини калькуляция объектига қайси тартибда олиб боришни кўрсатиб беради.

Асосий воситаларни бухгалтерияда ҳисобга олишнинг энг асосий вазифаларидан бири шундан иборатки, у мавжуд асосий воситалардан тўғри ва унумли фойдаланиб, имкони борича кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ва ишлаб чиқаришга сарфланган ҳар бир сўмнинг рентабеллик даражасини оширишни таъминлаши керак. Чунки мавжуд қарорларга кўра, барча субъектлар мулклар учун бюджетга солиқ тўлашлари керак. Бу тўловларнинг суммаси мулкларнинг миқдорига қараб мутаносиб равишда ўзгаради, асосий капиталнинг қиймати ошган сари тўловларнинг суммаси ҳам ошиб боради, бу эса субъект фойдасининг камайиб кетишига таъсир қилади. Бундай иқтисодий сиёсат субъектларни ортиқча асосий маблағлардан воз кечишга, энг зарур бўлган асосий воситаларни олиб қолиб, улардан унумли фойдаланишга мажбур қилади.

Бухгалтерия ҳисоби ёрдамида субъектда бекор турган ва ортиқча асосий воситалар аниқланади, уларни бошқа ташкилотларга ижарага топшириш ёки сотиш чораларини кўришга ёрдам беради ва мавжуд асосий воситалардан қандай фойдалана-

ётганлиги ва улардан яна ҳам унумлироқ фойдаланиш йўлларини излаб топишга ёрдам беради.

Асосий воситаларнинг ҳисобини тўғри ташкил қилиш ва улардан самаралироқ фойдаланишни назорат қилиш мақсадида улар маълум тартибдаги гуруҳларга бўлинади. Асосий воситаларнинг гуруҳланиши барча субъектлар учун бир хил бўлиб, у халқ хўжалиги бўйича уларни режалаштириш, ҳисобга олиш ва тузишда ягона тартибда гуруҳлаш учун хизмат қилади ва тегишли Низом билан вазирлар маҳкамасининг қарорига асосан тасдиқланади.

Асосий воситалар ишлаб чиқаришга қатнашиши нуқтаи назаридан ишлаб чиқаришга тааллуқли асосий воситалари ва ноишлаб чиқаришга тааллуқли асосий воситаларига бўлинади.

Ишлаб чиқаришга тааллуқли асосий воситалардан моддий ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланилади, ишлаб чиқаришнинг бир нечта жараёнида қатнашиб, аста-секин эскиради, ўзининг қийматини яратилган маҳсулотнинг, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматнинг таннархига қисман ўтказиб боради. Уларга моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишлатиладиган иморатлар, иншоотлар, ўтказувчи мосламалар, машина ва асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари, йирик шоҳли ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик дарахтлар ва бошқа меҳнат воситалари киради.

Ноишлаб чиқаришга тааллуқли асосий воситалар ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган маданий-маиший, соғлиқни сақлаш муассасалари, коммунал хўжалик корхоналари ва шу каби тармоқларга хизмат қилади ва ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмайди, лекин субъектнинг молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда ёрдам беради. Улар ишлатиш жараёнида аста-секин эскириб, ўз қийматини қисман йўқотиб борадилар. Асосий воситалар халқ хўжалигининг қайси тармоғида ишлатилишига қараб, шунингдек тармоқлар (саноат, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, транспорт, алоқа, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш ва ҳоказо) бўйича ҳам гуруҳлаштирилади.

Асосий воситаларни халқ хўжалигининг тармоқлари ва турлари ўртасида тақсимлашда улар ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки хизматлар қандай тармоқ ёки фаолиятнинг турига тааллуқлилигига қараб, тегишли асосий воситалар ҳам ўша тармоқ ёки фаолият турига киритилади, масалан, халқ хўжалигининг тармоқларидаги, шу жумладан саноат ишлаб

чиқаришидаги асосий воситаларнинг қандай мақсадда фойдаланиши ва қандай ишларни бажаришига қараб, қуйидаги турларга бўлинади:

1. Иморатлар – буларга цех, омбор, тажрибахона, идора, ўт ўчириш депоси, гараж ва шунга ўхшаш меҳнат шароитини яратиб берувчи, ташқи атмосфера таъсиридан ҳимоя қилувчи ва моддий бойликларни сақлаш учун хизмат қилувчи бинолар киради.

2. Иншоотлар – буларга меҳнат буюмларининг ўзгариши билан боғлиқ бўлмаган, техникавий вазифаларни бажариш учун хизмат қиладиган сув минораси, кўприклар, темир йўллар, асфальт кўчалар, деворлар, насос станциялари, каналлар ва ҳоказолар киради.

3. Ўтказувчи мосламалар – булар ёрдамида электр ва иссиқлик энергияси, ҳамда механика энергияси ўтказилади, бир инвентардан иккинчи инвентарга суюқ ва газсимон моддалар юборилади. Бундай мосламаларга электр ўтказиш йўллари, газ сув ва буғ ўтказувчи қувур йўллар, телефон ўтказувчи симлар, кабеллар ва ҳоказолар киради.

4. Машина ва асбоб ускуналар, шу жумладан:

а) кучлантириш машиналари ва асбоб-ускуналар (иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқарувчи генераторлари, ҳар хил энергияларни, яъни сув, шамол энергиясини кучланиш энергиясига айлантирувчи машина – двигателлар ва трансформаторлар, ёрдамчи станцияларнинг асбоб-ускуналари);

б) иш машиналари ва асбоб-ускуналар (маҳсулотни яратиш ёки ишлаб чиқариш хусусиятидаги хизматларни бажариш жараёнида механик таъсирни кўрсатувчи машиналар, аппаратлар ва асбоб-ускуналар, жумладан токарлик станоклари, йигирувчи машиналар, домна печлари, тикув машиналари, кранлар, компрессорлар);

в) ўлчов ва тартибловчи ускуналар, мосламалар ва тажрибахонанинг асбоб-ускуналари;

г) ҳисоблаш техникаси;

д) бошқа хил машина ва асбоб-ускуналар.

1. Транспорт воситалари – буларга одамларни ва юкларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш учун хизмат қиладиган воситалар, яъни самолётлар, автомашиналар, вагонлар, кемалар, отлар, аравалар, автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар ва ҳоказолар киради.

2. Ускуналар – асосий воситаларнинг ушбу турига меҳнат буюмларига ишлов беришга хизмат қиладиган механизациялаштирилган ёки механизациялаштирилмаган қўл меҳнатининг қуроллари ёки машиналарга осилтирилган ёки уланадиган, лекин уларнинг таркибий қисми бўлмаган буюмлар киради. Буларга мисол қилиб кесувчи, узувчи ва эзувчи асбоблар ва ҳар хил ишловлар учун хизмат қиладиган мосламалар (қисқичлар, тискалар, ва шу кабилар)ни олиш мумкин.

3. Ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари, жиҳозлар ва бошқа асосий воситалар. Улар иш вақтида ишлаб чиқариш жараёнларини енгиллаштириш учун хизмат қиладиган иш столлари, дастгоҳлар, суюқ ва сочиладиган қийматликларни сақлашга мўлжалланган идишлар (баклар, сандиқлар, қутилар), хўжалик ва идора инвентарлари, идора жиҳозлари, ёзув машиналари, телефон аппаратлари, техника кутубхоналари ва бошқа буюмлардан иборат.

4. Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар (отлар, туялар, хўкизлар, сигирлар, буқалар, қўтослар, қўйлар, эчкилар, чўчқалар ва бошқалар).

5. Кўп йиллик дарахтлар – мевали, декоратив ва ихота дарахтлари.

6. Ерларни яхшилашга қилинган капитал сарфлар (иншоотлардан ташқари). Бундай харажатларга капитал қўйилмалар ҳисобидан ерлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун уларнинг устки қатламини яхшилаш тадбирлари (ер участкаларни режалаштириш, ерларни шудгорга тайёрлаш, сув омборларини тозалаш ва ҳоказолар) учун қилинган сарфлар киради.

7. Бошқа асосий фондлар (кутубхона фондлари, музейдаги қийматликлар (музейдаги экспонатлардан ташқари) зоопарк ва бошқа муассасалардаги тирик ҳайвонларнинг экспонатлари, бюджет муассасалари ва ташкилотларида асосий воситалар таркибида ҳисобга олинган иш кийимлари, ўрин-кўрпалар, кийим ва пойабзал, саҳна ускуналари ҳамда ижарачининг балансида ҳисобга олинадиган ижарага олинган асосий воситаларга кетган капитал сарфлар).

Асосий воситалар фойдаланилишига қараб ҳаракатдаги, захирадаги ва ҳаракатсиз ётган асосий воситаларга бўлинади.

Хўжалик жараёнида фойдаланилаётган барча асосий воситалар ҳаракатдаги асосий воситалар деб ҳисобланади.

Захирадаги асосий воситалар деб капитал тузатишдаги ва эскириши натижасида ишдан чиққан меҳнат воситаларини ал-

маштириш учун мўлжалланган воситаларга айтилади. Бухгалтерия ҳисоби ҳар бир субъектда мавжуд захирадаги асосий воситалар ушбу субъектга керакли миқдорда бўлишини назорат қилиб бориши ва уларнинг меъёрдан ошишига йўл қўймаслиги керак.

Чунки меъёрдан ортиқча асосий воситаларнинг захиралари, биринчидан, мулклар учун тўловларни ошириб, юборади ва иккинчидан, субъект мулкининг бекор туришига олиб келади ва улардан фойдаланиш самарадорлигининг даражасини пасайтиради.

Ҳаракатсиз ётган асосий воситалар деб субъектнинг ўзида ёки унинг айрим бўлинмаларида ишлаб чиқариш фаолиятининг тўхтаб қолиши (тегишли ташкилотлар томонидан тўхтатиб қўйилиши) натижасида ишлатилмаётган ва субъектнинг омборларида бекор турган меҳнат воситаларига айтилади.

Субъектларнинг қарамоғида уларнинг ўзларига тегишли асосий воситалардан ташқари вақтинча фойдаланишга, яъни ижарага олинган асосий воситалар ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун асосий воситалар мазкур субъектларга тегишлилигига қараб икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга субъектнинг мулки ҳисобланган асосий воситалари кирса, иккинчи гуруҳга ижарага олинган асосий воситалар киради. Субъектнинг асосий воситалари ушбу субъектнинг балансида акс эттирилиб, ижарага олинган асосий воситалар ҳам субъектнинг ушбу балансида акс эттирилади ва улар бўйича ушбу субъектда амортизация (эскириш) ҳисобланмайди.

Асосий воситаларнинг баҳоланиши. Асосий воситалардан фойдаланиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли, уларни баҳолашда қуйидаги хусусиятларни ҳисобга олиш зарур.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (БҲХС)га мувофиқ қийматнинг қуйидаги тушунчалари мавжуд.

Асосий воситаларни сотиб олиш, қуриш, ишлаб чиқариш ёки ҳолатини яхшилаш учун тўланган сумма, асосий воситаларни сотиб олиш, қуриш, ишлаб чиқариш ёки ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ тўғридан-тўғри харажатларни, жумладан ундан мақсадли фойдаланиш учун зарур бўлган ўрнатиш ва синаб кўриш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади.

Тарихий қиймат (сотиб олиш қиймати) – ўзаро боғлиқ бўлмаган томонлар ўртасидаги муомаланинг натижаси бўлиб, объектив ва ишончли ҳисобланганлиги сабабли ишлатилади.

Сотиб олиш қийматида активни сотиб олиш ва фойдаланишга тайёрлаш мақсадида амалга оширилган пул маблағлари (ёки унинг эквивалентлари)нинг чиқими ҳисобланади.

Активлар пулсиз тўлов эвазига сотиб олинганида, улар ёки **берилган активнинг бозор қиймати бўйича ёки сотиб олинган активнинг бозор қиймати бўйича** инобатга олинади (бунда қайси бир қийматнинг холисроқ аниқланишига қараб). Асосий воситаларни айрбошлаш, кейинроқ кўриб чиқиладиган принципдан истиснони ўз ичига олади.

Мувофиқлик принципи, чиқимларнинг муддатини узайтиришни ва ёки даромадлар олингунга қадар, активларнинг счётларда сақланиб турилишини талаб қилади. Активларнинг фойдаланишга топширилиши ва даромадларни олишда ўз ролини бажара бошлаши вақтидан бошлаб, мувофиқликнинг текширилиши ўтказилади – сотиб олиш қиймати даромадлар билан амортизация орқали мувофиқлаштирилади.

Тарихий қийматдан ташқари, баҳолашнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд бўлиб, улар кўп ҳолларда фойдаланилмайди. Масалан, **алмашув қиймати** (кирим қийматини ҳисоблаш), соф **реализация қиймати** (ҳисобдан чиқариш қийматини ҳисоблаш) ва баҳо даражасининг қиймати (жорий қийматни ҳисоблаш).

Активлар сотиб олинаётганда счёт-фактура баҳосига қўшиладиган харажатлар амалга оширилади (чегирмалар айирмасидан ташқари). Бу харажатлар ўз ичига қопланадиган эгри солиқлар, мулкнинг эгалари томонидан тўланадиган мулк солиқлари, суғурта бадаллари, мулк ҳуқуқлари, мулкни рўйхатдан ўтказиш харажатлари, комиссион тўловларни ўз ичига олади. Бу харажатлар активдан манфаат олиш учун уларни фойдаланишга тайёрлашда зарурдир. Бу харажатларнинг ҳаммаси капиталлаштирилади.

Монтаж қилишни талаб қилмайдиган активларни сотиб олишда фойдаланилган қарзлар бўйича харажатлар (қарз фоизлари) капиталлаштирилмайди, чунки актив фойдаланишга тайёр ҳолда турибди. Тайёр ва сотиб олиш пайтида фойдаланишга топшириладиган активлар билан боғлиқ фоиз харажатлари ва кредит берувчи ташкилотлар томонидан олинадиган кредитни олганимиз учун комиссон тўловлар ҳам давр харажатлари ҳисобланади. Активларни баҳолашнинг умумий принциплари асосий воситаларни харид қилиш ҳолатлари ва усулларига боғлиқ бўлмайдилар. Чунки улардан узоқ муддат фойдаланилиб, ўз қийматларини ишлаб

чиқарилаётган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархига аста-секин ўтказиб боради. Шу ўтказилган қийматни, яъни асосий воситаларнинг эскириш қийматини (суммасини) бутун фойдаланиш даврида тўғри аниқлаш ва мавжуд асосий воситанинг мазкур санагача қанча эскирганлигини аниқлаш мақсадида бухгалтерия ҳисобида улар қийматининг доимийлигини сақлаш талаб қилинади. Шунинг учун мавжуд бухгалтерия ҳисоботлари ва баланси тўғрисидаги стандартларга кўра асосий воситалар фойдаланишга топширилгунга қадар бўлган баҳода, яъни дастлабки қиймати асосида ҳисобга олинади. Дастлабки қиймат асосий воситаларни сотиб олиш ёки қуриш, ҳамда уларни олиб келиш ва ўрнатишга кетган барча харажатларни ўз ичига олади ва асосий воситаларни ҳисобга олишда ҳам қўлланилади. Маълумки, халқ хўжалигида фойдаланиладиган асосий воситалар давримизнинг турли вақтларида ишлаб чиқарилган ва фойдаланишга топширилган. Уларнинг ичида бундан бир неча ўн йиллар давомида фойдаланиб келинаётганлари ҳам мавжуд. Шунинг учун унумдорлиги, меҳнат ҳақи сарфлари ва материалларнинг таннархлари ҳар хил бўлган бошқа-бошқа даврларда ишлаб чиқарилган бир хилдаги меҳнат воситаларининг қиймати ҳам ҳар хил бўлади.

Бир хил вазифани бажарувчи, лекин турли даврларда яратилган бир турдаги асосий воситалар ҳар хил дастлабки қийматга эга бўлганлиги сабабли, уларнинг бир давр (ой, йил) ичида эскириш қиймати ва амортизация суммасининг аниқланиши ҳам ҳар хил бўлади. Бу эса ушбу асосий воситаларнинг ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархининг ҳар хил бўлишига ва иқтисодий нуқтаи назардан нотўғри хулосаларга олиб келишга сабаб бўлади. Мана шундай хулосаларга йўл қўймаслик мақсадида асосий воситаларнинг баҳолари давлатнинг қарорига асосан вақти-вақти билан умумий равишда қайта тикланиб (баҳоланиб) турилади, яъни қайтадан баҳоланаётган асосий воситаларга янги нархлар белгиланаётган пайтида (шароитда) худди шундай асосий воситаларни ишлаб чиқариш неча пулга тушса, мана шу қиймат тиклаш қиймати сифатида белгиланади.

Собиқ СССР даврида асосий воситаларнинг нархлари 1925, 1945 (қисман), 1960, 1972 ва 1990 йиларда қайта тикланган.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида нархнаволарнинг тез-тез ўзгариб туриши сабабли асосий воси-

таларнинг нархларини ҳам қисқарок муддатларда қайтадан кўриб туришни тақозо этади.

Ушбу талабни инобатга олиб Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 26 декабрдаги 500-қарори билан «Асосий воситаларни 2001 йил 1 январ ҳолатига қайта баҳолаш тартиби тўғрисида Низом» тасдиқланди ва 2001 йил 19 февралда 1008-сон билан Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилди. Ушбу Низом 2001 йил 1 мартдан кучга кирди.

Асосий воситаларни баҳолаш принципи, мулкчиликнинг барча турлари учун бир хилдир. Лекин асосий воситаларнинг дастлабки қиймати фақат уларнинг нархлари қайтадан баҳоланганда, қўшимча асбоб-ускуна ўрнатилганда, реконструкция қилинганда ва тегишли объектлар қисман тугатилгандагина ўзгартирилиши мумкин.

Маълумки, бухгалтерия балансида асосий воситаларнинг қиймати икки хил нархларда, яъни дастлабки ва қайта тикланган қийматларнинг йиғиндисидан иборат бўлиб, уларнинг умумий суммаси асосий воситаларнинг баланс қиймати деб номланади.

Бухгалтерия ҳисобида шунингдек асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ҳам мавжуд. У асосий воситаларнинг баланс қиймати билан уларнинг эскириш суммаси ўртасидаги фарққа тенг бўлади.

Бухгалтерия балансининг активида ҳозирги пайтда асосий воситаларга тегишли бўлган учта қуйидаги маълумот келтирилади: асосий воситаларнинг баланс қиймати, уларнинг шу санага бўлган эскириш суммаси ва қолдиқ қиймати. Бунда балансннинг якуний суммасига фақат қолдиқ суммаси қўшилиб, асосий воситаларнинг дастлабки қиймати ва эскириш суммаси маълумотнома (ахборот) учунгина келтирилади.

Ижтимой-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришнинг асосий омилларидан бири янги ва сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни оширишдир. Шунинг учун мамлакатимизда ўнлаб янгидан-янги корхоналар, шу жумладан ривожланган мамлакатлар билан биргаликда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган қўшма корхоналар ташкил қилинмоқда.

Асосий воситалар бир неча йўллар билан сотиб олинади ва айрим ҳолларда текинга олинади:

- пул маблағлари эвазига;
- кредитга;

– сотиб олувчи компания капиталининг акцияларига алмашиш орқали;
– қурилиш йўли билан;
– бошқа активларга алмашиш орқали;
– давлат субсидиялари орқали;
– бошқа субъектлардан ҳадя сифатида;

Асосий воситаларнинг туркумланиши.

Асосий воситалар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Ер;
2. Ерни ободонлаштириш;
3. Бино ва иншоотлар;
4. Машина ва ускуналар;
5. Мебел ва жиҳозлар;
6. Компьютер ускуналари;
7. Транспорт воситалари;
8. Ишчи ҳайвонлар;
9. Маҳсулдор ҳайвонлар;
10. Кўп йиллик ўсимликлар ва бошқалар.

Асосий воситалар ва ернинг сотиб олинишини ҳисобга олиш.

Бинолар, иншоотлар, ускуналар, машиналар, машиналарнинг сотиб олиш қийматига ташиб келтириш, монтаж қилиш, ўрнатиш ва фойдаланишга топшириш билан боғлиқ бўлган барча зарур харажатлар киради. Ер, бино ва ускуналарнинг хариди, ер участкасини ободонлаштириш бўйича ишлар мисолида асосий воситаларнинг қийматини аниқлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқамиз.

Асосий воситаларни сотиб олиш ва фойдаланиши билан боғлиқ бўлган харажатлар ёки капитал қўйилмалар шаклида, ёки даромад олиш билан боғлиқ харажатлар шаклида ҳисобга олинади. ҳисобот даври тугаганидан кейин ҳам капитал қўйилмаларининг манфаат келтирилиши кутилади. Шунинг учун бундай харажатлар капиталлаштирилади, улар активларни сотиб олиш деб туркумланади ва активларнинг мос келадиган счётининг дебети бўйича ҳисобга олинади. Активнинг капиталлаштирилган қиймати жорий ва келгуси даврлар учун харажатлар деб, амортизация орқали тан олинади.

Даромад олиш билан боғлиқ харажатлар, фақат жорий ҳисобот даврида манфаатлар олиб келади деб кутилади. Шунинг учун, улар харажатларнинг мос счётига тўғридан-тўғри ўтказилади, шундан кейин даврнинг даромадига мос келиши текширилади.

Ушбу харажатлар тегишли асосий воситаларнинг сотиб олинганидан кейин, аммо активни фойдаланишга топширишдан олдин қўшилади. Ускунани ўрнатиш ва модернизация қилиш харажатлари, бинони реконструкция қилиш ва таркибий ўзгаришлар киритиш, янги сотиб олинган ёки фойдаланилаётган активлар билан тўғридан - тўғри боғлиқ шунга ўхшаш харажатлар активнинг бошланғич қийматининг қисми сифатида капиталлаштирилади. Модернизация вақтида устама харажатлар, жумладан суғурта тўлови, солиқлар, назорат органларига тўловлар, шунингдек олдин фойдаланишда бўлган активни таъмирлаш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган ёрдамчи харажатлар ҳам капиталлаштирилади.

Бинолардан фойдаланиш ва ускуналарни ўрнатиш бўйича ходимларни ўқитиш харажатлари капиталлаштирилмайди. Бу харажатлар активларнинг эмас, балким ходимларнинг баҳосини оширади. Шунингдек ҳар йилги мулк солиқлари ва суғурта харажатлари капиталлаштирилмайди.

Пул маблағлари эвазига харид қилинадиган асосий воситалар.

Мавжуд бинони сотиб олишда унинг қийматига харид баҳоси, таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни ва уни ишчи ҳолатга келтириш бўйича харажатлар киритилади. Агарда фирма ўзи бино қурса, унда унинг қийматига зарур бўлган барча харажатлар (материаллар, меҳнат ҳақи, устама ва билвосита харажатларнинг бир қисми, архитекторларга мукофотлар, қурилиш давридаги суғурта харажатлари, адвокатлар хизмати учун тўловлар, объектни қуриш учун қурилиш даврида берилган кредит бўйича тўловлар, қурилиш учун рухсат олиш қиймати) киритилади. Агарда қурилишни олиб боришда пудратчиларнинг хизмати зарур бўлса, унда шартнома баҳосидан ташқари, қурилаётган объектни фойдаланишга тайёрлаш учун зарур бўлган харажатлар ҳам қўшилади.

Кредитга сотиб олинган асосий воситалар.

Баҳолаш тамойилларига мувофиқ, кредитга сотиб олинган активнинг қиймати бу:

1. Сотиб олинган объектнинг пул ўлчовидаги баҳоси (бозор қиймати).

2. Қарздорлик ҳужжатлари бўйича келажакда тўланиши зарур бўлган пул маблағларига тегишли бўлган бозордаги фоиз даражаси бўйича дисконтланган жорий қиймати.

Агарда қарздорлик ҳужжати фоизсиз ва активнинг жорий пул қийматини аниқлаш имкони бўлса, унда пулдаги қийматидан тўланадиган сумма фоиз бўйича харажатлар сифатида қаралади ва бутун қарздорлик даврида тақсимланади. Агарда пулдаги қийматини аниқлаш имконияти бўлмаса, фоиз бўйича умумий харажатларни аниқлашда ва активнинг жорий қийматини ҳисоблаш учун устунликка эга бўлган фоиз даражасидан фойдаланилади. Актив пулдаги қийматга эквивалент бўлган баҳода ифодаланилади.

Капиталнинг акцияларига алмаштириш эвазига сотиб олинган асосий воситалар.

Капиталнинг акциялари асосий воситаларни сотиб олиш мақсадида чиқарилган тақдирда, активлар ва уларнинг ҳақиқий бозор қиймати бўйича, ёки чиқарилган акцияларнинг бозор қиймати бўйича (улардан кайси бири объектив ва ҳаққоний бўлишига қараб) акс эттирилади.

Фараз қилайлик, «Анвар ва К» Корпорацияси 20хх йилда фойдаланилган ускунани харид қилади. Ускунанинг ҳолати - меъёрда, аммо одатда у хизмат муддати тугамагунича сотилмайди. Шунинг учун унинг ҳақиқий бозор қиймати йўқ. Бу ускуна учун харидни тўлаш мақсадида «Анвар ва К» 2.000та оддий акцияларни чиқарди. «Анвар ва К» компаниясининг оддий акциялари билан Тошкент-сервис Фонд биржасида фаол савдо қилишади ва ҳар бир акциянинг баҳоси 1000 сўмни ташкил қилади. Шундай экан, ускунанинг ҳақиқий баҳодаги суммаси 2000000(2000х1000)сўм ни ташкил қилади.

Ҳадяга олинган асосий воситалар.

Шундай ҳоллар бўладики, қачонки давлат органлари ёки бошқа нотижорат ташилотлари бирон бир компанияга у ёки бу ҳудудда ишлаб чиқаришни жойлаштиришни рағбатлантириш мақсадида асосий воситаларни ҳадя сифатида берадилар. Шундай йўл билан маҳаллий ҳукумат органлари маҳаллий солиқ базасини яхшилашга ва аҳолининг бандлик даражасини кўтаришга ҳаракат қиладилар. Баъзи ҳолларда компанияларга асосий фондлар маълум бир шартлар билан берилади.

Масалан – белгиланган муддатларда маълум бир миқдордаги одамларни ишга олиш. Баъзан молиявий қийинчиликлар вақтида компанияга ёрдам бериш учун акциядорлар асосий воситаларни ҳадя қиладилар.

Ҳадя қилинган асосий воситалар баҳолаш принципларига қатъий риоя қилиниб ҳисобда фақат ҳақиқий қиймат бўйича, ифодаланилади.

Активлар ва хусусий капитал счёти, ҳадя қилишда активнинг жорий бозор қийматини ҳақиқий баҳолаш натижасида кўпайиб боради, агарда топширилаётганда қандайдир шартлар қўйилмаган бўлса. Хусусий капитал счётининг кўпайиши ҳадя қилинган актив ва фирма капиталининг кўпайишини билдиради. Фирма бу ресурсларини ўзи ишлаб топмаган. Бироқ келгусида бу активлардан фойдаланиш натижасида даромаднинг кўпайиши мумкин. Ҳадя қилинган активнинг бозор қийматига асосланган амортизация суммаси даромад суммаси билан мувофиқлаштирилади. Агарда ҳадя қилувчи ҳадя қилган активидан фойдаланишда чекланишлар белгиласа, бу чекланишлар билан боғлиқ бўлган, тахмин қилинган харажатларни ҳисоблаш ва баҳоланган қийматини акс эттиришда унинг бозор қийматидан бу харажатларни айириш лозим. Ҳадяга олинган эскирадиган активлар ҳисоб регистрларида акс эттирилган баҳолар асосида оддий усулда амортизацияланиши керак.

Масалан, фараз қилайлик, шаҳар ҳокимияти 20хх йил 1 майда «О ва Р» компаниясига шу ерда ишлаб чиқаришнинг ташкил қилинишини рағбатлантириш мақсадида бино (бозор қиймати 400.000000) сўм ва бино қурилган ерни (бозор қиймати 100.000000) сўм беради. қабул қилиш харажатлари (ер билан боғлиқ) 5.000000 сўмни «О ва Р» компанияси сарфлайди. Демак, ушбу ҳадя қуйидагича акс эттирилади.

20хх йил 1 май

Бино ..... 400000000 сўм

Ер ..... 100000000 сўм

Пул маблағлари .....5000000 сўм

Капитал ҳадяга олинган бино ва ер ..... 500000000 сўм

Бинонинг амортизацияси (эскириши) 400.00000 сўмда баҳоланган қийматга асосланади.

Давлат ёрдами сифатида олинган асосий воситалар.

Баъзи бир ҳолларда активлар тўғридан-тўғри ҳадя эвазига олиш ўрнига давлатнинг турли бўғиндаги органлари ёрдамида олинади. Бундай дастурлар кўпинча ёрдамни қоплаш мақсадида фирмадан бандликнинг маълум даражасини сақлаб туриш ёки атроф муҳитнинг ифлосланиши устидан назоратни сақлаб туришни талаб қилади. Агарда шарт бажарилмаса,

фирмадан олинган ёрдам қийматининг қайтарилишини талаб қилишлари мумкин.

Ёрдам шартларининг таҳлили бухгалтерия ҳисоби жараёнларидан қандай фойдаланиш кераклигини кўрсатади:

1. Жорий харажатлар ёки даромадларга тааллуқли бўлган ёрдам суммаси даврининг соф фойдасини аниқлашда ҳисобга олиниши керак.

2. Келгуси даврларга тааллуқли бўлган ёрдам суммасининг муддатини узайтириш ва даромадларга олиш керак, чунки у билан боғлиқ бўлган харажатлар пайдо бўлади.

3. Асосий воситаларни олиш билан боғлиқ бўлган ёрдам ёки асосий воситанинг амортизацияси олиб ташланган ҳолдаги бошланғич баҳосидан айириб ташланиши керак, ёки унинг муддатини узайтириш зарур ва эскирадиган асосий воситалар қандай амортизация қилинса, шундай қоидалар бўйича амортизацияланиши керак.

Мисол учун тасаввур қиламизки, 4000000 сўм қийматга эга бўлган ускунани сотиб олишда ушбу сумманинг 30%и ҳукумат гранти ёрдамида қопланади. Ускунанинг хизмат қилиш муддати – 10 йил. Бу ерда соф қиймат усули ҳам ва муддатини узайтириш усули ҳам кўл келиши сабабли журнал ёзувларининг иккала усули кўрсатилган:

Соф қиймат усули		Муддатини узайтириш усули	
Сотиб олишни акс эттириш:			
Ускуна	4000000	Ускуна	4000000
Пул маблағлари	4000000	Пул маблағлари	4000000
Грантнинг олинишини акс эттириш:			
Пул маблағлари	1200000	Пул маблағлари	200000
Ускуна	800000	Ҳукумат гранти	2800000

Ушбу йиллар мобайнида ҳар йилнинг охирида амортизация харажатларини акс эттириш. Амортизация харажатлари Амортизация харажатлари (1/10x280.0000.....280000сўм (1/10x4000000)....400000сўм

Жамланган амортизация 280000сўм Жамланган амортизация 400000сўм

Муддати узайтирилган ҳукумат гранти (1/10x1200000)120000сўм. Иккала усулнинг қўлланилиши даромадларга бир хил таъсир қилади. Фарқ бухгалтерия балансида пайдо бўлиб, муддатини узайтириш усулини қўллаганда асосий воситаларнинг ялпи қиймати амортизацияланмаган компенсация суммасига камайтирилган ҳолда

акс эттирилади. Соф қиймат усули эса узоқ муддатли активларнинг соф қийматини акс эттиради. Иккала усул ҳам қўл келади.

Ўзининг кучлар билан (хўжалик усулида) қурилган активлар.

Баъзи ҳолларда компаниялар ўзларининг фойдаланишлари учун активларни қурадилар. Қуриш бўйича лойиҳалар билан боғлиқ тўғридан-тўғри харажатлар ушбу актив таннархининг бир қисми сифатида капиталлаштирилади. Бу харажатлар ўз ичига моддий харажатларни меҳнат ҳақи харажатларини, ҳамда устама харажатларни олади. Ўз навбатида устама харажатлар ўз ичига ишлаб чиқариш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган умумий харажатларни, жумладан коммунал хизматлари, ускунага қараб туриш, назорат қилиш бўйича харажатларини олади.

Баъзи бир умумий устама харажатлар, ҳамда қурилиш вақтида фоизлар бўйича сарфланган харажатлар ушбу активларнинг таннархига киритилади. қурилиш объектига тақсимланиши керак бўлган умумий устама харажатларнинг суммасини аниқлаш, бир хилда эмас ва ноаниқликка олиб келади. Асосий масала — ўзининг кучлари билан қурилган активларнинг таннархига устама харажатларни қандай тақсимлаш керак.

Ушбу масала тўғрисидаги биринчи нуқтаи назар шундан иборатки, ўзининг кучлари билан қурилган активлар бўйича фақатгина ушбу объект билан идентификацияланадиган устама харажатлар тақсимланиши керак. Бошқаси эса — ишлаб чиқариш устама харажатлари ва умумий устама харажатларининг бир қисми фаолиятидаги шунга ўхшаш объектларнинг даражаларига мувофиқ ўзининг кучлари билан қураётган объектларнинг таннархига олиб борилади.

Ўзининг кучлари билан яратилган активнинг ҳақиқий қиймати ҳаққоний бозор қиймати билан мос келиши шарт эмас.

Қурилиш бўйича тўпланган харажатлар одатда «Тугалланмаган қурилиш» счёти бўйича акс эттирилади. Қурилишнинг тугашигача бино «Бино ва иншоотлар» счётида ҳисобга олинмайди, чунки у ҳали ишчи ҳолатда эмас. қурилишнинг тугаши ва фойдаланишга топширишда, тузилган далолатнмога асосан актив «Бино ва иншоотлар» счётига ўтказилади ва амортизациялашга тегишли ҳисобланади.

Ер амортизацияланмайди, чунки унинг қиймати камаймайди ва ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида у емирилмайди. Баъзи

ҳолларда ер баҳосининг пасайишини акс эттириш учун у қайта баҳоланади. Ер счётига харажатлар фойдаланишида бўлган участкалар бўйича капиталлаштирилади. Ерни тайёрлаш бўйича харажатлар, жумладан градуировка, канализация, геодезия ишлари билан боғлиқ бўлган харажатлар ер счётига капиталлаштирилади. Бинолар счётига олиб бориладиган ер ишлари харажатларидан фарқли ўлароқ бу ишлар ердан келажакда фойдаланиш учун ва ернинг баҳосини ошириш учун зарурдир.

Реконструкция ёки бино қуриш учун ер сотиб олинаётганда мавжуд бўлган конструкциялар ва бошқа тўсиқларни олиб ташлаш билан боғлиқ харажатлар ер счётига капиталлаштирилади. Олиб ташлаш билан боғлиқ бўлган бу харажатлар ердан фойдаланишнинг кўплина турлари учун зарур. Конструкцияларни бузишдан олинган материалларни сотишдан олинган даромад бу харажатларни қисқартиради. Бироқ агар ер энди фирма ихтиёрида бўлса, мавжуд конструкциялар янги қурилиш учун жой бўшатиб бериш учун олиб ташланса, олиб ташлаш харажатлари ер счётига капиталлаштирилмайди, аксинча эски конструкциянинг чиқими бўйича хар қандай зарарни кўпайтиради ёки фойдани камайтиради.

Давлат мулкини, жумладан кўчалар, йўлаклар, канализация, кўча чироқларини асраш учун маҳаллий ҳукумат органлари томонидан амалга ошириладиган махсус йиғимлар ҳам ер счётига капиталлаштирилади.

Ободонлаштиришнинг маълум бир турлари ва бошқа такомиллаштириш турлари, агар улар доимий бўлса, мисол учун сунъий кўллар, ўрмон ўсимликларининг қурилиши ернинг қийматига қўшилади. Бу турдаги такомиллаштиришнинг ҳисоби, кейинги қисмда кўриб чиқиладиган ернинг ободонлаштиришидан фарқ қилади.

Мулк солиғини тўлаш бўйича харажатлар, суғурталаш ва ер бўйича бошқа харажатлар фақат жорий фойдаланиш вақтидагина амалга оширилмайди. Бу харажатларнинг ҳисоби бир хил эмас. Айрим бухгалтерлар бу харажатларнинг капитализация қилинишининг тўғрилиги ҳақида кўп тортишадилар. Бир томондан, бу харажатлар ерни солиқ реестрида акс эттириш ва компанияни юридик мажбуриятлардан ҳимоя қилиш учун зарурлигига қарамасдан, улар ернинг баҳосини оширмайдилар. Кўп ҳолларда бу харажатлар мувофиқлик ва консерватизм нуқтаи назаридан харажатларга олиб борилади.

Инвестициялар қилиш ёки ижара мақсадида фойдаланилмайдиган ерлар ушлаб турилганда мулк солиғини

тўлаш бўйича харажатлар ва суғурта тўловлари фақатгина ерни сотишга ёки ижарага беришга тайёрлаш даври давомида капиталлаштирилади.

Ерни сотиб олишда, кўпинча унинг қийматидан ташқари тўланадиган қўшимча харажатлар пайдо бўлади. Бу харажатларни, ернинг қиймати каби «Ер» счётининг дебетида акс эттириш керак бўлади. Буларга кучмас мулк бўйича агентларга комиссион тўловлар; адвокатларнинг хизматларини тўлаш; сотиб олувчи томонидан тўланган солиқлар; дренаж, тозалаш ва текислаш харажатларининг қиймати киради.

Фараз қилайлик, фирма янги фаолиятни юритиш учун ер участкасини сотиб олаяпти. У ернинг 1700000 сўмлик сотиб олиш қийматини (сотиб олишнинг соф баҳосини) тўлайди, брокерга хизмати учун 60000 сўм ва адвокатга хизмати учун 20000 сўм тўлайди, қолдиқ қиймати 40000 сўм бўлган эски бинони бузиб ташлаш учун 100000 сўм ва ерни текислаш учун 10000 сўм тўлайди. Сотиб олинган активнинг қиймати. 1850000 сўмни ташкил қилади. Қуйида «Ер» счётига олиб бориладиган суммаларнинг ҳисоб-китоби келтирилган.

Сотиб олиш қиймати	1700000
Брокер учун комиссион мукофотлар	60000
Адвокатлар учун гонорар	20000
Эски бинони олиб ташлаш учун тўлов	100000
Минус: Қолдиқ қиймати.	40000 .. 60000
Ерни текислаш учун тўлов	10.000
Жами	1850000

Ерни ободонлаштириш, ушбу амортизацияланадиган майдонни такомиллаштириш, жумладан доимий ҳисобланадиган йўлаклар, машиналарнинг тўхташ жойлари, тўсиқлар ва ободонлаштиришнинг бошқа турларини яратиш ҳисобланади. Машиналарнинг тўхташ жойлари доимий ва амортизациялашга тегишли бўлмаслигига қарамай, кези келганда таъмирлашни ва охирида алмаштиришни талаб қиладиган бузилишлар пайдо бўлади. Ерни ободонлаштириш қиймати ер счётига қўшилмайди, бунинг ўрнига ушбу харажатлар алоҳида счётда капиталлаштирилади ва амортизацияланади.

Бир муомаланинг ўзида бир неча активларни умумий суммага сотиб олиш (паушал усули).

Баъзи ҳолларда битта муомалада бир неча активлар умумий суммага сотиб олинади, чунки кўп ҳолларда ушбу тўпламнинг

баҳоси активларнинг алоҳида сотиб олиш баҳосидан кўра пастроқдир, ўз навбатида бу усул харидорлар эътиборини жалб этиш мақсадида амалга оширилади. Бошқа ҳолларда активлар илова кўринишида сотиб олинади, худди ерни бино билан бирга сотиб олиш ҳолидагидек. Ушбу гуруҳли ёки умумий суммага сотиб олиш усули деб аталадиган сотиб олишнинг бундай тури умумий суммани сотиб олинган бир неча активларга тақсимлаш муаммосини келтириб чиқаради. Бир гуруҳдаги маълум бир активларга олиб борилиши мумкин бўлган умумий қийматнинг тегишли қисми ушбу активларга тўла тақисмланади. Масалан, ерни баҳолаш бўйича харажатлар фақат ер счётига тақсимланади. Қолган суммани (тўғри тақсимланган суммани айирган ҳолда) гуруҳнинг ҳар бир активига тақсимлаш, бухгалтерия ҳисобида ҳар бир активни алоҳида баҳолаш ва акс эттириш учун зарур. ҳар бир алоҳида активни сотиб олиш учун тегишли бўлган ушбу харажатнинг суммалари, келгусида амортизация ҳисоблаш учун асос бўлади. ҳар бир активнинг фойдали фаолият муддати ва қолдиқ қиймати алоҳида ҳисобланиши керак, ҳамда иложи борича, ҳар бир актив бўйича амортизацияни алоҳида ҳисоблаш маъқул. Гуруҳдаги ҳар бир актив, ўзининг бозор қиймати ва гуруҳнинг умумий бозор қийматига нисбатан улушига асосланиб баҳоланиши лозим. Бу жараён мутанасиб усул деб аталади. Агарда гуруҳдаги икки активдан фақат биттасининг бозор қиймати аниқлана олинса ушбу сумма биринчи активни баҳолашда фойдаланилади. Иккинчи актив тақсимланиши керак бўлган қолган сумма орқали баҳоланди. Бу усул ўсиб **борувчи (приростной)** *усул* деб аталади.

Мутаносиб усулни тасвирлаш учун қуйидаги мисолни келтирамиз: фараз қилайлик, ер, бино ва ускуналарнинг умумий келишилган баҳоси 900.0000 эди. Бу активлар айрим олган ҳолда қуйидагича баҳоланади: 300.0000 ер, 500.0000 бино, 200.0000 сўм ускуна. Умумуй сумманинг тақисмланиши ва муомалани акс эттириш бўйича ёзувлар қуйидагича: (120-бет).

Субъектлардаги мавжуд асосий воситалар янги бинолар ва иншоотларнинг қурилиши, янги замонавий асбоб-ускуналарни сотиб олиш ва ўрнатиш, бошқа ташкилот ва шахслардан асосий воситаларни текинга олиш, ижарага олиш, давлат органи томонидан маблағ ажратиш, таъсисчилар томонидан субъектнинг низом капиталига бадаллар сифатида асосий воситаларни

топшириш, йўқлама ўтказиш натижасида ортиқча чиққан асосий воситаларни киримга олиш натижасида кўпайиб туради.

Актив	Баҳоланган қиймат	Қийматни тақсимланиш	Тақсимланган
Ер	3000000	0.3*(9000000)	2700000
Бино	5000000	0.5*(9000000)	4500000
Ускуна	2000000	0.2*(9000000)	1800000
Жами:	10000000	-	9000000
* 0.3 = 3000000/10000000			

Сотиб олишнинг умумий суммада акс эттирилиши:

Ер ..... 2700000 сўм
Бино..... 4500000 сўм
Ускуна..... 1800000 сўм
Пул маблағлари ..... 9000000 сўм

Субъектларда қурилиш ишлари капитал қўйилмалар қилиш йўли билан амалга оширилади.

Капитал қўйилмалар деб субъект томонидан янги асосий воситаларни қуриш, сотиб олиш, реконструкция қилиш, фойдаланилмаётган асосий воситалар объектларининг қувватларини кенгайтириш ва техникавий жиҳозлаш учун маблағларнинг сарфланишига айтилади.

Қурилиш ишлари махсус пудратчи томонидан ёки капитал қурилиш бўлими орқали хўжалик усули, яъни корхонанинг ўз кучи билан олиб борилади. Шунинг учун қурилиш-йиғиш ишларини амалга ошириш усулига қараб пудрат ва хўжалик усулларига бўлинади.

Пудрат усулида қурилиш-монтаж ишларини бажарувчи ташкилот пудратчи деб аталиб, қурилишни маблағ билан таъминловчи ташкилот буюртмачи деб номланади.

Молиялаш (маблағ ажратиш) манбаига қараб, капитал қўйилмалар субъектнинг ўз маблағи ҳисобига амалга оширилган капитал қўйилмалари, давлат субсидияси ҳисобига, кредит ва кразлар ҳисобига амалга оширилган капитал қўйилмалар ва бошқа капитал қўйилмаларга бўлинади.

Давлат субсидияси асосида капитал қўйилмаларини молиялашда шу мақсадлар учун рухсат этилган корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари, бюджетдан ажратилган маблағлар ва банк кредитларидан фойдаланиш мумкин. Лимитдан ортиқча бўлган капитал сарфларни шу мақсадларга ажратилган молия-

лаш учун марказлаштирилмаган молиялаш манбаларидан фойдаланилади. Бошқа капитал қўйилмалар жамоа, ширкат ва бошқа ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳамда ҳиссадорлик тартибида олинган маблағлар, ва бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

1993 йилдан бошлаб амал қилаётган счётлар режасида асосий воситаларни ҳисобга олиш тартибида катта ўзгаришлар киритилган. Шу давргача амал қилиб келган эски йўриқномаларга кўра асосий воситаларни фойдаланишга топшириш 01- «Асосий воситалар» счётининг дебетида ва 85- «Устав фонди» счётининг кредитда акс эттирилиб, уларнинг ҳисобдан чиқарилиши эса 85-счётнинг дебети ва 01-счётнинг кредитига ёзилар эди. Чунки асосий воситалар қийматининг ошиши ёки камайиши билан боғлиқ бўлган барча муомалалар албатта корхонанинг устав фондининг миқдорига ўз таъсирини кўрсатар эди. Сабаби — корхоналарга капитал қўйилмаларни шу капитал қўйилмаларнинг мустақил балансида акс эттириш тартибини белгилаш ҳуқуқи берилган бўлиб, қурилиши тугатилган асосий воситалар объектини асосий фаолият балансига ўтказишда капитал қўйилмаларнинг бухгалтерия ҳисобида қурилиш харажатлари мавжуд молиялаш манбаи ҳисобига ўтказилар (қопланар) эди. Шу билан бирга асосий фаолият ҳисобчилигида бу объектларнинг қиймати 01-счётнинг дебетида акс эттирилар ва уларнинг қийматига устав фонди оширилар, яъни 85-счёт кредитланар эди.

1993 йилдан бошлаб капитал қўйилмалар ва асосий воситалар ҳисобини юритиш тартиби анча ўзгартирилган бўлиб, капитал қўйилмалар, уларнинг катта-кичиклиги ва қурилиш ишларининг бажарилиши усулидан қатъий назар асосий фаолият балансида акс эттирилади. Лекин айрим корхоналар капитал қўйилмаларни мустақил балансга ажратиб қўйишлари ҳам мумкин.

Илгари капитал қўйилмаларни молиялаш марказлаштирилган тартибда давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилган бўлса, эндиликда капитал қўйилмалар асосан субъектнинг ўз маблағлари ва банк кредитлари ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин. Шундай қилиб, 1993 йилдан амал қилаётган янги қоидага кўра асосий воситаларнинг корхонага келиб тушиши ҳам, уларнинг эскириши ҳам энди 85-«Устав капитал (фонди)» счётида акс эттирилмайди.

Капитал қўйилмаларини ҳисобга олиш тартибига доир қоидага кўра бухгалтерия счётларининг режасида 0700-«Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар» ва 0800-«Капитал қўйилмалар» деб номланган иккита махсус счётлар гуруҳи ажратилган. 0700 - «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар» счётлари инвентарли, актив счётлар бўлиб унинг дебетида монтаж қилиш учун мўлжалланган мавжуд асбоб-ускуналарга ҳақиқатда сарфланган харажатларнинг қолдиғи (сальдоси) ва янгитдан олиб келинган асбоб-ускуналарга ҳақиқатда сарфланган харажатлар акс эттирилади. Бу счётнинг кредитида монтаж қилина бошланган асбоб-ускуналарнинг ҳақиқий таннархини ҳисобдан чиқариш акс эттирилади. Бундай ёзувлар учун асбоб-ускуналарнинг субъектга келтирилганлиги ва уларни йиғиш ва ўрнатишга топширилиши тўғрисидаги юк хатлар ва бошқа далолатномалар асос бўлиб ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг ҳаракати устидан қуйидаги ҳужжатларни ўз вақтида ва тўғри тўлғазиш натижасидагина улардан самарали фойдаланиш мумкин.

Асосий воситаларнинг ҳаракати устидан қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида назорат ўрнатиш мумкин.

1. АВ -1 шакли- «Асосий воситаларни қабул қилиш ва бериш акти» -асосий воситаларнинг кирим ва чиқимини қайд қилиш учун.

2. АВ - 2 шакли- «Таъмирланган, мукаммаллаштирилган ва реконструкция қилинган асосий воситаларни қабул қилиш ва топшириш далолатномаси»- объектларнинг бошланғич қийматининг ошишини қайд қилиш учун.

3. АВ - 3 шакли - «Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш» объектларни тугатиш учун.

4. АВ - 4 а шакли - «Автотранспорт воситаларини тугатиш далолатномаси».

5. АВ - 7 шакли «Асосий воситаларни ҳисобга олиш учун инвентар карточкалари» ҳар бир асосий воситанинг ҳолати ва ҳаракатини алоҳида қайд қилиб боради.

6. АВ - 8 шакли - «Асосий воситаларнинг ҳаракатини қайд қилиш карточкаси»- уларнинг кирим ва чиқимини ҳисобга олиб боради.

7. АВ - 9 шакли - «Асосий воситаларнинг инвентар рўйхати» уларнинг фойдаланиш жойлари бўйича ҳисобини ташкил қилиш учун ишлатилади.

Субъектга тегишли бўлган ишлатилаётган, захирадаги, консервациядаги ва ижарага берилган асосий воситаларнинг миқдори ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилган ҳолда 0100 - «Асосий воситалар» номли актив синтетик счётларнинг гуруҳида юқоридаги ҳужжатларга асосан ҳисобга олиб борилади.

0100-«Асосий воситалар» счётида қуйидагилар ҳам ҳисобга олиб борилади:

а) субъектга фойдаланиш ҳуқуқи берилган ўрмон ва сув хавзалари, ер участкалари ва конлар учун сарфланган инвентар хусусиятидаги капитал қўйилмалар;

б) ижарага олинган асосий воситалар учун сарфланган тугалланган ишлар натижаси бўйича харажатлар.

Асосий воситалар бошланғич қийматда ҳисобга олиб борилиб, алоҳида объектлар учун уларнинг бошланғич қиймати қуйидагича аниқланади:

а) таъсис этувчиларнинг субъектга қўшган асосий фондлари – ўзаро келишилган баҳода;

б) субъектнинг ўзида ишлаб чиқарилган ёки сотиб олинган асосий воситаларнинг ишлаб чиқариш таннархи ёки сотиб олиш баҳосига ташиб келтириш ва ўрнатиш харажатларини қўшиб ҳақиқий таннархда;

в) бошқа шахслардан текинга олинган асосий воситалар, эксперт томонидан белгиланган ёки далолатномада кўрсатилган баҳода.

Янги корхона қуриш, асосий воситаларни сотиб олиш, конструкциясини ўзгартириш, модернизация қилиш ва мослаштириш учун сарфланган маблағларни ҳисобга олишда алоҳида актив счётларнинг,

0700-«ўрнатиладиган асбоб-ускуналар» счётлари ва

0800-«Капитал қўйилмалар» счётлари гуруҳидан фойдаланилади.

Ушбу субъектнинг мулки бўлган асосий воситаларнинг эскириши 0200-«Асосий воситаларнинг эскириши» пассив, синтетик счётларнинг гуруҳида ҳисобга олинади.

Асосий воситаларнинг эскириши ҳар ойда белгиланган ва амалдаги меъёрлар бўйича тўла тиклаш учун ажратилган амортизация суммаси миқдорида аниқланади.

0200-«Асосий воситаларнинг эскириши» счётларининг гуруҳи қуйидаги счётлардан ташкил топган:

0211-«Ерни ободонлаштиришнинг эскириши».

0212-«Лизинг бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши».

0220-«Иморатлар ва иншоотларнинг ва ўзатувчи мосламаларнинг эскириши».

0230-«Машина ва ускуналарнинг эскириши» ва ҳоказо.

0240-"Мебел ва идора жихозларининг эскириши".

0250-"Компьютер ускуналари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши".

0260-"Транспорт воситаларининг эскириши".

0270-"Ишчи ҳайвонларнинг эскириши".

0280-"Кўп йиллик дарахтларнинг эскириши".

0290-«Бошқа асосий воситаларнинг эскириши».

0299-"Молиялаштириладиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши".

Тўла қийматига амортизация ҳисобланган асосий воситаларга эскириш ҳисобланмайди.

0700-счёт бўйича иккита субсчёт юритилади: 0710 - «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар» ва 0720-«Чет элдан келтирилган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар».

Субъектга келиб тушган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар учун тўлов талабнома-топшириқ акцептланганда 0710 ва 0720 счётлари дебетланиб, 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти кредитланади. Шу асбоб-ускуналарни етказиб берганлик (транспорт хизматлари) учун 6890-«Бошқа мажбуриятлар» счёти тегишли хизматларнинг суммасига кредитланади.

Шу асбоб-ускуналарни тушириб берганлиги учун ишчиларга меҳнат ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар ҳисобланганда 0710 ва 0720-счётлари дебетланиб, 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» ва 6520-«Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар» счётлари кредитланади.

Таъсисчилар томонидан субъектнинг устав капиталига ўз бадаллари сифатида топширилган асбоб-ускуналарнинг қиймати ҳам 0710 ва 0720-счётларининг дебети ва 4710-«Устав капиталига улушлари бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» счётининг кредитига ёзилади.

Йиғиш ва ўрнатиш учун (монтажга) топширилган асбоб-ускуналарнинг ҳақиқий қиймати ҳисобдан чиқарилганда 0810-«Тугалланмаган қурилиш» счёти дебетланиб, 0710 ва 0720-счётлари кредитланади, шу асбоб-ускуналар сотилса, 9220-

«Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимлари» счёти дебетланиб, 0710 ва 0720-счётлари кредитланади, уларнинг мустақил балансга ажратилган филиалларга берилиши – 4110-«Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар» счётининг дебети ва 0710 ва 0720-счётларининг кредитига ёзилади.

Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни омбордаги ва бухгалтериядаги ҳисоби материаллар ҳисобига ўхшаб кетади ва уларнинг ҳисоби ҳам омбор карточкалари ва 10-сонли қайдномада юритилади.

0700-«Ўрнатиладиган ускуналар».

0710-"Мамлакатда ишлаб чиқилган ўрнатиладиган ускуналар"		0710-"Хориждан келтирилган ўрнатиладиган ускуналар"	
Счётларнинг кредитидан		**Счётларнинг дебетига**	
Дебет			**Кредит**
Сальдо-	N		
8531-	Ускуналарнинг баҳосининг оширилиши	Монтаж қилишга берилган ускуналарнинг қиймати	-0810
6010, 6020-	Ускуналарни ҳисобга олиш	Ускуналарнинг баҳосини камайтириш	-9439
8511, 8513	Приватизация қилинган субъектнинг мулк таркибига олиш	Нокапитал ишларни амалга оширишга берилиши	-2710, 2790
	Ускуналарни олиб келиш билан боғлиқ сарфлар:	Мустақил балансдаги бўлинмаларга ускуналарнинг инвестиция сифатида берилиши	-0620
6710-	Меҳнат ҳақи ҳисоблаш	Аниқланган камомад суммасига даъвонинг билдирилиши	-4210
6520-	Ижтимоий суғуртага ажратиш	Табиий офатлар натижасидаги йўқотишлар акс эттирилиши	-9720
6890-	Бошқа шахсларнинг хизмати	Ускуналарни бериш йўли билан бошқа шахсларга инвестиция қилинди	-9220 (5810) (0690)
	Ускуналарнинг кирими:	Ўрнатилишга мўлжалланган ускуналар сотилди	-9220
4710-	Акция тўлови сифатида		
6110-	Авлод корхоналаридан, айрим балансга ажратилган бўлинмалар		
9390-	Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан ускуналарнинг кирими		

Иморат ва иншоотларни қуриш, асбоб-ускуналарни ва бошқа асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш 0800 - «Капитал қўйилмалар» деб номланган актив ва калькуляциялаш счётларида юритилади. Бу гуруҳ қуйидаги счётлардан ташкил топган:

0810-«Тугалланмаган қурилиш»;

0820-«Асосий воситалар сотиб олиш»;

0830-«Номоддий активларни сотиб олиш»;

0840-«Асосий подани тузиш»;

0890-«Бошқа капитал қўйилмалар»;

0810-«Тугалланмаган қурилиш» счётида қурилишнинг қайси бир усули (пудрат ёки хўжалик)дан фойдаланилишидан, қатъий назар, иморатлар ва иншоотларни қуриш, асбоб-ускуналарнинг қиймати ва сметаларида смета — молия ҳисобларида ва капитал қурилишининг титуллик рўйхатларида кўзда тутилган бошқа харажатлар ҳисобга олинади.

0820-«Асосий воситаларни сотиб олиш» счётида монтаж талаб қилмайдиган асбоб-ускуналар, машиналар, анжомлар ва бошқа асосий воситалар объектини сотиб олиш харажатлари ҳисобга олинади.

0830-«Номоддий активларни сотиб олиш» счётида НМА сотиб олиш билан боғлиқ бўлган ва белгиланган тартибга кўра номоддий активлар объектларининг дастлабки қийматига қўшиладиган харажатлар ҳисобга олинади.

0840-«Асосий подани ташкил қилиш» счётида қишлоқ хўжалиги ва ёрдамчи хўжаликларда асосий подаларни ташкил қилиш, вояга етган ҳайвонларнинг асосий подага ўтказилган қиймати ёки уларни сотиб олиш ва олиб келиш сарфлари ҳисобга олинади.

0890-«Бошқа капитал қўйилмалар» счётида юқорида қайд қилинмаган капиталлаштириладиган сарфлар, ерларни ободонлаштириш, мулк бўйича олинган асосий воситаларни обдонлаштириш ва бошқа сарфлар ҳисобга олинади.

Асосий воситалар қийматига қўшилмайдиган харажатларга одатда ҳар хил манбалардан қопланадиган, қурилган ва сотиб олинган объектларга хизмат қиладиган кадрларни тайёрлаш харажатлари, давлат томонидан рухсат этилиб консервация қилинган объектларга сарфланган қурилиш харажатлари ва шу кабилар киради.

Ушбу капитал сарфлар амалга оширилгандан кейин комиссия томонидан тузилган «Асосий воситаларни қабул

қилиш далолатнома» тузилиб субъектнинг мулки сифатида қабул қилинади ва уларнинг қиймати 0110-0190 счётларининг дебетига 0810, 0820, 0840 ва 0890 счётларининг кредитидан қабул қилинади.

Капитал қўйилмаларнинг турлари ва таркиблари бўйича аналитик ҳисоб 18 ва 18/1 - сонли қайдномаларида юритилади. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклидан фойдаланаётган субъектларда капитал қўйилмаларнинг ҳисоби 10/1, 13 ва 16-сонли жунал-ордерларда юритилади.

0800-счётларга тегишли бухгалтерия ёзувлари қуйидаги тартибда амалга оширилади

Счётларнинг кредити Дебет		Счётларнинг дебети Кредит
	Тугалланмаган қурилишнинг қиймати.	Фойдаланишга топширилган объектларнинг дастлабки қийматга қўшиладиган харажатларни ҳисобдан чиқариш -0110 - 0190
0710-0720	Монтаж қилина бошлаган асбоб-ускуналарнинг ҳақиқий қиймати	
6010 7010-	Монтаж талаб қилинмайдиган асбоб-ускуналарни етказиб берганлиги учун мол етказиб берувчиларнинг тўлов ҳужжатларини акцептлаш	Фойдаланишга топширилган объектларнинг дастлабки қийматига қўшилмайдиган харажатларни ҳисобдан чиқариш -9439
6010, 1090, 1220, 6710, 1050, 6520-	Бажарилган қурилиш ва монтаж ишлари учун тўлов ҳужжатларини акцептлаш Қурилиш ва монтаж ишларига доир субъектнинг харжатлари	Қурилаётган асосий воситалар объектларининг қийматига қўшиладиган зарарларнинг ҳисобдан чиқарилиши 9439
0211- 0290, 0510, 1310-	Қурилиш, монтаж ишларида қатнашган асосий воситалар, номоддий активлар ва арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларнинг эскириш суммалари	Ускуналарнинг баҳосини арзонлаштириш -9439
2310-	Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг қурилишга кўрсатган хизматларини ҳисобдан чиқариш	Тугалланмаган ишлаб чиқаришда аниқланган камомад -4630 ёки 9433
8523-	Монтаж талаб қил-майдиган асбоб-уску-наларнинг текинга олиниши	
5010, 5110,	Жисмоний шахслардан сотиб олинган объектларнинг	

Счётларнинг кредити Дебет		Счётларнинг дебети Кредит
5210, 5220, 5510- 5530, 6890-	шарт номадаги келишилган қиймати	
5110, 5210, 6890-	Сотиб олинган асосий воситаларнинг дастлабки қийматини оширмайдиган (яратилаётган объектлар учун кадрлар тайёрлаш) харажатлари	
1110-	Ёш ҳайвонларни асосий подага ўтказиш	
9390	Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг баҳосини ошириш	
3110, 3190-	Келгуси давр сарфларини акс эттириш	
6510-	Мулкни суғурта қилиш сарфи	
8511, 8513-	Тугалланмаган қурилишни приватизация қилинган объектни улуш сифатида олиш	
4710-	Тугалланмаган объектни улуш сифатида олиш	
6110-	Кўрсатилган хизматлар учун авлод корхоналарига бўлган қарз	

Шундай қилиб, асосий воситаларни сотиб олиш, олиб келиш ва ўрнатиш харажатлари капитал қўйилмаларга ажратилган маблағлар амалга оширилиб албатта капитал қўйилмалар ҳисобида ҳам акс эттирилиши, яъни капиталлаштирилиши шарт. Лекин бундан умумхўжалик сметаси бўйича кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан сотиб олинган ва корхона ҳамда ташкилотларнинг техника адабиётлари кутубхонасига келиб тушадиган китоблар ва ойномалар ҳамда «Асбоб-ускуналарни ва инвентарларни сотиб олиш» деб номланган бюджет туркумланишининг 13-моддаси бўйича болалар муассасаларига ажратилган маблағлар ҳисобидан сотиб олинган асосий восита(фонд)лар мустаснодир. Бунда асосий воситалар кирим қилинганда 0190-«Бошқа асосий воситалар» счётининг дебети ва қаердан сарфланишига қараб тегишли пул маблағлари счёт-

ларнинг кредитида акс эттирилиб. капитал қўйилмалар ҳисоби орқали ўтказилмайди.

Активлардан фойдаланиш жараёнида сарфланган, яъни кейинги капитал қўйилмалар.

Асосий воситаларга сарфланган капитал қўйилмалар активнинг ҳолатини бошланғич баҳоланган меъёрий кўрсаткичларидан юқорирок даражада яхшилаб, келгусида олинадиган иқтисодий манфаатни оширишга олиб келиш эҳтимоли мавжуд бўлган тақдирдагина активнинг баланс қийматига қўшилади. Яхшиланиш натижасида иқтисодий манфаатдорликнинг ошишига олиб келувчи қуйидаги тадбирларни мисол қилиб келтириш мумкин:

а) активнинг фойдали фаолиятининг муддатини узайтириш билан бирга кувватини ошириш мақсадида реконструкция қилиш;

б) ускунада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, ушбу ишлаб чиқариш ускунаси қисмларининг сифатини ошириш;

в) асосий фаолиятнинг дастлабки баҳоланган харажатларини камайтиришга олиб келадиган янги ишлаб чиқариш жараёнларини қўллаш.

Бошқа барча капитал қўйилмалар улар амалга оширилган даврда сарфлар сифатида тан олиниши керак.

Капитал сарфлари ёки капитал қўйилмалар *деб* асосий воситаларни ва бошқа узоқ муддатли фойдаланиладиган активларни сотиб олиш ва яратиш билан боғлиқ бўлган сарфларга айтилади. Ускуналарни таъмирлаш, уларга хизмат кўрсатилиши, ёқилғи сотиб олиш харажатлари, яъни субъектнинг фаолияти учун зарур бўлган барча харажатлар нокапитал харажатларга ёки чиқимларга киритилади, чунки улар ушбу ҳисобот даврида даромад олиш учун сарфланган харажатларни ифодалайди.

Капитал қўйилмалар ва харажатларни қатъиян ажратиш зарур. **Капитал қўйилмалар** – бу баланснинг актив қисмида акс эттирилган сарфлардир ва бухгалтерия нуқтаи назаридан харажат ҳисобланмайди, **харажатлар эса** – бу **чиқим** деб тан олинади ва маҳсулот, иш ёки хизматнинг таннархига олиб борилади.

Асосий воситаларни, табиий ресурсларни ва номоддий активларни сотиб олиш сарфларидан ташқари капитал қўйилмалар, асосий воситаларнинг ўсиши ва уларни такомил-

лаштириш сарфларини хам ўз ичига олади. **Асосий воситаларнинг ошиши** – деб ишлаб чиқариш қувватларининг жисмоний ошиши ҳисобланади. Агарда бинога янги қанот қурилса ва бир неча йилдан сўнг сарфлардан даромад олиниши кутилса, ушбу қанотни қуришга кетган сарфлар «Бино» счётининг дебетида акс эттирилади. Одатдаги харажатларга жорий таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, мойлаш, тозалаш, қараб туриш тўловлари, яъни ускунани ишчи ҳолатида ушлаб туриш учун зарур бўлган харажатлар киради.

Активларни қуриш жараёнида қарз бўйича фоизларининг капитализацияси.

Биноларни қуриш жараёнида қарзлар бўйича ҳисобланган фоизлар баъзи ҳолларда капиталлаштирилади. Фоизларни капиталлаштириш мураккаб ва қарама-қарши бўлган муаммо ҳисобланади. Эсда тутиш керакки, монтаж қилинмайдиган (йиғилмайдиган) активни сотиб олишда, фойдаланилган қарз мажбурияти бўйича фоизлар капиталлаштирилмайди, чунки бундай актив тайинланиш шаклига эга бўлган ҳолатдадир. Бу ҳолда фоизлар молиявий харажатларни ифодалайди ва сотиб олинган актив бўйича иқтисодий манфаатнинг ортишига олиб келмайди. Сотиб олинган активлар шу захоти даромад келтирувчи ишга жалб қилиниб, сотиб олиш учун ишлатилган маблағлар бўйича фоизлар билан таққосланади.

Аксинча, активларни кўриш жараёнида пайдо бўлган фоизларни тўлаш харажатларини кўпчилик иқтисодчилар активни ишга тайёрлаш учун зарур бўлган харажатлар сифатида қарайдилар. Шу нуқтаи назардан, актив, уни ишга тушириш ишлари тугамагунича даромад келтира олмайди, шунинг учун активнинг яратилиши жараёнида ҳисобланган фоизларни капиталлаштириш зарур. Капиталлаштирилган фоизлар кейинчалик амортизация суммасининг бир қисми сифатида ҳисобдан чиқарилади.

Фоизлар капиталлаштирилганида фоизлар бўйича харажатларнинг камайиши ва бино харажатларининг ортиши амалга ошади. Масалан, олдинги олинган қарзнинг фоизлари бўйича харажатлар тугалланмаган қурилишга капиталлаштирилсин. Кейинги ёзувлар фоизларнинг капиталлаштирилишини ҳисобга олади:

0810-Тугалланмаган қурилиш 2000000
9610-Фоизлар бўйича харажатлар 2000000

Умумий активлар сингари, жорий даромадлар ҳам солиқни ҳисоблагунча капиталлаштирилган фоиз суммасига ортади.

Бинони қуриш учун зарур бўлган давр узоқ бўлиши мумкин. Шундай умумий келишув мавжудки, давр харажатларини активларни қуриш жараёнидаги солиқлар ва суғурталаш билан биргаликда қурилаётган активга капиталлаштирилиши зарур. Қурилиш жараёнида фоизларни капиталлаштириш кетма-кет мантиққа эга. Бундан ташқари, агарда компания активни қуришга мўлжалланган маблағларни қарзни тўлаш учун фойдаланишга қарор қилса, бу билан у баъзи бир фоиз харажатларидан холи бўлади. Бунга қўшимча, агарда актив ўзининг кучлари билан қурилмасдан, харид қилинган бўлса, харид баҳоси, асосан сотувчининг молиявий харажатларини қоплаш учун сарфланган барча тўловларни ўз ичига олади.

Ҳақиқий фоиз харажатларини капиталлаштириш тўғрисидаги тортишувларга қарамай альтернатив харажатлар воситаларни ўзининг кучлари билан қуриш учун маблағлардан фойдаланиш натижасида юзага келади. Баъзи бир бухгалтерлар исботлайдиларки, агарда ушбу маблағларнинг манбалари қарз бўлмасдан таъсисчиларнинг улуш маблағлари бўлса, унда тааллуқли бўлган фоиз ставкаси, аниқроғи тахмин қилинаётгани, ҳар ҳолда ҳақиқий фоизлар қийматини лойихага ўтказишда фойдаланилади. Ҳар қандай молиялаштириш, уларнинг тасдиғигача, харажатлар деб тушунилади.

Коммунал хизматларини бажарувчи субъектлар анъанавий ҳолда қурилиш жараёнларидаги фоизларни капиталлаштирадилар. Агарда, қурилишга тааллуқли фоизлар жорий харажатлар сифатида ҳисобга олинса, коммунал хизматининг истеъмолчилари қўшимча харажатларни қоплаш учун юқорироқ тўлов тўлашади. Ҳақиқатдан ҳам, бугунги истеъмолчилар келгуси истеъмолчиларга фойда келтирадиган ускуналарни молиялаштирадилар. Қурилаётган активларнинг таннархига фоизларни (ҳақиқийсини ҳам, қўшиб ёзилганларини ҳам) қўшиб, (шундай йўл билан келгусидаги амортизация ажратмаларини оширадилар) активлардан фойдаланишдан манфаат оладиган келажакдаги истеъмолчилар, бу активлар яратилганида йиғилган фоизларни ва мос коммунал хизматларини ҳам тўлайдилар.

Фоизларни капиталлаштиришнинг асосий сабаби шундан иборатки, қурилиш жараёнида фоизлар активни фойдаланиш

ҳолатига келтириш учун зарур бўлган харажатларнинг турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун капиталлаштирилган фоизлар активнинг бошланғич қийматининг бир қисми ҳисобланади. Қурилиш жараёнида, фоизлар капитализациясининг мавжуд бўлмаслиги, қурилиш даврида даромаднинг нотўғри ошиб кетишига ва келгуси даврларда амортизация ажратмаларининг камайиши натижасида даромаднинг ошишига олиб келар эди.

Қарзлар бўйича капиталлаштирилган фоизларнинг ҳажми.

Назарий томондан капиталлаштирилган фоизлар активларни ишчи ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар бўлмаганида, улар вужудга келмаслиги мумкин эди. Бунга активни яратиш даврида вужудга келган фоиз харажатларини тақсимлаш ёрдамида эришилади. Тақсимлаш бўйича қўлланмада компаниянинг қарз мажбуриятлари бўйича фоиз ставкаси активнинг қийматига ўтказилиши тавсия қилинади. Масалан, агарда таннархи 900 миллион сўм баҳоланган активнинг қурилишини молиялаштиришга 600 млн. сўм қарз олинган бўлса, унда 600 млн. сўмлик қарз бўйича фоиз ва бошқа яқинда олинган 400 млн. сўм миқдоридаги қарзи бўйича фоиз шу активнинг қурилиши учун зарур бўлган давр давомида капиталлаштирилар эди. Яқинда олинган қарз бўлмаганида эди, ҳозирги вақтда мавжуд бўлган ҳар қандай бошқа қарзнинг фоизи капиталлаштириларди. Таъсисчиларнинг хусусий мулкларини ифодаловчи активлар бўйича фоизларни тақсимлаш (капиталлаштириш) одатда рухсат этилмайди. Капиталлаштирилган фоиз суммаси қарз тўланмагунга қадар амортизация қилиниши мумкин эмас, аммо активнинг амортизациясини аниқлаш учун ушбу активнинг таннархига кириши керак.

Молиявий ҳисоботларда ёки уларга тааллуқли бўлган тушунтириш хатларида ўтган даврда вужудга келган фоизларнинг умумий суммасини тавсифлаш керак ва бундан, харажатга ўтказилганлар ва капиталлаштирилган суммалар айрим олган ҳолда тавсифланади.

Капиталлаштириладиган гуруҳларга кирадиган активлар.

Фоизлар қуйидаги активларга капиталлаштирилади:

– компаниянинг ўзи фойдаланиши учун қурилган, компаниянинг хўжалик ёки пудрат усулида қўрганидан қатъий назар;

– алоҳида лойиҳа бўйича сотиш ёки ижарага бериш учун қурилганлари.

Иккинчи гуруҳга мисоллар сифатида кемалар ва бинолар-нинг қурилишини келтириш мумкин. Бу активлар одатдаги фаолият давомида қурилган бўлмай ва қурилишни тугатиш учун бир қанча вақт талаб қилади. Фирмалар активни куриш жараёнида альтернатив харажатлар қиладилар (фоиз харажатлари). Одатдаги фаолиятда тайёрланаётган ёки катта ҳажмда ишлаб чиқарилаётган товар-моддий захиралар фоизни капиталлаштириладиган активларнинг гуруҳига кирмайди.

Фойдаланиш жараёнидаги ёки фойдаланишга тайёр активлар капиталлаштириш учун тўғри келмайдилар, чунки қурилиши тугалланган ҳисобланади. Альтернатив харажатлар энди пайдо бўлмайди, чунки актив энди даромад келтираяпти. Масалан, нефт ва газ компаниясининг маълум бир активларининг фоизларини капиталлаштиришга тўғри келади. Бу гуруҳга қурилиш жараёни тугалланмаган ва ҳозирги кунда фойдаланилмаётган объектлар киради.

Ер участкалари алоҳида эътиборга сазовордир. Ер сотиш учун тайёрланганда фоиз капиталлаштирилади ва уни тайёрлаш харажатлари асосида ер қийматига қўшиладики, агарда ер участкаси унда бино қурилиш учун мўлжалланган бўлса, бу участкани тайёрлаш харажатлари фоизининг йиғиндиси бино қийматининг бир қисми бўлади. Фойдаланилмаётган ер фоизлари капиталлаштириш учун активлар категориясига кирмайди.

Фойдаланишга топширилган асосий воситалар маълум тартиб ва қоидага кўра субъектнинг раҳбарининг буйруғи билан тайинланган комиссия томонидан қабул қилиб олинади. Комиссия таркиби одатда бош механик, қурилиш бўйича мутахассис, техника бўлимининг вакили, хавфсизлик техникаси бўйича муҳандис, бухгалтерия ходими ва объектни қабул қилувчи цех ёки бўлимнинг бошлиғидан иборат бўлади.

Комиссия томонидан қабул қилинаётган ҳар бир объектга АВ-1 шаклда «Қабул қилиш-топшириш далолатномаси» тузилади. Унда қабул қилиб олинган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати, қандай ишларни бажариши, қачон қурилганлиги ёки ишлаб чиқарилганлиги, қисқача техникавий тавсифи ва бошқа кўрсаткичлар келтирилган бўлади. Далолатномага ушбу асосий воситаларнинг техникавий ҳужжатлари илова қилинади.

Субъектга қабул қилинган ҳар бир асосий воситанинг объектига инвентар рақами (номер) беради ва бутун фойдаланиш муддатида объектга тегишли барча муомалалалар тегишли ҳужжатларда шу рақам билан юритилади. Асосий воситаларга инвентар рақами берилаётганда бу рақамларнинг биринчи ва иккинчи навбатдаги рақамлари асосий воситаларнинг тармоқ ва қандай гуруҳларга тегишли эканлигини билдириши керак. Масалан, биноларга – 001 дан 099 гача, иншоотларга – 100 дан 199 гача, ўтказувчи мосламаларга – 200 дан 299 гача ва ҳоказо рақамлар берилиши мумкин.

Рақамларнинг серияси одатда асосий воситалар гуруҳига берилиб, сўнгра шу сериядаги учинчи навбатдаги рақамлар алоҳида объектларга берилади. Чиқиб кетаётган асосий воситаларнинг инвентар рақамлари янги қабул қилинган объектларга берилмайди. Йирик бўлган воситаларга бош механик бўлимида паспорт тузилади. Бу паспортда асосий воситаларнинг ишга туширилган вақти, унинг техникавий тавсифи, капитал таъмирлашнинг амалга оширилган вақти ва қиймати, эскириш меъёрлари ва бошқа маълумотлар келтирилади. Бу паспорт асосий воситаларни ҳисобга олишни ва ундан фойдаланиш устидан назорат қилишни янада яхшилаш имконини беради.

Асосий воситаларнинг ҳисоби шундай ташкил қилинган бўлиши керакки, унинг ёрдамида асосий воситаларнинг ҳар бир туркумидаги гуруҳларига тегишли бўлган асосий воситалар ва унинг ҳар бир объекти, унинг жойлашган жойи ва алоҳида инвентар карточкада аналитик ҳисоби ва 0100-«Асосий воситалар» счётларида тегишли воситаларнинг синтетик ҳисобини юритиш билан таъминланади. Аналитик ҳисоб АВ-6 шаклдаги намунавий варақларда юритилади. Унча катта бўлмаган субъектлар асосий воситаларнинг аналитик ҳисобини инвентар дафтарларида юритишлари мумкин.

Инвентар карточкаларда асосий воситалар объектининг номи, унинг инвентар рақами, уни тайёрлаган субъектнинг номи, ишлаб чиқарилган йили, далолатнома рақами ва санаси, дастлабки қиймати, сотиб олиш манбаи, қисқача тавсифи ва бошқа маълумотлар келтирилади.

Субъектларда ушбу инвентар карточкалар (АВ-6 шакли) икки нусхада тузилиб, улардан бири бухгалтерияда, иккинчиси эса асосий воситалар жойлашган цех ва бўлимларда сақланади. Инвентар карточкалар асосий воситаларнинг гуруҳларига қараб, гуруҳнинг ичида эса уларнинг жойлашган ўринларига ва

объект турларига қараб картотекаларда жойлаштирилади. Ишлатилаётган асосий воситаларнинг карточкалари алоҳида сақланади.

Айрим субъектларда инвентар карточкалар фақат бир нусхада тўлдирилиб, улар асосий воситаларнинг бухгалтериядаги ҳисобини олиб бориш учун хизмат қилади. Цех ва бўлимлардаги асосий воситалар инвентар карточкаларнинг рўйхати асосида ҳисобга олинади. Бу рўйхат қуйидаги намунавий шаклга эга:

АВ-7 намунавий шакли
Инвентар карточкаларнинг рўйхати

Карточканинг рақами	Инвентар рақами	Объектнинг номи
981 ва ҳоказо	2264	Токар станоги

Асосий воситаларнинг ҳар бир гуруҳи ёки турига асосий воситаларнинг ҳаракатини ҳисобга олувчи карточка (АВ-8 шакли) очилади. Ҳар ойда асосий воситаларнинг келиши ва чиқиб кетиши тўғрисидаги якуний маълумотлар шу карточкага кўчирилади. Бу карточка (журнал) қуйидаги кўринишга эга:

АВ-8 намунавий шакли
Асосий воситалар ҳаракати ҳисобининг карточкаси
«Импорт» гуруҳи (сўм)

Ҳисобот даври	Ҳисобот даврининг 1-кунида мавжуд бўлган асосий воситалар	Келди, ҳаммаси	Кетди, ҳаммаси	Шу жумладан эскириши ва ундан чиқиш натижасида	Эскириш (январ ойидаги ҳаммаси, кейинги ойлардаги ўзгариш суммалари)	Тугалланган капитал тузатишга кетган харажатлар
Апрел	135796	11450	3400	-	6150	4050
Май	147247	18700	-	2500	9500	3600
Июн	162547	4500	7000	5500	10400	3250
Кварталга жами ва х.к.	Х	34650	10400	8000	26050	10900

Бундай карточкалар асосий воситалар бўйича аналитик ҳисобининг маълумотларини синтетик ҳисоби маълумотлари билан солиштириб текшириш учун хизмат қилади. Улар ҳар йилнинг январидан бошлаб очилади. Дастлаб уларда асосий

воситаларнинг турлари бўйича 1 январга мавжуд бўлган объектларнинг қиймати акс эттирилади, сўнгра ҳар ойдаги содир бўлган ўзгаришлар (оборотлар) аниқланиб, кейинги ойнинг бошига мавжуд бўлган асосий воситаларнинг суммаси ёзиб қўйилади. Унинг маълумотларига асосан асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида жамлама қайдномаси тузилади ва уларнинг якунлари бош дафтарларнинг якунлари билан солиштирилиб, текшириб чиқилгандан кейин асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот тузилади.

Бухгалтерияда асосий воситалар 0100 - «Асосий воситалар» деб аталган инвентар счётларининг гуруҳида дастлабки қийматда ҳисобга олинади. Дастлабки қиймат субъектнинг таъсисчилари томонидан унинг устав капиталига ўзларининг бадаллари сифатида топширилган объектлар бўйича ҳар иккала томоннинг келишувига қараб, субъектнинг ўзида ёки бошқа ташкилотлар ва шахслардан сотиб олинган объектлар бўйича эса шу объектларни қуриш ёки сотиб олишга кетган ҳақиқий харажатлар, шу жумладан уларни келтириш, монтаж қилиш ва ўрнатиш харажатларининг йиғиндисига асосан баҳоланади. Бошқа ташкилот ва шахслардан текинга олинган ҳамда давлат органларидан субсидия сифатида олинган объектларнинг қиймати эксперт томонидан ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатларининг маълумотларига қараб баҳоланади.

Юқорида эслатиб ўтилгандек, асосий воситаларни сотиб олиш манбалари асосан субъектнинг ўз маблағлари, четдан жалб қилинган маблағлардан иборат бўлиб, улар таъсисчилар томонидан субъектнинг устав капиталига бадаллар сифатида ва бошқа ташкилотлардан текинга олиниши мумкин. ўз маблағларининг манбаларига асосий воситалранинг қайта тикланган эскириш (амортизацияси) суммаси, 1992 йилгача қурилган ва келтирилган объектлар бўйича индексациялаштирилган амортизацияси миқдорида ҳосил қилинган захира (резерв), субъектнинг соф фойдаси ҳисобидан яратилган жамғармадан ва бошқалардан иборат.

Яъни ўша даврга мавжуд бўлган асосий воситалар қийматининг охирги марта тикланишигача 1993 йилдан амалиётга киритилган янги тартибга кўра бу манбалардан фойдаланиш бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмаганлиги сабабли бухгалтерия шу манбалар суммасининг ташкил топиши, улардан фойдаланишнинг турлари бўйича ажратиб кўрсатилган маълумотларга эга бўлиши керак. Акс ҳолда пул маблағларидан

нотўғри ёки ўринсиз фойдаланиш ва натижада субъектни тўлов қобилиятсизлигига олиб келиши мумкин. Ундан ташқари, бу маълумотлар капитал қўйилмаларни молиялаш маблағлари ва бошқа молиявий қўйилмаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини тўлдириш учун ҳам керак бўлади.

Ушбу салбий кўринишлар янги тикланиш (индексация) тартиби қабул қилиниш натижасида (26 декабр 2000 йилдаги Вазирлар Маҳкамасининг 500-қарори) тугатилди.

Четдан жалб қилинган маблағларнинг манбалари эса банк кредитлари, ҳар хил юридик ва жисмоний шахслардан олинган қарзлардан иборат бўлади.

0100-счётларнинг дебетида субъектнинг мулки ҳисобланган ва лизинг ижарасига олган асосий воситаларининг ҳар ойнинг бошига бўлган қолдиғи дастлабки қийматда акс эттирилиб, унинг дебетида тегишли счётлар билан корреспионденцияланган ҳолда ҳисобот ойида содир бўлган қуйидаги хўжалик муомалалари акс эттирилади:

– 0810-счётининг кредити билан – ҳисобот ойидаги капитал қўйилмалар натижасида фойдаланишга топширилган объектларнинг дастлабки қиймати;

– 4710-счётининг кредити билан – таъсисчилар томонидан субъектнинг устав капиталига ўз бадаллари сифатида келишилган қийматда топширган асосий воситаларнинг қиймати;

– 8523-счётининг кредити билан – текинга олинган асосий воситаларнинг эксперт томонидан белгиланган қиймати;

– 0820-счётининг кредит билан – хусусийлаштирилган субъект асосий воситаларни ким ошди савдосида сотиб олиб, киримга олиниши;

– 8531-счётининг кредити билан- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришдаги асосий воситаларнинг баланс қийматининг оширилиши /қайта баҳоланганда/;

– 0210-счётнинг кредити билан – жорий ижара бўйича ижарачи томонидан қайтарилган асосий воситаларга, ижарачининг капитал қўйилмаларига шу асосий воситалар қийматининг оширилиши ва ҳоказолар;

– 0110-0190-счётнинг кредити билан асосий воситаларнинг ички ҳаракати ёки жорий ижарадаги берилиши;

– 0310-счётнинг кредити билан – ижарачи сотиб олганда;

– 0840-счётнинг кредити билан асосий пода ташкил қилинганда;

– 0810-счётининг кредити билан – вақтинчалик фойдаланиш учун қурилган объектларни фойдаланишга топширишда.

0100-счётларнинг кредитида 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқимлари» счётининг дебети билан корреспонденцияда қуйидаги муомалалар акс эттирилади:

– сотилиши, ишдан чиқиши натижасиа ҳисобдан чиқарилиши /тугатилиши/, сотиб олинган акциялар учун тўлов шаклида, текинга бериш, бартер /алмашув/ объектларини чиқариш, рўйхатга олиш натижасида асосий воситаларнинг кам чиқиши, ижарачи томонидан қилинган капитал қўйилмаларнинг ижарага берувчи ташкилотга ўтказилиши, асосий воситаларнинг кейинчалик сотиб олиш хуқуқи билан узоқ муддатли ижарага берилиши, инвентаризация натижасида аниқланган камомадлар, мустақил балансга ажратилган бўлинмаларга берилиши ва ҳоказолар кўрсатилади.

Бухгалтерия ҳисобининг счётларида бу муомалалар қуйидаги кўринишда акс эттирилади:

0100-«Асосий воситалар» (9210- «Асосий воситаларнинг счётлари сотилиши ва бошқа чиқимлари» счёти)

Д-т	К-т	Д-т	К-т

Асосий воситалар қуйидаги сабабларга кўра субъектларнинг мулкчилигидан чиқарилиши мумкин:

1. Жисмоний, маънавий эскириш, фалокат, табиий офат, фойдаланишнинг муқобил шароитларининг бузилиши ва бошқа сабабларга кўра тугатилиши натижасида;
2. Бошқа ташкилотлар ва шахсларга сотилиши натижасида.
3. Алмаштириш натижасида (бартер муомаласи);
4. Улуш бадаллари кўринишида бериш натижасида;
5. Бошқа ташкилот ва шахсларга текинга /ҳадяга/ берилиши натижасида.
6. Узоқ муддатли ижарага берилиши натижасида.
7. Инвентаризация натижасига кўра кам чиқиши натижасида.

Субъектнинг мулки ҳисобланган асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши уларни ихтиёрий сотиш, алмаштириш, текинга бериш, ижарага бериш ёки ёнғин ва туфон сингари табиий офатлар натижасидир. Асосий воситаларнинг мажбурий ҳисобдан чиқарилиши субъектнинг назоратидан ташқарида бўлиб ва табиий офатлар натижаси маълум ёки, давлатнинг алоҳида ўз мулкий ҳуқуқидан фойдаланишининг натижаси, яъни зарур шароитларда экспроприация қилиш ҳуқуқи ҳисобланади.

Агарда ҳисобдан чиқарилиши керак бўлган у ёки бу объектга амортизация ҳисобланса, амортизацияни ҳисобдан чиқариш санасига ҳисоблаш ва объектнинг бошланғич қийматига мос равишда ўзгартиришлар киритиш зарур. Мулкка тўғри келадиган солиқлар, суғурта харажатлари ва шунга ўхшаш харажатлар, ўсиб борувчи усул билан чиқиб кетиш санасига ҳисобланади. Активнинг чиқиб кетиши санасига объектнинг бошланғич қиймати ва унинг хизмат муддатида ҳисобланган амортизация суммалари тегишли бухгалтерия счётларидан ҳисобдан чиқарилади.

Объектнинг баланс қиймати ва унинг сотилишидан олинган даромаднинг фарқи молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг фойда ва зарарлар моддасида ифодаланади. Аслида ушбу олинган фойда ва кўрилган зарарларнинг суммаси оддий даромад суммасидан чегирилиб ташланиши зарур, аммо амалиётда улар ишлаб чиқариш ёки номуомалавий фаолиятдан олинган даромаднинг бир қисми сифатида ҳисобга олинади.

Агарда асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги қарор ҳисобот йилининг охирига яқинроқ қабул қилинган бўлса, унда ушбу асосий воситани ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар, ушбу зарарларни баҳолаш мумкин бўлса, шу йилда ҳисобга олинади. Кутилаётган ҳисобдан чиқариш харажатлари зарарларни оширади ва тахмин қилинаётган қарзларни ушбу харажатларнинг таркибида ҳисобга олиш заруриятини туғдиради.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетишини қайд қилиш (тугатилиши).

Асосий воситалар кам ҳолларда тахмин қилинаётган фойдаланиш муддати давомида хизмат қиладилар. Агарда мулк бу муддатдан кейин ҳам фойдаланилса, у амортизация

қилинмайди, унда баланс қиймати қолдиқ қийматига тенг бўлади. Агарда тўла эскирган активнинг қолдиқ қиймати нулга тенг бўлса, унда мулкни ҳисобдан чиқариш санасигача ёки уни реализация қилгунга қадар, баланс қиймати нолга тенг бўлади. Масалан, тугатилган ускунанинг тугатилиш санасидаги баланс қиймати 650.000 сўмни ташкил қилди. Баланс қийматига тенг бўлган асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар 185.000 сўм ва жамланган амортизация 465.000 сўм ҳисобда қуйидагича акс эттирилиши керак:

30 сентябр 20хх й.

Ускунанинг жамланган амортизацияси (0230) 465.000

Ускунани ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарар (9431).....185.000

Ускуна (0130).....650.000

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши натижасида олинган фойда ёки кўрилган зарарлар бошқа даромад ва харажатлар сингари молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг реализациясини қайд қилиш.

Асосий воситаларни пулга сотишни акс эттиришнинг бухгалтерия проводкалари (ўтказишлари) юқорида келтирилган тартиблар билан ўхшашдир, лекин шу билан фарқ қиладики, даромаднинг умумий суммаси кўрсатилиши керак. Сўнгра ускунанинг сотиш баҳоси билан боғлиқ бўлган ўзгарувчи ўтказмалар проводкалар келтирилади.

Биринчи ҳолда сотиш баҳоси 185.000 сўмни ташкил қилади, бу сумма қолдиқ қийматига тенг ва шундай қилиб фойда ёки зарар мавжуд эмас.

30 сентябр 20хх й.

Пул маблағлари (5110) 185.000

Жамланган амортизация (0230) 465.000

Ускуна (0130) 65.000

Иккинчи ҳолда 100.000 сўм нақд олинган, яъни баланс қийматидан кам. Бу ҳолда зарар 85.000 сўмни ташкил қилади.

30 сентябр 20хх й.

Пул маблағлари (5010) 100.000

Жамланган амортизация (0230) 465.000

ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарар (9431)..... 85.000

Ускуна (0130) 650.000

Учинчи ҳолда 300.000 сўм нақд олинган, яъни баланс қийматидан кўп. Бу ҳолда асосий воситаларни реализация қилишдан 115.000 сўм фойда сифатида қайд қилинади.

30 сентябр 20хх й.

Пул маблағлари (5010) 300.000

Жамланган амортизация (0230) 465.000

Ҳисобдан чиқаришдан олинган фойда (9310)..... 115.000

Ускуна (0130) 650.000

Асосий воситаларни қиймат асосида айирбошлаш(бартер муомаласи).

Асосий воситалар баъзи ҳолда бошқа асосий воситаларга, активларга ёки кўрсатилаётган хизматларга айирбошланади. Бундай айирбошлаш харид қилиш мақсадида ҳам, асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш мақсадида ҳам амалга оширилади.

Асосий воситалар бўйича пулсиз асосдаги битимлар қуйидагича тавсифланади:

– Активларни, мажбуриятларни ёки хизматларни, бошқа активлар, мажбуриятлар ёки хизматлар билан кўп бўлмаган миқдордаги пул маблағларини жалб қилиш билан ёки умуман пул маблағларини жалб қилмай айирбошлашдир. Умуман, агарда, пул ифодасидаги бўлган объектнинг ҳақиқий қиймати чиқиб кетган ёки олинган активларнинг ҳақиқий қийматининг 10 % дан камини ташкил қилса, савдо пулсиз шаклдаги битим (бертер) деб ҳисобланади.

Умуман, бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган, бошқа активларга айирбошлаш орқали харид қилинган активларнинг қиймати, агарда харид қилинган активларнинг ҳақиқий қиймати аниқроқ белгиланган бўлмаса берилган активларнинг ҳақиқий қиймати ҳисобланади. Охирги ҳолда харид қилинган активларнинг ҳақиқий баҳоси бухгалтерия ҳисобида фойдаланилади. Бу бошқа харид қилинган активларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин бўлган баҳолаш тамойилларидир.

Агарда активлар турли жинсли бўлса, унда айирбошлаш пулдаги савдо шаклида амалга оширилади. Фойда ёки зарар келишилган қийматнинг олиниши ёки тўланишидан қатъий назар ҳисобга олинади. Айирбошлаш натижасидаги фойда ёки зарарни аниқлаш ва ҳисобга олиш умуман активларни ҳисобдан чиқаришга ўхшаш жараёндек амалга оширилади. Фойда ёки зарар бериб юборилаётган активнинг баланс ва бозор қийматлари ўртасида фарқи бўлиб, даромад моддаси

бўйича ҳисобга олинади. Баланс қиймати бозор баҳосидан ортиқ бўлган ҳолда, зарар вужудга келади; бозор қиймати баланс қийматидан паст бўлганида – фойда вужудга келади. Ушбу ҳолда фойда ва зарарлар илгари ҳисобланган амортизациянинг корректировкаси ҳисобланади ва у асосий воситалар қийматининг ортишини (фойда) ёки камайишини (зарар) акс эттиради.

Ўхшаш активларни айирбошлашда молиявий натижалар аниқланмайди, фойда ва зарарлар ҳисобга олинмайди. Фойда олиш жараёни тугалланмаган ва олинган активлар шунчаки ўрнига-ўрин айирбошланди. Компаниянинг келгусидаги даромадига олинган активлар ҳисобига келган иш унумдорлигининг ҳар қандай ортиши ёки камайиши таъсир қилади. Бунинг натижасида харид қилинган активлар айирбошлаш жараёнида бериб юборилган активнинг баланс қиймати бўйича ҳисобга олиниб тўланган пул маблағларининг суммаси қўшилади ёки олинган пул маблағларининг суммаси айирилади.

Бундан ташқари қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур: олинган ҳар қандай активларнинг ҳисобга олиниши мумкин бўлган энг юқори қиймати бўлиб, уларнинг берилган санасидаги ҳақиқий бозор қиймати ҳисобланади. Шунинг учун, пуллар тўланганида, тўлайдиган субъект, берилаётган активларнинг баланс қиймати плюс тўланган пулларнинг суммаси олинган активларнинг бозор қийматидан ортиб кетмаганлигини текшириш керак. Агарда ушбу тўланган сумма ортиқча бўлса, унда активлар ҳисобда бозор қиймати бўйича тан олиниши керак ва баланс қиймати билан тўланган суммасининг ўртасидаги фарқ зарар сифатида битимга олиб борилади.

Субъектлар ўзига тегишли асосий воситаларни бошқа мулкларга (бири сотади, бошқаси харид қилади) алмаштириши мумкин, яъни қарама-қарши савдо (бартер) амалга оширилади. Масалан, эски ускунани янгисига алмаштирилади, ускуна – юк автомобилига ва бошқалар. Барча ҳолларда сотиб олиш баҳоси қарама-қарши савдода сотиладиган эски объектнинг қиймати ҳажмидаги янги нархдан бериладиган чегирма суммасига пасайтирилади.

Қарама-қарши савдодаги бухгалтерия ёзувлари пул маблағларига сотишдаги ёзувларга ўхшашдир. Асосий воситаларнинг айирбошлашидан кўриладиган зарар ва

олинадиган фойдани аниқлашнинг (тан олишнинг) бир неча махсус қоидалари мавжуд бўлиб, айирбошланаётган активларнинг хусусиятларига боғлиқдир.

Бир хил тоифада бўлмаган воситаларни айирбошлаш ҳолатида фойда ёки зарар доимо кўрсатилади. Молиявий ҳисобот тузилаётганида бир тоифадаги воситаларнинг айрбошлашидан олинган фойда кўрсатилмайди, чунки бу актив фойда келтирадиган муддатда тўла фойдаланилмайди. Эски дастгоҳни бир мунча янгисига алмаштириш, эски ускунани ўзгартириш ёки уни такомиллаштиришдагидек иқтисодий маънога эга бўлади. Бухгалтерия ҳисобида янги ускунани ҳисобга олиш эски дастгоҳнинг баланс қийматига тўланган пул маблағларидаги суммани қўшиш билан кўрсатилади.

Айирбошлаш натижасида зарарни акс эттириш. Фараз қилайлик, фирма баланс қиймати 1.850000 сўм бўлган эски дастгоҳни янги, замонавийсига қуйидаги шартларда алмашади:

Янги дастгоҳнинг қиймати 12.000000

Айирбошланаётган эски дастгоҳга чегирма..... 1.000000

Зарур бўлган пул маблағларининг суммаси..... 11.000000

Ушбу муомалада қарама-қарши савдодаги чегирма (1.000000) эски дастгоҳнинг баланс қийматидан кам (1.850000). Демак, йўқотишлар (зарар) 850000 сўмни (1850000-1000000) ташкил қилади. Бухгалтерия ёзувларида ушбу воқеа қуйидагича кўрсатилади.

Ускуна (янги).....(0130).....12.0000000

Жамланган амортизация.....(0230).....4.650000

Асосий воситаларни айрбошлашдан кўрилган зарар.....(9439).....850000

Ускуна (эски).....(0130).....6500000

Пул маблағлари.....(5110).....11000000

Айрбошлаш натижасидаги зарарларни тан олмаслик қуйидагича қайд қилинади.

Олдинги мисолда кўрилган зарарлар тан олинганида, янги ускунанинг харид баҳоси – 12000000 сўм ҳисобга олиниб кўрилган зарарлар 850.000 сўм миқдорда ҳисобланган эди. Зарарларни кўрсатиш кўзда тутилмаган ҳолда, янги объектнинг бошланғич қиймати вужудга келадиган зарарлар суммасига ортади. Баланс қиймати эски дастгоҳнинг баланс қийматига тўланган пул маблағларини қўшиш йўли билан ҳисобланади:

Эски ускунанинг баланс қиймати 1.850.000

Тўланган пул маблағлари 11.000.000

Янги ускунанинг ҳисобдаги қиймати 12.850.000

Муомалаларни ушбу тартибда қайд этишда кўрилган зарарлар кўрсатилмайди:

Ускуна (эски) ..... (0130) 12.850.000

Жамланган амортизация ...(0230)..... 4.685.000

Ускуна (эски) .....(0130)..... 6.500.000

Пул маблағлари .....(5110)..... 11.000.000

Янги дастгоҳга, баланс қиймати – 12.850.000 сўмдан келиб чиққан ҳолда амортизация ҳисобланади.

Айирбошлашдан олинган фойдани акс эттириш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Буни ифодалаш учун уша мисолдан фойдаланамиз, фараз қилайлик, ускунани алмаштириш шарти қуйидагича эди:

Янги дастгоҳнинг қиймати 12.000.000

Айрбошланаётган дастгоҳга чегирма 3.000.000

Зарур бўлган пул маблағлари 9.000.000

Бу ҳолда қарама-қарши савдодаги чегирма (3.000.000) эски дастгоҳнинг баланс қийматидан (1.850.000) ортиқ 1.150.000 сўм бўлди. Шундай қилиб, фойда вужудга келди. Шунга аҳамият бериш керакки, янги дастгоҳнинг сотиш қийматини ошириш мақсадида унинг нархини кўтариб юбормаслик керак. Агарда қўлланилган чегирма эски машинанинг ҳақиқий бозор қийматини ифодаласагина фойда мавжуд бўлади:

Ушбу муомала тегишли счётларда қуйидагича қайд қилинади:

Ускуна (эски) ..... (0130) 12.000.000

Жамланган амортизация ...(0230)..... 4.650.000

Ускунани айрбошлашидан олинган фойда.(9310)..1.150.000

Ускуна (эски) .....(0130)..... 6.500.000

Пул маблағлари .....(5110)..... 9.000.000

Айрбошлашдан олинган фойдани тан олмаслик қуйидагича қайд қилинади:

Агарда бир тоифадаги ускуналар айрбошланса асосий воситаларни айрбошлашдан олинган фойда ҳисобда акс эттирилмайди. Бундай ҳолларда объектнинг бошланғич қиймати вужудга келадиган фойда суммасига камайтирилади. бошланғич қиймат эски ускунанинг баланс қийматига тўланган пул маблағлари суммасини қўшиш йўли билан ҳисобланади. Ушбу тартибда чегирма тан олинмайди.

Эски ускунанинг баланс қиймати 1.850.000

Тўланган пул маблағлари 9.000.000

Янги ускунанинг ҳисобдаги қиймати 10.850.000

Агарда, аввалги кўриб чиқилган мисолнинг маълумотларидан фойдаланилса, бухгалтерия ёзуви қуйидагича кўринишда бўлади:

30 сентябр 20хх й.

Ускуна (янги) ..... (0130) 10.850.000

Жамланган амортизация ...(0230)..... 4.685.000

Ускуна (эски) .....(0130)..... 6.500.000

Пул маблағлари .....(5110)..... 9.000.000

Бу тартиб, яъни фойданинг кўрсатилмаслиги ҳақиқатда унинг муддатининг узайтирилишини англатади. Масалан, юқорида келтирилган ҳолда, маълум шароитларда янги даст-гоҳнинг сотиш натижасида ҳисобдан чиқарилишида, унинг баланс қиймати 12.000.000 сўм ўрнига, 10.850.000 сўм бўлади, аммо амортизация 10.850.000 сўм қийматидан ҳисобланган учун, кўрсатилмаган фойда, ҳар йиллик амортизация чегирмаларида ифодаланади (1.150.000 сўм).

Қайтарилмаслик шарти билан бериш йўли орқали асосий воситаларнинг чиқиб кетиши.

Корпорациялар вақти-вақти билан активларни бошқа ташкилотларга хайрия сифатида берадилар. Масалан, компьютер ишлаб чиқарувчилар кўпинча компьютер ускуналарини университетларга берадилар. Активларни берган шахс, бу ҳолда берилган активларнинг бозор қийматига тенг бўлган харажатларни ҳисоблайдилар. Бозор қиймати бериб юборилган активларнинг баланс қийматига эмас, балким, тўғрироғи берувчи компаниянинг олинмаган иқтисодий самарадан кўрган йўқотишларига тенгдир.

Баланс ва бозор қийматининг айирмасига тенг бўлган фойда ёки зарар, қайтарилмаслик шарти билан (текинга) бериб юборилган актив сифатида ҳисобга олинади. Фақатгина қайтарилмаслик шарти билан берилиши бўйича сўзсиз мажбурият бўлгандагина харажатлар моддаси бўйича ҳисоблаш амалга оширилади.

Фойдаланишдан чиқиб кетган асосий воситаларни қайта туркумлаштириш.

Хизмат муддати тугагунга қадар субъектнинг фойдаланишдан чиқиб кетган асосий воситалари бухгалтерияда тегишли счётларидан ҳисобдан чиқарилади. Амортизация активларни қайта туркумлаштириш вақтига-моментига ҳисобга олинади, сўнгра, амортизация суммаси ортиб бориш якуни билан ва

активларнинг счётидан янги «Бошқа активлар» счётига ҳисобдан чиқарилади.

Бундан ташқари, агарда активларнинг бозор қиймати уларнинг баланс қийматидан паст бўлса, зарар ҳисобланади ва «Бошқа активлар» бозор қиймати бўйича дебетланади ва аксинча, агарда бозор қиймати баланс қийматидан ортиқ бўлса, «Бошқа активлар» баланс қиймати бўйича дебетланади, лекин фойда ҳисобга олинмайди ва амортизация суммаси сифатида келгусида қўшимча даромад олишга ёрдам беради.

Асосий воситаларнинг харид қилинганидан кейин улар учун сарфланган харажатлар.

Асосий воситаларни харид қилиб олгандан сўнг уни асраш ва фойдаланиш билан боғлиқ кўпдан-кўп харажатлар пайдо бўлиши бошланади. Масалан, уларни асраш, таъмирлаш, ишлатиш, реконструкция қилиш ва жойларини алмаштиришни эътиборга олиш зарур бўлади. Ушбу харажатларни ҳисобга олиш балансннинг тегишли моддаларини гуруҳлаштириш ва кейинчалик амортизация чегирмаларини ҳисоблашга таъсир этади.

Харид қилиб олинганида, баҳоланган бошланғич ҳақиқий қиймати, хизмат муддати ва маҳсулдорлиги билан боғлиқ харажатлар юқорида белгиланган тартибда капиталлаштирилади. Харид қилингандан кейинги пайдо бўлган капиталлаштирилган харажатлар, фойдаланишнинг маълум бир давридан кейин баҳосизланади ва бу давр маълум бир активларнинг кутилаётган хизмат муддатидан қисқа бўлиши мумкин.

Активлардан фойдаланиш имконияти ва харид қилиб олинганида кутилаётган фойдаланиш даврини маълум бир минимал даражада сақлаб туриш учун таъмирлашнинг амалга оширилишини назарда тутади. Бу харажатлар фойдаланиш муддатини харид қилинганида белгиланганидан юқорироқ даражада узайтира олмайди, улар жорий ҳисобланади ва пайдо бўлган даврнинг тегишли харажатларининг моддасига киритилади. Бундан ташқари, одатда компаниялар ушбу воситаларни харид қилиб олганидан кейин пайдо бўладиган харажатлар белгиланган ва тасдиқланган сумма (смета)дан ошмаган ҳолларда харажатларнинг ҳисоби сиёсатини қўллайдилар. Бундай сиёсат моддий чегараланишлар бўлганида қўлланилади. Агарда ушбу харажатлар бирмунча барқарор бўлган шароитда бу сиёсат шунингдек моддий харажатларга нисбатан қўлланилиши мумкин,.

Авария, эътиборсизлик, совуққонлик, зараркунандалик қилиш, ўғирлик натижасида пайдо бўлган харажатлар зарарларга олиб борилади. Асосий воситаларни харид қилгандан сўнг пайдо бўладиган ушбу харажатлар, тўртта асосий турларга бўлинади:

1. Ишчи ҳолатида сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш;
2. Яхшилаш (мукаммаллаштириш);
3. Қўшимчалар киритиш (кенгайтириш);
4. Қайта кўриш ва бошқариш.

Сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш харажатлари.

Ишчи ҳолатда сақлаб туриш харажатларига мойлаш, тозалаш, тартибга солиш, бўяшдан иборат бўлиб — буларнинг ҳаммаси ускунани ишчи ҳолатида сақлаб туришнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Жорий таъмирлаш харажатлари эҳтиёт қисмларнинг сарфлари, профилактика ва таъмирлаш ишлари билан боғлиқ харажатлардан иборат. Бундай турдаги таъмирлашга зарурият тез-тез пайдо бўлади ва жиддий харажатларни талаб қилади.

Жорий таъмирлаш ва ишчи ҳолатида сақлаб туриш харажатлари жорий харажатлар ҳисобланади. Уларни ҳисоблашда икки усулдан фойдаланилади:

1. Пайдо бўлиши бўйича ҳисобга олиш усули. Пайдо бўлиши бўйича ҳисобга олиш усули сақлаб туриш ва таъмирлаш учун зарур бўлган харажатларни, уларга зарурият пайдо бўлганда ҳисобга олишни ва харажатларни бутун давр давомида бир текисда тақсимлашни назарда тутади. Аммо, маълум бир вазиятларда ҳар йиллик таъмирлаш ва сақлаб туриш харажатлари, ёки бир вақтга, ёки жуда қисқа вақт оралиғига тўғри келади. Бу усулдан фойдаланилганда, ускунани сақлаб туриш учун барча йиллик харажатлар асосий воситанинг шикастланиши ҳолати юз берган маълум бир вақт оралиғига тўғри келади.

2. Тақсимлаш усули. Бу ёндошиш таъмирлаш ва сақлаб туриш харажатларининг тахминий ҳажмларига асосланади. Бу усулдан фойдаланиш, жорий таъмирлашнинг тизимли хусусиятига асосланади. Бу усулдан фойдаланиш, жорий таъмирлаш тизимли хусусиятга эга бўлган ва ҳажми бўйича у аҳамиятли бўлганда тавсия қилинади. Бу усулдан фойдаланилганда жорий йилда кутилаётган таъмирлаш учун тахмин қилинаётган харажатларнинг миқдори умумий баҳоланиб (сметаси тузилиб) сўнгра вақт ёки ишлаб чиқаришнинг ҳажми асосида, вазиятдан

келиб чиққан ҳолда, тақисмланади. Асос бўлиб вақт хизмат қилган ҳолда, ҳар бир оралиқ давр учун таъмирлаш ва ишчи ҳолатда сақлаб туриш харажатларининг тааллуқли бўлган суммаси аниқланади, тахмин қилинаётган сумма учун асосий воситалар счётида контрсчёт очилади. Жорий таъмирлаш ва сақлаб туришнинг ҳақиқий харажатлари контрсчётда акс эттирилади.

Тақсимлаш усулидан фойдаланишга мисол келтирамиз: масалан, ҳар йиллик жорий таъмирлаш ва сақлаб туришга 360.000 сўм сарф қилишни (сарфлар сметаси) тахмин қилмоқдамиз. Ушбу сумма ойлар бўйича бир текисда тақсимланади. Биринчи ойда ҳақиқатдан сарфланган таъмирлаш ва сақлаб туриш харажатлари 26.000 сўмни ташкил қилди. Тахмин қилинаётган харажатларнинг суммаси ва мос контрсчёт тўғрисидаги ёзув ушбу ой учун қуйидагича бўлади.

Таъмирлаш учун тахмин қилинаётган харажатларнинг суммасини ҳисобга олиш учун:

Таъмирлаш ва сақлаб туриш харажатлари (360.000/12 ой). 30.000

Таъмирлаш ва сақлаб туриш учун тўловларнинг захираси. 30.000

Сўнгра биринчи ойдаги ҳақиқий харажатлар суммаси ҳақида маъулмотлар киритилади:

Таъмирлаш ва сақлаб туриш учун тўловларнинг захираси. 26.000

Пул маблағлари 26.000

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда ҳар ойдаги таъмирлаш ва сақлаб туриш учун сарфланган харажатлар-26.000 сўм ҳақида маълумотлар киритилади. Контрсчётнинг кредити бўйича 4000 сўм қолдиқ баланс ҳисоботида мос активларининг қисқариши сифатида ҳисобга олинади. Тахмин қилинаётган харажатлар (смета)нинг суммаси ҳақиқий харажатлардан ортиқроқ (4000 сўм) бўлишига қарамай тақсимлаш счёти тегишли харажатларга қўшилиб, харажатларни ҳақиқий даражасигача камайтиради. Тақсимлаш усулини қўллаш шуниси билан қизиққи, бутун йил давомида таъмирлаш ва сақлаб туриш харажатларининг доимий тақсимланишини ташкил қилишга имконият беради.

Реконструкция асосий воситаларнинг ишчи потенциалини ошириш учун зарур бўлган маълум бир харажатларни талаб қилади. Реконструкция маҳсулот ишлаб чиқаришни

кўпайтириш, таннархни пасайтириш, хизмат муддатини узайтириш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш учун амалга оширилади. Ускунанинг ишчи ҳолатини сақлаб туриш харажатлари реконструкция эмас, балким таъмирлашга тааллуқлидир.

Реконструкция ўз ичига ускунанинг бош компонентини мутлақо янги компонент билан алмаштириш жараёнини олади. Масалан, эски тунука томни янгисига, оловга чидамли черепицага алмаштириш, кемага янада қувватлироқ двигателни ўрнатиш, бинонинг электр тизимини тубдан ўзгартириш ва ҳоказолар.

Шу нарсани эътиборга олиш керакки алмаштириш стандарти ва шароити бўйича мос келадиган ускунага алмаштириш йўли билан амалга оширилиши керак. Масалан, тракторнинг двигатели шунга ўхшашига ва кучлироғига алмаштирилади.

Юқорида айтиб ўтилган харажатлар моддаларининг ҳар бири ускунанинг хизмат қилиш муддатини ва унумдорлигини оширади.

Реконструкциянинг заруратига олиб келувчи ҳолатлар қуйидагилардир:

1. **Эски ускунани алмаштириш.** Бунда эски компонентнинг қиймати ва унинг амортизацияси ҳисобдан чиқарилади, баланс қийматига тенг бўлган зарар ҳисобга олинади ва активнинг бошланғич счёти харажатларининг миқдорига кўпаяди. Мисол учун, тунука томнинг қиймати 2.000.000 сўм, эскиришининг даражаси 80% ва қиймати 6.000.000 сўм бўлган янги оловга бардош берадиган черепицага алмаштирилади. Ҳолатини яхшилаш харажатларининг харажатлар моддасига киритилиши қуйидагича расмийлаштирилади:

Эски компонентларни олиб ташлаш қийматини ҳисоблаш:
Амортизация (эски том, 2.000.000х0,8) 1.600.000
Қайта куриш харажатлари 400.000
Бино (эски том) 2.000.000
Янги компонент (черепица)нинг қийматини ҳисобга олиш:
Бино (янги том) 6.000.000
Пул маблағлари 6.000.000

Зарар, бошланғич қийматнинг амортизация қилинмай қолган қисмини ифодалайди. Қачонки эски компонентнинг қиймати ва мос равишда эскириш харажати аниқ

бўлгандагина, ёки нисбатан аниқ белгилаш имконияти бўлсагина ушбу усул қўлланилиши мумкин.

2. **Активлар счётининг ошиши.** Активлар счётининг ошиши тамойили эски активнинг қиймати ва жамланган амортизацияси тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаганда қўлланилади. Ҳолатини яхшилаш харажатлари активларнинг счётининг дебетида кўрсатилади. Алмаштирилиши зарур бўлган активнинг қиймати ва жамланган амортизацияси тегишли счётлардан чиқарилиб юборилмайди, чунки унинг ҳақиқий қийматини ҳисоблаш мураккаб туюлади. Бу усулни қўллашнинг натижаси бўлиб, умумий қийматнинг ва жамланган амортизациянинг оширилган баҳоланиши ҳисобланади. Асосан, эски активнинг баланс қиймати айирбошлаш санасига нисбатан паст бўлади. Агарда компонентнинг эскириши уни айрбошлашга олиб келса, унда амортизациянинг даражасини қайта кўриб чиқиш зарур.

Қўшимчалар киритишга мавжуд активга қўлланиладиган узайтириш, ошириш ва кенгайтириш ишлари тааллуқлидир. Мисол тариқасида, мавжуд бинога қўшимча қанот ёки хоналарнинг қурилиши. Қўшимчалар киритиш капитал харажатлар ҳисобланади ва асосий воситаларнинг таннархига олиб борилиб унинг қийматини оширади.

Кўпгина фирмалар ишлаб чиқариш иморатларини қонунлар ва суд ҳукмлари қарорларига мувофиқ атроф муҳитнинг ифлосланишини назорат қилиш учун қурилмалар билан жиҳозлайдилар. Кўпинча ушбу қурилмаларининг қиймати атроф-муҳитни ифлослантирувчи дастгоҳлар қийматидан ортиқроқдир. Бундай ҳолларда ушбу қурилмаларнинг қиймати алоҳида капиталлаштирилади ва асосий воситаларга қўшимчалар киритиш сифатида амортизацияланади.

Асосий воситаларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қайта ўрнатиш, ўзгартириш ва қайта қуриш қиймати капиталлаштирилмайди агарда қайта қуришдан олинадиган манфаат жорий ҳисобот даврига тааллуқли бўлса харажатлар таркибига киради. Бундай харажатлар агарда паралеллар ўтказиш имконияти бўлса алоҳида актив, муддати узайтирилган бино ёки махсус бино сифатида капиталлаштирилади. Бу харажатлар қайта қуришдан фойда олиш давридан кейинги вақт давомида амортизацияланади.

Компаниялар одатда активни харид килганидан кейинги вужудга келган барча харажатлар тўғрисидаги маълумотларни очиб берадилар, бу маълумотлар молиявий ҳисоботларнинг тушунтириш хатларига киритилади. Мисол учун, «Анвар ва К» компанияси 2001 йил учун ҳисоботининг тушунтириш хатида қуйидагиларни кўрсатди:

Сақлаб туриш (асраш) ва таъмирлаш харажатлари вужудга келиши бўйича ҳисобга олинади. Яхшилаш, узайтириш усуллари, яъни активларнинг хизмат муддатини узайтирадиган ёки кўпайтирадиган ҳолатини яхшилаш харажатлари капиталлаштирилади.

Кўчмас мулк харид баҳосида ҳисобга олинади ва объектлар бўйича маълум кўзда тутилмаган харажатларни ўз ичига олади. Таъмирлаш ва сақлаб туриш учун харажатлар зарур бўлгандагина амалга оширилади.

5-БҲМС субъектларга асосий воситаларни қайта баҳолаш имконини берадиган шартларга эга. Шу муносабат билан қуйидагиларни билиш зарур:

– қайта баҳолаш ҳукумат қарорига мувофиқ амалга оширилиши керак.

– жамғарилган амортизация қайта баҳолаш санасига активнинг бошланғич қийматининг ўзгаришига мутаносиб равишда шундай тузатиш қилинадики, натижада қайта баҳолаётган сумма ҳақиқий қийматга тенг бўлсин.

– активларни ишчи ҳолатида сақлаш харажатлари қайта баҳолаш натижасида нисбатан ошиб кетганда, бундай ошиб кетиши муомалалар тўғрисидаги ҳисоботда даромад сифатида эмас, балки баланс ҳисоботида қайта баҳолаш натижасида вужудга келган қўшимча қиймат сифатида ҳисобга олинади.

– қайта баҳолаш натижасида активларни ишчи ҳолатида сақлаш харажатлари камайганида, ушбу камайиш молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботида, агарда қайта баҳолашдан сўнг қўшимча қиймат пайдо бўлмаса харажатлар сифатида ҳисобга олинади.

Асосий воситаларни тугатишдан олдин ушбу тугатиш билан боғлиқ бўлган ишлар рўйхатини ва хусусиятларини кўрсатувчи наряд-буюртма тузилиб, уни тугатиш ишларини бажарувчи цех ёки ташкилотларга топширадилар.

Тугатиш ишлари бажарилгандан кейин намунавий АВ-3 шаклидаги «Асосий воситаларни тугатиш далолатномаси» тузилади. Субъект раҳбарининг буйруғига асосан тайинланган мах-

сус комиссия балансдан чиқарилаётган асосий воситаларни текшираётганда ва далолатнома тузаётганда мазкур объектнинг техника паспорти, камчиликлари қайд қилинган қайднома ва бошқа техникавий ҳужжатлардан фойдаланади. «Асосий воситаларни тугатиш далолатномаси»да мазкур объектнинг тавсифи, унинг тайёрланган ёки қурилган йили, субъектга қабул қилиб олинган ва фойдаланишга топширилган вақти дастлабки ёки қайта тиклаш қиймати, бухгалтерия ҳисобининг маълумотларида кўрсатилган эскириш суммаси, неча марта капитал тузатиш амалга оширилганлиги, чиқиб кетиш сабаблари ва шунга ўхшаш маълумотлар келтирилади.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган барча муомалалар счётлар режасида махсус ажратилган 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқимлари» счётида акс эттирилади.

Маълумки, асосий воситаларни тугатиш учун уларни бузиш, демонтаж қилиш каби ишларнинг бажарилиши керак. Бу ишлар субъектнинг ўзидаги кучлар билан ёки махсус ташкилотлар томонидан пулга бажарилади. Асосий воситалар тугатилгандан кейин турли хилдаги фойдаланиш мумкин бўлган материаллар, ёқилғи ва бошқа моддий қийматликлар олиниши мумкин. Ушбу келтирилган барча муомалалар 9210 - счёт ёрдамида ҳисобга олиб борилади.

Асосий воситаларни тугатиш жараёни 9210-счётда акс эттирилгандан сўнг бу счётнинг ҳар иккала томонидаги якуний суммалар солиштириб кўрилади. Агар ушбу счётнинг дебетидаги якуний сумма кредитидаги суммадан ортиқ бўлса, унда мазкур объект тўла амортизацияланган ва тугатиш натижасида фойда олинган ҳисобланади.

Субъектларни мавжуд асосий воситалардан унумли фойдаланиш ва хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашга қизиқтириш мақсадида бундай асосий воситаларни сотиш ва рўйхатдан чиқариш чоғида ҳосил бўладиган зарарлар субъектнинг ихтиёрида қолдириладиган фойда ҳисобидан қопланади (агар Вазирлар маҳкамаси томонидан бундай ҳисобдан чиқаришнинг бошқа тартиби белгиланган бўлмаса).

Субъектнинг мулки ҳисобланган асосий воситаларнинг тугатилишига қуйидаги муомалаларни мисол қилиб келтириш мумкин:

1. Тугатилган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати ҳисобдан чиқарилди: 20000 сўм

2. Шу жумладан эскириш суммаси: 18000 сўм

3. Пудратчи томонидан бажарилган бузиш ва демонтаж ишлари учун тўлов счёти акцептланди 1400 сўм

4. Тугатилган объектдан фойдаланиш мумкин бўлган ҳар хил материаллар олинди. 1100 сўм

5. Тўла амортизацияланмаган асосий воситаларни тугатиш натижасида кўрилган зарар (20000+1100-18000-1400) тегишли счётда акс эттирилди 2300 сўм.

Бу муомалалар счётлардаги ёзувлар тартибида асосан қуйидагича акс эттирилади:

Асосий восита тугатилгандан сўнг тузилган далолатнома субъектнинг раҳбари томонидан тасдиқланади ва кейин унинг бухгалтериясига топширилади. Бухгалтерия бу далолатномага мувофиқ асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисида объектнинг инвентар карточкасига ёзиб қўяди ва шу тўғрида инвентар карточкаларнинг рўйхатига белги қўйилади. Асосий воситалар жойлашган жойдаги инвентар рўйхатларида ҳам худди шундай ёзувлар қилинади.



Асосий воситалар бир субъектдан иккинчи субъектга текинга (эҳсон сифатида) берилаётганда намунавий шаклдаги «Асосий воситаларни қабул қилиш – ўтказиш далолатномалари» билан расмийлаштирилади. Бунда чиқиб кетаётган асосий воситаларнинг дастлабки қийматига 0110-0190-счётлари кредитланиб, шу кунгача ҳисобланган эскириш суммасига 0210-0290-счёт ва қолдиқ қийматга 9210-счёт дебетланади. Асосий воситаларни текинга беришдан кўрилган зарарлар субъект фаолиятининг якуний молиявий натижаси ҳисобидан қопланади ва жорий тартибда 9431-счётнинг дебетига ўтказилади ва ҳисобот даврининг охирида ушбу зарар суммаси дебет 9910 ва кредит 9431 ёзувлари билан субъектнинг кўрган умумий зарарининг суммасига қўшилади.

Асосий воситаларни бошқа субъектларнинг устав капиталига бадал тариқасида ўтказилишлар тарафларнинг келишувига асосланган нархларда амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти шароитида бундай нархлар кўпинча асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобидаги қийматига тўғри келмаслиги мумкин. Бундай муомала натижасида аниқланган фойда ёки зарарлар 9210-счётда аниқлаб топилади ва тегишли счётларга, агарда фойда олинса 9310-"Асосий воситаларни сотишдан ва бошқа чиқимлардан олинган фойдалар", агарда зарар кўрилса 9431 счётларга олиб борилади.

Шундай қилиб, устав капитали /фонди/га бадал тариқасида ўтказилган асосий воситаларнинг қиймати Счётлар режасида келтирилган 0620-0690- «Узоқ муддатли молиявий инвестициялар» счётларининг дебети ва 9210-счётнинг кредитида ҳар иккала томоннинг ўзаро келишилган суммасида акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг хўжаликдан чиқиб кетиши натижасида олинган фойда субъектнинг фойдаси таркибига, 9910-"Якуний молиявий натижалар" счётига киритилади ва шунинг учун бу фойданинг суммасидан мазкур субъект учун белгиланган ставкалар бўйича солиқ ушланади.

Юқорида 9210 счётга тегишли муомалалардан ташқари бу счёт тегишли счётлар билан қуйидаги муомалаларнинг таъсирида корреспонденцияланади:

Асосий восита объектлари ўз қийматидан паст нархда сотилганида солиққа тортиладиган фойда ушбу объектнинг бозор нархида сотилишидан келиб чиқадиган қийматига асосланиб ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг бошқа ташкилотларга текинга ёки ижарага берилишига доир мисоллар келтирамиз:

1. Компания болалар боғчасига текинга янги телевизор берди. Унинг дастлабки қиймати 20000 сўм:

Муомалаларнинг мазмуни	Корреспонденцияланувчи счётлар	
	Дебет	Кредит
1. Асосий воситаларнинг хўжаликдан чиқиб кетишининг барча ҳолларида уларнинг ҳисобдан чиқарилиши қуйидагича акс эттирилади:		
а) уларнинг дастлабки қийматига	9210	0110-0190
б) ҳисобланган эскириш суммасига	0210	9210
2. Асосий восита обеъктини тугатиш (бузиш) жараёнида:		
а) демонтаж натижасида олинган материал, эҳтиёт қисмлар ва буюмларнинг қийматига	1000, 1200	9210
б) бузиш ва демонтаж харажатлари	9210	6010, 2310, 6720, 6520
в) тугатиш натижасида олинган фойда	9210	9310
3. Тўла амортизацияланмаган объектни тугатишдан кўрилган зарар /агарда эскириш суммаси 100% дан кам бўлса/	9431	9210
4. Табиий офат натижасида тугатилган объектдан кўрилган зарар	9720	9431
5. Бошқа корхона, ташкилотларга текинга берилган объект бўйича қўшилган қиймат солиғи /ҚҚС/ ҳисобланганда	9210	6410
6. Кам чиққан асосий воситалар объектининг қолдиқ қийматининг ҳисобдан чиқарилиши:	9210	0100
а) айбдор шахснинг ҳисобига ўтказилиши	4630	9210
б) айбдор шахс топилмай, фойда ҳисобидан қопланиши	9431	9210
7. Асосий воситаларнинг сотилишига доир муомалалар:		
а) харидордан ундириладиган суммага (реализация юклаб жўнатиш дақиқасида ҳисобга олинганда)	4010	9210
б) сотилган асосий восита учун пул маблағининг келиб тушиши (реализациянинг пул маблағининг келиб тушиши дақиқасида ҳисобга олинганда)	5010, 5110, 5210 (4010	4010 9210)
в) сотилган асосий восита бўйича ҚҚС ҳисобланиши	9210	6410

Муомалаларнинг мазмуни		Корреспонденцияланувчи счётлар	
		Дебет	Кредит
г) сотиш натижасида фойда олиниши		9210	9310
д) сотиш натижасида зарарнинг кўрилиши		9431	9210
Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Суммаси	Счётларнинг боғланиши	
		Д-т	К-т
1. Асосий воситанинг текинга берилиши			
а) балансдан дастлабки қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	20000	9210	0140
б) ҚҚС (20%)	4000	9210	6410
в) текинга беришдан кўрилган зарарнинг ҳисобдан чиқарилиши	24000	9431	9210
2. Компания бошқа бир кичик корхонага икки йил муддатга келишилган қийматда (300000) ижарага оргтехника топширди.			
Бу асосий воситаларнинг дастлабки қиймати (200000)			
Эскириш суммаси (30000)			
Ижара мажбуриятларнинг умумий суммаси (350000)			
Шартнома тугагандан сўнг бу воситалар ижарачининг мулкига айланади:			
1) Оргтехника воситалари дастлабки қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	200000	9210	0150
2) Эскиришининг ҳисобдан чиқарилиши	30000	0250	9210
3) Объектларнинг ижарага топширилиши	300000	0920	9210
4) Келишилган қиймат билан қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқнинг ҳисобдан чиқарилиш	130000	9210	9550
3. Ижарачидан ижара ҳақининг ярмисининг келиб тушиши	175000	5110	0920
4. Ҳисобот даврининг охирида ижара бўйича фоизнинг акс эттирилиш	25000	4810	9550
5. Келгуси давр даромади сифатида ҳисобга олинган сумманинг бир қисми ҳисобот	65000	9550	9910

Муомалаларнинг мазмуни		Корреспонденциланувчи счётлар	
		Дебет	Кредит
даврининг фойдасига ўтказилди			

Асосий воситаларнинг эскириши (амортизацияси)ни ҳисобга олиш

Юқорида таъкидланганидек, субъектларнинг асосий воситалари фойдаланиш жараёнида аста-секин эскириб боради. Бу эскиришнинг иқтисодий моҳияти шундан иборатки, асосий воситалар ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархига ўтказиб, истеъмол қийматини аста-секин йўқотиб боради.

Асосий воситаларнинг эскириши икки хил бўлади. Биринчиси – жисмоний эскириш ва иккинчиси, маънавий эскиришдир.

Жисмоний эскириш деб асосий воситаларнинг атмосфера шароитлари таъсирида ва улардан фойдаланиш жараёнида унинг моддий тузилишида ички ўзгаришлар /занглаш, чириш, айрилиш/ содир бўлганда бошланғич ҳолатининг йўқолишига айтилади. Жисмоний эскириш асосий воситалардан фойдаланиш жараёнида ҳам улар бекор ётганда ҳам содир бўлиши мумкин. Асосий воситаларнинг жисмоний эскиришининг даражаси уларнинг ишлаб чиқаришдаги фойдаланиши билан бандлик даражасига, сифатига технологик жарённинг хусусиятларига, четки шароитлардан муҳофаза қилиш ва парвариш қилиш сифатлари, ҳамда ишлайдиган ишчиларнинг малакасига боғлиқ.

Асосий воситаларнинг техникавий тавсифи ва иқтисодий самарадорлигининг давр талабидан, яъни ҳақиқатдан орқада колиши маънавий эскириши деб аталади. Маънавий эскириш ўз навбатида икки хил бўлиши мумкин. Биринчиси – шу каби асосий воситаларни қайта ишлаб чиқаришининг арзонроққа тушиши натижасида улар қийматининг камайиши бўлса, иккинчиси – янги ва илғорроқ асосий воситаларни жорий қилиш ва уларнинг техникавий жиҳатдан орқада қолиши натижасида қийматининг пасайиб кетиши ҳисобланади.

Асосий воситаларни қайта тиклаш ва қайта ишлаб чиқариш мақсадида уларнинг ҳар ойдаги эскирган қиймати маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг таннархига қўшиб борилади. Уш-

бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, иш ва хизматларнинг таннархига қўшиладиган асосий воситаларнинг эскириш суммаси тўла қайта тиклашга белгиланган амортизация ажратмаларининг ўрнатилган меъёрларига асосан ҳисобланади. Бу меъёрлар асосий воситалрнинг баланс қийматига нисбатан бир йиллик фоизлар ҳисобида белгиланади ва давлат томонидан ягона тартибда тасдиқланади. ўрнатилган меъёрлар барча субъектлар учун ягона ва мажбурий бўлиб ҳисобланади. Амортизация ажратмаларининг меъёрлари асосий воситаларнинг гуруҳлари ва турларига белгиланадиган умумий меъёрлардан иборат.

Амортизация миқдорини ҳисоблашга таъсир қилувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- бошланғич қиймати;
- қолдиқ қиймати;
- амортизация қилинаётган қиймати;
- тахмин қилинаётган фойдаланиш муддати;
- ўрнатилган амортизация меъёри.

Асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари /эскириш/нинг бир йиллик суммасини топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$A_C = \frac{(Б_К + Т_Х) - (М_К + К_К)}{Ф_М}$$

бунда: A_C – амортизациянинг йиллик суммаси;

$Б_К$ – асосий воситаларнинг баланс қиймати;

$Т_Х$ – тахминий тугатиш харажатлари;

$М_К$ – асосий воситаларнинг тугатилишидан олинадиган материалларнинг тахминий қиймати;

$К_К$ – асосий воситаларнинг тахминий қолдиқ қиймати;

$Ф_М$ – асосий воситалардан фойдаланиш муддати.

Тўла қайта тиклашга мўлжалланган амортизация ажратмалари (эскириш) нинг йиллик меъёри ($Э_М$)ни топиш учун эса қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Э_М = \frac{(Б_К + Т_Х) - (М_К + К_К) \times 100}{Б_К \times Ф_М}$$

Масалан, асосий воситанинг баланс қиймати ($Б_К$) 2500000 сўм, тугатиш харажати ($Т_Х$) - 200000 сўм, асосий воситани тугатишдан олинган материалларнинг қиймати ($М_Т$)-400000 сўм қолдиқ қиймати ($К_К$)-300000 сўм ва асосий воситалардан фойдаланиш муддати ($Ф_М$)-10 йил деб фараз қилсак, унда тўла

қайта тиклашга мўлжалланган йиллик амортизациянинг (эскириш) меъёри ($Э_м$)- 8% бўлади.

$$Э_м = \frac{(2500000 + 200000 - 400000) \times 100}{2500000 \times 10}$$

Амортизация суммасини ҳисоблаш жараёнида қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

1. Қийматни бир текисда (тўғри чизиқли) ҳисобдан чиқариш усули;

2. Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда амортизацияни ҳисоблаш (ишлаб чиқариш) усули;

3. Тезлаштирилган ҳисобдан чиқариш усули;

а) сонлар йиғиндиси бўйича қийматни ҳисобдан чиқариш (кумулятив) усули;

б) қолдиқни камайтириш усули.

Бир текисда (тўғри чизиқли) ҳисобдан чиқариш усули. Бу усулга мувофиқ, объектнинг амортизацияланадиган қиймати унинг хизмат қилиш муддати (даври) мобайнида бир текисда ҳисобдан чиқарилади (тақсимланади). Ушбу усул, амортизация суммасининг активнинг хизмат муддатининг узоқ давом этишига боғлиқлигига асосланади. Ҳар бир давр учун амортизацион чегирмалар суммаси амортизацияланадиган қийматни (объектнинг бошланғич қийматидан унинг қолдиқ қийматининг айирмаси) объектдан фойдаланишнинг ҳисобот даври сонига бўлиш орқали ҳисобланади. Амортизация меъёри доимий ҳисобланади.

Масалан, юк машинасининг бошланғич қиймати 10.000.000 сўм беш йил муддатли фойдаланиш даври охиридаги қолдиқ қиймати 20% ни ташкил қилади ёки тўғри чизиқли ҳисоблаб чиқариш усулига биноан 1.800.000.0 сўмни ташкил этади. Ушбу тартибда амортизация ҳисоблаш қуйидагича бажарилади:

$$\frac{\text{Бошланғич қиймат-қолдиқ}}{\text{Хизмат қилиш муддати}} = \frac{10.000.000-2.000.000}{5} = 8.000.000:5=1.600.000$$

Беш йил мобайнида амортизация ҳисоблашни қуйидагича акс эттириш мумкин.

Бажарилган ишларнинг ҳажмига мутаносиб равишда амортизацияни ҳисоблаш усули (ишлаб чиқариш усули).

Бу усулда амортизация (эскириш) суммаси фақат фойдаланиш натижасидир ва уни ҳисоблаш жараёнида вақт даврлари рол ўйнамайди деган фикрга асосланади.

Даврлар	Бошланғич қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамланган амортизация суммаси	Баланс қиймати
Харид санаси	10.000.000	-	-	10.000.000
1 йил охири	10.000.000	1.600.000	1.600.000	8.400.000
2 йил охири	10.000.000	1.600.000	3.200.000	6.800.000
3 йил охири	10.000.000	1.600.000	4.800.000	5.200.000
4 йил охири	10.000.000	1.600.000	6.700.000	3.600.000
5 йил охири	10.000.000	1.600.000	8.000.000	2.000.000

Фараз қилайлик, юқорида сўз юритилган юк машинаси, маълум миқдорда ишларни бажара олади, унинг юриш ҳажми (пробег) 1.600.000 км ҳисобланган. Амортизация харажатлари юрган ҳар бир километри учун қуйидагича аниқланади:

$$\frac{\text{Бошланғич қиймати-қолдиқ қиймати}}{\text{Тахмин қилинаётган ишлар сони}} = \frac{10.000.000\text{-}2.000.000}{1.600.000} = 5\text{сўм}$$

Демак, босиб ўтган 1 километри учун 5 сўм (8000000:1600000)

Агарда фараз қилсак, фойдаланиш (эксплуатация)нинг биринчи йилда юк машинаси 400.000 км юрган бўлсин, иккинчи йилида 600.000, учинчи йилида 200.000, тўртинчи йилида-200000 ва бешинчи йилида 200.000, йнллик амортизация ҳисобининг жадвали қуйидаги кўринишда бўлади:

Ҳисобланган амортизациялар, (ишлаб чиқариш усули)

	Бошланғич қиймати	Юриши, км	Йиллик амор-ция суммаси	Жамғар-н амор-ция	Баланс қиймати
Харид санаси	10.000.000	-	-	-	10.000.000
1 йил охири	10.000.000	40.0000	2.000.000	2.000.000	8.000.000
2 йил охири	10.000.000	60.0000	3.000.000	5.000.000	5.000.000
3 йил охири	10.000.000	20.0000	1.000.000	6.000.000	4.000.000
4 йил охири	10.000.000	20.0000	1.000.000	7.000.000	3.000.000
5 йил охири	10.000.000	20.0000	1.000.000	8.000.000	2.000.000

Ушбу усулда тузилган жадвалда йиллик амортизация суммаси билан иш ёки фойдаланиш бирлиги ўртасидаги

бевосита боғлиқликни кўриш мумкин. Жамғарилган эскириш суммаси ҳар йили иш бирлигига ёки фойдаланишга (юришига) тўғри боғланган ҳолда ортиб боради. Ниҳоят, баланс қиймати, йил сайин иш бирлигига ёки фойдаланишга тўғри мутаносиб равишда қолдиқ қийматга етмагунча камайиб боради. Бу усулга мувофиқ ҳар бир объектнинг тахмин қилинаётган бирлиги маълум активларга мос келиши керак.

Тезлаштирилган ҳисобдан чиқариш усули ўз навбатида қуйидаги усулларга бўлинади:

а) сонларнинг йиғиндиси бўйича қийматни ҳисобдан чиқариш (кумулятив) усули.

Бу усул қандайдир объектнинг хизмат қилиш йиллари суммаси орқали аниқланади ва бу сумма ҳисоблаш коэффициентида махраж бўлиб хизмат қилади. Бу коэффициентнинг сурътида объектнинг хизмат муддатининг охиригача қолган йилларининг сони туради (тескари тартибда).

Юқорида келтирилган мисолга мурожаат қилайлик, лекин юк авторанспортининг қолдиқ қиймати 10000000 сўм.

Масалан, юк машинасининг тахмин қилинаётган фойдали хизмат муддати 5 йил.

Эксплуатация йиллари суммаси – 15 йил (кумулятив сон):

$$1+2+3+4+5+15$$

Сўнгра, ҳар бир касрни 9.000.000 га (10.000.000-1.000.000) тенг бўлган амортизацияланадиган қийматга кўпайтириш йўли орқали ҳар йиллик амортизация суммаси аниқланади:

$$5/15,\ 4/15,\ 3/15,\ 2/15,\ 1/15$$

Бу ҳолда амортизация чегирмалари суммасининг жадвали қуйидаги кўринишда бўлади:

млн.с.

Даврлар	Бошланғич қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамланган амортизация суммаси	Баланс қиймати
Харид санаси	10	-	-	10
1 йил охири	10	(5/15x9)=3	3	7
2 йил охири	10	(4/15x9) =2.4	5.4	4.6
3 йил охири	10	(3/15x9) =1.8	7.2	2.8
4 йил охири	10	(2/15x9) =1.2	8.4	1.6
5 йил охири	10	(5/15x9) =0.6	9.0	1.0

Жадвалдан кўриниб турибдики, энг катта амортизация суммаси биринчи йилда ҳисобланади, кейин йилма-йил у камаяди, жамланган амортизация олдинги даврга нисбатан камроқ ортиб боради, баланс қиймати қолдиқ қийматига етиб бормагунича ҳар йили амортизация суммасига камайиб боради.

б) камайиб борувчи қолдиқ усули.

Бу усул сонлар йиғиндиси усули тамойилларига асосланган. Бу усулда ҳар қандай қатъий ставка қўлланилиши мумкин бўлса ҳам, аммо кўпинча тўғри чизиқли усулда фойдаланган ўртача даражага нисбатан икки карра кўпайтирилган меъёр қўлланилади. Бу жараён иккиланган амортизацияда камайиб борувчи қолдиқ усули деб аталади. Олдиндаги мисолда юк автомобилининг фойдали хизмат муддати 5 йилга тенг эди. Тўғри чизиқли амортизациялаш усулида ҳар йилги меъёр мос равишда 20% (100%/5)ни ташкил қилади. Камайиб борувчи қолдиқни ҳисобдан чиқаришнинг қабул қилинган ушбу 40% ҳар йилнинг охирида баланс қийматига кўпайтирилади. Амортизация ҳисоблашда тахмин қилинаётган қолдиқ қиймати, охирги йилдагисидан ташқари ҳисобга олинмайди. Бу усулни ифодаловчи жадвал келгуси бетда келтирилган.

(млн.с)

Даврлар	Бошланғич қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамланган амортизация суммаси	Баланс қиймати
Харид санаси	10	-	-	10
1 йил охири	10	(40%x10)=4	4	6
2 йил охири	10	(40%x6)=2.4	6.4	3.6
3 йил охири	10	(40%x3.6)=1.44	7.84	2.16
4 йил охири	10	(40%x2.16)=0.864	8.704	1.296
5 йил охири	10	0.296	9.0	1.0

Жадвалдан кўриниб турганидек, амортизациянинг қатъий меъёри доимо олдинги йилнинг баланс қийматига нисбатан ишлатилган. Амортизация суммаси (энг каттаси биринчи йилда) йилдан-йилга камаяди ва ниҳоят, охирги йилдаги амортизация суммаси баланс қийматининг қолдиқ қийматигача камайтириш учун зарур бўлган сумма билан чекланган.

Собиқ СССР даврида амортизация ажратмалари асосий воситаларнинг юзлаб гуруҳлари, уларнинг ичида эса минглаб асосий воситаларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида амортизация меъёрлари белгиланган бўлиб, шу меъёрларда амортизациянинг ҳар ойдаги суммалари ҳисобланар эди.

СССР халқ хўжалигидаги асосий воситаларнинг тўла қайта тиклашга йўналтириладиган амортизация ажратмаларининг ягона меъёри СССР Министрлар Советининг 1990 йил 22 октябрида 1072-сонли қарори билан тасдиқланган бўлиб, уни 1991 йилнинг 1 январидан бошлаб амалга киритилган эди. Унда асосий воситаларнинг камида 200 гуруҳи ва 2000 ортиқ турлари бўйича алоҳида -алоҳида меъёр(норма)лари белгиланган бўлиб, асосий воситаларнинг ҳар ойдаги амортизацияси (эскириши) шу меъёрлар бўлиб ҳисобланар эди. Ундан ташқари бу ҳужжатда асосий воситаларнинг ишлатилаётган шароитлари (намлик, зарарли ва оғир шароитлар) ҳамда ишлаш режими (сменалар сони)нинг ўзгаришига қараб меъёрларни оширадиган ёки кодлардан фойдаланиш тавсия этилган эди. Бу меъёрларга Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган корхоналарда 1996 йилнинг охиригача амал қилиб келинди.

1996 йил 31 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 469-сонли қарорига биноан Республика Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан «Асосий воситаларнинг гуруҳлари бўйича амортизациянинг ягона меъёрлари тўғрисида»ги янги тартиби ишлаб чиқилди. Бу қарорга биноан, амортизация ажратмаларини ҳисоблашни соддалаштириш мақсадида 1997 йил 1 январдан бошлаб барча асосий воситалар бир йиллик амортизация меъёрлари бўйича қуйидаги беш гуруҳга бўлинган:

1. Иморатлар, иншоотлар ва қурилишлар – 5 фоиз.

2. Енгил автомобил, такси, йўлларда ишлатиладиган автотрактор техникаси, махсус ускуналар ва жиҳозлар. Компьютерлар, унинг ёнларидаги жиҳозлари ва маълумотларни ишлаш бўйича асбоблар – 20 фоиз.

3. Автотранспортнинг ҳаракатдаги таркиби /состави/: юк ташувчи автомобиллар, автобуслар, махсус автомобиллар ва автотирковлар. Саноатнинг барча тармоқлари, тикув ишлаб чиқариш учун машина ва асбоб-ускуналар, темирчи-пресслаш асбоб-ускуналари, қурилиш асбоб-ускуналари, қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоб-ускуналар, офис учун мебеллар – 15 фоиз.

4. Бошқа гуруҳларга киритилмаган амортизацияланадиган активлар – 10 фоиз.

5. Темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорти воситалари. Кучлантирувчи машиналар ва асбоб-ускуналар, иссиқлик-техникавий асбоб-ускуналар, турбина асбоб-ускуналари, электр

двигателлари ва дизель генераторлар. Электр ўтказгич ва алоқа қурилмалари. Трубопроводлар – 8 фоиз.

Бу янги қарорда корхоналарга, керак бўлса, амортизация меъёрларни тасдиқланган меъёрларга қараганда камайтириш ёки тезлаштирилган амортизация ҳисоблаш усулидан фойдаланишга рухсат этилган.

Тезлаштирилган амортизациядан фойдаланилганда қўлланилган коэффициент "Низом" билан белгиланган меъёрдан 2 баробардан ошмаслиги ва тасдиқланган меъёрлардан ортиқ бўлган суммани фойда-даромадга солинадиган солиқ бўйича солиққа тортиладиган базага қўшилиши кераклиги таъкидланган.

Янги тартибга асосан амортизация қуйидаги асосий воситалар бўйича ҳисобланмайди:

– маҳсулдор ҳайвонлар, қўтос ва ҳўкизлар;

– кутубхона фондлари;

– ҳокимиятларга ва умумий фойдаланишдаги автомбиль йўлларига қарашли шаҳар ободончилиги иншоотлари:

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан консервацияга ўтказилган асосий воситалар;

Тўла амортизацияланган асосий воситалар.

Қурилаётган корхонанинг сотиб олинган асосий воситалари ҳамда тугалланмаган қурилишдаги объектлар бўйича амортизация курувчи ташкилот томонидан асосий фондларнинг қиймати тўғрисидаги маълумотномага асосланган ҳолда субъект томонидан белгиланган меъёрлар асосида ҳисобланади.

Шундай қилиб «Амортизациянинг меъёрлари тўғрисида»ги низомда амортизация меъёрларининг анча қисқартирилганидан ташқари қўшимча равишда қўллаш учун тавсия этиладиган коэффициентлар ҳам чиқариб ташланган.

Шубҳасиз, бу янгилик амортизация ажратмаларини ҳисобга олишни анча осонлаштиради ва ишлатилаётган асосий воситаларнинг қийматини ва улардан фойдаланиш муддатини аниқлашни соддалаштиради. Илгари мавжуд бўлган амортизация ажратмаларини тиклаб олиш, ҳисоблаш ва уларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархига адолатли киритиш имконини беради, лекин бу аниқлик ва объективликка путур етказиши мумкин.

Маълумки, шу вақтгача қўлланиб келинаётган амортизация меъёрлари мукаммал, асосланган ҳисоб-китоблар билан ҳисобланган бўлиб, уларнинг катта-кичиклиги асосий воситаларнинг бир гуруҳи ичида ҳам катта фарқ қилади. Масалан,

фақат енгил саноатдаги машина ва асбоб-ускуналарининг гуруҳини олсак айрим объектлар бўйича амортизация меъёрлари 4,3 дан 14,3 фоизгача белгиланган бўлса, қурилиш материаллари саноатида улар 5 дан 25 фоизгача фарқланади ва ҳоказо.

Агар 1997 йилдан бошлаб амал қилаётган янги амортизация меъёрларини ҳаётга татбиқ этиш «Амортизация ажратмаларини ҳисоблашни соддалаштириш» бўлса, бундай соддалаштириш усули юқорида номланган 1072-қарорда ҳам мавжуд. Бу қарорга биноан амортизация ажратмаларининг бир ойлик суммаси корхонадаги барча асосий воситаларнинг объектлари бўйича фақат бир марта, у ҳам бўлса корхона ишга туширилаётган ойда ҳисоблаб чиқилади.

Бунинг учун, масалан, корхона январ ойида ишга тушириладиган бўлса, ушбу корхонадаги барча асосий воситаларнинг объектлари жойлашган жойлари ва белгиланган ягона амортизация ажратмаларининг меъёрларига кўра турлари (шифрлари) бўйича гуруҳланиб чиқилади. Бунинг учун маълумотлар ҳар бир асосий воситанинг объекти учун очиладиган аналитик карточкалардан олинади.

Ҳар ойдаги амортизация ажратмаларни ҳисоблаш учун бухгалтерияда қўлланиладиган махсус 6-сонли ишлов жадвалидан, автотранспорт бўйича эса 9-сонли ишлов жадвалидаги шаклидан фойдаланилади.

Бу жадвал шундай тузилганки, унинг маълумотлари асосида ҳар бир навбатдаги ҳисобот ойининг амортизация ажратмалари суммасини ўтган ойдаги ҳисоблаб топилган амортизация суммалари асосида осонлик билан топиш мумкин. Масалан, бизнинг мисолимиздаги субъект бўйича январ ойида ишга туширилган феврал ойининг амортизация ажратмалари суммасини топиш учун ишлов жадвалида январ ойининг амортизация суммасига шу январ ойида ишлатилган ва топширилган асосий воситалар объектининг ҳар бири бўйича бир ойлик амортизация ажратмаларининг суммалари қўшилиб, ўша ойда фойдаланишдан чиқиб кетган асосий воситаларнинг объектлари бўйича бир ойлик амортизация ажратмаларининг суммаси чегириб (олиб) ташланади. Агар январ ойидаги асосий воситалар таркибида ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмаса, унда феврал ойидаги амортизация суммаси январ ойидаги амортизация суммасига тенг бўлади.

Шундай қилиб, ишлов жадвалининг маълумотлари ҳар ойдаги амортизация ажратмаларининг суммасини тегишли цех ва участкаларнинг харажатларида акс эттириш, яъни дебетланувчи

2010, 2300, 2510, 2610, 9410, 9420, 9450 ва бошқа счётларнинг дебетига «Асосий воситаларнинг эскириши» суммасини ёзиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

0200-«Асосий воситаларнинг эскириши» счётларида қайд қилинадиган муомалаларнинг тизмаси

Счётларнинг кредитига Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
			С-қолдиқ
Эскириш суммасини акс эттириш:		Қуйидаги соҳаларда ва жараёнларда фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисобланди:	
0200-	Асосий воситаларнинг ички ҳаракатида	-капитал қурилишида	-0810
0200-	Ижарачиларнинг мулкига ўтказилганда	-асосий ишлаб чиқаришда	-2010
0310-	Ижара муддати тугагандан кейин ижарачилар томонидан асосий воситалар қайтарилиб берилганда	-ёрдамчи ишлаб чиқаришда	-2310
		-умумишлаб чиқариш аҳамиятидаги асосий воситаларга	-2510
9210-	Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилганида-сотиш, бузиш, текинга бериш ва ҳоказолар	-умумхўжалик аҳамиятидаги асосий воситаларга	-9420
		-яроқсиз маҳсулотларни тузатишда	-2610
9900-	Ортиқча ҳисобланган амортизация суммаси аниқланганда	-бошқа хўжаликларда	-2320
		-тоғ-кон тайёргарлик ишларида ва ерларни рекультивация қилишда	-3110
		-вақтинчалик иншоотларни қуришда	-2710, 2720
		-маҳсулотларни сотишда	-9410
		-сотиб олиш ҳуқуқи берилмаган ижарада	-9550
		-келгуси сарфлар билан қопланганида	-8910
		-хизмат кўрсатувчи тармоқларда фойдаланилаётган асосий воситаларга	-9450

Бозор иқтисодиётига кириб бориш ва унинг ривожланиши жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида ижарага олинган асосий воситалардан кўпроқ фойдаланиши мумкин. Шунинг натижасида ҳозирги даврда уларнинг хўжалик фаолиятида ижара муносабатлари муҳим ўрин тутмоқда.

Ижара деб – активларнинг эгаси (ижарага берувчи) бошқа субъектга (ижарачига) маълум бир вақт ичида ва тўлов эвазига активларни ишлатиш учун эксклюзив ҳуқуқни топшириши бўйича тузилган битимга асосан узоқ муддатли активларни фойдаланишга бериш тушунилади.

Ижарачининг асосий мажбурияти бўлиб, ижара ҳақини белгиланган даврда ва тўлиқ тўлаш ҳисобланади, одатда ҳар ойда ёки ҳар йил чорагида, ҳамда бўнак тариқасида тўловлар амалга оширилади. Бунда активларни ким ишчи ҳолатда тутишини ижара келишуви аниқлайди. Тезкор ижара битими бўйича – бино ва асбоб-ускуналарнинг қисқа вақтга (бир кундан бир йилгача ёки кўпроққа) ижарага олганда ижарага берувчи асосий воситаларни таъмирлаш ва ижрани амалга ошириш бўйича харажатлар деб аталувчи жорий харажатларни тўлаш, масалан солиқлар ва мулк суғуртасини тўлашни ўз зиммасига олади. Молиявий ижара битими бўйича ижарачи ҳамма харажатларни ўзи қоплайди. Ижарага берувчи активнинг хизмат қилиш вақти мобайнида ижара битимини даврий ҳолда янгилаб туриши керак. Шундай бир фикр мавжудки, агар битимда ижарага олинган асосий воситалар ижара муддатининг ўтиши билан ижарачининг мулкига ўтказилиши келишилса ёки ижара муддати етарлик даражада узоқ ёки ижара битими бузилиши мумкин бўлмаса, унда ушбу ижара муомаласида ижарага берувчи томонидан мулкнинг кредитга сотилиши ёки ижарачи томонидан муддатини узайтириб сотиб олиш сифатида тушунилиши мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда якунловчи мақсад бўлиб яширин ҳолатда сотувчи (ижарага берувчи) томонидан активларга эгалик қилиш ҳуқуқини сотиб олувчи (ижарачи)га ўтказилиши ҳисобланади.

Ижарага бериш муддатига кўра уларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

– узоқ муддатли ижаралар – 1 йил ва ундан ортиқ муддатга;

– қисқа муддатли-жорий ижара – 1 йилгача муддатда.

Бундан ташқари мулкчиликка бериш шартига биноан ижара шакллари қуйидагича бўлади:

– молиялаштирувчи-молиялаштирилган лизинг – ижра мулдати амортизация ҳисоблаш муддатига тенг;

– жорий, яъни тезкор ижара – муллкка эгалик ҳуқуқи ижарага берувчи қолади.

Молиялаштириш ва харид характерига эга ижарага, ишлаб чиқарувчи асбоб-ускунани ўз харидорлари томонидан сотиб олинишининг молиялаштиришининг ҳолати мисол бўлиб келтирилиши мумкин. Ижарага олинган мулкка ижарага берувчининг эгалик қилиш ҳуқуқи, объектнинг хизмат муддатининг охиригача давом этиши мумкин бўлган молиялаштириш муддати ўтгандан кейин мулкчилик ҳуқуқи ижарачига ўтиши мумкин. Яна бошқа бир мисол бўлиб, асбоб-ускунага эгалик қилиш ҳуқуқи учун ишлаб чиқарувчига тўлайдиган ва бир вақтда уни, олинган воситалар учун даврий ҳолда қисман тўловлар қилиш ҳақидаги ҳужжатларни молиявий компанияга топширгандагина, харидорга сотадиган молиявий компания ҳисобланиши мумкин. Бунинг натижасида, ҳақиқий харидор мулкни ишлатиш учун ҳуқуқни сотиб олади (балким объектнинг бутун хизмат муддати мобайнида). Бу ерда шу нарса яққол кўриниб турибдики, молиявий компания мулк қийматининг тўлиқ тўланишига қадар ижарачининг ихтиёрида бўлган воситаларнинг сотиб олинишини молиялаштиради.

Ижара ҳақиқатдан ҳам харид бўлиб ҳисобланганда, ижарачи олинган асбоб-ускунани бозор нархи бўйича ҳисобга олиши ва ижара бўйича кредиторлик қарзини ҳам худди шу суммада кўрсатиши лозим. Худди шу йўл билан, консерватизм принципига риоя қилган ҳолатда, ижарага берувчи ижарани мулкни сотиш сифатида қараши лозим. Бундай ҳолда (сотиш туридаги ижара) мулкнинг бозор нархи билан унинг таннархи орасидаги фарқ фойда сифатида акс эттирилиши лозим.

Харид деб тушунилиши мумкин бўлган ижара капитали, узоқ муддатли ёки молиялаштирилган (молиявий) ижара дейилади.

Молиялаштирилган ижара деб — активга эгалик қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган ҳамма таваккалчилик ва мукофотлар, активларни ишчи ҳолатда сақлаб турадиган ижарачига ўтказиладиган ижарага айтилади. Қуйидаги шартлардан бирига мос келадиган ижара молиялаштирилган (молиявий) ҳисобланади:

1. Ижаранинг муддати тугагач ижара орқали активларга эгалик қилиш ҳуқуқи ижарачига ўтказилади.

2. Ижара активларни бозор нархидан пастроқ нархда харид қилиш имкониятини яратади.

3. Ижара муддати активнинг фойдали ишлатилиш муддатининг кўпроқ қисмини ташкил этади (масалан 75 % ёки ундан кўпроқ).

4. Ижара бошида жорий минимал ижара тўловлари ижарага олинган мулкнинг, ижаранинг бошланиш санасида бозор нархидан катта ёки унга тенг бўлса.

Биринчи шарт ишончлироқ, чунки у эгалик қилиш ҳуқуқини савдо-сотиқ жараёнида ўтказилишини кўзда тутади. Учинчи шарт шуни назарда тутадики, агар кимдир воситаларни мулкнинг деярлик бутун хизмат муддати мобайнида ишлатса, улар сотиб олинган ҳисобланадилар. Тўртинчи шарт шуни билдирадики, агар ижарачи активларнинг бозор нархига максимал равишда яқинлаштирилган суммани тўласа, буни харид деб тушуниш мумкин.

Шундай қилиб, барча тўртта шартлар, сотиб олиш сотувчи томонидан харидорга, мулкнинг кутилаётган хизмат муддати мобайнида ишлатишдан келиб чиққан таваккалчилик ва даромадларни, жумладан бу даромадлар учун тўловлар қилиш мажбуриятининг ўтказилишини кўзда тутади, деган фикрга асосланиб қўлланилади. Бу ерда хулоса шуки, агар кафолатланмаган қолдиқ қиймати нисбатан кам бўлса, унда ҳақиқатда таваккалчилик ва даромадлар харидорга ўтказилади ва бундан келиб чиққан ҳолда ижара капитализациялаштирилиши лозим. Шунинг учун ижарани молиялаштирилган сифатида тушуниш учун етарли бўлган таваккалчилик ва даромадларнинг суммасини аниқлаш, бир қатор ихтиёрий шартларга, жумладан хизмат муддати ва мулкнинг бозор қийматининг 75% каби шартларга асосланган бўлиши керак.

Ижарани ижарага берувчи ва ижарачи томонларидан бир хил тушунилишини таъминлаш учун қуйидаги икки критерия (шарт) мавжуд:

1. Минимал ижара тўловларининг суммаси тахминий асосланган бўлиши керак.

2. Ижарага берувчи ўз зиммасига олиши шарт бўлган қопланмайдиган харажатлар (суғурталаш, сақлаб туриш, солиқларни тўлаш харажатларидан ташқари), ўлчанадиган ва тахминлаштириладиган бўлиши керак.

Бу критерийлардан ҳеч бири ижара воқеасини тан олишни ўзгартирмайди, балким фақатгина консерватизм принципига диққатни қаратади. Бошқа томондан, бу критерийлар ижара таърифини икки омил билан тўлдириб туради:

а) эгалик қилишдан келиб чиққан таваккалчилик ва даромадларни ўтказиш;

б) ижарага берувчининг соф дебиторлик қарзини баҳолашнинг ҳаққонийлик даражаси.

Муомалавий (жорий) ижара – бу молиялаштирилган ижарадан ташқари ҳар қандай ижара бўлиб, қуйидаги шартларга мувофиқ бўлиши керак:

1. Ижарачи ҳеч қандай таваккалчиликка эга эмас, бироқ активларга эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган бирон бир устунликка ҳам эга эмас.

2. Жорий ижара шартлари асосида ижарага олинган активлар, ижарадор ижарага берувчининг бухгалтерия балансида акс эттирилади.

Ижарачи томонидан молиялаштириладиган ижаранинг ҳисоби.

Молияштирилган ижара, ижарачи балансининг активида – ижарага олинган воситалар, мажбуриятида эса – ижара мажбуриятларини ҳисобга олишни назарда тутади. Ижара муддатининг бошида капитализацияланган сумма, ижара объектининг бозордаги баҳоси асосида аниқланадиган минимал ижара тўловларининг жорий – дисконтланган қийматига тенг бўлиши керак. У ижара тўловларининг суммасидан сақлаш, асраш, суғурталаш ва солиқларни тўлаш харажатларини, яъни ижарани амалга ошириш бўйича харажатларни чиқариб ташлаш орқали ижара тўловини ҳисоблайди.

Минимал ижара тўловларининг дисконтланган қийматини ҳисоблаганда, дисконтлашнинг ҳисобга олиш омили бўлиб, ижаранинг тахмин қилинган фоиз ставкаси ҳисобланади, агар уни аниқлаш мумкин бўлса; агар аниқлаш имконияти бўлмаса альтернатив фоиз ставкаси қўлланилади. Ушбу фоиз ставкаси ижарачи ушбу активларни сотиб олиш учун қарзга олган маблағлари юзасидан тўланадиган тўловларнинг суммасига тенгдир.

Мисол: Ижара тўловларининг жорий (дисконтланган) қийматининг ҳажми ижарачи балансининг активида кўрсатилиши лозим. Ижара бўйича мажбуриятларнинг суммаси баланснинг «Мажбуриятлар» қисмида кўрсатилиши лозим: муддати 1 йилгача бўлган жорий тўловларнинг ҳажми – қисқа-муддатли мажбуриятлар сифатида ва тўловларнинг муддати 1 йилдан ортиқ бўлса – узоқ муддатли мажбуриятлар сифатида. Ижарага олинган мулк ҳақидаги маълумот хусусий активлар ҳақидаги маълумот билан комбинациялашган бўлиши мумкин,

лекин иловада ижарага олинган мулкнинг қийматини ва унинг амортизациясини кўрсатиш керак.

АКТИВЛАР		МАЖБУРИЯТЛАР	
Асосий воситалар бошланғич қиймати бўйича*	3.000.000	Молиявий ижара бўйича қисқа муддатли мажбуриятлар	90.000
Минус: ҳисобланган амортизация	1.000.000		
Асосий воситаларнинг соф қиймати	2.000.000	Молиявий ижара бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар	270.000
* Асосий воситаларнинг умумий қийматига ижарага олинган мулк 500.000 сўм, йиғилган амортизацияга эса – ушбу мулкнинг амортизацияси 140.000 сўм, киритилган.			

Кўриб турибмизки, асосий воситалар ижарасининг капиталлашган қиймати 500.000 сўмни ташкил этади минус 140.000 сўм, амортизацияси ёки 360.000 сўм, мажбуриятлар эса 90.000 сўм, қисқа муддатли ва 270.000 сўм, узоқ муддатлига бўлинадилар.

Ижара тўловлари ҳисоботда молиявий тўлов (фоизлар бўйича харажатлар) ва мажбуриятларни камайтириш бўйича тўловларга (ижара келишуви бўйича тўловлар) тақсимланади.

Молиявий тўлов ижара муддати мобайнидаги минимал ижара тўловларининг суммаси ва бошланғич ёзилган мажбурият суммаларининг фарқидан иборатдир. Молиявий тўлов ижара муддати мобайнида даврлар бўйича шундай тақсимланадики, ҳар бир даврда мажбуриятларнинг қолдиғига нисбатан доимий даража (ставка) сақланиб қолиниши керак.

Ижарага олинган мулкнинг амортизацияси унга бўлган эгалик қилиш ҳуқуқи ўтказилган пайтда аниқланади. Агар эгалик қилиш ҳуқуқи ижарачига ижара муддати тугагандан кейин ўтса ёки бу кўзда тутилган бўлса, амортизацияни ҳисоблаш даври бўлиб, активнинг фойдали иш фаолиятининг муддати ҳисобланади. Агар эгалик қилиш ҳуқуқи ўтказилмаса, амортизацияни ҳисоблаш даври бўлиб, қуйидаги икки даврдан энг қисқаси: ижара муддати ёки активнинг фойдали иш фаолиятининг муддати ҳисобланади.

Одатда молиявий тўлов ва ҳисобланган амортизация суммаси ҳисобот даври учун тўланган ижара тўловига тенг эмас ва бунинг натижасида ижарага олинган активнинг қиймати ва у билан боғлиқ мажбуриятларнинг қиймати ижара

муддатининг бошланишидан келишилган ҳамма даврлар учун тенг бўлмайди.

Ижарачи томонидан муомалавий (тезкор) ижаранинг ҳисоби.

Ижара тўловлари бўйича харажатлар тизимли (систематик) равишда ҳар ҳисобот даврида (иажрага берувчи томонидан ҳисобга олинадиган суғурталаш ва хизмат кўрсатиш қийматидан ташқари) молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинади.

Ижарага берувчи томонидан молиявий ижаранинг ҳисоби.

Ижарага берувчи нуқтаи назаридан ижара ёки молиявий ёки сотув шаклидаги ижара бўлиб ифодаланиши мумкин. Ижарага берувчи учун молиявий ижарага берилган активлар балансда асосий воситалар сифатида эмас, балки ижарага соф инвестицияларга тенг бўлган дебиторлик қарз сифатида акс эттирилади. Бундай дебиторлик қарзнинг соф қиймати минимал ижара тўловларининг жорий дисконтланган қиймати орқали аниқланиши керак, улар кафолатланган ёки кафолатланмаган бўлишидан қатъий назар. Ижрага берувчи ҳисоботда ижарадан олинган фойдани фоизлардан тушган фойда сифатида акс эттиради. Бутун фойда капитал қўйилмалардан олинган фойдадир деб ҳисобланади.

Сотишларнинг тури бўйича ижара ҳисоби.

Агар ишлаб чиқарувчи узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича маҳсулотнинг жўнатилишини ишлаб чиқаришнинг молиялаштириш манбаси сифатида акс эттирса, олинган фойда икки йўналиш бўйича алоҳида акс эттирилиши шарт:

– маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш;

– ижара муддати мобайнида ижара шартномаси бўйича инвестициялар.

Ижара битими ҳақиқатда ижро этилганда, яъни ижара шартномаси бўйича дебиторлик қарзининг ҳажми маҳсулотнинг реализация баҳосига тенг бўлса, ишлаб чиқаришдан олинган даромадларни ҳисобга олиш мумкин. Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар мос келадиган дисконтлаш ставкасини ишлатган ҳолда минимал ижара тўловларнинг дисконтланган қийматига тенг бўлиши керак. Лекин ушбу даража (ставка) реализация баҳосини ҳисобга олмасдан қўлланилиши мумкин эмас. Агарда маҳсулот, иш ва хизматларнинг сотув нархлари мавжуд бўлмаса ёки уларни аниқлаш мумкин бўлмаса, ижарага берувчи сотувлардан

олинадиган ялпи фойда ва фоизлардан олинган фойдани аниқлашда сезиларли эркин ҳаракат қилишга эгадир. Ҳар қандай ҳисоб жараёни ўзида ижарадан олинган ялпи фойдани ишлаб чиқариш ва инвестиция қилиш ўртасида ихтиёрий тақсимлашни ифодалайди.

Активни қайта ижарага олиш шарти билан сотиш.

Бу келишув бўйича фирма ўзининг активларини бошқа томонга сотади ва ушбу активни сотиб олган томон уларни сотган фирмага қайтадан ижарага беради. Одатда активлар бозор қийматига яқин нархда сотилади. Фирма асбоб-ускуна қийматини нақд пулда ва ижара муддати мобайнида активлардан иқтисодий фойдаланиш ҳуқуқини беради. Мулкни қайтадан ижарага олиш шарти билан сотиш бўйича битимларнинг бухгалтерия ҳисобининг усули ижаранинг турларига боғлиқдир.

Агар активларнинг қайтадан ижарага олиш шарти билан бошқа субъектга сотилиши унинг молиялаштирилган ижараси ҳисобланса, унда бундай битим ижарага берувчи активларни кафолат ўрнида ишлатиб қийматидан ошган қисмини олинган фойда деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ келмайди. Бундай ортиқча қисм, агар тан олинган бўлса, муддати узайтирилади ва ижаранинг муддати мобайнида фойдага олиб борилади.

Агар мулкнинг қайта ижарага олиш шарти билан сотилиши муомалавий ижара ҳисобланса, ҳамда ижара ҳақлари ва реализация нархи ҳаққоний қиймат бўйича белгиланса, демак оддий сотув содир бўлган ва ҳар қандай фойда ёки зарар шу захоти тан олинади.

Агарда мулкнинг реализация нархи ҳаққоний қийматдан паст бўлса, ҳар қандай фойда ёки зарар шу захоти тан олинади, бозор қийматидан паст нархлар бўйича кўрилган зарарнинг келгуси ижара тўловлар билан қопланиши бунга кирмайди. Бу ҳолда ушбу тўловларнинг муддати узайтирилади ва у ушбу актив ишлатиладиган вақт даври мобайнида қилинадиган тўловларга мутаносиб (пропорционал) равишда фойда ёки зарарга олиб борилади.

Агар реализация баҳоси ҳаққоний қийматдан юқори бўлса, ҳаққоний қийматдан ошган қисмининг муддати узайтирилади ва ушбу активнинг ишлатиладиган муддати мобайнида ҳисобдан чиқарилади.

Агарда битим вақтида ҳаққоний қиймат баланс қийматидан камроқ бўлса, баланс қиймати ва ҳаққоний қиймат ўртасидаги суммага тенг бўлган зарар суммаси шу захоти тан олинади.

Активларни қайта ижарага олиш шарти билан сотиш бўйича келишувлар билар шуғулланадиган ижарага берувчилар: суғурта компаниялар ва бошқа ҳар хил инвесторлар, молиявий компаниялар ва мустақил лизинг компаниялари ҳисобланадилар.

Ижара келишуви бўйича активларни сотиб олиш.

Бевосита ижара ҳақидаги келишув бўйича компания активларни фойдаланишга олади, агарда бунгача у ушбу активларга эга бўлмаган бўлса. Асосий ижарага берувчилар – ишлаб чиқарувчилар, молиявий компаниялар, банклар, мустақил ва хусусийлаштирилган ижара компаниялари ва жамоалар ҳисобланди.

Кредитдан фойдаланиш ёрдамида ижарага олиш (кредитли ижара).

Ушбу муомалада кўрсатилган 2 томондан фарқли равишда кредитли ижара муомаласи амалга оширилаётганда 3 томон иштирок этади:

1. Ижарачи, яъни ушбу активдан маълум ҳақ эвазига фойдаланувчи шахс;

2. Ижарага берувчи ёки улушлик иштирокчи – мулкнинг тўлиқ ёки қисман эгаси;

3. Кредитор мулк эгасига ёки ижарадорга вақтинча мулкнинг қийматини қарз сифатида берувчи шахс.

Ижарачи нуқтаи назаридан кредитли ижара ва бошқа турдаги ижаралар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Ижарага берувчи (ижарачи) эса активларни ижара келишуви шартлари бўйича сотиб олади ва бу харидни қисман инвестициядаги ўз улушидан тўлайди, айтайлик 20% (бу ерда «улушли иштирокчи» деган субъект пайдо бўлган). Қолган 80% узоқ муддатли кредитор ёки кредиторлар томонидан тўланади. Асосан кредитлар (қарзлар) активларнинг гарови, ижара ва ижара ҳақи тўғрисидаги келишув орқали таъминланади. Ижарага берувчи қарздор ҳисобланади. Активларнинг эгаси сифатида ижарага берувчи бу хилдаги активлар билан боғлиқ ҳамма тўловларни ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Ерни ижарага олиш.

Одатда ерни ижарага олиш муомалавий ижарадир, чунки ернинг ишлатиш муддати чегараланмаган. Агарда ижара сотиб олиш ёки ерга эгалик қилиш ҳуқуқини беришни кўзда тутса, унда бундай муомала моҳияти бўйича муддатини узайтириб сотиш деб ҳисобланади ва бундай ижара капитализациялаштирилиши лозим. Агар ижарага олинган мулкнинг бозор қийматининг тар-

кибида ернинг нархи 25% дан паст миқдорни ташкил қилса, ушбу муомала машина ва асбоб-ускуна ижараси сифатида қаралади. Агар ижарага олинган мулкнинг бозор қийматининг таркибида ернинг нархи 25% дан кўпроқ миқдорда бўлса, унда ернинг ижараси алоҳида ҳисобга олинади.

Ижаранинг устунликлари.

Ижара пул маблағлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиши мумкин, чунки бу ҳолда ижарага олинган актив қийматининг 100%игача молиялаштирилиши мумкин. Банк кредитлари одатда актив қийматининг 80 % билан чегараланди. Худди шунингдек ижара келишувида қайд қилинган фоизнинг даражаси ставкаси тўғрисида келишиш мумкин, банк кредитлари учун эса сузувчи (ўзгарувчан) фоизнинг даражаси (ставкалари) характерлидир.

Ижара битимларини муомалавий (операцион) ижара сифатида тузиш мумкин, бу ижарачига қарз чегаралари мавжуд бўлганда, балансдан ташқари бўлган ҳисоботни молиялаштиришга йўл очади.

Ишга туширилиши узоқ муддатга тўхтаб туришларга эга бўлган ускуналарни тайёрлашга буюртма беришдан кўра, фойдаланишга тайёр бўлган ускунани ижарага олиш қулайдир.

Баъзида активларга фақат вақтинча, мавсумий ёки бирламчи талаб бўлади, бундай ҳолда ижара доимо фойдаланишда бўлган активларга эгалик қилиш ноқулай бўлган муаммоларини йўқ қилишга ёрдам беради.

Эгалик қилишга нисбатан қисқа муддат ичида активларнинг ижараси ижарачига янги маҳсулотларнинг ва юқори технологик асбоб-ускунанинг эскиришидан «муҳофаза» қилишга имконият беради.

Ижаранинг камчиликлари.

Ижарага олинган активлар қийматининг 100% молиялаштирилиши шунингдек пул кўринишидаги юқори даражадаги фоизларни англатади.

Мавсумий ижарада асбоб-ускуна керак бўлган пайтда топиш мумкин бўлади деб кафолат бериб бўлмайди. Ундан ташқари, чегараланган ижара фоизининг ставкалари (даражасини) белгиланиши мумкин.

Қисқа муддатли ижара асбоб-ускунанинг бекор туриб эскиришидан ҳимоя қилиши мумкин, аммо қисқа муддатли ижаранинг ижара ҳақи одатда узоқроқ муддатли ижаранинг

ижара ҳақидан баланд бўлади (ижарага берувчи мумкин бўлган эскириш таваккалчилигини (рискини) қоплайди).

Узоқ муддатли ижарада белгиланган ижара даражаси (ставка) ижарага берувчи — кредиторнинг фоиз даражаси (ставкаси) кўтарилганда, зарарлар таваккалчилигига (рискига) бошлайди.

Ёритиш.

Ижарачиларнинг молиявий ҳисоботларида қуйидаги маълумотларни ёритиш зарур:

а) молиявий ижара шартларида ижарага олинган активларнинг қиймати — балансни топшириштнинг ҳар бир санасига;

б) ушбу ижарага олинган активлар бўйича мажбуриятлар — бошқа мажбуриятлардан алоҳида жорий ва узоқ муддатли мажбуриятлар орасидаги дифференция орқали;

в) молиялаштирилган ижара ва муддати бир йилдан узоқ муддатда бекор қилинмайдиган муомалавий ижара бўйича минимал тўловлар бўйича мажбуриятлар — тўловларнинг суммаси ва муддатларини кўрсатган ҳолда; ижарани тиклашнинг ҳар қандай янги имкониятларининг хусусияти ёки еотиб олинищи, ҳамда ижара тўловининг кўпайишини назарда тутган шартноманинг моддалари тўғрисидаги маълумотлар;

г) ижара шартномаси бўйича молиявий чеклашлар — қўшимча кредит ва қарзларни ёки кейинги ижарани олишга чекланишлар;

д) кутилмаган ҳодисаларга боғлиқ ҳар қандай ижара тўловларининг хусусияти;

е) ижаранинг охирида бўладиган сарфлар билан боғлиқ бўлмаган кутилмаган ходисалар билан боғлиқ ҳар қандай мажбуриятнинг хусусияти.

Ижарага берувчиларнинг молиявий ҳисоботларида маълумотларни очиб бериш.

Ижарага берувчиларнинг молиявий ҳисоботларида қуйидаги маълумотлар ва тартибларни очиб бериш лозим:

а) молиявий ижарага қилинган ялпи инвестициялар, ҳамда улар билан боғлиқ молиявий даромад ва ижарага олинган активларнинг кафолатланмаган қолдиқ қиймати;

б) олинган даромадни тақсимлаш жараёнида ишлатиладиган усул, яъни тақсимлаш тартиби;

в) муомалавий ижарага берилган активнинг қиймати ва у билан боғлиқ ҳар бир активнинг гуруҳига оид баланс ҳисоботининг ҳар санасига ҳисобланган амортизация тўловлар.

Молиялаштирилган ижара шароитида ижарага берувчи ижарадор билан берилаётган объектнинг қиймати суммасида ёки ундан ортиқ суммада шартнома тузади ва кўпчилик ҳолларда ушбу ижарага берилган объект ижарачининг мулкига айланади. Шартномада кўрсатилган объектнинг келишилган суммаси 0310 - «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётининг дебетида қайд қилинади. Бу счёт актив инвентар счёт бўлиб, унинг дебети томонида ижарага олинган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва кредити томонида ижарадорнинг мулкига бериш суммаси, сотиб олинган объектларнинг қиймати ёки ижара мажбуриятлари суммасининг ижарага берувчига қайтарилиши акс эттирилади. Натижада 0310- «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти ёпилади.

Ушбу муомалани исботлаш учун қуйидаги мисолни келтирамиз:

– МАЗ-387 автомобилига ўрнатилган автокран;

– шартнома баҳоси 3.5 млн.сўм;

– ҳисобот ойида эскириш ҳисобланди 52500 сўм, ушбу сумма қуйидаги счётларда қайд қилинади: Дебет 2310- "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" счёти ва Кредит 0211-"Лизинг шартномаси олинган асосий" счёти.

0310-«Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ижарага олинган ҳар бир асосий воситанинг инвентар объекти бўйича айрим олинган ҳолда юритилади.

0310- «Молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
С- бошлангич қиймат			
6810, 7830-	Узоқ муддатли ижара шартномасига мувофиқ олинган объектларнинг қиймати	Молиялаштирилган ижарага олинган объектларнинг асосий воситалар қаторига ўтказилиши	-0100
8511- 8513-	Ижарага олинган асосий воситаларни қабул қилиш	Шартнома муддати тугамасдан қайтарилган ижарага	-0299

Счётларнинг кредитидан Дебет	Счётларнинг дебетига Кредит	
ҳисобига асосий воситалар қийматининг ошиши	олинган объектларнинг эскириш қиймати	
	Шартнома муддати тугамасдан ижарадорга қайтарилган ижара объектларининг ижара тўловлари:	
	- ушбу тўловларнинг жорий қисмига	-6810
	- ушбу тўловларнинг узоқ муддатли қисмига	-7630

Ҳозирги даврда хўжалик юритувчи субъектлар нафақат объектларни ижарага оладилар, балким ўзидаги вақтинча ишлатилмай турган ортиқча асосий воситаларни бошқа субъектларга ижарага ҳам берадилар. Яъни, ижарага берувчи вазифасини ҳам бажарадилар.

Асосий воситалар ижарага берилаётганда тегишли ижара шартномаси тузилади ва унда ижара шартлари, яъни ижара муддати тўланадиган суммалар, тўлаш вақтлари, тўлаш тартиблари ва бошқа шартлар кўрсатилади. Ушбу ижара тўловлари муомалаларини ҳисобга олиш учун 0920-«Олинадиган молиялаштирилган лизинглар» счёти очилган. Ушбу счёт ижарага берувчи томонидан юритилади.

Тузилган «Далолатнома»га мувофиқ, ижарачига тегишли объект ижарага берилган вақтда унинг баланс қиймати 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимлари» счётининг дебетига ва тегишли 0100- Асосий воситалар" счётининг кредитидан олиб борилади ва шартномага асосан келишилган баҳолар ижара суммасининг узоқ муддатли қисми 0920-"Олинадиган молиялаштирилган лизинглар" счётининг дебетида, қисқа муддатли қисим эса 4810-"Молиялаштирилган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар" счётининг дебетида ва умумий сумма 9210-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқимлар" счётининг кредитида кўрсатилади ва фарқ суммаси эса қуйидаги тартибда акс эттирилади: муддати узайтирилган даромад қисми 7290-"Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар" счётида ва жорий даромад қисми эса 6210-"Муддати узайтирилган даромад" счётининг кредитига 9210-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимлар" счётининг дебетидан олиб борилади.

Узоқ муддатли ижара шартномасига асосан ҳисобланган фоизларнинг жорий қисми 4820-"Олинадиган фоизлар"

счётининг дебетида ва 9530- «Фоиз кўринишидаги даромадлар» счётининг кредитида қайд қилинади. Ижарага берилган асосий воситанинг қолдиқ қиймати билан шартномада келишилган ижара суммасининг ўртасидаги фарқ 7290-"Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар" счётининг дебетидан 9550-"Молиявий лизинг шартномасига асосан берилган мулкдан олинган даромад" счётининг кредитига олиб борилади.

Ижарачилардан олинган ижара ҳақлари тегишли пул маблағлари (5110, 5210, 5220, 5500) счётларининг дебетига 4810-«Лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар» счётининг кредитидан ва олинган фоиз тўловларининг қисмлари 4820-«Олинадиган фоизлар» счётининг кредитида акс эттирилади. Ушбу суммалар кейинчалик 0920-«Олинадиган молиялаштириладиган лизинг» счётининг кредитидан 4810-«Молиявий лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар» счётининг дебетига олиб борилади.

Тегишли объектнинг узоқ муддатли ижара муддатининг охирида 0920-"Олинадиган молиялаштирилган лизинг", 4810-"Молиявий лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар" ва 6210-"Муддати узайтирилган даромад" счётларида қолдиқ қолмайди.

Агарда шартномада белгиланган муддатдан олдин ижарага берилган асосий восита ижарачининг мулкига ўтказилса сотиб олинган баҳосидан ижара тўловларининг суммаси чегирилган ҳолда юқорида келтирилган ижара тўловларини қайд қилиш тартибида счётларда қайд қилинади.

Масалан: асосий восита «Мерседес» автобуси ижарага берилди.

– объектнинг бошланғич қиймати 35.000.000 сўм. Дебет 9210-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимлари" счёти ва кредит 0160-"Транспорт воситалари" счёти;

– ижарага бериш санасида объектнинг эскириш суммаси 4.500.000 сум. Дебет 0260-"Траснпорт воситаларининг эскириши" счёти ва кредит 9210-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимлари" счёти.

– тузилган шартномага мувофиқ келишилган ижара ҳақининг суммаси 36.000.000 сўм. Дебет 0920-"Олинадиган молиялаштирилган лизинглар" счёти ва кредит 9210-"Асосий воситаларнинг сотилиш ва бошқа чиқимлар" счёти;

– Кўрсатилган даромаднинг миқдори - 5.500.000 сўм. Дебет 9210-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқимлари"

счёти ва кредит 9550-"Молиявий лизинг шартномасига асосан берилган мулклардан олинган даромадлар" счёти.

– ҳар ойда ҳисобланадиган тўлов миқдори – 54.000 сўм. Дебет 4820-"Олинадиган фоизлар" счёти ва кредит 9530-"Фоиз кўринишидаги даромадлар" счёти.

– ҳар ойда олинган ижара тўловларининг миқдори 54000 сўм. Дебет 5110-"Ҳисоблашиш счёти" ва кредит 4820-"Олинадиган фоизлар" счёти.

– ҳисобланган даромадларни молиявий натижаларга олиб бориш 648.000 сўм. Дебет 9530-"Фоиз кўринишидаги даромадлар" счёти ва кредит 9910-"Якуний молиявий натижа" счёти.

0920-«Олинадиган молиялаштирилган лизинг» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир ижара шартномаси бўйича айрим юритилади.

0920-«Молиялаштирилган лизинг бўйича олинадиган тўловлар» счёти

Счётларнинг кредитидан Дебет		**Счётларнинг дебетига Кредит**	
С- ижарачилар қарзининг қолдиғи			
9210-	Ижарага берилган объектларнинг шартнома қиймати	Ижара тўловларининг акс эттирилиши:	
9530-	Ҳар ойда ҳисобланган фоиз суммалари	- кассага нақд пулда	-5020
9550-	Илгари олинган объектларнинг ижара давридаги тўловларининг суммаси	- пул маблағлари шаклида	-5110
		- хориж валютасида	-5210, 5220
		Навбатдаги ижара тўловларини қайд қилиш	-4810

IV БОБ. НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Номоддий активлар хўжалик юритувчи субъектнинг мулки ҳисобланган узоқ муддатли активларининг асосий қисми бўлиб ҳисобланади, чунки субъект ўз вақтида ушбу активларни ишлатиш ҳисобидан даромад олиш учун харажат қилган.

Бухгалтерия ҳисобида номоддий активлар асосий воситаларга ўхшаб таъриф (тасниф)га эга, яъни улар субъект томонидан фойдаланиш учун сақланади, узоқ муддатли асосда ишлатилиш мақсадида олинади ва оддий фаолият жараёнида сотилиш учун мўлжалланмаган бўлади.

Номодий активлар ўзининг бажарадиган вазифаси ва бошқа асосий хусусиятлари билан асосий воситаларга ўхшайди, шунинг учун ҳам узоқ муддатли активлар гуруҳида жойлашган, лекин жисмоний мазмунга ва кўринишга эга эмас.

Номоддий активлар қуйидаги талабларга жавоб берадиган активлар бўлиши керак:

– хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятида фаол фойдаланилади, инвестиция сифатида сақланмаслиги ва сотиш учун олинмаслиги лозим;

– жорий ҳисобот даври тугагандан кейин наф келтириши лозим;

– ҳамма вақт моддий моҳиятга эга бўлавермайди.

Номоддий активларнинг қиймати муомалавий, молиявий ёки фоизли даромад келтирадиган имтиёзлар ёки ишбилармонлик ҳуқуқлари мажмуаси сифатида акс эттирилади ва унга гудвиллар, патентлар, муаллифлик ҳуқуқи, савдо маркаси киради.

Ушбу активларнинг бошланғич қиймати асосий воситаларнинг қиймати сингари даврий амортизация кўринишида белгиланган тартибда харажатларнинг марказига қўшилиб борилади.

Қуйидаги номоддий активлар кўпроқ тарқалган: патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, франшизалар, савдо маркалари, дастурлар, ташкилий харажатлар, қолдирилган харажатлар ва гудвил.

Номоддий активлар қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:

1. **Олиш усули.** Номоддий активлар бошқа субъектдан сотиб олиниши мумкин. Масалан, ишлаб чиқилган ва бошқа фирма томонидан регистрация қилинган (рўйхатга олинган) франшизалар ёки патентлар.

2. **Ўхшашлик** (айнан тенглаштиришлик). Айрим номоддий активлар фирманинг бошқа активларидан алоҳида ажратилиши мумкин. Масалан: патентлар, савдо маркалари ва франшизалар. Лекин бошқа номоддий активларнинг алоҳида ажратилиши мумкин эмас, аксинча, уларнинг баҳоси фирманинг бошқа активлари билан ўзаро уюшган ҳолда чиқарилади. Масалан: мижозларнинг ишончи ёки ходимларнинг малакаси даражасида асосланган гудвил.

3. **Алмашиш.** Сотиладиган ёки сотиб олиш мумкин бўлган алоҳида тенглаштирилган номоддий активлар алмаштиришга лойиқ, масалан: патентлар, франшизалар ёки савдо маркалари. Бошқа номоддий активлар алоҳида тенглаштирилган бўлиб, фақат фирманинг сотилиши жараёнида алмаштирилиши мумкин. Масалан: ташкилий харажатлари, гудвил алоҳида тенглаштирилмаган, алмаштиришга лойиқ бўлмаган ва бир вақтда бошқа активларни олмай туриб қабул қилинмайдиган номоддий активаларга мисол бўлиб хизмат қилади.

4. **Номоддий активларни ишлатишда олинадиган даромадларнинг даври.** Айрим НМА бўйича даромадлар олиш даврини аниқлаб бўлмайди. НМАларни ишлатишдан кутилган даромадларни олиш даври иқтисодий ёки юридик ва келишилган чекланишлар орқали аниқланади. Масалан: лицензияни ишлатишдан олинадиган даромад тузилган ва қайд қилинган шартномада аниқланади.

Номоддий активлар қуйидаги активлар сифатида аниқланади:

– субъект фаолиятида фаол ишлатилади, инвестициялар сифатида ёки сотиш мақсадида сақланмайди;

– ҳозирги ҳисобот даври тугаганидан кейин фойда келтириши керак;

– ҳар доим ҳам моддий моҳиятга эга эмас.

Номоддий активларнинг баҳоси фақат имтиёзлар ва тадбиркорлик ҳуқуқлари билан тақдим этилади. У фоизли, молиявий ёки муомалавий даромад келтиради. Уларга гудвил, патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, савдо маркалари ва ҳоказолар киради.

Номоддий активларнинг баҳоси асосий воситаларга ўхшаб вақти-вақти билан амортизация қилинади, яъни активнинг ишлатилиши пайтида, фойдали вақт ичида харажатларнинг таркибига қўшилади.

Ҳозирги кунда субъектларнинг иқтисодий ҳолати уларни такомиллаштиришни талаб қилади, давлат ичида ва ташқи ишлаб чиқарувчилар орасида рақобат ассортиментини янгилаш доирасида ва маҳсулотларнинг сифатини, бажарилаётган ишни ва хизматларни оширишда субъектга янги мажбуриятлар қўяди.

Қўйилган масалаларни ечишни таъминлаб турувчи инструментлардан бири номоддий активлар ҳисобланади, чунки улар моддий хусусиятга эга бўлмай маҳсулотни яратиш ва даромадларни олишда фаол қатнашади. Уларга патентлар, лицензиялар, "ноу-хау", ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари, брокерлик жойлари, савдо маркалари, программали дастурлар ва бошқалар киради.

Юқорида келтирилган 4та хусусият номоддий активларнинг ҳар хил категориялари учун бухгалтерия ҳисобининг усулларига таъсир қилади.

Номоддий активларнинг ҳисоби моддий активларга, масалан, ер, бино ва ускуналарга қўлланиладиган худди шундай тамойиллар ва тартибларни ўз ичига мужассамлаштиради. Бу тамойиллар ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. Ушбу активларни олиш вақтида таннарх тамойилини қўллаш;

2. Мослик тамойилини, бу сарфланган харажатлар ва олинган даромадлар ушбу ҳисобот даврида акс эттирилишини талаб қилувчи, ишлатиш даври пайтини қўллаш.

3. Чиқиш пайтида даромадларни тан олиш тамойилини қўллаш, яъни чиқимдан олинган фойда ёки кўрилган зарар олинган пул маблағлари ва чиқиб кетган активнинг баланс қиймати орасидаги фарқининг тан олиниши.

Номоддий активларнинг ҳисобида 2та асосий масала мавжуд:

– ҳозирги ҳисобот даврида ушбу активлар қийматининг қайси қисмининг харажатлар ҳисобига қўшилишини аниқлаш;

– балансда кўрсатилган қоплаш қийматини ҳисоблашнинг зарурлиги.

Ушбу масалаларни ечиш учун қуйидаги ишларни бажариш керак:

– номоддий активларнинг дастлабки қийматини тўлиқ, тўғри ва ўз вақтида аниқлаш;

– номоддий активлар қийматининг тегишли қисмини улардан фойдаланиш жараёнида харажатларнинг таркибига тўғри қўшиш;

– номоддий активларнинг ишлатилиши билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ҳисобини тўғри юритиш;

– номоддий активларнинг ҳисобдан чиқарилишини тўғри ва ўз вақтида ҳисобда акс эттириш.

Баҳо тамойилига кўра, номоддий активлар уларни олиш пайтида сотиб олиш қиймати бўйича акс эттирилиши керак. Харид қилиш қиймати активларни харид қилиш пайтида сарфланган ҳамма харажатларни, шунингдек, харид қилиш баҳосини, ташиш бўйича харажатларни ва юридик харажатларни, ҳамда харид қилиш билан боғлиқ бошқа харажатларни ўз ичига олади. Харид қилиш қиймати бу ҳамма тўловлар ёки олинган активлар (қайси бири тўғрироқ аниқланганлигига қараб)нинг ҳозирги бозор қийматидир. Агар номоддий актив текинга, бадал ҳисобига, бартер асосида тўлиқ ёки қисман олинган бўлса эксперт томонидан белгиланган қиймат, пул маблағлари билан тўланган сумма ва бадалнинг ҳозирги бозор қиймати унинг қиймати ҳисобланади. Агарда ушбу қийматни аниқлаш имконияти бўлмаса, унда олинган номоддий активларнинг бозор қиймати ишлатилади. Масалан: агарда патент корпорация томонидан бадал сифатида акцияларнинг эмиссияси ҳисобига олинса, унда ушбу патентнинг қиймати чиқарилган акциялар капиталининг ҳозирги бозор қийматида аниқланиши лозим. Агар чиқарилган акциялар патент олиш учун чиқарилган акцияларнинг мос сонига белгиланган бозор қийматига эга бўлмаса, патент бозор қийматининг исботи, муомала қийматининг кўрсаткичи сифатида ишлатилиши керак.

Жорий ҳисобда номоддий актив бошланғич баҳоси бўйича акс эттирилган. Олиш баҳоси, маслаҳат бериш бўйича, маркетинг тадқиқотлари бўйича харажатлар ва бошқа харажатларнинг йиғиндисидан ташкил топади. Бу харажатларнинг манбаси устав капиталга қўйилган таъсис этувчиларнинг аъзолик бадаллари ва фаолияти пайтидаги сарфланган харажатлардир.

Олиш манбасига кўра улар ҳар хил баҳоланади ва қуйидаги тартибда кирим қилинади:

– таъсис этувчилар ва акциядорлар жамиятининг аъзолари томонидан устав капиталига қўйилган қисм (улуш) сифатида;

– бошқа юридик ва жисмоний шахслардан олиш пайтида олиш баҳоси бўйича, ҳамда етказиб бериш, ўрнатиш ва ишлатиш учун тайёрлаш бўйича харажатларни қўшган ҳолда;

– текинга олган ҳолатларда эксперт комиссиясининг баҳолаши бўйича.

Номоддий активларни кирим қилиш қуйидаги дастлабки ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

– фойдаланиш ҳақидаги гувоҳнома;

– патент гувоҳномаси;

– дастур билан таъминланган ишни қабул қилиш далолатномаси;

– активларни қўйиш ҳақидаги баённома;

– нархни аниқлаш ҳақидаги баённома ва бошқалар.

Ушбу ҳужжатларда қисқача таъриф, бошланғич нархи, ушбу объектни ишлатишнинг усуллари ва муддатлари кўрсатилади.

Жорий ҳисобда ҳар бир актив учун алоҳида ҳисоб – регистр карточкалари очилади, унда юқорида кўрсатилган маълумотлар қайд қилинади.

Номоддий активларнинг бошланғич баҳоси уларнинг эскиришларини ҳисоблаш ва ушбу суммани ишлаб чиқариш харажатларига ёки муомала харажатларининг таркибига киритиш учун аниқланади. Ҳар ойги эскириш суммаларининг миқдори хизматнинг муддатидан, даромад олиш муддатидан ва активнинг бошланғич баҳосидан келиб чиқиб аниқланади.

Номоддий активларнинг хизмат муддати қуйидагича аниқланади деб назарда тутилган: номоддий актив учун тўланган суммаси фойдаланиш муддати ичида даромадларга муқобил ёки доимий бир хил усуллар билан қўшилиши керак.

Номоддий активнинг қиймати доимий бир хил улуш тарзида активнинг ишлатилиш муддати ичида ёки мослик тамойилига кўра активнинг тахминий ишлатилиши муддати ичида фойдаланиш муддатини аниқлашда қуйидаги омиллар ҳисобга олиниши керак:

1. Максимум ишлаш муддатларини чегаралай оладиган юридик, тартибга солувчи ва келишилган ҳолатлар;

2. Тахминий ишлаш даврини ўзгартира оладиган янгилик ва фойдаланиш муддатини узайтириш учун шароитлар;

3. Хизмат даврини қисқартиришга олиб келадиган, эскириш, талаб ва бошқа омиллар;

4. Кутилган ишнинг муддати ёки ишчилар гуруҳига мос келадиган хизмат муддати;

5. Номоддий активнинг муҳим рақобатбардошлигини чегаралай оладиган кутилган рақобатчи ва бошқа субъектларнинг ҳаракати;

6. Ҳар хил хизмат муддатлари билан кўплаб ажратилган активларнинг тузилиши мумкин бўлган номоддий активлар.

Хусусиятларига кўра номоддий активлар камдан-кам қийматига эга. Аниқ хизмат муддатига ёки ҳаракат муддатига эга бўлмаган номоддий активнинг қиймати, албатта, исботлаб мўлжалланган муддат асосида амортизация қилиниши керак. Бу қоида қўшимча бўлишига қарамай, у даромадларни акс эттириш пайтида манипуляция учун мослик тамойилидан мумкин бўлган даражада суистеъмол қилишнинг олдини олади.

Номоддий актив хизматининг иқтисодий муддатини аниқлашда анча қийинчиликлар мавжуд бўлиб, иш муддатларини кўриб чиқиш учун, давр талабига лойиқ бўлишини аниқлаш учун даврий баҳолашларни ўтказиб туриш лозим. Хизмат муддати ўзгартирилган пайтда амортизация қилинмаган қиймат кўриб чиқилиб қолган хизмат муддати ичида амортизация қилиниши керак. Лекин, ҳар қандай вазият пайтида амортизациянинг тўлиқ даври активни фойдаланишга топшириш пайтидан бошлаб 40 йилдан ошмаслиги керак.

Амортизация суммасини ҳисоблаш усуллари активнинг ишлатилишини акс эттириши керак. Амортизация ҳисоблашда тўғри чизиқли усулдан фойдаланиш афзалроқ. Ишлаб чиқариш усули, тезлаштирилган амортизация усули ва бошқа хил усуллар эса аниқ шароитлардан келиб чиққан ҳолатларда ишлатилиши мумкин.

Номоддий активнинг амортизацияси асосан йилнинг охирига корректировка (тузатиш) ёзуви билан боғлиқ. Амортизацияга лойиқ деб топилган сумма амортизация бўйича харажатларнинг дебетига (ушбу актив қаерда ишлатилган бўлса) ва номоддий активларнинг эскириши счётининг бевосита кредитига ёзилади.

Активларнинг хизмат муддатлари бир йилдан бёш йилгача ўрнатилади (агар бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса). Асосий шартлардан бири ўрнатилган максимал муддати, ишлатилиши шарти билан берилган субъектнинг фаолият муддати ҳисобланади. Масалан: агар субъект уч йил фаолият кўрсатса, бунда номоддий активнинг ишлатилиш муддати ҳам 3 йил, агарда 5 йил бўлса, 5 йил, агарда 5 йилдан кўпроқ бўлса, унда бу активнинг ишлатиш муддати 5 йил ("Харажатларнинг тар-

киби ҳақидаги Низом", 1.4.2.м). Ишлатилиш муддати технологик жараёнлар ва фаолиятнинг кўринишлари асосида ўрнатилади.

Алмаштиришга лойиқ номоддий активлар – бу фирмаларнинг бу каби активларидан алоҳида идентификация қилинадиган ва алоҳида сотилиши мумкин бўлган номоддий активлардир. Масалан: патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, франшизалар ва савдо маркалари (лекин ташкилий харажатлар эмас). Улар эгалланиши ёки фирма ичида ишлаб чиқарилиши мумкин.

Субъектнинг фаолиятида кўпроқ учраб турадиган алмаштиришга лойиқ бўлган айрим номоддий активлар қуйида келтирилган.

Патент – бу қабул қилинган ва рўйхатга олинган алоҳида юридик ҳужжатдир.

Патентлик ҳуқуқи эгасига (соҳибига) бошқа шахсларнинг қўшилмаган ҳолда патент тарқаладиган буюмларни, жараён ёки фаолиятни ишлатиш, ишлаб чиқариш ва назорат қилиш ҳуқуқини беради.

Ҳақиқатда эса патентнинг патентлик органларида рўйхатга олиниши унинг ҳимоясига кафолат беради. Патент судда муваффақиятли ҳимояланмагунча у рақобатбардош эмас. Шунинг учун судда муваффақиятли ҳимояси билан боғлиқ бўлган харажатлар патент қийматининг ажралмас қисми сифатида капиталга айланиши кераклиги ҳақидаги умумий келишув мавжуд. Агарда суддаги иш ютқазилган бўлса, у билан боғлиқ харажатлар, патентнинг амортизация қилинмаган қиймати сифатида тенг ҳолда зарарга қабул қилинади. Патентнинг баланс қиймати зарардан кейинги қийматигача қисқартирилади. Бу қиймат нуль ҳам бўлиши мумкин. Зарардан кўрилган зиённи ҳисобга олган ҳолда, патент қийматининг ҳар хил кичиклаштириш суммасида, тан олиниши керак.

Саноатга оид дизайнни рўйхатга олиш патентнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг шаклига, наъмунасига ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўзига хос безаги ва бошқа ажратадиган белгиларидир. Патент ишлаб чиқаришни ҳимоя қилади, саноатга оид дизайнни рўйхатга олиш эса маҳсулот ёки товарнинг ташқи кўринишини ҳимоя қилади. Масалан: компьютер терминалининг янги дизайнини рўйхатга олиш натижасида ҳимоя қилинади, янги "PENTIUM-4" компьютери эса тегишли патент ёрдамида ҳимоя қилинади.

Муаллифлик ҳуқуқи – бу адабиёт ва мусиқа асарларининг, дарсликларнинг, ихтиро қилинган санъат асарларининг ва бошқаларнинг муаллифларига қонун томонидан бериладиган ҳимоянинг бир шаклидир.

Муаллифлик ҳуқуқларига эга бўлганларга маълум бир эксклюзив ҳуқуқлар, шунингдек нашр қилиш, ўз ишини қайта чоп қилиш ва кўпайтириш, сотиш ва нусхаларни тарқатиш, ўз асарларини ижро этиш ва ёзиш ҳуқуқлари берилади.

Муаллифлик ҳуқуқларининг қиймати қиймат тамойили асосида ўлчанади деб тасниф қилинган. Муаллифлик ҳуқуқлари бутун фаолият муддати ичида ўзининг иқтисодий қийматига эга эмас. Муаллифлик ҳуқуқининг қиймати муаллифлик ҳуқуқи тарқатилган иш ёки маҳсулот даромад келтирган давр ичида амортизация қилиниши керак. Лекин муаллифлик ҳуқуқлари ўзининг фаолияти муддатидан (муаллифнинг ҳаёт даврида ва қўшимча 50 йил) кўп вақт ичида амортизация қилиниши мумкин эмас.

Савдо маркалари (масалан: «Оби-нон») ва савдо номлари (Кока-кола) – бу компанияларга, маҳсулот ва хизматларга бериладиган номлар, белгилар ва бошқа идентификацияларни аниқловчилардир. Мулк эгасининг далили бўлиш учун улар рўйхатга олиниши лозим. Рўйхатга олинган савдо маркалари ва савдо номлари янгиланиши мумкин, шундай қилиб уларнинг ҳаракат муддатларини маълум бўлмаган даврга узайтиради. Бу ҳолатда маҳсулотнинг номлари, белгилари ва бошқа идентификацияни аниқловчи хусусиятлари юридик томондан ҳимояланган бўлади.

Савдо маркаларини сотиб олишда тўланган пул маблағларининг йиғиндиси капиталга айлантирилади. Савдо маркаларига ишлов бериш, ҳимоя қилиш, кенгайтириш, рўйхатга олиш ва судда ҳимоя қилиш натижасида пайдо бўлган сарфлар, яъни суммалар капиталга айлантирилиши керак. Бундай капиталга айланган суммалар савдо маркаларининг фойдали хизмат муддати ичида ёки 40 йил ичида, ушбу муддатларнинг қайси бири қисқароқ бўлишига қараб амортизация қилиниши керак.

Франшизалар асосан давлат мулкидан фойдаланиш ёки коммунал хизмат кўрсатиш (электр токи) ва хўжалик субъектларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун, аниқ вазифани ва аниқ хизматларни бажариш (масалан, Ардус компанияси) ҳуқуқига эга бўлиш учун давлат томонидан берилади. Франшизалар ҳақидаги ҳар бир контракт, франшиза мавжуд бўлган

даврни, шунингдек франчайзернинг (ишлатиш ҳуқуқига имтиёзларни тақдим этувчи субъектнинг) ва франчайзнинг (бу имтиёзни олувчи субъектнинг) ҳуқуқ ва мажбуриятларини конкретлаштиради (аниқлаштиради).

Кўп ҳолларда франшизанинг сотиб олиш қиймати юқори ва одатда франшизани сотиб олувчи субъект унга имтиёз берувчи субъектга бирламчи қийматни тўлаши талаб қилинади. Франшизаларнинг бирламчи қиймати капиталга айлантирилиши, кейин эса харажатларга қўшилиши керак. Агарда франшиза аниқ бир давр билан чегараланган бўлса, қиймат муқобил ва тизимли кўринишда белгиланган амортизация суммаси унинг даврий баҳолари билан аниқ қўйилган хизмат муддати асосида асосланиши керак. Бу баҳолар бўлажак баҳони қайтадан кўриб чиқиш заруриятини аниқлаш мақсадида олиб борилади, лекин тўлиқ амортизация қилиш даври 40 йилдан ошмаслигини талаб қилади.

Субъектнинг субъектга имтиёзларни тегишли хизмати учун, масалан, рағбатлантирадиган компанияларда, бухгалтерия ҳисоби ва ташкиллаштириш масалаларини ечишда ёрдамлашиши учун, берувчи, улардан фойдаланувчи ҳар йилги ва ҳозирги тўловлари аниқ жойга эга бўлган объектларнинг харажатларига қўшилиши керак, чунки улар ўлчанадиган келажакдаги даромадларни келтирмайди. Агар франшиза ўз қийматини йўқотса ёки қонун томонидан бекор қилинса, амортизация қилинмаган сумма тезда субъектнинг зарарларга кўчирилиши шарт.

Ижара – бу активни ишлатиш бўйича бир томондан иккинчи томонга бериладиган ҳуқуқ. Кўп ҳолларда субъект бошқа томоннинг мулкини ижарага олишни хўжалик келишуви асосида амалга оширади ва олдиндан тўловни амалга оширади. Ижарага олиш ҳақидаги хўжалик келишуви (контракт) ижарачига мулкка эгалик қилиш ҳуқуқларини ва эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган таваккалчилик ва мукофотнинг кўп қисмини бермайди. Бундай мукофот ва таваккалчиликни берувчи шартнома капитал ижара деб номланади. Олдиндан тўланган ижара ҳақи, масалан, мажбуриятларни камайтирувчи тўловлар, бутун ижара даврини ўз ичига олади. Бундай олдиндан ижара ҳақини тўлаш бошиданоқ «Бўнак сифатида тўланган ижара ҳақи" счётига олиб борилиши керак. Бундай активнинг қиймати "Ижара бўйича харажатлар" счётининг дебетига кўчирилиши лозим.

Алмаштириб бўлмайдиган тенглаштириладиган номоддий активлар

Бухгалтерия балансидаги моддаларнинг қуйидаги таснифи ўз ўрнига эга. Номоддий активлар, кечиктирилган харажатлар ва бошқа активлардир. Кўпчилик ҳолларда бу кенг қамровли тасниф. Бу номодий активлардан айримлари иккита махсус характеристикага эга: улар узоқ муддатли бўнак тўловлари кўринишида ҳисобланилади ва хўжайинига бошқа томонга сотиш бўйича ҳеч қандай ҳуқуқларини бермайди. Бу номоддий активлар алоҳида тенглаштирилиши мумкин, лекин алмаштирилиши мумкин эмас.

Кечиктирилган харажатлар – бу хизмат кўрсатиш учун ҳозирги даврда сарфланган ва келажакдаги даромадларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган сарфлардир, улар узоқ муддатли олдиндан тўланган харажатлар сифатида балансда акс этилади. Кечиктирилган харажатлар узоқ муддатли активлар сифатида таснифланади, чунки улар ҳозирги активларнинг функционал фойдаланиш муддатидан кейин даромадларга таъсир қилади. Кечиктирилган харажатлар жисмоний таъминотга эга эмас. Айрим кечиктирилган харажатлар ҳозирги активлар сифатида (у қаерда қўлланиладиган бўлса) акс эттирилади. Масалан, кечиктирилган солиқнинг ҳозирги қисми ва кечиктирилган харажатларга суғурта бўйича узоқ муддатли олдиндан тўланган бўнак тўловлари мисол бўлади. Илмий тадқиқотлар ва ишлэвларга сарфлар, шунингдек, ташкилий харажатлар амалиётда камдан-кам капиталлаштирилади. Лекин улар капиталга айлантирилганда одатда кечиктирилган харажатлар сифатида таснифланади.

Кечиктирилган харажатлар келгуси фаолият даврларига амортизация қилинади, чунки улар ушбу келгуси даврларда даромад олишга имкон яратади. Номоддий активлар амортизациясининг 40 йиллик максимал хизмат муддати кечиктирилган харажатларга хам қўлланилади. Лекин, амалиётда кечиктирилган харажатлар камдан-кам ҳолларда 40 йиллик хизмат муддатига эга бўлади.

Ташкилий харажатлар – бу ташкилотнинг фаолиятини ташкил қилиш пайтида сарфланган харажатлардир. Ташкилий фаолиятга тегишли бўлган харажатлар, масалан, юридик, бухгалтерлик, канцелярияга оид ва имиджнинг кўтарилишлари

билан боғлиқ харажатлар, ташкилий харажатлар сифатида капиталга айлантирилиши мумкин. Ташкилий харажатларнинг капиталга айлантирилишининг асоси бўлиб, бу харажатлар келажакдаги давр ичида даромад келтирилиши ҳисобланади. Фаолиятнинг биринчи йилига сарфланган хамма сумманинг харажатларга қўшилиши харажат ва даромаднинг номутаносиблигига олиб келади.

Ишлаб чиқариш фаолиятининг муддатини аниқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда ушбу сарфлардан олинадиган даромадларнинг даврини хам одатда аниқлаб олиш имкониятига эга бўлмайди.

Ташкиллаштириш харажатларининг активлар сифатида тан олиниши бизнеснинг аниқ шаклига боғлиқ. Ташкиллаштириш харажатлари одатда ихтиёрий танланган қисқа давр ичида амортизация қилинади.

Умуман олганда, ташкиллаштириш харажатлари уларнинг аниқланмаган характеристикасига мувофиқ ва тегишли стандартда белгиланган максимал 40 йиллик хизмат муддати ичида амортизация қилинмайди.

Номоддий активлар қийматининг камайиши. Номоддий активларни ёки кечиктирилган харажатларни ишлатиш даврида бу актив билан боғлиқ бўлган, фойданинг тартибли қиймати, унинг ҳозирги баланс қиймати субъект учун унинг иқтисодий фойдалилигидан, яъни ишлатиш қийматидан олаётган даромадининг ошаётганлигини кўрсатиш мумкин. Бундай ҳолатларда амортизация бўлмаган қийматни ҳисобдан чиқариш ва зарарни тан олиш керак, бу эса актив қийматининг камайтирилишини акс эттиради. Кўриб чиқилган қиймат башорат қилинган, қолган хизмат муддати ичида (лекин олиш муддатидан бошлаб 40 йилдан ошмаслиги керак) амортизация қилиниши лозим. Номоддий активлар қийматининг камайтирилишини молиявий ҳисоботга илова қилинган тушунтириш хатида ёритиш шарт.

Бошланғич ҳужжатлар асосида номоддий активлар ҳолатининг ва ҳаракатининг ҳисоби учун 0400 номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар қўлланилади. Ушбу счётлар тизимида (0400) номоддий активларнинг аниқ турларининг ҳолати ва ҳаракатини ҳисобга олиш ва назорат қилиш мақсадида қуйидаги счётлар очилган:

0410- "Патентлар, лицензия (рухсатнома) ва "ноу-хау""
0420- Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари"
0430- "Дастурий таъминот"
0440- "Гудвилл"
0450- "Ташкилий харажатлар"
0460- "Франшизалар"
0470- "Муаллифлик хуқуқлари"
0480- "Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш хуқуқлари"
0490- "Бошқа номоддий активлар"

Объектларнинг номоддий активлар қаторига киритиш тартиби ва уларнинг таркиби тегишли қонунчилик ҳужжатлари ва 7-БХМС "Номоддий активлар"га асосан тартибга солинади. Бу счётларнинг сальдоси (қолдиқ) мазкур объектнинг бошланғич баҳосини акс эттиради, дебети бўйича обороти- бу активларнинг эгаллаш пайтида (келиши), таъсисчилар томонидан ажратиш пайтида бошланғич нархи бўйича ёки келишилган нарх бўйича қабул қилиш пайтидаги киримидир. Бу суммалар 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар", 6110-"Мустақил балансга ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар", 4710-"Таъсисчиларнинг бадаллари бўйича қарзлари", 5110-"Ҳисоблашиш" счёти, 5210 ва 5220-"Валюта счёти"лари ва ҳоказо счётларнинг кредити бўйича акс эттирилади. 0400-"Номоддий активлар" счётларининг кредити бўйича бу активларнинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади, бунда ушбу суммалар бир вақтнинг ўзида 9220-"Бошқа активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар" счётининг дебети бўйича ёзиб қўйилади.

Номоддий активларнинг қабул қилиниши пайтида аналитик ҳисобнинг карточкалари (6-А-В шакли) тўлдирилади ва бу маълумотлар мос бўлган жамғарма қайдномаларга кўчирилади.

Номоддий активларнинг кирими пайтида:

– устав капиталига киритилган таъсисчиларнинг улуши сифатида: 0400-«Номоддий активлар» счётларининг дебети, 4710-"Таъсисичиларнинг бадаллари бўйича қарзлари" счётининг кредити;

– бошқа шахслардан активларни сотиб олишда юкхати ва қабул қилиш далолатномалари асосида: 0400-"Номоддий активлар" счётларининг дебети, 0830-"Номоддий активлар сотиб олиш" счётининг кредити;

– агар активлар бошқа шахслардан текинга ёки давлат томонидан ёрдам сифатида олинса: 0400-"Номоддий активлар"

счётларининг дебети, 8510-"Устав капитали (фонди)" (давлат корхоналари учун) ва 9910-"Якуний молиявий натижа" счётининг кредити (бошқа субъектлар учун) ва бир вақтда уларнинг эскиришларининг қиймати тасдиқланган меъёр асосида акс эттирилади. "Сарфлар (харажатлар)" счётларининг дебети- 2000, 2300, 2500, 3100, 9410, 9420, 9430, 9450 ва шунга ўхшашлар ва 0500-"Номоддий активларнинг эскириши" счётларининг кредитида қайд қилинади.

Номоддий активлар қуйидаги хўжалик муомалаларининг таъсири натижасида субъектнинг мулкидан чиқарилади:

– бошқа субъектларга келишилган нарх асосида реализация қилиш оқибатида: 9220-"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқа чиқимлар" счётининг дебети, 0400-"Номоддий активлар" счётларининг кредити;

– бошқа юридик ва жисмоний шахсларга қолдиқ нарх бўйича текинга ўтказиш оқибатида 9220-"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқа чиқимлар" счётининг дебети, 0400-"Номоддий активлар" счётларининг кредити;

– бутунлай эскириши ёки даромад олиш хусусиятининг йўқолиши оқибатида: 9220-"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқа чиқимлар" счётининг дебети, 0400-"Номоддий активлар" счётларининг кредити;

– ҳисобланган эскиришлар ҳисобига: 0500-"Номоддий активларнинг эскириши" счётларининг дебети, 9220-"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқа чиқимлар" счётининг кредити;

– бошқа фирма, филиаллар ва қўшма корхоналарнинг устав капиталига таъсис бадали сифатида ўтказиш оқибатида: 9220-"Бошқа активларни реализацияси ва бошқа чиқимлар" счётининг дебети, 0400- "Номоддий активлар" счётларининг кредитига кўчирилади.

Номоддий активларнинг субъект мулкидан чиқиб кетиши акциядорларнинг ёки таъсисчиларнинг йиғилишидаги кўчириш, ушбу активларни ҳисобдан чиқариш хақидаги баённомалари, қабул қилиш ёки ўтказиш далолатномалари асосида амалга оширилади.

Номоддий активларнинг баҳосига қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)нинг суммаси киради, шунинг учун бу активларга эга бўлиш пайтида солиқнинг суммаси 6410-"Бюджетга тўловлар юзасидан қарзлар" счётида алоҳида ҳисобга олинади ва 6 ой

ичида бюджетга ўтказишга лойиқ бўлган ҳисобланган солиқнинг умумий ҳисобидан (суммасидан) чегириб қолинади.

Номоддий активларнинг ҳолати ва ҳаракатини акс эттирадиган счётларнинг чизмаси

0400-Номоддий активлар счётларининг гуруҳи

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
НМАнинг бошлангич қолдиғи			
5010, 5020-	НМАнинг нақд пулга олиниши	Реализация, текинга бериш, бартер усулида ва эскиришлар оқибатида номоддий активларни ҳисобдан чиқариш	-9220
5100, 7510, 7600-	Активларнинг пул ўтказиш йўли билан олиниши	Активларнинг акция ҳисобига берилиши	
5210, 5220-	Хориж валютасида НМАнинг олиниши	Активларнинг авлод корхоналарига улуш сифатида берилиши	
4710-	Таъсисчиларнинг улушлари сифатида активларни олиш	Активларнинг қўшма корхоналарга улуш сифатида берилиши	
8523-	Текинга олинган ва давлатнинг субсидияси шаклида олинган номоддий активлар.	Активларни қимматбаҳо қоғозларга алмаштириш	

Ишлатиш пайтида номоддий активлар аста-секин эскиради, ўзининг фойдали хусусиятларини йўқотади ва эскириш суммасини ғ жамғарма ҳисоби учун 0500- "Номоддий активларнинг эскириши" счётлари туркуми қўлланилади. Ушбу счётлар туркумида қуйидаги счётлар очилган:

0510- "Патент, лицензия ва ноу-хаунинг эскириши"
0520- "Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг эскириши"
0530- "Дастурий таъминотнинг эскириши"
0540- "Гудвиллнинг эскириши"
0550- "Ташкилий харажатларнинг эскириши"
0560- "Франшизаларнинг эскириши"
0570- "Муаллифлик ҳуқуқларининг эскириши"
0580- "Ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларининг эскириши"
0590- "Бошқа номоддий активларнинг эскириши"

"Номоддий активлар" номли 7-сон БХМСга асосан номоддий активларга оид эскириш миқдори уларнинг амортизацияланадиган қиймати ва фойдали хизмат муддатидан келиб чиққан ҳолда белгиланган меъёрлар асосида хар ойда ҳисоблаб чиқилади. Фойдали хизмат муддатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича эскириш 5 йил муддат (субъект фаолиятидан ортиқча муддатда бўлмаган ҳолда) ҳисобида белгиланган.

Номоддий активларга амортизацияни қуйидаги усуллар бўйича ҳисоблаш мумкин:

- тўғри чизиқли ёки тенг равишда;
- ишлаб чиқариш бирликларининг миқдори асосида;
- камайиб борувчи қолдиқ усулида.

Ҳар бир ҳисобот даврининг охирида номоддий активларнинг фойдали хизмат даврини қайта кўриб чиқиш зарур. Агарда башорат (прогноз) дастлабки баҳолашдан фарқ қилса жорий ва келгуси даврлар учун ҳисобланадиган амортизация суммасини ошириш ёки камайтириш зарур. Бу счётлар тартибга солиб турувчи счётлар деб ҳисобланади, унинг кредитида ишлатиш даврида харажатларнинг бадал суммаси акс этади, дебети бўйича эса чиқиб кетган активларнинг эскириш суммаси акс этади. Ушбу эскириш суммаси объектларнинг харажатларига қўшилган бўлади: 2010-"Асосий ишлаб чиқариш", 2310-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш", 2500-"Умум ишлаб чиқариш харажатлари", 9410, 9420, 9430, 9450-"Давр сарфлари" ва "Хизмат қилувчи хўжаликлар", 3100-"Келгуси давр харажатлари" ва бошқа счётларнинг дебетида қайд қилинади.

Номоддий активларнинг эскиришини счётларда акс эттириш тизмаси

0500-Номоддий активларнинг эскириши счётларининг туркуми

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит
		С-ҳисобот даврининг бошига НМА эскириши суммаси
9220-	Чиқиб кетган номоддий активлар бўйича эскиришнинг камайиши:	Ҳисобот даврида фойдаланилган активларнинг эскириш суммаси:
	– сотиш натижасида	
	– текинга бериш	
	– бартер усулида бериш	Капитал қўйилма жараёнида фойдаланилаётган -0800
	– табиий офатда нобуд бўлиши	

Счётларнинг кредитидан		Счётларнинг дебетига	
Дебет			Кредит
9390-	Жорий даврда меъёрдан ортиқча ҳисобланган эскириш суммасини чегириш	– асосий ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган	-2010
		– ёрдамчи ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган	-2310
		– бошқа ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган	-2320
		– умумишлаб чиқаришда фойдаланилаётган	-2510
		– сотиш жараёнида фойдаланилаётган (ёки савдода)	-9419
		– маъмурият томонидан фойдаланилаётган	-9426
		– янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш, технологияни ўзлаштириш, қазиб олувчи тармоқда тайёргарлик ишларида фойдаланилаётган	-9440
		Жорий даврда меъёрдан кам ҳисобланган- эскириш суммасини меъёрга мувофиқ объектларга қўшимча ҳисоблаш	- 2010, 2300, 2510, 9400

0400-"Номоддий активлар" ва 0500-"Номоддий активларнинг эскириши" счётлари туркуми бўйича синтетик ҳисоб муомалалари №10 ва №13 журнал-ордерларида олиб борилади.

Ушбу бўлимни чуқурроқ ўрганиш мақсадида субъект фаолиятидан шартли мисол келтирамиз:

1-мисол. "Равшанбек ва К" фирмаси келишилган нарх бўйича 150000 сўм (ҚҚСни ҳисобга олиб 22500) техник ҳужжатлар ва компьютерлар учун дастурларга эга булди:

0430-"Дастур таъминоти" счётининг дебети- 150000 сўм

6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарз" счётининг дебети- 30000 сўм

6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" счётининг кредити- 180000 сўм

Номоддий активларнинг қийматини тўлашда:

6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" счётининг дебети-180000 сўм

5110-"Ҳисоблашиш счёти"нинг кредити- 180000 сўм

2-мисол. Таъсис ҳужжатлари асосида акцияларнинг баҳоси 1600000 сўм ҳисобига акциядорлик жамияти бинодан фойдаланиш хуқуқини сотиб олди:

0410-"Патентлар, лицензия ва "ноу-хау"" счётининг дебети- 1600000 сўм

4710-"Таъсисчиларнинг қарзи" счётининг кредити- 1600000 сўм.

3-мисол. Фирма бошқа фирмадан ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш учун эҳсон сифатида патент олди, патентнинг нархи 48000 сўм:

0410-"Патентлар, лицензия ва "ноу-хау"" счётининг дебети- 48000 сўм;

8523-"Текинга олинган мулк" счётининг кредити- 48000 сўм

4-мисол. Олинган дастурий маҳсулот бўйича ҳозирги ойга эскиришлар ҳисобланган- 5000 сўм:

2510- "Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" счётининг дебети- 5000 сўм

0530-"Дастурий таъминотнинг эскириши" счётининг кредити- 5000 сўм.

Номоддий активларнинг чиқиб кетиши. Номоддий активларнинг сотиш, алмаштириш ёки бошқа усуллар ёрдамида чиқиб кетиши пайтида, унинг амортизация қилинмаган қиймати номоддий активлар счётида чиқиб кетишдан олинган фойда ёки кўрилган зарарлар акс эттирилиши керак.

Гудвил-аниқлаб бўлмайдиган номоддий активлар. Гудвил аниқлаб бўлмайдиган, энг кўп тарқалган ва муҳим бўлган номоддий активлар ҳисобланади. Гудвил фирманинг яхши характеристикалари натижасида пайдо бўладиган қийматини белгилайди, бу эса фирманинг аниқ активларидан кутилган даромадга қўшимча даромадларни оширади. Гудвил олиш далилсиз хам мавжуд бўлиши мумкин, фақат битта компания бошқа компанияни сотиб олгандагина ёки уларнинг қўшилиши пайтидагина ушбу гудвил жорий ҳисобда тан олинади. Гудвил хақидаги саволларни хал қилиш аввало унинг маъносини кўриб чиқишдан- нималар натижасида гудвил ҳосил бўладибошланади, кейин эса баҳолаш, рўйхатдан ўтказиш, амортизация ва гудвил ҳисоби хақидаги саволларига ўтилади.

Гудвилнинг концептуал мохияти. Асосан, гудвил фирманинг одатий кўрсаткичларидан ошиб кетган, келажакдаги молиявий кўрсаткичларининг тахминий қийматини ифодалаб беради. Бу тахмин фирмага ёки унинг муомалавий шароитига тегишли номоддий қулай характеристика(тавсиф)лари ёки омиллари

фирма учун келажакда юқори даромадларни олиш эҳтимолини юзага чиқаришдан пайдо бўлади.

Бундай қулай омилларга қуйидаги омилларни мисол келтириш мумкин:

1. Аъло даражадаги раҳбарлик қилувчи команда;
2. Сотишни аъло даражада ташкил қилиш;
3. Битта ёки бир нечта асосий рақобатчилардаги бўш даражадаги рахбарлик;
4. Алоҳида самарали реклама (ташвиқот);
5. Ишлаб чиқаришнинг махфий жараёни;
6. Ниҳоятда яхши меҳнат муносабатлари;
7. Ишчиларни касбга тайёрлашда қўлланиладиган илғор дастур;
8. Ишончлиликнинг юқори рейтинги;
9. Жамиятда ўзгача юқори обрў (имидж);
10. Рақобатчининг фаолиятидаги қулай бўлмаган ходисалар;
11. Бошқа компания билан ўрнатилган қулай муносабатлар;
12. Имтиёзли стратегик ихлос;
13. Илгари номаълум бўлган ресурсларни ёки ишчиларнинг имкониятини аниқлаш;
14. Солиқ кодексидаги қулай бўлган имтиёзлар;
15. Давлат қонунчилигидаги қулай бўлган имтиёзлар.

Бу омиллардан ҳар бири, шунингдек рўйхатда келтирилмаган бошқа омиллар ушбу омилларнинг йўқлигига нисбатан, фирмага катта даромад олишнинг усулларини кўпайтиради. Даромадларнинг ошишига имкон яратиб, бу омиллар фирманинг қийматини алоҳида активларнинг қийматидан юқорироққа оширади. Қийматнинг ошиши кўпинча фирманинг баҳосида акс этади ва гудвил деб номланади.

Гудвилнинг бошланишини яратадиган омилларнинг асосий хусусияти шундан иборатки, улар фирманинг бошқа активлари билан боғлиқ бўлган қийматини ташкил этади. Улар фирманинг бир қисми бўлиб, ундан мустақил бўла олмайди ва бундан ташқари уларни алоҳида сотиш имконияти ҳам бўлмайди. Ўз навбатида бу тобеълик баҳолашда жиддий муаммони туғдиради, чунки фирманинг гудвилини фирмадан ажратиб бўлмайди, шунингдек алоҳида сотиб олиш ёки сотиб бўлмайди; уни фақат фирма сотилганда объектив баҳолаб бўлади. Фирма ўзининг ишлаб чиқариш режаларини амалга ошириш пайтида гудвилни юзага келтириши мумкин, гудвилнинг қийматини баҳолаш мум-

кин бўлганда боғлиқ бўлмаган бошқа субъект билан қандайдир бозор муносабатлари ёки муомала мавжуд эмас.

Фирма гудвилни келишилган нархда фақат у иккинчи фирмани сотиб олгандагина олинган ва таққослаштирилган активларнинг ҳозирги бозор қийматидан юқори бўлган нархда олгандагина тан олади.

Ҳисоб мақсадлари учун гудвилни қуйидаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлари бўйича кўриб чиқиш мумкин: фирмани сотиб олишнинг ҳақиқий баҳоси ва тенглаштирилган соф активларнинг ҳақиқий бозор қиймати. Қачонки гудвил қиймат тамойилига мувофиқ бўлсагина харид қилиш орқали олиш унинг қийматини ўлчашнинг ягона объектив воситаси ҳисобланади.

Сотиб олиш нархи аниқлангандан кейин гудвилнинг баҳоси. Гудвилнинг қийматини тўғридан-тўғри ҳисоблаб бўлмайди, чунки уни ажратиб ёки аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун хар бир ишлатиладиган усул билвосита ҳисобланади. Одатда, фирманинг тўлиқ қиймати баҳоланади. Кейин хар хил тенглаштириладиган активларнинг қиймати аниқланади- моддий ва номоддий активлар ҳамда фирма мажбуриятларининг ҳозирги қиймати. Ушбу активлар ва мажбуриятларнинг орасидаги фарқ гудвилнинг қиймати сифатида кўрилади.

Гудвилнинг қийматини ҳисоблашда сотиб олинадиган нарх катта роль ўйнайди, чунки у қийматни шакллантирувчи иккита омиллардан биттаси ҳисобланади ва уларни бухгалтер гудвилни баҳолаганда ишлатади.

Сотиб олиш баҳоси сотувчи ва сотиб олувчи орасидаги музокараларнинг натижасини акс эттиради ва томонларнинг музокараларни олиб бориш қобилияти бу баҳонинг даражасига сезиларли даражада таъсир этиши мумкин. Иккита томон фирманинг қийматини баҳолаб бериши керак. Фирманинг қийматини ҳисоблашда бир қанча усуллар мавжуд. Лекин, бу ерда фақат битта усул келтирилган, у хам бўлса, қўшимча фойда усулидир.

Қўшимча фойда усули фирманинг қийматини ҳисоблашнинг усулларидан асосийси бўлиб унинг фойда олиш қобилиятини баҳолаш ҳисобланади. Ушбу одатда қўшимча фойда усули қуйида келтирилган бешта қадам (босқич)нинг бажарилишини талаб қилади:

1. Келгусида кутилаётган даромадни баҳолаш;
2. Даромадлиликнинг оддий даражасини аниқлаш;

3. Оддий фойданинг суммасини аниқлаш;

4. Қўшимча фойданинг суммасини аниқлаш;

5. Гудвилни ҳисоблаш (субъектнинг ҳақиқий қиймати билан келишилган баҳонинг ўртасидаги фарқ).

Охирида фирма субъектни сотиб олгандан кейин, сотиб олувчи ҳар бир тенглаштирилган актив ва гудвил счётларининг дебети ва хар бир қабул қилинган мажбуриятларни, қиймат тамойилига мувофиқ, кредитлаш орқали рўйхатга олади. Қиймат тамойили хамма моддаларни сотиб олиш пайтида баҳоланган хаққоний бозор нархи бўйича рўйхатга олишни таъминлайди. Сотиб олинган санадан кейин ҳар бир активнинг эскириши, камайиши ёки амортизацияси, гудвили ҳам эътиборга олиниши керак. Гудвилнинг амортизациясини кўриб чиқишдан олдин, агар сотиб олиш баҳоси олинган соф активларнинг хаққоний қийматидан паст бўлса гудвилни тан олиш тартибини кўриб чиқиш лозим.

Салбий гудвил. Олинган соф активларнинг хаққоний қиймати сотиб олинадиган қийматидан юқори бўлганда фирмани сотиб олувчилар учун бу фойдали харид қилинган ҳисобланади. Олинган активларнинг хаққоний қиймати билан сотиб олинадиган нарх орасидаги фарқи сифатида ҳисобланадиган гудвилнинг суммаси салбий ҳисобланади ва у бэдвил ёки салбий гудвил деб номланади. Ўз ичига салбий гудвилни олган муомала сотувчи томон учун норационал ёки мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳисобланади, чунки сотувчи бутун фирмани сотишдан кўра активларни алоҳида сотишдан кўпроқ фойда олади. Лекин, бундай ҳолатни алоҳида сотиш бўйича альтернатив таваккалчиликни ўзига олувчи ё вақт ёки ресурсларнинг йўқлигидан келиб чиқади. Агар бундай ҳолат юз берса, ҳар бир рўйхатга олинган салбий гудвил (бэдвил) кредитли қолдиққа эга бўлади.

Ҳар бир салбий гудвил (бэдвил) фирма олган моддий активларга бериладиган баҳони камайтириш мақсади билан мутаносиб тақсимланиши керак. Моддий активларнинг баҳосини шундай даражагача пасайтириш керакки, натижада салбий гудвил (бэдвил) чиқиб кетсин.

Гудвилнинг амортизацияси. Гудвил тан олингандан кейин унинг қийматини нима қилиш керак? Амалиётда қуйидаги 3та вариант қўлланилади:

1. Гудвилни дархол ўзининг капиталига қўшиб қўйиш. Чунки компания ичида ташкил қилинган гудвил дарҳол харажатга

киритилган бўлади (яъни номоддий актив деб тан олинмайди), айрим бухгалтерлар, кетма-кетлик тамойилига асосан олинган гудвилни тезда харажатга чиқаришни таклиф қиладилар. Бундан ташқари гудвилнинг ҳаракат даври ноаниқ, шунинг учун дархол ҳисобдан чиқаришни одил қарор деб ҳисоблайдилар.

2. Агар қийматнинг камайиши юз бермаса, гудвилни аниқсиз қолдириш (амортизация ҳисобламаслик). Айрим бухгалтерлар гудвил фаолиятнинг ноаниқ муддатига эга ва унинг қиймати пасаймагунича у актив сифатида қолиши керак деб таъкидлайдилар.

3. Гудвилни унинг фаолият муддатига амортизация қилиш. Айрим бухгалтерлар гудвил аста-секин камаяди ва ишлатилади, бунинг оқибатида уни гудвилдан олинадиган иқтисодий фойдани олиш давридаги харажатларга амортизация қилиш керак деб таъкидлайдилар.

Энг кўп тарқалган бухгалтерия сиёсати бўлиб гудвилни унинг фойдали фаолияти даври ичида кўчириб қўйиш (учинчи вариант). Лекин амортизация ҳисоблаш даври ҳеч қачон 40 йилдан кўп бўлмаслиги керак. Афсуски, гудвилнинг хизмат муддатини баҳолаш одатда қийин бўлади. Бундан ташқари, агар компания сотиб олган гудвилни корхона ичида ташкил қилинган гудвилга ишлаб чиқариш харажатлари билан бирга амортизация қилинса, сотиб олинган гудвили бўлмаган, амортизацияни талаб килмаган рақобатчига нисбатан фойдани баҳолашда фарқ пайдо бўлади.

Илмий текшириш ва ихтиролар (ИТИ) учун сарфлар. Илмий текшириш ва ихтиролар учун сарфлар кўп компанияларда муҳим харажатлардан бири ҳисобланади.

– илмий текшириш ишлари ва ихтироларга қуйидаги таърифлар ва аниқликлар берилган:

Илмий текшириш ишлари- бу янги илмий ёки техникавий билимларни олиш ниятида қабул қилинган ва режалаштирилган изланиш ишлари. Бундай турдаги изланиш ишлари аниқ мақсад еки қўллашга қаратилган бўлиши мумкин.

– ихтиролар- бу илмий текширишлар, изланишларнинг ёки бошқа билимларнинг янги ёки мутлоқ такомиллаштирилган материаллар, ускуналар, маҳсулотлар, жараёнлар, тизим ёки хизматларни режалаштириш ёки ихтиролар натижаларининг амалиетга ўтказилишидир. Ихтиролар тушунчаларини таърифлаш, ихтиро маҳсулотларини текшириш ва синовдан ўтказишни, прототипларни курищ, шунингдек, синовчи кор-

хоналарни ишлатишни ўз ичига олади. Ривожланишга мавжуд маҳсулотга, ишлаб чиқариш линияларга, қайта ишланган оддий еки даврий ўзгартиришларни киритиш билан боғлиқ сарфлар бунга кирмайди. У яна ўз ичига бозорни ўрганишни ёки бозордаги товарларни ўрганиш сарфларини олиши мумкин.

ИТИ бўйича ишларни бажариш учун кўрилган ёки олинган иншоот ва асбоб-ускуналар капиталга ёзилиши керак. Бундай олинган ёки кўрилган активларнинг амортизацияси ушбу активларнинг ИТИ мақсадлари учун ишлатиши керак бўлган даврга илмий-текшириш ва ихтиро ишларининг харажатларини ташкил қилади.

Фаолиятнинг кўп турларига қилинган сарфларнинг ИТИ сарфларига ўхшаш томони шундаки, улар фирманинг келажакда даромад олишига имконият яратади. Мисоллар, иншоотларни ўтказиш (суриш)га, янги маҳсулотларни яратиш ёки хизматларни кўрсатиш, маҳсулотни ёки хизматларни ўзлаштириш бўйича ходимларни ўқитиш ва реклама фаолиятига сарфларни ўз ичига олади.

Илмий-текшириш ва ихтироларга кирувчи фаолиятларнинг турлари қуйидагилардан ташкил топган:

а) янги билимларни олишга қаратилган лаборатория текширувлари;

в) янги текшириладиган нарса ёки бошқа билимларнинг изланилиши;

с) тушунчаларни руёбга келтириш ва келажак маҳсулотларини яратиш ёки ишлаб чиқариш технологияси, усуллари ва вариантларини ихтиро қилиш.

Одатдаги ихтироларга киритилган фаолият турлари қуйидагича гуруҳланади:

а) маҳсулот ишлаб чиқаришнинг альтернатив усуллари ёки ихтиролар учун йўлларни қидириш мақсадида текширишларни ўтказиш;

в) ишлаб чиқарилмаган модель ва прототипларни текшириш, қуриш, яратиш ва синаш;

с) инструментларни, андозаларни, қуюв шаклини ва янги технологияларни ўз ичига олган матрицаларни ишлаш.

Илмий-текшириш ва ихтироларга кирмаган фаолиятларнинг турлари қуйидагича:

а) тижорат ишлаб чиқаришнинг эрта босқичидаги инженер-техник кўрсаткичлари;

в) ишлаб чиқариш жараёнида сифатнинг назорати, шу жумладан, маҳсулотнинг хар кунги текшируви;

с) ишлаб чиқариш пайтида бузилишларнинг, яроқсиз маҳсулотларнинг сабабини аниқлаш ва тугатилиши;

а) мавжуд маҳсулотга, ишлаб чиқаришни қайтадан ишловчи ишлаб чиқарувчи тизимига ва бошқа жараёнларга, агарда бундай ўзгартиришлар наф келтирса, хар кунги ва даврий ўзгаришларни киритиш;

b) давом этаётган ишлаб чиқариш қисми сифатида мижозларнинг талаб ва таклифларини эътиборга олган ҳолда мавжуд имкониятларни мослаштириш;

с) инструментларнинг, андозаларнинг, қуюв шакллари ва матрицаларнинг ҳар кунги ишлов беришлари;

d) қурилиш, кўчиб кетиш, жойларни алмаштириш ёки ИТИнинг аниқ лойиҳаси учун тегишли бўлган иншоот ва ускуналардан ташқари, иншоот ва ускуналарнинг киритилиши билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга ошириш.

Илмий текширув ва ихтиро бўйича сарфларни харажатларга қўшиш тартиблари қуйидагича:

1. Текширув ва ишлов беришларга тааллуқли сарфлар улар сарфланган давр ичидаги харажатларда акс эттирилиши керак;

2. Агарда қуйидаги шартлар бажарилса, ишлов беришга қилинган сарфлар келажак даврларга қолдирилиши керак:

а) маҳсулотнинг тури ва жараённинг даври тўғри аниқланган ва сарфларнинг ўлчаниши мумкин бўлса;

в) маҳсулот ва жараённинг техникавий асоси белгиланган бўлса;

с) субъектнинг маъмурияти маҳсулот ва жараёнларни ишлаб чиқиш ва бозорда сотиш ёки ўзининг ишлаб чиқаришида ва жараёнида фойдаланишини кўрсатса;

d) маҳсулот ёки жараён учун келажакда сотиш бозори равшан аниқланган ёки улар ички фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса;

е) лойиҳани битириш учун мос ресурслар мавжуд бўлса.

1. Молиявий ҳисоботлар бутун давр ичидаги харажатларга кўчирилган илмий-текширув ва ихтиро сарфларнинг суммасини; бутун давр ичидаги харажатларга кўчирилган ихтирога кетган кечиктирилган сарфларнинг суммасини; давр ичида яратилган ихтироларга кетган сарфларни ва ихтирога кетган амор-

тизация қилинмаган кечиктирилган сарфларни очиб бериши керак.

2. Юқорида келтирилган абзацлар ихтисослаштирилган фаолият доирасига, масалан, бошқа мутахассислар томонидан қилинган иш, ривожланиш босқичида турган, лекин саноатнинг қазиб олувчи субъектлари учун нюёб ҳисобланган асбоб-ускуналарга кирмайди.

Компьютернинг дастурий таъминотига кетган сарфларнинг ҳисоби. Амалиётда ишлаб чиқилган хар хил ҳисоб процедураларнинг пайдо бўлиши ва тармоқларнинг кенгайиши билан боғлиқ бўлган компьютер дастурларини такомиллаштиришга кетган сарфларнинг ҳисоби хаддан ташқари муҳим бўлиб қолган. Компьютернинг дастурий таъминоти билан шуғулланувчи субъектларнинг асосий активлари дастур таъминотига ва уларни такомиллаштиришга қуйилган инвестициялардан ташкил топади.

Компьютерларнинг дастур таъминотига кетган сарфларни капиталлаштириш тартиби. Сотувга мўлжалланган ёки кенг ишлатиш учун ижарага берилган компьютернинг дастурий таъминотининг ривожланиши ИТИга кетган сарфларнинг катта қисмини ташкил этади. Ҳисоб пайтида ечиладиган асосий масалалардан биттаси, бу – дастур таъминоти пакетларини такомиллаштириш пайтида сарфланган харажатларнинг қайси бирининг жорий сарфга ва қайси бирининг капиталга ёзилиши кераклигини аниқ ва равшан ёритиш лозим:

– сотувга ёки ижарага беришга мўлжалланган компьютернинг дастурий таъминотини ишлатишга кетган ҳамма сарфлар ИТИга кетган сарфлар ҳисобланади ва капиталга айлантирилиши керак бўлади.

– оригиналларнинг техник синови (ОТС)ни ўтказиш учун тайёрланган оригинал маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетган сарфлар капиталга айлантирилиши керак. Бу сарфларга ОТС ўтказиш учун текшириш ва кодлаштириш киради.

Ишлов беришга кетган сарфларни капиталга айлантиришни бошлашдаги ҳал қилувчи пайт бу ОТС ўтказилгандан кейинги пайт ҳисобланади. ОТС агар режалаштириш, ишлов бериш, кодлаш ва текшириш амалга оширилган бўлса ушбу хулосага мувофиқ маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ўтказилади. Агар дастурга тўлиқ ишлов бериш тугатилган бўлса, ОТС ҳам тугатилган ҳисобланади. Лекин, агарда дастур таъминотини такомиллаштириш ўз ичига бундай ишлов беришни олмаса,

маҳсулотнинг иш модели тугатилган бўлса, ОТС тугатилган ҳисобланади.

Оригинал ҳужжатлардан ва ўқитадиган материаллардан ишлаб чиқарилган дастур таъминотига кетган ҳаражатлар ва тақсимланиш учун материалларни қўлда ўраш ва жойлаш учун кетган сарфлар ишлаб чиқариш чиқимлари ҳисобланади. Бу сарфлар, агарда сотувдан келган фойда тан олинса, инвентаризацияга оид ва реализация қилинган дастур таъминотининг қийматига тааллуқли ҳисобланади.

Дастур таъминотига кетган капиталга айланган сарфларнинг амортизацияси. Стандарт тегишли БХМС компьютер дастурлари билан таъминлашга сарфланган ва капиталга айлантирилган харажатларнинг амортизация ҳисобини тўлиқ тасвирлаб беради.

Амортизациянинг йиллик суммаси чиқарилган дастур таъминоти асосида ҳисобланади ва қуйидагилардан ташкил топади:

– дастурнинг фойдаланиш даври ичида кутилган ва олинган ялпи даромаднинг, уни сотишдан олинган янги даромадига нисбатан коэффициентидан;

– дастурдан фойдали фойдаланиш даврига амортизацияни бир текисда тақсимлаш усулини қўллаш натижасида ушбу сумма аниқланади.

Табиий ресурслар хам тугатилаётган актив қаторига киради, чунки ушбу ресурсларнинг қазиб олиниши натижасида улар аста-секин камая бошлайди. Бунга яққол мисол тариқасида ўрмон майдонлари, нефть, табиий газ, маъдан бойликлари- олтин, кумуш, тошкўмир ва бошқаларни келтириш мумкин. Ушбу табиий бойликларнинг ҳисобини юритиш жуда қийин, чунки қуйидаги муаммолар мавжуд:

– ушбу табиий ресурслардан фойдаланишни амалга ошириш жараёнида уларнинг қийматини аниқлаш тартибини белгилаш;

– ушбу аниқланган қийматни амортизация кўринишида молиявий натижа тўғрисида ҳисоботга қайд қилиш.

Табиий ресурсларнинг қийматини аниқлаш жараёни энг аввало унинг қийматини акс эттириш учун қайси сарфларни ва қанча миқдорда номоддий активларга капиталлаштириш лозимлигини аниқ белгилашни тақозо қилади. Кейинги муаммо эса ушбу қийматнинг ҳисобдан чиқарилиш тартибидир, яъни амортизация даражасини белгилашдир. Ҳисобот даврида сар-

фланган табиий ресурсларнинг қиймати уларнинг камайишини билдиради.

Камайиш учун асос бу ушбу ресурсларни қазиб олиш жараёнида амортизация кўринишида қийматига қўшиш учун олдиндан номоддий актив сифатида ушбу суммани капиталлаштиришдир. Ушбу сумма, яъни капиталлаштирилган қиймат ушбу бойликдан фойдаланиш жараёни тугамагунча қопланмайди. қолдиқ қиймат эса активнинг камайиш асосини аниқлашга таъсир қилади. Қийматнинг ижобий қолдиғи (чунки у ижобий еки салбий қолдиқ бўлиши мумкин) активнинг камайиш асосини ҳисоблаётганда капиталлаштирилган қийматдан чегирилади.

Тугатилаётган объектни тайёрлаш билан боғлиқ ҳар қандай харажат ушбу камайишнинг асосига қўшилади.

Ушбу ер усти ва ер остидаги табиий бойликларни текшириш жараёнидаги сарфланган харажатлар – қидирув ва пармалаш ишлари, агарда улар актив кўринишига эга деб ҳисобланса, номоддий активлар қийматига қўшилади. Шунинг учун ҳам субъектлар ушбу қидирув ва пармалаш ишлари бўйича сарфларни ҳисобга олишнинг махсус усулини қўллайдиларки, ушбу сарфлар тегишли табиий ресурсларнинг турларига тааллуқлигининг мутаносиблигини таъминлаши лозим.

Молиявий ҳисобот учун камайиш усулини қўллаш тартиби. Ушбу камаяётган объектнинг амортизацияси камайиш деб юритилади. Камайиш – бу қазиб олинган ресурсларнинг қийматига камайишнинг асоси бўлган қийматни даврий ҳисобдан чиқаришдир.

Камайиш қийматини аниқлашнинг умумий услуби бу қазиб олинган табиий ресурсларининг мавжудлигидир. Камайиш асоси ва қазиб олинадиган табиий ресурслар бирлигининг смета қиймати аниқ бўлган шароитда камайиш бирлигининг меъёри қуйидагича аниқланади.

Камайиш асоси = КБМХ х қазиб олинган захираларнинг смета қиймати

Ҳар бир даврга тегишли камайиш суммаси қазиб олинган хом ашёнинг миқдорини бирлик маҳсулотга тегишли смета қийматига кўпайтириш усули билан аниқланади. Ушбу сумма тегишли сарфлар ёки табиий ресурсларнинг инвентар счёти-

нинг дебет томонида ва тегишли активларнинг камайишини билдирувчи счётнинг кредит томонида қайд қилинади. Агарда ушбу инвентар счёт қўлланилса ушбу табиий ресурсларни сотиш жараёнига асосан ушбу камайиш асосининг қиймати сотилган маҳсулотларнинг қиймати сифатида ҳисобдан чиқарилади. Ҳисобот даврининг охирида қазиб олинган, лекин сотилмаган маҳсулотларга тегишли камайиш қиймати қазиб олинган ТМЗ қийматига қўшилади. Кўп ҳолларда камайиш суммаси камаяётган объектнинг кредитига ёзилади, лекин ушбу суммани жамғарилган камайиш счётини очиб унинг кредитига ёзилиб борилса, асосий воситаларнинг ҳисобини юритишга ўтишайди, чунки камайиш қазиб олинган хом ашё қийматининг бир қисмидир. Бундан ташқари, агарда ушбу хом ашё сотилса ушбу сотилган бойликларнинг бир қисмини ташкил қилади. Агарда ушбу бойликлар ҳисобот даврида сотилмаса бошқа ишлаб чиқариш харажатлари қатори камайиш суммаси чиқарилган ёки қазиб олинадиган хом-ашёга тегишли суммани аниқлаш анча қийинчиликларни туғдиради. Шунинг учун хам қопланадиган қийматга тез-тез тузатиш киритилади. Шунинг учун смета бўйича қайта тузилаётган меъёри унинг қолдиқ асоси ва қазиб олиш ҳажмига таққослаган ҳолда имконияти борича аниқ ҳисобланиши лозим.

Субъектнинг бошқа узоқ ва қисқа муддатли активлари қатори номоддий активлар ҳам хизмат вақтининг тугаши ёки бошқа сабабларга асосан ҳисобдан чиқарилиши, яъни субъектнинг тасарруфидан чиқарилиши мумкин.

Ушбу жараённи қайд қилиш ва бу маълумотларни умумлаштириш учун 9220-"Бошқа активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар" счёти қўлланилади. Ушбу счётнинг дебет томонида чиқиб кетаётган активларнинг баланс қиймати, ҚҚС ва бошқа сарфлар (комиссион мукофотлар ва ҳокаэолар) акс эттирилади. Унинг кредит томонида эса бойликларни сотишдан олинган даромаднинг суммаси ва эскириш суммаси қайд қилинади.

9220-"Бошқа активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар" счётининг дебет қолдиғи (кўрилган зарар) 9432-"Бошқа активларни сотишдан ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар натижасида кўрилган зарарлар" счётининг дебетига ва кредит қолдиғи эса 9320-"Бошқа активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлардан олинган фойда" счётнинг кредитига ёзилади.

Номоддий активларнинг субъект тасарруфидан чиқиб кетиши счётларда қуйидагича акс эттирилади.

9220-"Бошқа активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар" счётининг чизмаси.

Счётларнинг кредитидан Дебетга		Счётларнинг дебетидан Кредитга	
0400-	Ҳисобдан чиқарилаётган активларнинг бошланғич қиймати	Ҳисобдан чиқарилаётган активларнинг эскириш суммаси	-0500
6410-	Сотилган актив бўйича ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи	Кирим қилинган ва ҳисобланган суммалар	-4010, (5000, 5100, 5200)
9320-	Сотилган ва бошқа чиқиб кетган активлар бўйича олинган фойда	Бошқа активларни сотишдан ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар натижасида кўрилган зарарлар	-9432

V БОБ. ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРИ ВА АРЗОН БАҲОЛИ ВА ТЕЗ ЭСКИРУВЧАН БУЮМЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик фаолияти жараёнининг якуний босқичидан олинадиган тайёр маҳсулотларнинг таннархидаги сарфланган хом ашё ва материалларнинг улушини имконияти борича камайтириш муҳим ўрин тутади, чунки талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда уларга ўрнатилган баҳо (чунки ушбу баҳоларни тартибга солиб турувчи омил — бу таннархдир) маҳсулотларнинг харидоргирлик даражасини белгилайди. Ушбу муомалалар ва талаблардан келиб чиккан ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил килаетганда табиий ва моддий ресурслардан унумли фойдаланиш, иккиламчи ресурсларни ва ёндаш маҳсулотларни кенг талаб қилиши лозим.

Бу бўлимда субъектга тегишли бўлган товар-моддий захиралари, шу жумладан, йўлдаги ва қайта ишлашга берилган, ишланадиган, қайта ишланадиган, ишлаб чиқариш ва бошқа хўжалик мақсадлари учун ишлатиладиган меҳнат буюмлари, хом ашё ва материаллар, айланма маблағларнинг таркибига киритилган меҳнат буюмларининг таркиби, миқдори, ҳаракати, уларни тайёрлаш, сотиб олиш, қайта баҳолаш жараёнлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштиришнинг тартиб ва қоидалари ўрганилади.

Ўрганиш жараёнида товар-моддий захираларининг таркиби, ҳолати, ҳаракати, миқдори, сотиб олиниши ёки ишлаб чиқарилиши, баҳолаш ва қайта баҳолаш тартибларига эътибор бериш лозим. Бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари ўзида маҳсулотнинг таннархини камайтириш имкониятларини-моддий бойликлардан унумли фойдаланиш, сарфлар меёрини пасайтириш, товар-моддий қийматликларнинг талабга жавоб берадиган даражадаги сақлаш ва қўриқлаш ва бошқалар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириши лозим.

Ушбу талабни бажариш жараёнида бухгалтерия ҳисобининг олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

– сақлаш ва уларга ишлов бериш жойларида моддий қийматликлар ва тайёр маҳсулотларнинг сақланиши устидан назорат қилиш;

– моддий қийматликлар ва товарларнинг ҳаракати билан боғлиқ муомалаларни тўғри ва ўз вақтида ҳужжатлаштириш;

– маҳсулотларни ишлаб чиқариш, товар ва моддий қийматликларни тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни ажратиб олиш ва қайд қилиш;

– ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва сарфланган хом ашё ва материалларнинг, қолдиқ маҳсулот ва материалларнинг таннархини тўғри ҳисоблаш ва сақлаш жойлари ва балансининг тегишли моддалари бўйича ёритиш;

– товар-моддий бойликларнинг сарфи бўйича белгиланган меъёрларга амал қилиш ва ортиқча товар-моддий захираларни сотиш устидан назорат қилиш;

– товар-моддий қийматликларини етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан бўладиган ҳисоблашишларни келишилган вақтда амалга ошириш;

– йўлдаги товарлар, маҳсулотлар ва моддий қийматликларнинг ҳаракати ва товар-моддий захираларни етказиб бериш саналари устидан назорат ўрнатиш.

Ушбу вазифаларни бажариш ва назоратни етарли талаб даражасида ўрнатиш учун субъектда маркетинг бўлимини ташкил қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, омборхона хўжалигининг ҳолати, унинг жихозлари-ўлчов ускуналари, токчалар, стеллажлар, яшиклар ҳам муҳим ўрин тутади. Чунки хом ашё, материаллар, товар ва маҳсулотлар омборхонанинг махсус жихозларида- яшик, стеллаж-токчаларда тегишли турлари ва гуруҳлари бўйича сақланиши ва унинг хавоси мутадил сақланиши лозим.

Бундан ташқари, ушбу қийматликларни – ТМЗ қабул қилиб олувчи ва сарфга чиқарувчи жавобгар шахсларни тайинлаш ва ушбу муомалаларни амалга ошириш учун зарур бўлган хужжатларга имзо чекувчи жавобгар шахсларни тайинлаш ва белгилаш муҳим ўрин тутади.

Чунки товар-моддий захираларидан хўжалик фаолиятида ҳар хил мақсадлар учун фойдаланилади:

– товарлар ва тайёр маҳсулотлар истеъмолчиларга сотилади;

– хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришда тўлиқ истеъмол қилинади;

– айрим материаллар – мойлаш материаллари, бўёқлар ва шунга ўхшашлар фақатгина ўзларининг шаклини ўзгартирадилар;

– тайёрланган маҳсулотнинг таркибига ўзгармаган ҳолда киритилади,- эҳтиёт қисмлар, машина ва агрегатларнинг қисмлари;

– маҳсулотларни тайёрлашга ёрдам беради ёки шароит яратади- арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар.

Товар-моддий захираларидан фойдаланиш ва йўналиши бўйича улар асосан қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

– товарлар ва сотиладиган хом ашё ва материаллар, тайёр маҳсулотлар ва ортиқча хом-ашё ва материаллар;

– хом ашёлар-рудалар, пахта, калава, ип, чўян, нефть ва ҳоказо;

– асосий материаллар-ёғоч, темир, калава ва хоказолар;

– сотиб олинган ярим фабрикатлар – моторлар, қисмлар, бўёқлар ва ҳоказолар;

– чиқиндилар-қириндилар, латталар, урвоқлар ва ҳоказолар;

– идишлар-картон, ёғоч, пластмасса ва метал идишлар;

– ёқилғилар-қаттиқ-ёғоч, кўмир, суюқ-газ, мазут ёқилғилари;

– эҳтиёт қисмлар-машина ва ускуналарнинг айрим буюмлари;

– арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар – қисқич, курак, омбир ва бошқа жихозлар.

Товар-моддий захираларнинг устидан тезкор ва тизимли назорат ўрнатиш ва уларни ҳисобга олишни ташкил қилиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

– товар-моддий қийматликларининг номи ва баҳосини ўрнатиш;

– ҳужжатлаштириш ва хужжатларнинг айланиш тартибини аниқ белгилаш ва жавобгар шахсларга биркитиш;

– белгиланган тартибда ва муддатда инвентаризация ўтказиш;

– ҳозирги давр талаби бўлган ҳисобни автоматлаштириш тизимини жорий қилиш ва кенг қўллаш.

ТМЗ киримини энг аввало маркетинг бўлими назорат қилади, чунки бу бўлим мол етказиб берувчилар билан шартнома тузишда фаол қатнашади, кейинчалик таъминланиш графигини назорат қилади, унинг таркиби ва қабул қилаётганда аниқланган камомадлари бўйича мол етказиб берувчиларга даъволар билдиради ва жарима солади ҳамда

йўқолган ТМЗларни топиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Чунки товар-моддий захиралари асосан сотиш учун олинган ва ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган активлардан ташкил топган бўлиб, улар субъектнинг фаолиятида асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Товар-моддий захиралар бу қуйидаги шаклдаги активлардан ташкил топган:

а) реализация учун мўлжалланган маҳсулот ва товарлар, шу жумладан, йўлдаги товарлар;

б) тугалланмаган ишлаб чиқариш, яъни ишлаб чиқариш жараёнининг тугалланмаган сарфлари;

в) ишлаб чиқариш жараёни ёки хизмат кўрсатишга мўлжалланган хом ашё ва материаллар;

Айрим ҳолларда субъектнинг омборхоналарида мавжуд бўлган товар-моддий захираларининг айрим турлари товар-моддий захираларнинг таркибига киритилмаслиги ҳам мумкин.

1-хол. Инвентаризация қилинаётган даврда компаниянинг эгалик қилиш ҳуқуқи бўлмаган товарлар топилиши мумкин. Бу мижознинг буюртмасига асосан тайёрланган, у томонидан қиймати тўланган (яъни, олди-сотди битими бажарилган), унга қарашли ва жўнатишни кутаётган товарлардир. Уларнинг реализациясини қайд қилиш зарур.

2-хол. Моддий захираларнинг таркибига кирмайдиган товарларнинг яна бир категорияси бу- консигнациядаги товарлардир. Консигнация- бу комитент ёки консигнант деб аталадиган мулкдорнинг ўз товарларини бошқа компаниянинг омборларида жойлаштиришидир. Консигнатор бундай товарларни ўзининг моддий захираларининг таркибига киритмаслиги керак, чунки реализация давригача бу товарлар жўнатувчи-консигнантнинг мулки ҳисобланади.

Товар-моддий захираларнинг ҳисобини юритиш жараёнида улар қуйидаги тартибда, яъни товар-моддий захиралар қуйидагиларнинг энг кам қиймати бўйича баҳоланади:

а) таннарх бўйича маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки моддий захираларнинг харид баҳосига транспорт-тайёрлов сарфлари қўшилган ҳолда;

б) соф реализация қиймати бўйича келишилган баҳодан уларни сотишга тайёрлаш ва сотиш билан боғлиқ сарфларни чегиргандан кейин қолган қийматда.

Товар-моддий захираларни таннарх бўйича баҳолаш тартибида товар-моддий захираларнинг таннархи қуйидагилардан ташкил топади:

а) товар-моддий захираларининг сотиб олиш харажатлари, жумладан, харид қиймати (счёт-фактурада кўрсатилган суммадан харид чегирмаларининг айирмаси), божхона тўловлари ва бошқа солиқлар (қоплашга мўлжалланганларнинг айирмаси билан), фрахт қиймати (юклаш- тушириш ишлари ва товарнинг йўлдаги суғуртасини ҳисобга олган ҳолда), харид билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлардан;

б) қайта ишлаш харажатлари ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ харажатлардан, жумладан:

1. хом-ашё ва материалларни тайёр маҳсулотга айлантиришда станок ва асбоб-ускуналарда бевосита банд бўлган ишчиларнинг меҳнат ҳақини тўлаш ва ижтимоий суғурталаш харажатлари;

2. хом ашё ва материалларни тайёр маҳсулотга айлантириш учун сарфланган доимий ва ўзгарувчан ишлаб чиқаришнинг устама харажатларни доимий тартибда тақсимлашдан иборат.

в) жорий даврда ТМЗни тайинланган жойга элтиб бериш учун транспортировка ёки уларни керакли ҳолатга келтириш жараёнида (тайёр маҳсулотни омборга олиб бориш, товарни шахсий буюртмалар асосида бичиш ва йиғиш харажатлари ва бошқалар) сарфланган бошқа харажатлар.

Хизмат қилувчи соҳадаги субъектлардаги товар-моддий захираларнинг таннархи қуйидаги харажатлардан ташкил топган:

а) хизмат кўрсатиш билан билвосита боғлиқ (ўрта бўғиндаги раҳбар ходимларни қўшган ҳолда) ходимларга ҳисобланган меҳнат хақи ва ижтимоий суғурта ажратмалари;

б) ёрдамчи хизмат кўрсатувчи тармоқлар ва бошқа хўжаликларнинг харажатлари;

в) хизмат кўрсатиш жараёнида бевосита сарфланган устама сарфлар.

Товар-моддий захираларнинг таннархига киртилмайдиган қуйидаги харажатлар (хизмат кўрсатишни қўшган ҳолда, ҳамма соҳаларга қўлланиладиган) мавжуд:

а) меъёрдан юқори бўлган (субъект томонидан ўрнатилган муқобил (оптимал) харажат меъёрларидан) материаллар, ишчи кучи ва бошқа режалаштирилмаган ишлаб чиқариш сарфлари;

б) агар технологик жараёнда кўриб ўтилмаган бўлса, ишлаб чиқариш циклининг алоҳида босқичлари ўртасида ТМЗни сақлаш харажатлари;

в) маъмурий-бошқарув харажатлари;

г) реализация билан боғлиқ харажатлар.

Масала: Ишлаб чиқариш харажатлари ва давр харажатлари.

"А" фирмаси офис мебелининг битта моделини ишлаб чиқаради. ҳамма маҳсулотлар бир хил. Йил давомида қуйидаги харажатлар амалга оширилган:

Меҳнат ҳақи:

- ишлаб чиқаришдаги ишчиларга; 8000000 сўм
- ноишлаб чиқаришдаги ишчиларга; 2500000 сўм
- сотувчиларга; 300000 сўм
- маъмурият ходимларига; 150000 сўм

Ижтимоий суғурта ажратмалари; 4200000 сўм

Ишлаб чиқаришда ишлатилган хом ашё; 15200000 сўм

Бинонинг ижараси; 1500000 сўм

Ишлаб чиқаришдаги асбоб-ускуналарининг аморгизацияси; 500000 сўм

Бинони электр энергияси билан таъминлаш харажатлари; 800000 сўм

Қўшимча маълумотлар:

- Йил бошида товар-моддий захиралар йўқ эди;
- Йил давомида 800 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарилган;
- Йил охирида бутун маҳсулот ишлаб чиқарилиб бўлди;
- 600 бирлик маҳсулотнинг хар бир бирлиги 45000 сўмдан сотилди;
- Бино майдонининг 2/3 қисми ишлаб чиқариш учун ишлатилади, қолган қисми маъмурият офислари учун ишлатилади;
- Электр энергиянинг 3/4 қисми ишлаб чиқаришни таъминлаш учун сарфланади;
- Январда компания акциядорлар қўйган 50000000 сўм устав капитали билан фаолият бошлади. ҳисобот даврида компания кредитга хеч нима олмаган ва сотмаган.

Ушбу жараённинг сарфларини ҳисобга олиб қуйидаги амалларни бажариш лозим:

1. Харажатларнинг ишлаб чиқарилган маҳсулот бирликларига тақсимланиш тартиби.

2. Харажатларнинг йил охирида қолган маҳсулот бирликларига тақсимланиш тартиби.

3. Йил учун соф фойда хажмини аниқлаш.

1. Харажатларнинг ишлаб чиқарилган маҳсулот бирликларига тақсимланиши.

Бевосита ишлаб чиқариш меҳнат харажатлари 11200000 с.
Билвосита ишлаб чиқариш меҳнат харажатлари 3500000 с.
Бевосита материал харажатлар 15200000 с.
Бинонинг ижараси (15.00000х2/3) 1000000 с.
Ишлаб чиқаришдаги асбоб-ускуналарнинг амортизацияси 500000 с.
Электр билан таъминлаш харажатлари (800000х3/4) 600000 с.
Жаъми ишлаб чиқариш харажатлари 32000000 с.
Маҳсулот бирлигининг таннархи 32000000/800 = 40000 с.

2. Харажатларнинг йил охирида субъектда қолган маҳсулотнинг бирликларига тақсимланиши. 800-600 = =200х40000 = 8000000 с.

3. Йил учун соф фойда хажмини аниқлаш.

Реализациядан олинган даромад (600х45000) 32000000 с.
Реализацияга тайёр ТМЗ таннархи 240000 с.
Минус давр охиридаги ТМЗ 24000000 с.
Реализация қилинган маҳсулотнинг таннархи
24000000 с.
Сотувчиларнинг меҳнат хақи 3000000 с.
Маъмурият ходимларнинг меҳнат хақи 150000 с.
Бинонинг ижараси (1500000х1/3) 500000 с.
Бинонинг электр таъминоти (800000х1/4) 200000 с.
Жаъми харажатлар 25150000 с.
Солиқ солингунча бўлган фойда (тақсимланмаган фойда) 1850000 с.
Фойда солиғи 370000 с.
Соф фойда 1480000 с.
31-декабрга бўлган синов баланси
Пул маблағлари 43350000
ТМЗ 8000000
Ҳисобланган амортизация 500000
Тўланадиган солиқлар 370000
Устав капитали 50000000
Тақсимланмаган фойда 1480000

Жаъми:	51850000	51850000

Товар-моддий захираларнинг таннархини ҳисоблаш усуллари қуйидагилардан ташкил топган:

а) ялпи идентификация усули, аниқ харажатларга асосланган бўлиб ўзаро алмаштирилмайдиган конкрет бирликлари махсус индивидуал буюртмалар бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот, товарлар ва хизматларнинг таннархини ҳисоблаш учун қўлланилади.

б) ўртача тортилган қиймат усули- ТМЗ ҳар бир бирлигининг қиймати ҳисобот даврининг бошида бир турли ТМЗ бирликлари ва ҳисобот даври давомида сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилган бир турли ТМЗ бирликларининг ўртача тортилган қиймати бўйича аниқланади. ТМЗ бирлигининг ўртача тортилган қиймати ТМЗнинг бутун қийматини ушбу захиралар бирликларининг сонига бўлиш билан аниқланади.

в) биринчи харид баҳолари бўйича баҳолаш усули (FIFO- биринчи кирим- биринчи чиқим)- биринчи навбатда сотиб олинган товарларнинг таннархи биринчи навбатда сотиб юборилган товарларга олиб борилиши керак деган тартибга асосланган.

г) охирги харид нархлари бўйича баҳолаш усули (LIFO)- охирги харид қилинган товарларнинг таннархи биринчи навбатда сотилган товарларнинг қийматини аниқлаш учун, ҳисобот даврининг охирига бўлган захираларнинг таннархи эса биринчи навбатда харид қилинган товарларнинг таннархи асосида ҳисобга олинади, деган тахминга асосланган.

Масалан: Товар-моддий захираларнинг таннархини ҳисоблаш усуллари.

"Махмуд" компанияси йил давомида қуйидаги ТМЗни харид қилди:

Йил охирида омборхонада 400 бирлик маҳсулот бор эди. Реализациядан келган соф тушум 1250000 сўмни ташкил этди.

1. Биринчи харид нархларида баҳолаш усули (FIFO)ни қўллаб, сотилган маҳсулотнинг таннархини ва давр охиридаги захираларга тақсимланган харажатлар қуйидаги тартибда аниқланади:

	Бирликларнинг ҳажми	Маҳсулот бирлигининг баҳоси	Умумий қиймат
15 январь	500	600 сўм	300000 сўм
22 май	800	700 сўм	560000 сўм
10 сентябрь	600	800 сўм	480000 сўм
Жаъми:	1900	-	1340000 сўм

Реализациядан тушган даромад	1250000
Сотишга тайёр маҳсулотларнинг таннархи	1340000

Давр охиридаги ТМЗ (400x800 сўм)	320000
Сотилган маҳсулотларнинг таннархи	1020000
Реализациядан олинган ялпи фойда	230000

2. Ўртача тортилган қиймат усулини қўллаб, сотилган маҳсулотнинг таннархини ва ҳисобот давринининг охиридаги захираларга тақсимланган харажатлар қуйидаги тартибда аниқланади:

Товар бирлигининг ўртача ҳисобланган қиймати (1340000/1900) 705,3 сўм

Реализациядан тушган даромад	1250000
Сотишга тайёр маҳсулотларнинг таннархи	1340000
Давр охиридаги ТМЗ (400x705,3)	282120
Сотилган маҳсулотларнинг таннархи	1057880
Реализациядан олинган ялпи фойда	192120.

3. Охирги харид нархларида баҳолаш усули (LIFO)ни қўллаб, сотилган маҳсулотларнинг таннархи ва давр охиридаги захираларга тақсимланган харажатлар қуйидаги тартибда аниқланади:

Реализациядан тушган даромад	1250000
Сотишга тайёр маҳсулотларнинг таннархи	1340000
Давр охиридаги ТМЗ (400x600) таннархи	240000
Сотилган маҳсулотларнинг таннархи	1100000
Сотувдан келган ялпи фойда	150000

Усулларни таққослаш

Кўрсаткичлар усуллар	FIFO усули	Ўртача тортилган қиймат усули	LIFO усули
Реализациядан тушган даромад	1250000	1250000	1250000
Сотишга тайёр маҳсулотнинг таннархи	1340000	1340000	1340000
Давр охиридаги ТМЗ	320000	282120	240000
Сотилган маҳсулотнинг таннархи	1020000	1057880	1100000
Реализациядан олинган ялпи фойда	230000	192120	150000

Товар-моддий захираларни соф реализация қиймати бўйича баҳолаш.

Товар-моддий захиралар шикастланганда, қисман ёки бутунлай эскирганда, комплектлашга ёки сотувни ташкил қилиш харажатлари ошганда, сотув нархи пасайган ҳолатларда, товар-моддий захиралари ўз таннархидан паст баҳода реализация қийматида баҳоланиши мумкин.

Соф реализация қиймати- товар сотилишининг тахминий қийматидан товарларни сотув олдидан тайёрлаш ва уни сотиш харажатларининг айирмасидир.

Товар-моддий захиралари соф реализация қийматигача қуйидаги усуллар асосида қисман ҳисобдан чиқарилади:

а) моддалар бўйича усули- бунда товар-моддий захираларининг ҳар бир тури баҳоланади;

б) асосий товар гуруҳларининг усули- бунда товар-моддий захираларининг гуруҳи баҳоланади;

в) захираларнинг умумий даражаси усули- бунда ҳамма товар- моддий захиралари баҳоланади.

Соф реализация қийматида ҳисобдан чиқаришнинг хусусиятлари

Масала: ТМЗни реализация қиймати бўйича баҳолаш.

"Махсус мебель" компанияси ўзининг тижорат фаолиятини ҳисобот даврида унинг эгалари томонидан киритилган 5000000 сўм капитали билан бошлади. Компания 1000 бирлик товар-моддий захираларни 1000000 сўмга сотиб олди, фрахт сарфлари 100000 сўмни ташкил этди. Йил давомида компания 750 бирлик маҳсулотнинг бир бирлигини 1500 сўм баҳода сотди. Йил охирида компания ихтиёрида 250 бирлик маҳсулот бор, улардан 50таси шикастланган эди. Шикастланган бирликларнинг ҳар бирини 250 сўм баҳода, қолган 200 донанинг эса ҳар бирини 1500 сўм нархда сотиши мумкин бўлади.

1. Июль охирига бўлган ТМЗ қолдиқлари балансда қандай сумма бўйича ҳисобга олинади?

2. Ушбу муомалалар бўйича шикастланган бирликларнинг сотилишининг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга таъсирини аниқланг.

Биринчи саволнинг жавоби:

ТМЗ бирлигининг таннархи:

1000000 сўм+100000 сўм =1100000 сўм/1000=1100 сўмни ташкил қилади

Соф реализация қиймати:

- шикастланган маҳсулотларнинг бирлиги учун 250 сўм
- шикастланмаган маҳсулотларнинг бирлиги учун 1500 сўм

Балансда ТМЗ таннархи ва соф реализация қийматидан энг кичик қиймат бўйича акс эттирилади:

Шикастланган маҳсулотлар 50х250сўм = 12500 сўм

Шикастланмаган маҳсулотлар 200х1100 сўм = 220000 сўм
Жами ТМЗ қолдиқлари 232500 сўм
Иккинчи саволнинг жавоби:
Реализациядан олинган соф тушум (750х1500сўм) = 1125000 сўм
Сотилган маҳсулотларнинг таннархи(750х1100сўм) = 825000 сўм
Соф реализация қиймати (50х250сўм) = 12500 сўм
Таннарх (50х1100сўм) = 55000 сўм
Шикастланган маҳсулотлардан кўрилган зарар (42500сўм)
Сотувдан келган ялпи фойда (1125000-825000-42500 = 257500 сўм
ТМЗнинг соф реализация қиймати бўйича баҳоланиши ва соф реализация қийматининг кейинги кўтарилиши.
Юқорида кўрсатилган мисолни ТМЗнинг соф реализация қийматининг 1200 сўмгача кейинги кўтарилиши шартида акс эттиринг.
Соф реализация қиймати 1200 сўм
Таннарх 1100 сўм
Таннарх ва соф реализация қийматидан энг кам қиймат бўйича баҳолашдан келиб чиккан ҳолда ТМЗнинг янги баланс қиймати- 1100 сўм
Сотувдан келган даромад 750х1500сўм = 1125000 сўм
Сотилган маҳсулотларнинг таннархи (750х1100сўм) = 825000 сўм
Олдин харажат деб тан олинган, соф реализация қийматигача ҳисобдан чиқариш натижаси:
Соф реализация қиймати 50х1100сўм = 55000 сўм
Қайта баҳолашгача бўлган баланс қиймати 50х250сўм = 12500 сўм
Қайта баҳолаш натижаси 42500 сўм
Сотувдан олинган ялпи фойда (1125000 сўм-825000сўм+42500сўм) = 342500 сўм

ТМЗни ҳисобга олишнинг даврий ва узлуксиз тизимлари

ТМЗни даврий ҳисобга олиш.
Даврий ҳисобга олиш тизимини қўллашда йил давомида ТМЗнинг ҳар бирининг батафсил ҳисоби юритилмайди. Товар-моддий захираларнинг ҳақиқий мавжудлиги мавжуд захираларнинг инвентаризация натижалари бўйича аниқланади. Сотилган ТМЗнинг таннархини инвентаризация якунланмагунча аниқлаб бўлмайди, чунки сотилган ТМЗ таннархини ҳисоблаш қуйидаги формула билан топилади:

$M_c+M_к = M_т-M_{cl} = M_р$, бунда
M_c- ҳисобот даври бошига бўлган ТМЗ қолдиғи
$M_к$- келиб тушган ТМЗ
$M_т$- сотишга тайёр ТМЗ таннархи
M_{cl}- ҳисобот даври охирига бўлган ТМЗ қолдиғи
$M_р$- сотилган ТМЗ таннархи

Даврий ҳисобга олиш тизимини қўллаганда, товар-моддий захираларнинг баланс счётларидаги қолдиғи инвентаризация якунланмагунча бошланғич даражада қолади. ТМЗнинг бутун ҳаракати харажатларнинг вақтинчалик счётларида акс эттирилади, масалан. материалларнинг хариди "Товар моддий захиралари" баланс счётида эмас, балки 1510- "Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш" счётининг дебетида акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирида ТМЗ қолдиқларининг инвентаризацияси натижалари бўйича ТМЗни ҳисобга олиш баланс счётларининг дебетланиши ёки кредитланиши, ""Товар-моддий захиралар бўйича тузатишлар" ёки "Материалларни харид қилиш бўйича харажатлар" счётлари билан корреспондентликда тузатувчи ёзувлар амалга оширилади.

Бутун ҳисобот даври давомида сотилган ТМЗнинг таннархи "Товар-моддий захиралар бўйича тузатишлар" счётининг қолдиғига тузатилган, "Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётининг дебети бўйича йиғилиб борилади.

ТМЗни узлуксиз ҳисобга олиш тизимини қўллаганда ТМЗнинг баланс счётларида товар-моддий захираларнинг келиб тушиши ва чиқиб кетиши батафсил акс эттирилади. ТМЗни даврий ҳисобга олишда қўлланиладиган харажатларнинг вақтинчалик счётлари бу ҳолда қўлланилмайди. Натижада бутун ҳисобот даври давомида ТМЗнинг маълум турларининг мавжудлиги ва сотилган захираларнинг таннархи маълум бўлади.

Сотилган ТМЗнинг таннархи сотилиш бўйича "Сотилган маҳсулот (товар)нинг таннархи" счётида акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобида узлуксиз ва даврий тизимларнинг асосий фарқи шуки, узлуксиз ҳисоб тизимига мувофиқ "Товарлар" счётида доимо янги харидлар, сотувлар ва товарлар билан боғлиқ бўлган бошқа муомалалар акс эттирилади. Захираларнинг даврий ҳисоб тизими юритилганда ушбу счёт бўйича маълумотлар ҳисобот даврининг охирида мавжуд товар-моддий захираларининг инвентаризацияси ўтказилмагунча, бошланғич ҳолида қолади. Натижада даврий ҳисоб тизими

шароитида ишлатиладиган "Товарларнинг хариди", "Сотиб олинган товарларнинг қайтариб берилиши ва нархининг пасайтирилиши", "Харидорлардан чегирмалар" ва "Товарларни сотиб олиш бўйича транспорт харажатлари" каби счётлар захираларни узлуксиз ҳисобга олиш тизими шароитида ишлатилмайди.

Ушбу фарқларни намоён қилиш учун канцелярия товарларининг улгуржи савдоси бўйича муомалаларни икки хил тизимда ҳисобга олишни кўрсатамиз.

1. Умумий қиймати 1200000 сўм бўлган 100 бирлик ТМЗ олинди, 2/10, n/30 шартларида, ФОБ-йўналиш станцияси. Нетто- харидлар бўйича ҳисоб усули қўлланилади.

Захираларнинг узлуксиз ҳисоби тизими		Захираларнинг даврий ҳисоби тизими	
Товарлар	1176000	Товарларнинг харид	1176000
Тўланадиган счётлар	1176000	Тўланадиган счётлар	1176000
2. Харидорга чаканасига 300000 сўмга 20 бирлик товар сотилди. n/10 шартларида, ФОБ-жўнатиш станцияси			
Олинадиган счётлар	300000	Олинадиган счётлар	300000
Сотишдан тушган даромад	300000	Сотишдан тушган даромад	300000
Сотилган товарларнинг таннархи	235200		
Товарлар	235200		
3. Мол етказиб берувчи билан 10 бирлик товарни соф кредит қиймати бўйича қайтариб бериш бевосита келишилди.			
Тўланадиган счётлар	117600	Тўланадиган счётлар	117600
Товарлар	117600	Товарларнинг хариди	117600
4. Хариддан чегирма берилиш муддати тугагунча мол етказиб берувчига қарзларнинг тўлиқ тўланиши.			
Тўланадиган счётлар	1058400	Тўланадиган счётлар	1058400
Пул маблағлари	1058400	Пул маблағлари	1058400

Мол етказиб берувчига тўловлар: 1176000-117600 = 1058400

Биринчи учта муомаладаги фарқларга қаранг. Ҳар бир ҳолда, узлуксиз ҳисоб усулини қўллаганда "Товарлар" счёти мавжуд товар захираларининг ҳолатини аниқ акс эттириш учун жорий муомалалар билан мос равишда келтирилади. "Товарларнинг хариди" ва "Сотиб олинган товарларнинг қайтариб берилиши ва нархларининг туширилиши" счётлари эса қўлланилмайди.

Бундан ташқари, иккинчи муомалада "Сотилган товарларнинг таннархи" счёти бўйича ёзувлар сотув вақтида амалга оширилади.

Узлуксиз ҳисоб усулини қўллаганда йил охирида "Товарлар" счёти қолдиғининг тузатилишини ва "Даромад ва харажатларнинг йиғилиши" счётининг кредити ва дебети бўйича тегишли ёзувларни ўтказишнинг хожати йўқ, чунки товарларнинг ҳаракати доимо "Товарлар" счётида акс эттирилади. Шу сабабли ҳисоб регистрида йил охирига бўлган қолдиқни ҳам аниқлашнинг кераги йўқ. Фақат "Сотилган товарларнинг таннархи" счётининг қолдиғини "Даромад ва харажатларнинг йиғилиши" счётига ўтказиш лозим.

Товар-моддий захираларни сотганда уларнинг баланс қиймати реализациядан олинган тушум тан олинган давр учун харажат деб эътироф этилиши керак (тегишлилик принципи).

Товар-моддий захиралар қийматининг соф реализация қийматигача пасайиш суммаси ва ҳамма ТМЗ йўқотишлари ТМЗнинг камайиши рўй берган даврда харажат деб эътироф этилади. Бу молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда "Сотилган маҳсулотларнинг таннархи" қаторида кўпайиш деб акс эттирилади.

Олдин соф реализация қийматигача туширилган товар-моддий захиралар қийматининг ўсиш суммаси "Молиявий натижалар тўғрисидаги" ҳисоботда товар-моддий захиралар қийматининг ўсиши рўй берган даврда "Сотилган маҳсулотларнинг таннархи" моддаси бўйича камайиш деб акс эттирилади.

ТМЗ қийматининг қайта баҳоланиши фақат олдин соф реализация қийматигача қисман ҳисобдан чиқаришга дучор бўлган товар-моддий захираларга нисбатан амалга оширилиши мумкин.

Асосий воситаларнинг счётларида ҳисобга олинган товар-моддий захиралар (ўз эҳтиёжларига қараб, субъект томонидан хўжалик усулида қурилган бинолар, иншоотлар ёки асбоб-ускуналарининг компонентлари) тизимли равишда улар компонент бўлиб хизмат қиладиган асосий воситасининг фойдали ишлаш муддати давомида харажат деб эътироф этилади.

Субъектга тегишли хом ашё, материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, идишлар ва шунга ўхшаш бошқа моддий бойликлар, уларнинг қиймати, миқдори ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни йиғиб бориш учун 1000- "Материаллар" синтетик, актив счётлар қўлланилади. Бу счётларда юқорида таърифланган хом ашё ва материалларни келтириш-тайёрлаш ҳақиқий

таннархда, улгуржи баҳода, ҳисоб нархларида, ёки халкаро стандарт LIFO ёки FIFO усулларида ҳисобга олиб борилади.

Хом ашё ва материалларни тайёрлаш ва келтиришнинг ҳақиқий таннархи уларни сотиб олиш, субъектнинг ҳудудига келтириш қиймати, тайёрлаш ва ташиб келтириш билан боғлиқ харажатлардан иборат. Хом ашё ва материалларни тайёрлаш харажатларининг таркибига киритиладиган сарфлар тегишли тартибга солувчи ҳужжатларга асосан белгиланади ва субъектга олиб келинган хом ашё ва материалларнинг таннархи қуйидаги математик формулага асосан ҳисобланади:

$М_Х = М_Ш + Т_Х + М_Т$ бунда,

$М_Х$- хом-ашё ва материалларнинг ҳақиқий таннархи;

$М_Ш$- хом-ашё ва материалларнинг келишилган шартнома баҳоси;

$Т_Х$- транспорт харажатлари – темир йўл тарифи, сақлаш, тушириш, ортиш ва омборга келтириш харажатлари;

$М_Т$- хом ашё ва материалларни тайёрлаш харажатлари.

Ташқаридан ва маҳаллий мол етказиб берувчилардан ТМЗларни субъектнинг экспедитори ёки бошқа жавобгар шахс олиб келади. Ушбу қийматликларни қабул қилаётганда экспедитор аввало идишларнинг ҳолати, пломбаларининг бузилмаганлигига эътибор беради, агарда ушбу ҳолатлар бузилган бўлса ушбу қийматликларни текшириб, ўлчаб ва санаб қабул қилишни талаб қилади.

Мабодо қабул қилиш жараёнида камомад аниқланса, қийматликлар бузилган ёки зарарланган бўлса, тижорат далолатномасини тузадилар ва бир нусхасини мол етказиб берувчига ёки унинг ишончли вакилига топширадилар, натижада ушбу далолатномага асосан даъво билдирилади.

Марказлаштирилган ҳолда ТМЗ автотранспорт ташкилоти ёрдамида субъектларга ташиб келтирилса товар-юк хати (М-5 ва М-6 шакли) тўрт нусхада тўлғазилади:

1-нусха – сотиб олувчиларга- кирим ордери ўрнига фойдаланиш учун;

2-нусха – мол етказиб берувчиларга- юборилган ТМЗ ҳисобдан чиқариш учун;

3-нусха – транспорт ташкилотига – кўрсатилган хизматларнинг қийматини ва ҳайдовчиларга меҳнат ҳақи ҳисоблаш учун;

4-нусха – мол етказиб берувчиларга, ТМЗ қийматини истеъмолчидан ундириб олиш учун банкка берадилар.

М-7 шакли- "Материалларни қабул қилиб олиш далолатномаси" ТМЗ кузатувчи ҳужжатларсиз (фактурасиз) келган тақдирда ёки кузатувчи ҳужжатлардаги маълумотлар (суммаси, миқдори, сифати ва ҳоказолар) ҳақиқий мавжудлигига тўғри келмаган ҳолатларда икки нусхада тузилади ва 1 нусхаси бухгалтерияга ушбу маълумотларни қайд қилиш, камомад ёки ортиқча суммани қайд қилиш учун ва мол етказиб берувчига жўнатиш мақсадида маркетинг бўлимига берилади. Ушбу далолатнома тузилгандан кейин кирим ордерини ёзишга зарурият қолмайди.

Товар-моддий захираларининг ҳисобини юритишга асос бўлган, ТМЗ ҳисобга олиш бўйича тегишли Стандартнинг талабига жавоб берадиган ва ҳисобни автоматлаштиришга мосланган дастлабки ҳисоб ҳужжатлари қўлланилади.

Хўжалик юритувчи субъектга ТМЗ кирим қилинишини аввало маркетинг бўлими назорат қилади, чунки бу бўлим мол етказиб берувчиларнинг ТМЗни ўз вақтида етказиб бериши юзасидан тузган шартномадаги графикнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатади, уларга миқдор ва сифатининг бузилиши натижасида даъво билдиради. Белгиланган вақтда субъектга келиб тушмаган ТМЗларни кидириб топади.

Маҳаллий ва четдан олинадиган ТМЗ субъект томонидан вакил, юк ташувчи (экспедитор) олиб субъектнинг омборхонасига топширади. Юк ташиётган транспорт ташкилотларидан тегишли юкларни қабул қилиб олаётган экспедитор (юкни кузатувчи) асосий эътиборини идишларнинг ҳолати, сургучи- пломбасининг ҳолатига қаратиши лозим. Агарда уларга шикаст етган бўлса ушбу юкни текшириб қабул қилиши лозим. Текшириш натижасида юкнинг камомади ёки бузилиши (синиши, эзилиши) аниқланган ҳолатда дарҳол коммерция (олди-сотди) далолатномаси тузилиб тегишли жавобгар шахсларга, мол етказиб берувчилар ёки транспорт ташкилотларига даъво билдирилади.

Ушбу юкни кузатувчи олиб келган юкларини омборхонага топшираётганда омборхона мудири унинг ҳужжатларда кўрсатилган миқдори, сифати, турларини ҳақиқий мавжудлигига таққослаб текширади ва қабул қилади. Ҳужжатда кўрсатилган ТМЗ ҳақиқатда мавжуд бўлган қийматликларга тўғри келса омбор мудири материалларнинг кирим ордери (М-4)ни тўлғазади.

Дастлабки ҳужжатларнинг миқдорини камайтириш мақсадида айрим ҳолларда ушбу ТМЗ ҳужжатсиз қабул қилинади, яъни кирим ордери тузилмайди. Агарда мол етказиб берувчининг ҳужжатида кўрсатилган ТМЗ қақиқатда қабул қилинганга тўғри келса, у ҳолда унинг ҳужжати – тўлов талабномаси тўлғазилади ва штамп билан тасдиқланади. Чунки штампда кирим ордерининг ҳамма реквизитлари бўлади.

Агарда ТМЗ марказлашган ҳолда етказиб берилаётган ёки мол етказиб берувчи олиб келса у ҳолда товар-транспорт юк хати тўлғазилади.

ТМЗ келган ва омборга қабул қилинган куниёк кирим ҳужжатлари тўлғазилади.

Лаборатория текширишидан ўтказиладиган, техникавий текшириладиган ва масъул сақлашга қабул қилинган ТМЗ айрим ҳолда ёки айрим омборхонада сақланади. Текшириш ўтказиб бўлинмагунча уларни кирим қилиш ва сарфлаш қатъиян ман қилинади.

Ушбу ТМЗ махсус дафтарларда ҳисобга олиб борилади ва уларнинг бутлиги, сақланиши устидан назорат ўрнатишга ёрдам беради.

Бундан ташқари ТМЗ ички ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олиш учун омбордан-омборга, цехлардан фойдаланишдан ортиқча ёки тежалган материалларни ва чиқиндиларни омборга топширишни назорат қилиш лозим.

Яроқсиз маҳсулотларни, асосий воситаларни бузишдан олинган қийматликларни, АТБ тугатилишдан олинган қийматликларни омборга топшириш жараёнларида юк хатлари ва талабномалар (М-11) тузилади. ТМЗ топшираётган жавобгар шахс ушбу ҳужжатни икки нусхада тузади:

1-нусха – цехнинг жавобгарлигидаги материалларни ҳисобдан чиқаришга;

2-нусха – омборхонага уларни қабул қилиш учун асос бўлади.

Субъектга қабул қилингандан кейин товар-моддий захираларидан асосан қуйидаги тартибда фойдаланилади:

– хом ашёлар, материаллар асосан ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланиш учун, айрим ҳоллардагина ходимларга ёрдам тариқасида ажратилади ва ортиқча бўлган материаллар сотилади.

– товарлар асосан сотиш учун, таъсисчиларнинг улуши, бартер муомаласи ва меҳнат ҳақи, мукофот ва ёрдам сифатида бериш;

ТМЗ субъектнинг ишлаб чиқариши ва хўжалик зарурияти (иморат ва иншоотларни асраш, таъмирлаш, кўрикдан ўтказиш) учун сарфланганда уларнинг чиқимини тасдиқлайдиган хужжатлар тузилади. Ушбу ҳужжатлар чегараланган олинадиган карта, талабнома, юк хати ва билдиришномалардир. Ушбу хужжатлардан энг қулай ва сарфнинг устидан назорат қилишни осонлаштирадиган ҳужжат чегараланган олинадиган картадир. Ушбу карта маркетинг бўлими томонидан – технолог билан келишилган ҳолда икки нусхада (М-8 ва М-9) тузилади. Бу карта ишлаб чиқаришнинг хусусиятига қараб 1 хил ёки бир неча турдаги материалларга ва айрим технологик жараёнга тузилади. Ушбу иккита картада тегишли сарфланган материаллар қайд қилинади ва қолдиқ суммаси кўрсатилиб борилади. Белгиланган материал ёки хом ашёлар сарфланиб бўлгандан кейин ёки ой тугагандан кейин ушбу карталар омборхонанинг мудири ва цех бошлиғи томонидан ўзининг ҳисоботларига қўшиб бухгалтерияга топширадилар. Ушбу карталарга асосан бухгалтерияда хом ашё ва материалларнинг чиқими акс эттирилади ва уларнинг сарфланган хажми ва йўналишлари назорат қилиб борилади. Ушбу картада фойдаланилмаган (қайтарилган) хом ашё ва материаллар хам кўрсатилади.

Чегараланган-олув карталари ушбу хом ашё ёки материалларни доимий ёки тизимли олиш зарурияти туғилганда ишлатилади. Айрим ҳолларда материалларга бўлган зарурият ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятида доимий тусда руёбга чикмайди. У ҳолларда зарурият учун талабнома ёки қўшимча хом ашё, материал учун талабнома-далолатнома (М-10) тузилади. Бу ҳужжат икки нусхада тузилиб биттаси омборхонада қолса иккинчи нусхаси истеъмолчига, цех ёки бўлимга берилади.

Меъёрдан ортиқча олинадиган ҳар бир хом ашё ёки материал учун (яроқсиз маҳсулотнинг ўрнини қоплаш, ортиқча сарфлаш, ишлаб чиқариш режасининг ортиқча бажарилиши ва хоказо) махсус талабномалар тузилади, чунки унда сабаби, коди ва жавобгар шахслар кўрсатилади. Ушбу хом ашё ёки материалларни бериш фақатгина махсус масъул ходимларнинг (директор, муҳандис, технолог) топшириғи (имзоси)га асосан амалга оширилади.

Хом ашёлар, материал ва товарлар четга, мустақил балансга ажратилган бўлимларга хуллас, субъектнинг манзилидан четга чиқарилаетганда М-11 юк хати тўлғазилади. Ушбу юк хати сотиш бўлими томонидан уч нусхада тўлғазилади. Уни тўлғазиш учун тузилган шартномалар, буйруқ ёки топшириқлар асос бўлади. Агарда ушбу ТМЗ шартномага мувофиқ транспортда истеъмолчиларга жўнатилса товар-транспорт юк хати тўлғазилади.

Субъектларда материал ва хом ашёларни ҳисобга олиш қуйидаги дастлабки ва йиғма ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

М-1. Келтирилган юкларни ҳисобга олиш журнали- бу журнал субъектнинг бухгалтерияси еки моддий таъминот бўлимида юритилиб, унга хом ашё ва материалларнинг кузатиш хужжатлари — счёт-фактура, юкхатлар қайд қилиб берилади ва айрим устунда пули тўланганлиги тўғрисида белги қўйилади.

М-2. Ишончнома — айрим шахсларга материал олиш учун вакиллик ҳуқуқини беради ва субъект томонидан бир нусхада ёзилиб шу шахсга имзо билан берилади ва муддати 10-15 кунга белгиланади.

М-2а. Ишончнома — агарда субъект у ёки бу ташкилотдан доимий равишда хом ашё ёки материал олиб турса қўлланилади ва ушбу берилган М2б ишончномаларни ҳисобга олиш журналида қайд қилиб борилади (кимга, қачон ва нима учун берилди).

М-3 ва М-4. Кирим ордерлари-омборхонага товар-моддий захираларни қабул қилиш учун омборхона мудири томонидан тўлғазилади.

М-7. Материалларни қабул қилиш далолатномаси. Агарда материаллар ҳужжатсиз келса, ёки ҳужжатда кўрсатилаётган маълумотлар билан ҳақиқий мавжудлиги ўртасида фарқ аниқланса қўлланилади. Далолатнома комиссия томонидан икки нусхада тузилиб биринчи нусхаси бухгалтерияга материалларни ҳисобга олиш учун берилади, иккинчи нусхаси эса мол етказиб берувчига даъво хатини тайёрлаш учун моддий таъминот бўлимига ёки бухгалтерияга берилади.

М-8. Ойлик чегараланган олиш картаси — битта материал учун.

М-8а. Квадратлик чегараланган олиш картаси — бир хил материални учун.

М-9. Чегараланган олиш картаси – материалларнинг 2-5 тури учун.

М-9а. Чегараланган олиш картаси – бир хил маҳсулот учун сарфланадиган материаллар учун.

Юқорида қайд қилинган субъектларда ишлаб чиқариш технологияси харитаси ёки лойиҳа сметасига асосан чегараланган олиш картаси тузилиб цех ёки қурилишнинг раҳбари томонидан тасдиқланади ва 1-нусхаси омборхонага, 2 нусхаси ишлаб чиқариш объектига берилиб олинган хом ашё ва материаллар қайд қилиб борилади. Хом ашё ва материаллар олиб бўлингандан кейин ёпилиб ҳисоботлар омборхона мудирининг ҳисоботи ва ишлаб чиқариш ҳисоботлари билан бухгалтерияга топширилади.

М-10. Бир қаторли талабнома – битта материалнинг олинганлиги учун.

М-10а. Огоҳлантирувчи талабнома – тасдиқланган меъёрдан ортиқча олинган материаллар учун.

М-11. Кўп қаторли талабнома – ҳар хил материалларни олиш учун.

Бу талабномалар хам цех раҳбари ёки қурилиш объектининг раҳбари томонидан ёзилиб тасдиқлангандан кейин омборхонадан олинади ва ҳисоботларга илова қилиниб бухгалтерияга топширилади.

М-12. Бир қаторли юк хати – битта материалнинг омбордан омборга ёки цехдан цехга ўтказилиши учун.

М-13. Кўп қаторли юк хати – ҳар хил материалларнинг омбордан омборга еки цехдан цехга ўтказилиш учун.

Бу юкхатлар орқали материалларнинг субъект ичидаги ҳаракатини (сарфланиши эмас) назорат қилиш ва ҳисобга олиб бориш учун қўлланилади.

М-14. Бир қаторли юк хати – битта материални четга сотиш ёки бериш учун.

М-15. Кўп қаторли юк хати – бир нечта материалларни четга сотиш ёки бериш учун.

Бу юк хатлари субъектнинг филиалларига материалларни бериш ёки шартномаларга асосан бошқа шахсларга сотиш учун қўлланилиб, икки нусхада тузилади.

М-17. Омборхонада материалларни ҳисобга олиш картаси омборхонадаги мавжуд товар-моддий захираларининг нави, миқдори, баҳоси бўйича ҳаракатини ҳисобга олиб боради.

Бу карталарни омборхона мудири тузади ва юргазиб боради ва ушбу карталар омборхонадаги материаллар тўғрисида тезкор муълумотлар олиш учун хизмат қилади.

М-18. Ҳужжатларни қабул қилиб олиш қайдномаси – омбор мудири томонидан тузилиб унда бухгалтерияга топширилган кирим ва чиқим ҳужжатлари қайд қилинади.

М-20. Омборхонада қолган материалларнинг жамғармаси-маълум даврга (асосан ой, квартал ва йил охирида) омборда мавжуд бўлган материалларнинг қолдиғи омбор карточкаларига асосан тезкор бухгалтерия ҳисоби усулида аниқланади.

М-22а. Сарфланган материалларни ҳисобдан чиқариш ва материаллар қолдиғи тўғрисида далолатнома.

М-28. Чегараланган олиш картаси- қурилишда материалларни объект битгунча олиш учун.

М-28а. Чегараланган олиш картаси- қурилишда материалларни ой давомида олиш учун.

Ушбу ҳужжат махсус комиссия инвентаризация ўтказгандан кейин тузилади. Унда маълумотлар жорий ҳисобга асосан қўйилади ва ТМЗ ҳақиқий мавжудлиги эса ўтказилган инвентаризациянинг якуни бўйича аниқланади.

М-34. Материалларнинг ҳақиқий қолдиғи билан захира меъёри ўртасида фарқ тўғрисидаги огоҳлантирувчи билдиришнома. Бу билдиришнома омбор мудири томонидан М-17 маълумотига асосан тўлғазилиб унда материалларнинг ҳаракати, кераксиз ёки ортиқча материаллар бўйича маълумотлар олиниб келгуси ойда моддий-техника таъминоти (маркетинг) бўлими ходимларининг фаолиятини тартибга солишга ёрдам беради.

ТМЗ омборхоналарда ва бухгалтерияда ҳисобини юритиш тартиби "Товар-материал захиралари" номли 4-Миллий стандартга асосан субъект томонидан тасдиқланган ҳисоб сиёсатига мувофиқ юритилади. Ҳозирги даврга нисбатан тўлароқ жавоб берадиган усуллар бу тезкор-бухгалтерия усули ва миқдор-сумма усулларидир. Бу усулларни қўллаганда ТМЗ ҳаракати устидан назорат омбор мудирларининг маълумотларига асосан амалга оширилади.

Тезкор-бухгалтерия (сальдо) усулининг асосий шартлари қуйидагилардан иборатдир:

– бухгалтерия ходимлари томонидан омборхонадаги ТМЗ ҳаракатини тўғри ва ўз вақтида ҳужжатлаштиришни, омборхонада ҳисобни юритишни доимий ва тизимли равишда назо-

рат қилиш, омборхона мудирларининг ҳисоботи бўйича акс эттирилган қолдиқ ТМЗ ҳақиқатдаги қолдиғига тўғри келишини текшириш ҳуқуқини бухгалтерларга бериш;

– бухгалтерияда ТМЗ ҳаракатини фақат пул кўринишда тасдиқланган баҳоларда, гуруҳлари, жойлари ва турлари бўйича ҳисобини юритиш;

– ТМЗ қолдиқларини омборхона ҳисоби билан бухгалтерия ҳисоби маълумотларини доимий равишда таққослаш йўли билан тасдиқлаш.

ТМЗ тезкор-бухгалтерия (сальдо) ҳисобини қўллаганда омборхонада уларнинг турлари ва навлари фақат миқдор кўрсаткичда ҳисобга олинади. Ушбу ҳисоб махсус миқдор-сумма карточкасида (М-12) юритилади. Ушбу карточка хар бир ТМЗ учун айрим ҳолда очилиб унда номи, нави, ўлчов бирлиги, баҳоси, қолдиғи, кирими ва чиқими кўрсатилиб борилади ва ушбу карточкалар омборхона мудирига тилхат билан берилади.

ТМЗ кирими жараёнида тегишли хужжатга асосан омборхона мудири уларни махсус карточкаларда қайд қилади. Сарфлаш ҳужжатларига (чегараланган- олув картаси, талабнома, юк хати) асосан уларнинг чиқими қайд қилиб борилади.

Чегараланган-олув картасидаги маълумотлар омборхона ҳисоби карточкасига ушбу картадаги хом ашё ва материаллар (ёки ундаги материалларнинг битта тури) олиб бўлингандан кейингина, лекин кейинги ойнинг 1-кунигача ўтказилади. Бу ҳолларда омборхона карточкалари ушбу чегараланган-олув карталари билан бирга сақланади. Ушбу карточкалардаги қолдиқлар хар бир муомала қайд қилингандан кейин ҳисоблаб чиқилади. Омборхона мудири олинган ҳужжатларга белгиланган баҳони қўяди ва карточкага ҳужжатнинг номери, санаси, олинган хом ашё, материал еки товарнинг миқдорини қайд қилади.

Бухгалтерия томонидан белгиланган графикка асосан белгиланган вақтда омбор мудири кирим ва чиқим хужжатларининг рўйхатини (М-13) тузади. Унда ҳужжатларнинг номерлари, ТМЗ миқдори, гуруҳи ва турлари кўрсатилади. Материал бўлимининг бухгалтери эса моддий жавобгар шахс – омборчидан ушбу ҳужжатларнинг реестрини (ҳисобот) қабул қилиб олади ва ўзининг имзоси билан тасдиқлайди. Шундан кейингина ушбу ҳисоб карточкалари бухгалтерия қайдномаси ҳуқуқини олади.

Ҳар ойнинг 1-куни ҳолатига омбор мудири карточкалардаги ТМЗ қолдиғини "Товар-материал захираларининг қолдиғини ҳисоблаш қайдномаси" (М-14)га ўтказади. Бу қайднома хар бир омбор учун айрим юргазилади ва йиллик маълумотлар йиғилади. Ушбу қайднома бухгалтерияда сақланиб ойнинг охирида омбор мудирига берилади, у эса ушбу қайдномани тўлғазиб кейинги ойнинг 1-3 кунлари (тасдиқланган графикка асосан) бухгалтерияга топширищи лозим. Моддий жавобгар шахс тегишли ТМЗ турлари бўйича хақиқий қолдиғининг маркетинг бўлими томонидан ўрнатилган захира меъёри ва нисбатларига мос келишини назорат қилиб бориши лозим.

ТМЗнинг кирими ва у билан боғлиқ сарфларнинг мажмуаси, яъни унинг таннархи қуйидагилардан ташкил топган:

– ой бошида омборхонада ТМЗ ой бошига қолдиғи, белгиланган баҳода;

– мол етказиб берувчилар жўнатган ТМЗ (счёт-фактурада кўрсатилган қийматда);

– кирим қилинган ТМЗ олиб келиш сарфлари;

– ҳисобдор шахслар томонидан олиб келинган ТМЗ;

– ҳисобдор шахслар томонидан тўланган юклаш-тушириш сарфлари;

– юкчиларга ҳисобланган меҳнат ҳақи;

– ҳисобланган меҳнат хақига нисбатан мажбурий ажратмалар;

– ёрдамчи ишлаб чиқаришда тайёрланган ва омборга топширилган ТМЗ;

– асосий ёрдамчи ишлаб чиқариш томонидан тежалган ва омборга топширилган материаллар ва чиқиндилар;

– асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинган материаллар;

– АТБ ҳисобдан чиқариш натижасида олинган материаллар;

– яроқсиз маҳсулотни тугатиш натижасида олинган материаллар;

– асосий ишлаб чиқаришдан олинган чиқиндилар ва тежалган материаллар.

Жами. Кирим қилинган ТМЗ ҳақиқий таннархи.

Хўжалик юритувчи субъектларда қабул қилинган ТМЗ фойдаланиш ва ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича гу-

руҳлаштириш тартиби субъектда синтетик ҳисобини ташкил қилишга асос бўлади.

ТМЗ хар-бир гуруҳи алоҳида счётда ҳисобга олиб борилади, бунинг учун счётлар режасида бир нечта счётлар ажратилган.

Товар-моддий захираларининг — товарлар, хом ашё ва материаллар, эхтиет қисмлар, идишлар, уруғлар, ўғитлар ва бошқа материалларнинг ҳолати ва таннархи тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун 1000- "Материаллар" номли синтетик ва актив счётлар гуруҳи қўлланилади. Ушбу счётларнинг гуруҳида ТМЗ харид баҳосидан ташқари уларни тайёрлаш, олиб келиш сарфлари ҳам ҳисобга олинади (агарда 1510- "ТМЗ харид қилиш ва тайёрлаш" счёти қўлланилмаса). Субъектнинг ҳисоб сиёсатида товар-материал захираларининг белгиланган улгуржи шартнома баҳоси, ҳақиқий таннарх ёки LIFO, FIFO усулларида таннархи ҳисобланади.

Агарда ТМЗ тегишли таннархда ҳисобга олинса шу нарх билан хақиқий таннархи ўртасидаги фарқ 1610- "ТМЗ қиймати ўртасидаги фарқлар" транзит счётида ҳисобга олинади.

ТМЗ ҳолати ва ҳаракатини назорат қилишни кучайтириш мақсадида 1000- "Материаллар" счётида қуйидаги счётлар очилган:

1010- "Хом ашё ва материаллар"
1020-"Сотиб олинган ярим фабрикатлар, бутлаш (комплектлаш) буюмлари"
1030- "Ёқилғи"
1040- "Эхтиёт қисмлар"
1050- "Қурилиш материаллари"
1060- "Ем-хашак ва тўшамалар"
1070- "Идишлар ва идиш материаллар"
1080- "Четга қайта ишлашга берилган материаллар"
1090- "Бошқа материаллар"

Синтетик ҳисобда ТМЗ фақат сўм кўринишида ҳисобга олиб борилади, лекин белгиланган вақтда ҳақиқий мавжудлигини текшириш мақсадида тизимли равишда инвентаризация ўтказилиши шарт. Уларнинг бошланғич ва охирги қолдиғи ва кирими ушбу счётларнинг дебет томонида ва сарфи-чиқими эса кредит томонида ҳақиқий таннархда қайд қилиб борилади. Хўжалик юритувчи субъектнинг омборига ТМЗ нафақат мол етказиб берувчилардан қабул қилинади, балки ҳисобдор шахслар олиб келган захиралар, (хўжалик ва идора учун зарур буюмлар), ўзининг ёрдамчи ишлаб чиқаришида ишлаб

чиқарилган маҳсулотлар – жиҳозлар, иш қуроллари, мосламалар ва хоказо, асосий ишлаб чиқаришдан олинган чиқиндилар ва тежалган буюмлар, яроқсиз маҳсулотлар, асосий воситалар ва АТБ ҳисобдан чиқарилаётганда олинган иккиламчи материаллар ҳам омборга қабул қилинади.

ТМЗ сарфланиши ва чиқими бўйича тўлғазилган ҳамма дастлабки ҳужжатлар синтетик счётларда, фойдаланиш жойлари ва сарфларнинг йўналишлари бўйича бухгалтерияда гуруҳлаштирилади. ҳисобот даврининг ичида улар белгиланган, асосан ҳисоб-режа баҳосида ҳисобга олиб борилади ва ҳисобот даврининг охирида ҳисоб-режа баҳоси билан хақиқий таннархи ўртасидаги фарқ суммаси белгиланган тартибда ҳисоб-режа баҳосига ёки келишилган баҳога мутаносиб равишда сарфланган тармоқларга тақсим қилинади (агарда ушбу сарфлар тежалган бўлса тегишли харажатлардан чегирилади).

Шундай қилиб ТМЗ сарфининг ҳақиқий таннархини ташкил қилувчи сумма бухаглтерияда бир нечта журнал ордерларда (1,3,6.7,10/1,13) акс эттирилади ва бош дафтарда умулаштирилади. Сарфланган ёки четга чиқарилган ТМЗ ҳақиқий таннархда 10 ва 10/1 журнал-ордерда акс эттирилади ва Бош дафтарда умумлаштирилади.

Агарда хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб счётида кўрсатилган бўлса ТМЗ харид баҳоси, олиб келиш ва тайёрлаш сарфларини ҳисобга олиш учун 1510- "Материалларни сотиб олиш ва тайёрлаш" счёти қўлланилади. Ушбу 1510 счётининг дебетига қабул қилиш манбаига мувофиқ харид қилинган ТМЗ келишилган баҳоси ва уларни тайёрлаш ва олиб келиш сарфлари 6010, 2010, 2310, 6520, 6710, 6870 ва бошқа счётларнинг кредитида қайд қилиб борилади.

1510 счётнинг кредитида ва 1000, 1100, 1200, 2700 счётларининг дебетида ҳақиқатда келган ва кирим қилинган ТМЗ қийматлари қайд қилинади. Лекин уларнинг ҳисоб-режа таннархи билан хақиқий таннархи ўртасидаги фарқ суммалари 1610- "ТМЗ қийматидаги фарқлар" счётига ўтказилади. Ушбу 1610 счётидаги йиғилган фарқ суммалари ҳисобот даври охирида ТМЗ чиқарилган тегишли объектларига ҳисоб-режа баҳосидаги қийматига мутаносиб равишда тақсим қилинади.

1510 счётда йўлда келаётган (лекин ҳужжати келган) ТМЗ жорий маълумотлари кўрсатилади. Бу ушбу счётнинг ҳар ойдаги бошланғич қолдиғи ҳисобланади.

ТМЗ тузилган шартномага асосан мол етказиб берувчи ташкилотлар ва бошқа субъектлар етказиб берган қийматликлар ҳисобига тўлғазилиб борилади. Мол етказиб берувчилар жўнатилган ТМЗ учун тўлов талабномалари, тўлов топшириғи ёки счёт-фактура ёзадилар ва харидорга беради ёки унинг манзилига почта алоқаси орқали жўнатади. Мол олувчи-харидор эса унинг қийматини тўлаш учун ўзига хизмат килаётган банкка топширади. Ушбу тўлов хужжатининг йўли қуйидаги тартибда акс эттирилиши мумкин:



Тузилган шартноманинг бажарилиши бўйича тезкор ҳисобни ва назоратни субъектнинг маркетинг бўлими амалга оширади. Шунинг учун ушбу ҳужжатлар, яъни тўлов талабномаси, счёт-фактуралар энг аввало маркетинг ёки молия бўлимига келиб тушади. Бу бўлимда ушбу ҳужжатлар чуқур текширилади – шартномада ушбу мол борми еки йўқми, талабга жавоб берадими, олинганми ёки йўлда келаяптими, агарда йўлда келаётган бўлса "Келаётган юкларни ҳисобга олиш" (М-1) дафтарига қайд қилиниб тегишли номер қўйилади ва тўлашга розилик берилади – акцептланади.

Ушбу тўлов ҳужжатлари қайд қилиниб ички хужжат номери қуйилгандан кейин унинг қийматини тўлаш учун бухгалтерияга берилади, паттаси (квитанция) эса юкни тегишли жойдан олиш учун транспорт-экспедиция бўлимига берилади. Натижада шу вақтдан эътиборан мол етказиб берувчиларга субъектнинг қарзи рўёбга чиқади. Ушбу юкларнинг омборхонага келиб тушиши вақтида уларга кирим ордери ёзилади кейин қайднома (реестр) билан бухгалтерияга топширилади, бухгалтерияда эса ушбу ордерлар тегишли тўлов-талабномасига тасдиқловчи ҳужжат сифатида илова сифатида тикилади. Ушбу ТМЗ қийматини тўлаш жараёнида субъект

пул маблағларини мол етказиб берувчининг счётига ўтказганлигини тасдиқловчи пул маблағлари счётларидан кўчирма (тўлов топшириқномасини банкнинг тўлаганлик белгиси билан) беради.

Мол етказиб берувчилар билан олинган ТМЗ, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар юзасидан ҳисоблашиш 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" номли асосий ва пассив счётда юритилади. Чунки бу счётнинг бошланғич қолдиғи мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қарзни (мажбуриятни) ой охирида тўланмаган тўлов счётларининг суммасини кредит томонида акс эттиради ва бундан ташқари ушбу томонида ҳисобот даврида акцептланган ва фактурасиз келган ТМЗ қиймати кўрсатилса, унинг дебет томонида эса ҳисобот даврида тўланган ва ўзаро ҳисоблашиш натижасида қопланган сумма акс эттирилади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар 6-журнал-ордерида акс эттирилади. Бу аралаш регистр ҳисобланиб биринчи қисмида умумий қарз ва тўланган сумма кўрсатилса, иккинчи қисмида ҳисоблащишнинг натижалари бўйича ҳар бир тўлов ҳужжати ва хар бир кирим ордери бўйича маълумот йиғилиб борилади.

6-журнал-ордер хар ойнинг бошида мол етказиб берувчилар ва пудартчиларга тўланмаган (қарз) суммалар билан бошланади:

– акцептланган, тўлов муддати ўтган тўлов хужжатлари-6010 счётнинг ой бошидаги қолдиғи;

– акцептланган, тўлов муддати утмаган тўлов хужжатлари-6010 счётнинг ой бошидаги қолдиғи;

– акцептланган, лекин олинмаган ТМЗ (қабул қилинмаган ТМЗ);

– қиймати тўланган, лекин олинмаган ТМЗ (субъектнинг омборига қабул қилинмаган), қабул қилинмаган ТМЗ;

– фактурасиз товар-моддий захиралари – ТМЗ қабул қилинган, лекин тасдиқловчи ҳужжатлари келмаган.

Хисобот даври мобайнида субъектнинг бухгалтерияси мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан маркетинг бўлими томонидан акцептланган тўлов ҳужжатларини, омборхоналарнинг кирим ордери ва далолатномаларини, ҳисоблашиш ва бошқа счётлардан ушбу маблағларнинг тўланганлигини тасдиқловчи счётларнинг кўчирмасини олади. Ушбу жараён на-

тижасида ҳисоблашишнинг амалга оширилгани ва томонларнинг мажбуриятларининг бажарилганлигини назорат қилиш имкониятини беради.

Фактурасиз ТМЗни ҳисобга олиш тартиби.

Агарда субъектнинг номига фактурасиз ТМЗ келиб қолган бўлса, у вақтда тезда қабул қилиш далолатномаси тузилади ва ТМЗ омборга қабул қилиниб ҳисобот билан илова сифатида бухгалтерияга топширилади. Ушбу далолатномада ТМЗ субъектнинг ҳисоб сиёсатида қабул қилган баҳода баҳоланади, 6-журнал-ордерга қайд қилинади, омборхонага қабул қилинади ва акцептланади. Фактурасиз қабул қилинган ТМЗ 6-журнал-ордерга ойнинг охирида қайд қилинади, агарда ушбу ойда тасдиқловчи тўлов ҳужжатларини олиш имконияти бўлмаса 6-устунига счёт номери ўрнига Ф-1 белгиси қўйилади. Чунки уларнинг қийматини тўлаш мумкин эмас, сабаби банк учун маблағларни ўтказишга асос тўлов талабномаси ёки счёт-фактура ҳисобланади. Кейинги ойда тўлов ҳужжатларининг келиб тушиш санасидан улар акцептланади, банк орқали қиймати тўланади ва бухгалтерияда 6-журнал-ордернинг тегишли материаллар гуруҳида қайд қилинади ва "акцепт" устунида белгиланади. Кейин "сальдо" қаторида (тўланмаган ҳисоблашиш) тегишли баҳода илгари ёзилган сумма ўчирилади (сторно). Ушбу ёзувлар амалга оширилгандан кейингина ушбу ТМЗ бўйича мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашиш тугалланган деб ҳисобланади.

Йўлдаги товар-моддий захираларини ҳисобга олиш.

Агарда ТМЗ тўлов хужжатлари олиниб акцептланган, лекин улар халигача субъект омборига кирим қилинмаган бўлса ушбу қийматликлар йўлдаги ТМЗ дейилади. Чунки банк томонидан қийматининг тўланганлиги ёки тўланмаганлигидан катъий назар акцептланган тўлов ҳужжатлари ҳисобга олиниши лозим.

Тўлов ҳужжатлари 6-журнал-ордернинг "Келмаган юклар" ва "Акцепт" устунларида ой давомида қайд қилиб борилади. Ойнинг охирида эса субъект ушбу ТМЗ ўзининг балансига қабул қилиши ва тегишли гуруҳларга ёзиши шарт. Лекин кейинги ойнинг бошидан ушбу моллар юзасидан бўладиган ҳисоблашишлар давом қилади. қийматликлар омборга қабул килангандан кейин улар тегишли ТМЗ турлари ва гуруҳига омбор мудири томонидан кирим қилинади ва омборхонанинг кирим ордери бухгалтерияга берилади. Лекин акцептланмай-

ди, чунки унинг тўлов ҳужжатлари илгари бухгалтерияга акцептланиб топширилган эҳтимол бу тўлов ҳужжатларида кўрсатилган сумма тўланган бўлиши мумкин. Чунки 6-журнал-ордерни ҳисобот даврининг охирида ёпаётганда ушбу гуруҳдаги материаллар икки марта кирим қилиниши мумкин. Мол етказиб берувчилар билан ТМЗ юзасидан ҳисоблашиш амалга оширилаётганда уларнинг камомади ёки ортиқчалиги аниқланиши мумкин. Айрим ҳолларда ҳақиқатда қабул қилинган ТМЗ мол етказиб берувчиларнинг тўлов ҳужжатларидаги кўрсаткичлари билан таққосланади ва далолатнома (М-7) билан тасдиқланади. Аниқланган ортиқча қийматликлар келишилган ёки қабул қилинган баҳода далолатномага асосан қабул қилинади. Кейин 6-журнал-ордернинг айрим қаторида фактурасиз ТМЗ сифатида кўрсатилади ва маркетинг бўлими мол етказиб берувчига ортиқча қийматлик тўғрисида хабар юбориб тўлов ҳужжатини жўнатишни сўрайди. Мабодо ушбу усулни қўллаш натижасида (таққослаш) камомад аниқланса далолатномага асосан субъект мол етказиб берувчига даъво билдиради. Бу вақтда кам чиккан ТМЗ ҳақиқий таннархда ҳисобланади, ташиш тарифи юкнинг оғирлигига ва устама ёки чегирма суммаси қийматликнинг умумий суммасига мутаносиб аниқланади.

Камомад суммаси 4210- "Даъволар бўйича олинадиган счётлар"нинг дебети ва 6010- "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" счётининг кредитида қайд қилинади ва 6-журнал-ордер ва 7-қайдномада кўрсатилади.

Бу журнал-ордерда фақатгина ТМЗ олиш билан боғлиқ бўлган ҳисоблашишлар акс эттирилади. Лекин кўп ҳолларда субъект ўзининг фаолияти давомида мол етказиб берувчиларнинг хизматларидан (газ, энергия, сув, таъмирлаш ва хоказо) ҳам фойдаланади. Шунинг учун ушбу хизматлар юзасидан ҳисоблашишни акс этириш учун айрим 6-журнал-ордер (б/ж/о)ни очиш ва юритиш юритиш мақсадга мувофиқдир. ҳисобот даври тугагандан кейин ушбу журнал-ордерларнинг кўрсаткичлари 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар" счёти бўйича жамланма маълумотлар олиш учун йиғилади ва Бош дафтарга ўтказилади.

Субъектнинг бухгалтерияси "Моддий қийматликларнинг ҳаракати" (пул кўринишида) қайдномасидан фойдаланган ҳолда ТМЗ ҳаракатини сўм кўринишида ҳисобга олиб боради.

Ушбу қайднома ТМЗ бутлигини назорат қилувчи, жойларда ҳаракатини ҳисобга олувчи асосий регистр ҳисобланади. Ушбу 10-қайднома қуйидаги таркибда тузилган:

1-бўлимда:

– синтетик счётлар ва гуруҳлар бўйича ҳисоб-режа баҳосида ва ҳақиқий таннархида ТМЗ кирими ва қолдиқ суммаси;

2-бўлимда:

– транспорт-тайёрлов сарфлари ва материалларнинг гуруҳлари бўйича ҳақиқий таннархи билан ҳисоб-режа таннархи ўртасидаги фарқнинг сумма ва фоиз кўринишлари;

3-бўлимда:

– хақиқатда сарфланган ТМЗ ҳақиқий таннархини ҳисоблаш, омбордан жўнатиш, бўлимларда сарфланиши, бўлимлардаги, марказий омбордаги қолдиғи (хақиқий ва ҳисоб-режа таннархида).

10-қайдномани тузиш учун маълумотлар омборнинг регистрлари ва М-4 жамғарма қайдномасидан олинади. Ушбу қайдномада қуйидаги маълумотлар келтирилади:

– "Кирим қилинган ТМЗ хақиқий таннархининг таркиби". Бу маълумотлар 1,6.7,8,10 ва 13 журнал-ордерлардан ва жорий ойда ТМЗ тайёрлаш билан боғлиқ сарфларни акс эттирадиган ҳамма хужжатлардан олинади. Бу маълумотлар 10-қайдноманинг 2-бўлимини тўлғазиш учун зарур.

– "Кирим қилинган ТМЗ ҳисоб-режа таннархи" тегишли маълумотлар юқоридаги журнал-ордерлардан олинади, лекин ТМЗ тайёрлов сарфлари бундан мустасно. Бу маълумотноманинг маълумотлари 10-қайдноманинг 1-бўлимидаги маълумотларни таққослаш ва жорий даврда тайёрлов жараёнларининг натижасини ва транспорт-тайёрлов сарфларининг суммасини ҳисоблаш зарур.

Натижада "Товар-материаллар захирасининг ҳаракати" номли 10-қайднома бухгалтерия ҳисобининг бу соҳадаги вазифаларини ечиш учун замин тайёрлайди. 10-қайдномага тўлғазувчи сифатида 11 "ТМЗ ҳисоб-режа баҳосида бўлимлар, омборлар бўйича ҳаракати" номли қайднома қўлланилади.

11-қайднома бўлимларнинг ишлаб чиқариш ҳисоботи, моддий қийматликларни қайтариш юк хати, АТБ ҳаркатининг йиғма ва гуруҳлаштирувчи қайдномаси ва бошқа ҳужжатларга асосан бухгалтерияда тўлғазилади. Чунки ушбу ҳужжатлар ёрдамида хар-бир бўлим бўйича олинган ва қайтарилган ТМЗ

миқдори аниқланади. Бундан ташқари бўлимларда қолган ва сарфланган қийматликлар 11-қайдномада ва 10-қайдноманинг 3-бўлимида кўрсатилади (бўлимлардаги омборлардан сарфланиши ва омбори бўлмаган бўлинмаларда сарфланиши).

Демак, 10-қайдноманинг 1-бўлимининг маълумотлари бўйича омборхона ва бухгалтериядаги ТМЗ ҳисобининг маълумотларини таққослаш мумкин. Бу таққослаш хар бир омбор бўйича айрим олган ҳолда, материаллар гуруҳланмаган ҳолда ҳисоб-режа баҳосида амалга оширилади, чунки ушбу маълумотлар ҳисобнинг тезкор-қолдиқ усули учун зарурдир.

Ушбу қайдноманинг 2-бўлимида икки хил баҳолаш-ҳисоб-режа баҳоси ва хақиқий таннархда баланснинг тегишли моддаларида ва ТМЗ гуруҳлари бўйича умумий хажмини аниқлаш имкониятини яратади. Натижада ташиш-тайёрлаш сарфлари ва баҳолар ўртасидаги фарқнинг суммалари ва фоизини ҳисоблаш мумкин бўлади.

10-қайдноманинг 3-бўлимида бухгалтерия ҳисобининг муҳим кўрсаткичларидан бири булмиш сарфланган ТМЗ хақиқий таннархи, уларнинг хақиқий сарфи, материаллар гуруҳи бўйича ой охиридаги қолдиғи тўғрисидаги баланс моддаларини тўлғазиш учун зарур маълумотлар келтирилади.

Ташиш-тайёрлов сарфлари ТМЗ ҳақиқий таннархи таркибига кириб бу сарфларга шартномадаги келишилган баҳодан ташқари ушбу қийматликларни олиб келиш сарфлари (тайёрлаш, сақлаш, юклаш, келтириш, тушириш ва ҳоказо) мажмуидан иборат. Ушбу сарфлар ТМЗ аниқ турлари ёки гуруҳлари бўйича ТМЗ ҳисобга оладиган счётларда ҳисобга олиб борилади.

Ҳар ойда бухгалтерия ТМЗ турлари ёки гуруҳлари бўйича сарфланган ташиш тайёрлов сарфларининг хажми ва қийматига нисбатан фоизини ҳисоблаб чиқади. Чунки ушбу суммалар ва фоиз улушлари жорий даврда сарфланган ТМЗ тегишли (бўлимлар бўйича) транспорт тайёрлов сарфларининг (ТТС) улушини аниқлаш зарур. Ушбу кўрсаткични ҳисоблаш учун 10-қайдноманинг 2 ва 3 бўлимидаги маълумотлар асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳисобдан чиқарилган ва сарфланган ТМЗ тегишли ТТС суммалари қийматликларни ҳисобга олувчи ва сарфлар счётларига ўтказилади.

Ҳақиқий таннарх билан ҳисоб-режа таннархи ўртасидаги фарқ суммаларини ҳисобдан чиқариш мумкин. Фақат фарқи

тежалган «-« ёки ортиқча сарф "+" кўринишида қайд қилинади. Ортиқча сарфлар ТТС каби ТМЗ таннархини оширади, тежалган сумма эса уларнинг таннархини камайтиради. Шунинг учун хам тежалган сумма "-" белгиси ва ортиқча сарфланган сумма эса "+" белгиси билан тегишли регистрларга қайд қилинади.

Транспорт тайёрлов сарфларини ҳисоблаш учун ҳар ойда махсус қайднома-жадвал тузилади.

"Абдурахмон ва К" фирмасида ТМЗ бўйича ташиш-тайёрлов сарфларини (ТТС) ҳисоблаш (октябрь 20хх й.).

(сўм ва %да, 1010 счётига)

№	Кўрсаткичлар	Шартнома баҳосида	Хақиқий таннархда
1.	Ой бошидаги қолдиқ	500000	525000
2.	Ой давомида қабул қилинди	3500000	3675000
3.	Жаъми	4000000	4200000
4.	Ташиш-тайёрлов сарфлари: - сўмда - фоизда	 +200000 +5%	(4200000-4000000) 200000 x100 4000000
5.	Ҳисобот даврида сарфланган ТМЗ қиймати	3800000	3990000 (3800000x5) 100
6.	Ҳисобот даври охиридаги қолдиқ	200000 (4000000-3800000)	210000 (4200000-3990000)

Шундай қилиб ташиш-тайёрлов сарфлари ҳар ойнинг охирида махсус жадвал-ҳисоб ёрдамида хар-бир ТМЗ гуруҳлари ёки тури бўйича ҳисоблаб чиқилади ва сарфланган канал-тармоқларига- ишлаб чиқариш, хизмат, иш ва хокази аниқланган фоизда тақсим қилинади, кейин маҳсулот, иш ва хизматнинг аниқ турларига тақсимланади. Агарда ортиқча сарф аниқланса тегишли объектларга (счётларга) қўшимча ёзув "+" белгиси билан ёки тежалган бўлса "-" белгиси билан ёзувлар амалга оширилади. Ушбу усулнинг қўлланилиши натижасида субъектда қўлланилган баҳо (улгуржи ёки ҳисоб-режа баҳоси) ҳақиқий таннархга етказилади.

Тасдиқланган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари хўжалик юритувчи субъектлардан ҳисобот тузишдан олдин товар-моддий захираларини инвентаризация қилишни талаб қилади. Ушбу инвентаризация қуйидаги ҳолларда ва тартибда ўтказилади:

– тузилган йиллик ҳисоботда ТМЗ ҳақиқий ҳолатини аниқлаш мақсадида йилда 1 марта 1-октябрь ҳолатига;

– моддий жавобгар шахсларни алмаштираётганда, уларнинг устидан асосли шикоят тушганда ва табиий офат содир бўлганда;

– бухгалтерия ҳисобидаги маълумотлар билан омборхона ҳисобидаги (ҳисоботидаги) маълумотларда фарқлар вужудга келса.

Инвентаризация ўтказиш учун йил бошида субъект раҳбарининг имзоси билан доимий харакатдаги инвентаризация комиссиясини тузиш ва унинг аъзолари тўғрисида буйруқ чиқарилади. Унга объектнинг етакчи мутахассислари, бўлимлардан вакиллар жалб қилинади.

Ҳар бир айрим инвентаризация ўтказиш учун субъект раҳбарининг имзоси билан буйруқ чиқарилади. Унда комиссия аъзолари, инвентаризация объекти ва ўтказиш даври кўрсатилади. Инвентаризация ўтказишдан асосий мақсад ТМЗ жисмоний ва сўм кўринишидаги ҳақиқий мавжудлигини аниқлашдир. Инвентаризация жараёнида қуйидагилар текширилади:

– товар-модий захираларининг сақланиш шароити;

– уларни сақлаш ва чиқариш тартибларининг тўғрилиги ва тортув ва ўлчов жихозларининг аҳволи;

– товар-моддий захираларининг ҳаракатини ҳисобга олиш тартиби (омборхона ҳисобининг юритилиши).

Инвентаризация ўзининг моҳияти, усули ва қамрови бўйича қуйидагича гуруҳланади:

а) текшириш хажмининг қамрови бўйича:

– ёппасига- объект хар томонлама ва тўлиқ текширилади;

– танланма- объектнинг асосий кўрсаткичлари танлаб олиб текширилади;

б) ўтказиш вақтига қараб:

– режали-субъект томонидан тузилган режага асосан (йилда бир марта) ўтказилади;

– кутилмаган ҳолда – жавобгар шахс кутмаган ҳолда- шикоят тушганда ва ҳоказо ўтказилади.

Инвентаризацияни ўтказиш устидан умумий раҳбарлик субъектнинг раҳбари ёки унинг уринбосарлари томонидан амалга оширилади. Буйруққа асосан тузилган инвентаризация комиссиясига ишончли мутахассислар жалб қилинади ва натижасини (далолатномани) раҳбар тасдиқлайди. Инвентаризация комиссияси ўтказиш даврига бухгалтернинг ҳисоб маълумотларига асосланган ҳолда ТМЗ инвентаризация рўйхатини омборлар бўйича (инв-3) тузади. Уни ўтказиш вақтида омбор

мудири томонидан ТМЗ қабул қилиш ва чиқариш таъқиқланади, у инвентаризация комиссиясига ҳамма ҳужжатлардаги маълумотлар омборхона ҳисобидаги тегишли карточкаларга ўтказилганлиги ва бухгалтерияга топширилганлиги тўғрисида тилхат беради.

Инвентаризациянинг натижаларини аниқлаш учун ТМЗ қолдиқларини ҳисобга олувчи дафтардан фойдаланиш мумкин, чунки унда инвентаризациянинг натижаси бўйича тузилган рўйхатга асосан жисмоний кўринишдаги ТМЗ қолдиғини қайд қилувчи махсус устун мавжуд.

Инвентаризация натижасида аниқланган фарқлар-ортиқча ёки камомад, таққослаш қайдномасини тузиш натижасида, ҳақиқий таннархда ҳужжатлаштирилади.

Ортиқча деб топилган ТМЗ тегишли счётларда кирим қилинади, дебет 1000, 1100, 1200, 2900 ва давр сарфлари камайтирилади, яъни муомалавий даромадлар сифатида тегишли 9390- "Бошқа муомалавий даромадлар" счётининг кредитида кўрсатилади. ТМЗ камомади эса тегишли счётларнинг кредитидан 9433- "Қийматликларнинг камомади ва бузилиши натижасидаги йўқотишлар" счётининг дебетига олиб борилади. Кейинчалик инвентаризация комиссиясининг қарори раҳбар томонидан тасдиқлангандан кейин ёки жавобгар шахс зиммасига олиб борилади дебет счёт 4630, ёки давр сарфи сифатида 9433 счётнинг дебет томонида қолади (агар ушбу суммани субъект ўз зиммасига олса).

Ушбу ҳолатни чуқурроқ ўрганиш мақсадида қуйидаги мисолни келтирамиз:

"Товар-моддий захираларининг инвентар рўйхати".

20хх й. октябрнинг 30 кунига

Материаллар:К-7556 — 25-омборхона

ТМЗ номи — сақланаётган жойи

Т И Л Х А Т

Тошкент ш. — 20хх й. октябрнинг 27 куни

Инвентаризация ўтказиш санасига ТМЗ бўйича ҳамма кирим ва чиқим ҳужжатлари мен томондан омборхона дафтарига қайд қилинган. Келган моддий қийматликлар омборга кирим қилинган ва сарфланган қийматликлар тегишли ҳужжатларга асосан ҳисобдан чиқарилган. Шу санада ҳужжатлаштирилмаган товар-моддий қийматликлари омборда йўқ.

25-омбор мудири _____ Й.Шомуродов

имзо

Фирманинг бош директорининг 20хх йил октябр ойининг 27-кунида чиқарилган 175-буйруғига асосан 25-омборхона мудири Й.Шомуродовнинг жавобгарлигидаги 1010 баланс счётида ҳисобга олинган хом ашё ва материалларнинг ноябр ойининг 1 кунига ҳолатини қайд қилувчи хақиқий қолдиғини аниқлаш мақсадида инвентаризация ўтказилди.

Инвентаризация октябр ойининг 30-кунида бошланиб ноябр ойининг 2-кунида тугатилди.

Инвентаризация натижасида қуйидагилар аниқланди:

№	ТМЗ коди	ТМЗ номи (тури, нави, гуруҳи ва хоказо)	Ўлчов бирлиги коди	Баҳоси, сўм	Хақиқий мавжудлиги		Ҳисоб маълумотлари	
					миқд.	Сумма	миқд.	сумма
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1.	101001	Ишлов берилган чуян	1	100000	80	8000000	80	8000000
2.	101002	Қуйилган чуян	1	120000	100	12000000	100	12000000
3.	103012	Пўлат вароғи, 6мм	2	90,0	9500	855000	8160	735000
4.	103013	Пўлат вароғи, 2,5 мм	2	60,0	12000	720000	12000	720000
5.	103014	Пўлат вароғи, 5,0 мм	2	70,0	47700	333900	49840	3489000
		Жаъми:						

Рўйхатнинг натижасига кўра *хақиқий қолдиқ 24944000* (йигирма тўрт миллион тўққиз юз қирқ тўрт минг) сўмни ташкил қилади.

Комиссия раиси: бўлим бошлиғи _____

Комиссия аъзолари: товаршунос _____

бухгалтер _____

Ушбу инвентаризация рўйхатида келтирилган номдаги 101001дан 103014гача бўлган моддий қийматликлар менинг иштирокимда текширилди ва қайд қилинди. Инвентаризация комиссиясига даъвоим йўқ.

Рўйхатда келтирилган ТМЗ омборхонада мавжуд ва мен жавобгарлигимга оламан.

Омборхона мудири _____ Й. Шомуродов

имзо

Ушбу рўйхатда келтирилган маълумотларни текширдим ва ҳисоблаб чиқдим.

Моддий бўлим бухгалтери _____ Х. Шомуродова
имзо

20хх йил ноябр ойининг 3-куни.

Кейин эса 25-омборни инвентаризация қилиш якунига кўра далолатнома (айрим ҳолларда "Таққослаш қайдномаси") тузилади.

Келтирилган воқеанинг натижаларига кўра далолатномада қийматликларнинг баҳолари ўртасидаги фарқ бўйича камомад кўрсатилади, яъни 6мм калинликдаги 1340 кг пўлат ўрнига 5мм калинликдаги 2140 кг пўлат омборхонадан чиқарилган.

Натижада 6мм пўлат бўйича камомад 150000 сўм ва 5мм пўлат бўйича ортиқлик 150000 сўм, чиқарилган 1340кг пўлатни 70 сўмдан баҳолаймиз, демак қиймати 9380 сўмни ташкил қилган. Натижада баҳолар ўртасидаги фарқ 2380 *(1340х90)-(1340х70) сўмни ташкил қилади.*

Ушбу баҳолар ўртасидаги фарқнинг суммаси камомад сифатида жавобгар шахснинг елкасига олиб борилиши лозим, дебет счёт 4630 "Моддий зарарлар юзасидан ходимларнинг қарзи" кредит счёт 9390- "Бошқа муомалалардан олинган фойда".

Тузилган далолатнома тегишли қарор қабул қилиш ва имзо қўйиш учун субъектнинг раҳбарига берилади.

Табиий камайиш меъёридаги ТМЗ камомади уларнинг сақланаётган жойлари ва аҳамиятига қараб ушбу субъектнинг сарфларини кўпайтиради, дебет счёт 2510-"Умумишлаб чиқариш сарфлари" ёки 9433- "Қийматликларнинг камомади ва бузилишидан кўрилган сарфлар".

Агарда белгиланган меъёрдан ортиқча суммада камомад аниқланса:

– агарда аниқ жавобгар шахс бўлса 4630- "Моддий зарарларни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи" счётининг дебетига ТМЗ счётларининг кредитидан;

– агарда аниқ жавобгар шахс бўлмаса харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетига ёки 9433 счётнинг дебетига ТМЗ счётларининг кредитидан ўтказилади;

– агарда ТМЗ табиий офатлар натижасида йўқотилса ёки бузилса, яъни кутилмаган офатларнинг келтирган зарари

бўлса, у вақтда хўжалик фаолияти молиявий натижаларини қайд қилувчи тегишли счётга олиб борилади. 9720- "Фавқулодда зарарлар" счётининг дебетига ТМЗ счётларининг кредитидан (1000, 1100, 1200, 1500).

Бундан ташқари юқорида келтирилган ҳар бир счёт бўйича миқдор-сумма карточкаси кўринишида ҳар бир тегишли хом ашё ва материаллар учун айрим аналитик счёт очилиб унда хом ашё ва материалларнинг номи, баҳоси, ўлчов бирлиги ва бошқа зарур маълумотлар қайд қилиб борилади.

Моддий қийматликларнинг ҳолати, кирими ва чиқими муомалаларини счётларда қайд қилиш.

1000- "Материаллар"

Счётларнинг кредитидан **Дебет**		***Счётларнинг дебетига*** **Кредит**	
С- моддий қийматликларнинг ҳисобот даври бошидаги қолдиғи		Сарфланган ТМЗ қиймати:	
6010-	Мол етказиб берувчилардан қабул қилинган ТМЗ қиймати	-асосий ишлаб чиқариш учун	-2010
6870-	ТМЗ ҳисобдор шахслар томонидан харид қилиниши	-ёрдамчи ишлаб чиқариш зарурияти учун	-2310
6010-	ТМЗ олиб келиш ва ташиш сарфлари	-умумишлаб чиқариш зарурияти учун	-2510
6870-	ТМЗ олиб келиш, юклаш ва тушириш сарфларининг ҳисобдор шахслар томонидан тўланиши	-умумхўжалик зарурияти учун	-9410, 9420
6710-	Юкчиларга ҳисобланган меҳнат ҳақи	Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотни тузатиш учун	-2610
6520-	Ҳисобланган меҳнат ҳақига нисбатан ижтимоий суғўрта ва пенсия жамғармасига ажратма	Хизмат кўрсатувчи тармоқ зарурияти учун	-9450
2310-	Ёрдамчи ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарилган материаллар	Капитал қуйилмани амалга ошириш учун	-0810
2310-	Ёрдамчи ишлаб чиқаришда тежалган материаллар ва чиқиндилар	Нокапитал ишларни бажариш учун	-2720
9210-	Асосий воситаларни тугатиш натижасида олинган материаллар ва эхтиёт қисмлар	Тоғ-кон ишларини ва ерларни тиклаш учун	-3190
9220-	АТБ ҳисобдан чиқаришдан олинган материаллар	Маҳсулотларни сотиш ва сотув жойларини асраш	-9410

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
2610-	Яроқсиз деб топилган маҳсулотлардан олинган чиқиндилар	Четга сотилган ва қарзга берилган материалларнинг қиймати	-9220
2010-	Асосий ишлаб чиқаришдан тежалган материаллар ва чиқиндиларнинг олиниши	ТМЗнинг камомади, баҳосининг нотўғрилиги, таркиби ва сифати бўйича даъво қилиш	-4210
9390-	Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча материалларнинг қиймати	ТМЗ авлод ва АБА бўлинмаларига берилиши	-9220
6110, 7110-	Материалларнинг ички бўлинмалардаги харкати	ТМЗ эҳсон сифатида мактаб, болалар уйларига берилиши	-9220
5010-	Моддий қийматликларнинг нақд пулга олиниши	Табиий офат натижасида ТМЗ йўқотилиши	-9720
6110, 7110-	Таъсисчилардан ва бошқа шахслардан олинган материалларнинг қиймати	Инвентаризация натижасида ТМЗ камомади ва бузилиши суммасига	-4630, 9433
9380-	Текин молиявий ёрдам сифатида моддий қийматликларнинг олиниши	ТМЗ омборхонага қабул қилингандан кейин камчилиги аниқланиб мол етказиб берувчиларга даъвонинг билдирилиши	-4210
		ТМЗ ички мустақил балансга ажратилган бўлинмаларга берилиши	-6110, 7110

Қишлоқ хўжалигида хозирги даврдаги агросаноат комплексининг асосий тармоқларидан бири чорвачилик ҳисобланиб у аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари – сут, гўшт, тухум ва ҳоказо билан ва саноатни хом ашё – гўшт, гўшт маҳсулотларини тайёрлаш учун, сут, пишлоқ, сузма, қаймоқ, ёғ тайёрлаш учун жун, тери ва бошқа хом-ашёларнинг турлари билан таъминлайди. Демак, ушбу тармоқнинг равнақи ва ривожланиши агросаноат комплексининг ривожланишига, янги тармоқлар ва озиқ-овқат саноатининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Ушбу тармоқнинг асосий бўлинмаларидан бири ўстиришга ва боқувга қуйилган ҳайвонлар гуруҳидир. Ушбу фаолиятда ёш ҳайвонлар ўстирилади ва маҳсулдор ҳайвонлар, буқалар дара-

жасига етказилади. Ушбу фаолият натижаси асосий подани таъмирлаш (қариган сигир ва буқаларни алмаштириш) ва поданинг бош сонини кўпайтириш учун фойдаланилади. Бундан ташқари, ёш хайвонлар вояга етказилгандан кейин уларнинг бир қисми субъектнинг ўзида гўшт учун суйлади, четга сотилади ва тузилган шартномага асосан гўшт комбинатига келишилган баҳода сотилади. Фаолиятнинг иккинчи қисмида эса асосий подадан чиқарилган (вўбраковка) маҳсулот беришдан тўхтаган (қариган) ҳайвонлар боқувга куйилиб семиртирилади ва кейинчалик сўйилади, сотилади ва тузилган шартномага асосан келишилган баҳода гўшт комбинатларига топширилади.

Кейинги вақтларда, яъни бозор иқтисодиётига утиш жараёнида кўпчилик корпорация, холдинг компаниялари ва йирик фирмалар ўзларининг ходимларини имконияти борича ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида фирмаларнинг қошида ёрдамчи хўжаликлар ташкил қиладилар. Уларнинг асосий фаолиятлари дехкончилик, чорвачилик ва ушбу тармоқларнинг маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган кичик-кичик озиқ-овқат саноати корхоналарини ташкил қилаяптилар. Улар ўз фаолиятини асосан ходимларни арзон баҳода зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари- мева, сабзавот, полиз, гўшт, сут, тухум, консерва ва ҳоказо маҳсулотлар билан таъминлашга бағишлайдилар.

Натижада ушбу тармоқдаги бузоқлар, катта ёшдаги ҳайвонлар, асосий подадан олинган ҳайвонларни боқишга қўйиш, сотиб бериш учун аҳолидан олинган паррандалар, қуёнлар, асалари оилалари ва ҳайвонларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва умумлаштириш учун 1110- "ўстиришда ва боқувдаги хайвонлар" счёти қўлланилади. Ушбу ҳайвонларни асраш ва боқиш сарфлари эса қишлоқ хўжалигида 2010- "Асосий ишлаб чиқариш" (хайвонларнинг гуруҳи бўйича), бошқа тармоқларда эса (саноат, савдо, транспорт) 2300- "Ёрдамчи ишлаб чиқариш", 2320- «Бошқа ишлаб чиқариш» счётларида ҳисобга олиб борилади.

Ушбу тармоқларда ўстиришга ва боқувга қуйилган ҳайвонларнинг гуруҳи қуйидаги йўллар билан кўпаяди:

– асосий подадан бузоқлар, қулунлар ва ҳоказоларни олиш натижасида тузилган қабул қилиш далолатномасига асосан дебет 1110 счёт ва кредит 2010 (2310) счётлари.

– асосий подадаги махсулдор хайвонларни ҳисобдан чиқариш натижасида. Бракка чиқариш далолатномасига асосан дебет 1110 кредит 9210 счётлари.

– ёш ҳайвонлар ва катта ёшдаги хайвонларни ўстириш ва боқувга қўйиш учун сотиб олиш натижасида. Счёт-фактура ёки юк хатига асосан дебет 1110 кредит 6010 ёки дебет 1110 кредит 1510 (агарда ҳисоб-сиёсатига мувофиқ 1510 счёт қўлланилса) счётлари.

Ҳар ойнинг охирида боқувга қўйилган катта ёшдаги хайвонларнинг ва ўстиришга қўйилган ёш ҳайвонларнинг ўсган ёки ортган вазнининг қиймати режада белгиланган таннархда, тегишли 1110 счётнинг дебетига, тегишли боғланувчи счётлар, 2010 ёки 2320 счётларининг кредитидан ўтказилади. Йилнинг охирида ушбу қабул қилинган ҳайвонларнинг ўсган вазнининг режадаги таннархи ҳақиқий таннархга етказилади. Агарда хақиқий таннарх режа таннархидан кўп бўлса ушбу счётларга қўшимча ёзувлар қилинади, агарда ҳақиқий таннарх режа таннархидан кам бўлса (тежалган) ушбу сумма тегишли счётлардан чегирилади (оддий ўтказиш «-» белгиси билан).

Ёш ҳайвонлар, ғунажинлардан бузоқ олинган вақтидан бошлаб "Хайвонларни гуруҳдан гуруҳга ўтказиш далолатномаси"га асосан асосий подага ўтказилади. Ушбу муомала 0840- "Асосий подани ташкил қилиш" счётининг дебети ва 1110 счётининг кредитида, бир вақтнинг ўзида 0170- "Ишчи хайвонлар" ёки 0171- "Маҳсулдор ҳайвонлар" счётининг дебетида ва 0840- "Асосий подани ташкил қилиш" счётининг кредитида акс эттирилади.

Ушбу гуруҳдаги хайвонларнинг сотилиши, сўйилиши ёки эҳсон қилиниши натижасида ҳисобдан чиқарилиши 9220- "Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқа чиқимлари" счётининг дебети ва 1110 счётининг кредитида шартномада келишилган суммада акс эттирилади.

Агарда маҳсулдор ҳайвонлар тегишли далолатномага асосан бракка чиқарилиб, лекин боқувга қўйилмай сотилса ушбу муомала шартномада белгиланган суммада 9210- "Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқимлари" счётининг дебетига ва 0170- "Ишчи ҳайвонлар" ёки 0171- "Маҳсулдор ҳайвонлар" счётларининг кредитидан қабул қилинади.

Мабодо ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар харом ўлса ёки мажбурий сўйилса уларнинг қиймати 9220 счётнинг дебетида ва 1110 счётнинг кредитида қайд қилиниб, олинган

маҳсулотлар ёки ёрдамчи маҳсулотлар тегишли 2800-"Тайёр маҳсулотлар" счётларининг дебетида истеъмол қилиш ёки сотиш баҳосида қайд қилинади.

Ушбу хайвонлар табиий офатлар- ёки эпизоотия натижасида нобуд бўлса уларнинг қиймати субъектнинг зарарига олиб борилади, дебет 9720- "Фавқулодда зараралар" счётининг дебетига 1110 счётнинг кредитидан.

1110- "ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар" счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳайвонларнинг манзили, турлари, гуруҳлари бўйича юритилади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларнинг ҳаракати билан боғлиқ муомалаларни счётларда қайд қилишнинг чизмаси.

1110- "ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонлар" счёти

Счётларнинг кредитидан Дебет		**Счётларнинг дебетига Кредит**	
С- давр бошидаги хайвонларнинг қиймати			
2010, 2310, 2320-	Тугилган бузоқлар ва кулунларни, ортган ва ўсган вазнлар қийматини кирим қилиш	Ёш ҳайвонларнинг асосий подага ўтказилиши	-0840
6010, 6110, 7110-	Бошқа субъектлардан ўстириш ва боқиш учун ҳайвонларни олиш	Боқувдаги ҳайвонларни суйиш сарфлари	-9410
1100-	Ҳайвонларни гуруҳдан-гуруҳга ўтказиш	Ҳайвонларни сотиш ва бошқа чиқимлари	-9410
9210-	Асосий подадан ҳисобдан чиқарилган ва боқувга қўйилган ҳайвонларнинг қиймати	Ҳайвонларни бартер усулида бериш	-9220
5010-	Ҳайвонларни сотиб олиш ва олиб келиш учун сарфланган нақд пуллар	Ҳайвонларни гуруҳдан гуруҳга ўтказиш	-1100
5500-	Ушбу сарфларнинг махсус счётлардан тўланиши	Қисқа муддатли молиявий қўйилмани ҳайвонлар кўринишида амалга ошириш	-5800
4210-	Илгари қайд қилинган лекин рад этилган даъволар суммаси	Шартнома талабларига мос келмаганлиги учун мол етказиб берувчиларга билдирилган даъво суммаси	-4210
8511-8513	Приватизация қилинган субъектнинг таркибида олинган ҳайвонлар	Мустақил балансдаги бўлимларга хайвонларнинг берилиши	-4110
6710-	Ҳайвонларни олиб келувчи ходимларга меҳнат	Табиий офат натижасида ҳайвонларнинг нобуд	-9720

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
	хақи ҳисобланди	бўлиши	
6520-	Меҳнат хақи жамғармасидан ижтимоий суғуртага ажратилди	Инвентаризация натижаларида аниқланган ҳайвонларнинг камомади	-4630 9433
6870-	Ҳисобдор шахслар томонидан ҳайвонларнинг олиниши		
4710-	Таъсисчилардан улуш бадали ҳисобига ҳайвонларни олиш		
8523-	Бошқа шахслардан текинга олиш		
4110-	Авлод корхоналаридан олиниши		
9390-	Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан ҳайвонларнинг кирими		

Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар (АТБ) субъектнинг фаолиятини юритишда фойдаланилаётган моддий қийматликларнинг ичида ўз ўрнига эга. Улар фойдаланиш жараёнида ўзларининг ташқи кўринишини ўзгартирмайди ва секин-аста эскиради, яъни узоқ муддатли активларга ўхшайди. Фойдаланиш муддатининг ҳар хиллиги уларнинг ҳисобини ташкил қилишга таъсирини ўтказади. Тегишли тасдиқланган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва бухгалтерия ҳисоботи ва бухгалтерия баланси тўғрисидаги Низомга мувофиқ ушбу буюмларга (АТБ) қуйидаги активлар киради:

– бир йилдан кам хизмат қиладиган иш қуроллари, ўлчов асбоблари, синов ускуналари, инвентарлар, муомалалар ва умумий фойдаланишдаги буюмлар, қийматидан катъий назар;

– хизмат муддатидан катъий назар махсус қуроллар, иш кийимлари, пойафзаллари, кўрпа-тўшаклар.

Шундай қилиб, ушбу буюм ва иш қуролларини арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар қаторига киритиш учун асос иккита талабдир, яъни уларнинг хизмат муддати (1 йилгача) ва махсус хусусиятидир.

Хўжалик юритувчи субъектлар айланма маблағлар ҳисобидан приборлар, автоматлаштириш воситалари ва лаборатория ускуналарини олиши ва уларни ҳам АТБ қаторида ҳисобга олиши мумкин. Чунки ушбу буюмлар (АТБ) субъектнинг айланма маблағлари таркибига киради.

Демак, фойдаланиш хусусиятига кўра АТБ асосий воситаларга ва сотиб олиш тиртибига мувофиқ ТМЗ қаторига киритилиши мумкин. Шунинг учун хам ушбу хусусиятлари яъни, оралиқ ҳолати улар ҳисобининг узига хос хусусиятини юзага келтиради.

АТБ омборхонада туриши, фойдаланишга берилиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектнинг мулкчилигида бўлган АТБ таркиби ва бажарадиган вазифаларга кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Инструмент ва мосламалар:

а) умумий фойдаланишга мўлжалланган инструмент ва мосламалар- кенг фойдаланиш учун мўлжалланган ўлчов, кесув, чархлов, темирчилар қўллайдиган инструмент ва мосламалар; Чунки ушбу атама (кенг фойдаланиш) қўлланилгандан кейин тушинилиши лозимки ушбу буюмлар битта эмас балки бир нечта маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки ишларни бажариш учун мўлжалланган.

б) махсус йўналишдаги инструментлар- айрим маҳсулотни ишлаб чиқариш еки йиғиш жараёнида ишлов бериш учун фойдаланиладиган кесув, ўлчов ва бошқа инструментлар. Шунинг учун улардан айрим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилади.

2. Ўлчов қуроллари, приборлар ва аппаратлар.

3. Алмаштириладиган ускуна еки деталлар. Бу буюмлардан теъмирламасдан алмаштириладиган машинанинг айрим қисмлари сифатида фойдаланилади.

4. Арзон баҳоли хўжалик инвентарлари- хўжаликнинг зарурияти учун фойдаланиладиган (идора жихозлари, ўт ўчиргич, соат, параметрамқир, болта ва бошқа буюмлар.

5. Махсус кийимлар ва пойафзаллар- иш коржомалари, (қўлқоп, этик, комбинезон, халат). Бу буюмлар ишчи ва ходимларга бепул, имтиёзли ёки тўлиқ баҳосида тасдиқланган меъёр ва муддатга берилади.

6. Кўрпа-тўшаклар – хўжалик юритувчи субъектга қарашли ётоқхоналарда фойдаланиладиган ва фойдаланаётган кўрпа, тўшак, ёстиқ, чойшаб ва бошқалардир. (Меҳмонхоналар, санатория ва пансионатларда ушбу буюмлар асосий воситаларнинг гуруҳида ҳисобга олинади).

Улардан фойдаланиш нуқтаи назаридан АТБ омбордаги ва фойдаланишдаги буюмларга бўлинади.

АТБ умумий тартибда ҳисобга олинади ва бошланғич қийматда баҳоланади ва баланс акс эттирилади.

Фойдаланишдаги буюмларнинг эскириш суммаси балансниинг айрим моддасида кўрсатилади.

Субъектларда АТБ бўйича қуйидаги муомалалар амалга оширилиши мумкин – фойдаланишга топшириш, эскириши ва эскириши натижасида ёки зарурат бўлмаган вақтда фойдаланишдан чиқариш. Бундан ташқари, инструмент ва мосламалар иш жойидан чархлаш ва таъмирлаш учун берилиши мумкин (алмаштирилиши учун ёки узоқ муддатга фойдаланиш учун қайтарилиши ва тиклаш учун берилиши мумкин) ва қайтариб олиниши мумкин. Айрим махсус кийим ва пойафзаллар ходимларга сотилиши мумкин.

Ушбу муомалаларнинг ҳар бир турини айрим олган ҳолда АТБ гуруҳлари бўйича ҳисобини қайд қилиш лозим. Чунки АТБ ТМЗ гуруҳига кириб хар бир жавобгар шахсга биркитилган бўлади, шунинг учун хар бир жавобгар шахс бўйича айрим ҳисобини юритиши тақозо қилинади.

АТБ эскириш суммаси ишлаб чиқариш харажатларига қўшилади, шунинг учун уларнинг ҳисобини харажатларнинг таркибини ҳисобга олиш даражасида олиб боришни тақозо қилади.

АТБ ҳисобини юритишдаги асосий вазифалар ТМЗ ҳисобини юритишдаги вазифаларга ўхшаш бўлиб унга яна битта вазифа, яъни фойдаланишдаги АТБ эскириш суммасини тўғри ҳисоблаш ва тегишли харажат марказларига олиб бориш вазифаси қўйилган.

АТБ жуда хилма-хил ва кўп бўлганлиги учун унинг ҳисобини астойдил ташкил қилиш лозим. Улардан эътиборсизлик билан фойдаланиш ва суистеъмол қилиш ҳоллари тез-тез учраб туради.

Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларнинг мавжудлиги ва субъектда фойдаланиши қуйидаги хужжатларга асосан ҳисобга олинади ва назорат қилинади.

АБ-1.Захирадаги инструмент ва мосламаларни тўлғазиш (олиниши) жамғарма қайдномаси. Бу жамғарма қайдномаси ёрдамида омборхона ёки инструмент цехидаги инструмент ва мосламаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати назорат қилинади.

АБ-2. Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларни ҳисобга олиш картаси- бу карточка буюмларни фойдаланишга бериш-

да қўлланилиб уни олган ёки топширган шахсларнинг имзоси билан тасдиқланади.

АБ-3. Инструмент ёки мосламани тузатиш ёки созлаш учун буюртма. Бу ҳужжатда инструмент ва мосламаларни марказлаштирилган ҳолда таъмирлашни ташкил қилишда қўлланилиб уларнинг ҳаркати ҳисобга олиб борилади.

АБ-4. Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси- буюмларнинг бузилиши, йўқотилиши натижасида тузилиб тегишли чоралар қўллаш учун фойдаланилади.

АБ-5. Инструментларни ҳисобдан чиқариш ва яроқлилигига алмаштириш, тузатиш далолатномаси — бу далолатнома кимссия томонидан тузилиб яроқсиз инструментлар ва мосламаларни ҳисобдан чиқариш ёки уларни яроқлилигига алмаштириш учун қўлланилади.

АБ-6. Махсус кийимлар ва мухофаза анжомларини ҳисобга олиш шахсий варағи, субъектнинг ходимлари томонидан якка тартибда фойдаланилаетган буюмларни ҳисобга олишда қўлланилади.

АБ-7. Махсус кийимларни қабул қилиш ва қайтариш ҳисобининг жамғармаси — бу жамғарма қайднома якка тартибда фойдаланилган буюмларни ювиш, тозалаш, дезинфекция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш учун ходимлардан қабул килаётганда омбор мудирлари томонидан тузилади.

АБ-8. Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси. Ушбу далолатнома комиссия томонидан эскирган, тўзган ва яроқсиз ҳолатга келган буюмлар учун.

(АБ-4 асосида умумлаштирилиб) тузилади ва чиқиндилар омборхонага топширилиб, омборхона мудирининг имзоси билан бухгалтерияга топширилади.

Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар ҳақиқий таннархда ёки бутланган ҳисоб баҳосида, титулсиз (вақтинчалик) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар эса уларни қуриш ва барпо этиш учун сарфланган ҳақиқий харажатларнинг йиғиндиси суммасида ҳисобга олинади. Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларнинг ҳақиқий таннархи уларнинг сотиб олиш баҳоси, транспорт ва тайёрлов харажатлари йиғиндисининг суммасига тенг, яъни: БхқБш+Бх+Бт.

Бх — буюмларнинг ҳақиқий таннархи

Бш — буюмларнинг шартнома баҳоси

Бх – буюмларнинг тайёрлов харажатлари

Бт – буюмларнинг транспорт ташиш харажатлари.

Арзон баҳоли ва тез эскируучан буюмларнинг субъектда жорий қилинган ҳисоб баҳоси билан ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ 1610-"Материалларнинг қийматидаги фарқлар" счётида акс эттирилади.

1200-"Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар" счётларининг гуруҳида қуйидаги счётлар мавжуд:

1210- "Омбордаги арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар";

1220- "Фойдаланишдаги арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар";

1230- "Вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар".

Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар фойдаланишга топширлаётганда баҳосига қараб қийматининг бир қисмига фойдаланишга берилаётганда 50 фоиз ва ҳисобдан чиқарилганда 50 фоиз эскириш суммаси ҳисобланади.

1220- "Фойдаланишдаги арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар" счётида ҳисобга олинган арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларнинг эскириш суммаси. Бунда 1310- "Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларнинг эскириши" счётида ҳисобга олинадиган ва ижарага (кирага) бериладиган буюмларнинг эскириши тўғрисидаги ахборотлар умумлаштирилиб борилади.

Масъул сақлашга қабул қилинган моддий қийматликлар балансдан ташқари 002- "Масъул сақлашга қабул қилинган товар моддий бойликлар" счётида ҳисобга олинади ва эгаси топилгандан кейин келишилган баҳосига ташиш ва сақлаш харажатлари қўшилган ҳолда унга топширилади.

Субъект томонидан қайта ишлаш учун олинган, лекин қиймати тўланмайдиган буюртмачиларнинг хом ашё ва материаллари (еки қайта ишлашга берилган, хом ашё ва материаллар) 003-"Қайта ишлашга қабул қилинган материаллар" номли балансдан ташқари счётда ҳисобга олинади.

Қурилиб битказилган ва вақтинча фойдаланиладиган (титул рўйхатида кўрсатилмаган) иншоотларнинг қиймати 1230-«Вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар» счётининг дебетига 2720-"Вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар" счётининг кредитидан ўтказилади. Геология қидирув ишларини бажарадиган субъектларда эса 2010-"Асосий ишлаб чиқариш" счётидан 1230 счётига ўтказилади.

1200- "Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар" счётлари гуруҳида аналитик ҳисоб ТМЗ каби ҳар бир буюмларнинг гуруҳи бўйича айрим олган ҳолда юритилади.

Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларнинг кирими ва чиқими муомалаларини счётларда қайд қилиш чизмаси.

1200-"Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар" счётлари

1210- "Омборхонадаги АТБ", 1220- "Фойдаланишдаги АТБ", 1230- "Вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар"

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
С- АТБ бошлангич қолдиғи			
1220-	Буюмларнинг ички ҳаракати	Буюмларнинг ички ҳаракати	-1210
1310-	Приватизация натижасида олинган буюмларнинг эскириши	ҳисобдан чиқарилган буюмларнинг қолдиқ қиймати	-1310
9370-	Буюмларнинг баҳосини ошириш	АТБ бошқа шахсларга сотилиши, эҳсон қилиниши	-9220
2010, 2310, 2320, 2510-	Бўлинмалардан қайтарилган буюмлар	АТБ баҳосини камайтириш	-9435
9390-	Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча буюмлар	Буюмларнинг қийматини ишлаб чиқариш сарфларига ҳисобдан чиқариш	-2010, 2300, 2510, 9410, 9420
2610-	Чиқиндиларини қайтариш ҳисобига яроқсиз маҳсулот қийматининг камайтирилиши	АТБ капитал ишларни бажаришга сарфлаш	-0810
		АТБ вақтинча (титулсиз) иншоотларни қуришга сарфлаш	-2720
2710-	Вақтинча (титулсиз) қурилган иншоотларни қабул қилиш	АТБ янги маҳсулот ишлаб чиқариш, тоғ-кон ишларини тайёрлашга сарфлаш	-3110
9210-	Асосий воситаларни тугатиш натижасида олинган материалларни қабул қилиш	Ортиқча буюмларни сотиш, акция ҳисобига бериш	-9220
5010, 5110, 5210, 5500-	АТБ нақд пулга ва пул ўтказиш усулида сотиб олиш	Мол етказиб берувчиларга АТБ камомади бўйича даъвонинг билдирилиши	-4210
6010-	АТБ мол етказиб берувчилардан қабул қилиниши	Ходимларга махсус кийимларнинг берилиши	-4690
9360-	Мол етказиб берувчиларнинг даъвони асосли рад	АТБ авлод корхоналарига, бўлинмаларига ва филиал-	-4110

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
	қилиши	ларига берилиши	
8511-8513	Приватизация қилинган объектлар таркибида АТБ олиниши	Курилиши тўхтатилган объектларга сарфланган АТБ ва уларнинг эхсон сифатида берилиши	-9220
6410-	АТБ бўйича қўшилган қиймат солиги	Инвентаризация натижасида аниқланган АТБ камомади	-4630, 9433
6870-	ҳисобдор шахслар орқали АТБ олиниши	АТБ мақсадли молиялаштириш йўналишида бериш	-9220
4710-	Улуш ҳисобига таъсисчилардан олинган буюмлар	АТБ қисқа муддатли инвестиция ҳисобига бериш	-5810, 5820
6890-	АТБ ҳар хил юридик ва жисмоний шахслардан олиниши	АТБ камомади бўйича мол етказиб берувчиларга даъво билдириш	-4210
6110-	АТБ авлод корхоналаридан ва бўлимларидан олиниши	АТБ вақтинча курилган иншоотларга (нокапитал ишларга) ҳисобдан чиқариш	-2700
8523-	АТБ эхсон сифатида олиниши		

Меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, «Харажатларнинг таркиби тўғрисидаги Низом» ва 4-БХМС "Товар-моддий захиралари" АТБ эскириш ҳисоблаш тартиби белгиланган. Ушбу талабни бажариш машаққатли ва кўп меҳнатни талаб қилса хам ушбу буюмларга эскириш ҳисобланади ва фойдаланилаётган жойлари ва хизмат қилаётган объектларининг сарфларига қўшилади. Шунинг учун хам ушбу эскиришни ҳисоблаётганда баъзи бир шартли чекинишларга йўл қўйилади.

Ҳозирги вақтда субъектлар эскириш суммасини ҳисоблашнинг қуйидаги усулларини қўллаши мумкин:

1. Буюмларнинг хизмат муддатидан келиб чиққан ҳолда эскириш суммасининг ҳисоблаш. Ушбу усулни қўллаганда АТБ эскириш уларнинг хизмат қилиш вақтига бошланғич қийматини бўлиб ойма-ой эскириш суммасини ҳисоблаб бориш. Масалан, ишчиларга махсус иш кийим боши (коржама) берилди. Унинг қиймати 60000 сўм ва хизмат муддати 12 ой. Коржама йилнинг бошида берилган. Демак, 1 ойлик эскириш суммаси 5000 сўм (60000:12). Ушбу тартибда фойдаланишга берилган ҳамма АТБ махсус қайдномада ёзилиб борилади ва улардан фойдаланиш муддати қаттиқ назорат қилинади.

2. Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар фойдаланишга берилганда шу ойда 50% қиймати эскиришга чиқарилиб те-

гишли объектнинг таннархига қўшилади ва қолган 50% қийматидан олинган чиқиндилар суммаси чегирилиб қолган сумма тегишли объектнинг таннархига (ушбу буюм ҳисобдан чиқарилаётган вақтида) қўшилади.

3. Хўжалик юритувчи субъектлар қабул қилинган ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда АТБ фойдаланишга берилган вақтида уларнинг тўлиқ қийматини объектнинг сарфига қўшиб юборадилар.

АТБ эскириши ҳар бир бўлим ва объектлар учун айрим ҳисобланиб борилади. Ушбу эскириш АТБ беришни гуруҳлаштирувчи қайдномалар ва уларнинг чиқишини тасдиқловчи далолатномаларнинг жамғарма қайдномаларига асосан бухгалтерияда ҳисоблаб чиқарилади. Агарда инструментлар алмаштирилса ва тегишли ҳужжат билан тасдиқланмаса эскирган инструментларни ҳисобдан чиқариш далолатномасидаги кўрсатилган суммаси фойдаланишга берилган инструментлар суммасига қўшилади. Ушбу усулни қўллашга асос бўлиб субъектларда фойдаланишга берилган ва ҳисобдан чиқарилган буюмларнинг миқдори ва қийматида ой давомида катта фарқ бўлмайди ва уларнинг эскириш суммаси унчамунча бир текисда субъект харажатларига ой давомида қўшилиб борилади.

Захира жамғармалари ва мақсадли молиялаштириш жамғармалари ҳисобидан олинган арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларга эскириш ушбу манбалар ҳисобига тўлиқ 100% ҳисобланади.

Махсус инструментлар ва мосламалар айрим олган маҳсулот ёки ишларни бажаришда қўлланилса ушбу буюмлардан фойдаланиш даврига ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдорига мутаносиб равишда режада тасдиқланган меъёр асосида жорий ойга тегишли суммаси аниқланади.

Масалан, йил давомида 20000 дона маҳсулот ишлаб чиқариши ва бунинг учун 100000 сўмга махсус инструмент ва мослама олиш режалаштирилган. Бу ҳолатда 1-бирлик маҳсулотга тегишли АТБ эскириш суммаси 5 сўмни (100000:20000) ташкил қилади. Агарда жорий ойда 2000 дона маҳсулот ишлаб чиқарилса уларга тегишли АТБ эскириши 10000 сўмни (2000x5) ташкил қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, махсус инструмент ва мосламаларнинг эскириш суммаси ишлаб чиқаришнинг тўғри хара-

жатлари ҳисобланади. Бошқа умумий фойдаланишдаги АТБ эскириш суммаси эса эгри харажатлар туркумига киради.

АТБ эскириши махсус ҳисобларга асосан тегишли шаклдаги жадвалларда ҳисоблаб аниқланади ва объектларга тақсимланади.

АТБ эскириш ва 2940-"Ижара буюмлари" счётидаги ижара буюмларининг эскириши суммалари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун 1310- "Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларнинг эскириши" счётидан фойдаланилади.

"Товар-материалларнинг захираси" номли 4-БХМСга мувофиқ белгиланган меъёрдаги АТБ қийматлари уларни ишлаб чиқаришга ёки фойдаланишга бериш жараёнида эскириши ҳисобга олиб борилади. Ижарага бериладиган буюмларнинг эскириш суммаси эса уларнинг хизмат муддатига бир текисда тақсимланади. Ҳисобланган эскириш суммаси ушбу буюмлар фойдаланилаётган бўлимлар ёки ишлаб чиқариш сарфларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебетига ва 1310- "Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларнинг эскириши" счётининг кредитида қайд қилинади. Ушбу 1310 счётининг дебет томонида эса эскириш натижасида ҳисобдан чиқарилган АТБ ва ижара буюмларининг бошланғич қийматидан уларни тугатиш натижасида олинган чиқиндиларининг қиймати чегирилгандан кейин қолган сумма тегишли 1220 еки 2940 счётларнинг кредит томонида акс эттирилади. Олинган яроқли чиқиндилар эса 1220 счётнинг кредитидан тегишли счётларнинг (1090) дебетига ўтказилади.

1310- "АТБ эскириши" бўйича очилган аналитик ҳисоб АТБ ва ижара буюмларининг ҳар бир гуруҳи бўйича зарур маълумотларни олишни таъминлаши лозим.

Арзон баҳоли ва тез эскирувчан ва ижара буюмларининг эскириш суммасини счётларда акс эттириш чизмаси.

1310-"Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларнинг эскириши" счёти

Счётларнинг кредитига Дебет		**Счётларнинг дебетидан Кредит**
		С- ҳисобланган эскириш суммаси
1220, 2940-	АТБ ва ижара буюмларини ҳисобдан чиқариш	Капитал қуйилмаларда фойдаланилаётган АТБ эскириш -0810

Счётларнинг кредитига Дебет		Счётларнинг дебетидан Кредит	
	(чиқиндилар қиймати)	ҳисоблаш	
9220-	Фойдаланишдаги ва омбордаги АТБ ва ижара буюмларининг сотилиш, эхсон қилиниши, бартер савдоси	Приватизация қилинган субъект қийматининг таркибидаги АТБ эскириш суммаси	-1210
9435-	Баҳоси камайтирилган АТБ эскириш суммаси ва ортиқча ҳисобланган эскириш суммасини тузатиш	Субъектда ва унинг бўлимларида фойдаланилаётган АТБ эскириш ҳисоблаш	-2010, 2310, 2510, 2720
		Тайёргарлик ишларида, янги маҳсулотни ўзлаштириш, ерларни тиклашда фойдаланилаётган АТБ эскириш ҳисоблаш	-3110
		Мақсадли молиялаштириш маблағлари ҳисобидан олинган АТБ эскириш ҳисоблаш	-7710, 8810
		Баҳоси оширилган АТБ эскиришини қайд қилиш ва эскириш суммасини қўшимча ҳисоблаш	-9370
		Умумий овқатланиш тармоқлари ва ижара субъектларидаги буюмларга эскириш ҳисоблаш	-9429

Саноат ва бошқа ишлаб чиқариш субъектларида товарларни ҳисобга олувчи счётлар қуйидаги ҳолларда қўлланилади: саноатга таълуқли субъектларда махсус сотиш учун олинган буюмлар, материаллар, маҳсулотлар ёки бутлаш учун олинган тайёр буюмларнинг қиймати ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархига киритилмаса, лекин харидорлар томонидан алоҳида тўланса.

Таъминот, сотиш, савдо ташкилотларида товарларни ҳисобга олиш счётларида сотиб олинадиган идишлар ва ўзида ишлаб чиқарилган идишлар, (ишлаб чиқариш ёки хўжалик эхтиёжлари учун хизмат қиладиган ва асосий воситалар ва арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларни ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинадиган инвентарлардан ташқари) ҳисобга олинади.

Таъминот, сотиш ва савдо субъектларида товарлар сотиб олиш баҳоси бўйича товарларни ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинади. Товарларни тайёрлаш ва етказиб бериш ха-

ражатларининг ҳисоби давр харажатларини ҳисобга олувчи тегишли 9410- «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш билан боғлиқ сарфлар» счётларда юритилади.

Сотиш учун товарлар ва ижара (прокат) буюмлари сифатида олинган товар-моддий бойликларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги счётларда умумлаштирилади:

2910 – "Омбордаги товарлар"
2920 – "Чакана савдодаги товарлар"
2930 – "Кўргазмадаги товарлар"
2940 – "Ижара (прокат) буюмлари"
2950 – "Товарлар билан банд ва бўш идишлар"
2990 – "Бошқа товарлар"

Бу счётлар асосан умумий овқатланиш, савдо ва воситачилик фаолияти билан шуғулланадиган субъектларда қўлланилади.

2910- "Омбордаги товарлар" счётида улгуржи ва тақсимот базаларида, омборларда, умумий овқатланиш субъектларининг сақлаш жойларида, сабзавотни сақлаш жойларида, холодильник (совутгич)ларда ва бошқаларда сақланаётган товар захираларининг мавжудлиги ва ҳаракати сотиб олиш қийматида ҳисобга олинади.

2920- "Чакана савдодаги товарлар" счётида чакана савдо субъектлари (магазинлар, палаткалар, ларёклар, киоскалар ва бошқалар)да ва умумий овқатланиш субъектларининг буфетларида мавжуд товарларнинг миқдори ва ҳаракати ҳисобга олинади. Бу счётда чакана савдо субъектлари ва умумий овқатланиш субъектларининг буфетларидаги шиша идишлар (бутилка, банкалар ва бошқалар)нинг миқдори ва харкати ҳам ҳисобга олинади.

2930- "Кўргазмадаги товарлар" счётида кўргазмалар, ярмаркаларда, реклама ва кўрсатиш учун мўлжалланган товарлар сотиб олиш қиймати бўйича ҳисобга олинади. Бунда 2930- "Кўргазмадаги товарлар" счётининг дебетига ва 2910- "Омбордаги товарлар" еки 2920- "Чакана савдодаги товарлар" счётининг кредитига ёзувлар қилинади. Товарлар учун жавобгарлик бир моддий жавобгар шахсдан бошқа шахсга вақтинчалик ўтади. Агар кўргазма, ярмаркалар ва бошқаларга қуйилган товарлар сотилса, у ҳолда 2910- "Омбордаги товар-

лар" еки 2920- "Чакана савдодаги товарлар" счёти бўйича бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

2940-"Ижара (прокат) буюмлари" счётида ижара буюмларининг мавжудлиги ва харкати ҳисобга олинади. Ижара буюмларининг эскириши 1310- "АТБларнинг эскириши" счётида ҳисобга олинади.

2950-"Товарлар билан банд ва бўш идишлар" счётида товарлар билан банд ва буш турган идишларнинг (чакана савдо корхоналаридаги ва умумий овқатланиш корхоналарининг буфетларидаги шиша идишлардан ташқари) мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Савдо корхоналари товарлар билан банд ва бўш бўлган идишларнинг ҳаракатини уларнинг таркиби ва баҳосидан келиб чиккан ҳолда идишлар гуруҳи баҳоси бўйича ўрнатиладиган ўртача ҳисоб баҳоси бўйича ҳисобга олишлари мумкин. Бунда идишларнинг сотиб олиш баҳоси билан ўртача ҳисоб баҳоси ўртасидаги фарқ 9390-"Бошқа муомалавий даромадлар" счётида олиб борилади (идишлар билан боғлиқ муомалалар бўйича натижа сифатида).

2990-"Бошқа товарлар" счётида 2910-2950 счётларда акс эттирилмаган бошқа муомалалар ҳисобга олинади.

Омборга келиб тушган товарлар ва идишларнинг кирим қилиниши 2910-"Товарлар" счётининг дебетида акс эттирилади ва бошқа харажатлар 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг тўлашга қабул қилинган счётлари" счётининг кредитидан 9410-"Сотиш харажатлари (савдо корхоналари учун- муомала сарфлари)" счётининг дебетига ёзилади.

Товарлар ва идишларнинг келиб тушишини 1510-"Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш" счётини қўллаган ҳолда материаллар билан боғлиқ муомалалрни ҳисобга олиш тартибига ўхшаш тартибда ҳисобда акс эттириш мумкин.

Ҳисоблашиш ҳужжатлари харидор (буюртмачи)лар томонидан тақдим этилган ёки улар томонидан ҳақи тўланган, харидор (буюртмачи)ларга сотилган ёки жўнатилган товарлар 2910-"Омбордаги товарлар" счётидан 9120- "Сотилган товарлар таннархи" счётининг дебетига сотиш тартибида ҳисобдан чиқарилади.

Агар мол етказиб бериш шартномасида жўнатилган товарларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларининг субъектдан харидор (буюртмачи)ларга ўтиш

даври ва товарларнинг тасодифий нобудгарчилик тавакка лчилиги кўрсатиб ўтилган бўлса, у ҳолда бу давр бошланишига қадар товарлар 9120-"Сотилган товарларнинг таннархи" счётида ҳисобга олинади. Уларни хақиқатда сотиш (жўнатиш)да товарларни ҳисобга олувчи тегишли счётларнинг кредити ва 9120-"Сотилган товарларнинг таннархи" счётининг дебети бўйича ёзувлар қилинади. Бошқа ўз бўлинмаларига қайта ишлаш учун берилган товарлар товарларни ҳисобга олувчи счётлардан ҳисобдан учирилмайди, улар алоҳида ҳисобга олинади.

Масъул сақлашга қабул қилинган товарлар 002-"Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий бойликлар" номли балансдан ташқари счётда ҳисобга олинади. Комиссияга қабул қилинган товарлар 004-"Комиссияга қабул қилинган товарлар" номли балансдан ташқари счётда ҳисобга олинади.

Товарларнинг ҳисоби кирим ва чиқим юкхатлари, счёт-фактуралар, касса ордерлари, йўналиш варақалари ва бошқа ҳужжатларнинг маълумотлари асосида тўлғазиладиган моддий-жавобгар шахсларнинг ҳисоботига асосан юритилади.

Товарларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича аналитик ҳисоб моддий жавобгар шахслар бўйича, товарларнинг номлари (нави), гуруҳлари бўйича, зарур ҳолларда эса сақланиш жойлари бўйича юритилади.

Товарларнинг ҳолати ва ҳаракатини счётларда акс эттириш чизмаси.

Товарларни ҳисобга олувчи счётлар (2910-2990)

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит
С- давр бошидаги қолдиғи		
2010, 2310-	Савдо корхоналарида асосий ва ёрдамчи тармоқлардан олинган товарлар	Товарларнинг чиқими-сотиш, қарзга бериш ва бошқалар -9120
5010, 5110, 5510-	Олинган товарлар ва ижара буюмлар қийматининг тўланиши	Товарларни ишловга бериш -2010
6870-	Товарларни ҳисобдор шахслар орқали олиш	Товарларни сотишда идишлардан фойдаланиш -9410
6010-	Мол етказиб берувчилардан товарларни олиш	Эскириши натижасида ижарадаги буюмларни ҳисобдан чиқариш -1310, 9220
7010-	Бартер усулида товарларни олиш	Илгари товарлар гуруҳларида ҳисобга олинган қийматликларни ма- -1010

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
		териаллар гуруҳига ўтказиш	
6010, 7010-	Товарларнинг қийматини васика билан тўлаш	Товар ва идишларнинг баҳосини арзонлаштириш	-9439
6110, 7110-	ўзининг бўлимларидан товар ва идишларни олиш	Инвентаризация натижасида товар ва идишлар камомадининг аниқланиши	-4630, 9433
4710-	Устав капиталига улуш сифатида товарларни олиш	Товар ва идишларнинг йўлдаги камомади	-4210
9370-	Товарларнинг баҳосини ошириш	Олган қарзлар ҳисобига товарларни ички бўлинмаларга бериш	6110
8533-	Эҳсон сифатида олинган товарларни кирим қилиш		
9390-	Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товарларни кирим қилиш		
4110-	Ўз бўлинмаларидан олган қарзи ҳисобига товарлар олиш		

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий кўрсаткичларни яна хам яхшилаш мақсадида ва БХМС асосан хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши мумкин, унга мувофиқ асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш, ТМЗ баҳолаш ва бошқа тартиб-қоидалар белгиланади. Ушбу тартибга мувофиқ субъект ТМЗ сотиб олиш ва келтириш, тайёрлаш ва сақлаш муомалаларининг устидан назоратни кучайтириш мақсадида 1510- "Товар-моддий захираларини тайёрлаш ва сотиб олиш" счётини қўллаши мумкин.

Товар-моддий захираларини тайёрлаш ва сотиб олиш жараёнида 1510-"ТМЗ тайёрлаш ва сотиб олиш" счётидан фойдаланиши мумкин.

Ушбу 1510-"ТМЗ тайёрлаш ва сотиб олиш" счётининг дебети томонида мол етказиб берувчиларнинг тақдим қилган счётида ва шартномада белгиланган баҳодаги моддий қийматликларнинг сотиб олиш баҳоси кўрсатилади. Ушбу ёзув амалга оширилаётганда тегишли 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар", 2010-"Асосий ишлаб чиқариш", 2310-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш",

2320-"Бошқа ишлаб чиқаришлар", 6110-"Бўлимларга тўланадиган счётлар" ва бошқа счётларнинг кредит томонида ушбу суммалар қайд қилинади. Ушбу ёзувлар ТМЗ қаердан келиб тушгани ва уларни тайёрлаш ва ташиб келтириш сарфларининг хусусиятига мувофиқ амалга оширилади.

1510- "ТМЗ тайёрлаш ва сотиб олиш" счётининг кредитида эса 1000, 1100, 1200 ва 2900 счётларининг дебет томони билан боғланган ҳолда субъектнинг эгалигига утган ТМЗ қийматлари акс эттирилади. Ҳақиқатда тайёрланган ва сотиб олинган ТМЗ ҳақиқий таннархи билан субъектнинг ҳисоб сиёсатида белгиланган баҳоси ўртасидаги фарқ суммаси 1510-"Моддий қийматликларни тайёрлаш ва сотиб олиш" счётидан 1610-"Материалларнинг баҳолари ўртасидаги фарқ" счётига олиб борилади – дебет 1610 ва кредит 1510.

Товар-моддий захираларини тайёрлаш ва сотиб олиш муомалаларини счётларда қайд қилиш чизмаси.

1510-"Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш"

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
Сальдо-	N		
1610-	Ҳақиқий таннарх билан ҳисоб баҳоси ўртасидаги фарқ (-)	Ўрнатиладиган машина ва ускуналарнинг сотиб олиниши	-0710
2310, 2320-	Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришларнинг хизмати	ТМЗ объектнинг курилишига сарфланиши	-0810
4210-	қопланмаган даъво суммаларининг ТМЗ таннархига қўшилиши	Омборхонага олинган ТМЗ ва идишларнинг қабул қилиниши	-1010, 1090
6010-	Сотиб олинган ТМЗ қийматига мол етказиб берувчилар счётларининг акцептланиши	Ўстириш ва боқиш учун олинган ҳайвонларнинг кирим қилиниши	-1110
6110, 6890-	Авлод корхоналари ва бошқа бўлимлардан ТМЗ олиниши	АТБ кирим қилиниши	-1210
6870-	Ҳисобдор шахслар томонидан ТМЗ учун сарфларнинг амалга оширилиши	Қабул қилинган ТМЗ ҳақиқий таннархи билан ҳисоб баҳоси ўртасидаги фарқ (+)	-1610
6890-	ТМЗ сотиб олиш билан боғлиқ ҳар хил субъектларнинг сарфлари	Товарларнинг кирим қилиниши	-2910

"Товар-моддий захиралари" номли 4-миллий стандартда хўжалик юритувчи субъектнинг мулки бўлган ТМЗ баҳолашнинг ҳар хил усуллари таклиф қилинган. Ушбу таклифлар субъект то-

монидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ҳисоб сиёсати билан биркитилган. Шунинг учун ҳам стандартда таклиф қилинган ва ҳисоб сиёсати билан биркитилган FIFO, LIFO, ўртача ва ҳисоб баҳолари билан тайёрланган ва сотиб олинган ТМЗ ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ вужудга келади.

Ушбу баҳолар билан таннархнинг ўртасидаги фарқни умумлаштириш қуйидаги 1610- "Материалларнинг қийматлари ўртасидаги фарқ" *счётида амалга оширилади.*

Ушбу счёт қачонки субъектлар тайёрланган ва сотиб олинган ТМЗ ҳисоб баҳосида жорий ҳисобда юритса ва ҳисобот даврининг охирида ҳақиқий таннархи ҳисобланган*дагина* қўлланилади ва ушбу баҳолар билан ҳақиқий таннархнинг ўртасидаги фарқ суммаси тежалганда (-) ушбу сумма 1610 счётнинг дебетида ва 1510 счётнинг кредитида ёки ортиқча сарфланса (+) ушбу сумма 1510 счётнинг дебетида ва 1610 счётнинг кредитида акс эттирилади.

Ушбу 1610-"Материалларнинг қийматлари ўртасидаги фарқ" счётида йиғилган сумма белгиланган даврда (кўпчилик ҳолларда ойнинг охирида) тегишли харажат объектларининг сарфларига қўшилади. Ушбу ҳисоб баҳоси билан ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарқ суммаси сарфланган ва омборга қолган ТМЗ суммаларига мутаносиб равишда тақсим қилинади.

1610-"Материалларнинг қийматлари ўртасидаги фарқ" счётида аналитик ҳисоб тегишли товар-моддий захираларининг гуруҳлари бўйича фарқларнинг даражасига қараб юритилади.

Товар-моддий захиралари баҳолари ўртасидаги фарқ суммаларининг йиғиндисини счётларда акс эттириш чизмаси.

1610-"Материалларнинг қийматлари ўртасидаги фарқ" счёти

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
1510-	Келиб тушган ТМЗ қийматлари ўртасидаги фарқ (+)	Сотиб олинган ТМЗ қийматлари ўртасидаги фарқни ҳисобдан чиқариш (-)	-1510
1510-		Баҳолар ўртасидаги фарқ тегишли сарфлар счётларига мутаносиб равишда тақсимланди	-2010, 2300, 2510, 9410
4110-		Нокапитал ишлар қийматига тегишли улушнинг қўшилиши	-2710
	Сотиб олинган ТМЗ баҳолари ўртасидаги фарқ	Бўлимларга берилган ТМЗ тегишли фарқларнинг ҳисобдан чиқарилиши	-4110
	Субъектнинг ўлимларидан олинган ТМЗ баҳолари ўртасидаги фарқ	Хизмат кўрсатувчи тармоқларга сарфланган ТМЗ тегишли фарқларнинг ҳисобдан чиқарилиши	-9450

VI БОБ. ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАР (ТЎЛАНАДИГАН СЧЁТЛАР) БЎЙИЧА ҲИСОБЛАШИШЛАР

А. Олинадиган счётлар (тўловлар)

Корхона ва фирмалар ўз фаолияти жараёнида харидор ва истеъмолчиларга маҳсулот сотадилар, ишларни бажарадилар, хизмат кўрсатадилар ва инвестиция қиладилар. Бунинг натижасида субъектнинг маблағлари вақтинча қарзга берилади, яъни бошқа шахсларга маҳсулотлар сотилади, хизмат кўрсатилади, даъво билдирилади ва ҳоказо.

Бу муомалалар асосан қуйидаги ҳолларда содир бўлади:

а) харидор ва буюртмачиларга маҳсулот сотганда, ишларни бажарганда ва хизмат кўрсатганда;

б) мол етказиб берувчиларга олинадиган хом ашё ва материаллар учун бўнак берилганда ва пудратчиларнинг бажарилаётган ишларига қисман ҳақ тўланганда;

в) харидорлар ва буюртмачилар билан бўладиган ҳисоблашишлар жараёнида содир бўладиган харидор ва буюртмачиларнинг қарзи ёки бўладиган қарз натижасида;

г) мол етказиб берувчиларга, пудратчиларга, транспорт ва бошқа ташкилотларга нисбатан асосли қилинган даъволар, улар томонидан тан олинган ёки ҳукм қилинган жарима ва ўсимлар бўйича;

д) субъектнинг фаолияти жараёнида ўзининг ходимлари билан меҳнат ҳақи ва депозитлар бўйича хисоблашишдан ташқари содир бўладиган — кредитга сотилган товарлар, берилган қарзлар, етказилган моддий зарарларни қоплаш бўйича ҳисоблашишларнинг вужудга келиши натижасида;

е) турли ташкилот ва корхоналар билан тижоратга алоқаси бўлмаган — ўқув юртлари, илмий муассасалар, транспорт ташкилотлари билан чек бўйича ҳисоблашишлар, меҳнат ҳақи, мукофотлар ва ижро этувчи ҳужжатлар бўйича ҳисоблашишнинг вужудга келиши натижасида ушбу юқорида кўрсатилган ҳисоблашишлар содир бўлади. Аниқлик киритиш, тўғри тасниф бериш ва тушунарли бўлиши учун ҳар бир

ҳисоблашишнинг турлари, олинадиган счётларни аниқ мисоллар ёрдамида чуқур ўрганиш лозим.

Олинадиган счётлар бошқа субъектларнинг пул маблағларига, товарларга, хизмат ва бошқа активларига бўлган даъволарини ўзининг ичига олади. Ушбу счётлар қарзни тўлашнинг кўтилаётган санасига ёки уларнинг тўлов муддатига кўра жорий ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Муомала пайтида амалиётда олинадиган счётлар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланади. Бундан ташқари "Олинган васиқалар" номли баланснинг тегишли моддаси бошқа субъектларнинг расмий қарз мажбуриятлари билан тасдиқланади. Ушбу олинадиган счётлар икки гуруҳга бўлинади:

– асосий-муомалавий фаолият бўйича олинадиган счётлар-сотилган маҳсулотлар, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар юзасидан мижозлар, харидорлар ёки истеъмолчиларнинг қарзи;

– асосий-муомалавий фаолиятдан ташқари бошқа муомалаларнинг натижасида юзага келган олинадиган счётлар.

Тан олиш ва ўлчаш тамойили дебиторлик қарзлари билан боғлиқ бўлган хўжалик муомалаларининг асоси бўлиб ҳисобланади. Даромадлар ва у билан боғлиқ бўлган олинадиган счётлар фақатгина уларнинг олинишига ишонч хосил қилган вақтдагина тегишли счётларда акс эттирилади.

Олинадиган счётлар субъектнинг асосий ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти жараёнида содир бўлган дебиторлик қарзларининг йиғиндиси ҳисобланади. Ушбу олинадиган счётлар ўзининг ичига баланс санасидан кейинги 1 йил ёки субъектнинг муомалавий босқичи давомида (ушбу муддатларнинг қайси бири узунроқ бўлишига қараб) ундириб оладиган суммасидир. Олинадиган счётларнинг тўлов муддати амалиётда асосан 30-60 кунни ташкил қилади ва ушбу муддат ўтгандан кейин уларнинг муддати ўтган деб ҳисобланади.

Мижозларнинг олдиндан ва кўпроқ тўлаши натижасида ушбу счётларда кредит қолдиғи хосил бўлиши мумкин, шунинг учун ушбу воқеалар янгидан гуруҳлаштирилади ва ҳисоботда мажбуриятлар шаклида кўрсатилади. Чунки ушбу кредит қолдиғи суммаси олинадиган счётларнинг суммасига қўшилмайди, балки субъектнинг мажбурияти ҳисобланади. Молиявий таҳлилчиларни ушбу суммалардан ташқари олинадиган ушбу маблағларни ўндириб олиш учун зарур бўлган кунларнинг сони, яъни олинадиган счётларнинг оборати

қизиқтиради. Чунки ушбу маблағлар субъектнинг фаолиятидан вақтинча четлаштирилган ва даромад олиб келтирмайдиган маблағлар ҳисобланади. Олинадиган счётлар, улар билан боғлиқ бўлган даромад тан олинагандагина тан олинади ва натижада олинадиган счётларнинг соф таннархи аниқланади. Маҳсулотларни сотиш, хизмат кўрсатиш ва ушбу маблағларни олиш ўртасидаги муддат нисбатан қисқа бўлганлиги учун олинадиган фоизларнинг суммаси эътиборга олинмайди.

Ушбу маблағлар, яъни харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар (тўловлар), олинган васиқалар, дебиторлик қарзлари ва турли хил юридик ва жисмоний шахсларга берилган бўнаклар, шунингдек, алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олинадиган счёт (тўловлар), ходимлар, таъсисчилар ва турли дебиторларнинг қарзлари ҳақида маълумотларни умумлаштириш ва субъектнинг фаолияти тўғрисида тўғри хулоса чиқариш учун зарурдир.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга ошириладиган ҳисоблашишлар, шу жумладан, валюта муомалалари бўйича ҳисоблашишлар сўмда ҳисобга олинади. Улар ҳисоблашишпул ҳужжатлари кўчирмасининг амалдаги муддатига хорижий валютани курси бўйича қайта ҳисоблаш усули билан аниқланади. Бир вақтнинг ўзида бу муомалалар ҳисоблашишлар ва тўловлар бўйича хорижий валютада акс эттирилади. Хорижий валюта муомалалари бўйича курс фарқлари, шу жумладан, бухгалтерия балансини тузиш муддатига қарзларнинг қайта баҳоланишидаги курс фарқлари 9540-"Курс фарқларидан олинган даромадлар (ижобий)" ёки 9620-"Курс фарқларидан кўрилган зарарлар (салбий)" счётларига олиб борилади.

Ушбу дебиторлик маблағларни (олинадиган счётларни) ҳисобга олиш тартиби қуйидаги счётларда ёритилади:

– 4000-"Олинадиган счёт (тўлов)ларни ҳисобга олувчи счётлар";

– 4100-"Бўлинмалардан олинадиган счёт(тўлов)ларни ҳисобга олувчи счётлар";

– 4200-"Даъволар бўйича олинадиган счёт(тўлов)ларни ҳисобга олувчи счётлар";

– 4300-"Мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар";

– 4400-"Ходимларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар";

– 4500-"Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счётлар";

– 4600-"Бошқа муомалалар бўйича ходимларнинг қарзини ҳисобга олувчи счётлар";

– 4700-"Таъсисчиларнинг устав капитал (фонд)ига бадаллари бўйича қарзини ҳисобга олувчи счётлар";

– 4800-"Турли хил дебиторларнинг қарзларини ҳисобга олувчи счётлар";

– 4900-"Шубҳали қарзлар бўйича заҳираларни ҳисобга олувчи счётлар".

Кўпчилик ҳолларда йирик субъектлар ўзларининг мижозларига тўловни маълум белгиланган муддатда амалга оширсалар счёт-фактурадаги умумий суммани камайтирадиган чегирмаларни таклиф қиладилар. Чунки ушбу пул чегирмаси савдо хажмини кўпайтириш, мижозларни кўпайтириш ва тўловни тезроқ амалга оширишга ундайди. Бундан ташқари пул маблағларини тезроқ жалб қилишга ва шубҳали қарзларнинг миқдорини камайтиришга ёрдам беради.

Бундан ташқари савдо чегирмалари ҳам амалда тез-тез қўлланилади. Ушбу чегирмалар ҳар хил мижозларнинг гуруҳларига, улгуржи ва чакана сотувчиларга, ҳар хил хажмдаги товарларнинг баҳоларини тарғиб қилишнинг асосий усулларидан биридир. Одатда амалиётда улгуржи-савдо каталоглари (рўйхати)да ягона счёт-фактура боҳоси ёзилади. Кейинчалик мижознинг молиявий ҳолати ва буюртирилган товарларнинг турлари ва хажмига мувофиқ ҳар хил чегирмалар эълон қилиниши мумкин. Бундай савдо чегирмалари охирги сотиш баҳосини камайтиради, лекин сотиш хажмининг ошишига ёрдам беради.

Мисол. Пулли чегирма қўлланилганда бу счёт-фактура суммаси савдо чегирмаси олингандан қолган суммага тенг.

А фирма Б фирмага сотган маҳсулотлари учун 1000000 сўм счёт-фактура тақдим қилди ва 20 кун ичида тўласи 8% чегиртма 30 кун ичида тўласи 5% чегирма таклиф қилди. Демак, Б фирмаси 20 кун ичида тўласи 920000 сўм, агарда 30 кун ичида тўласи 950000 сўм тўлайди.

Савдо чегирмаси қўллаганда мижознинг тури ва хажми асос бўлади. Харидор 1000 дона маҳсулот олмоқчи чегирма 5%, агарда яна 500 дона маҳсулотни қўшимча сотиб олса унга 10% чегирма белгиланган 1 дона маҳсулотнинг баҳоси 50000 сўм. Демак, 1000 дона маҳсулотнинг қиймати 47500000 сўм (баҳоси 475000 сўмдан). Ушбу муомалада харидор 2500000 сўм тежади (50000000-47500000).

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардошликни сақлаш учун қўлланиладиган яна бир усул бу харидорларга маълум давр ичида олган товарларни қайтариш ҳуқуқини беришдир.

Бу жараён фақатгина маҳсулотларда нуқсонлар ёки камчиликлар топилсагина содир бўлади. Харидорда ушбу товарларга қизиқишни ошириш учун сотувчи унинг баҳоларини камайтириши мумкин. Ушбу усул ва компенсация тўловлари чакана савдода муҳим ўрин эгаллайди. Лекин бу усулни қўллаш натижасида соф сотиш хажми камаядию харидорларнинг ишончи қозонилади.

Мисол: А компаниясининг ўтган йилги фаолиятида товарларнинг қайтарилиши 160000 сўмни ташкил қилди. Ушбу муомала тегишли счётларда қуйидагича қайд қилинади:

9040-"Товарларнинг қайтарилиши"- 160000 сўм
4010-"Харидорлардан олинадиган счёт"- 160000 сўм

Мол етказиб берувчиларга айрим ҳолларда олинадиган хом ашё ва материаллар учун олдиндан бўнак берилади ва кейин ушбу қийматликлар олинади, айниқса бу усулдаги ҳисоблашишлар ишончсиз истеъмолчиларга нисбатан мол етказиб берувчилар томонидан кенг қўлланилади. Бундан ташқари пудратчиларга ҳам бажарилаётган иши бўйича бўнаклар тўланиб борилади, айрим ҳолларда эса бажарилган ишларнинг қиймати босқима-босқич тўланади. Масалан, объектлар қурилаётганда унинг 0-босқичи, монтаж, сантехника, безаш ва бошқа ишлар тузилган ишларни қабул қилиш далолатномасига мувофиқ тўланади ва умумий ҳисоблашишда ушбу тўловлар чегирилиб қолинади ва фарқ сумма тўланади.

Масалан, объектнинг умумий қиймати (сметада кўрсатилган) 3500000 сўм. Қурилиш даврида 2100000 сўм қисман тўланган, демак охирги босқич, яъни объект тўлиқ топширилганда 1400000 сўм (3500000-2100000) тўланади. Дебет 0810 Кредит 6010 ва дебет 6010 кредит 5110, 5210, 6910, 7510, 6940, 7410 ва ҳоказо.

Берилган бўнаклар суммаси ва қисман тайёр бўлган маҳсулот, ишлар ва объектларга тўланадиган суммалар 4310-"ТМЗ учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар" ва 4320-"Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар" счётларида қайд қилиб борилади. Ҳар бир дебитор бўйича аналитик ҳисоб юритилиб берилган бўнаклар суммасининг ҳаракати назорат қилиб борилади.

Бўнакларнинг берилиши 4310 ва 4320 счётларининг дебетида унинг ҳисоблашишда қопланиши 4310 ва 4320 счётларининг кредитида қайд қилинади ва 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар" счётининг дебетига ўтказилиб умумий ҳисоблашиш суммасидан чегирилади, қолган қарз суммаси тегишли счётлар 5110, 5210, 5220, 5510 ва ҳоказолардан мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланади.

Корхона, фирмалар ўзининг фаолиятини юритишда маҳсулотларини харидорларга сотади ва буюртмачилардан айрим маҳсулот трулари бўйича буюртмалар қабул қилади. Натижада харидорлар ва буюртмачилар билан корхона, фирма ўртасида ҳисоблашишлар вужудга келади. Ушбу ҳисоблашишларни умумлаштириш, улар юзасидан ахборот тўплаш ва ҳисоблашиш ҳолатини назорат қилиш учун 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" синтетик счёти қўлланилади. Ҳисоблашишларнинг ҳар хил бўлиши натижасида бу счётда қуйидаги олинадиган суммалар кўрсатилади.

Инкасса тартибидаги ҳисоблашишлар, яъни жўнатилган маҳсулот, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларга доир ҳужжатлар харидор ва буюртмачиларга тақдим қилинган ва банк тўлов учун қабул қилинган ҳолда қайд қилиб борилади.

Режали тўловлар бўйича ҳисоблашишлар- бу тартибда хўжаликнинг узоқ муддатли ва доимий алоқалар содир бўладиган харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашишни амалга ошириш учун қўлланилади. Бу ҳисоблашишлар қўлланилганда харидорлар ва буюртмачилар билан тузилган шартномадаги муддатлар ва тартибларга риоя қилиши шартдир.

Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар ва улар билан ҳисоблашишларнинг тартиби "Тайёр маҳсулотлар, уларнинг сотилиши" бобида кенг ва батафсил ёритилгин.

Васиқа.

Олинган васиқа, бу маълум муддат ичида маълум суммани тўлаш бўйича ёзма мажбуриятдир. Васиқани имзолаган ва шу билан васиқа бўйича тўловни ўз зиммасига олган шахс васиқа берувчи деб аталади. Васиқа бўйича тўловни оладиган шахс ремитент деб аталади. Агар васиқани тўлов муддати бир йилдан кам бўлса, у ҳолда ремитент уни олинган васиқалар сифатида баланснинг ликвидли активлар бўлимида акс эттириши керак,

васиқа берувчи эса уни берилган васиқалар сифатида жорий мажбуриятлар бўлимида акс эттириши керак.

Тўлов муддати- бу васиқанинг муомала муддатининг тугашидир ва ушбу вақтнинг ичида охирги тўлов амалга оширилиши керак. Одатда, олинадиган васиқалар қуйидаги келтирилган сабабларга кўра қўлланилади:

– тўлов муддатининг узайтирилиши (муддати ўтиб кетган олинадиган счётнинг қопланиши учун)

– счёт-фактура ва бошқа тижорат ҳужжатларига нисбатан қарзни тасдиқловчи муҳимроқ далил эканлиги

– фоизларни ундириб олиш учун расмий асос бўлганлиги

– муомалага чиқариш имконининг мавжудлиги.

Кредитлаш бўича муомалалар олинган васиқаларнинг бош манбаси бўлади. Васиқада кўрсатилган фоиз ставкаси, устун булган кредитга лаёқатли ва рискни баҳолашда аналогик мажбуриятлар бўйича бозорнинг даража (ставка)сига тенг бўлмаслиги мумкин. Лекин, эълон қилинган даража (ставка) ҳар доим фоиз тўловлари аниқланганида қўлланилади. Агар эълон қилинган даража (ставка) ва бозор даража (ставка)си мос келмаганида, васиқани баҳолаш ва фоиз бўйича даромадни ўлчаш учун бозор даража (ставка)си қўлланилади. Бозор даража (ставка)си - бу қарама-қарши манфаатли ва муомалага жалб этилган мустақил томонлар тарафидан қабул қилинган даража (ставка)дир. Бухгалтерия ҳисоби учун агар қиймат ёки бозор ставкаси бўйича, васиқа талаб қилган барча пуллик тўловнинг жорий қиймати маълум бўлса, васиқанинг асосий суммаси бозордаги қиймат ёки васиқа ўрнига сотилган товарнинг ёки кўрсатилган хизматнинг пуллик қиймат эквивалентларида ўлчанади. Умумий сумма – бу фоизни ҳисоблаш учун керак бўлган суммадир. Умумий суммадан бошқа тўланган ҳамма суммалар фоиз ҳисобланади.

Васиқаларни фоизли ва фоизсиз васиқаларга ажратиш мумкин. Фоизли васиқалар фоизлар тўлашни ҳисоблашда номинал қийматга қўлланиладиган фоизнинг даража (ставка)сини ифодалайди. Фоизсиз васиқаларда фоизнинг даража (ставка)си кўрсатилмайди, лекин у умумий суммадан юқори бўлган номинал қиймат орқали ифодаланади. ўз навбатида фоизли васиқалар талаб қилинган пуллик тўловларга мос ҳолда икки турга ажралади: (1) оддий васиқалар- якуний тўловдан бошқа, фақат фоизларнинг пуллик тўловлари ва (2) мураккаб ва-

сиқалар - пуллик тўловлар ўз ичига фоизларни ҳамда асосий суммани олади.

Оддий васиқа

Фоиз ҳисобланадиган даврнинг боши

1000000 Сумма — 20 май 20xx й. Сана

Ремитент

Мен олинган сумма учун фармойиш бўйича тўлашга мажбурман:

Васиқанинг номинал қиймати

Компанияга:_____

Юз минг сўм 00 тийин

Қоплаш муддати

xxxxxx20xx й. плюс фоизлар, йиллик 8%дан келиб чиққан ҳолда

Фоиз ставкаси

Васиқа берувчи

_____

Оддий васиқаларнинг ҳисобида қуйидаги атамаларни яхши тушуниш зарур:

1. қоплаш муддати;
2. васиқанинг муомала муддати;
3. қарзнинг фоизи ва фоиз даража (ставка)си;
4. тўлов суммаси;
5. васиқанинг ҳисоби ва ҳисоблашиш даража (ставка)си;
6. хисобга олинган васиқанинг тўлови.

Қоплаш муддати – васиқанинг тўлов санасидир. У тўғридан тўғри васиқада кўрсатилади ёки бошқа йўл билан кўрсатилади. Амалиётда қуйидаги тўлов саналари кўпроқ кўрсатилади:

– аниқ сана, васиқанинг расмийлаштириш санасидан бошлаб маълум ойларнинг сони,

– васиқани расмийлаштириш санасидан бошлаб маълум кунлар сони.

Васиқанинг муомала муддати кунларда аниқланади, масалан, васиқанинг муддати 10 майдан 10 августгача белгиланса, васиқанинг муомала муддати 93 кунни ташкил этади.

Майда қолган кунлар (31-10)	22
Июндаги кунлар	30
Июлдаги кунлар	31
Августдаги кунлар	10
Жами кунлар	93

Қарзнинг фоизи ва фоиз даража (ставка)си кредитдан фойдаланганлиги учун тўловни ёки берилган кредит учун мукофотни акс эттиради. Қарз фоизининг даражаси уч омилга боғлиқ: васиқанинг номинали, фоизининг даража (ставка)си ва кредитнинг муддати. Фоизни ҳисоблаш учун қуйидаги формула қўлланилади:

Васиқанинг номинал қиймати х Фоиз даражаси х Муддати = Қарз фоизининг суммаси.

Фоиз даражаларини белгилашда одатда йиллик базисга асосланадилар. Масалан, 8% даражали, тўлов 100000х8/100х1=8000

Агар васиқанинг муддати бир йил эмас, 3 ой бўлганда қарзнинг фоизи:

100000х8/100х3/12=2000 сўмни ташкил этар эди.

Васиқаларнинг ҳисоби бўйича бухгалтерия ёзуви:

1. Васиқанинг ҳисоби бўйича бухгалтерия ёзуви:
2. Олинган васиқалар.....400000
3. Олинадиган счётлар.....400000
4. Қарз фоизи билан тўланганидан кейин:
5. Касса.....404000
6. Олинган васиқалар.....400000
7. Фоиз кўринишидаги даромадлар.....4000
8. Акс эттирилган васиқанинг ҳисоби- белгиланган муддатда тўланмаган ҳолда, васиқани тўлашдан бош тортиш, деб ҳисобланилади:
9. Олинадиган счётлар.....404000
10. Олинган васиқалар..... 400000
11. Фоиз кўринишидаги даромадлар.....4000
12. Васиқаларнинг ҳисоби бўйича ёзувлар: масалан, тўлов муддати 60 кун бўлган, 8% даражаси билан 200000 сўмлик васиқа фирма томонидан олинган. Фоизлар бўйича суммасини акс эттириш учун, 30 сентябрда тузатув ёзуви қилинади:
13. Олишга мўлжалланган, ҳисобланган фоизлар.....333,5
14. Фоиз кўринишидаги даромад.....333,5

15. Васиқанинг суммаси ва фоизлар тўланганида, 31 октябрда қуйидаги ёзув қилинади:

16. Касса.....202667

17. Олинадиган счётлар.....200000

18. Олинадиган фоизлар.....1333,5

19. Фоиз кўринишидаги даромадлар.....1333,5

Олинган васиқалар ва дебиторлик қарзларига таъсир этадиган бухгалтерия ҳисобининг омиллари ўзаро ўхшаш. Олинган васиқаларни тан олиш ва баҳолаш уларнинг тўланиш имкониятларига боғлиқ. Агар олинган васиқаларни баҳолашнинг имкони мавжуд бўлса, унда дебиторлик қарзларига нисбатан ишлатилган усулларни қўллаш мумкин. Агар баҳолашнинг имкони мавжуд бўлмаса тўғридан-тўғри ҳисобдан чиқариш усули қўлланилади.

Узоқ муддатли олинган васиқалар бўйича ҳисобот дебиторлик қарзларида ишлатилмайдиган икки қўшимча аспектни ўз ичига олади: пул маблағларининг вақтдаги қиймати ва фоиз даромадларини тан олиш. БХМСга мувофиқ, узоқ муддатли васиқалар ўзининг кўринишидаги даромад васиқани беришдаги мавжуд бўлган бозор ставкаси бўйича калькуляция қилинади. Бухгалтерия ҳисоби мақсадларида, бу ставка бутун муомала муддати мобайнида ўзгармайди.

4020-"Олинган васиқаларнинг жорий қисми" ушбу счётда харидор ва буюртмачилардан юборилган маҳсулот ва товар ва бажарилган ишлар бўйича олинган васиқалар билан таъминланган қарздорлик суммаларининг ҳолати ва уни тўлаш жараёни ҳисобга олинади ва назорат қилинади.

4020-"Олинган васиқаларнинг жорий қисми" счётида олинган васиқалар билан таъминланган харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар бўйича дебиторлик қарзи ҳисобга олинади. Бунда оддий ва ўтказма васиқалар қўлланилиши мумкин.

Оддий васиқа – бир томоннинг (васиқани берувчининг) тўлов муддати келгунга қадар маълум пул суммасини бошқа томон (васиқани сақловчи)га аниқ савдо битимлари ёки бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш ҳақидаги ёзма қарз мажбуриятидир.

Ўтказма васиқа (тратта) – кредитор (трассант) томонидан ёзилади ва васиқада кўрсатилган суммани учинчи шахс (ремитент)га ёки тақдим этувчига тўлаш ҳақидаги дебиторга берилган буйруқни ўз ичига олади. Бу ҳужжат трассант томонидан

акцептлангандан сўнг қарз мажбуриятига айланади. Ўтказув ёзуви (индоссамент) ёрдамида васиқа универсал кредит-ҳисоблашиш ҳужжати сифатида бир неча марта фойдаланилиши мумкин.

Васиқа ушловчи индоссамент воситасида васиқани банкка тўлов муддати келгунга қадар топширади ва банк фойдасига ҳисоб фоизи – дисконтни чиқариб ташлаган ҳолда васиқада кўрсатилган суммани олади.

Агар харидор (буюртмачилар)нинг қарзини таъминловчи, олинган васиқа бўйича фоиз назарда тутилса, у ҳолда ушбу қарзни қоплаш (сўндириш) даражасига кўра 5110-"Ҳисоблашиш счёти" ёки 5210-"Валюта счёти" счётларининг дебети ва тўланадиган суммаларни ҳисобга олувчи счётлар (қарзни қоплаш- сўндириш суммасига) ва 9530-"Фоизлар кўринишидаги даромадлар" (фоиз миқдорига) счётининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Тўланадиган счётлар асосий (муомалавий) фаолиятдан келган даромадни ҳисобга олувчи счётлар (9000) ва асосий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счётлар (9300) билан ўзаро корреспонденцияда харидор (буюртмачи)ларга тақдим этилган ҳисоблашиш ҳужжатларида кўрсатилган суммага дебетланади.

Олинадиган суммаларни ҳисобга олувчи счётлар 4010 ва 4020 пул маблағларини ҳисобга олувчи, келиб тушган тўловлар суммасини ҳисобга олувчи, олинган бўнаклар ва бошқа счётлар билан корреспонденцияда кредитланади.

Ўз вақтида тўланмаган васиқалар қайтарилган ҳисобланади. Васиқага нисбатан норозилик билдирилгандан сўнг, ўз мажбуриятлари бўйича маълум жавобгарликка эга васиқа берувчиларга ва индоссантларга қарз мажбуриятини қоплаш учун судга мурожаат қилинади. Бу ҳолда, қайтарилган васиқанинг номинал суммаси фоизлари билан биргаликда 4020-"Олинган васиқаларнинг жорий қисми" счётининг кредитидан 4210-"Даъволар бўйича олинадиган счёт(тўлов)лар" счётининг дебетига ҳисобдан чиқарилади. Олинадиган суммаларни ҳисобга олувчи счётлар 4010 ва 4020 бўйича аналитик ҳисоб харидор (буюртмачи)ларга тақдим этилган ҳар бир тўлов бўйича юритилади.

4010-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счёти ҳисоблашишнинг турларига қараб тақдим қилган тўлов ҳужжатларига асосан 9010-"Маҳсулот (иш ва хизмат) реализа-

циясидан олинган даромадлар", 9210-"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқа чиқарилиши", 9220-"ҳар хил активларнинг реализацияси ва бошқа чиқарилиши" счётлари билан боғланади.

Агарда 4010-"Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар" счёти бўйича қарзлар тўланса - тўлов хужатларининг суммалари, олинган бўнаклар - кредитида акс эттирилиб маблағларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланади.

Агарда харидор ва буюртмачилардан олинган васиқа бўйича фоиз назарда тутилган бўлса бу сумманинг тўланиш жараёнида пул маблағлари счётлари дебетланиб, ушбу сумма 4020-"Олинган васиқалар"ва 9530-"Фоиз кўринишидаги даромадлар" счётларининг кредитига ёзилиб борилади.

4010-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счётида тўлаш учун тақдим қилинган ҳар бир ҳужжат бўйича айрим аналитик ҳисоб юритилиши лозим. Чунки ҳар бир тўлов харидор ва буюртмачи билан қолаверса ҳар бир тўлов ҳужжати бўйича қарзларнинг ҳолати ва уни тўлаш вақтини, тўлов муддати келмаган ва муддати келган васиқаларни назорат қилиб бориш ва чора тадбирлар кўриш имкониятини яратиши зарур.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг бозор иқтисодиётига ўтиши жараёнида йирик субъектлар, концерн, компания ва фирмалар томонидан мустақил балансга ажратилган субъектлар- авлод корхоналари, филиаллар, ваколатхоналар вужудга келмоқда. Натижада уларнинг фаолияти бўйича ҳар хил ҳисоблашувлар- асосан бош субъект билан ҳисоблашувларни амалга ошириш тақозо қилинади. Ушбу ҳисоблашишлар жорий яъни балансларо ҳисоблашувларини қайд қилиб бориш ва ушбу маълумотларни умумлаштириб бориш учун 4110-"Алоҳида балансга ажратилган бўлинмадан олинадиган счётлар" актив ва 6110-"Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар" пассив синтетик счётлари қўлланилиб унда аналитик ҳисоб ҳар бир алоҳида балансга ажратилган бўлинма бўйича айрим ҳолда юритилади.

Бош субъектнинг филиаллари ваколахоналари, бўлимлари ва алоҳида балансларга ажратилган бошқа бўлинмалари билан олиб бориладиган ҳисоблашишлар (баланс ичидаги ҳисоблашишлар) ҳам амалга оширилади. Ушбу ахборотларни умумлаштириб бориш учун 4110 ва 6110 актив ва пассив синтетик счётлардан фойдаланилади. Ушбу счётларда ҳисоблашишларнинг қуйидаги турлари амалга оширилади:

– ажратилган мулкка доир ҳисоблашишлар;

– моддий бойликларни ўзаро бир-бирига бериш бўйича ҳисоблашишлар;

– маҳсулотларни реализация қилиш бўйича ҳисоблашишлар;

– харажатларни умумий бошқарув фаолиятига ўтказишга оид ҳисоблашишлар;

– бўлинмаларнинг ходимларига меҳнат ҳақи, мукофот ва бошқаларни тўлаш;

– субъектнинг балансида турадиган, лекин бўлинмаларга берилмайдиган истеъмол жамғармалари ҳисобидан қилинадиган харажатлар бўйича ҳисоблашишлар ва х.к.

Ушбу актив 4110 ва пассив 6110 синтетик счётлари бўйича қуйидаги аналитик счётлар очилиши мумкин.

6110 -"Ажратилган мулклар бўйича ҳисоблашишлар" номли аналитик счётида субъектнинг филиаллари, ваколатхоналари, бўлинмалари ва алоҳида балансга ажратилган бошқа бўлинмалари ихтиёрига ажратилган асосий воситалар ва айланма маблағлар бўйича олиб бориладиган ҳисоблашишлар қайд қилиб борилади. Тегишли бўлинма ёки ваколатхонага ажратилган мулк суммалари тегишли счётлардан (0100, 1000...) чиқарилиб 6110 -"Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар" счётининг тегишли аналитик счётининг дебетига қайд қилинади. Ушбу бўлинмаларда эса ажратилган мулк суммалари турларига қараб 0100, 1000, 1200... счётларнинг дебетига ва 4110 счётининг кредитига ўтказилади. Ушбу аналитик ҳисоб ҳар бир бўлинма бўйича айрим юритилади.

4110 ва 6110 счётдаги "Жорий муомалалар бўйича ҳисоблашишлар" аналитик счётида субъектга тегишли мустақил бўлинмалар билан олиб бориладиган бошқа ҳисоблашишлар қайд қилиниб ва умумлаштирилиб борилади.

Субъектнинг балансида хўжалик ичидаги бўлинмалар билан бўлган ҳисоблашишларнинг ҳолати акс эттирилмайди.

Бизнинг фикримизча, тезкор назоратни кучайтириш мақсадида ушбу 4110 ва 6110 синтетик счётлари бўйича содир бўладиган ҳар бир ҳисоблашишнинг тури бўйича ҳам аналитик счёт очиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Чунки ҳисоблашишнинг қолган 5та тури ушбу счётларда жамланган бу ўз навбатида аналитик назоратнинг сусайишига олиб келади.

4100 -"Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар (тўловлар)" счётининг чизмаси

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
С-N			
0100, 0400, 1000, 1100, 1200, 2800, 2900	Бўлинмаларга асосий воситалар, ТМЗ ва тайёр маҳсулотлар бериш	Бўлинмалардан асосий воситалар қайтарилди	-0100
1610-	Бўлинмаларга берилган ТМЗ таннархининг фарқини ҳисобдан чиқариш	Қарзни сўндириш ҳисобига бўлинмалардан товар-моддий заҳиралари олинди	-1000, 0700, 1100, 1200, 2900
2110-	Бўлинмаларга ярим тайёр маҳсулотларнинг берилиши	Бўлинмалардан қарзни сўндириш ҳисобига пул маблағлари олинди	5010, 5110, 5210
5010, 5110, 5210	Бўлинмаларга пул маблағлари бериш	Бўлинмалар ва ваколатхоналар билан ҳисоблашишда валюталар курсининг фарқидан зарар кўрилди	9630
6010, 7010	Ички бўлинмаларга етказиб берилган ТМЗ учун мол етказиб берувчиларнинг счётлари тўловга қабул қилинди		
8710-	Бўлинмалардан тушадиган фойда суммасини ҳисоблаш		
9540-	Бўлинмалар ва ваколаҳоналар билан ҳисоблашишда валюталар курсининг фарқидан даромад олиш		

Корхона, фирма фаолияти жараёнида айрим ҳолларда даъволар вужудга келади. Бу даъволар асосан мол етказиб берувчилардан олинган хом ашё ва материаллар бўйича камомад, навларининг фарқи ва ҳоказо, пудратчилар билан бажарилган ишларнинг ҳажми ва сифати бўйича. Транспорт ташкилотларининг айби билан содир бўлган материалларнинг камомади тегишли далолатномаларга асосан ва тан олинган камомадлар бўйича вужудга келади. Айрим ҳолларда даъволарни ечиш учун учинчи томон – хўжалик суди ҳам жалб қилинади. Охирги ҳолатда хўжалик судининг ҳақи даъво қилувчи субъект томони-

дан тўланиб судда қайси томон- даъвогар ёки айбдор ютқазса, ўша томон суднинг хизмат ҳақини тўлайди.

4210-"Даъволар бўйича олинадиган счётлар" синтетик ҳисоби ушбу даъволар бўйича содир бўлган суммаларни умумлаштириш ва уларнинг ҳолати ва ҳаракати устидан назорат ўрнатиш учун қўлланилади. Даъволарнинг турларига қараб ушбу 4210 счётда қуйидаги аналитик счётлар юритилиши лозим:

– мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва транспорт ташкилотларининг счётини текширишда акцептлангандан кейин аниқланган шартномага нисбатан баҳоларнинг фарқ суммасига, товар-материал қийматликларининг қиймати, тайёрлов харажатларининг счётларда акс эттирилишининг нотўғрилиги, арифметик хатолар, нархларни ошириб ёзиш натижасида содир бўладиган даъволар;

– материаллар ва товарларни етказиб берувчиларга, материалларни қайта ишловчи субъектларга нисбатан стандарт талаби, техникавий ва буюртма сифатида тўғри келмаганлиги бўйича даъволар.

Кўпинча 4210-"Даъволар бўйича олинадиган счёт (тўлов)лар" счётининг дебети бўйича қуйидаги даъволарга оид ҳисоблашишлар акс эттирилади:

– мол етказиб берувчиларга, пудратчиларга ва транспорт ташкилотларига даъволар – уларнинг счётлари текширилганда шартномада келишилган ва прейскурантда назарда тутилган баҳо ва тарифларнинг бир-бирига мувофиқ келмаслиги, шунингдек, арифметик хатолар аниқланганда – мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга тўлаш учун олинган счётларни ёки ишлаб чиқариш заҳиралари, товарлар ва тегишли харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан корреспонденцияда акс эттирилади. Бу ёзув баҳоларнинг ошиб кетиши ёки мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тақдим этилган счётлардаги арифметик хатолар товар-моддий бойликларни ёки харажатлари ҳисобга олувчи счётлар бўйича ёзувлар амалга оширилгандан сўнг аниқланганда амалга оширилади (мол етказиб берувчилар ва пудратчилар томонидан фактураланган баҳо ва ҳисоблардан келиб чиққан ҳолда);

– мол етказиб берувчиларга, транспорт ва бошқа ташкилотларга табиий камайиш меъёридан ортиқча миқдорда юкнинг йўлдаги камайиши учун билдирилган даъволар – мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга тўлаш учун олинган счёт-

ларни ҳисобга олувчи счётлар (6000, 7000) билан корреспонденцияда;

– мол етказиб берувчилар ёки пудратчиларнинг айби билан юзага келган, тўловчилар томонидан тан олинган ёки хўжалик судида ҳал қилинган яроқсиз маҳсулотлар ва бекор туриб қолишлар учун билдирилган даъволар - ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар билан корреспонденцияда;

– субъектнинг счётларидан нотўғри ҳисобдан чиқарилган (ўтказилган) суммалар бўйича банк муассасаларига билдирилган даъволар – пул маблағлари ва банк кредитларини ҳисобга олувчи счётлар билан корреспонденцияда;

– шартнома мажбуриятларига амал қилмаганлиги учун мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқалардан, тўловчилар томонидан тан олинган ёки хўжалик судида кўриб чиқилган миқдорда олинадиган жарималар, ўсимлар, беқарорликлар бўйича (тўловчилар томонидан тан олинмаган, билдирилган даъволар суммаси ҳисобда акс эттирилмайди) – 9330-"Ундирилган жарималар, ўсимлар ва бурдсизликлар" счёти билан корреспонденцияда.

4210-"Даъволар бўйича олинадиган счёт (тўлов)лар" счёти пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан корреспонденцияда келиб тушган тўлов суммаларига кредитланади. Кейинчалик аниқланган суммалар, қоидага мувофиқ, 4210-"Даъволар бўйича олинадиган счёт(тўлов)лар" счётининг дебетига ҳисобга олишга қабул қилинган суммалар ўша счётларга олиб борилади.

Ушбу счёт 4210-"Даъволар бўйича олинадиган счётлар" пул маблағлари счётлари билан боғланган ҳолда тўланган сумма миқдорига кредитланади. Агарда даъво суммасининг ундирилмаслиги аниқланса бу счётнинг (4210) кредитидан 9434-"Шубҳали қарзлар бўйича харажатлар" счётидан келтирилган бўлса ўша счётга қайтарилади.

4210-"Даъволар бўйича олинадиган счётлар"нинг аналитик ҳисоби ҳар бир даъво бўйича айрим ҳисобга олиб борилади, бу ўз навбатида даъволар бўйича ҳисоблашишни назорат қилишга ёрдам беради.

4210-"Даъволар бўйича олинадиган счёт (тўловлар)"ни ҳисобга олувчи счётнинг чизмаси

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетидан Кредит	
С-N			
0710-	Ўрнатиладиган ускуналар юзасидан мол етказиб берувчиларга берилган даъволар	Олинмайдиган даъво суммаларининг муомала сарфларига қўшилиши	-9419
0810-	Капитал қурилиш юзасидан пудратчиларга берилган даъволар	Қониқтирилмаган даъво суммаларининг муомалавий харажатларга қўшилиши	-9439
1000-	Хом ашё ва материаллар юзасидан мол етказиб берувчиларга билдирилган даъволар		
1110-	Ёш ва боқувдаги ҳайвонлар бўйича мол етказиб берувчиларга билдирилган даъволар		
1210-	АТБ юзасидан мол етказиб берувчиларга билдирилган даъволар		
1510-	ТМЗ юзасидан мол етказиб берувчиларга билдирилган даъволар		
2810-	Тайёр маҳсулотларнинг камомади юзасидан транспорт ташкилотлари ва истеъмолчиларга берилган даъволар		
4010, 4110-	Хато суммалар ва товарларнинг сифати бўйича мол етказиб берувчиларга берилган даъволар		
5110, 5210, 5220, 5500-	Пул маблағлари счётидан нотўғри кўчирилган суммалар юзасидан банкка даъвонинг билдирилиши		
6210-	Шартнома мажбуриятларини бузганлиги учун мол етказиб берувчиларга берилган даъволар		
9330-	Бошқа субъектларга берилган даъволар		

Корхона ва фирмалар ўз фаолияти жараёнида ишлаб чиқариш учун хом ашё ва материаллар сотиб оладилар. Нати-

жада мол етказиб берувчилар билан йил бошида ёки зарур хом ашё ва материалларни олаётган вақтда контрактлар тузилади. Бу контрактларда субъектларнинг номи, манзили, хизмат кўрсатаётган банклар ва улардаги ҳисоблашиш счётининг коди, хом ашё ва материалларнинг тури, сифати, нави, баҳоси, миқдорлари ва етказиб бериш вақтлари кўрсатилади. Чунки мол етказиб берувчиларнинг шартни бажариши ишлаб чиқаришнинг бир текис, бир маромда фаолият кўрсатишига ижобий таъсир қилади. Агарда мол етказиб берувчиларнинг хом-ашё ва материаллари ўз вақтида келмаса субъектнинг фаолиятида узилиш содир бўлиши, тўхтаб қолиши ва натижада зарар етказиб келиш ва ҳисоблашишни амалга ошириш субъектнинг фаолиятида муҳим ўрин тутади.

Корхона ва фирмаларда шартнома мажбуриятларининг бажарилиши устидан тезкор назорат юритиш ва ҳисобга олиш маркетинг бўлими томонидан амалга оширилади. Шунинг учун ҳам олинган товар, материал қийматликларининг тўлов ҳужжатлари аввало шу бўлимга ёки молия бўлимига келиб тушади. Бу ерда ҳужжатларнинг тўлов талабнома-топшириғи, счёт-фактуралар ва ҳоказоларнинг, тузилган контрактга мос келиши текширилиб кейин "Келиб тушган юкларни ҳисобга олиш дафтари"да қайд қилиниб контрактларни бажариш дафтарида белгиланади ва қийматининг тўланишига (акцептига) розилик берилади.

Тўлов ҳужжатларига ички номер қўйилиб қийматини тўлаш учун бухгалтерияга берилади, патта ва товар-транспорт юкхати эса ушбу қийматликларни олиб келиш учун экспедиция бўлимига берилади. Натижада шу вақтдан бошлаб корхона ва фирмалар билан мол етказиб берувчилар ўртасида ҳисоблашиш муомалалари рўёбга чиқади.

Товар-моддий заҳираларни ва бошқа активларни етказиб берганлиги учун, ишларни бажарган ва хизмат кўрсатгани учун, шунингдек пудратчилардан қабул қилинган қисман тайёр бўлган маҳсулот ва ишларнинг қийматини тўлаш бўйича берилган бўнакларга оид ҳисоблашишлар ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

4310-"Товар-моддий бойликлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар";

4320-"Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар";

Берилган бўнаклар, шунингдек, қисман тайёр ҳолдаги маҳсулот ва ишлар учун тўланган суммалар 4310-"Мол етказиб берувчиларга

ва пудратчиларга берилган бўнаклар" счётининг дебетига 5110-"ҳисоблашиш счёти", 5210-"Мамлакат ичидаги валюта счёти" счётлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга бўнак мол етказиб берувчи ва субъектнинг ўртасида тузилган шартнома ёки контракт асосида берилади. Алоҳида ҳолларда, ишларни қисман бажариш тўғрисидаги далолатнома тузилиши мумкин. Хорижий хамкорлар билан алоқани тасдиқлайдиган асосий ҳужжатлар бўлиб, ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ва ваколатланган банкларда рўйхатга олинган контрактлар ҳисобланади. Бунда тўлов топшириқномаларида қисман ҳақ тўлаш миқдори ва олдиндан тўлаш фоизи кўрсатилади.

4300-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнак"лар счётлари бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир дебитор бўйича юритилади.

4300-"Мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган бўнаклар"ни ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси

Счётнинг кредитидан Дебет		Счётнинг дебетига Кредит	
С-N			
0990-	Узоқ муддатга берилган бўнакнинг ҳар ойда жорий қисмга ўтказилиши	Мол етказиб берувчилардан олинган ТМЗ ва пудратчилар бажарган ишлар бўнак ҳисобидан қопланди	-0710, 0810, 1000, 1100, 1200, 2900
5010, 5110, 5200, 5500-	Пул маблағлари кўринишида берилиши	Илгари берилган бўнаклар шубҳали қарзлар ҳисобидан чиқарилди	-4910
6910, 7510-	Олинган кредитларнинг бўнак сифатида берилиши	Бўнак сифатида берилган пул маблағларининг қайтарилиши	-5010, 5110, 5200, 5500
6930, 7620-	Олинган қарзларнинг бўнак сифатида берилиши	Берилган бўнаклар тўлиқ ҳисоблашиш жараёнида инобатга олинди	-6010, 7010, 7020
		Заҳира яратилмаган бўнак ўрнатилган муддатда олинмаганлиги сабабли ҳисобдан чиқарилди	-9439

Субъект ўзининг молиявий-хўжалик фаолиятини самарали амалга ошириши учун меҳнат ҳақи юзасидан ва тезкор муомалаларни амалга ошириш учун ҳам ходимларга бўнак берадилар.

Субъектнинг ходимларига берилган бўнаклар бўйича ҳисоблашишлар ҳақидаги маълумотлар қуйидаги счётларда умумлаштирилади:

- 4410-"Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича берилган бўнаклар"
- 4420-"Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар"
- 4430-"Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар"
- 4490-"Ходимга берилган бошқа бўнаклар"

Бу счётларда субъектнинг ишчиларига меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича, хисобдор шахсларга маъмурий-хўжалик ва муомалавий харажатлар бўйича, шунингдек, хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар ҳисобга олинади.

Субъектнинг ходимларига нақд пул маблағларини бериш тартиби касса муомалаларини юритиш қоидалари билан тартибга солинади.

Ходимларга ҳисобот учун берилган бўнакларни ҳисобга олиш счётлари пул маблағларини ҳисобга олиш счётлари билан корреспонденцияда дебетланади- кўпинча 5010-"Миллий валютадаги пул маблағлари", 5020-"Хорижий валютадаги пул маблағлари" счётлари билан. Ходимларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар харажатлар ва харид қилинган бойликлар ҳисобга олинадиган счётлар билан ёки сарфланадиган харажатларнинг турларига кўра бошқа счётлар билан корреспонденцияда кредитланади.

Тўлиқ ишлатилмаган бўнаклар (масалан, хизмат сафари учун берилган) 3 кун мобайнида субъектнинг кассасига қайтарилиши лозим ва ходимларга берилган бўнаклар счётининг (4420) кредитида ҳамда 5010-"Миллий валютадаги пул маблағлари", 5020-"Хорижий валютадаги пул маблағлари" счётининг дебетида акс эттирилиши керак. Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар хизмат сафарлари ҳақида буйруқ, чипталарнинг қиймати, суткалик яшаш харажатлари ва бошқалар кўрсатилган ҳолда бўнак суммасининг хисобдорлик суммалари ходимларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи 4420-счётининг дебетида ва 5010 ёки 5020- счётининг кредити бўйича, агарда ходимга берилган бўнак суммаси етмаган бўлса 6870-"ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар" счётининг дебети бўйича акс эттирилади.

4410-"Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича берилган бўнаклар" счётида субъектнинг ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича берилган бўнакларнинг ҳар қандай тури бўйича ҳисоблашишлар ҳисобга олинади. Бу суммалар ходимларга берилган

бўнакларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебети бўйича ва 5010-"Миллий валютадаги пул маблағлари" счётининг кредитида акс эттирилади. Келгусида меҳнат ҳақи ҳисобига бўнакларнинг берилиши ишчиларнинг аризасига кўра, сабаблари кўрсатилган ҳолда, амалга оширилади. Бундан ташқари, бу счётда меҳнат ҳақи бўйича ҳар ойлик бўнаклар акс эттирилади, бу бўнаклар ой охирида қуйидаги ёзувлар билан расмийлаштирилади.

6710-"Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар" счётининг дебетига ва 4410-"Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича берилган бўнаклар" счётининг кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

Келгусидаги маъмурий, хўжалик ва хизмат сафари сарфлари учун нақд пулларни бўнак сифатида оладиган субъектнинг ходимлари ҳисобдор шахслар ҳисобланади. Ушбу мақсадлар учун нақд пул оладиган шахсларнинг рўйхати субъектнинг раҳбари томонидан тасдиқланади. Ушбу сумманинг миқдори чегараланган бўлиб, бу сумманинг миқдори йил бошида тасдиқланади. Хизмат сафари учун бериладиган нақд пулнинг миқдори хизмат сафарининг муддати ва сафарга бориладиган жойга боғлиқдир. Хизмат сафарига жўнатилаётган шахсга бориш ва келиш учун транспорт сарфлари, кундалик сарфлар ва яшаш жойи харажатларининг йиғигиндиси миқдорида нақд пул бўнак сифатида берилади.

Субъект раҳбарининг топшириғига асосан асосий иш жойидан ташқарида хизмат топшириғини бажариш хизмат сафари дейилади.

Ходим хизмат сафарида бўлган вақтида унга асосий иш жойидан тўланадиган ҳақ сақланиб қолинади.

Хизмат сафари учун ходимга бериладиган нақд пул, яъни зарур сумма бухгалтерия томонидан ҳисоблаб чиқилгандан кейин сафар гувоҳномасига асосан ушбу шахсга берилиб кассанинг чиқим ордери тузилади. Субъект раҳбарининг талабига мувофиқ сафар гувоҳномасидан ташқари хизмат сафарига жўнатиш буйруққа асосан амалга оширилади.

Хизмат сафарининг сарфлари меъёрлаштирилган бўлиб бу суммалар бажарилган иш, хизмат ва маҳсулот таннархига қўшилади. Агарда ҳақиқатда сарфланган хизмат сафарининг сарфлари белгиланган меъёрдан ошиб кетса ушбу ошиқча сумма субъектнинг ихтиёрида қолдирилган фойда ҳисобидан қопланиб ходимнинг меҳнат ҳақидан ушланадиган даромад со-

лиғини аниқлаш мақсадида ушбу меъёрдан ортиқча тўланган сумма асосий меҳнат ҳақи суммасига қўшиб қўйилади.

Ҳисобдор шахслар хўжалик сарфларини амалга оширгандан кейин ёки хизмат сафаридан келгандан кейин уч кун ичида олинган ва сарфланган маблағлар бўйича ҳисобот беришлари керак. Бу мақсадда улар бўнак ҳисоботи тузиб унга асос сифатида дўконларнинг счётлари, олинган товарларнинг паттаси, хаво, темир йўл, авто ёки сув йўлларининг чипталарини ва сафар гувоҳномасини илова қиладилар.

Ушбу сарфларнинг мақсадга мувофиқлиги тегишли бўлимлар томонидан (ким томонидан сафарга жўнатилишига қараб) тасдиқлангандан кейин бухгалтерияда текширилиб ҳақиқий сумма аниқланади ва субъектнинг рахбари томонидан бу сарф тасдиқланиб кейин ҳисобга олинади.

Агарда олинган бўнак суммаси ортиб қолса ушбу ортиқча сумма кирим ордерига асосан кассага қайтарилиб топширилади, мабодо бўнак суммасидан ортиқча сарфланса ушбу сумма ҳисобот толширилган куни кассанинг чиқим ордерига асосан кассадан берилади.

Ҳисобот учун олинган бўнак суммаси фақатгина белгиланган мақсадга сарфланиши мумкин. Ушбу маблағни иккинчи шахсга бериш ман қилинади. Ҳисобдор шахсларга навбатдаги бўнак суммаси фақатгина олдин олган бўнак бўйича ҳисобот берганидан кейингина берилади. Агарда белгиланган вақтида ҳисобдор шахс олган бўнаги бўйича ҳисобот бермаса бухгалтерия қонунга кўра ушбу суммани ёки аванснинг қолдиқ суммасини ушбу ходимнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Ишлаб чиқариш ёки субъектнинг фаолиятидан келиб чиққан ҳолда маъмурият хизмат сафари суммасини мустақил равишда белгилаши мумкин. Лекин шунга эътибор бериш керакки тасдиқланган меъёр (чегара)дан ортиқча сарфланган хизмат сафари суммаси махсус маблағ ҳисобидан сарфланишига қарамай даромад солиғи ҳисобланаётганда ходимнинг меҳнат ҳақи суммаси (умумий даромади)га қўшилади.

Агарда хизмат сафари сарфларининг суммаси олдиндан маълум бўлса (жойга бориш ва келиш мехмонхона харажатлари) субъектнинг раҳбари тегишли тасдиқловчи ҳужжатларсиз ходимга тўлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Бунинг учун берилган бўнак суммаси ҳисобланган ҳужжат рахбар ва ҳисобдор шахс имзоси билан бухгалтерияда сақланади ва ходим хизмат сафаридан келгандан кейин сафар

гувоҳномаси тегишли тасдиқловчи белгилари билан бухгалтерияга топширилади ва сарфланган сумма бўйича ҳисобот тузилмайди.

Хизмат сафарининг муддати субъектнинг раҳбари томонидан белгилинади, лекин ҳақиқий кунлар сафар гувоҳномасидаги муҳр билан тасдиқланган кунларга асосан аниқланади.

Ҳар бир корхона ва ташкилотларда рабарнинг буйруғига асосан хизмат сафарига бориш ва келишни қайд қилувчи махсус журнал юритилиб унда борувчиларнинг фамилияси ва исми, мансаби, санаси, кетган ва келган кунлари, келувчиларнинг фамилияси, исми, қаердан келгани, келган ва кетган кунлари қайд қилиб борилади.

Ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашишлар 4420-"Хизмат сафари юзасидан берилган бўнаклар", 4430-"Умумхўжалик сарфлари учун берилган бўнаклар" счётларида ва уларга бўлган қарзлар 6870-"Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар" счётларида ҳисобга олиб борилади. Бу счётлар синтетик, актив ва пассив счётлар бўлиб 4420 ва 4430 счётларнинг дебет томонида олинган бўнак суммаси ва кредит томонида бўнак суммасининг сарфланган қисми акс эттирилса, 6870 счётнинг кредит томонида эса олинган бўнакдан ортиқча сарфланган сумма, яъни субъектнинг ходимга бўлган қарзи кўрсатилади.

Хорижга хизмат сафарига юборилаётган ишчига ўзбекистон республикасининг меъерий ҳужжатларига мувофиқ хорижий валютада бўнак берилади. Бу валюта бўнак бериладиган куни Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ўрнатган курс бўйича сўмга айлантирилади ва сўмда ҳисобга олинади.

Хизмат сафарларига берилган ва сарфланган хорижий валютанинг ҳисоби алоҳида юритилади. Хорижий валютани олишда ва фойдалоанилмаган суммаларни қайтаришда курс фарқлари юзага келиши мумкин. Улар ҳисобда ижобий курс фарқлари сифатида 4420-"Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар" счётининг дебет ва 9540-"Курс фарқларидан олинган даромад" счётининг кредити бўйича ва салбий курс фарқлари 4420-"Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар" счётининг кредити ва 9620-"Курс фарқларидан кўрилган зарарлар" счётининг дебети бўйича акс эттирилади.

4430-"Умумхўжалик харажатларига берилган бўнаклар" счётида умумхўжалик эхтиёжлари учун турли хил майда инвентарларни ва буюмларни нақд пулга сотиб олиш учун берилган бўнаклар акс эттирилади. Товар-моддий бойликларни баҳолаш

ва кирим қилиш сотиб олиш далолатномасига асосан амалга оширилади.

4990-"Ходимга берилган бошқа бўнаклар" счётида субъектнинг ходимларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, аҳолидан чорва молларини ва бошқаларни сотиб олиш учун берилган бошқа бўнаклар бўйича юритилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир берилган бўнак бўйича юритилади.

Ҳисобот бериладиган суммалар муомалаларни ва ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашишларни ҳисобга олиш учун 7-журнал ордердан фойдаланилади, бу регистр аралаш ҳисобни яъни синтетик ва аналитик ҳисобни қаторасига қайд қилиб беради. Ушбу журналларда берилган ҳар бир бўнак суммасига айрим қатор ажратилиб унда олинган сумма, топширилган бўнак ҳисоботи, ортиқча сарф суммаси ёки сарфланмай қолган суммалар кўрсатилиб борилади. Шу билан бир вақтда 7-журнал-ордер ўзининг шахсий шаклини ҳам сақлаб қолиб унинг ёрдамида ҳисобдор шахсларга бўлган қарзларнинг умумий суммасини ва сабабини чуқур аниқлаб беради.

7-журнал-ордерга ёзувлар қуйидаги ҳужжатларга асосан ёзилади:

– кассанинг чиқим ордери - ҳисобот учун берилган суммага;

– бўнак ҳисоботи - олинган бўнак суммасининг сарфланган қисмига;

– кассанинг кирим ордери-олинган бўнак суммасининг сарфланмай қолган қисмига;

– кассанинг чиқим ордери- олинган бўнак суммасидан ортиқча сарфланган суммага.

Арифметика нуқтаи назаридан ва моҳияти бўйича (олинган бўнакнинг сарфланишининг мақсадга мувофиқлиги, зарурияти, таълуқлиги) текширилган ва раҳбар томонидан тасдиқланган бўнак ҳисоботи бўхгалтерия томонидан қабул қилинади. Ушбу ҳисоботни бухгалтер текшириб унга ва исботловчи ҳужжатларга алоқа қилувчи счётларнинг кодларини қўйиб чиқади ва ушбу харажатларни тегишли тармоқларга ўтказади.

Ҳозирга вақтда субъектларнинг ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириши натижасида чет мамлакатларга хизмат сафарига бориш зарурияти туғилади. Давлат корхоналарида ушбу сарфлар Молия Вазирлиги томонидан белгиланган меъёр бўйича тўланади, бошқа мулкичлик шаклидаги субъектлар ўзларининг заруриятидан келиб чиққан ҳолда тегишли бюджети билан тасдиқлайдилар.

Хизмат сафарининг моҳияти ва мақсадига қараб ушбу сарфлар қуйидаги тартибда тармоқлар харажатига қўшилади:

– маҳсулот, иш ва хизматларнинг таннархига;

Дт 2010-"Асосий ишлаб чиқариш"

Кт 4420-"Хизмат сафари учун берилган бўнак".

– олинган ускуналар қийматига;

Дт 0710 ёки 0720-"ўрнатиладиган ускуналар"

Кт 4420-"Хизмат сафари учун берилган бўнаклар".

– Олинган номоддий активлар қийматига;

Дт 0400-"Номоддий активлар"

Кт 4420-"Хизмат сафари учун берилган бўнаклар".

– олинган хом ашё ёки материаллар қийматига;

Дт 1000-"Материаллар"

Кт 4420-"Хизмат сафари учун берилган бўнаклар".

– олинган товарлар қийматига;

Дт 2810-"Тайёр маҳсулотлар"

Кт 4420-"Хизмат сафари учун берилган бўнаклар".

– ва ҳоказо.

Тегишли счётда ёзувлар сўмда ва валютада қайд қилиб борилади. Ҳисобдор шахсларда қолган валютанинг қолдиқ суммаси шу вақтга қайта баҳоланиб унинг ижобий фарқи 9540-"Курс фарқларидан олинган даромадлар" счётига олиб борилади.

4400-Ходимларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси

4410-"Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича берилган бўнаклар"

4420-"Хизмат сафари учун берилган бўнаклар"

4430-"Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар"

4490-"Ходимларга берилган бошқа бўнаклар"

Счётларнинг кредитидан Дебет		**Счётларнинг дебетига Кредит**	
С-N			
4890-	Шартномага асосан бошқа ташкилотлардан бўнакнинг олиниши	Ҳисобдор шахслар томонидан ускуналарни сотиб олиниши, капитал қўйилмалар харажатларининг амалга оширилиши	-0710, 0810
5010- 5020-	Ходимларга меҳнат ҳақи юзасидан, хизмат сафари ва хўжалик сарфлари учун бўнакнинг берилиши	Ҳисобдор шахслар томонидан ТМЗ сотиб олиниши	-1000, 1100, 1210, 2900
5110-	Ҳисобдор шахсларга банкда-	Ҳисобдор шахслар томони-	-2010,

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
	ги ҳисоблашиш счётидан бўнакнинг берилиши	дан асосий ишлаб чиқариш, ёрдамчи ишлаб чиқариш учун сарфларнинг амалга оширилиши	2300, 2510
5210, 5220-	Ҳисобдор шахсларга хориж валютаси счётларидан бўнакнинг берилиши	Ҳисобдор шахслар томонидан яроқсиз маҳсулотлар билан боғлиқ сарфларнинг амалга оширилиши	-2610
5510, 5520-	Ҳисобдор шахсларга аккредитивдан ва чек дафтарчаларидан бўнакнинг берилиши	Ҳисобдор шахслар томонидан нокапитал ишлар учун сарфларнинг амалга оширилиши	-2700
5610-	Ҳисобдор шахсларга пул ҳужжатларининг берилиши	Ҳисобдор шахслар томонидан келгуси давр учун сарфларнинг амалга оширилиши	-3190
5910-	Ҳисобдор шахсларга пул эквивалентларининг берилиши	Фойдаланилмаган бўнакнинг кассага топширилиши	-5010, 5020
6910-	Ҳисобдор шахсларга банкнинг кредити ҳисобидан бўнакнинг берилиши	Ҳисобдор шахслар томонидан пул эквивалентларининг сотиб олиниши	-5910
6940-	Ҳисобдор шахсларга қарз ҳисобига бўнакнинг берилиши	Банкнинг кредити ҳисобидан олинган бўнакнинг топширилиши	-6910
		Қарз ҳисобидан олинган бўнакнинг топширилиши	-6940
		Сотиш сарфларининг ҳисобдор шахс томонидан қопланиши	-9410
		Ҳисобдор шахс томонидан маъмурий харажатларнинг амалга оширилиши	-9420
		Бошқа муомалавий сарфларнинг амалга оширилиши	-9430
		Хизмат кўрсатувчи тармоқларга сарфланган суммалар	-9450

Қонунчиликда белгиланган тартибда субъектлар давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлайдилар, ушбу тўловлар юзасидан белгиланган давргача бўнак тўлайдилар.

Субъект томонидан солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича тўланган бўнаклар ҳақидаги маълумотлар қуйидаги счётларда умумлаштирилади:

– 4510-"Солиқлар бўйича бўнак тўловлари";

– 4550-"Мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари";

– 4510-"Солиқлар бўйича бўнак тўловлари" счётида бўнак билан тўланган солиқ суммалари, хусусан, харид қилинган хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва бошқа турдаги ишлаб чиқариш заҳиралари бўйича ҳисоблашиш ҳужжатларида кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинади. 4510-"Солиқлар бўйича бўнак тўловлари" счётида йиғилган солиқ суммаларини ҳисобдан чиқариш тартиби қонуний ва меъёрий далолатнома билан тартибга солинади. Бухгалтерия ҳисобида бу муомала 4510-"Солиқлар бўйича бўнак тўловлари" счётининг кредити бўйича, қоидага кўра, 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарз (солиқ трулари бўйича)" счёти билан корреспонденцияда акс эттирилади.

4550-"Мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари" счётида субъект томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, тўланган мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари ва бошқа тўловлар, хусусан, ижтимоий суғуртага тўловлар, мулк суғуртасига оид, шахсий суғуртага оид, нафақа, йўл ва бошқа жамғармаларга оид бўнак тўловлари ҳисобга олинади.

Бўнакларни ва бошқа тўловларни ўтказишда пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитидан солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебетига ёзувлар амалга оширилади. Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича якуний ҳисоблашишни 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарз (солиқ турлари бўйича)", 6520-"Суғурта бўйича қарз", 6530-"Бюджетдан ташқари жамғарма тўловлар" счётларининг дебети ва солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити бўйича суммалар ёзилади.

Бўнак тўловларининг аналитик ҳисоби ҳар бир бўнакнинг тури бўйича айрим ҳолда махсус контокоррент карточкаларида юритилади.

4500-Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси

4510-"Солиқлар бўйича бўнак тўловлари" ва 4550-"Мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари"

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
С-N			
5110-	Бюджетга солиқ юзасидан бўнакнинг ўтказилиши	ТМЗ ишлаб чиқаришда сарфланишига мувофиқ ҚҚС ҳисобдан чиқарилиши	-6410
6010-	Харид қилинган ТМЗ бўйича ҚҚС суммасининг акс эттирилиши	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларда бўнакнинг акс эттирилиши	-6410, 6530
		Устав капиталига молиявий қўйилма ёки бепул ёрдамга оид ҚҚС акс эттирилиши	-9220

Кўпчилик ҳолатларда субъектлар ўзининг ходимларига ёрдам бериш мақсадида кредитга товарларни сотадилар, қарз берадилар, моддий зарарлар бўйича ҳисобни амалга оширадилар.

Субъект ходимлари билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича, ҳисобдор шахслар билан ва депонентлар бўйича ҳисоблашишлардан ташқари, ҳисоблашишларнинг барча турлари ҳақидаги маълумотлар қуйидаги счтларда умумлаштирилади:

– 4610-"Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи";

– 4620-"Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи";

– 4630-"Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи";

– 4690-"Ходимларнинг бошқа қарзлари";

– 4610-"Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи" счётида субъектнинг ходимларига кредитга берилган товарлар изасидан қарзлари ҳисобга олинади. Кредитга товарлар сотиб олган шахслар ишловчи субъект банк кредити ҳисобига унинг ишчиларига берилган кредит суммаларини савдо корхоналарига тўлалигича ўтказадилар. Банк томонидан тўланганда, ҳисоблашиш ҳужжатларига мувофиқ 4610-"Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи" счётини 6910-"Қисқа муддатли банк кредитлари" ва 7510-"Узоқ муддатли банк кредитлари" счётлари билан корреспонденцияда дебетлайдилар. Субъектнинг ишчилардан навбатдаги тўловларни ушлаб қолиш

даражасига кўра 6710-"Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар" счёти 4610-"Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимнинг қарзи" счёти билан корреспонденцияда дебетланади, бундан сўнг ушлаб қолинган суммалар банк кредитини сўндириш учун 5110-"Ҳисоблашиш счёти"нинг кредитидан 6910-"Қисқа муддатли банк кредитлари" ва 7510-"Узоқ муддатли банк кредитлари" счётларининг дебетига ўтказилади.

Банк кредитларидан фойдаланмайдиган субъектлар ўз ходимларининг улар томонидан товарларни кредитга харид қилишга оид қарзларини сўндириш учун ушбу ишчиларга берилган топшириқ-мажбуриятлар асосида уларнинг меҳнат ҳақидан навбатдаги тўлов суммалари ушлаб қолинади; бунда 6710-"Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар" счёти турли хил кредиторлар ва бошқа ҳисобланган мажбуриятлар бўйича (савдо корхоналарида шахсий счётлар бўйича) қарзларни ҳисобга олувчи счётларнинг кредити билан корреспонденцияда дебетланади. Савдо корхоналарида ушлаб қолинган суммаларни ўтказиш даражасига кўра, турли хил кредитлар ва бошқа ҳисобланган мажбуриятларга оид қарзларни ҳисобга олувчи счётлар билан корреспонденцияда дебетланади.

4620-"Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи"счётида субъектнинг ишчиларига берилган қарзларига оид ҳисоблашишлар акс эттирилади (масалан, индивидуал (якка) ва кооператив уй-жой қурилишига, дала ҳовлиларни харид қилиш ёки қуриш учун ва бошқалар).

4620-"Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи" счётининг дебети бўйича ходимларга берилган қарз суммаси 5010-"Касса" ёки 5110-"Ҳисоблашиш" счёти билан корреспонденцияда акс эттирилади. Агарда маблағлар субъектга берилган кредит ҳисобига бевосита банк томонидан ходимга берилса, (корхонанинг ҳисоблашиш счётига бу маблағларни ўтказиш йўлисиз), у ҳолда 4620-"Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи" счётининг дебети бўйича 6910-"Қисқа муддатли банк кредитлари" ва 7510-"Узоқ муддатли банк кредитлари" счётлари билан корреспонденцияда ёзувлар амалга оширилади. Қарздор ходимлардан келиб тушган тўловлар суммасига 4620-"Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи" счёти, 5010-"Касса", 5110-"ҳисоблашишлар счёти", 6710-"Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар" счётлари билан корреспоенденцияда кредитланади (корхонада қабул қилинган

тўловлар тартибидан келиб чиққан ҳолда). Банк кредитларини сўндириш барча ҳолларда 6910-"Қисқа муддатли банк кредитлари" ва 7510-"Узоқ муддатли банк кредитлари" счётларининг дебети ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити бўйича акс эттирилади. Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлардан банкка тегишли сумма ўтказилади.

4630-"Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи" счётида субъектнинг ходими томонидан пул ва товар-моддий бойликларнинг камомади ва талон-тарож қилиниши, яроқсиз маҳсулот натижасида юзага келган моддий зарарни қоплаш бўйича, шунингдек, зарарнинг бошқа турларини қоплаш бўйича ҳисоблашишлар ҳисобга олинади.

Айбдор шахслардан олинадиган суммалар 2610-"Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар", материаллар, товарлар ва бошқаларни ҳисобга олувчи счётларнинг кредитидан 4630-"Модий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари" счётининг дебетига олиб борилади.

4630-"Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи" счётининг кредити бўйича ёзувлар, тўланган тўловлар суммасига- пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан, моддий зарарни қоплаш учун меҳнат ҳақидан ушлаб қолинадиган суммаларга- 6710-"Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар" счёти билан корреспонденцияда амалга оширилади.

4690-"Ходимларнинг бошқа қарзлари" счётида ҳисоблашишларнинг ҳисоби субъектнинг ҳар бир ходими бўйича юритилади. Ушбу счётларда аналитик ҳисоб қарзнинг ҳар бир тури ва қарздор шахс бўйича айрим ҳолда махсус карточкаларда юритилади.

4600-Бошқа муомалалар бўйича ходимларнинг қарзларини ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси

4610-"Насияга олинган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи",

4620-"Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи",

4630-"Моддий зарарларни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи" ва 4690-"Ходимларнинг бошқа қарзлари" счётлари

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
С-N			
1210-	Ходимларга махсус кийимлар ва пойафзаллар берилди	Насияга олинган товарлар қийматини ходимлар тўладилар	-5010, 5020, 5110, 5200
2610-	Яроқсиз маҳсулотларнинг қиймати жавобгар шахслар зиммасига олиб борилди	Камомадлар суммаси ва насияга олинган товарлар қиймати ходимларнинг меҳнат ҳақидан ушланди	-6710
5010, 5110, 5210-	Ходимларга қарз берилди, кредитга олинган товарлар қиймати субъектларга тўланди	Ходимлар олган кредитларнинг тўланиши	-6910, 7510
5910-	Ходимларга йўлланмалар, чипталар, абонементлар берилди	Обуна суммаларининг меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши	-6710
9210, 9220 (9210, 9220, 0100, 0710, 0810, 1000, 1100, 1200, 2810, 2910)	Инвентаризация натижасида аниқланган асосий воситалар ТМЗ ва бошқа активлар бўйича камомад суммаси жавобгар шахслар зиммасига олиб борилди	Айбдор шахслардан ундириш имконияти бўлмаган ёки суднинг қарорига асосан тўлаши рад қилинган сумма субъектнинг зарарига ўтказилди	-9433

Ҳозирги даврда давлат корхоналарининг приватизация қилиш натижасида ҳар хил мулкчилик шаклидаги субъектлар ташкил қилинмоқда.

Акциядорлик жамиятининг акциядорлари, қўшма корхонанинг таъсисчилари, кооператив аъзолари, масъулияти чекланган ўртоқлик жамиятларининг қатнашувчилари ва ш.у. киради. Унинг таъсисичилари билан субъектнинг устав капитал (фонд)ига қўйиладиган сармоялари бўйича барча ҳисоблашишлар тегишли 4710-"Устав капиталига таъсисичларнинг баъдаллари бўйича мажбуриятлари" счётида амалга оширилади.

4710-"Устав капитал (фонд)ига таъсисчиларнинг бадаллари бўйича мажбуриятлари" счётининг дебети бўйича, устав капитали счётлари билан корреспонденцияланган ҳолда акциядорлик жамияти тузилишида акцияга талабгар шахсларнинг қарздорлик суммаси ҳисобга олинади.

Таъсисчиларнинг бадаллари пул маблағлари шаклида ҳақиқатда келиб тушса 4710-"Устав капитал (фонд)ига таъсисчиларнинг бадаллари бўйича мажбуриятлари" счётининг кредити ва тегишли пул маблағлари ҳисоби счётларининг корреспонденциясида амалга оширилади. Моддий ва бошқа қийматликлар (пул маблағларидан ташқари) шаклида бадаллар қабул қилинса 4710-"Устав капитал (фонд)ига таъсисчиларнинг бадаллари бўйича мажбуриятлари" счётининг кредити бўйича асосий воситалар, номоддий активлар, материаллар ва бошқаларни ҳисобга олувчи счётлар корреспонденцияланади.

Субъектнинг мулкига акциялар учун тўловларнинг натура шаклда кирим қилиниши таъсисчиларнинг маълум келишуви асосида амалга оширилади.

Худди шу тартибда бухгалтерия ҳисобида бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги таъсисчилар субъектнинг устав капитал (фонд)ига бадаллар бўйича ҳисоблашишлари акс эттирилади. Бунда таъсис ҳужжатларида кўрсатилган устав капитал (фонд)ининг жами суммасига дебет 4710-"Устав капитал (фонд)ига таъсисчиларнинг бадаллари бўйича мажбуриятлари" ва кредит капитал(фонд)нинг ҳисоби счётлари ёзувида расмийлаштирилади.

Таъсис ҳужжатлари бўлиб устав, таъсис шартномаси ва бошқалар ҳисобланади.

4710-"Устав капитал (фонд)ига таъсисчиларнинг бадаллари бўйича мажбуриятлари" счётининг аналитик ҳисоби ҳар бир таъсисчи бўйича, акциядорлик жамиятларида тақдим этувчи акцияларнинг эгалари бўйича ҳисоблашишлар айрим олган ҳолда юритилади.

4700-Устав капитали(фонд)ига таъсисчиларнинг бадаллари бўйича мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётнинг чизмаси

Счётнинг кредитидан Дебет		**Счётнинг дебетига Кредит**	
С-N			
0110-0180, 0710, 0810, 1000, 1100, 2810, 2910	Таъсисчилар берган асосий воситалар, товар моддий заҳираларининг шартномага тўғри келмаганлиги натижасида қайтарилиши	Бадаллари ҳисобига асосий воситалар ва ТМЗ топшириш	-0100, 0710, 0810, 1000, 1100, 1200

Счётнинг кредитидан Дебет		Счётнинг дебетига Кредит	
8511, 8512,	Субъектнинг аъзоларига фойда ҳисобидан мутга берилган акцияларнинг қиймати	Таъсисчиларнинг олган акцияси ҳисобига НМА бериши	-0410 - 0490
8710-	Акция эгаларига дивидендларнинг ҳисобланиши	Устав капиталига улуши сифатида узоқ ва қисқа муддатли қўйилмаларнинг акс эттирилиши	0610, 5810
		Баъдали ҳисобита тайёр маҳсулот ёки товарларнинг олиниши	2810, 2910
		Обуна бадалларини пул маблағлари кўринишида тўлаши	5000, 5110, 5200
		Обуна суммасини ходимларнинг ҳақидан ушлаб қолиш	6710

Юқорида қайд қилинган мол етказиб берувчилар, харидорлар, буюртмачилар, таъсисчилар, ходимлар билан ҳисоблашишлар- олинадиган счётлар ва мажбуриятлардан ташқари (4000-4700, 6000-6700 ва 7000-7300 счётлар) вужудга келадиган ҳисоблашишлар ҳар хил дебиторлар ва кредиторлар гуруҳига киради.

Ушбу ҳисоблашишларни чуқурроқ ўрганиш мақсадида ушбу ҳисоблашишларни дебиторлар (олинадиган счётлар) ва кредиторлар (мажбуриятлар) гуруҳига бўлиш лозим.

Дебиторлар (олинадиган счётлар) гуруҳида қуйидаги муомалалар ҳисобга олинади:

– тезкор лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар;

– молиялаштириладиган лизинг бўйича олинадиган тўловларнинг жорий қисми;

– олинадиган дивидендлар ва фоизлар;

– роялти ва гонорарлар бўйича олинадиган счётлар;

– бошқа, юқорида қайд қилинмаган муомалалар натижасида олинадиган тўловлар (счётлар).

Ушбу муомалалар юзасидан ҳисоблашишлар қуйидаги счётларда қайд қилинади.

4810-"Молиялаштириладиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар"

4811-"Тезкор лизинг юзасидан олинадиган жорий тўловлар"

4820-"Олинадиган фоизлар"

4830-"Олинадиган дивидендлар"

4840-"Роялти ва гонорарлар бўйича олинадиган счёт (тўлов)лар"

4890-"Бошқа шахслар қарзининг жорий қисми"

4810-"Молиялаштириладиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар" счётида ижара шартномасига мувофиқ олинадиган тўловлари ҳисобга олинади. Ижара тўлови ҳисобланганда даромадларни ҳисобга оладиган 9550 счёти кредитланади ва дебет 4810-"Молиялаштириладиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар" счёти корреспонденцияда бўлади. Ижара тўловининг кирими 4810-"Молиялаштириладиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар" счётининг кредити ҳамда пул маблағлари счётларининг дебети билан корреспонденцияланади.

4811-"Тезкор лизинг юзасидан олинадиган жорий тўловлар" счётида ижара шартномасига асосан тезкор лизинг бўйича тўланадиган ижара ҳақи ҳисобга олинади. Ижара ҳақи ҳисобланганда даромад счёти 9350 кредитланиб, 4811-"Тезкор лизинг юзасидан олинадиган жорий тўловлар" счёти дебетланади. Ижара ҳақининг келиб тушишига пул маблағлари счёти дебетланиб 4811-"Тезкор лизинг юзасидан олинадиган жорий тўловлар" счёти кредитланади.

4820-"Олинадиган фоизлар" счётида фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича ҳисоблашишлар ҳисобга олинади. Фоизларни ҳисоблаш учун асос бўлиб кредит шартномаси ҳисобланади. Узайтирилган фоизлар алоҳида ҳисобга олинади ва улар бўйича ўсимлар ҳисобланади.

4830-"Олинадиган дивидендлар" счётида қимматбаҳо қоғозлар бўйича дивидендларни ҳисоблаш юритилади. Хорижий субъектларнинг дивидендлари чет элга ўтказилганда хорижий валютада ўтказилади. Конвертация бўйича харажатлар дивидендлар ҳисобидан қопланади.

4840-"Роялти ва гонорарлар бўйича олинадиган счёт (тўлов)лар" счётида роялти ва гонорарлар олиш бўйича ҳисоблашишлар юритилади. *Роялти* – бу сотувчига берилган лицензия шартномасида белгиланган тартибда маълум нарсани ишлатиш ҳуқуқи учун даврий тўловлардир. Амалиётда роялти аниқ белгиланган даражалар бўйича кўрсатилиб, бу даражалар лицензия олувчи томонидан лицензия шартномасининг амал қилиш муддати давомида келишилган вақт оралиғида тўланади. Роялтининг даражаси лицензияга эга маҳсулотнинг соф сотилиш қиймати, унинг таннархи, ялпи даромади қийматидан фоизларда ёки ишлаб чиқариладиган бир бирлик маҳсулотга нис-

батан аниқлаб белгилинади. Гонорар – бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар бўйича мукофот ва рағбатлантириш.

4890-"Бошқа шахслар қарзининг жорий қисми" счётида юқоридаги счётларда кўрсатилмаган ҳисоблашишлар ҳисобга олинади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир дебитор бўйича алоҳида юритилади.

4000 - Ҳар хил дебиторларнинг мажбуриятларини ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси

4810-"Молиялаштириладиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар"

4820-"Тезкор лизинг юзасидан олинадиган жорий тўловлар"

4830-"Олинадиган фоизлар", 48-"Олинадиган дивидендлар"

4840-"Роялти ва гонорарлар бўйича олинадиган счётлар" ва

4890-"Бошқа шахслар қарзининг жорий қисми" счётлари

Счётларнинг кредитидан Дебет		**Счётларнинг дебетига Кредит**	
С-N			
0920-	Молиялаштириладиган лизинг бўйича жорий даврда олинадиган ижара ҳақи	Ижара ҳақи, дивидендлар ва фоизларнинг тегишли счётларга келиб тушиши	-5010, 5110, 5200, 5500
4110-	Бўлинмалар томонидан бошқа субъектларга хизмат кўрсатиш	Ҳисобланган роялти ва гонорарлар суммаларининг бошқа ташкилотлардан келиб тушиши	-5010, 5110, 5200
6410-	Лизинг тўлови бўйича ҚҚС акс эттирилиши		
6710-	Ходимларга тегишли бўлган суммаларнинг акс эттирилиши		
9210-9220	Ижара ҳақи ҳисобига асосий воситаларнинг, НМА ва ТМЗ олиниши		
9350-	Жорий лизинг бўйича олинадиган даромадлар		
9510, 9520, 9530-	Мижозлардан олинадиган дивидендлар, роялти ва гонорарларнинг акс эттирилиши		
9530-	Олинган васиқалар бўйича ҳисобланган фоизлар		

Хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг фаолиятида маҳсулоти ва товарларини сотиш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиши жараёнида ушбу муомалаларнинг кредитга амалга оширилишига йўл қўядилар. Чунки ушбу усул ёрдамида мижозларни ўзига кўпроқ жалб қиладилар.

Компаниянинг тўлай олиш тизими такомиллашган ва самарали бўлишига қарамасдан, компанияда кредитга сотиб олган харидларни тўламаган мижозлар топилади. Кредитга сотишда шубҳали олинадиган счётларнинг мавжуд бўлиши муқаррар. Компаниялар жуда консерватив (сотувнинг тушиб кетишига олиб келадиган) ва жуда либерал (шубҳали олинадиган счётнинг кўпайишига олиб келадиган) бўлмаган кредит сиёсатини ишлаб чиқишга уринадилар. Мижозларнинг олдинги тўловлари, молиявий ҳолати ҳамда даромадларни олиш истиқболи кредит бериш бўйича қарорнинг қабул қилинишида асосий омилдир. Агар шубҳали олинадиган счётнинг эҳтимоли бўлса ва уларнинг баҳоланиши мумкин бўлса, унда тахмин қилинган шубҳали қарзни счётда акс эттириш керак. Мувофиқлик тамойили шубҳали олинадиган счётлардан кўрилган зарарларнинг реализация амалга оширилган ҳисобот даврида тан олинишини талаб қилади. Тахмин қилинган олинадиган счёт шубҳали қарзларга харажат каби акс эттирилади - одатда савдо харажатлари каби, туркумланадиган муомалавий фаолиятдан харажат сифатида. Агарда шубҳали олинадиган счёт кутилмаётган бўлса, у ҳолда даромаднинг ёки олинадиган счётларни тузатиш (корректиоровка қилиш) керак эмас, олинадиган счёт эса шубҳали қарзнинг тан олинган даврида ҳисобдан чиқарилади. Бу ёндашув бевосита ҳисобдан чиқариш усули дейилади.

Натижада содир бўлган ушбу ҳолатларнинг юритиш учун субъектларда махсус 4910-"Шубҳали қарзлар бўйича заҳиралар" счёти қўлланилади.

Ушбу счётда субъектнинг даромади ҳисобига айрим бухгалтерия ҳисоби объектларининг қийматига аниқлик киритиш учун ажратилган заҳиралар тўғрисида маълумотлар умумлаштирилади. Шубҳали қарзлар бўйича заҳираларнинг хосил бўлиш тартиби ва рўйхати ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланади.

4910-"Шубҳали қарзлар бўйича заҳиралар" счётида шубҳали қарзлар заҳирасининг ҳолати ва ҳаракатининг ҳисоби юритилади. Субъектнинг бошқа корхона ва ташкилотлар, шунингдек,

айрим шахслар билан шубҳали қарзлар бўйича ҳисоблашишлар учун заҳираларнинг ташкил қилиниши 9434-"Шубҳали қарзлар бўйича сарфлар" счётига олиб борилиши лозим.

Шубҳали қарз деб субъектнинг белгиланган муддатда (белгиланмаган бўлса - бунинг учун етарли ҳисобланган вақти оралиғида) қопланмаган ва тегишли кафолат билан таъминланмаган дебиторлик қарзи тушунилади.

Шубҳали қарзлар бўйича заҳира ҳисобот йили охирида субъектнинг дебиторлик қарзлари бўйича инвентаризациясини ўтказиш натижаларининг асосида ташкил этилади.

Заҳиранинг хажми ҳар бир шубҳали қарз бўйича алоҳида, қарздорнинг молиявий ҳолати (тўлов қобилияти) ва қарзни умуман ёки қисман тўлаш эҳтимолини баҳолаш асосида аниқланади.

Агарда шубҳали қарз бўйича заҳира ташкил этилган йилдан кейинги йилнинг охиригача ушбу заҳиранинг маълум бир қисми ишлатилмаса унда қолган сумма тегишли йилнинг даромадига қўшилади.

Ташкил этилаётган заҳиранинг суммасига дебет 9434-"Шубҳали қарзлар бўйича сарфлар" счёти ва 4910-"Шубҳали қарзлар бўйича заҳиралар" счётида кредит ёзувлари амалга оширилади.

Балансдан аввал субъект томонидан шубҳали деб тан олинган ва олинмаган қарзларни чиқаришда дебет 4910-"Шубҳали қарзлар бўйича заҳиралар" счёти тегишли дебиторлар билан ҳисоблашишлар счётлари корреспонденцияланади. Сарфланмаган шубҳали қарзлар бўйича заҳира суммасини йилнинг даромадига қўшганда дебет 4910-"Шубҳали қарзлар бўйича заҳиралар ва 9390-"Бошқа муомалавий даромадлар" счётининг кредитида қайд қилинади.

Ушбу заҳираларни ҳисобга олиш учун бухгалтерия маълумотномаси дебиторлик қарзларни таққослаш далолатномаси, юк хатлари, счёт-фактуралар ва бошқалар ишлатилади.

Агар шубҳали олинадиган счёт эҳтимол бўлиши мумкин ва ҳисобланиши мумкин бўлса, ҳисобот давринининг охирида тузатиш ёзуви қилиниши керак. масалан, агарда компания 90000 сўмлик шубҳали олинадиган счёт кутаётган бўлса, шубҳали қарз бўйича харажатни акс эттириладиган қуйидаги тузатувчи ёзув – ўтказма киритилади:

Бошқа муомалавий қарзлар, яъни 9434.....90000 сўм.
Шубҳали қарзлар бўйича заҳира – 8910.....90000 сўм.

Шубҳали қарзларнинг заҳираси олинадиган счётларга контрсчётдир ва олдинги ўтказмаларни амалга ошириш вақтида шубҳали олинадиган счёт манбасининг аниқланиши қийин бўлганлиги сабабли қўлланилади. Бошқа икки фактни эътиборга олиш керак: (1) аниқ олинадиган счётни ҳисобдан чиқариш ва (2) аввал ҳисобдан чиқарилган олинадиган счётнинг келиб тушиши. Шубҳали қарзларни тузатиш бўйича ёзувлар келгуси шубҳали олинадиган счёт учун шубҳали қарзларга заҳира яратади. Баъзи олинадиган счётлар шубҳали олинадиган счётнинг иқтисодий таъсирини тахмин қиладиган шубҳали қарзнинг баҳоланиши бўйича ўтказув ёзувлари ўтказилар эди. Шундай қилиб, маълум олинадиган счётни ҳисобдан чиқариш активларнинг жами қийматини, агарда улар фараз қилингандан ортиқ булмаса қисқартирмайди. Олинадиган счётларнинг олиш эҳтимоли бўлмаганида ҳисобдан чиқариш содир бўлади.

Масалан, мижоз "А"дан 100000 сўмлик олинадиган счётларни олишдан воз кечган компания қуйидаги ёзувларни амалга оширади:

Маълум олинадиган счётнинг ҳисобдан чиқариш бўйича ёзуви:

Шубҳали қарзларнинг заҳираси.....100000 сўм

Мижоз "А"нинг дебиторлик қарзлари.....100000 сўм

Юқоридаги ёзув даромадга ёки тўланмаган олинадиган счётнинг соф суммасига таъсир кўрсатмайди. Тескарисига, бу шубҳали қарзлар бўйича баҳолаш учун тузатиш ёзуви билан бошланган жараёнидаги кулминацион ёзувдир. Ҳисобдан чиқариш бўйича ёзув субъект олинадиган счётни шубҳали деб тан олганидагина амалга оширилади.

Баъзан, ҳисобдан чиқаришдан кейин олинадиган счётлар бўйича суммалар келиб тушиши мумкин. Бу, мижознинг ҳолати яхшиланганида содир бўлиши мумкин. Бу ҳолда пул маблағларининг олиниши каби акс эттирилган қарзни қайта тиклаш бўйича тескари ёзув амалга оширилади. Масалан, фараз қилайлик, олдинги ҳисобдан чиқариш ёзуви амалга оширилгандан кейин маълум вақт ўтганидан кейин мижоз "А"дан олинадиган счёт бўйича 60000 сўм тўлашга лаёқатли.

Ҳисобдан чиқарилган олинадиган счётнинг қопланиши ва қайта тикланиши бўйича ёзувлар тегишли счётларда қуйидагича қайд қилинади:

Мижоз "А"нинг дебиторлик қарзи 4010.....60000 сўм.

Шубҳали қарзларнинг резерви - 8910..... 60000 сўм.

Пул маблағлари 5110.....60000 сўм.
Мижоз "А"нинг дебиторлик қарзи 4010.....60000 сўм.

Молиявий ҳисобот тайёрланадиган вақтда қайси счётлар бўйича тўлов амалга оширилишини аниқлаш мумкин бўлмаганлиги сабабли, кутилаётган зарарларни қоплаш суммасини ҳисоблаб чиқиш зарур бўлади. Албатта, баҳолаш катта фарқ қилиши мумкин. Компаниянинг бухгалтери жорий иқтисодий шароитни ҳисобга олган ҳолда олдинги йиллар амалиётига асосланиб заҳира суммаларини ҳисоблашларни амалга оширадилар.

Шубҳали қарзларни баҳолаш бўйича иккита умумий усул мавжуд: соф кредитга сотишдан фоиз усули (молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот) ва тўлов муддатлари бўйича олинадиган счётларнинг ҳисоби усули (бухгалтерия баланси). БХХСлари шароитида иккала усул ҳам мақбулдир. Биринчи усулнинг мақсади шубҳали қарз натижасида пайдо бўлган харажатларни аниқ ўлчашдан иборат. Иккинчи усулнинг мақсади олинадиган счётларнинг соф таннархини аниқ ўлчашдан иборат.

Соф кредитга сотишдан фоиз усули мослик принципига таъсир қилади. Тажрибага асосланиб, шубҳали қарзлардан аниқ зарарларнинг ва кредитга соф сотишнинг ўртача фоизи ҳисобланади. Кейинчалик шубҳали қарз хажмини аниқлаш учун бу фоиз ҳисобот даврининг ҳақиқатдаги соф реализацияси қўлланилади.

Масалан, "О" фирмасининг счётларидаги 20хх йил охиридаги қолдиқлари қуйидагича акс эттирилган:

Реализациядан олинган даромадлар	
	64500000

Сотилган товарларнинг қайтарилиши ва арзонлаштирилиши	
400000	

Савдо чегирмалари	
500000	

Шубҳали счётларнинг заҳираси	
	360000

Фараз қилайлик, охирги 3 йил мобайнида шубҳали қарзлар бўйича зарарлар қуйидаги суммани ташкил этган:

Йил	Реализация	Шубҳали қарзлар бўйича зарарлар	Фоиз
1998	52000000	1020000	1,96
1999	59500000	1390000	2,34
2000	58500000	990000	1,69
Жами	170000000	3400000	2,00

"О" компанияси 2001 йилда 64500000 сўмга товар реализация қилган. Сотилган товарларнинг қайтарилиши 500000 сўм ва савдо чегирмаси 1000000 сўм.

Компаниянинг рахбарияти, реализациядаги шубҳали қарзларнинг улуши 2% бўлишини тахмин қалади. Шундай қилиб, 2001 йилда шубҳали қарзлар миқдори қуйидагича ҳисобланади:

0.02х(645.00000-1000000+500000)=0.02х63000000=1260000

Ҳисоблаб топилган сумма қуйидагича ёзилади:

31 декабрь:

Шубҳали қарзлар бўйича харажатлар 9434.....1260000.

Шубҳали қарзларнинг заҳираси - 8910.....1260000.

Шундай қилиб, "Шубҳали қарзларнинг заҳираси" счётининг қолдиғи 1620000 сўмни ташкил этди. Бу сумма 2001 йилда товарлар реализациясидан тўланмаган счётлар бўйича тахмин этилган қарзларни ташкил этган 1260000дан ва ўтган йилларнинг 360000 сўмлик тўланмаган счётлардан иборат бўлади. Охирги сумма ўтган йилларнинг шубҳали қарзларига мувофиқ келтирилмаган.

Кредитга сотиш усули молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботга таъсир этади. Бу усул орқали олинадиган счётнинг соф таннархини ҳар доим ўлчаб бўлмайди. Бу усулнинг концептуал асоси бўлиб, мослик тамойили хизмат қилади, чунки шубҳали қарз реализация билан боғлиқ. Ушбу усул амалда қўллашда тежамли ва оддийдир. Қарзга сотишга қўлланиладиган фоиз ҳар доим янгиланиб турилиши керак.

Тўлов муддати бўйича олинадиган счётни ҳисоблаш усули соф дебиторлик қарзининг бухгалтерия ҳисобидаги тегишли счётларнинг қолдиғига асосланган. Ушбу қолдиқлар кутилаётган шубҳали қарзлар бўйича фоизни аниқлаш учун аввалги маълумотлардан фойдаланилади. Усулнинг асоси олинадиган счётнинг соф таннархини - олиниши кутилаётган пул миқдорини баҳолашдан иборат.

Кредитга соф сотишдан фоиз усулига ўлароқ, тўлов муддати бўйича олинадиган счётни баҳолаш усули, дебиторлик

қарзининг соф таннархини ҳисоблаш учун керак бўлган шубҳали қарзлар заҳирасининг якуний қолдиғини ҳисоблашга имкон яратади. Шубҳали қарзлар заҳирасидаги жорий қолдиқ сўнгра талаб қилинган қолдиқга мос бўлиши учун счётларда тузатиш ёзуви ёрдамида янгиланади. Шубҳали қарзнинг миқдори тушатишга берилган суммага дебетланади.

Шубҳали қарзлар бўйича зарур бўлган қолдиқ заҳирасининг миқдорини ҳисоблаш учун қуйидаги даража (ставка)лар қўлланилади:

1. Умумий олинадиган счётларга асосланган ягона комбинацияланган даража (ставка);

2. Алоҳида олинадиган счётлар муддатига асосланган бир неча даража ставкалар.

Масалан:

200... йил 31 декабридаги олинадиган счётларнинг таҳлили, сўм

Харидор	Тўланадиган счётлар бўйича жами	Тўлов муддати келмаган	1 кундан 30 кунгача муддати ўтган	31 кундан 60 кунгача муддати ўтган	61 кундан 90 кунгача муддати ўтган	90 кундан ортиқ муддати ўтган
"Махмуд ва К"	15000		15000			
"Анвар ва К"	40000			40000		
"Равшанбек ва К"	100000	90000	10000			
"Ислом ва К"	25000				25000	
Бошқалар	4260000	2100000	1400000	380000	220000	160000
Жами	4440000	219000	1425000	420000	245000	160000
Шубҳали қарзларнинг фоизи		1,0	2,0	10,0	30,0	50,0

Юқоридаги келтирилган мисолда, тўлов муддатига мос тўланиши керак бўлган компаниянинг счётлари акс эттирилган. ҳар бир олинадиган счёт гуруҳи бўйича туркумланган: тўлов муддатидан олдин, 1 кундан 30 кунгача муддати ўтган, 31 кундан 60 кунгача, 61 кундан 90 кунгача ёки 90 кундан ортиқ муддати ўтган. Ҳар бир гуруҳ учун олдиндан кутиладиган шубҳали қарзларнинг фоизи кўрсатилади.

"Озод" компанияси томонидан 200... 31 декабрга кўтилаётган шубҳали қарзлар, сўм

	Миқдори	Шубҳали саналган қарзларнинг фоизи	Шубҳали қарзларнинг заҳираси
Тўлов муддати етиб келмаган	2190000	1	21900
01-30 кун	1425000	2	28500
31-60 кун	420000	10	42000
61-90 кун	245000	30	73500
90 кундан ортиқ	160000	50	80000
Жами:	4440000		245900

Бу жадвалдаги ҳисоблар, фақат 1% тўлов муддати келмаган олинадиган счётлар ва 2% 1 кундан 30 кунгача муддати ўтган счётларнинг тўланмаслигини кўрсатиб турибди. Олдинги тажриба 31-60 кун, 61-90 кун ва 90 кундан ортиқ муддати ўтган олинадиган счётларининг 10%, 30% ва 50% тўланмаслиги мумкин бўлганлигини фараз қилишга йўл қўяди. Натижада 4440000 суммага тенг олинадиган счётлардан 245900 сўм келиб тушмайди.

Фараз қилайлик, "Шерзод" компаниясининг 4910-"Шубҳали қарзларнинг заҳираси" счётида жорий кредит қолдиғи 80000 сўмни ташкил этади. Шундай қилиб, шубҳали қарзлар бўйича тахмин қилинган харажатларнинг миқдори бир йилда 165900 сўмни ташкил этади. Ҳисоблар қуйидагича амалга оширилади:

Тахмин қилинган шубҳали қарзлар.....245900

Минус: "Шубҳали қарзларнинг заҳираси" счётининг кредит қолдиғи.....80000.

Шубҳали қарзлар бўйича харажатлар.....165900.

Агар 4910-"Шубҳали қарзларнинг заҳираси" счёти дебет қолдиғига эга бўлса, унинг миқдори тахмин қилинган шубҳали қарзларга қўшилиши керак.

Шубҳали қарзлар бўйича харажатлар ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

31 декабрь:

Шубҳали қарзлар бўйича харажатлар.....165900.

Шубҳали қарзларнинг заҳираси.....165900.

Икки усул хам- кредитга соф сотишдан фоиз усули ва тўлов муддати бўйича олинадиган счёт усули бирга қўлланилиши мумкин. Уларнинг ҳар бири бошқасини тасдиқлаш учун қўлланилади. Оралиқ ҳисобот учун кўп компаниялар

ўзларининг счётларида ойлик тузатиш ёзувларининг тежамкор бўлгани учун кредитга сотиш усулига асосланадилар. Лекин, йилнинг охирида улар шубҳали қарзлар заҳирасининг қолдиғи суммасини аниқлаш учун олинадиган счётларнинг тўлов муддатини текширадилар. Агар заҳиранинг қолдиғи (йилнинг охиридаги тузатишдан кейин), олинадиган счётнинг тўлов муддати графигида назарда тутилган қолдиғидан жиддий равишда фарқ қилса, у вақтда кредитга сотиш бўйича фоизни тузатиш керак.

Ҳисобдан чиқарилган ҳар йилги олинадиган счёт миқдори камдан-кам ҳолларда 4910-"Шубҳали қарзларнинг заҳираси" счётининг кредитида акс эттирилган тахмин қилинган миқдорга тенг бўлади. Агар ҳисобдан чиқарилган счётлар бўйича сумма шубҳали қарзларнинг заҳирасидаги олдиндан белгиланган миқдордан камроқ булса, 4910-"Шубҳали қарзларнинг заҳираси" счёти кредит қолдиғига эга бўлади. Агар ҳисобдан чиқарилган счётлар бўйича сумма шубҳали қарзларнинг заҳирасидаги олдиндан белгиланган суммасидан юқорироқ бўлса, 4910-"Шубҳали қарзлар заҳиралари" счёти дебет қолдиғига эга бўлади.

Жорий йилдаги шубҳали қарзнинг дастлабки миқдорини аниқлаш учун қилинган тузатиш ёзуви ҳисобот даврининг охирида дебет қолдиғини бекор қилади.

Баъзан мижозлар олдиндан бўладиган хариднинг қийматини хато аниқлашлари мумкин. Натижада счёт-фактуралар бўйича маълум суммаларни ортиқча тўлайдилар. Агарда мижозлардан олинадиган счётларни қайд қилиш журналида юритилган аналитик счётларда кредит қолдиғи аниқланса у "Олинадиган счётлар"нинг қолдиғига таъсир этмаслиги керак. Чунки компания харидорларнинг ортиқча тўлаган суммаларига жавоб берганлиги учун уларнинг кредит қолдиғига эга бўлган балансдаги суммалари қисқа муддатли мажбуриятлар моддасида акс эттирилиши лозим.

4910-"Шубҳали қарзларнинг заҳиралари" счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир шубҳали қарз ва заҳиранинг пайдо бўлган муддати бўйича айрим олган ҳолда юритилади.

4910-"Шубҳали қарзлар бўйича заҳиралар"ни ҳисобга олувчи счётнинг чизмаси

Счётларнинг кредитига Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
4010, 4020-	Харидор ва буюртмачиларнинг шубҳали қарзини ҳисобдан чиқариш	Олдинги йилнинг даромади ҳисобига шубҳали қарзлар бўйича заҳираларни яратиш	-8710
4310-	Берилган бўнакларни шубҳали қарзлар заҳираси ҳисобига ҳисобдан чиқариш	Йил охирида шубҳали қарзлар бўйича заҳираларни яратиш	-9434
4810- 4890-	Субъект томонидан шубҳали деб топилган бошқа дебитор қарзларни ҳисобдан чиқариш		
9390-	Фойдаланилмаган заҳира суммасининг кейинги йил даромадига қабул қилиниши		

В. Қисқа (жорий) ва узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олиш.

В1. Қисқа муддатли (жорий) мажбуриятларнинг ҳисобини юритиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг молиявий-хўжалик фаолиятида бошқа субъектлар билан доимо алоқада бўладилар:

– истеъмолчи-харидорларга тайёр маҳсулотларини сотадилар, ишларни бажарадилар, хизмат кўрсатадилар, бўнак ёки қарз берадилар;

– ўз навбатида бошқа субъектлар олдида мажбуриятлари пайдо бўлади, яъни олган хом ашё ва материалларнинг қийматини тўлаш юзасидан мол етказиб берувчилар олдида, бажарган ишлари юзасидан пудратчилар олдида, истеъмол қилинган хизматлар юзасидан хизмат кўрсатувчилар олдида ва ҳоказо.

Мажбуриятлар бу ҳисобот даврида ёки олдинги даврларда вужудга келган қарзлар (кредиторлик) бўлиб, уларнинг қопланиши (яъни сўндирилиши) иқтисодий нафнинг камайишига, яъни мавжуд активларнинг камайишига олиб келади.

Мажбурият субъектнинг турли келишувларни бажариши натижасида вужудга келади ва товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар юзасидан келгусидаги тўловлар учун ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади.

1-сонли БХМС "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот"га асосан мажбуриятларни баҳолашнинг асоси бўлиб, сотиб олинган активлар, хизмат ва ишларнинг таннархи ёки қиймати ҳисобланади.

Мажбуриятлар қисқа муддатли (жорий) ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Жорий мажбуриятлар — бу кредиторнинг талабига кўра бир йил ичида тўланадиган мажбуриялар(қарзлар)дир. Узоқ муддатли мажбурият(қарз)ларга тўлов муддати бир йилдан ортиқ бўлган мажбуриятлар киради.

Амалдаги қонунчиликка асосан, вужудга келган хорижий валютадаги мажбуриятлар сўмда ҳисобга олиниб, ҳисоблашиш-пул ҳужжатлари ёки шартномада келишилган ҳужжатларда кўрсатилган муддатда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ўрнатган хорижий валютанинг кўрслари бўйича қайта ҳисоблаш орқали аниқланади. Бир вақтнинг ўзида ушбу ҳисоблашишлар валютада ҳисоблашиш ва тўловларда акс эттирилади. Хорижий валюталар билан амалга оширилган муомалалар юзасидан қарзларни қоплаш даврида вужудга келган курснинг фарқлари 9540-"Курс фарқлари бўйича олинган даромадлар (ижобий)" ёки 9620-"Курс фарқлари бўйича кўрилган зарарлар (салбий)" счётларида акс эттирилади.

Жорий (қисқа муддатли) мажбуриятлар (қарзлар)ни ҳисобга олиш тартибини ёритувчи ушбу бўлимда ҳисобнинг қуйидаги счётларидаги ҳисоб тартиблари ҳақида маълумотлар келтирилади:

6000-Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёт (тўлов)ни ҳисобга олувчи счётлар;

6100-Бўлинмаларга тўланадиган счёт (тўлов)ни ҳисобга олувчи счётлар;

6200-Муддати узайтирилган мажбуриятларнинг жорий қисмини ҳисобга олувчи счётлар;

6300-Олинган жорий бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар;

6400-Бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар;

6500-Суғурта бўйича ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича қарзлар;

6600-Таъсисчиларга бўлган қарзлар;

6700-Ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоблашиш;

6800-Ҳар хил кредиторларга ва бошқа ҳисобланган мажбуриятлар бўйича қарзлар;

6900-Қисқа муддатли банкнинг кредитлари ва банкдан ташқари қарзларни ҳисобга олувчи счётлар.

Тузилган шартномага мувофиқ мол етказиб берувчилардан товар-моддий заҳиралари қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб субъект ва мол етказиб берувчилар ўртасида қуйидаги йўналишлар бўйича ҳисоблашиш муомалалари пайдо бўлади:

– субъектга тақдим этилган активлар, хизматлар ва бажарилган ишлар бўйича;

– қабул қилиш пайтида аниқланган товар-моддий қийматликлари, ишлар ва хизматлар миқдорининг ортиқчалиги;

– етказиб бериш юзасидан хизматлар, шу жумладан тариф (фрахт) суммасининг кам ҳисобланган суммаси юзасидан ва шунга ўхшаш муаммолар бўйича.

Ушбу товар-моддий қийматликлар омборхонага ёки субъектнинг истеъмолига қабул қилинаётганда кирим ордери ёзилиб ушбу ордерлар илова қилинган ҳолда реестр тузилади ва омбор мудири томонидан бухгалтерияга топширилади. Ушбу ҳужжатлар гуруҳлаштирилиб (таксировка) ва текширилиб тўлов ҳужжатига илова қилинади, чунки банк ушбу исботловчи ҳужжат билангина тўлов топшириғини қабул қилади. Кўрсатилган сумма мол етказиб берувчига тўлангандан кейин субъектнинг банкдаги тегишли счётларидан-5110, 5210, 5220, 5510, 5520... "Кўчирма"лар олади ва кодларига асосан ушбу счётларга ўтказиб қўяди.

Ҳисоблашиш муомалари умумлаштирилган ҳолда 6010-"Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" ва 6020-"Берилган ваисқалар" номли пассив, синтетик счётларда олиб борилади. Бу счётларда қуйидаги ахборотлар йиғилиб борилади:

– ҳисоблашиш ҳужжатлари акцептланган (тўлашга қабул қилинган) олинган товар-моддий заҳираларининг қийматликлари;

– ҳисоблашишга қабул қилинган бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар- электр қуввати, газ, иссиқлик, сув ва шунга ўхшашлар;

– ҳисоблашиш ҳужжатлари тўлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликларни келтириш, қайта ишлаш сарфлари;

– ҳисоблашишлар режали тўлов тартибида амалга оширилган товар-моддий қийматликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати;

– мол етказиб берувчилардан ҳужжатлар келмаган, лекин далолатномага мувофиқ омборга қабул қилинган (фактурасиз) товар-моддий қийматликларнинг қиймати;

– қабул қилиш жараёнида ортиқча чиққан товар-моддий қийматликларнинг қиймати;

– юкларни ташиш бўйича кўрсатилган хизматларнинг қиймати;

– ҳужжат (фрахт)га нисбатан кам берилган товар-моддий қийматликларнинг қиймати;

– алоқа хизматлари қиймати ва шунга ўхшашлар;

– бош пудратчи ташкилот хам ўзининг субпудратчи ташкилотлари ўртасида амалга ошириладиган ҳисоблашишлар.

Счётларни тўлаш, уларни тақдим қилган вақтидан бошлаб кучга киради ва навбат билан тўлаб борилади.

Ҳақиқий киримга олинган товар-моддий қийматлигининг суммаси тегишли товар-моддий заҳиралари счётларининг дебетида акс эттирилиб 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" ва 6020-"Берилган васиқалар" счётларининг кредитида қайд қилинади.

Товар, хом ашё ва материалларни ташиб келтириш, юклаш, тушириш, уларни қайта ишлаш харажатлари ҳам тегишли товар-моддий заҳиралари счётларининг дебети томонида ва 6010 ва 6020 счётларининг кредитида акс эттирилади.

Аналитик ҳисобда товар-моддий қийматликларнинг жорий ва балансда баҳоланиш тартибидан қатъий назар мол етказиб берувчилардан счёт-фактурасида кўрсатилган суммага 6010 ва 6020 счётлари кредитланади. Агарда мол етказиб берувчиларнинг счёти акцептланган ва қиймати тўланган бўлса, лекин товар ёки хом ашё қабул қилинаётганда ундан камомад аниқланса ёки табиий камайиш меъёридан ортиқча камомад аниқланса тузилган тижорат далолатномасига асосан ушбу аниқланган суммага мол етказиб берувчиларга даъво билдирилади - дебет 4210-"Даъволар юзасидан олинадиган счётлар" ва кредит 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" ёки 6020-"Берилган васиқалар".

Моддий қийматликлар кузатувчи ҳужжатларсиз, фактурасиз келган бўлса қуйидагиларни текшириш зарур:

– олинган товар-моддий қийматликларнинг қиймати олдин тўланганми ёки йўқми?;

– моддий қийматликларни ўлчаб, тортиб, нави ва баҳосига эътибор бериб тегишли қабул қилиш "далолатнома"сини тузиш;

– ушбу қийматликларнинг дебиторлик қарзида турган ёки турмаганлиги.

Фактурасиз қабул қилинган хом ашё ва материалларнинг қиймати шартномада кўрсатилган ёки жорий ҳисоб баҳосида "Далолатнома"га асосан қабул қилиниб 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" ёки 6020-"Берилган васиқалар" счётларининг кредитига ёзилади ва фактуралар келгандан кейингина банк орқали унинг қиймати навбати билан тўланади.

Агарда мол етказиб берувчиларга олдиндан бўнак берилган бўлса тўлиқ ҳисоблашиш жараёнида умумий қарз суммасидан бўнак суммаси чегирилиб (дебет 6010 ёки 6020 ва кредит 4310-"ТМЗ учун берилган бўнаклар") қолинади ва фарқ сумма тўланади- дебет 6010 ва кредит 5110 ёки 5210, ёки 5500, ёки 6910, ёки 6940 ва ҳоказо. Айрим ҳолларда олинадиган товарлар, материал ва хом ашёларнинг тўлов ҳужжатлари субъектга келган, лекин ушбу қийматликлар омборхонага келиб тушмаган бўлиши мумкин. Лекин ушбу тўлов ҳужжатлари банк томонидан тўланганми ёки йўқми, қатъий назар субъект томонидан тўлашга қабул қилиниши (акцептланиши) зарур.

Ушбу ҳужжатлар 6-журнал ордерининг акцепт устунидаги "Келиб тушмаган юклар" устинида қайд қилиб борилади. Ой охирида эса ушбу ҳужжатга асосан "Йўлдаги қийматликлар" сифатида субъектнинг балансига қабул қилинади. Ушбу материаллар омборхонага қабул қилингандан кейин кирим ордерига асосан иккинчи марта қабул қилиниб олдинги "Шартли қабул қилинган" қиймати чегирилади.

6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" ва 6020-"Берилган васиқалар" счётларида аналитик ҳисоб ҳар бир мол етказиб берувчи бўйича айрим юритилади. Чунки бу счётлар ёрдамида акцептланган, тўланган ва қарз бўлиб қолган суммалар назорат қилинади ва мол етказиб берувчилар олдидаги мажбуриятга риоя қилишга тезкорлик билан ёрдам беради, бундан ташқари:

– счётлар акцептланган лекин тўлаш муддати келмаган;
– бошқа ҳисоблашиш ҳужжатлари бўйича;
– муддати ўтган тўловлар бўйича;
– фактурасиз қабул қилинган моддий қийматликлар бўйича;
– қийматини тўлаш муддати келмаган васиқалар бўйича;
– қийматини тўлаш муддати ўтган васиқалар бўйича;
– олинган тижорат қарзлари бўйича ҳисоблашишларнинг ҳолати назорат қилиб борилади.

Мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашишлар умумлаштирилган ҳолда 6-журнал ордерда 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" ва 6020-"Тўланадиган васиқалар" счётларининг кредити бўйича қайд қилиб борилади. Бу журнал-ордерда аналитик ва синтетик ҳисоб бир вақтнинг ўзида олиб борилади, аналитик ҳисоб ҳар бир тўлов ҳужжати, кирим ордери ёки қабул қилиш далолатномоасига асосан юритилади.

Бу журнал-ордер ҳар ойнинг бошига мол етказиб берувчиларга тўланмаган сумма билан очилади ва унда:

– тўлов муддати келмаган ҳужжатлар бўйича;

– тўлов муддати ўтган ҳужжатлар бўйича;

– қийматликлар келиб тушмаган лекин тўлов ҳужжати бўйича қиймати тўланган;

– қийматликлари келиб тушмаган ва тўлов ҳужжатлари тўланмаган;

– тўлов муддати келмаган васиқалар;

– тўлов муддати ўтган васиқалар;

– фактурасиз қабул қилинган қийматликларнинг ой бошига қолдиқ суммаси алоҳида олган ҳолда кўрсатилади;

6010 ва 6020 счётлар бўйича 6-журнал-ордерда ҳар бир ҳужжатга тўлиқ маълумот йиғилади.

– санаси;

– қайд қилиш №;

– мол етказиб берувчининг номи ва манзили;

– омбордаги кирим ҳужжатининг №;

– кирим қилинган товар-материал қийматликларининг жорий ҳисобидаги баҳоси;

– тўлов ҳужжатидаги қиймати;

– қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи;

– божхона тўловлари ва йиғими ва ҳоказолар.

6020-"Берилган васиқалар" счётида субъектнинг ТМБ ва бошқа активларни, бажарилган ишларни ва кўрсатилган хизматларни сотиб олиш учун берган васиқалари акс эттирилади. Тўланадиган васиқалар фоизли ёки фоизсиз бўлиши мумкин. Фоизли васиқаларда васиқанинг асосий суммасини-номинал қийматини ва белгиланган фоиз миқдорини аниқ кўрсатади. Фоизсиз васиқаларда ҳақиқатда фоиз тўлашни назарда тутади, чунки бундай васиқаларнинг номинал қийматини қоплаш муддатида тўланадиган ягона суммани ташкил этадиган қарз ва фоиз суммаларини ўзида акс эттиради. Ушбу счётнинг кредитида сотиб

олинган ТМБ, бошқа активлар- бажарилган ишлар ва хизматлар учун васиқа билан таъминланган жорий мажбуриятлар акс эттирилиб, улар қопланиши давригача ҳисобга олинади. Васиқалар бўйича мажбуриятлар қопланса, тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити ва 6020-"Берилган васиқалар", 6820-"ҳисобланган фоизлар" счётларининг дебетида ушбу муомаларга тегишли суммалар акс эттирилади.

6020-"Берилган васиқалар" счёти бўйича аналитик ҳисоб берилган васиқаларнинг ҳар бир тури бўйича олиб борилади.

Тўлов муддати ўтган васиқалар бўйича ҳисоб алоҳида юритилади.

6000-Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар (тўловлар)ни ҳисобга олувчи счётларнинг гуруҳи

6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёт (тўлов)лар", 6020-"Берилган васиқалар" счётлари

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит
		С-N
4010-	Харидорлардан олинадиган суммаларни мол етказиб берувчиларга бўлган қарзларни сўндиришга йўналтириш	Олинган ўрнатиладиган ускуналар қийматининг акцептланиши -0710, 0720
4310-	Тўлиқ ҳисоблашиш жараёнида илгари берилган бўнак суммасининг чегирилиши	Пудратчиларнинг капитал қурилиши учун бажарган ишларини акцептлаш -0810-089(
5010, 5110, 5210, 5510, 5520-	Мол етказиб берувчилар олдидаги мажбуриятнинг сўндирилиши-нақд пул, пул маблағлари, аккредитивлар, чеклар ва ҳоказо.	Олинган моддий қийматликлар қийматининг акцептланиши -1010-1090, 1110, 121(ёки 1510
6020-	Қарз мажбуриятлари ҳисобига оддий васиқаларнинг берилиши	Пудратчиларнинг бажарган иши ва кўрсатган хизматлари суммасининг акцептланиши -2010, 2300, 2510, 9410, 945(
6910, 7510-	Мажбуриятларнинг қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ҳисобидан тўланиши	Сотилган маҳсулотнинг яроқсизлигини тузатиш бўйича кўрсатилган хизматлар суммасининг акцептланиши -2610
9360-	Даъво муддати тугаган қарзларнинг даромадга олиниши	Нокапитал ишларга кўрсатган хизматлар суммасини акцептлаш -2710-279(

Счётларнинг кредитидан		Счётларнинг дебетига
Дебет		Кредит
9540-	Тўловдаги хориж валютаси курсидаги ижобий фарқ суммаси	Олинган товарлар қийматини акцептлаш -2910-299(
		Келгуси давр сарфларига таълуқли счётларни акцептлаш -3110-319(
		Сотиб олинган ТМЗ ва бошқа қийматлик бўйича ҚҚС ҳисобланиши -4510
		Маҳсулотлари ёки товарларини сотиш бўйича кўрсатган хизматларни тўлашга қабул қилиш -9411-941!
		ТМЗ қабул қилишда табиий камайиш меъёрини акс эттириш -9433
		Табиий офатларнинг олдини олиш ёки тугатиш бўйича бажарган ишларни тўловга қабул қилиш -9720

Ҳозирги даврда, яъни бозор иқтисодиёти ривожланаётган даврда ишлаб чиқарувчини истеъмолчига яқинлаштириш мақсадида йирик концерн, компания ва фирмалар жойларда ўзларининг бўлинмаларини ташкил қилиб уларнинг фаолиятини ривожлантирмоқдалар. Чунки ушбу бўлинмалар зарур ҳудудлардаги бозорларга кириш ва ўзининг мавқеини мустаҳкамлаш ва кўтаришга катта ёрдам бермоқдалар. Ушбу мустақил балансга ажратилган бўлимлар (филиал, ваколатхоналар ва ҳоказо) билан бош субъект ўртасида доимо муомалалар (мулклар, маблағларнинг ҳаракати ва ҳоказолар билан боғлиқ) содир бўлади.

Ушбу муомалаларни (субъектнинг қарзини) қайд қилиш учун алоҳида счёт қўлланилади. Ушбу счёт 6110-"Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счёт (тўлов)лар" счёти субъектнинг алоҳида балансга ажратилган филиаллари, ваколатхоналари, бўлимлари ва бошқа махсус бўлинмаларга бўлган қарзларининг барча тўрлари ҳақидаги (ички баланс ҳисоблашишлари) маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Жумладан:

- ажратилган мулклар бўйича;
- ўзаро берилган моддий бойликлар бўйича;
- маҳсулот сотиш бўйича;

– умуммаъмурий фаолият бўйича ҳаражатларнинг берилиши;

– бўлинма ишчиларига меҳнат ҳақини тўлаш ва шунга ўхшаш ҳисоблашишлар бўйича.

Счётнинг кредитида бўлинмалар билан турли муомалалар бўйича мажбуриятларнинг суммаси, моддий бойликлар, пул маблағлари ва бошқа ҳаражатларни ҳисобга олувчи счётларнинг корреспонденцияси орқали акс эттирилади.

6110-"Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счёт (тўлов)лар" счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир бўлинма ва улар билан амалга оширилган муомалаларнинг турлари бўйича олиб борилади.

6100-"Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга тўланадиган қарзлар"ни ҳисобга олувчи счётнинг чизмаси

Счётнинг кредитига Дебет		Счётнинг дебетидан Кредит	
		С-N	
0100, 0400, 1000, 1100, 1200, 2800, 2900-	Бўлинмаларга қарзни сўндириш ҳисобига ТМЗ ва тайёр маҳсулотларни бериш	Бўлинмалардан асосий воситалар, ТМЗ, тайёр маҳсулотларни олиш	-0100, 0400, 1000, 1100, 1200, 2800, 2900
5010, 5110, 5210, 5500, 5600	Бўлинмаларга бўлган қарзни пул маблағлари тўлаб сўндириш	ТМЗларни олиш (ҳисоб сиёсатига мувофиқ)	-1510
		Бўлинмалардан олинган ТМЗ қийматидаги фарқларни акс эттириш	-1610
		Бўлинмадаги амалга оширилган сарфларнинг асосий ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи тармоқ ва бошқа тегишли тармоқларнинг ҳаражатига ўтказилиши	-2010, 2310, 2320, 2510, 9450
		Бўлинмалардан олинган тайёр маҳсулотларни қабул қилиш	-2110
		Бўлинмалар томонидан келгуси давр сарфларининг амалга оширилиши	-3100
		Бўлинмалардан пул маблағларининг олиниши	-5010, 5110, 5210,

Счётнинг кредитга Дебет	Счётнинг дебетидан Кредит
	5500, 5600
Бўлинмалардан олинган маҳсулотлар ва бошқа активларнинг таннархини акс эттириш	-9100, 9200
Бўлинмалар билан ҳисоблашишдаги валюталар курсининг салбий фарқи	-9630

Хўжалик юритувчи субъектлар ўзининг фаолиятида келгуси даврга тегишли даромад бўйича олган бўнаги, келиши кутилаётган дебитор қарзлари, чиқарилган облигациялар юзасидан чегирма ёки устамалар, солиқлар ва мажбурий тўловлар муддатининг узайтирилиш муомалалари содир бўлади. Масалан, ўқув юртларида таълим олиш учун тўловлар, ижара тўловлари, чипталарнинг сотилиши, лотерея билетларининг сотилиши, даврий нашрга обуна бўйича даромадлар ва шунга ўхшашлар.

Ушбу жорий даврда тўлов муддати узайтирилган ва вақтинча қарзлар сифатида келгусида тўланадиган жорий мажбуриятлар қуйидаги счётларда ҳисобга олинади:

6210-"Муддати узайтирилган даромадлар"

6220-"Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар"

6230-"Муддати узайтирилган дисконт (чегирма)лар"

6240-"Муддати узайтирилган мукофотлар"

6290-"Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар".

6210-"Муддати узайтирилган даромадлар" счёти ҳисобот даврида бўнак сифатида олинган (ҳисобланган), аммо келгуси даврга тегишли бўлган даромадлар ҳақидаги маълумотларни, шунингдек, ўтган йилларга тегишли ҳисобот даврида аниқланган камомадлар бўйича келиши кутилаётган қарзларни ва айбдор шахслардан олиниши керак бўлган сумма билан фарқларни акс эттиришга мўлжалланган. БХМСга асосан, бўнак сифатида олинган пул маблағларининг мажбуриятларини вужудга келтиради ва товар, ҳамда хизматларнинг ҳақиқий сотилиши рўй бермагунча, даромад деб аталади. Муддати узайтирилган даромадларга қуйидагиларни мисол тариқасида келитирш мумкин: олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олиш учун тўловлар; ижара тўловлари; чипталарнинг сотилиши; даврий нашрларга обуна тўлови ва бошқалар. Ҳали етка-

зиб берилмаган товарлар ва кўрсатилмаган хизматлар учун пул маблағларининг кирими 6210-"Муддати узайтирилган даромадлар" счёти кредитининг 5110-"Ҳисоблашиш счёти" счётининг дебети билан корреспонденцияланиши орқали акс эттирилади. Келгуси ҳисобот даврига тегишли даромадлар бир меъёрда 6210-"Муддати узайтирилган даромадлар" счётининг дебетидан 9010-"Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар", 9020-"Товарларни сотишдан олинган даромадлар" ёки 9030-"Бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматларни сотишдан олинган даромадлар" счётларининг кредитига ўтказиб борилади ва тайёр маҳсулотларни, товарларни, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотгандан кейин даромад сифатида тан олинади.

6220-"Муддати узайтирилган мажбуриятлар" счёти бўйича аналитик ҳисоблар ҳар бир солиқ ва мажбурий тўловларнинг тури ва қоплаш муддати бўйича алоҳида юритилади.

6230-"Муддати узайтирилган дисконтлар (чегирмалар)" ва 6240-"Бошқа муддати узайтирилган мукофотлар (устамалар)" счётлари облигация чиқарилган даврдан бошлаб йилнинг оралиғида харажат ёки даромадга тақсимланадиган, облигациялар юзасидан чегирма ёки устама бўйича субъектнинг узоқ муддатли мажбуриятларининг жорий қисмини акс эттиришга мўлжалланган. Ушбу счётларни обдигацияларни сотувчиларгина қўллайди.

Облигациялар мукофот ёки чегирма билан сотилса, бухгалтерия ўтказмасида акс эттириладиган фоизларнинг тўлови юзасидан сарфлар, ҳақиқий тўланадиган фоизлардан фарқ қилади. Ушбу сарфларни чегирмалар суммаси оширса, мукофотлар суммаси камайтиради. Облигацияларнинг чегирма билан сотилиши қуйидагича акс эттирилади: дебет 6230-"Муддати узайтирилган дисконтлар (чегирмалар)" ва 5110-"ҳисоблашиш счёти" олинган суммага, кредит 6920-"Банкдан ташқари тўлашга қабул қилинган облигациялар" ёки 7610-"Тўланадиган облигациялар" счётлари.

Облигациялар юзасидан жорий фоизларнинг тўланиши суммасига эса 9610-"Фоизлар кўринишидаги харажатлар" счёти дебетланиб, тўланадиган фоизлар ва қопланадиган чегирмаларни ўзида акс эттиради. Бунда 6230-"Муддати узайтирилган дисконтлар (чегирмалар)" ва 5110-"ҳисоблашиш счёти" счётлари кредитланади.

Облигацияларнинг мукофотлар билан сотилиши 6240-"Муддати узайтирилган мукофотлар (устамалар)" ва 6920-"Банкдан ташқари тўлашга қабул қилинган облигациялар" ёки 7610-"Тўланадиган облигациялар" счётларининг кредити ва 5110-"ҳисоблашиш счёти"нинг дебетида акс эттирилади.

Облигация қарзининг даври мобайнидаги мукофотлар 9530-"Фоизлар кўринишидаги даромадлар" счётига ўтказилади.

6230-"Муддати узайтирилган дисконтлар (чегиртмалар)", 6240-"Муддати узайтирилган мукофотлар (устамалар)" счётлари бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир облигациянинг тури ва қоплаш (сўндириш) муддати бўйича айрим олган ҳолда юритилади.

6290-"Муддати узайтирилган бошқа мажбуриятлар" счётида субъектнинг юқоридаги счётларда кўрсатиб ўтилмаган муддати узайтирилган бошқа мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган ва аналитик ҳисоби ушбу мажбуриятларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида юритилади.

6200-Муддати узайтирилган мажбуриятларнинг жорий қисмини ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси

6210-"Муддати узайтирилган даромадлар", 6220-"Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар";

6230-"Муддати узайтирилган чегиртма (дисконт)лар";

6240-"Муддати узайтирилган устама (мукофот)лар";

6290-"Муддати узайтирилган бошқа мажбуриятлар".

Счётларнинг кредитидан Дебет		**Счётларнинг дебетига Кредит**	
		С-N	
6410-(7220-6220)	Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларнинг тегишли қисмини жорий мажбуриятга ўтказиш	Келгусида бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар учун бўнакнинг олиниши	-5000, 5110, 5200, 5500
6920-(5110-7610)	Облигацияларнинг чегиртмалар билан сотилиши	Облигацияларни мукофотлар билан сотиш	-5110 (5110-7610)
7230-	Муддати узайтирилган дисконт (чегиртма)нинг тегишли қисмини жорий қисмга ўтказиш	Муддати узайтирилган мукофотларнинг бир қисмини жорий қисмга ўтказиш	-7240
9010-9030-	Келгуси давр даромадининг тегишли қисмини	Облигациялар бўйича чегиртмаларнинг жорий	-9610

	ҳисобот давридаги сотиш ҳажмига қўшиш	қисмининг учирилиши
9530-	Облигациялар бўйича мукофотларнинг жорий қисмини ҳисобдан чиқариш	
9550-	Молиялаштириладиган лизинг даромадининг жорий даврдаги даромад таркибига ўтказилиши	
9550-	Илгариги камомад суммаларининг жорий йилда қопланиши	

Сотиладиган маҳсулот, бажариладиган қандайдир иш ёки кўрсатиладиган хизматлар учун харидор ва буюртмачилардан бўнак кўринишида пул маблағларини олишда хўжалик юритувчи субъект буюртманинг бажарилишидан кутилаётган зарарларни қоплаш учун бўнак тўловини (олдиндан қийматининг бир қисмини тўлаш) талаб қилиши мумкин. Бундай вақтларда бўнак тайёр маҳсулотларни, ТМБларни, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни етказиб бериш бўйича шартноманинг бажарилишига ҳамда харидор ва буюртмачилардан келгусидаги тўловларнинг келиб тушишига кафолат сифатида юзага келади.

Бундай бўнаклар пул маблағини олган субъект учун тайёр маҳсулот жўнатилгунга,иш ёки хизмат бажарилгунга қадар мажбурият бўлиб ҳисобланади. Олинган бўнакларга қуйидагилар мисол бўлади: газ, сув, ёритиш ва бошқа маиший хизматлар учун, шунингдек тайёр маҳсулотларни, ТМБ ва бошқаларни етказиб бериш учун олдиндан олинган тўловлар.

Харидорларга ва буюртмачиларга тайёр маҳсулотларни, ТМБни етказиб бериш ёки қисман тайёр бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун, шунингдек, акцияга обуна бўлган юридик шахслардан олинган бўнаклар бўйича жорий мажбуриятлар ҳақидаги маълумотлар қуйидаги счётларда умумлаштирилади:

6310-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар"

6320-"Акция обуначиларидан олинган бўнаклар"

6390-"Бошқа олинган бўнаклар".

Олинган бўнак суммалари, шунингдек, қисман тайёр маҳсулот ва иш (хизмат) учун олинган тўловлар 6310-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар", 6310-"Акция обуначиларидан олинган бўнаклар", 6390-"Бошқа олинган бўнаклар" счётларининг кредити ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида акс

эттирилади. Буюртмачиларга ишни тугатиб топшириш ва хизматни кўрсатиб бўлгандан сўнг, шунингдек, харидорларга маҳсулотни жўнатгандан кейин олинган бўнаклар харидор ва буюртмачиларнинг олдидаги мажбуриятларни камайтиради ва 6310-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар", 6320-"Акция обуначиларидан олинган бўнаклар", 6390-"Бошқа олинган бўнаклар" счётларининг дебети, ҳамда сотишни ҳисобга олиш тартибига кўра 9010, 9020, 9030, 9410, 9420 ёки 4010 счётларнинг кредитида акс эттирилади.

Ушбу 6310-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар", 6320-"Акция обуначиларидан олинган бўнаклар" ва 6390-""Бошқа олиган бўнаклар" счётлари бўйича аналитик ҳисоб олинган жорий бўнакларнинг ҳар бир тури ва бўнак берган шахслар бўйича олиб борилади.

6300 - Олинган жорий бўнакларни ҳисобга олувчи счётларнинг тизмаси

6310-"Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар";
6320-"Акция обуначиларидан олинган бўнаклар" ва;
6390-"Олинган бошқа бўнаклар" счётлари.

Счётларнинг кредитига Дебет		Счётларнинг дебетидан Кредит	
		С-N	
5010, 5020, 5110, 5200, 5510, 5590, 5610-	Илгари олинган бўнакларнинг қайтарилиши	Сотиладиган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар учун олинган бўнаклар	-5010, 5020, 5110, 5200, 5510, 5590, 5610
6910, 7510-	Банк кредитлари ҳисобига олинган бўнакларнинг қайтарилиши		
6920, 6940, 7610, 7620-	Бошқа қарзлар ҳисобига олинган бўнакларнинг қайтарилиши		
9010- 9030, 9210, 9220-	Харидор ва буюртмачилар билан тўлиқ ҳисоблашишганда илгари олинган бўнакларнинг ҳисобдан чиқарилиши		
9390-	Даъво муддатида қайтарилмаган бўнакнинг субъект фойдасига қабул қилиниши		

Бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш тартиби "Солиқлар ва солиқлар бўйича ҳисоблашишлар" бобида кенг ёритилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг мулкларини ва ходимларининг ҳаётларини суғурта қиладилар, ҳисобланган меҳнат ҳақи, мукофотлар суммасига нисбатан белгиланган миқдорда ижтимоий суғуртага ажратма қиладилар ва бюджетдан ташқари ажратмаларни амалга оширадилар. Ушбу суғурта сарфларини ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмаларни, яъни мулк ва ходимларни суғурта қилиш, давлат ижтимоий суғуртаси, нафақа таъминоти, ходимларнинг тиббий суғуртаси учун ажратмалар, ёнғин, авария, табиий офат, экологик фожиалар ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларни маблағлар билан таъминлаш учун суғурта жамғармаларини ташкил қилиш харажатлари, шу билан бирга субъектнинг мулкини, ходимларнинг ҳаётини, ҳамда учинчи шахсларнинг мулкий манфаатларига келтирилган зарарлар учун фуқаролик жавобгарликни суғурта қилиш сарфлари қуйидаги счётларда амалга оширилади:

6510-"Мулк ва шахсий суғурта бўйича тўловлар";

6520-"Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар";

6530-"Бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар".

Ижтимоий суғурта учун мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш тартиби тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар билан бошқарилади.

6510-"Мулк ва шахсий суғурта бўйича тўловлар" счёти мулкни ва ходимларни суғурта қилиш (ижтимоий ва тиббий суғурта бўйича ҳисоблашишлардан ташқари) бўйича ҳисобларни умумлаштириш ва ахборот бериш учун мўлжалланган.

6520-"Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар" счёти ижтимоий давлат суғуртаси учун, субъект ходимларининг нафақа таъминоти ва тиббий суғуртаси, ҳамда бандлик жамғармаси учун ажратмалар бўйича субъектнинг қарздорлик суммаси ҳақидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

6530-"Бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар" счёти (6510 ва 6520 счётларда қайд қилинадиган тўловлардан ташқари) тўловларнинг турлари бўйича давлат органларига қарздорлик ва субъект томонидан ҳар хил бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган суммалар бўйича ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Суғурта ва жамғармаларга тўловлар бўйича қарз суммалари 6510, 6520, 6530 счётларнинг кредитлари бўйича ишлаб чиқариш харажатларини, давр харажатларини ёки тўловларнинг бошқа манбаларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебет томони билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Тўланган суғурталар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар тегишли 5010, 5020, 5110, 5210, 5510, 5520, 5590 6910 ва 6940 счётнинг кредитидан амалга оширилади ва 6510, 6520 ва 6530 счётларнинг дебет томонида қайд қилиниб, ушбу қарзлар ҳисобдан чиқарилади.

6500-суғурталар бўйича ва бюджетдан ташқари жамғармаларга бўлган тўловларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир суғуртанинг ва ажратманинг тури бўйича айрим юритилади.

6500-Суғурта бўйича ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси

6510-"Мулк ва шахсий суғурта бўйича тўловлар";
6520-"Ижтиомий суғурта бўйича тўловлар" ва;
6530-"Бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар" счётлари.

Счётларнинг кредитидан **Дебет**		**Счётларнинг дебетига** **Кредит**	
		С-N	
0710, 0810, 1000, 1100, 1210, 1230, 2800, 2900	Кўрилган талафотлар суммасининг ўчирилиши	Капитал қурилишда суғурта тўловларини ҳисоблаш	-0810 -0890
5110, 5200, 5500-	Маблағлар счётларидан суғурта тўловларининг тўланиши	Товар-моддий заҳираларни тайёрлаш ва сотиб олиш жараёнида рўёбга чиққан тўловлар (ёки 0710, 1000, 1100, 1200, 2910)	-1510
4510-	Чет эл валютаси курсидаги салбий фарқ бўйича	Мулк ва мажбурий суғурталар бўйича тўловларни ҳисоблаш	-2010, 2310,

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит
	тўланган солиқнинг ижобий фарқи	2510, 2610, 9420, 9429
6910-6990-	Кредит ва қарз олиб бюджетдан ташқари жамғармаларга бўлган қарзларни сўндириш	Шу воқеалар, хизмат кўрсатувчи бўлинмаларда -2320, 9450
		Нокапитал ишлар билан шуғулланаётган ходимлар ва мулкларни суғурта қилиш -2710-2790
		Келгуси давр сарфларини амалга оширишда рўёбга чиққан тўловлар -3100
		Ортиқча тўланган сумманинг қайтарилиши -4210
		Суғурта компанияларининг ҳисоблаган товон суммалари -4890
		ҳисобланган дивиденд ва меҳнат ҳақидан ушлаган тўловлар -6610, 6710
		Асосий воситаларни ва бошқа активларни сотишда ҳисобланган мажбурий тўловлар -9210
		Тижорат фаолияти ёки булимида мулк ва мажбурий суғурта ҳисоблаш -9419
		Ҳисобот даври давомида даромад ҳисобидан бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган даромад суммаларини акс эттириш (тўловлар, иқтисодий жазо ва ҳоказолар) -9810

Бозор иқтисодиёти шароитида кўпчилик субъектлар акциядорлик жамияти, қўшма корхоналар, масъулияти чекланган ўртоқлик жамияти кўринишида фаолият кўрсатмоқда. Натижада ушбу субъектлар ўзларида таъсисчиларнинг улушлари, акция қийматлари, улар бўйича ҳисобланган дивидендлар бўйича қарзларни, чиқиб кетаётган таъсисчиларнинг улушларини айрим ҳисобга олиш заруриятини туғдиради.

Дивидендлар бўйича субъектларнинг таъсисчилар олдидаги жорий мажбуриятлари ва чиқаётган таъсисичларнинг улушлари қуйидаги счётларда ҳисобга олинади:

6610-"Тўланадиган дивидендлар";

6620-"Чиқаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар".

Субъектнинг рахбарияти дивидендларни тўлаш ҳақида эълон қилса, улар жорий мажбуриятларда акс эттирилиши керак (агар улар келгуси йил ёки муомалавий босқич давомида тўланиши керак бўлса). Субъектнинг рахбарияти томонидан тўланиши ҳақида расмий эълон қилинмаган имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ва бошқа дивидендлар мажбурий ҳисобланмайди. Кумулятив имтиёзли акциялар бўйича қарзлар молиявий ҳисоботнинг тушинтириш жойларида кўрсатилиш керак. Дивидендлар ўзбекистон Республикаси "Хиссадорлик жамияти ва хиссадорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш" тўғрисидаги амалдаги қонунига ва дивидендларни ҳисоблаш тартибига мувофиқ тақсимланади.

6610-"Тўланадиган дивидендлар" счёти 8710-"Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси" счёти билан корреспонденциясида дивидендлар бўйича ёзилган суммаларга қараб кредитланади.

6620-"Чиқаётган таъсисчиларга улуши бўйича қарзлар" счётида чиқиб кетаётган таъсисчиларнинг улуши бўйича мажбуриятларни акс эттиради, кредити бўйича ёзилган қарз суммаси 8620-"Сотиб олинган ўзининг имтиёзли акциялари" счёти билан корреспонденцияда акс эттирилади.

6610-"Тўланадиган дивидендлар" счёти 6620-"Чиқаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар" счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир таъсисчи бўйича олиб борилади.

6600-Таъсисчиларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси

6610-"Тўланадиган дивидендлар" ва 6620-"Чиқаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар" счётлари

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
		C-N	
5010,5020, 5110,5200, 5510,5520	Ҳисобланган дивидендларнинг акциядорларга тўланиши	Чиқаётган таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзларни акс эттириш	-8620
5010,5020, 5110,5200, 5510,5520	Чиқаётган таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзларни тўлаш	Акциядорларга ҳисобланган дивидендларни акс эттириш	-8710

Субъектлар ўзларининг молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошираётганда юқорида қайд қилинган жорий мажбурият (қарз)лардан ташқари қуйидаги мажбуриятлари вужудга келади: лизинглар бўйича қарзлар, ҳисобланган фоизлар, роялти ва гонорарлар, кафолатлар бўйича қарзлар, узоқ муддатли қарзнинг бир қисмини жорий мажбуриятга ўтказиш, даъволар бўйича ва ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар ва бошқа жорий қарз мажбуриятлари вужудга келади.

Ушбу муомалаларнинг натижасида вужудга келган қарзлар ва уларни тўлаш бўйича амалга оширилган тўловлар қуйидаги счётларда қайд қилинади ва умумлаштирилади:

– 6810-"Тўланадиган молиялаштириладиган лизинглар";
– 6811-"Тўланадиган тезкор лизинг";
– 6820-"ҳисобланган фоизлар";
– 6830-"Роялти ва гонорарлар бўйича қарзлар";
– 6840-"Кафолатлар бўйича қарзлар";
– 6850-"Тўланадиган узоқ муддатли қарз мажбуриятларининг жорий қисми";
– 6860-"Даъволар бўйича тўланадиган счётлар (тўловлар)";
– 6870-"Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар";
– 6890-"Бошқа мажбуриятлар".

6810-"Тўланадиган молиялаштириладиган лизинглар" молиялаштириладиган лизинги бўйича лизинг олувчининг асосий қарзини тўлашни ўз ичига олган жорий мажбуриятларини акс эттиради, минимал лизинг тўловларининг жорий қийматини ҳисоблаш 6-сон БХМС "Лизингни ҳисобга олиш"га мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу 6810-"Тўланадиган молиялаштириладиган лизинглар" счётининг кредити бўйича жорий тўловнинг ёзилган суммаси, дебети бўйича эса лизинг берувчига тўланган сумма акс эттирилади.

6810-"Тўланадиган молиялаштириладиган лизинглар" счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир лизинг шартномаси бўйича юритилади.

6811-"Тўланадиган тезкор лизинглар" счёти лизингга олувчиларнинг жорий лизинг юзасидан мажбуриятларини акс эттириш учун ишлатилади. Бу счётнинг кредитида харажат счётлари билан боғланган ҳолда, ҳисобланган тўлов суммалари ва унинг дебет томонида эса пул маблағлари билан корреспонденцияланган ҳолда лизинг берувчиларга тўланган суммалар акс эттирилади.

6811-"Тўланадиган тезкор лизинглар" счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир лизинг шартномаси бўйича айрим олган ҳолда юритилади.

6820-"Ҳисобланган фоизлар" счётида кредиторлар томонидан берилган қарзлар ҳамда лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар акс эттирилади. 6820-"Ҳисобланган фоизлар" счётининг кредитида берилиши лозим бўлган фоизлар, дебетида эса фоизлар бўйича тўланган қарз суммалари акс эттирилади.

6820-"ҳисобланган фоизлар" счёти бўйича аналитик ҳисоб мажбуриятларининг ҳар бир тури бўйича олиб борилади.

6830-"Роялти ва гонорарлар бўйича қарзлар" счётида бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фойланиш учун активларни олиш натижасида келиб чиқадиган субъектнинг мажбуриятларини, 2-сон БХМСга мувофиқ акс эттиради. Роялти ва гонорарларни тўлаш бўйича қўлланиладиган 6830-"Роялти ва гонорарлар бўйича қарзлар" счётининг кредитида роялти ва гонорарлар бўйича ҳисобланган қарзлар, тегишли харажатлар счётларнинг корреспонденцияси билан акс эттирилади.

6830-"Роялти ва гонорарлар бўйича қарзлар" счёти бўйича аналитик ҳисоб қарзнинг ҳар бир тури бўйича олиб борилади.

6840-"Кафолатлар бўйича қарз" счётида субъект томонидан сотилган маҳсулотларнинг кафолатли хизмати бўйича мажбуриятлари акс эттирилади.

Агар сотиш пайтида компания ўзининг сотган маҳсулоти учун кафолат берса, ушбу мажбурият бутун кафолат муддатида кучга эга бўлади. 2-БХМСга мувофиқ кафолат суммаси сотилган даврнинг харажатлари счётининг дебетида акс эттирилади.

6840-"Кафолатлар бўйича қарз" счёти бўйича аналитик ҳисоб кафолат билан сотилган ҳар бир маҳсулот, хизмат, ишларнинг турлари бўйича айрим олиб борилади.

6850-"Тўланадиган узоқ муддатли қарз мажбуриятларининг жорий қисми" счётида мазкур ҳисобот даврда тўланиши лозим бўлган узоқ муддатли қарз мажбуриятларининг жорий қисми акс эттирилади.

6850-"Тўланадиган узоқ муддатли қарз мажбуриятларининг жорий қисми" счёти бўйича аналитик ҳисоб қарз мажбуриятлари, эмитентлар, тўлаш муддатлари, турлари бўйича олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида қарз мажбуриятларини тўлаш тартиби билан ушбу муомалалар меъёрлаштирилади.

6860-"Даъволар бўйича тўланадиган счётлар" счёти истеъмолчилар, транспорт ва бошқа ташкилотлардан тушган даъволар бўйича субъектнинг қарзи ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган, ҳамда қўйиладиган жарималар (ўсимлар) бўйича маълумотлар йиғилади.

Даъволар асосан шартнома мажбуриятларини бажармаганликдан келиб чиқади.

6860-"Даъволар бўйича тўланадиган счётлар" счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир кредитор ва ҳар бир даъво, жарима ва ўсимлар бўйича айрим олиб борилади.

6870-"ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар" счёти субъектнинг ходимларига бўлган айрим қарзлари ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бу қарзлар ишчиларга маъмурий-хўжалик ва муомалавий харажатлар учун, хизмат сафарлари учун берилган бўнак суммалари билан ҳақиқий сарфланган харажатларнинг суммалари ўртасидаги фарқининг натижасида келиб чиқади. Бўнак пули олмай туриб, ҳисобот суммаларининг сарфланиши натижасида хам қарздорлик келиб чиқади. Субъектнинг ходимларига тезкор муомалалар учун нақд пулларни бериш тартиби касса муомалаларини юритиш қоидалари билан бошқарилади. Ҳисобот берувчи шахслар белгиланган муддатда ҳақиқий сарфланган суммалари юзасидан ҳисобот беришлари керак, ушбу ҳисоботга исботловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Сарфланган сумма ҳисобот учун берилган бўнак суммасидан ошса субъектнинг ҳисобот берувчи шахслар олдида қарздорлиги юзага келади ва ушбу ортиқча сумма 6870-"ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар" счётининг кредити томонида қайд қилинади.

6870-"ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар" счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир бўнак тўлови ва ҳисобдор шахслар бўйича олиб борилади.

6890-"Бошқа мажбуриятлар" счёти субъектнинг жисмоний ва юридик шахслар олдидаги тижорат бўлмаган турли муомалалари бўйича (ўқув юртлари, илмий ташкилотлар ва ҳоказо); чек билан тўланадиган хизматлари учун транспорт ташкилотлари билан ва бошқалар билан юзага келадиган жорий мажбуриятларини акс эттиради.

6890-"Бошқа мажбуриятлар" счёти бўйича аналитик ҳисоб мажбуриятларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида юритилади.

6800 - Ҳар хил кредиторларга ва бошқа ҳисобланган мажбуриятлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси

6810-"Тўланадиган молиялаштириладиган лизинглар";
6811-"Тўланадиган тезкор лизинглар";
6820-"ҳисобланган фоизлар";
6830-"Роялти ва гонорарлар бўйича қарзлар";
6840-"Кафолатлар бўйича қарзлар";
6850-"Тўланадиган узоқ муддатли қарзларнинг жорий қисми";
6860-"Даъволар бўйича тўланадиган счётлар (тўловлар)";
6870-"Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар";
6890-"Бошқа мажбуриятлар" счётлари.

Счётларнинг кредитидан Дебет		**С-N**	**Счётларнинг дебетига Кредит**
1000, 6710, 6890-	Кафолатли хизмат бўйича харажатларнинг ҳисобдан чиқарилиши	Ускуналар, капитал қўйилмалар. ТМЗ бўйича аниқланган хатоликлар-миқдори, сифати, суммалари бўйича харидор ва буюртмачиларнинг даъволари.	-0710, 0800, 1000, 1100, 1200, 2110, 2800, 2900 (1510)
5110, 5210, 5500-	Молиялаштириладиган лизинг бўйича жорий қарзнинг тўланиши	Асосий, ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи тармоқлар, умумишлаб чиқариш ва давр сарфлари учун ҳисобдор шахслар томонидан амалга оширилган сарфлар.	-2010, 2310, 2510, 9439
5110, 5210, 5510, 5520-	Жорий лизинг бўйича қарзларнинг тўланиши	Бошқа ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи тармоқларга ҳисобдор шахслар томонидан амалга оширилган сарфлар.	-2320, 9450
5000, 5110, 5200, 5500-	Фоизлар бўйича қарзларнинг тўланиши	Яроқсиз маҳсулот натижасида йўқотишлар бўйича қарзлар ва уларни тузатиш учун ҳисобдор шахслар томонидан амалга оширилган сарфлар.	-2610
5000, 5110, 5200, 5500-	Роялти ва гонорарлар бўйича қарзларнинг тўланиши	Зарурий товарларнинг ҳисобдор шахслар томонидан сотиб олиниши.	-2910-2990
5000, 5100,	Узоқ муддатли қарзларнинг жорий	Бошқа шахслардан пул маблағлари, пул ҳужжатлари ва	-5010. 5110.

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит
5200, 5500-	қисмини тўлаш	қимматбаҳо қоғозларнинг қарзга олиниши. 5200, 5500, 5610, 5810
		Ижро варақалари, депонент қарзлар ва қарзга олинган товарлар бўйича тўловлар. -6710
		Узоқ муддатли қарз суммасининг бир қисмини жорий қарзга ўтказиш. -7610, 7620
		Молиялаштириладиган лизинг бўйича қарзнинг бир қисмини жорий қисмга ўтказиш. -7630
		Мақсадли маблағлари- грант ва субсидиялар ҳисобига турли шахсларнинг кўрсатган хизматлари. -7710 -8810
		Асосий воситалар ва бошқа активларни ҳисобдан чиқаришда бошқа ташкилотларнинг кўрсатган хизматларининг суммаси. -9210, 9220
		Ҳисобдан чиқарилган дебитор қарзлар, жарималар, ўсимлар. -9390
		Ҳисобдор шахслар томонидан маҳсулотларни сотиш учун сарфлар қилиниши. -9419
		Жорий лизинг бўйича қарздорлик суммаси. -9424
		Моддий бойликларни сотиб олиш жараёнида харидорлар томонидан билдирилган даъволарнинг қабул қилиниши. -9433
		Шартнома мажбуриятларига риоя қилинмаганлиги учун ҳисобланган суммалар. -9439
		Роялти ва гонорарлар бўйича қарздорлик суммаси. -9439
		Маданий-маърифий соғломлаштириш муассасаларини асраш учун бошқа ташкилотларнинг кўрсатган хизматлари. -9450
		Кафолатли хизматлар бўйича қарздорлик суммаси. -9450
		Фоизлар бўйича қарздорлик суммаси. -9620
		Сотиб олинган акцияларни -9690

Счётларнинг кредитидан Дебет	Счётларнинг дебетига Кредит	
	сақланганлиги учун депозитарийларга ҳисобланган сумма.	
	Олдин ёзилган заҳиралар ҳисобига амалга оширилган харажатлар бўйича туряи ташкилотларга бўлган қарзлар.	-9690
	Табиий офат ва ёнгиннинг олдини олиш сарфларининг ҳисобдор шахслар томонидан амалга оширилиши.	-9720

Хўжалик юритувчи субъектларнинг бир текис фаолият кўрсатиши, олдига қўйилган вазифалар ва мажбуриятларни бажариши, рақобатбардошлигини мустаҳкамлаши ва айрим жараёнларда юз берадиган қийинчиликларни бартараф қилишида банкнинг қисқа муддатли кредитлари ва қарзлар муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳозирги даврда ҳар-хил тижорат банклари ташкил қилиниб улар кредит бериш, ҳисоблашиш бўйича маблағларни ўтказиш ва касса муомалаларини амалга оширадилар. Қайси банкнинг хизматидан фойдаланиш, яъни ҳисоблашиш, валюта счётларини очиш, кредит олиш субъектнинг ихтиёрида.

Ушбу банклар қайтариб бериш, муддати белигланган ва фоизлар асосида субъектларга кредит берадилар.

Ушбу кредитни олиш, қайтариш муддати ва тўланадиган фоизларнинг даражаси тузилган шартномада аниқ кўрсатилади ва ва жавобгарлик мустаҳкамланади.

Тузилган кредит шартномасида қуйидаги моддалар кўрсатилади:

- кредит бериладиган объект;
- кредитнинг берилиши муддати;
- кредитни бериш ва уни тўлаш тартиби ва шарти;
- кредит мажбуриятини таъминлаш шакли;
- кредит бўйича фоизнинг даражаси;
- фоизни тўлаш тартиби;
- кредит берадиган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- кредит оладиган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- банкка кредит олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар ва уларнинг даврийлиги;
- махсус шарт-шароитлар (форс-мажор).

Кредит олиш учун субъект банкка қуйидаги ҳужжатларни топширади:

- субъект низомининг нусхаси;
- субъект гувоҳномасининг нусхаси;
- бухгалтерия ҳисоботининг нусхаси;
- қайд қилиш ҳисоботи.

Ушбу ҳужжатларни банк ҳар томонлама ва чуқур ўрганиб чиқиб (зарур бўлганда экспертларнинг хизматларидан фойдаланиб) субъектнинг олган кредитини шартномада кўрсатилган вақтда қайтаришига ва фоизларни ўз вақтида тўлашига ишонч хосил қилгандан кейингина ушбу кредитни бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Кредитларни бериш ва қайтариб олиш муддатларига қараб улар қисқа ва узоқ муддатли кредитларга бўлинади.

Қисқа муддатли кредитлар субъектларга 1 йилгача муддатга берилади ва уларнинг фоизи узоқ муддатли кредитларга нисбатан анча юқори бўлади. Чунки ушбу кредитлар асосан жорий фаолиятни юритиш учун товар-моддий заҳираларининг қийматини тўлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш каби қарзларни тўлаш учун олинади.

Кредит берилаётганда олинадиган фоизлар уларнинг муддати — турлари ва мақсадларига қараб Марказий банкнинг кўрсатмаси ва тузилган шартнома билан тартибга солинади, агарда хориж валютасида олинган кредитлар эса ЛИБОР (LIBOR) халқаро тартибга асосан белгиланади.

Бошқа субъектлардан қарз олиш тартиби, шартномалар тузиш, уларни қайтариш, тақдим қилинадиган ҳужжатлар ва келишиладиган фоиз тўловлари банкдан олинадиган кредитлар бўйича шартлар, тузиладиган шартномалар ва тақдим қилинадиган ҳужжатларга ўхшайди.

Мамлакатимиз ҳудудида ва чет элда жойлашган қарз берувчилардан ва банкдан сўмда ва чет эл валютасида олинган турли қисқа муддатли (12 ой муддатигача) кредит ва қарз (заём)ларни қайд қилиш ва уларнинг ҳаракати ҳақидаги маълумотни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

6910-"Банкнинг қисқа муддатли кредитлари";

6920-"Банкдан ташқари тўлашга қабул қилинган облигациялар";

6930-"Банкдан ташқари тўлашга қабул қилинган васиқалар";

6940-"Қисқа муддатли қарз (заём)лар";

6990-"Бошқа кредитлар ва қарз(заём)лар".

Қарз (заём) беришнинг тартиби, кредит ва қарз (заём)ларни расмийлаштириш ва уларни тўлаш банк қоидалари ҳамда банк ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ўртасидаги шартномалари асосида тартибга солинади.

6910-"Қисқа муддатли банк кредитлари" счётида субъектнинг банклардан олган турли қисқа муддатли кредитларининг ҳолатлари ҳақидаги ахборот ҳисобга олинади.

Қисқа муддатли кредитнинг суммалари 6910-"Банкнинг қисқа муддатли кредитлари" счётининг кредитида пул маблағларини ҳисобга оладиган тегишли счётларнинг дебетларида акс эттирилади.

Тўланган банк кредитларининг суммасига 6910-"Банкнинг қисқа муддатли кредитлари" счёти дебетланади, пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларининг корреспонденцияси билан бирга белгиланган муддатда тўланмаган банк кредитлари алоҳида ҳисобга олинади.

Қисқа муддатли кредитларнинг аналитик ҳисобида кредитларни ҳисобга олиш муомалалари бўйича ва бошқа қарз мажбуриятлари бўйича банклар билан ҳисоблашиш муомалалари қайд қилиниб борилади.

6920-"Банкдан ташқари тўлашга қабул қилинган облигациялар" счётида қарз (заём) берувчиларга бериладиган облигациялар ҳисобига субъектга жалб этилган маблағлар ҳисобга олинади (12 ойдан ошмаслик муддатида тўланиши керак бўлган).

6930-"Банкдан ташқари тўлашга қабул қилинган васиқалар" (қарз) берувчилардан олинган васиқа ҳисобига олинади (12 ой муддатида тўланиши лозим).

Васиқаларни ҳисобга олиш муомалалари васиқа ушловчининг 6930-"Банкдан ташқари тўлашга қабул қилинган васиқалар" счётининг кредитида ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида акс эттирилади.

Васиқаларни ҳисобга олиш муомалалари тўланганлиги ҳақида банкдан келган хабарнома асосида тузилади. Ушбу васиқанинг суммаси 6930-"Банкдан ташқари тўлашга қабул қилинган васиқалар" счётининг дебетида акс эттирилади.

Васиқа ушловчи субъект пул маблағларини қайтарганда, агар васиқалар бўйича ўз мажбуриятларини васиқа берувчи ёки бошқа

тўловчи ўз вақтида бажармаса, тўлов ҳақидаги ёзув 6930-"Банкдан ташқари тўлашга қабул қилинган васиқалар" счётининг дебетига олиб борилади ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида ушбу муомалалар акс эттирилади.

Қарз берувчилар олдидаги қарзлар 6930-"Банкдан ташқари тўлашга қабул қилинган васиқалар" счётидан ўчирилмайди, чунки аналитик ҳисобда алоҳида олиб борилади.

Дисконт қилинган (муддати узайтирилган) васиқалар бўйича аналитик ҳисоб васиқа берувчилар ва алоҳида васиқа бўйича, васиқалар ва бошқа қарз мажбуриятларининг ҳисобини амалга ошираётган банклар бўйича олиб борилади.

6940-"Қисқа муддатли қарзлар" счётида сўмда ва бошқа чет эл валютасида олинган қарзлар ва бошқа жалб этилган маблағлар бўйича республика ҳудудида ва чет элда жойлашган қарз берувчи билан бўлаётган (12 ой муддатига олинган қарзлар бўйича) ҳисоблашишларнинг ҳолати ҳақидаги ахборотлар ҳисобга олинади.

Қарз берувчилардан (банкдан ташқари) тушган маблағлар пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебети ва 6940-"Қисқа муддатли қарзлар" счётининг кредити бўйича қайд қилиб борилади.

Олинган қарзларни қайтариш ҳақидаги ёзувлар 6940-"Қисқа муддатли қарзлар" счётининг дебетида ва пул маблағлари ва васиқаларни ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида ҳисобга олиб борилади.

6990-"Бошқа кредит ва қарзлар" счётида юқорида кўрсатилмаган бошқа қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар билан боғлиқ бўлган муомалалар ҳақидаги ахборотлар ҳисобга олинади ва умумлаштирилади.

6900-Банкнинг қисқа муддатли кредитлари ва бошқа қарзларни ҳисобга олувчи счётларининг чизмаси

6910-"Банкнинг қисқа муддатли кредитлари";

6920-"Банкдан ташқари тўлашга қабул қилинган облигациялар";

6930-"Банкдан ташқари тўлашга қабул қилинган васиқалар";

6940-"Қисқа муддатли қарзлар";

6990-"Бошқа кредитлар ва қарзлар" счётлари.

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
		С-N	
5000, 5100, 5200, 5500-	Банкка олинган қисқа муддатли кредитларни тўлаш	Кредит ҳисобига ТМЗ, ускуна олиш ва капитал қўйилмаларни амалга ошириш.	-0700, 0800, 1000, 1100, 1200, 2900
5000, 5100, 5200, 5500-	Бошқа шахсларга бўлган қисқа муддатли қарзларни тўлаш	Қарз ҳисобига ТМЗ, ускуна олиш ва капитал қўйилмаларни амалга ошириш.	-0700, 0800, 1000, 1100, 1200, 2900
6110-	Бўлинмалардан олинган қисқа муддатли қарзларнинг тўланиши	Банкдан қисқа муддатли кредит олиш.	-5000, 5100, 5200, 5500
9540-	Узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар бўйича хориж валютасининг ижобий фарқини акс эттириш	Қисқа муддатли қарз олиш.	-5000, 5100, 5200, 5500
		Берилган васиқалар бўйича қарзларни акс эттириш.	-5110
		Кредит ҳисобига банкдан васиқа олиш.	-5610
		Қисқа муддатли қарзлар олиб мол етказиб берувчиларга қарзни тўлаш.	-6010
		Қисқа муддатли кредитлар олиб мол етказиб берувчиларга қарзларни тўлаш.	-6010, 6020
		Олинган қисқа муддатли кредитлар ҳисобига узоқ муддатли кредитларни тўлаш.	-7510
		Олинган қисқа муддатли кредитлар ҳисобидан узоқ муддатли қарзларни тўлаш.	-7610, 7690
		Кредит ва қарз фоизларининг қарзлар суммасига киритилиши.	-9610
		Узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар бўйича хориж валютасининг салбий фарқларини акс эттириш.	-9620

В.2. Узоқ муддатли мажбуриятларнинг ҳисобини юритиш

"Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилишнинг концептуал асоси" номли О-бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (О-БХМС) илгари содир бўлган муомалалар ёки воқеаларнинг натижасида субъектнинг юзага келган мажбуриятларини аниқлайди. Ушбу мажбуриятлар асосан узоқ муддатли активларни барпо қилиш - қуриш ва сотиб олиш муомалаларининг натижасидир.

Уларни тугатиш (тўлаш), активларни кўчириш ёки улардан фойдаланишга, ишларни бажаришга, хизмат кўрсатишга ёки келажакда иқтисодий нафнинг чиқиб кетишига олиб келиши мумкин. Ушбу мажбуриятлар субъектнинг ҳар хил келишувлари натижасида юзага келади ва олинган товар-моддий заҳиралари, кўрсатилган хизмат ва бажарилган ишларни қабул қилиб олиш юзасидан келгуси тўловлар учун юридик асос бўлиб хизмат қилади ва субъектнинг бошқа юридик ва жисмоний шахсларга бўлган қарз мажбуриятларини тасдиқлайди.

Узоқ муддатли мажбуриятлар дебиторнинг (қарз берувчининг) ҳақиқий баланс санасидан ёки унинг фаолияти қисмидан бир йилдан ошиқ муддатда тўланиши мумкин бўлган қарзлардир.

Амалдаги қонунга мувофиқ чет эл валютасида вужудга келган мажбуриятлар, ушбу бўлимда сўмда ҳисобга олинади (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг белгилаган курси бўйича чет эл валютасини ҳар ойда қайта баҳолаш йўли билан аниқланади), ушбу мажбуриятлар бўйича ҳисоблашиш ва тўловлар валютада акс эттирилади. Чет эл валютаси билан амалга оширилган муомалалар бўйича хориж валютаси, курсининг сўмга нисбатан фарқлари 9640-"Курснинг ижобий фарқларидан олинган даромадлар" ва 9620-"Курснинг салбий фарқларидан кўрилган зарарлар" счётларида ҳисобга олиб борилади.

Бу бўлимда қуйидаги ҳисоб счётларида тўлов ва мажбуриятларнинг ҳисобини юритиш тартиби бўйича ахборотлар йиғилади:

7000-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли қарзлар"ни ҳисобга олувчи счёт;

7100-"Бўлимларга бўлган узоқ муддатли мажбуриятлар"ни ҳисобга олувчи счёт;

7200-"Муддати узайтирилган узоқ муддатли мажбуриятлар"ни ҳисобга олувчи счёт;

7300-"Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар"ни ҳисобга олувчи счёт;

7400-"Бошқа шахсларга бўлган узоқ муддатли қарзлар"ни ҳисобга олувчи счёт;

7500-"Узоқ муддатли банк кредитлари"ни ҳисобга олувчи счёт;

7600-"Узоқ муддатли қарзлар"ни ҳисобга олувчи счёт;

7700-"Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар"ни ҳисобга олувчи счёт.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг фаолияти жараёнида асосан узоқ муддатли активларни қуриш, сотиб олиш билан боғлиқ бўлган муомалаларни мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан амалга оширадилар. Ушбу муомалалар натижасида, агарда ҳисоблашиш шаклида амалга оширилса олган мулкларнинг қиймати кейинчалик, 1 йил ичида ёки ундан кўп вақтда тўланади. Шартномада келишилган тўловлар бўйича пудратчи ва мол етказиб берувчилар олдидаги узоқ муддатли мажбуриятлар ҳақидаги қуйидаги маълумотларни умумлаштириш лозим:

– субъектга олинган, лекин уларнинг қиймати тўланмаган моддий қийматликлар, бажарилган ишлар, хизматлар, ускуналар ва ҳоказолар бўйича ҳисоблашишлар;

– ҳисоблашишлари режали тўловлар тартибида олиб бориладиган моддий бойликлар, ишлар, хизматлар учун;

– моддий бойликларни қабул қилишда аниқланган ортиқча суммалар юзасидан ҳисоблашишлар.

Ушбу юқорида келитирлган муомалаларни қайд қилиш ва уларнинг устидан назорат ўрнатиш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

7010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар"

7020-"Берилган васиқалар"

7010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" счётида субъект томонидан олинган ТМҚ, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа активлар учун субъектнинг мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг олдидаги узоқ муддатли қарзини акс эттиради.

7010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" счёти ҳақиқий олинган ТМҚ, қабул

қилинган ишлар ва фойдаланилган хизматларнинг қиймати суммасига кредитланади ва ушбу бойликларни ёки тегишли харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебет томонига қайд қилинади.

7010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир тақдим этилган счёт ва мажбуриятлар (режали тўловлар тартибида — ҳар бир мол етказиб берувчилар ва пудратчилар) бўйича юритилади.

7020-"Берилган васиқалар" счётида ТМЗни, бошқа активларни сотиб олиш, бажарилган ва кўрсатилган хизматлар учун хўжалик юритувчи субъектнинг берган васиқаларининг ҳаракати акс эттирилади.

Васиқалар фоизли ва фоизсиз бўлиши мумкин. Фоизли васиқалар васиқанинг асосий суммасини аниқ кўрсатади- номинал қийматини ва ўрнатилган фоизнинг даражасини. Фоизсиз васиқалар хам аслида фоизнинг тўланишини назарда тутади, чунки бу васиқаларнинг номинал қиймати ўзининг ичига қарзнинг суммасини ҳамда ушбу қарз бўйича фоизларнинг суммасини олади. Бу эса тўланиш муддатига бўлган тўлов учун ягона суммани ташкил қилади. 7020-"Берилган васиқалар" счётининг кредити бўйича узоқ муддатли қарзлар ҳисобга олинади. Васиқалар бўйича қарзларнинг тўланишининг даварига қараб, тўланган суммалар пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитидан 6020-"Берилган васиқалар" ва 6820-"ҳисобланган фоизлар" счётининг дебетига ўтказилади. (аввало 7020 счётининг дебетидан 6020 счётининг кредитига ўтказилиб кейин тўланади). Чунки умумий тўловнинг суммаси васиқа бўйича асосий қарзнинг суммасини ва ушбу васиқа бўйича фоизларнинг суммасини ҳам ўзининг ичига олади.

7020-"Берилган васиқалар" счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир берилган васиқа бўйича юритилади. Тўлов муддати узайтирилган васиқалар алоҳида ҳисобга олинади.

7000-Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси

7010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар";

7020-"Берилган васиқалар".

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
		С-N	
4010-	Харидорларнинг қарз суммасини индоссация қилиш	Ўрнатиш учун олинган машина ва ускуналарнинг қиймати.	-0700
4310-	Илгари берилган бўнакларнинг ҳисобга олиниши	Капитал қурилиш учун пудратчиларнинг бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари.	-0810, 0830
5110, 5200, 5500-	Қарзларнинг банкдаги ҳисоблашиш счётларидан тўланиши (7000-6000)	Мол етказиб берувчилардан олинган ТМЗ қиймати.	-1010, 1090, 2900
6910, 6940, 7510-	Қарзларнинг банкнинг кредитлари ва бошқа қарзлар ҳисобидан тўланиши	Ўстириш ва боқиш учун олинган ҳайвонларнинг қиймати.	-1110
7020-	Қарз суммасининг васиқа билан алмаштирилиши	Тегишли тармоқларга, яроқсиз маҳсулотларни тузатиш, тайёр маҳсулотларни сотиш, маъмуриятга кўрсатилган хизматларнинг қиймати.	-2010, 2300, 2510, 2610, 9410, 9420, 9450
9010, 9030, 9220-	Қарз ҳисобига ТМЗ берилиши	Капитал бўлмаган ишларни бажариш бўйича қарз.	-2700
9390-	Тўлов муддати ўтган қарзларни ҳисобдан чиқариш	Келгуси давр харажатларига киритилган ишлар ва хизматларнинг қиймати.	-3100
		Олинган активлар бўйича ҳисобланган ва мол етказиб берувчиларга тўланган ҚҚС.	-4510
		ТМЗ меъёрдан ортиқча камомадига.	-4210
		Келтирилган ТМЗ табиий камайиш меъёридаги суммаси.	-4630, 9430
		Табиий офатларнинг олдини олиш ва натижаларини тугатиш билан боғлиқ сарфларнинг суммасига.	-9720

Ҳозирги даврда йирик компания ва фирмалар харидорларни жалб қилиш ва бозорларга кириш мақсадида тегишли қулай муҳитга эга бўлган ҳудудларда ўзларининг бўлимлари, филиаллари ва ваколатхоналарини очмоқдалар. Ушбу бўлинмалар мустақил балансга ажратилиб юридик кучга эга бўлади.

Хўжалик юритиш фаолиятида бош субъект билан ушбу мустақил балансга ажратилган (МБА) бўлимлар ўртасида ҳисоблашишлар, яъни қарз мажбуриятлари юзага келади. чунки улар бош субъект билан жорий активлар, пул маблағлари ва узоқ муддатли активларни бир биридан олиш ва бериш билан боғлиқ муомалаларни амалга оширадилар. Натижада ушбу ўзаро ҳисоблашишни қайд қилиш ва унинг устидан назорат ўрнатиш зарурияти туғилади.

Айрим балансга ажратилган бўлимлар, филиаллар ва ваколатхоналар олдидаги бош субъектнинг узоқ муддатли қарзлар (баланс ичидаги ҳисоблашишлар)ининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар 7110-"Айрим балансга ажратилган бўлинмаларнинг олдидаги узоқ муддатли қарзлар" счётида умумлаштирилиб борилади.

Ушбу счётда қуйидаги маблағлар ва муомалалар бўйича вужудга келган бош субъектнинг булинмалари олдидаги узоқ муддатли қарзлари ҳисобга олинади:

– ажратилган мулклар юзасидан қарзлар;

– моддий қийматликларнинг ўзаро берилиши юзасидан қарзлар;

– умумбошқарув фаолияти бўйича содир бўлган сарфларни ўтказиш бўйича қарзлар;

– бўлинмалар томонидан бош субъектнинг ходимларига меҳнат ҳақи бериш юзасидан қарзлари ва шунга ўхшашлар.

Ушбу 7110-"Айрим балансга ажратилган бўлинмаларнинг олдидаги узоқ муддатли қарзлар" счётининг кредит томонида бўлинмалар билан ҳар хил муомалалрнинг содир бўлиши натижасида вужудга келган мажбуриятларнинг суммалари тегишли моддий қийматликлар, харажатлар, пул маблағлари ва мулк счётлари (қарзларнинг турлари бўйича) билан корреспонденцияланган ҳолда ҳисобга олиб борилади.

7110-"Айрим балансга ажратилган бўлинмаларнинг олдидаги узоқ муддатли қарзлар" счёти бўйича аналитик ҳисоби ҳар бир қарзнинг турлари, муомалалар ва бўлинмалар бўйича айрим олинган ҳолда юритилади.

7110-"Бўлинмалар олдидаги узоқ муддатли қарзлар"ни ҳисобга олувчи счётнинг чизмаси

Счётларнинг кредитидаи Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
		С-N	
6110-	Узоқ муддатли қарзларнинг таркибига ўзгартириш киритиш, яъни жорий даврда тўланадиган қисмини акс эттириш	Бўлинмалардан турли моддий бойликларнинг олиниши ва капитал қўйилма хизматларининг бажарилиши	-0100, 0400, 0700, 0800, 1000, 1100, 1200, 2900
		Ушбу муомалаларнинг акс эттирилиши, фақат ТМЗ олганда (ҳисоб сиёсатига асосан)	-1510
		Олинган ТМЗ қийматидаги фарқлар суммаси	-1610
		Бўлинмалар томонидан сарфланган харажатларнинг акс эттирилиши	-2000, 2300, 2510, 9410, 9440, 9450
		Бўлинмалардан олинган ярим тайёр маҳсулотларнинг қиймати	-2110
		Бўлинмаларда амалга оширилган сарфларнинг келгуси давр харажатларига олиб борилиши	-3100
		Бўлинмалардан қарзга пул маблағлари ва йўлланмаларнинг олиниши	-5000, 5100, 5200, 5500, 5600, 5900
		Сотиб олинган маҳсулотлар ва активларнинг таннархини акс эттириш	-9100, 9210, 9220
		Бўлинмаларнинг даромади ҳисобига тегишли бўлган зарарлар суммасини акс эттириш	-9430, 9720
		Бўлинмаларга бўлган қарзларни тўлаш санасида валюта курслари ўртасидаги фарқ (-) нинг акс эттирилиши	-9630

Субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти айрим ҳолларда томонларнинг манфаати кўзланган ҳолда узоқ муддатли мажбуриятларнинг тўланиш муддатлари яна ҳам чўзилади (реструктуризация). Натижада субъектнинг молиявий аҳволи, тўлов қобилиятини чуқурроқ ўрганиш мақсадида ушбу мажбуриятларнинг ҳисобини айрим юритиш ва уларни назорат қилиш чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилишнинг заруриятини келтириб чиқаради.

Субъектнинг хўжалик-молия фаолияти билан боғлиқ бўлган, узоқ муддатли асосда узайтирилган узоқ муддатли мажбуриятлари ҳақидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

7210-"Вақтинча фарқлар бўйича узайтирилган даромад (фойда) солиғи юзасидан мажбуриятлар";

7220-"Солиқлар ва мажбурий тўловлар юзасидан муддати узайтирилган мажбуриятлар";

7230-"Облигация юзасидан муддати узайтирилган дисконтлар (чегиртмалар)";

7240-"Облагциялар юзасидан муддати узайтирилган мукофотлар (қўшимча)";

7290-"Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар";

7210-"Вақтинча фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи юзасидан мажбуриятлар" счётида вақт бўйича мавжуд бўлган фарқларни айириш натижасида юзага келадиган, даромадга (фойда) қўйиладиган муддати узайтирилган солиқ суммаси акс эттирилади.

Вақтдаги фарқ — жорий даврда солиққа тортиладиган ва ҳисобга олинадиган даромад (фойда) ўртасидаги фарқдир. Ҳисобот даврида даромад ва сарфларнинг баъзи моддалари солиққа тортиладиган даромадга киритилади ва улар ҳисобот даврида ҳисобга олинадиган даромадга киритилганда тўғри келмайди. Даромад солиғи бўйича чиқим даромад суммасининг ҳисобидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Тўлов учун даромад солиғи эса солиққа тортиладиган даромаддан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Натижада солиққа тортиладиган ва ҳисобга олинадиган даромадлар ўртасида фарқ суммаси келиб чиқади.

Ҳисобланган даромадга қўйиладиган солиқни аниқлашда ва солиққа тортиладиган даромадни аниқлашда қўлланилган усуллар молиявий ҳисоботда акс эттирилиши керак. Бухгалтерияда қўлланиладиган усулга мувофиқ даромад солиғи бўйича чиқим субъектнинг даромад олишдан кўрган чиқимлари каби

кўрилади ва юзага келган дармад ва чиқимларига ёзилиб, субъектнинг молия-хўжалик фаолиятининг натижалари ҳақидаги ҳисоботда акс эттирилади.

Келажак даврларда тўланиши керак бўлган ва солиққа тортиладиган вақт фарқлари мавжудлиги натижасида юзага келадиган даромад солиғининг суммаси 7210-"Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи юзасидан мажбуриятлар" счётида акс эттирилади ва баланс ҳисоботида мажбурият сифатида туркумлаштирилади.

Ҳар йили муддати узайтирилган мажбуриятларнинг тегишли қисми даромад солиғини ҳисобга олишнинг тегишли счётига кўчирилади ва муддати узайтирилган мажбуриятнинг жорий қисми каби акс эттирилади.

7220-"Солиқлар ва мажбурий тўловлар юзасидан муддати узайтирилган мажбуриятлар" счётида солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича субъектнинг бюджет олдидаги узоқ муддатли қарзи акс эттирилади. Қонунга мувофиқ уларнинг тўловини бир неча йилларга узайтиришга рухсат берилади.

Жорий даврда тўланадиган тўловларнинг суммаси субъектнинг муддати узайтирилган мажбуриятлари ҳисобланади ва улар келажакда тугатилади.

7220-"Солиқлар ва мажбурий тўловлар юзасидан муддати узайтирилган мажбуриятлар" счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир муддати узайтирилган солиқ ва тўлов бўйича ҳамда тугатилиш муддати бўйича юритилади.

7230-"Облигациялар юзасидан муддати узайтирилган дисконтлар (чегирмалар)" ва 7240-"Облигациялар юзасидан муддати узайтирилган мукофотлар (қўшимчалар)" счётларида субъекнинг облигациялар бўйича ҳисобланадиган қўшимчалар ва чегирмалар юзасидан вужудга келган суммаларнинг узоқ муддатли қисми акс эттирилди.

Қўшимчалар ва чегирмалар облигацияларнинг чиққанига қараб бутун давр мобайнида йиллар ўртасида даромад ёки чиқим сифатида тақсимланади. Облигациялар мукофотлар билан ёки чегирмалар билан сотилганда фоизларни тўлаш учун сарфланган суммалар бухгалтерия ёзувларида тегишли счётларда акс эттирилади ва улар ҳақиқий тўланадиган фоизлардан фарқ қилади.

Чегирма ошганда, мукофотлар ушбу ҳужжатларнинг суммасига камайтирилади. Облигациялар чегирма билан сотилса,

7230-"Муддати узайтирилган дисконтлар (чегиртмалар)" счёти 5110-"Ҳисоблашишлар счёти" билан бир вақтда олинган суммага қараб дебетланади ва 6920-"Банкдан ташқари тўлашга қабул қилинган облигациялар" ёки 7610-"Тўланадиган облигациялар" счётлари кредитларининг корреспонденциясида акс эттирилади.

Жорий фоизларни облигациялар бўйича тўлашда ушбу сумма 9610-"Фоизлар шаклидаги харажатлар" счётининг дебетида қайд қилинади. Бу счёт тўланадиган фоизлар ва тугатилган чегиртмалар суммасини ўз ичига олади, ҳамда тўланиш суммасига 7230-"Муддати узайтирилган дисконтлар чегиртмалар)" счёти ва 5110-"Ҳисоблашиш счёти" кредитланади.

Облигациялар мукофот билан сотилганда 7240-"Облагациялар юзасидан муддати узайтирилган мукфотлар" счёти 6920 ёки 7610-счётларининг кредити корреспонденциясида олинган мукофотлар суммасида 5110-"Ҳисоблашиш счёти" счётининг дебетида акс эттирилади. Мукофот облигация қарзнинг тўланиш муддати ичида 9530-"Фоиз кўринишидаги даромадлар" счётига фоиздан олинган даромадлар сифатида қайд қилинади.

7230, 7240 счётлари бўйича аналитик ҳисоб облигацияларнинг ҳар бир тури ва тугатилиш муддатлари бўйича юритилади.

7290-"Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар" счёти молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган субъектнинг олдинги счётларда кўрсатилганлардан ташқари бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлари ҳақидаги ахборотни акс эттириш учун мўлжалланган.

7200-Муддати узайтирилган узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси

7210-"Вақтинча фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи юзасидан мажбуриятлар";

7220-"Солиқлар ва мажбурий тўловлар юзасидан муддати узайтирилган мажбуриятлар";

7230-"Облигациялар юзасидан муддати узайтирилган чегиртма (дисконт)лар";

7240-"Облигациялар юзасидан муддати узайтирилган мукофотлар (қўшимча)";

7290-"Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар".

Счётларнинг кредитига Дебет		Счётларнинг дебетидан Кредит	
		С-N	
6240-	Муддати узайтирилган облигация мукофотини жорий қисмга ўтказиш	Облигацияларни мукофотлар билан (номинал қийматдан юқори) сотиш	-5000, 5110, 5200, 5500
6220-	Ҳукуматнинг қарори билан солиқлар бўйича қарзнинг жорий қисмига ўтказилиши	Облигация чегирмаларини жорий қисмга кўчириш	-6230
6410-	Даромад солиғи бўйича вақтинчалик фарқнинг жорий қарзга ўтказилиши	Мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли қарзнинг ҳисобланиши	-9439
7610-	Облигацияларни чегирма билан (номинал қийматидан арзон) сотиш	Солиқ бўйича бюджетга узоқ муддатли қарзнинг ҳисобланиши	-9810
		Муддати узайтирилган солиқ мажбуриятининг фарқ суммаси	-9810

Кўпчилик ҳолларда айрим буюртмаларни бажариш учун, айниқса йирик хажмдаги маҳсулот (самолет, кема ва ҳоказо) ишлаб чиқарилса ёки объектлар- иморат, иншоотлар қурилса пудратчи субъектлар ёки ишлаб чиқарувчилар харидор ва буюртмачилардан ушбу маҳсулотни тайёрлаш ва етказиб бериш ёки иморат ва иншоотларни қуриб топшириш учун олдиндан бўнак оладилар. Ушбу бўнакни олиш тартиби ва унинг хажми шартномаларда аниқ кўрсатилади. Натижада ушбу бўнаклар бўйича мажбуриятлар пайдо бўлади. Субъектнинг молиявий ахволини баҳолаш ва назорат ўрнатиш учун ушбу бўнакларнинг ҳисобини юритиш ва зарур ахборотларни тўплаш лозим.

Буюртмачилар учун қисман тайёргарлик бўйича ТМБни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш учун олинган бўнаклар юзасидан узоқ муддатли қарзлар ҳақидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги 7310-"Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар" счётида амалга оширилади.

7310-"Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар" счётида маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш учун харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнак суммалари акс эттирилади.

Олинган бўнак суммалари ҳамда маҳсулот ва ишларнинг қисман тайёрлиги бўйича олинган тўловлар 7310-"Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар" счётининг кредити бўйича ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебети бўйича акс эттирилади.

Ишлар ва хизматларнинг тугатилишига ва буюртмачига топширилишига ҳамда харидорларга маҳсулотларни ортиб жўнатишга қараб олдиндан олинган бўнак суммалари бўйича харидор ва буюртмачиларга бўлган қарз камаяди ва ушбу суммалар 7310-"Харидор ва буюрмачилардан олинган бўнаклар" счётининг дебетидан ва 6310-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнакларнинг жорий қисми" счётининг кредитида акс эттирилади. Шу билан бир вақтда олинган узоқ муддатли бўнак суммалари жорий қисмга кўчирилади ва кейинчалик уларни сотиш жараёнига 9010, 9030, 9210, 9220 счётларнинг кредитларига ўтказилади ва 6310-"Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар" счётининг дебетида акс эттирилади.

7310-"Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар" счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир олинган бўнакнинг тури ва бўнак берувчи шахс бўйича олиб борилади.

7310-Харидорлардан ва буюртмачилардан олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётнинг чизмаси

Счётларнинг кредитидан Дебет		**Счётларнинг дебетига Кредит**	
		С-N	
5000, 5100, 5200, 5500, 5600-	Олдиндан олинган бўнакларнинг- мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра қайтарилиши	Асбоб ускуналар, машиналарни, ТМЗ етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш учун харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	-5000, 5100, 5200, 5500
4010 (6310, 9000, 9210, 9220)	Маҳсулотларни сотиш, буюртмаларни бажариш ва хизмат кўрсатиш натижасида олинган бўнакларнинг ҳисобдан чиқарилиши		
6900, 7510, 7610, 7620-	Олинган бўнакнинг банкнинг кредити ҳисобидан ёки қарз ҳисобидан қайтарилиши		
9390-	Олинган бўнакнинг даъво муддати Утгандан кейин ҳисобдан чиқарилиши		

Ҳар хил турдаги нотижорат муомалаларнинг натижасида турли жисмоний ва юридик шахслар олдида субъектнинг узоқ муддатли мажбуриятлари, яъни бошқа шахсларга бўлган узоқ

муддатли қарзлари пайдо бўлади. Ушбу қарзлар қуйидаги муомалаларнинг натижасида пайдо бўлади:

– ўқув юртлари, илмий муассасалар ва шунга ўхшашлар;

– транспорт ташкилотлари (темир йўл, ҳаво, сув йўллари)нинг кўрсатган хизматларини чек билан тўлаш;

– суд идораларининг ижро варақалари ва қарорларига асосан ҳар хил ташкилотларнинг фойдасига субъект ходимларининг меҳнат ҳақидан ушланган суммалар ва бошқалар киради.

Ушбу қарзлар юзасидан мажбуриятларни ҳисобга олиш 7410-"Бошқа шахсларга бўлган узоқ муддатли қарзлар" сётида амалга оширилади.

7410-"Бошқа шахсларга бўлган узоқ муддатли қарзлар" счётининг кредитида ТМҚни ва тегишли харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебети бўйича корреспонденцияда вужудга келган узоқ муддатли қарзлар акс эттирилади.

7410-"Бошқа шахсларга бўлган узоқ муддатли қарзлар" счёти бўйича аналитик ҳисоби қарзларнинг ҳар бир тури ва тегишли шахслар бўйича айрим олинган ҳолда юритилади.

Ҳозирги даврда хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг фаолияти давомида асосан узоқ муддатли активларни олиш, қуриш ва яратиш учун кўп ҳолларда банкнинг узоқ муддатли кредитларидан фойдаланадилар. Кредитларни олиш йўналишлари ва тегишли ҳужжатларни банкка топшириш, ушбу кредитларни тўлаш, фоизларини ҳисоблаш қисқа муддатли банк кредитларини олиш тартибига ўхшайди. Ушбу узоқ муддатли кредитларнинг ҳаракати ва ҳолатини қайд қилиш ва назоратини ўрнатиш заруриятини келтириб чиқаради.

7410-"Бошқа шахсларга бўлган узоқ муддатли қарзлар"ни ҳисобга олувчи счётнинг чизмаси

Счётларнинг кредитидан Дебет		**Счётларнинг дебетига Кредит**	
		C-N	
5000, 5100, 5200, 5500, 5600-	Ушбу қарзларнинг тўланиши (6800 счёт орқали)	Ҳар хил ташкилотлардан номоддий активлар, асбоб-ускуналар, ТМЗ сотиб олиш, капитал қурилишига хизмат кўрсатиш хизматларини чек билан тўлаш	-0400, 0700, 0800, 1000, 1100, 1210, 2900
6910, 6940-	Ушбу қарзларнинг кредитлар ва қарзлар ҳисобидан тўланиши	ТМЗ ҳисобга олганда қисоб сиёсати билан ушбу счёт қўлланилса	-1510
		Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқаришга хизматлар кўрсатиш.	-2010, 2300.

Счётларнинг кредитидан Дебет	Счётларнинг дебетига Кредит
умумишлаб чиқариш, умумхўжаликка, яроқсиз маҳсулотларни тузатишга хизмат кўрсатиш сарфлари	2510, 2610, 9400
Нокапитал ишларни бажаришга кўрсатган хизматлар	-2700
Келгуси давр сарфларига тегишли бўлган ишларни бажариш	-3100
Қимматбаҳо қоғозларнинг (жорий инвестиция) сотиб олиниши	-5810
Коммунал хизмат ҳақининг ходимларнинг маҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши	-6710
Мақсадли маблағлар ҳисобидан сарфларнинг акс эттирилиши	-7710
Заҳиралар ҳисобидан амалга оширилган сарфларнинг акс эттирилиши	-8910
Мулкларни ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ сарфлар	-9210, 9220
Сотиб олинган акцияларнинг сақланганлиги учун депозитарияларга ёзилган қарзлар	-9690

Сўм ва чет эл валютасида республика ҳудудида ва унинг ташқарисида жойлашган банклардан субъектнинг олган турли ўрта муддатли ва узоқ муддатли (12 ойдан ошиқ) кредитларининг ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги ахборотларни умумлаштириш 7510-"Узоқ муддатли банк кредитлари" счётида амалга оширилади.

Кредитлаш, кредиларни расмийлаштириш ва уларни тўлаш тегишли қонун ва кредит шартномалари асосида тартибга солинади.

Ўрта муддатли ва узоқ муддатли (12 ойдан ошиқ муддатга олинган) банк кредитларининг суммалари 7510-"Узоқ муддатли банк кредитлари" счётининг кредитида ва пул маблағларини ҳисобга олувчи тегишли счётларнинг 5110-"Ҳисоблашиш счёти", 5200-"Валюта счётлари", 5500-"Банкда махсус счётлари"нинг дебети томонида қайд қилинади.

Узоқ муддатли банк кредитларининг суммаси тўланганда ушбу сумма 7510-"Узоқ муддатли банк кредитлари" счётининг дебетига (6910-"Банкнинг қисқа муддатли кредитлари" счёти орқали) ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар, 5110-"Ҳисоблашиш счёти", 5200-"Валюта счёти", 5500-"Банкнинг махсус счётла-

ри"нинг кредитига ёзилади. Муддатида тўланмаган узоқ муддатли банк кредитлари алоҳида ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли банк кредитларининг аналитик ҳисоби кредитнинг турлари, муддатлари ва кредитни берган банклар бўйича алоҳида юритилади.

7510-Узоқ муддатли банк кредитлари счётининг чизмаси

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
		С-N	
5110, 5200-	Узоқ муддатли кредитнинг тўланиши (6910-счёт орқали)	Кредит ҳисобига қурилишни амалга ошириш	-0810
6910-	Қисқа муддатли кредит ҳисобидан тўланиши	Кредит ҳисобига асосий воситаларни сотиб олиш	-0820
6940-	Қисқа муддатли қарз ҳисобидан тўланиши	Узоқ муддатли банк васиқасини олиш	-0910
9210-	Кредитнинг асосий восита билан қопланиши	Узоқ муддатли банк кредитини пул маблағи сифатида олиш	- 5110, 5200, 5500
9540-	Курс фарқларидаги ижобий сумма	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қарзни тўлаш	-6010
		Кредит бўйича ҳисобланган фоизнинг қўшилиши	-9610
		Кредитлар бўйича салбий курс фарқлари	-9620

Айрим ҳолларда субъектлар кредитнинг шартларидан келиб чиқаб, агарда шартлари қониқтирмаса бошқа юридик ва жисмоний шахслардан узоқ муддатли қарз оладилар. Ушбу қарзлар асосан облигация, васиқалар, лизинглар кўринишига эга бўлади. Ушбу муомалаларни амалга оширишда асосий ҳужжат тузилган шартнома ёки унга тенглаштирилган юридик кучга эга бўлган бошқа бир ҳужжатдир. Натижада ушбу муомалаларнинг натижасида пайдо бўладиган мажбуриятларни алоҳида гуруҳлаштирилган ҳолда ҳисобини юритиш лозим.

Республикадаги ва хориждаги қарз берувчилар билан (банклардан ташқари) ҳисоблашишлар, улардан 12 ойдан ортиқ муддатга олинган кредитлар, сўмда ёки хорижий валютада бошқа жалб қилинган маблағларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

7610-"Тўланадиган облигациялар";
7620-"Тўланадиган васиқалар";
7630-"Тўланадиган молиялаштириладиган лизинглар";
7690-"Бошқа тўланадиган узоқ муддатли қарзлар".

Қарз берувчилардан (банклардан ташқари) келиб тушган маблағлар пул маблағлари ёки ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида ва узоқ муддатли қарзларнинг ҳисоби счётларнинг (7600) кредитида акс эттирилади.

Тўланган қарзлар суммаларига узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счётлар қисқа муддатли қарзлар счёти орқали (дебет 7600 ва кредит 6940) пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан корреспонденцияланиб дебетланади. Ўз вақтида тўланманган қарзлар алоҳида ҳисобга олинади.

7610-"Тўланадиган облигациялар" счётида қарз берувчиларга облигациялар бериш ҳисобига, субъектга жалб қилинган 12 ойдан ортиқ муддатда тўланадиган маблағлар ҳисобга олинади. Хар йиллик ажратмаларнинг суммаси чиқарилган облигацияларнинг муддатидан ва кўрсатилган фарқларнинг миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

7620-"Тўланадиган васиқалар" счётида қарз берувчиларга берилган 12 ойдан ортиқ муддатда қайтариладиган васиқалар ҳисобга олинади.

Васиқалар бўйича муомалалар васиқа берувчи субъектда 7620-"Тўланадиган васиқалар" счётининг кредитида (васиқанинг номинал қийматида) ва 5110-"ҳисоблашиш счёти" ёки 5210-"Валюта счёти"да (ҳақиқий олинган пул маблағлари суммасида) ва бошқа активларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида акс эттирилади.

Васиқалар бўйича ҳисоблашиш муомалалари тўланганлик ҳақидаги банк хабарномасига асосан, 7620-"Тўланадиган васиқалар" счётининг дебети 6020-"Берилган васиқалар" счёти орқали ва тўлов счётларининг кредитида акс эттириш йўли билан ёпилади.

Васиқа берувчи субъект қарз берувчилардан олинган, натижада васиқа ҳисоби бўлган пул маблағларини қайтарганда, васиқа берувчи ва бошқа тўловчилар васиқалар юзасидан ўз мажбуриятларини белгиланган муддатда бажармаганликлари учун тўловлар бўйича ёзув 7620-"Тўланадиган васиқалар" счётининг дебети бўйича пул маблағларни ҳисобга олувчи счётлар билан корреспонденцияланган ҳолда амалга оширилади.

Бу ҳолда харидорлар, буюртмачилар ва бошқа дебиторлар билан тўлов муддати ўтган васиқалар юзасидан ҳисоблашишлар

бўйича қарзларни мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган тўловнинг ҳисоби счётларига мувофиқ ҳисобга олиш давом эттрилади.

Қарз берувчиларнинг олдидаги қарздорлик, яъни субъектга берилган васиқалар 7620-"Тўланадиган васиқалар" счётидан ҳисобдан чиқарилмасдан, алоҳида аналитик счётларда ҳисобга олинади.

Дисконтланган васиқаларнинг аналитик ҳисоби банкларда юритилиб, васиқа берувчилар ва алоҳида васиқалар, бошқа қарздорлик мажбуриятлари ёки васиқаларнинг ҳисоби алоҳида олиб борилади.

7630-"Тўланадиган молиялаштириладиган лизинг" счётида узоқ муддатли молиявий лизинг шароитида уларга берилган, узоқ муддатли активлар учун ижарага берувчилар билан ҳисоблашишлар амалга оширилади.

Молиялаштириладиган лизинг сифатида субъектга фойдаланиш учун олинган узоқ муддатли активлар учун ижарага берувчилар олдидаги қарздорлик 7630-"Тўланадиган молиялаштириладиган лизинг" счётининг кредитида ҳисобга олиниб, 0310-"Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар" счётининг дебети билан корреспонденцияланади.

7690-"Бошқа узоқ муддатли қарзлар" счётида қарзга берувчилар ва қарзга олувчилар ўртасидаги шартномалар асосида олинган бошқа узоқ муддатли қарзлар ҳисобга олинади.

Бошқа узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счёт бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир қарз ва уларнинг тўлов муддати бўйича айрим олган ҳолда юритилади.

7600-Узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси

7610-"Тўланадиган облигациялар";
7620-"Тўланадиган васиқалар";
7630-"Тўланадиган молиялаштириладиган лизинг";
7690-"Бошқа узоқ муддатли қарзлар".

Счётларнинг кредитидан Дебет		**Счётларнинг дебетига Кредит**
	С-N	
5000, 5100, 5200-	Олинган узоқ муддатли қарзларнинг қопланиши (6940-счёт орқали)	Қарз берувчилардан асосий воситалар, НМА ва ТМЗ олиниши	-0100, 0400, 0700, 0800, 1000, 1100, 1200, 2900
6810-	Молиялаштириладиган лизинг тўловининг жорий қисми	Ижарага берувчиларга молиялаштириладиган лизинг бўйича қарзнинг акс этти-	-0310

		рилиши	
9540-	Олинган қарзлар бўйича сўм курсининг ижобий фарқи	Қарз берувчилардан васиқанинг олиниши	-4020
		Қарз берувчилардан пул маблағларининг олиниши	-5000, 5110, 5200
		Берилган облигациялар ҳисобига узоқ муддатли қарзларнинг олиниши	-5110, 5200
		Қарз ва лизинг фоизининг қайд қилиниши	-9610
		Олинган қарзлар бўйича сўм кўрсининг салбий фарқи	-9620

VII БОБ. МЕҲНАТ ВА УНГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЮРИТИШ

Ҳозирги даврда, яъни Ватанимизда бозор иқтисодиёти тизимига ўтиш жараёнида иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш йўналишига тегишли муҳим ўзгаришлар киритилмоқда. Бунинг натижасида меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимларни иқтисодий қўллаб қувватлаш ва ҳимоя қилиш тартиби ва йўналишлари бўйича тузилган сиёсат ҳам ўзгармоқда.

Ушбу сиёсатни жорий қилиш натижасида давлатнинг ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича кўпчилик тадбирлари хўжалик юритувчи субъектларнинг зиммасига ўтмоқда. Чунончи, субъектлар бу даврда меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакли, тизими, миқдори ва моддий рағбатлантириш тартибларини мустақил равишда белгиламоқдалар. Натижада «иш ҳақи» тушунчаси ўзгарди, чунки унинг таркибига иш ҳақидан ташқари қуйидаги ҳисобланадиган ва олинадиган даромадлар қўшилди:

– молиялаштириш манбаидан қатъий назар ҳар хил мукофотлар, қўшимча ва устама тўловлар, ижтимоий имтиёзлар;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларнинг ишламаган кунлари (таътил, байрам кунлари ва ш.у.) учун ҳисобланган суммалар ва ҳоказолар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш натижасида ходимлар даромадининг таркибига хўжалик юритувчи субъектнинг мулкига қўшилган улушлари ва олган акциялари учун оладиган даромадлари (дивидендлар, фоизлар)и ҳам қўшилади.

Натижада ҳар бир ишчи-ходимнинг меҳнат даромади унинг субъект фаолиятига қўшган улуши ва субъект фаолиятининг якуний натижасига боғлиқ бўлади. Ушбу даромаднинг юқори даражаси чегараланмаган, лекин солиқ миқдорининг даражаси билан тартибга солиниб турилади. Меҳнат ҳақининг минимал даражаси тегишли қонун ҳужжатларига асосан тартибга солиниб турилади. Масалан, 2001 йил 1 августдан бошлаб минимал даража 1,4 маротаба оширилди, олдин 2450 сўм эди, энди эса 3430 сўмни ташкил қилди, 2002 йил апрел ойининг 1 кунидан бошлаб яна 1,15 маротаба оширилди ва 3945 сўмга етди.

Хўжалик юритувчи субъект ва ходимлар ўртасидаги устав муносабатларининг юридик асоси, шу жумладан меҳнат ҳақига тааллуқли қисми улар ўртасида тузилган жамоа ёки шахсий шартнома бўлиб, унда субъектнинг ҳуқуқи доирасидаги меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари аниқ ва равшан кўрсатилиб ўтилади.

Бу даврда ходимларни ижтимоий кафолатга олишнинг янги йўналиши инфляция натижасидаги аҳолининг кўрган зарарини ва даромадини индексация қилишдир. Ушбу кафолатни амалга оширишда давлат томонидан ташкил қилинган бюджетдан ташқари жамғармалар /ижтимоий мухофаза, пенсия жамғармалари, бандлик жамғармаси ва ҳоказолар/ муҳим ўрин тутади. Ушбу жамғармаларни ташкил қилиш ва улардан фойдаланишнинг тартиби тегишли қонуний ҳужжатлар билан тартибга солинади. Юқорида келтирилган жамғармалар махсус мақсадли ажратмалар ва манбалар ҳисобидан ташкил қилинади ва давлат бюджетидан ажралган ҳолда фаолият кўрсатадилар, ўзининг мустақиллигига эга ва муҳим ижтимоий дастурларни ва тадбирларни ўтказиш учун молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги ўтиш даврида меҳнат ва унга ҳақ тўлашни ҳисобга олиш субъектнинг ҳисоб тизимида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки унинг асосий вазифалари қуйидагилардан ташкил топган:

а) ходимлр билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоблашишни /меҳнат ҳақи ва бошқа тўловларни ҳисоблаш, тегишли суммаларни ушлаш ва қолган суммаларни бериш/ ўз вақтида амалга ошириш;

в) ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархига ҳисобланган меҳнат ҳақи ва тегишли ажратмаларни ўз вақтида ва тўғри қўшиш;

с) тезкор бошқаришни амалга ошириш ва тегишли ҳисобот маълумотларини тайёрлаш учун меҳнат ва унга ҳақ тўлаш билан боғлиқ кўрсаткичларни йиғиш ва гуруҳлаштириш;

д) ижтимоий суғурта, пенсия ва бандлик жамғармалари билан ҳисоблашишни ўз вақтида ва тўғри амалга ошириш.

Меҳнат ва унга ҳақ тўлаш ҳисоби сарфланган меҳнатнинг миқдори ва сифати, ушбу йўналишдаги маблағлардан фойдаланиш, меҳнат ҳақи жамғармасини шакллантириш ва ижтимоий хусусияга эга бўлган тўловларни амалга ошириш устидан тезкор назорат ўрнатишни таъминлаши лозим. Чунки юқорида келтирилган вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши ходимлар-

нинг турмуш фаровонлигини яхшилаш ва иқтисодий силсилалардан ҳимоя қилишнинг асосий омилларидан биридир.

Меҳнат ва унга ҳақ тўлашни ҳисобга олиш, ҳисоботни тузиш ва меҳнат ҳақи жамғармаси устидан назорат қилиш ва ижтимоий хусусиятга эга бўлган тўловларни амалга ошириш учун субъектларнинг ходимлари, жумладан, саноат тармоғидаги субъектларнинг ишчи ва ходимлари учта гуруҳга бўлинади:

– саноат ишлаб чиқаришидаги ишчи ва ходимлар- ушбу субъектнинг асосий йўналишида банд бўлган ишчилар ва ходимлар;

– носаноат ишлаб чиқаришидаги ишчи ва ходимлар- асосий ишлаб чиқаришга ва субъектнинг фаолиятини муқобил юритишга ёрдам берувчи тармоқларда банд бўлган ишчи ва ходимлар;

– асосий рўйхатдан ташқари ишчи ва ходимлар- пудрат шартномаси ва бошқа вақтинча шартномаларга асосан вақтинча субъектда ишлаётган ва унга хизмат кўрсатаётган ишчи ва ходимлар.

Бундан ташқари меҳнат бўйича ҳисобот шаклида саноат ишлаб чиқаришидаги ишчи ва ходимлари ўз навбатида иккита гуруҳга- асосий ишчилар ва хизматчилар /раҳбарлар, мутахасислар ва бошқа хизматчилар/ га бўлинади. Юқорида келтирилган гуруҳлар, ходимларнинг сони ва таркиби тўғрисидаги кўрсаткичлар тегишли «Ишчи ва хизматчиларнинг сони ва меҳнат ҳақи бўйича статистика маълумотларини тузиш» тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ тартибга солинади ва аниқланади.

Хўжалик юритувчи субъектларда ходимларнинг шахсий таркибининг ҳисоби кадрлар бўлими ёки ушбу вазифа юклатилган шахс томонидан юритилади.

Ходимларнинг сонини ва уларнинг ҳаракатини ҳисобга оладиган дастлабки ҳужжат уларни қабул қилиш, сафдан чиқариш, бошқа ишга ўтказиш ва таътил бериш тўғрисидаги раҳбарнинг буйруғи ёки хизмат кўрсатмаси ҳисобланади.

Доимий, вақтинча ёки мавсумий ишга қабул қилинган раҳбар ходимлар ва мутахасислар бўйича махсус варақлар (карточкалар) ва мутахасисларни ҳисобга олиш вароғи кадрлар бўлими томонидан тўлғазилади.

Иш ёки хизматга қабул қилинган ҳар бир ходимга махсус табел номери бириктириладики, ушбу номер шахсий таркибни ҳисобга олувчи ҳужжатларда, бажарган ишларни тасдиқловчи

ва меҳнатга ҳақ тўлаш ҳужжатларига қўйиб борилади, чунки бу номер ҳисобни компьютерлаштиришда код вазифасини ҳам бажаради. Ушбу ходим бошқа ишга ўтказилганда ёки сафдан чиқарилганда унга бириктирилган номер бир-икки йил давомида бошқа ходимга бириктирилмайди. Юқорида қайд қилинган дастлабки ҳужжатга асосан (чунки буйруқнинг бир нусхаси бухгалтерияга берилади) бухгалтерияда ушбу ходимга маълумотнома ёки шахсий счёт очилиб, унда ҳар ойда ҳисобланган меҳнат ҳақи йиғилиб борилади, чунки унинг таътилга чиқишида ёки бошқа зарур ҳолатларда ҳисобланган меҳнат ҳақини текшириш, ўртача ойлик ёки кунлик меҳнат ҳақларини аниқлаш учун ушбу маълумотлар зарур ҳисобланади.

Иш вақтидан фойдаланишни ҳисобга олишда «Иш вақтидан фойдаланишни ҳисобга олиш табели», «Йиллик табел варақлари» ва шунга ўхшаш дастлабки ҳужжатлардан фойдаланилади. Ушбу табеллар ва варақлар субъектлар кичик бўлса, мазкур субъект бўйича, агарда катта бўлса, уларнинг бўлинмалари ёки ходимларнинг гуруҳлари бўйича очилиб юритилади.

Ушбу ҳужжатлар ишлаётган ходимларнинг ҳамма табақалари томонидан иш вақтидан фойдаланишнигина ҳисобга олиш учун фойдаланиб қолинмай, балки ходимлар томонидан меҳнат тартибига риоя қилишни назорат қилиш, меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоблашиш ва ишлаган вақти юзасидан маълумотлар олиш учун ҳам асос бўлади. Табеллар (ишга келганлигини қайд қилувчи ҳужжат) бир нусхада табелни юритувчи шахс ёки уста томонидан тўлғазилиб борилади ва ойда икки марта бухгалтерияга берилади. Чунки ушбу ҳужжатга асосан ойнинг биринчи ярми учун бўнак пули берилади ва ойнинг охирида умумий меҳнат ҳақи ҳисобланади. Ушбу табелда ишга келишни ҳисобга олиш ва иш вақтидан фойдаланишни назорат қилиш ёппасига қайд қилиш усулида амалга оширилади, яъни келганлиги, келмаганлиги, кеч келганлиги (дам олиш кунлари, байрам, хизмат сафари, касаллик ва ҳоказо кунлари) ёки бўлмаса фақатгина четга чиқишлар (келмаганлиги, кеч келганлиги, сабаблари билан) қайд қилиб борилади. Табелнинг бет варағида шартли белгилар қўйилади (келган бўлса: тегишли соатлар, келмаган бўлса сабаблари), Д- дам олиш куни, Б- байрам, К- касал, Х- хизмат сафари, Т- таътилда ва ҳоказо.

Ишлаган кунлари ва соатларининг миқдори ўндан бир миқдорда кўрсатилади. Табелларга қўлда ишлов берилганда (контировка) ҳарф ва сонлар билан, агарда компьютерда ишлов

берилганда сонлар билан кодлаштирилади. Субъектларда табелларнинг иккита шакли қўлланилади - Т-12 ва Т-13 ва улар ёрдамида меҳнат вақтидан фойдаланиш ҳисобга олинади ва назорат қилинади.

Т-12 шаклида иш вақтидан фойдаланишдан ташқари ҳисобланган меҳнат ҳақи ҳам кўрсатилади. Унда ҳар бир ходимга бириктирилган табел номери, ходимнинг исми ва насаби, гуруҳи, мутахассислиги ёки мансаби, маоши, шу ойда ишлаган кунларининг сони ва соати, шундан белгиланган соатдан ортиқча ишлаган вақти-соатда, кечаси ва тунда ишлаган вақтлари, ишга келмаган вақти ва сабаблари, дам олиш ва байрам кунлари, бундан ташқари бўш туриб қолган вақтлари ҳам кўрсатилади. Охирги устунида субъектнинг қайси фаолиятининг тармоғида ишлаганлиги ва ҳисобланган меҳнат ҳақи ҳам кўрсатилади. Чунки ушбу маълумот меҳнат сарфларини, маҳсулот ва ишнинг таннархини тегишли моддалари бўйича ҳисоблаш имкониятини яратади ва меҳнат унумдорлигини ҳисоблашга асос бўлади.

Т-13 шаклида эса ушбу кўрсаткичлар ҳар бир бўлим, тармоқ ёки ишнинг тури бўйича (меҳнат ҳақи суммасидан ташқари/) қайд қилиб борилади.

Ушбу ҳужжатларнинг маълумотларига асосланган ҳолда қуйидаги ҳужжатлар тўлғазилади:

– ҳисоблашиш-тўлов қайдномаси» - Т-49 шакли. Бу ҳужжатда ҳар бир ходим бўйича кодлари кўрсатилган ҳолда тегишли ойда ҳисобланган меҳнат ҳақи суммаси ишлаган жойи кўрсатилган ҳолда қайд қилинади ва ушбу меҳнат ҳақи суммасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ чегириб қолинган суммалар чегиртмаларнинг турлари бўйича кўрсатилиб, охирги устунда ходимга бериладиган сумма кўрсатилади ва ушбу суммага асосан тўлов қайдномаси тузилиб, кассага белгиланган тартибда берилади;

– «Ҳисоблаш қайдномаси» Т-51 шаклида ҳам асосан ушбу маълумотлар тегишли ойда ҳар бир ходим бўйича қайд қилиб борилади. Айрим ҳолларда Т-49 шаклининг ўрнига қўлланилади.

– «Шахсий счёти» Т-51 шакли. Ушбу шакл махсус китобда ёки варақда (карточкада) ҳар бир ходим бўйича алоҳида юритилади. Унга маълумотлар Т-49 ёки Т-51 шаклларидан олинади. Бу счётдаги маълумотлар ҳар ойда ўсиш йўналиши бўйича қайд қилиб бориладики, ходим таътилга чиққанда ёки мукофот

ва нафақа ҳисоблаганда ўртача ҳисобланган меҳнат ҳақини аниқлаш учун зарур бўлади. Ушбу шакл икки қисмдан ташкил топган бўлиб, унинг чап томони (1-қисми)да меҳнат ҳақи ёки бошқа ҳисобланган суммалар тегишли устунларда (ишлаган вақти, бекор туриши, мукофот, нафақа ва ҳоказо) қайд қилинади ва ўнг томони (2-қисми)да ушбу ҳисобланган суммалардан чегириладиган суммалар, даромад солиғи, жамғармаларга ажратилган суммалар акс эттирилиб, охирги устунда ходимнинг олган суммаси кўрсатилади. ҳар йилнинг охирида ушбу шахсий счёт бухгалтериянинг архивига ва маълум муддатдан кейин марказий архивга топширилади.

Иш вақтининг ўз вақтида бошланиши, тугаши, иш куни давомида иш вақтидан фойдаланишни тегишли бўлимларнинг (уста, цех, бўлим, смена) бошлиқлари назорат қилиб борадилар, чунки ушбу мансабдор шахслар назорат учун жавобгар ҳисобланадилар.

Иш вақтидан фойдаланишни назорат қилишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

– махсус карточкалар ёрдамида - ушбу карточкалар ўрнатилган махсус соатларда қайд қилинади ва унда ходимнинг ишга келган ёки ишдан кетган вақтлари кўрсатилади ва шу ёзувлар ёрдамида уларнинг ўз вақтида келган ёки кечиккан вақтини, ўз вақтида кетгани ёки вақтли кетганини назорат қилиш ва тегишли табелда кўрсатиш учун асос бўлади;

– жетонлар ёрдамида (ходимларнинг табель номери қўйилган пластик карточкалар) - бу усулда ҳар бир ходимга табел номери кўрсатилган пластик карточка берилади ва уларнинг ишга келган ёки ишдан кетган вақти ушбу жетон ёрдамида махсус машиналарда қайд қилинади;

– рухсатнома усули - ушбу усул қўлланилганда ҳар бир ходим ишга келганда ўзининг рухсатномасини топширади ва ишдан кетаётганда уни олиб кетади. Рухсатномани топшириш ва олиш вақтлари махсус китобларга қайд қилинади;

– махсус назорат ўтказиш мосламалари ёрдамида - бу усул қўлланилганда ходим ишга келганда ва ишдан кетаётганда ушбу мосламанинг ичидан ўтади ва унга келган ва кетган вақти қайд қилинади;

– билдиришнома-қайднома - бу усулда тегишли билдиришнома ва табел қайдномалари тегишли бўлинмаларнинг раҳбарлари томонидан тўлғазилиб борилади ва уларда ходим-

ларнинг ишга келганлиги ва келмаганлигининг сабаблари қайд қилинади.

Бу назорат усуллари ёрдамида йиғилган маълумотлар иш вақтидан фойдаланиш табелида қайд қилинади. Чунки ушбу табелнинг охирги бетида иш вақтидан фойдаланишнинг ҳар кунги маълумотлари ва ой охирида унинг жамланма маълумотлари кўрсатилади. Бу маълумотларга асосан ҳар ойда меҳнат жамғармаси бўйича ҳисобот тузилади. Ушбу маълумотларга асосан бўлим, бўлинма, цехларда ва субъект бўйича меҳнатни ташкил қилиш таҳлил қилинади, ишбай ишларни бажараётган ишчиларнинг берилган топшириқларни бажариш даражаси /фоизи/ аниқланади ва ҳоказо.

Субъектларнинг ўзи меҳнат ҳақининг тариф ставкалари ва маошларнинг шаклларини ва тизимини ишлаб чиқарадилар ва тадбиқ этадилар. Давлат томонидан ишлаб чиқилган тариф даражалари (ставкалари) ва маошлари субъектларда ишчиларнинг касби, малакаси ва бажарган ишларининг мураккаблигига қараб меҳнат ҳақининг даражасини белгилаш учун асос сифатида олиниши мумкин.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда асосий тарифларни ташкил қилувчи омиллар бўйича меҳнат ҳақини белгилаш учун тариф даража (ставка)лари ва маошлар тизими тузилишининг асоси бўлиб Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган энг кам меҳнат ҳақи ҳисобланади. Асосан, қонун чиқарувчилик тартибида ўрнатилган энг кам меҳнат ҳақидан ва иш вақтининг ўртача ойлик давомийлигидан (фонднинг ўртача ойлик иш вақтидан) келиб чиқиб, 1-гуруҳли соатлик тариф даража (ставка)ларининг энг кам (минимал) миқдори аниқланади.

«Заводда ишланган» деб номланган минимал даража (ставка)нинг даражаси коллектив шартномасида қайд қилинади ва ҳар хил белги ва омиллар (ишчиларнинг малакаси, ишнинг турлари, мураккаблиги ва бошқаларнинг) ҳисоби билан тариф ставкалари (маошларини) қайта ишлаш учун асос ҳисобланади.

Масалан: Меҳнат ҳақининг энг кам (минимал) даражаси (ставкаси) субъектда ўрнатилган 3430 сўм /шартли/ миқдорида ва фонднинг ўрта ойлик иш вақти 169,2 соатда /40-соатли иш хафтасида/ 1-гуруҳли соатли тариф ставкасининг минимал миқдори 20,3 сўмни ташкил қилади.

Хўжалик субъектларидаги коллектив шартномалари учун малакали гуруҳлар ва усталар ҳамда вақтбайчилар учун ишнинг

турлари бўйича 3та ставкалар ўрнатилган ва катталиги бўйича юқориси ставкаларнинг 1-гуруҳи 3-гуруҳдан 21%га ва 2-гуруҳдан 8%га кўпаяди, ишбай ва вақтбайчиларнинг ўртасидаги ставкаларнинг фарқланиши ҳамма 3та гуруҳ учун 7%ни ташкил этади. Бундай ҳолатда соатли тариф ставкалари қуйидагиларни ташкил қилади:

Ставкаларнинг биринчи гуруҳи:

– вақтбай ишчи ва ходимлар учун 24,32x1,07 26,25 сўм (21,7x1.21)
– ишбай ишчилар учун 24,32 (20,1x1,21) 27,95 сўм (23.1x1,21)

Ставкаларнинг иккинчи гуруҳи:

– вақтбай ишчилар учун 25,66 (24,32x1,08)21,7сўм (20,3x1.07)
– ишбай ишчилар учун 27,86x(25,66x1,07)23.1 сўм (21,6x1,07)

Ставкаларнинг учинчи гуруҳи:

– вақтбай ишчи ва ходимлар учун 20,3 сўм
– ишбай ишчилар учун 21,6 сўм

Тарифлар жадвали, сонларнинг туркумларини /олти, етти, саккиз ва ундан ортиқ/ ҳамда тариф коэффициентларининг прогрессив, абсолют ва нисбий ўсишларининг ўлчамларини тиклаш субъектлар томонидан аниқланади ва кўпинча уларнинг молиявий ахволига боғлиқ бўлади.

Ишчиларга меҳнат ҳақини фарқлаш учун тариф сеткаси (маош, ойлик) тизими билан биргаликда субъектда ишловчи раҳбарлар, мутахассис ва бошқа ишловчиларнинг мансабли маошларининг тизими ишлаб чиқилади ва қўлланилади. Олдин мавжуд бўлган мансаблар бўйича ойлик (маош) схемасининг йўқлиги шароитида мансаб бўйича ишчиларнинг маошини тўғрилаш 1 разрядли вақтбайчиларнинг энг кичик тариф ставкаларининг ўсиши билан мутаносиб равишда амалга оширилади.

Бундай мақсадларда бошида олдин амалда қўлланилган маошнинг шарти бўйича 1-гуруҳли ишчи вақтбайчиларнинг энг кичик тариф ставкаларига мансаблар бўйича ишчилар маошининг ўзаро муносабатининг коэффициентлари мўлжалланади. Кейин, меҳнат ҳақининг янги минимал ставкасига

мўлжалланган, ишчи-вақтбайчиларнинг янги асос ставкасини кўпайтириб, мансаблар бўйича олинган коэффициентларда уларнинг мансаб маошини аниқлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида минимал меҳнат ҳақининг миқдори 01.08.2001 йилдан 3430 сўмга тенг қилиб белгиланди.

Вазирлар Махкамаси томонидан 23.07.96 йилда қабул қилинган 590-сонли қарор билан халқ хўжалигида ишловчи ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳақи бўйича ягона тариф тизими /ЯТТ/ жорий қилинди. У 01.09.96 йилдан бошлаб бюджет маблағида турувчи ҳамма муассасалар, ташкилотлар ва субъектларга киритилган. Бошқа субъектлар учун эса, мулк шаклларидан қатъий назар тавсия этиладиган хусусиятга эга. ЯТТ халқ хўжалигининг ҳамма тармоғидаги ишчиларнинг меҳнат ҳақи бўйича тариф коэффициентларининг шкаласини ташкил этади ва у 22та разрядга бўлинган. ЯТТнинг нолинчи разрядининг асосида меҳнат ҳақининг минимал ўлчови ётади ва разрядлар ўртасидаги ўсиш ўртача 14% ташкил қилиб умумий маош даражасининг ўсиш диапазони 1:8,16ни ташкил қилади.

Иқтисодий реформалар шароитида меҳнат ҳақини ҳисоблашни такомиллаштириш унинг асосий йўналишларидан бири. У ҳар хил тармоқли субъектларнинг ва иқтисодий секторларининг /Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Бюджет доирасидаги ишчиларнинг меҳнат ҳақи бўйича ягона тариф сеткаси» тамойили бўйича/ «заводли» ягона тариф сеткасини ишлаб чиқаришга ва жорий қилишга ўтиш ҳисобланади.

У субъектдаги ҳамма ишчилар бўйича меҳнат ҳақининг разрядли тизимини ифодалайди, яъни разряд асосида қайд қилинган тариф ставкалари ва мансаб маошларининг ўрнатилиши билан бошқарувчиларни, мутахассисларни ва бошқа хизматчиларни ифодалайди.

Ягона тариф сеткасида кўрсатилган разрядлар бўйича меҳнат ҳақининг ставкалари ишчиларнинг малакаси ва бажарилаётган ишнинг мураккаблигига қараб аниқланади. Меҳнат ҳақи ичидаги бошқа омилларнинг ҳисоби ва иш шароитларини фарқлашнинг ҳисоби, унинг оғирлиги, қизиқлилигининг, меҳнатнинг индивидуал натижаларининг, ишчиларнинг моҳирлиги, ишбилармонлиги ва амалий хусусиятларининг ва бошқаларнинг ҳисоби меҳнат ҳақини ташкиллаштиришнинг бошқа элементлари орқали амалга ошади. Улар қуйида кўриб чиқилади.

ЯТТ киритганда, меҳнат ҳақининг олдиндан ўрнатилган бошланғич ставкаси, минимал меҳнат ҳақи миқдорининг кўтарилишига мувофиқ ҳамда субъектнинг молиявий аҳволининг даражаси билан, кейинчалик индекслаштирилган бўлиши кераклиги назарга олинади. Индекслаштиришнинг шартлари коллектив шартномада келтирилиши керак.

Ишчиларнинг «заводли» ЯТТ асосида меҳнат ҳақини ташкиллаштиришга ўтганда уларнинг тарификацияси муҳим аҳамият касб этади, айниқса бу аҳамият хизматчиларнинг маошини тарифлашда кўринади. Иқтисодий муносабатлар шароитида меҳнат ҳақи тариф тизимининг баён этилган хусусияти меҳнат ҳақи тамойилининг ижтимоий ҳаққонийлигини таъминлайди ва катта миқдордаги ходимларга эга бўлган йирик субъектларда (корпорация ва концернларда) қўлланилади.

Меҳнат ҳақини ҳисоблашни ташкиллаштиришнинг бошқа осонроқ вариантлари қўлланилади, асосан тарифсиз тақсимланган тизимлар, қачонки ишчининг меҳнат ҳақи ҳисобланган меҳнат ҳақи жамғармасининг катталигидан, ишчининг малакавий даражасидан ва унинг шахсий хислатидан, ишбилармонлик хусусиятларидан ва бажарилган функцияларнинг оғирлигидан иборат бўлса. Бундай меҳнат ҳақини ташкиллаштиришнинг тизимлари кичик корхоналар, масъулияти чекланган ўртоқлик корхоналарида ва шунга ўхшаш структураларида қўлланилади.

Бундай ҳолларда меҳнат ҳақи ҳисоблашни ташкиллаштиришнинг ҳамма вариантларида бошқарувчининг меҳнат ҳақи шартлари, одатда, алоҳида бўлади.

Шундай қилиб, давлат корхоналари раҳбарларининг меҳнат ҳақининг ўзига хос хусусияти давлат корхоналари раҳбарлари билан меҳнат шартномалари /контрактлар/ тузилганда меҳнат ҳақини тўлаш ҳақидаги низом билан аниқ белгиланади. Маош ижро этувчи органлар томонидан тасдиқланган суммада сўмларда ўрнатилади. Агарда, корхоналарда тариф разрядлари /ИТИ, КБ/ қўлланилмаган бўлса, раҳбарнинг лавозим маошининг ҳисоби корхонанинг асосий фаолиятида ишловчи ишчилар ва хизматчиларнинг энг кам (минимал) маошидан (ставка) келиб чиқиб белгиланади.

Агар корхонада меҳнат ҳақини тўлаш учун тарифсиз тизим қўлланилса, раҳбарнинг лавозим маоши қуйидагича аниқланади: Биринчи, энг кичик малакали гуруҳига кирувчи ишчиларнинг кварталли меҳнат ҳақининг суммаси табель

бўйича ишланган вақтга бўлинади (нисбати олинади). Олинган соатлик (ёки кундузги) меҳнат ҳақидан келиб чиқиб, ойлик ставкаси аниқланади ва ундан корхона раҳбарининг лавозим маоши ҳисобланади.

Вақтбай меҳнат ҳақи ҳамма туркумдаги ишчиларга тарқалади. Шундай қилиб, саноатда банд бўлган ишчиларнинг меҳнат ҳақининг катта қисми вақтбай шаклда тўланади ва уларнинг меҳнат ҳақини ҳисоблаш учун тариф ставкаси билан ишланган вақтнинг миқдорини билиш лозим. Бунда асосий ҳужжат бўлиб меҳнат вақтини сарфлаш ҳисоби – табели ҳисобланади. Ишчи томонидан ишланган вақтга тариф ставкасидан келиб чиқиши ишчи-вақтбайчининг меҳнат ҳақи суммасини белгилаб беради.

Ишлаб чиқаришга оид бўлган ишчи-вақтбайчиларнинг меҳнати, агар улар янги техниканинг намуналарини ишлаб чиқарса ёки технология жараёнида қатнашиб келса ҳамда технологик жихозларни тузатиш билан шуғулланса, ишбай ишчининг меҳнат ҳақи тариф ставкаси бўйича тўланади.

Меҳнат ҳақининг оддий вақтбай тизими иш сифатини, ишчининг малакасини, ишнинг шароитларини ҳисобга олишга имкон беради, лекин бажарилган ишнинг охирги натижалари ва унинг меҳнат ҳақи орасидаги бевосита боғлиқликни тўлалигича таъминлаб бермайди. Шунинг учун саноатда вақтбай мукофотли тизим кенг тарқалган, унда ишнинг сифати ва миқдори ҳисобга олинади, ишнинг натижаларида ишчиларнинг маълумоти ва моддий қизиқиши кучаяди, чунки мукофотлаш вақтнинг тежалганлигига, бекор турган жихозларнинг ва ишчиларнинг бекор туришини қисқартирганлиги ёки йўқотганлиги учун, машина, агрегат, цехларнинг авариясиз ишлаганлиги ва материалларни тежаганлиги учун берилади.

Мукофотларнинг миқдори ва мукофотлашнинг кўрсаткичлари субъект томонидан ишлаб чиқилган мукофотлар ҳақидаги Низом бўйича аниқланади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳисобини меҳнат ҳақининг ишбай шаклида аниқлаш мумкин, агар ҳар бир ишчининг бажарган ишини ўлчаш ва ҳажмини аниқлаш имконияти бўлса ва ишда вақтнинг бирлигига режали ва меъёрланган вазифа (натурал ифода) қуйилса. Шунинг учун ишлаб чиқариш ҳисоби бўйича ҳужжатлаштириш ҳисоб ходимларини қуйидаги маълумотлар билан таъминлаши керак:

– ишлаб чиқарилган маҳсулот ва бажарилган ишларнинг миқдори ва сифати ҳақида;

– бажарилган иш ҳажмининг унга кетган материаллар, хомашё, ярим фабрикатларнинг миқдорига мувофиқлиги ҳақида;

– ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш ва меҳнат ҳақи миқдорининг даражаси ҳақида;

Ишлаб чиқариш хусусиятига эга меҳнат ҳақи ва ташкиллаштиришнинг тизимига, маҳсулот сифатини назорат қилиш усулларига қараб, саноатда қуйидаги бирламчи хусусиятлар қўлланилади: ишбай ишга буйруқ, маршрут қоғози (карта), смена учун ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки бажарилган ишни қабул қилиш ҳақидаги билдиришнома (рапорт), ишлаб чиқарилган маҳсулотни ҳисобга олиш қайдномаси, бажарилган ишларнинг қабул қилиниши ҳақидаги далолатнома ва бошқалар. Кўрсатилган ҳужжатлар қуйидаги реквизитларни сақлаши керак: ишнинг бажарилган жойи, (цех, ер, бўлим ва х. к.); ҳисоблашиш даври (йил, ой, сана); исми, шарфи, ишчининг табель номери ва ишчининг касб даражаси; харажат ҳисобининг коди (буюм, буюртма, счёт ҳаражатнинг бўлими); ва ишнинг мураккаблик даражаси, ишнинг миқдори ва сифати; бир бирлик маҳсулот ёки иш учун сарфланган вақтнинг меъёри; меҳнат ҳақининг суммаси, ишни бажариш вақти бўйича меъёрий соатларнинг миқдорлари.

Катта ҳажмдаги ҳужжатлаштириш ҳисоб техникасини ишлов бериш пайтида ишлатиш учун ишлаб чиқарилган. Машинада ишлов бериш учун керакли маълумотлар семиз чизиқлар билан юргизилган. Бу ҳужжатлар цех(ер)нинг ишлаб чиқариш дастури билан, уларнинг иш гарфиги билан мос келадиган қийматлар, амал қилинаётган меъёрлар ва технологик карталар асосида тўлдирилади ва ишнинг бошланишигача бригаданинг ишчиларига берилади. Ишнинг охирида техник назорат бўлими (ТНБ) томонидан яроқли ҳисобланган маҳсулот ва яроқсиз маҳсулотнинг ҳақиқатан ишлаб чиқарилган миқдори ёзиб қўйилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва бажарилган ишларнинг ҳисоби бўйича бирламчи ҳужжатларнинг ҳажмини анчагина қисқартириш мақсадида бир марталик ва бир кунлик ҳужжатлар ўрнига кўп кунлик (тупланадиган) ҳужжатлар (ишнинг ёки жараённинг даврига мувофиқ бир ҳафтага, чоракка, ойга)ни, шунингдек йириклашган, комплексли меёрлар ва қийматларни қўллаш маъқул.

Битта маҳсулотни тайёрловчи якка ишлаб чиқаришларда ишбай ишга асосий ҳужжатлар бўлиб наряд ҳисобланади (мол олиш ёки бериш, аниқ ишларни бажариш ҳақидаги ҳужжат). Бир марталик ва тупланадиган, шунингдек якка ва бригаданинг нарядлари мавжуд. Бир марталик ҳужжатларга ой ёки смена пайтидаги, бир хил буюртмалар бўйича чиқариш ҳаражатларини ҳисобга олишга тегишли бўлган бир турдаги ишга қўлланиладиган ҳужжатлардир. Лекин энг такомиллашгани - бу бутун ҳисобот даврига ёки унинг ярмига тузилган тупланадиган нарядлар ҳисобланади.

Унга бирин-кетин меъёрланган топшириқлар ва уларнинг бажарилиши ёзилади. Улар бутун ойга ёки ярим ойга (меҳнат ҳақининг бўлаксиз тўланишида) ҳисобланади. Ойнинг охирида наряд-топшириқ ёпилади ва бухгалтерияга топширилади, у ерда унинг кейинги ишловлари амалга оширилади: ҳисоб реквизитларининг тўғри тўлдирилиши текширилади, меъёрланган вақтнинг соат миқдори ва меҳнат ҳақининг якуний суммаси аниқланади.

Агарда наряд-топшириқ бўйича иш ой охиригача тугатилмаса, топшириқнинг бажарилган қисми баҳоланади ва ишни тугатиш учун кейинги ойга наряд-вазифа берилади. Агар иш битта ишчи томонидан бажарилган бўлса(наряд-топшириқ якка бўлиши мумкин), агарда иш бригада томонидан бажарилса - бригада (жамоа) учун топшириқ тузилади. Наряднинг орқа томонида бригаданинг таркиби, унинг ишлаган вақти, бажарилган ишнинг ҳажми, бригада аъзоларининг малакаси ҳақидаги қўшимча маълумотлар кўрсатилади. **Мисол:** 4та одамдан иборат бригада 200-сони наряд бўйича иш бажарди. Бригада бўйича меҳнат ҳақининг тақсимланиш ҳисоби қуйидаги кетма-кетликда ўтказилади. Олдин ҳар бир бригада аъзосининг тасдиқланган тариф бўйича меҳнат ҳақи аниқланади: масалан, М. Бобожоновада у 18900 сўмни (900x21) ва х.к. ни ташкил қилади, кейинчалик эса бригаданинг ҳамма аъзоларининг тариф бўйича меҳнат ҳақининг умумий суммаси 74900 сўмга (18900+16700+20100+19200) тенг бўлади. Ҳақиқий ҳисобланган меҳнат ҳақининг суммасини тариф ҳақнинг умумий суммасига бўлиб, қўшимча меҳнат ҳақининг тақсимланиш коэффициентини оламиз - 1,4 (102000/74400). Шундай қилиб, М. Бобожонованинг ҳақиқий ишбай меҳнат ҳақи 26460 сўмни (18900x1,4) ва ҳ.к. ни ташкил этади.

Наряд-топшириқ ҳужжат сифатида бир оз камчиликларга а; яъни технологик занжир бўйича бажарилган ишнинг ҳаж- и ва ҳаракатини назорат қилишни таъминлай олмайди, чунки битта ишчига ёки бригадага, шунингдек, кетма-кет уланмаган итта ёки бир қанча муомалаларга ёзиб борилади. Шунинг ıун битта технологик жараён бўйича бир вақтнинг ўзида бир ıл серияли (гуруҳ) маҳсулот тайёрланадиган серияли ишлаб ıқаришда меҳнат ҳақини ҳисобга олиш учун йўналишли ва- ›қлар (карта) ишлатилади. Йўналишли варақ бўйича ишни ıр бир ишчи бажара олади. Йўналишли варақлар олдиндан ›хнологик жараённинг ҳамма муомалаларига, деталлар ва бу- ıмларнинг аниқ бир гуруҳига ёзилади. Унда кетма-кетлик би- лан бир муомаладан бошқа муомалага ишни ўтказиш (миқдори) белгиланади, бу эса ишлаб чиқаришдаги йўқотишларни ва яроқсиз маҳсулотни назорат қилишга ёрдам- лашади. Йўналиш вароғи бўйича ишни бир қанча ишчи бажа- ришини назарга олсак, ҳар бир ишчининг меҳнат ҳақининг тўланиши махсус ҳужжатда — 15 кун ёки бир ой ичида тузила- диган ишлаб чиқариш билдиришномасида ишлаб чиқилади.

Оммавий турдаги ишлаб чиқариш технологияси қўлланиладиган субъектлар ишчилар одатда ўзларига бириктирилган бир хил технологик муомалаларни бажаради. Бундай ҳолатларда меҳнат ҳақини ҳисобга олиш смена ёки ойга тўпланадиган жамғарма қайдномаларда амалга оширилади.

Аккорд (кўтара) тизимли меҳнат ҳақи бригада (жамоа) ҳар хил мутахассисликдаги (чилангар, токар, созловчи ва б.к.) ишчилардан таркиб топган, яъни комплексли бригада бўлганда, таъмирлаш ёки бошқа ишларни бажарганда қўлланилади. Тўлов (ҳақ тўлаш) ишнинг бутун ҳажми учун қўйилган қийматлар бўйича маҳсулотнинг ўлчов бирлигида ишларни ба- жариш учун максимал вақтни кўрсатиш билан амалга оширилади. Ишнинг бажарилишини ТНБ ёки уста қабул қилади. Бухгалтерия бригада аъзолари орасида ҳақиқий меҳнат ҳақини ҳар бир ишчининг ишлаган вақти ва уларнинг разрядининг даражасига мувофиқ тақсимлайди. Бундай ҳолатда мукофотлаш бажарилган ишнинг вақтини қисқартириш орқали амалга оширилади. Кейинчалик ишчининг меҳнат унумдорлигини ошириш га ва бажарилган ишнинг муддатини қисқартиришга моддий қизиқишини кучайтириш мақсадида ишбай меҳнат ҳақи ишчиларнинг алоҳида гуруҳига тадбиқ қилиниши керак. Иш-

бай меҳнат ҳақи биргада аъзоларининг аризаси бўйича улар ўртасида баб-баробар тақсимланиши ҳам мумкин.

Эгри ишбай меҳнат ҳақини ҳисоблаш пайтида ишчининг меҳнат ҳақининг ҳажми унинг асосий ишлаб чиқариш ишчиларига хизмат кўрсатувчи тармоқлари меҳнатининг натижаларига (бу ишга у билвосита таъсир этади) боғлиқ. Эгри ишбай қиймат тариф ставкасини (маошнинг) ишбай ишчининг маҳсулотнинг чиқаришга мўлжалланган миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади.

Масалан: Механика цехининг 1та бўлимига хизмат кўрсатадиган ишчи-созловчининг ойлиги – 14000 сўм (тариф ставкаси бўйича). Тармоқнинг ишлаб чиқариш режасининг меёри 1000 бирлик. Ҳақиқатда эса 1200 бирлик маҳсулот тайёрланди. Ишчи созловчининг ойлиги 168000 (14000:1000x1200) сўмни ташкил этади.

Прогрессив (илғор) ишбай меҳнат ҳақи шаклини қўллаш пайтида ойлик маошининг ҳисобланиши маҳсулотнинг режалаштирилган миқдори учун- тўғри ишбай қиймати бўйича, белгиланган ҳажмидан ошиқ маҳсулот ишлаб чиқарганлиги учун ўсувчи қиймат бўйича амалга оширилади.

Масалан: 4-разрядли ишчи ишлаб чиқариш топшириғини 118%га бажарди. Унинг ойлиги тўғри ишбай қиймат бўйича - 18000 сўм. Субъектдаги амал қилувчи ўрнатилган тартибга асосан топшириқдан ошиқ 105% ни 3,5 мартага ишлаб чиқарилган маҳсулот учун ишбай қийматининг оширилиши кўзда тутилмоқда.

Шундай қилиб, ишчининг умумий ойлиги 18992 /18000+18000x(118–105):118x0,5/ сўмга тенг бўлади.

Қўшиб тўлаш ва рағбатлантирувчи кўринишдаги қўшимча ҳақлар ва устамалар, асосан, бажарилаётган ишнинг ўзгача хусусияти билан (ишнинг даврийлиги, узоқлик, аниқсизлик ҳажми ва кўп сменалиги билан ва х.к.) ёки умумий шартлардан фарқ қиладиган ишнинг шартлари билан боғлиқ.

Қўшимча ҳақнинг ва устама ҳисоблаш усулида бошқарилишнинг умумий тартиби қабул қилинган. Унда қўшимча тўловларнинг миқдори (ўлчови) субъект томонидан мустақил белгиланади. Лекин Ўзбекистон Республикасининг хукумати томонидан тасдиқланган даража ва миқдордан паст бўлмаслиги керак.

Рағбатлантирувчи тўловлар /юқори малака, профессионал касб, мукофот ва ҳоказолар учун қўшимча ҳақ ва устамалар/

субъект томонидан мустақил аниқланади ва мавжуд хом ашёлар, технологик тизим доирасида ишлаб чиқилади. Уларни тўлашнинг даражаси ва шартлари коллектив шартномаларда аниқланади.

А. Ишнинг ўртача шароитларидан чекиниши натижасида ҳисобланадиган қўшимча тўловларни ҳужжатлаштириш

Қуйилган шартларга - нарядга, йўл варақаси ва бошқа ҳужжатларга кўра ишлаб чиқариш жараёнлари хом ашё, материаллар, яримфабрикатлар, махсус асбоблар, мосламалар ва ишловчи ускуналар билан тўла таъминланган бўлса, бунда иш шароитлари ўртача ҳисобланади.

Агар бу шартлар бажарилмаса ва шароитлар яратилмаса, ишчи ушбу ишни, топшириқни бажариш учун қўшимча вақт сарфлайди, бу ҳолда ишчининг сарфлаган вақтини ҳисобга олган ҳолда маош ҳисобланиши лозим бўлади ва бунинг учун:

– ишбай бажарилган иш учун наряд (агар олдинги ҳужжатларда қўшимча технологик муомалалар ҳисобга олинмаган бўлса);

– қўшимча ҳақ варақаси (агар режалаштирилган иш бажарилган ишга мос келмаса).

Бу ҳужжатларни цех бошлиғи ёки меъёрловчи иш бошлангунга қадар (наряд, йўналиш варақаси номерланиб тўлдирилади) қўшимча вақтни ва ишнинг қийматини ёзиб, ишчига ёки сардорга (бригадирга) топширади. Бу ҳужжатлар ишчига бажарилган иши учун қўшимча ҳақ тўлашга ва бажарилган ишнинг умумий % ини ҳисоблаш учун ҳам асос бўлади. Қўшимча тўланган меҳнат ҳақи ҳам бажарилган ишнинг асосий ҳақи каби ишнинг, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг, кўрсатилган хизматнинг таннархига қўшилади ва уларнинг таннархини белгиланган меъёр бўйича бажарилгандан кўра қимматлаштиради. Шунинг учун ҳар бир қўшимча тўланган меҳнат ҳақи ва унинг айбдорлари раҳбар томонидан кўриб чиқилади, таҳлил қилиниб зудлик билан унинг олдини олиш чораси курилади. Бу ҳужжатлар рангли ёки рангли чизиқли (полоскали) қоғозга ёзилади ва технолог ёки цех бошлиғи томонидан имзоланади. Бухгалтерияда бу рангли, яъни қўшимча ҳақ тўланган ҳужжатлар гуруҳлаштирилади ва чора куриш ва таҳлил қилиш учун ҳар 5 кунда субъектнинг раҳбарига тақдим этилади.

В. Иш билан таъминланмаган (простой) вақтига ҳақ тўлаш ва уни расмийлаштириш

Ишчи субъектда бўлиб, лекин ундан фойдаланишнинг иложи бўлмаса, бу ҳолда у иш билан таъминланмаган ҳисобланади. Ишчининг иш билан таъминланмаганлиги маҳсулотнинг таннархини орттириб, фойдани камайтиради ва тегишли субъектга зарар келтиради. Бунга ишчининг ўзи, шунингдек цех ва субъектнинг раҳбарияти, хом ашё етказувчилар, энергиянинг йўқ бўлиб қолиши сабаб бўлади. Бу холга ишчининг ўзи сабабчи бўлса, меҳнат ҳақи тўланмайди, бошқа ҳамма ҳолларда ишчи иш билан таъминланмаганлиги учун ставканинг 2/3 қисми миқдорида ҳақ тўланади. Бу вақтда бекор туриб қолиш ҳақидаги ҳужжат касаба уюшма қўмитаси томонидан ҳужжатлаштирилади. Унда тўхтаб туришнинг сабаблари ва сабабчилари, унинг муддати, ишчининг тариф ставкаси, меҳнат ҳақининг даражаси ва суммаси кўрсатилади.

Муддатига кўра бекор туришлар смена ичидаги ва бутун сменалига бўлинади. Смена ичидаги бекор туришлар кундаги бекор туришлар ҳақидаги вароқ билан ҳужжатлаштирилади, меҳнат вақтининг табелида эса қўшимча И /2И, 3И/ ҳарфи билан белгиланади. Бутун сменалилар кўпинча ташқи сабаблар учун чиқарилади (энергиянинг келмаслиги) ва цехдаги бутун тармоқнинг ишчиларини қамраб олади. Табелдаги бу бекор туришлар Т ҳарфи билан ажралиб туради ва бекор туришдаги қатнашган ишчиларнинг иловали рўйхати билан далолатнома ёзилиб ҳужжатлаштирилади.

Бекор туришлар вақтида ишчилар ишлатилган бўлиши ҳам мумкин, яъни бу давр ичида ишчилар янги вазифаларни олишади ва бошқа ишга жўнатилади. Ишбай қиймати ёки ўртача ойликнинг сақланиши бўйича меҳнат ҳақини ҳисоблаш тартибига мувофиқ нарядларни ёзиш билан иш ҳужжатлаштирилади. Бекор туриш ҳақидаги вароқда нарядниг рақами ва ишланган вақти кўрсатилади.

С. Маҳсулотнинг яроқсизлигини (брак) ҳужжатлаштириш ва унга ҳақ тўлаш

Белгиланган техник шартларга ва стандартлар талабига жавоб бера олмаган буюмлар, деталлар ишлаб чиқаришдаги яроқсиз (брак) маҳсулот ҳисобланади. Шунинг учун яроқсиз

маҳсулотлар қисман /тузатиладиган/ ва тўла /тузатилмайдиган/ бўлади. Тўла /тузатилмайдиган/ яроқсиз маҳсулотлар ишчининг айби билан ҳосил бўлмаса, меҳнат ҳақи вақтбай ишчининг вақти учун мос келувчи разряд (меъёри бўйича буюмга сарфланган бўлиши керак)нинг 2/3 тариф ставкаси миқдорида тўланади, Ишчининг айби билан ишлаб чиқилган қисман яроқсиз маҳсулот фоизига нисбатан пасайган миқдорда тўланади. Ҳақнинг аниқ миқдори ва яроқли фоизи ТНБ ёки маъмурият томонидан белгиланади. Ишчининг айбисиз содир бўлган қисман яроқсиз маҳсулот учун ҳисобланган меҳнат ҳақи яроқли маҳсулотнинг фоизига нисбатан, лекин вақт ичида мос келувчи разрядли вақтбай ишчининг 2/3 тариф ставкасидан кам бўлмаслиги даражасида тўланади.

Детални қайта ишлашга 1 кунлик иш кунидан кам кетмаган пайтидан кейин топилган камчиликлар ишлов берилаётган материалдан /ёрик, металлдаги занг/ пайдо бўлган маҳсулотнинг яроқсиз қисми белгиланган ишбай қиймат бўйича ҳисобланган меҳнат ҳақи миқдорида тўланади.

Янги ишлаб чиқариш (маҳсулот, иш ва хизмат) ўзлаштирилаётганда ишчининг яроқсиз (брак) маҳсулоти учун ҳам, яроқли (брак бўлмаган) маҳсулот учун тўланадиган тариф даражасида меҳнат ҳақи тўланади. Яроқсиз маҳсулот учун далолатнома тузилиб, унда шу маҳсулотга сарфланган қиймат ва умумий зарар кўрсатилади. Чиқарилган яроқсиз маҳсулотини ишчининг ўзи тузатса, унда далолатнома тузилмайди, лекин бу ҳолда нарядга «Тузатилган брак» штампи қўйилади. Бу ишчига қўшимча меҳнати учун ҳақ тўлашга асос бўлади.

D. Тунда бажарилган иш учун қўшимча ҳақ тўлаш

Соат 22 дан 6 гача бўлган вақт тун ҳисобланади. Бу иш вақтини ҳисоблаш ойлик табелида кўрсатилади. Тунда бажарилган иш субъектда қўлланиладиган бирламчи ҳужжатлар асосида кўрсатилади, тузилган шартномага асосан ва юқори қийматда ҳақ тўланади. Бунда ҳақ тўлаш қонунда кўрсатилгандан кам бўлмаслиги керак.

E. Иш вақтидан ортиқча вақтда бажарилган иш учун ҳақ тўлаш

Бу ҳолда ишчига ортиқча ишлаган 2 соати учун умумий шароитдаги иш вақтида ишлаганига қараганда 1,5 баробар ҳақ тўланади ва кейинги охирги соатлари учун 2 баробар ҳақ тўланади. Бундай бажарилган ишлар иш вақтини ҳисобга олиш учун тузилган табел ва маълумотнома бўйича расмийлаштири-

лади. Бунга асос бўлиб иш вақтини ҳисобга олиш учун тузилган табел хизмат қилади.

F. Байрам кунлари ишлаганлик учун ҳақ тўлаш

Ишлаб чиқариш технологияси бўйича тўхташи мумкин бўлмаган субъектларга (ГРЭСлар, козонхоналар, ўт ўчирувчилар, транспортчилар ва ҳоказолар) байрам кунлари ишлашга рухсат берилади. Бу кунлар учун меҳнат ҳақи тўлаш қуйидагича белгиланади:

– Ишбай ишчиларга 2 баробардан кам бўлмаган меҳнат ҳақи;

– Соатбай ва кунбай ишчиларга 2 баробардан кам бўлмаган меҳнат ҳақи;

– Ойлик меҳнат ҳақи олувчи ишчиларга ишлаган соатлари ёки куни учун 2 баробардан кам бўлмаган меҳнат ҳақи, агар бу соат ёки кун ойлик вақт ҳажмидан ортиқ бўлса, агарда байрам кунлари ишлаган вақти 1 ойлик меҳнат вақтининг меъёрига кирса, унда 1 баробар меҳнат ҳақи тўланади.

Байрам куни ишлагани учун ишчининг хохишига кўра унга белгиланган тартибда ҳақ тўланади ёки 1 баробар меҳнат ҳақи сақланган ҳолда дам олиш куни берилади. Ишчининг тундаги иш сменасининг бир қисми байрам кунига утса, уша сменанинг байрам кунига ўтган соати учун 2 баробардан кам бўлмаган меҳнат ҳақи тўланади. Бу кунлари тунда ишлаган смена учун ёки ишдан ташқари вақтда ишлагани учун қўшимча ҳақ тўланмайди, чунки ҳамма соатлар учун байрам муносабати билан 2 баробар ҳақ тўланади.

Q Кўп сменали иш тартиби.

Кўп сменали ишни шакллантириш асосан узлуксиз тартибда ишловчи субъектларда (электр ишлаб чиқарувчи, металлургия, тўқимачилик, нон маҳсулотлари ва ҳоказо) амалга оширилади. Бу субъектларда икки ва ундан кўп сменали иш ташкиллаштирилади. Кечки смена ёки тунги сменадаги бажарилган ишлар учун бериладиган имтиёзларнинг ҳажми ҳар хил бўлади. Тунги смена - бу иш вақтининг ярмидан кўп қисми соат 22дан эрталабки 6гача тўғри келадиган сменадир.

Кечки смена – бу тунги сменадан олдинги смена бўлиб, унинг бошланиши соат 14-16 ларга тўғри келадиган сменадир.

Бошқача меҳнат қилиш тартиблари кўп сменали иш тартибига кирмайди (масалан, иш соатларини кўчириш, суткали навбатчиликда бўлиш ва ҳоказо). Бу турдаги ишчиларга меҳнат

қилиш шароитига қараб бошқа турдаги қўшимча тўловлар мавжуддир.

Субъект коллектив шартномалар ёки шахслар билан контрактлар тузишда бажарилган ишлар учун тўловларнинг бошқа шакллари, бошқа миқдорлари ва қўшимча ҳақ тўлашлари қонундаги кўрсатилгандан кам бўлмаган миқдордан ташқари ташкиллаштириши мумкин. Ишлаш шароитини ҳисобга олган ҳолда мансаб маошларини, иш баҳосини (расценка)ни ишлаш соатига қараб ўзгартиришлар киритиш мумкин. Ишларни бажармаган вақтларига ҳақ ҳисоблаш ва иш кобилиятини вақтинча йўқотганлиги учун нафақа тўлашни ҳисоблаш ва расмийлаштириш. Меҳнат қонунларига кўра ишчи ва хизматчиларга иш бажарилмаган соатлар учун ҳам ҳақ тўланади. Бунда ҳақ тўлашларнинг асоси бўлиб ўртача ойлик меҳнат ҳақи ва ҳисоблашда меъёрий ҳужжатлардаги қоидаларга асосланади. ўртача ойлик меҳнат ҳақини ҳисоблаш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ўртача меҳнат ҳақини ҳисоблаш учун ҳисобот давр бўлиб, ўз ичига кейинги кунлардаги воқеаларни олган ва шу вокеаларага мувофиқ бўлган /таътил, ишдан бўшатиш ва бошқалар/ тўловлар билан календарнинг 3 ойи ҳисобланади. Мавсумий ишлайдиган тармоқларда ва шунга ўхшаш ишлар учун ҳисобот давр бўлиб календарнинг 12 ойи ҳисобланиши мумкин. Ҳамма ҳолларда ҳам ўртача меҳнат ҳақини ҳисоблаш учун ўртача кунлик маош ишлатилади, иш вақти ҳисобини кушаётганда ўртача маошнинг ҳисобланишини соатли маошдан келиб чиқиб ишлаб чиқиш керак.

Ўртача кунлик маошнинг ҳисобот давридаги ҳақиқий тўланган суммаларининг миқдорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан ўрнатилган иш вақтининг ўртача ёки қисқартирилган муддатидан келиб чиққан ҳолда иш кунларининг миқдорига бўлиш орқали ҳамда таътил ҳақи учун эса - ҳисобот даврида тўланган ҳақиқий суммаларни 3 га ва тегишли коэффициентга бўлиш орқали топилади:

– 25,25- иш кунларида ўрнатилган таътил ҳақи пайтидаги иш кунларининг ўртача ойлик сони;

– 25,60- календарь кунларида ўрнатилган таътил ҳақи пайтида календар кунларининг ўртача ойлик сони.

Бунда иш кунларида ўрнатилган ҳар йилги таътилнинг муддати 6 кунлик иш ҳафтаси (агарда бошқа тартиб ўрнатилган бўлмаса), якшанбадаги дам олиш куни билан календар бўйича ҳисобланишини назарга олиш керак.

Таътил даврига тўғри келадиган байрамли ишланмайдиган кунлар таътилнинг календарли санасига киритилмайди ва ҳақ тўланмайди.

Ўртача меҳнат ҳақини ҳисоблаганда суғурта бадаллари қўшиладиган ҳамма тўловлар ҳисобга олинади. Бироқ унинг ҳисоби пайтида ҳисобли даврдан ҳақиқий тўланган суммаларини, шунингдек ишчи ишдан бўшаган /меҳнат ҳақини қисман қолдириш ёки маошсиз/ пайтини, асосий, қўшимча ёки ўқув таътилида бўлганлигини, вақтинчалик ишга лаёқатсизлиги бўйича ёки ҳомиладор ва кўзи ёриш (туғиш) бўйича нафақа олганини, шунингдек субъектнинг, цехнинг ёки ишлаб чиқаришнинг ёки фаолиятини тўхтатганлиги, маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқарганлиги сабабли ишламаган кунлари чиқариб ташланади.

Ўртача ойлик маош ҳисобига қуйидаги пуллик тўловлар: ишлатилмаган таътил учун бадал (ҳақ), ишдан кетиш пайтидаги дам олиш кунлари учун нафақа, моддий ёрдам, ягона мукофотлар ва бошқалар сифатидаги ҳар хил турдаги қўшимча тўловлар ва нафақалар кирмайди.

Нархнинг ўсиши ва инфляция пайтида тариф ставкаларининг /маошлар/, шунингдек илгари ўзгартирилган вақтнинг бир қисми учун тариф ставкаларига /маошлар/ одатий муносабатда ўрнатилган бошқа тўловлар усувчи коэффициентга тўғриланиши жуда зарур ҳисобланади.

Мукофотлар ва рағбатлантирувчи хусусиятдаги бошқа тўловлар меҳнат ҳақи тизими томонидан назарга олинган, ўртача меҳнат ҳақини уларнинг ҳақиқий қўшилган вақти бўйича ҳисобга олинади, белгили хизмат муддатини ўтаганлиги учун йиллик мукофот ва ҳақлар эса ҳисобот даврининг ҳар бир ойи учун 1/12 миқдорида ҳисобга олинади.

Ишчининг кетидан сақлаб қолинадиган юқорида келтирилган меҳнат ҳақини ҳисоблаш тартиби корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъий назар татбик қилинади ва қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

– ишчи ёки ходимнинг қуйидаги, асосий ёки қўшимча таътилда, шунингдек ўқув таътилида бўлганида;

– бўшаб кетиш пайтидаги ишлатилмаган таътил учун бадалнинг тўланиши, бўшаб кетиш пайтидаги нафақали дам олиш куни учун тўловлар, штатларнинг қисқариши ёки субъект фаолиятининг тугаши пайтидаги тўловлар;

– таълим муассасаларида ўқиши муносабати билан ишчи ёки ходимнинг таътилда бўлиши;

– давлат олдидаги қонунда кўрсатилган бурчларини бажарганда;

– мажбурий ишга келмаган вақти учун, қонунсиз ишдан бўшатилган ва суд томонидан қайта тикланган ходимларга тўловлар;

– монтажли ва созлашга оид ишларга йўлланма;

– хизмат сафарлари ва бошқа жойга ишга кучишга йўлланмалар;

– ишчи ва ходимларнинг ишлаб чиқаришдан малакани ошириш курсларига йўлланмалар ва бошқалар;

Агар қонунчилик томонидан ўртача маошни ҳисоблашнинг махсус тартиби ўрнатилган бўлса, /нафақани ҳисоблаш, келтирилган зарарни ҳисоблаш ва бошқалар/ кўрсатилган қоидалар қўлланилмайди. Ўртача маошни ҳисоблаш иш вақтидан фойдаланиш ҳисоби /табел/ маълумотлари асосида ва қонунчилик томонидан кафолатланган ўртача маошни олишга ишчининг ҳуқуқини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

Масалан: Иш вақтидан фойдаланиш ҳисоби табелига мувофиқ 20хх й. октябрь ойи учун ва субъект раҳбарининг буйруғига биноан ишчига навбатдаги таътил 20хх йил 20 октябрдан берилди, таътил муддати 24 кун.

Аналитик ҳисоби маълумотларига асосан ишчининг меҳнат ҳақи кейинги 3 ойда қуйидаги моддалардан ташкил топган:

	Июль	**Август**	**Сентябрь**	**Жами**
Оклад - ойлик маош	40000	40000	40000	120000
Белгили хизмат муддатини утагани учун тайинланадиган қўшимча нафақа				
Квартал мукофоти	8000	8000	8000	24000
Кечки сменада ишлаганлиги учун қўшимча ҳақ	20000	-	-	20000
	-	10000	-	10000
Жами:	68000	58000	48000	174000
Хафтада 6 кунлик иш вақтидан келиб чиққан ҳолда ойлик иш кунлари	27	26	26	79

Ҳисоб даврида ишчи сабабсиз ишга келмаган кунларига (прогулларга) эга бўлмаган ҳолда, меҳнат ҳақини ушлаб қолишсиз таътилдан фойдаланмаган 3 ой учун ўртача меҳнат ҳақини ҳисоблаганда 58000 /174000:3/ сўм. Бир кунлик ўртача меҳнат ҳақини аниқлаймиз- 2297(58000:25,25) сўм. Таътил кунлари учун ҳисобланган ҳақнинг суммаси 55125 /2297х24/ сўм. Фараз килайлик, субъектда 1 октябрдан меҳнат ҳақини 1,4 мартага кўтаришди. Бундай ҳолатда ишчининг ойлик маоши 40000 сўм эмас, 50000 сўм, ҳисоб даврида ҳисобланган меҳнат ҳақи эса 195500 сўмни ташкил қилади. 3 ойга ўртача маош 65166 /195500:3/ сўмни, ўртача 1 кунлик маош - 2581 (65166:25,25) сўмни ва таътил кунлари учун ҳақ - 61944 (2581х24) сўмни ташкил қилади.

Ишчини ишдан бўшатиш пайтида ёки пенсияга чиқариш пайтида у билан ҳисобот ойидаги вақтда ишлагани учун меҳнат ҳақи бўйича ҳамда у ишдан бўшаган кунгача фойдаланмаган таътил вақти бўйича ҳам айрим ҳисоб қилинади. Кадрлар бўлими фойдаланилмаган таътил кунларининг миқдорини охирги таътилнинг пайтидан ишлатилган ойнинг миқдорига ва ўрнатилган ҳар йилги таътил кунларининг миқдорига боғлиқ бўлган мутаносиб ҳолда ҳисоблашиш амалга оширилади.

Вақтинчалик ишга лаёқатсизлик бўйича нафақанинг ҳисоби ходимларга ишламаган вақтга ҳисобланган узига хос турдаги ҳақ бўлиб ҳисобланади. Унинг манбаси бўлиб ишламаган вақтнинг ҳамма олдинги турдаги ҳақлари учун манбаси таннарх эмас, балки ижтимоий суғурта органларининг маблағи ҳисобланади.

Тегишли суммаларни ҳисоблаш учун иш вақтидан фойдаланишни ҳисобга олиш табели ва даволовчи (тиббиёт) муассасанинг вақтинчалик ишга лаёқатсизлиги ҳақидаги варағи асос бўлади.

Нафақанинг миқдори иш ойининг ўтган икки ойдаги меҳнат ҳақининг ўртача миқдорига иш кунларининг миқдорига, ходимнинг узлуксиз меҳнат стажига боғлиқ. Ишчининг узлуксиз меҳнат стажи бўйича 5 йилгача, нафақанинг миқдори меҳнат ҳақининг 60%, 8 йилгача 80%, 8 йилдан ошиги 100%гача белгиланган. Иш стажидан қатъий назар 100% миқдорида 3 ва ундан ортиқ 18 ёшгача фарзандлари бўлган вақтинчалик ишга лаёқатсизларга, жаҳон уруши ногиронларига ва ишчининг майиблик пайтида ҳамда профессионал касаллиги пайтида тўланади.

Ўртача меҳнат ҳақининг 100% миқдорида ҳомиладор аёлларга ва уларнинг тугиши бўйича тўланади.

Лекин нафақанинг катталик миқдори вақтинчалик ишга лаёқатсизлик бўйича лавозимли оклад асосида мўлжалланган кунлик маошнинг икки баробар суммасидан ёки мос разрядли вақтбай ёки ишбай ишловчи ишчи ёки ходимнинг кунлик тариф ставкасининг икки баробаридан ошмаслиги керак. Меҳнат ҳақи суммасига иш вақтидан ташқари, байрам кунлари, қўшимча вазифада ишлаш бўйича, ишланмаган вақт бўйича бажарилмаган ишларга ҳақлар ва қўшимча ҳақлардан ташқари ҳақнинг ҳамма турлари киритилади. Ишбай меҳнат ҳақи олувчи шахсларга, ишга лаёқатсизлик бошланган ойнинг 1 кунига бўлган календарнинг охирги 2та ойи учун ўртача маошдан келиб чиқиб нафақа ҳисобланади. 2 ойнинг ҳар бир маошига олдинги мукофотларнинг ўртача ойлик суммаси ва ўтган йил учун мукофотлар қўшилади. Агар ишчи бу 2 ойлардан биттасида ёки ҳар бирида ҳақиқатан ҳам ҳамма кунларида ишламаган бўлса (график бўйича) унда мукофотнинг ўртача суммасини ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб олинади. Агар ишчи белгиланган 2 ой ишлаб чиқаришда маошга эга бўлмаса (масалан, касаллик натижасида еки таътилда бўлса), ишга лаёқатсизлик ойидаги ҳақиқий ишлаган куни учун маошдан ва ўтган йил учун мукофотларнинг ўртача 2 йиллик суммасининг тегишли қисмидан ҳисобланади.

Ойлик маош олувчи шахсларга ўртача ойлик мукофотини кушувчи асосий маош (оклад)дан келиб чиқиб нафақа ҳисобланади (ишга лаёқатсиз ойи ишлаб чиқариш ичидаги иш кунининг миқдорига умумий сумма бўлинади ва касаллиги туфайли ишга келмаган кунларнинг миқдорига кўпайтирилади).

Нафақани ҳисоблашда меҳнат ҳақи тизими томонидан назарга олинмаган еки бир вақтлик хусусиятидаги мукофотлар киритилмайди.

Масалан: 5-разрядли ишбай ишчи Й. Шамуратов декабрда 3 кун касал булди, бу иш вақтининг ҳисоби табелида кўрсатилган ва касаба уюшмаси қўмитаси томонидан вақтинчалик ишга лаёқатсизлиги ҳақида тасдиқланган тиббиет варағига эга. Й. Шамуратовнинг узлуксиз иш стажи 1 йил. Унинг ҳақиқий ишлаган вақти учун маоши илгариги 2 ой учун қуйидагича (сўмда):

ишбай - 27000 сўм;

вақтбай - 60000 сўм;

вақтинчалик ишга лаёқатсизлиги бўйича нафақа -3000 сўм;
таннархга киритилган мукофотлар - 3600 сўм.

Вақтинчалик ишга лаёқатсизлиги бўйича нафақани ҳисоблаш учун ўртача маошнинг ҳисобига қуйидагилар киритилади - 36600 сўм (27000+6000+3600), кунлик ўртача маош 1915 сўмга (36600:40 кун) тенг 5 разрядли ишчи устанинг кунлик тариф ставкалари билан уни таққослаймиз 15632 сўм (977сўмх8соатқ7816сўмх2). Ишчининг стаж ҳисоби билан нафақанинг размери ўртача кунлик маошнинг 80%ини ташкил қилиши керак, яъни 1532 сўм (80%/1915 сўмдан). Демак, нафақани касалликнинг ҳар куни учун 1532 сўм ҳисобида қўшиш керак. Жами ҳисобланган нафақа суммаси (1532х3)-4596 сўмни ташкил қилади.

Субъектнинг бухгалтерияси нафақат меҳнат ҳақини ҳисоблаш, балки ундан айиришларни ва ундан қолишни бажаради.

Қонунчиликка мувофиқ ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳақидан қуйидагилар ушланиб қолинади ва айирилади:

– давлат солиқлари, яъни солиққа тортиладиган объект ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи еки маоши яъни, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 13%дан 33%гача;

– пенсия жамғармасига ушланишлар- 2,5%;

– олдин берилган бўнаклар бўйича қарзларни тўлаш;

– нотўғри ҳисоблашлар натижасида ортиқча тўланган суммаларининг қайтарилиши;

– касаба уюшмасига аъзолик бадаллари- 1,0%;

– корхона ходимлари томонидан келтирилган моддий зиён;

– ишдан бўшатиши вақтида олдин олган таътили бўйича ишлаб берилмаган кунларининг суммаси;

– айрим жарима ва мажбуриятларнинг суммалари:

а) ижро ҳужжатларига асосан;

б) қарзга олинган товарлар бўйича;

в) яроқсиз маҳсулотнинг қиймати ва бошқалар.

Ҳисобланган меҳнат ҳақидан ушланмалар қуйидаги тартибда амалга оширилади. Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳақидан ушланадиган даромад солиғи Ўзбекистон Республикасининг "Солиқ кодекси"даги белгиланган тартиб ва даражада ушланади. Бундан ташқари Молия вазирлиги ва Солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган "Ўзбекистон фуқаролари, чет эл давлатларининг фуқаролари ва фуқароликни қабул килмаган шахсларнинг даромадларидан солиқ ҳисоблаш ва тўлаш

тўғрисида"ги кўрсатмалари ва унга киритилган кейинги ўзгаришларга амал қилинади.

Солиқ мажбуриятининг суммасини аниқлаш учун ҳар бир фуқаронинг ўтган календар йилидаги ҳамма манбалари бўйича олган даромади асос қилиб олинади. Ойлик даромадлари фақат оралиқ даромадлар ҳисобланади.

Даромадининг даражасидан қатъий назар солиқдан озод қилинган шахслар кўрсатилмаган. Агарда уларнинг даромади бўлса ҳар бир шахс солиқ тўлайди. Қабул қилинган қонунга мувофиқ унинг асосий иш жойида оладиган жаъми даромадининг суммасини солиққа тортишдан олдин ушбу суммадан қуйидагилар чегирилади:

– пенсия жамғармасига ажратма;

– Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кўрсатилган давлат нафақаси (ёрдами).

– вақтинча ишга лаёқатсизлиги учун тўланган нафақа, бунга касал боласини парваришлаш учун ҳисобланган нафақа суммаси ҳам киради.

Ушбу суммалардан солиқ олинади:

– ишсизлик учун тўланган нафақа;

– хомиладорлик ва туққанлик учун ҳисобланган нафақа;

– кўп болали оналарга ва болаларни тарбиялашга олган якка оналарга тўланган нафақа;

– ишдан бўшаётганда тўланаетган дам олиш нафақаси;

– миқдоридан қатъий назар табиий офатлар ёки фавқулодда ходисалардан кўрилган зарарлар учун тўланган моддий ёрдамлар ва қонунда кўрсатилган бошқа ёрдамлар.

Шуни эътиборга олиш керакки, асосий иш жойидан ташқарида ишлаб олинган даромад суммасидан тўлиқ тегишли миқдорда солиқ олинади. Агарда фуқарода асосий иш жойи бўлмаса у вақтда умумий ишлаб топган даромад суммасидан фақат "Солиқ кодекси"да кўрсатилган имтиёз суммаларигина чегириб қолинади ва қолган сумма солиққа тортилади.

Солиқ суммаси сўмда тийинсиз ҳисобланади. (50-тийингача - 0 ва 51 тийиндан 99 тийингача 1 сўм).

Даромад солиғи ушлаётган субъектлар қуйидаги талабларни бажаришлари лозим:

– фуқароларнинг даромад суммасидан олинадиган солиқларни ўз вақтида ва тўғри ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиб бериш;

– календар йили давомида шахслар-ходимлар ва бошқа ишловчиларга ҳисобланган ва тўланган даромадларнинг умумий суммасини ҳисоблаб бориш;

– ҳар чоракликда (квартал) қайд қилинган жойидаги солиқ инспекциясига тасдиқланган шаклда ҳисобланган даромадлар ва ушланган даромад солиғининг суммаси ҳақида ҳисобот бериши.

Фуқаролардан давлат бюджети фойдасига ушланган даромад солиғининг ҳисобини юритиш учун 6410- "Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" счёти қўлланилади. Бу счёт пассив, асосий счёт бўлиб унинг сальдоси кредит томонида акс эттирилади ва субъектнинг даромад солиғи бўйича бюджетга бўлган қарз суммасини билдиради ва кредитидаги жамғарма суммалари фуқаролардан ушланган ва бюджетга тўлаш лозим бўлган суммани кўрсатса, дебетидаги жамғарма суммалари эса ушбу ҳисобланган суммаларнинг тўланганлигини қайд қилади.

Ижро варақларига мувофиқ ушланган суммалар. Фуқароларнинг даромад суммасидан қонунга белгиланган ушламалардан ташқари алимент суммаси ҳам ушланади. Бу суммани ушлаш учун фуқаролик судининг қарорига асосан ёзилган ижро варағи, фуқаронинг ўз ихтиёри билан алимент тўлаш тўғрисидаги езма келишуви, ички ишлар бўлимининг алимент тўлаши тўғрисида фуқаронинг паспортига қўйган белгисидир.

Алиментлар ҳисобланган меҳнат ҳақи, пенсия, стипендия, вақтинча ишга лаёқатсизлиги бўйича ҳисобланган нафақа суммаларидан даромад солиғи ушлангандан кейин қолган суммалардан белгиланган миқдорда (фоизда) ушланади.

Берилган ариза ва алимент даъвоси бўйича фуқаролик судининг қарорига мувофиқ жавобгар шахснинг оладиган суммасидан ушланадиган сумма 50%дан ошса ҳам ва суднинг қарори билан олдинги рафиқасига болалари учун, меҳнатга лаёқатсиз ота-оналари ва рафиқасига ҳам алимент тўлашга мажбур.

Меҳнат ҳақини, пенсия ва стипендияни тўлаш учун ажратилган 3 кун ичида ушланган алимент суммаси олувчига берилиши еки почта орқали пул ўтказмаси амалга оширилиши шарт.

Ҳисобланган ва берилган моддий ёрдам ва бир вақтда амалга оширилган рағбатлантириш ва бошқа суммалардан алимент ҳисобланмайди.

Ижро ҳужжатларига асосан шахснинг даромадидан ушланган алимент суммалари бўйича ҳисоблашишни амалга ошириш

ва назорат қилиш учун 6710- "Ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоблашиш" счёти қўлланилиб унда айрим аналитик ҳисобда қайд қилиб борилади.

Қарзга сотилган товарларнинг қийматини меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш.

Айрим ҳолларда субъект ўзининг ходимларига иқтисодий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида банкдан кредит олиб ушбу кредит ҳисобига савдо ташкилотларидан айрим зарурий ва қиймати юқори бўлган товарлар (телевизор, музлаткич ва ҳоказолар)ни сотиб олади ва ходимларга кейинчалик пулини меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш шарти билан қарзга сотади. Ушбу муомалаларнинг таъсири натижасида субъект билан ходимлар ўртасида ушбу қарзлар юзасидан ҳисоблашиш руёбга чиқади.

Чунки бу усулни қўллаш натижасида:

– ходимлар зарурий, лекин баҳоси юқори бўлган уй буюмлари билан таъминланади;

– савдо корхоналари фойдасига ушбу қарз суммасини ушлаб қолиш тўғрисидаги ҳар ойда ёзиладиган унлаб тўлов топшириқномаларини тўлғазишга хожат қолмайди.

Ушбу муомалаларни қайд қилиш учун счётлар режасида 4610- "қарзга сотилган товарлар юзасидан ходимлар билан ҳисоблашишлар" счёти қўлланилди. Бу счёт актив - асосий счёт ҳисобланиб унинг дебетида ходимларнинг қарзга олган товарларининг қиймати акс эттирилса, бошланғич қолдиғи эса ҳисобот давринининг бошига ходимларнинг ушбу товарлар бўйича қарзининг суммаси ва кредит жамғармасида эса ходимларнинг жорий даврда тўлаган суммалари (Дебет 6710 ва кредит 4610) қайд қилиб борилади. Агарда ходим субъектга бўлган қарзини тўлиқ тўламай ишдан бўшаб кетса ушбу қарзининг суммаси унинг манзили кўрсатилган ҳолда савдо ташкилотига берилади ва савдо ташкилоти ушбу қарз суммасини шахсдан ундириб субъектнинг пул маблағлари счётига ўтказади.

Субъект эса банкдан олган ушбу кредитини тўлиқ тўлайди.

Агарда субъект банкдан кредит олмай савдо ташкилотлари билан ходимларга қарзга сотиш учун олган товарлари бўйича ҳисоблашишни амалга оширса у вақтда 4610 счётидан фойдаланади ва ушбу счётнинг аналитик счётида ҳар бир савдо ташкилоти билан ҳисоблашиш жараёнини назорат қилиш учун карточкалар очади ва унда ундирилган суммалар ва қолган қарзнинг суммалари кўрсатилиб борилади.

Юқорида қайд қилинган ушланмалардан ташқари айрим ҳолларда ходимларнинг меҳнат ҳақидан унинг ёзма аризасига асосан қуйидаги ушланмалар амалга оширилади:

– меҳнат ҳақи суммасини банклардаги шахсий счётларига ўтказиш;

– касаба уюшмаси ташкилотига- аъзолик баъдали суммаси;

– уй-жой қурилиши учун олган қарзларини тўлаш ва ҳоказолар.

Ушбу содир бўлган муаммолар 4620-"Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи" ва 4690-"Ходимларнинг бошқа қарзлари" счётларида қайд қилинади ва назорати амалга оширилади.

Тузилган якка ва жамоа шартномасига асосан ходимларга меҳнат ҳақи келишилган тартибда тўланади. Ҳозирги вақтда хўжалик юритувчи субъектларда ойнинг биринчи ярмида бўнак еки ярим ойлик меҳнат ҳақи ва ойнинг охирида (келгуси 3-5 кунлари) тегишли ой учун меҳнат ҳақи бўйича тўлиқ ҳисоблашиш амалга оширилади.

Агарда ҳисоблашишнинг бўнак усули (ойнинг 1 ярми учун) қўлланилса ходимга олдин бўнак берилади ва ойнинг охирида (кейинги ойнинг 3-5 кунлари) эса тўлиқ ҳисоблашиш натижаларига (меҳнат ҳақидан бўнак суммаси, солиқ суммаси ва ҳоказо ушланади) кўра қолган сумма берилади. Ойнинг биринчи ярми учун ҳисобланадиган бўнак суммаси жамоа ёки якка тартибдаги шартномада субъектнинг раҳбари ва касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда белгиланади ва шартномада кўрсатилади.

Лекин бўнак суммасининг энг кам ҳажми ходимнинг ойнинг биринчи ярмида ишлаган ойлик маоши даражасидан кам бўлиши мумкин эмас.

Ушбу усул қўлланилганда бўнак муомаласи 4410-"Меҳнат ҳақи бўйича ходимларга берилган бўнаклар" счётида қайд қилинади- дебет 4410 ва кредит 5010. Келгуси ойнинг бошида ходимлар билан ўтган ой бўйича меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоблашиш амалга оширилганда ушбу бўнак суммаси умумий меҳнат ҳақи суммасидан чегирилиб қолинади дебет 6710-"Ходимлар билан меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоблашиш" ва кредит 4410. Шундай қилиб 4410-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимларга берилган бўнаклар» счёти ёпилади.

Масалан: Ходим Х. Шомуродованинг ойлик маоши 45000 сўм. Унга ойнинг 1-ярми учун 22500 сўм бўнак берилди.

– даромад солиғи- 10870 сўм;
– мажбурий ушланмалар 2%- 900 сўм;
– ой охирида бериладиган меҳнат ҳақи 10730(45000-(22500+10870+900)

Агарда бўнак бериш усули қўлланилмаса (ривожланган давлатларда бёш кунлик иш куни қўлланилса ҳафтанинг жума кунида иш вақтининг тугашида меҳнат ҳақи асосий еки кичик кассалардан берилади) у вақтда ойнинг биринчи ярми якунига асосан 17-19 кунларида ойнинг ярми учун меҳнат ҳақи берилади ва ой тугагандан кейин кейинги ойнинг 3-5 кунларида қонунда кўрсатилган ҳар хил чегиртмалар ушланиб қолиниб ой якуни бўйича ходимга тегишли сумма берилади.

Масалан: Ходим Й. Шамурадовнинг ойлик маоши 30000 сўм. Унга ойнинг 1 ярми учун 15000 сўм берилди.
– даромад солиғи 5922 сўм;
– мажбурий ушланмалар- 2%- 600сўм;
– қарзга олган товари учун аризасига мувофиқ- 500 сўм ушланган;
– ойнинг охирида бериладиган меҳнат ҳақи- 7978 (15000-(5922+600+500)).

Ходимлар билан ҳисоблашишни амалга оширишда қўлланиладиган асосий регистр-йиғма ҳужжат 51-шакл "ҳисоблашиш қайдномаси"дир. Бу ҳужжат аналитик ҳисоб қайдномаси ҳисобланиб унда ҳар бир ходим, уларнинг гуруҳи, табель номери бўйича, бўлинма ва цехларга ажратилган ҳолда ҳисобланган меҳнат ҳақи, меҳнат ҳақининг турлари ва меҳнат ҳақидан чегиртмалар қайд қилинади.

Ушбу 51-шакл "Ҳисоблашиш қайдномаси"да қуйидаги кўрсаткичлар келтирилади:
– тўловларнинг тури бўйича ҳисобланган меҳнат ҳақи 6710 счётнинг кредит жамғармаси;
– ҳисобланган меҳнат ҳақидан чегиртмалар- бўнак суммаси, солиқ ва бошқа суммалар- 6710 счётининг дебет томонидаги жамгармаси;
– ходимга берилиши лозим бўлган меҳнат ҳақи бўйича қарзи- 6710 счётининг ой охиридаги қолдиқ суммаси.

"Ҳисоблашиш қайдномаси"да кўрсатилган ушбу охирги кўрсаткич ходимларга ой охирида берилиши лозим бўлган сумма, тўлов қайдномасида кўрсатиладиган суммани ёзиш учун асос бўлади. Чунки бу ҳужжат бухгалтерияда тўлғазилиб субъектнинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан тасдиқланади ва

меҳнат ҳақини тўлаш учун газнага берилади. Унда ҳар бир ходимнинг исми ва насаби, тегишли сумма ва ушбу суммани олганлигини тасдиқловчи имзо учун устунлар ажратилади. Агарда ходим белгиланган даврда яъни, уч кун ичида ушбу суммани олмаса газначи имзо қўйилиши лозим бўлган устунга белги қўяди- "Депонентга ўтказилди" ёки қизил чизиқ, кейин ўзининг ҳисоботига қўшиб бухгалтерияга топширади, дебет 6710- «Ходимлар билан меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоблашишлар» ва кредит 6720- «Депонентланган меҳнат ҳақи». Бухгалтерияда эса ушбу суммалар ажратилиб депонент маълумотномаси очилади, кейин ходим вақти бўлганда (сафардан келганда, согайиб чиққанда ва ҳоказо) ушбу маълумотномани бухгалтериядан олиб газнадан узига тегишли меҳнат ҳақини олади, Дебет 6720- «Депонентланган меҳнат ҳақи» ва кредит 5010- «Кассадаги миллий валютадаги пул маблағлари». Ушбу муомалалар содир бўлгандан кейин газначининг ҳисоботига асосан олинган суммалар ходимнинг шахсий счётидаги 2-бўлимда олинди деб қайд қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектларда ходимлар билан ҳисоблашишни қайд қилишнинг қуйидаги тартиблари мавжуд:

– ўзида иккита регистрни қайд қилувчи ҳужжатни жамловчи ҳисоблашиш- тўлов қайдномасини тузиш йўли билан, бу вақтда ушбу ҳужжат бир вақтнинг ўзида ҳисоблаш ва тўлов қайдномаси вазифасини бажаради, яъни, бир вақтнинг ўзида тўланиши лозим бўлган меҳнат ҳақи ва унинг тўланганлигини билдирувчи имзо ҳам қўйилади;

– ҳисоблаш қайдномасини тузиш йўли билан, бу вақтда ҳисобланган меҳнат ҳақини тўлаш тўлов қайдномасига асосан амалга оширилади;

– меҳнат ҳақини ҳисоблаш варақларини компьютерларга ўтказиш орқали, бу вақтда ҳар бир ходимга алоҳида ҳисобланган меҳнат ҳақи, чегирмалар ва берилиши лозим бўлган суммалар кўрсатилади. Ушбу ҳужжатга асосан тўлов қайдномаси тузилади.

– ҳисоблаш қайдномасини ва меҳнат ҳақини ҳисоблаш варогини тузиш учун қуйидаги ҳужжатлар асос бўлади:

– иш вақтидан фойдаланишни ҳисобга олиш табели. Ушбу ҳужжатга асосан сарфланган вақтларга (бекор туриш, тунги меҳнатга ва белгиланган вақтдан ташқари ишлаганлик, байрам ва дам олиш кунлари ишлаганлиги) вақтбай меҳнат ҳақи ва бошқа меҳнат ҳақи тўловлари ҳисобланади;

– меҳнатга ҳақ тўлашнинг йиғма вароғи (карточкаси). Бу ҳужжат ишбай ишлаган ходимларнинг бажарган ишлари, ҳисобланган қўшимча меҳнат ҳақлари ва вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун тўланадиган нафақаларни ҳисоблашда қўлланилади;

– ўтган ой бўйича ҳисоблашиш қайдномаси – ушланиб қолинган солиқларни ҳисоблаш учун қўлланилади;

– ижро варақларига асосан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш учун фуқаролар судининг қарорлари;

– ойнинг биринчи ярми учун илгари берилган бўнак суммаси бўйича тўлов қайдномаси ва бошқалар.

Меҳнат ҳақини тўлаш тўлов қайдномасига асосан субъект томонидан белгиланган кунлардагина амалга оширилади. Ушбу меҳнат ҳақини бериш учун асос субъект раҳбарининг қайднома тепасига қўйган буйруғи ("Ушбу сумма берилсин") асос бўлади ва газначи уч кун ичида ушбу суммани тарқатиши шарт. Ушбу тўлов қайдномасининг тепасига тегишли суммани бериш тўғрисида субъектнинг раҳбари ва бош бухгалтер имзоси билан тасдиқланган буйруқ берилади.

Меҳнат ҳақи субъектнинг катта-кичиклигига қараб асосий газнада ва кичик газналарда (агент-кассир орқали) ҳам берилади.

Айрим ҳолларда эса меҳнат ҳақини ўз вақтида бериш учун қўшимча масъул шахслар буйруқ билан жалб қилинади. Бу вақтда бош газначи тўлов қайдномаси ва ундаги суммаларни қайд қилиш ва бўлинмаларга бериш учун махсус дафтар юритади ва унда қачон, кимга, қайси қайдномага асосан ва неча сўм берилганлиги қайд қилинади ва олувчи томонидан имзо билан тасдиқланади.

Иш куни тугагандан кейин тарқатувчилар тўлов қайдномаси ва қолган суммани бош газнага топшириши шарт. Кейинги кундаги (2- ва 3-кунларда) тўловлар эса газначи томонидан шахсан амалга оширилади.

Белгиланган вақт (уч кун) ўтгандан кейин газначи тўлов қайдномасини ҳар бир қатор бўйича текшириб чиқади, тарқатилган суммани жамғаради, олмаган ходимларнинг "олганлиги тўғрисида имзо" устунига махсус штамп қўяди ёки "Депонентланди" деб ёзиб чиқади. Кейин тўлов қайдномаси иккита сумма (тарқатилган ва депонентланган)га ёпилади ва газначининг имзоси билан тасдиқланади. Депонентланган сумма бўйича газначи тарқатилмаган меҳнат ҳақи реестрини тузади, уни текшириб чиқиб тарқатилган суммага газнанинг чиқим

ордери ёзилади ва ғазна китобида қайд қилиш учун газначига берилади ва ушбу ҳужжат газначининг ҳисоботини тузганда тасдиқловчи ҳужжат сифатида илова қилинади.

Ўз вақтида (уч кун ичида) талаб қилинмаган суммани газначи "пулни топшириш эълони"ни тузиб депонентланган сумма сифатида банкдаги ҳисоблашиш счётига қайта топширади.

Чунки ушбу суммани субъектнинг ходимлари хоҳлаган куни талаб қилиб олиши мумкин. Шунинг учун банк бу пулларни айрим сақлайди ва субъектнинг бошқа мақсадларга фойдаланишларига (қарзлари ва ҳоказо) йўл куймайди ва марказлашган ҳолда нақд пулларнинг айланиши ва эмиссияси устидан назорат ўрнатилади.

Ўз вақтида олинмаган меҳнат ҳақи бўйича даъво муддати 3 йилдир, шу вақт ичида субъект ушбу суммани 6720- "Депонентга ўтказилган меҳнат ҳақи" счётининг кредит томонида қарз сифатида қайд қилиб боради.

Меҳнат ҳақи жамғармаси ва ижтимоий хусусиятга эга бўлган тўловларнинг таркиби Молия вазирлиги, Меҳнат кумитаси ва Марказий банк билан келишилган ҳолда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган махсус йўриқнома билан меъёрлаштирилган.

Ушбу йўриқномага асосан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳисобланган пул ва табиий кўринишдаги меҳнат ҳақининг суммалари меҳнат ҳақи жамғармаси таркибига киритилади ва қуйидаги гуруҳлардан ташкил топган:

А. Ишлаган вақтига ҳисобланган меҳнат ҳақи:

– тариф даражалари, ишбай ишларнинг бахоси бўйича ишлаган вақти ёки бажарган ишининг ҳажми, сотган маҳсулоти бўйича даромадининг маълум қисми- фоизи;

– тўлов манбаларидан қатъий назар доимий ёки даврий хусусиятга эга бўлган мукофот ва рағбатлантириш суммалари;

– тариф даражалари ва маошларига қўшимча равишда рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган қўшимчалар ва устамалар;

– иш тартиби ва меҳнат шароитидан келиб чиққан ҳолдаги қоплама тўловлари;

– ўриндошлик бўйича қабул қилинган шахслар ва рўйхатдан ташқари шахсларнинг меҳнат ҳақи.

В. Ишларни бажармаган вақтларига тўловлар:

– ҳар йили ва қўшимча олган таътил кунлари ва давлат, жамоат топшириқларини бажарган кунлари учун белгиланган тартибдаги тўловлар;

– субъектнинг жавобгарлигида ходимларнинг мажбурий ишсиз қолган ва мажбурий ишга чиқмаган кунлари учун тўловлар ва бошқалар.

С. Бир вақтнинг ўзида амалга оширилган рағбатлантириш тўловлари:

– тўлаш манбаидан қатъий назар бир вақтда тўланадиган мукофотларнинг суммалари;

– йиллик натижаларга асосан тўланадиган рағбатлантириш суммалари;

– хизмат йиллари стажи бўйича йиллик тўловлар суммаси;

– фойдаланилмаган меҳнат таътили учун пул қопламаси;

– ходимларга рағбатлантириш сифатида тўланадиган суммалар;

– бепул берилган ёки имтиёзли акцияларнинг имтиёз суммаси;

– бошқа бир вақтда бериладиган (совға ва бошқалар) рағбатлантириш суммалари.

– **D. Овқатланиш,** уй-жой ва ёнилғилар учун тўловлар- айрим тармоқларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ходимларга бериладиган овқатланиш, уй-жой, коммунал хизматлар ва бошқа хизматларнинг суммаси.

– **Е. Ижтимоий хусусиятдаги тўловлар.** Унинг таркибига ходимларнинг даволаниши, дам олиши, бориш-келиш, ишга жойлашиши (давлат бюджети ва бюджетдан ташқари нодавлат жамғармалари томонидан бериладиган ижтимоий ёрдамдан ташқари) учун берилган қоплама ва ижтимоий имтиёзларнинг суммаси.

– **F. Бошқа тўловлар:**

– айрим ходимларнинг оилавий ва иқтисодий аҳволини инобатга олган ҳолда берилган моддий ёрдамлар;

– ўқишга жўнатилган ходимлар учун бериладиган стипендия суммалари;

– субъектнинг ходимларига берилган кредитларни қоплаш сарфлари ва бошқалар.

Статистика ва бухгалтерия ҳисоботларида меҳнат ҳақи сарфларидан меҳнат ҳақи сарфлари жамғармасига ва ижтимоий хусусиятдаги тўловларга олиб борилмайдиган сарфлар ажратилади. Булар қуйидагилардан ташкил топган:

– хизмат сафари давомида тўланадиган кундалик сарфлари;

– шахсий фойдаланиш учун текинга берилган кийим кечакларнинг қиймати;

– баҳоси пасайтирилган ҳолда сотилган товарларнинг имтиёзли баҳоси ва сотиш бахоси ўртасидаги фарқ суммаси;

– акция ва қатнашув улуши бўйича олинган даромадлар (дивидендлар, фоизлар, улушнинг тўловлари ва ҳоказо);

– пенсия жамғармасига суғурта бадали суммаси;

– ижтимоий суғурта жамғармасига тўланган сумма;

– бандлик жамғармасига ажратилган сумма;

– бюджетдан ташқари жамғармалардан тўловлар суммаси:

а) вақтинча иш қобилиятини йўқотганлиги учун нафақа суммаси;

в) ҳомиладорлик ва туққанлиги учун берилган нафақа суммаси;

с) болалари 2 ёшга тўлгунча тўланадиган нафақа суммаси;

d) бола туғилганда тўланадиган суюнчи суммаси;

е) субъектга қарашли ёки улуш ҳисобидаги уй жойни, ўқув ва мактабгача муассасаларни, тиббий пунктлар, ошхоналар, дам олиш уйлари, кироатхона ва бошқаларни асраш ва улардан фойдаланиш сарфлари.

Шундай қилиб, меҳнат ҳақи жамғармасининг таркибига ва рағбатлантириш хусусиятидаги тўловларга молиялаштириш манбаидан қатъий назар меҳнат ҳақи бўйича субъектнинг ҳамма сарфлари киради, шу жумладан, тегишли қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат ҳақи сақланган лекин ишламаган кунларига, бундан ташқари, рағбатлантирувчи ва қоплама тўловларининг суммалари ҳам киради.

Юқорида қайд қилинган ҳамма тўловлар субъект ишлаб чиқарган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг таннархига қўшилади ёки бўлмаса субъектнинг ихтиёрида қолган фойда ҳисобидан амалга оширилади ва ушбу тўловларнинг ҳажми чегараланмайди.

Ҳисобнинг журнал-ордер шаклида ҳисоботда кўрсатиладиган ҳақиқатда ҳисобланган меҳнат ҳақи жамғармасини ҳисоблаш ва режадаги меҳнат ҳақи жамғармасидан фойдаланишни назорат қилиш учун махсус ҳисоб регистри- жамғарма ҳужжати қўлланилади. Саноат корхоналарида ва бошқа субъектларда ушбу назоратни амалга ошириш учун махсус 5- "Ходимларнинг меҳнат ҳақини ҳисоблаш маълумотномаси" номли жадвал қўлланилади ва ушбу ҳужжатга асосан ишчи ва хизматчилар

билан меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоблашиш маълумотномаси тузилади. Ушбу маълумотнома ҳар ойда ҳисоблашиш қайдномасига асосан тузилиб борилади.

Ушбу 5-жадвал қуйидаги таркибга эгадир:

1-қисмида меҳнат ҳақи жамғармасига киритиладиган ва киритилмайдиган бошқа манбалар ҳисобидан тўланадиган ҳисобланган суммаларга изоҳ берилади. Унинг ичида ҳисобланган суммалар ҳисобланиш турлари- ишбай, вақтбай, таътил, нафақа, мукофот ва бошқаларга бўлиб гуруҳлаштирилади. Бундан ташқари ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасини ходимларнинг гуруҳларига (ишчилар, асосий, вақтинча, мутахассислар, хизматчилар ва ҳоказо) бўлиб йиғиб бориш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки ушбу маълумотлар ҳар ойда ва йил бошидан қўшилган ҳолда жамланиб борилади ва ушбу кўрсаткичларни гуруҳлар бўйича таҳлил қилиш ва меҳнат ва унга ҳақ тўлаш бўйича ҳисобот тузишда фойдаланилади.

2-қисмида ишчи ва хизматчилар билан ҳисоблашишнинг жамғарма маълумотлари келтирилади:

– субъектнинг ходимларга ва ходимларнинг субъектга ой бошидаги қарзи;

– ҳисобот ойида ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳақи-бўлинмалар ва субъект бўйича жаъми, туркумларга ажратилмаган ҳолда;

– тўланган ва ушлаб қолинган (солиқ, бўнак ва ҳоказо) суммалар;

– ой охирида меҳнат ҳақи бўйича ходимларга бўлган қарз.

Жадвалнинг 2-қисми 6710-«Ходимлар билан меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоблашишлар» счётининг кўрсаткичларини таҳлил қилиш, 10/1-журнал-ордер ва 7-қайдномалар учун чегирмалар бўйича маълумотномалар тузиш ва ушбу қолдиқларни Бош дафтар маълумотлари билан таққослаш учун хизмат қилади.

– 8-журнал ордер учун 6410- "Бюджет билан ҳисоблашиш" счётининг кредит суммасига асосан меҳнат ҳақидан даромад солиғи ушлаш бўйича маълумотнома тузилади;

– 10/1 журнал-ордер учун 6710 счётнинг кредити учун ва 6520- "Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоблашишлар" счётининг дебети учун вақтинча иш кобилиятини йўқотганлиги учун ҳисобланган нафақаларнинг суммаси ва 8710- "Тақсимланмаган фойда" счётининг дебети учун ушбу жамғарма ҳисобидан ходимларга ҳисобланган мукофотларнинг суммасига маълумотнома тузилади;

– 7-жамғарма қайдномасидаги маълумотлар учун 4610-"Насияга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи" счётининг кредитида сотилган товарлар бўйича ушлаб қолинган суммалар. 6710 счётнинг дебетида ижро варақларга асосан ушлаб қолинган суммалар бўйича маълумотномалар тузилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтериясида ходимларга тегишли ва тўланиши лозим бўлган меҳнат ҳақи, мукофотлар, нафақа ва ҳоказоларни ҳисоблашни амалга оширишдан ташқари ушбу суммаларни бухгалтерия ҳисобининг тегишли реестрларида- йиғма ҳужжатларида ва счётларида ҳисобга олишни ташкил қилади. Ҳисобланган меҳнат ҳақи ва мукофотлар ишлаб чиқаришни ҳисобга оладиган счётларда қайд қилинади ва маҳсулот, иш ва хизматларнинг таннархига қўшилади.

Шундай қилиб, ишбай кўрсаткичларига асосланиб ҳисобланган ишбай меҳнат ҳақи, тариф даражаларининг баҳосига асосан ҳисобланган вақтбай меҳнат ҳақи ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг натижаларига мувофиқ ҳисобланган мукофотларнинг суммалари тегишли ҳаражат счётларида қайд қилинади:

– 2010-"Асосий ишлаб чиқариш";
– 2300-"Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришлар";
– 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш»;
– 2320-«Бошқа ишлаб чиқаришлар»;
– 2510-"Умумишлаб чиқариш";
– 9400-"Давр сарфлари"-9410-"Маҳсулотни сотиш (муомала сарфлари)";
– 9420-"Маъмурий сарфлар";
– 9450-"Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар";
– 3110-"Келгуси давр сарфлари";
– 2610-"Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар" ва умумий сумма 6710- "Ходимлар билан меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоблашишлар" счётининг кредит томонида жамғарилади. Шу вақтнинг ўзида ушбу ҳисобланган меҳнат ҳақи ва мукофотнинг суммалари ишлаб чиқариш сарфларини ҳисобга олувчи қайдномада буюртма, моддалар, жойлари- устахона, цех, бўлимлар бўйича қайд қилиб борилади ҳамда ушбу маълумотларга асосан 10- ва 10/1 журнал-ордерлар тўлғазилади.

Ушбу юқорида келтирилган счётлар ва регистрларда бундан ташқари ҳисобланган ва рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган қўшимча ҳақ ва устамалар ҳам қайд қилинади.

Ишчиларнинг меҳнат таътилига чиқишда ҳисобланган таътил пули кўпчилик ҳолларда 8910- "Келгуси тўловлар ва сарфларнинг захираси" счётининг дебетида ва 6710- "Ходимлар билан меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоблашишлар" счётининг кредитида акс эттирилади.

Айрим ҳолларда, агарда ҳисоб сиёсатида ушбу захирани ташкил қилиш назарда тутилмаган бўлса у вақтда таътилга чиқиш билан боғлиқ ҳисобланган сумма тўғридан тўғри сарфлар (2010, 2310, 9450 ва ҳоказо) счётларининг дебетида қайд қилинади.

Ушбу таътил суммалари 15-жамғарма қайдноманинг маълумотларига мувофиқ 10 ва 10/1 журнал-ордерларида йиғилади.

Ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисобидан амалга ошириладиган тўловлар (нафақалар, бир вақтда бериладиган моддий ёрдамлар ва ҳоказо) 6520-"Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоблашиш" счётининг дебетида ижтимоий суғурта бўйича бўлган қарз суммасини камайтириш ҳисобига (чунки унинг кредитида субъектнинг қарз суммаси акс эттирилади) ва 6710-"Ходимлар билан меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоблашишлар" счётининг кредитида, кейин эса 10 ва 10/1 журнал-ордерларда акс эттирилади.

Меҳнат ҳақини ҳисобга олиш ва ходимлар билан ҳисоблашиш муомалаларининг чизмаси

Счёт 6710- "Ходимлар билан меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоблашишлар".

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
		С- субъектнинг ой бошидаги ходимларга бўлган қарз суммаси	
2510-	Ходимларга кўрсатилган хизматларнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши	– Ходимларга ой давомида ҳисобланган меҳнат ҳақи, мукофот, нафақа ва бошқалар:	
2610-	Яроқсиз маҳсулот қийматининг ушлаб қолиниши	– асбоб-ускуналарни ташиш бўйича банд бўлган ишчиларга;	-0710, 0720
		– капитал қурилиш сохасида банд бўлган ишчиларга	-0810-0890
4410-	Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар суммасига	– товар моддий захиаларини олиб келиш билан банд бўлган ишчиларга	-1000, 1100, 1200,
		– ушбу сарфлар, агарда айрим счёт қўлланилса	2900 -1510
4420, 4490-	Ҳисобдор шахсларнинг қарзи	– асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларга	-2010

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит
		— ёрдамчи ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларга -2310
4630-	Бойликларнинг камомади суммаларининг ушланиши	— умумишлаб чиқариш сохасида банд бўлган ходимларга -2510
		— яроқсиз маҳсулотларни тузатиш билан банд бўлган ишчиларга -2610
4710, 4610-	Акция обунасининг суммаси ва қарзга олинган товарлар қиймати	— нокапитал ишларни бажариш билан банд бўлган ишчиларга -2710-2790 -3190
6110-	Ички бўлинмалар томонидан меҳнат ҳақининг тўланиши	— янги маҳсулотларни яратиш билан банд бўлган ишчиларга
6690, 7690-	Субъект томонидан ходимларга берилган қарзлар	— ортиқча тўланган меҳнат ҳақининг кассага қайтарилиши -5010 -6520
9390-	Ёрдамчи цех томонидан ходимларга кўрсатилган хизматларнинг қиймати	— ходимларга ҳисобланган нафақа суммасига
9450-	Кўрсатилган хизматларнинг қиймати	— мақсадли молиялаштириш ҳисобидан бажарган ишлар бўйича -7710
5010, 5020-	Ҳисобланган суммалрни ходимларга тўлаш	— ҳисобланган мукофотларнинг қайд қилиниши -8710, 9439
		— асосий воситаларни бузиш билан банд бўлган ишчиларга -9210
		— маҳсулотларни сотиш билан банд бўлган ходимларга
		— умумхўжалик ходимлари ва хизмат кўрсатиш сохасидаги ходимларга -9414
		— табиий офат натижаларини тугатиш билан банд бўлган ишчиларга -9421, 9450
		-9720

VIII БОБ. ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ВА УЛАРНИНГ СОТИЛИШИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Тайёр маҳсулот - хўжалик юритувчи субъект ишлаб чиқариш жараёнининг пировард маҳсулотидир. Ушбу субъектда ишлови батамом ниҳоясига етган турли стандартлар ва техникавий шартлар талабига жавоб берадиган, техника назорати бўлими қабул қилиб олган ҳамда тайёр маҳсулот омборига топширилган маҳсулот тайёр маҳсулот дейилади.

Ҳозирги даврда, яъни бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар асосан тузилган шартномалар (буюртма папкаси) ва бозор талабини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб маҳсулот ишлаб чиқариш, уларнинг турлари ва ҳажмини белгилайдилар. Бунинг учун эса йирик компания, концерн ва фирмаларнинг таркибида маркетинг бўлимлари ташкил қилиниб улар фақатгина бозорнинг талаби ва таклифини ўрганиш, яъни зарур, тез сотиладиган маҳсулотларнинг турларини ва уларга бўлган талабни ўрганиш билан шуғулланадилар. Бошқарув раҳбариятига тегишли таклифларни бериб ушбу хулосалар у ёки бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш, уларнинг сифати ва ҳажми юзасидан қарорлар қабул қилишда асосий ўрин тутади.

Ҳозирги даврда субъектнинг ривожланиши ва барқарорлигида маҳсулотларни олдиндан тузилган шартномага асосан ишлаб чиқариш ва сотиш муҳим ўрин тутади. Ушбу тартиб субъект фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичини белгилашда ва хўжалик фаолиятининг самарадорлигини белгилаш ва белгиланган мақсадга мувофиқлигини исботлашда асосий кўрсаткичлар мажмуаси ҳисобланади.

Субъектнинг маҳсулотни сотиш ҳажми кўрсаткичини аниқлашда унга қийматининг келиб тушишидан қатъий назар сотилган ва жўнатилган маҳсулотлар, бажарилган ишлари ва кўрсатган хизматларининг умумий суммасидан фойдаланадилар.

Тайёр маҳсулотлар, иш ва хизматлар субъектнинг маблағлари қаторида ҳисобланган учун ушбу жараён хўжалик фаолиятининг охирги босқичи ҳисобланади ва хўжаликка те-

гишли маблағларнинг доиравий айланишини таъминлайди. Ушбу жараён натижасида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқилади, улар, ишлар ва хизматлар истеъмолчиларга етказиб берилади ва субъектга пул маблағлари шаклида ёки алмашув натижасида бошқа моддий ресурслар келиб тушади. Натижада давлат олдидаги бюджетга тўланадиган солиқ мажбуриятлари, бошқа мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятлар, мол етказиб берувчиларга, банкларга, ишчи ва хизматчиларга ва бошқа субъектларга бўлган қарз мажбуриятларини ўз вақтида тўлаш имкониятини яратадилар. Тайёр маҳсулотларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича белгиланган режаларни бажармаслик эса салбий натижаларга олиб келади. Субъектнинг айланма маблағларининг доиравий айланишини секинлаштиради, истеъмолчилар олдидаги мажбуриятларни бажара олмаслиги натижасида жарималар тўлашга олиб келади, бошқа тўловларни (солиқ, ажратмалар, меҳнат ҳақи ва бошқалар) ўз вақтида тўлай олмасликка, умуман олганда субъектнинг молиявий ҳолатининг пасайишига олиб келади.

Субъектлар маҳсулотни сотиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш режаларини тузаётганда ушбу фаолият натижасида олинадиган (кутилаётган) фойда ҳажмини ҳам белгилайдилар. Чунки шартномада келишилган баҳо кўрсатилганда унинг таркибига маҳсулотнинг таннархи ва солиқлардан ташқари тегишли миқдорда фойда суммаси ҳам қўшилади. Бу суммани шартномада кўрсатилган тайёр маҳсулотларнинг миқдорига уларга қўшилган фойда суммаси қўшилса умумий кутилаётган фойда ҳажми аниқланади. Ушбу кутилаётган фойда суммаси асосида тўланадиган бўнакларнинг миқдори - бюджетга солиқ бўйича тўланадиган сумма аниқланади.

Олинган фойданинг ҳақиқий суммаси эса белгиланган тартибда, асосан ойнинг ва йилнинг охирида аниқланади. Сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг келишилган сотиш баҳоси билан уларнинг тўлиқ ҳақиқий таннархи (ишлаб чиқариш таннархи ва уларни сотиш билан боғлиқ сарфлар) ўртасидаги фарқ суммасидан қўшилган қиймат ва акциз солиқларини чегирилган ҳолдаги фарқ суммаси ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам субъектнинг хўжалик фаолиятида тайёр маҳсулотлар, уларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш муҳим ўрин тутади.

Тайёр маҳсулотнинг бухгалтерия ҳисоби, уларни юклаш ва сотиш устидан назоратни олиб бориб, қуйидагиларни таъминлаш керак:

– тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш, унинг захиралари ҳолати ва омборларда сақланиши, бажарилган ишлар ва хизматлар устидан мунтазам назоратини;

– ортилган ва берилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ўз вақтида ва тўғри ҳужжатлаштириш, харидорлар билан ҳисоблашишларни аниқ ташкил этиш;

– маҳсулот етказиб бериш шартномаларининг ҳажми ва тури бўйича ижро этилишини назорат қилиш;

– маҳсулотни сотишдан олинадиган суммани, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун амалда сарфланган харажатларни, фойда суммасини ҳисоблашни ўз вақтида ва тўғри бажариш.

Ушбу вазифаларни бажариш субъектнинг бир текисда фаолият кўрсатиши, маҳсулотларни сотишни ва омборхона хўжалигини тўғри ташкил қилиш ва ушбу муомалаларни ўз вақтида ва тўғри ҳужжатлашни талаб қилади.

Хўжалик юритувчи субъектда тайёр маҳсулот (иш, хизматлар) таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– тайёр маҳсулот (иш, хизмат) ва субъектнинг ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар;

– саноат тарзидаги иш ва хизматлар;

– носаноат тарзидаги иш ва хизматлар;

– сотиб олинадиган буюмлар (бутлаш учун сотиб олинган буюмлар);

– қурилиш, қурилиш-монтаж, лойиҳа-қидирув, геология-разведка, илмий-тадқиқот ишлари ва шунга ўхшаш ишлар;

– транспорт корхоналарида юк ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар;

– енгил автомобилларнинг ижараси ва автомобилларни етказиб бериш (ҳайдаб келиш) хизматлари;

– транспорт-экспедиция ва юклаш, тушириш ишлари;

– алоқа корхоналарининг хизматлари ва шу кабилар.

Субъектда маҳсулотнинг ҳисоби - натура, шартли-натура ва қиймат кўрсаткичларида юритилади.

Натура кўрсаткичлари маҳсулотнинг жисмоний хоссаларига мувофиқ унинг сони, ҳажми, оғирлигини акс эттиради ва бу кўрсаткичлар тайёр маҳсулотни миқдор жиҳатдан ҳисобга олишда қўлланилади.

Шартли-натура ўлчовлари бир хилдаги маҳсулотни ҳисобга олишда умумлаштирилган кўрсаткичлар учун қўлланилади. Бундай маҳсулотнинг миқдори турлар бўйича коэффициентлар ёрдамида шартли оғирлик, нав, ягона ўлчов ва шу кабиларга айлантирилиб, қайтадан ҳисоблаб чиқилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қиймат кўрсаткичи, агарда маҳсулотнинг ҳаммасини четга сотиш назарда тутилса, товар маҳсулотининг ҳажмидир. Товар маҳсулоти сотишнинг режа ва амалдаги нархларида, ишловнинг меъёрий қийматликларида, бозор нархларида баҳоланиши мумкин.

Субъектларда маҳсулот ҳисоби режа бўлимида натура кўрсаткичларида, омборда эса қиймат кўрсаткичларида олиб борилади.

Тайёр маҳсулот бухгалтерия ҳисобида маҳсулотнинг амалдаги ишлаб чиқариш таннархи, режа ишлаб чиқариш таннархи, сотишдаги улгуржи нархлар, эркин сотиш нархлари ва тарифлари, эркин бозор нархларида баҳоланиши мумкин. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, тайёр маҳсулот корхонанинг айланма маблағлари таркибига киради ва шу боисдан амалдаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги миллий стандартларга (БХМС) биноан, ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича балансда акс эттирилиши керак.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш режаси ишлаб чиқариш ҳажми, номенклатураси, ишлаб чиқариш ва реализация қилиш муддатлари кўрсатилган ёйма тизимли дастуридан иборат бўлади.

Ушбу ишлаб чиқариш дастурида қуйидаги асосий кўрсаткичлар ифодаланиши керак:

– тайёр маҳсулотлар (иш ва хизматлар)нинг ҳажми ва турлари;

– тайёр маҳсулотлар (иш ва хизматлар)ни ишлаб чиқариш графиги;

– алоҳида ишлаб чиқариш жараёнларининг тугаш муддатлари;

– ҳар бир маҳсулот ва ҳар бир иш жараёни бўйича қиймат ўлчовларида кўрсатилган йиллик иш ҳажми;

– товар маҳсулотини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш муддатлари;

– ҳисобот даври (ойи) бошига ва охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларининг улгуржи нархлари;

– ишлаб чиқаришдан ташқари харажатлар;

– маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетган умумий харажатлар;

– ишлаб чиқарилган бир бирлик маҳсулотнинг таннархи;

– маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш учун зарур бўладиган бошқа сарфлар тўғрисида маълумотлар.

Бу маълумотлардан келиб чиққан ҳолда моддий, молиявий ва ишчи кучи ресурсларига бўлган эҳтиёжи аниқланади.

Дастлабки технологик режада муҳандис маҳсулотнинг энг мукаммал яратилиш хусусиятларини ёзиб беради, бу технологик калькуляция варақчасида батафсил ҳисобларини амалга оширишга ёрдам беради.

Дастлабки технологик режанинг таркибига маҳсулот, иш ва хизматнинг номи, миқдори ва турлари тўғрисидаги маълумотлар киради.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ҳамма параметрлари, стандарт талаблари ва сарфланадиган харажатларнинг турлари ва миқдори (технологик карта) кўрсатилади.

Айрим маҳсулотларни ишлаб чиқариш узоқ ишлаб чиқариш даврини талаб қилади ва тайёрланаётган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш босқичида бўлади, яъни ҳисобот даврининг боши ва охирида тугалланмаган ишлаб чиқаришда қолдиқлар қолади.

Ялпи маҳсулот - маълум давр ичида ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳажмини қиймат ўлчовларида ифодалайдиган кўрсаткичдир. У ҳисобот давридаги тайёр маҳсулотни ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмини ўз ичига олади.

Буни қуйидаги формула ёрдамида ифодалаш мумкин:

$Я=Х+(Т_б-Т_о)+М$

бу ерда:

Я - ялпи маҳсулот (сўм);

Х - товар маҳсулотининг ҳажми (сўм);

$Т_б$ - ҳисобот даврининг бошига тугалланмаган ишлаб чиқариш (сўм);

$Т_о$ - ҳисобот даврининг охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш (сўм);

М - буюртмачилардан жалб қилинган материалларнинг ҳажми (сўм).

Тайёр маҳсулотлар субъектнинг омборида ҳам, бухгалтерияда ҳам ҳисобга олиб борилади. Тайёр маҳсулотнинг омборга келиб тушиши бирламчи ҳужжатларда қайд этилади.

Ушбу ҳужжатларда буюмлар турларига кўра маҳсулот ишлаб чиқаришнинг улар сонига қараб натура ҳисоби юритилади.

Бундай маҳсулотнинг умумий ҳажми ҳисобот даври тугаганидан сўнг баҳоланиши керак.

Кўрсатилаган хизматлар ва бажарилган ишлар далолатномалар билан қайд этилади.

Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришдан омборга топшириш қабул қилиш, топшириш юкхатлари билан расмийлаштирилади. Бундай ҳужжатларда қуйидагилар кўрсатилади:

- маҳсулотни топшираётган цехнинг номи;
- уни қабул қилаётган омбор;
- маҳсулотнинг номенклатура коди-рақами ва номи;
- ўлчов бирлиги;
- маҳсулотнинг номи;
- топшириш санаси;
- жавобгар шахсларнинг имзолари.

Қабул қилиш-топшириш юкхатларининг аниқ мазмуни маҳсулотнинг технологик хусусиятларига ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотининг сифатига боғлиқ. Уларга техника назорати бўлимининг вакили, маҳсулот топшираётган цех ходими, омбор мудири (ходими) ёки маҳсулотни асраш учун қабул қилаётган бошқа жавобгар шахс имзо чекади.

Қабул қилиш-топшириш юкхатлари бир марталик ва йиғма (ўн кунлик, ойлик) бўлиши мумкин. Буларни топширувчи цех ходими икки нусхада ёзади. Бир нусхаси омбор мудирига берилади, иккинчиси эса, маҳсулот қабул қилингани ҳақидаги тилхат билан цехда қолади.

Бухгалтерияда топширилган юкхатлар асосида ҳар ойда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг жамғарув қайдномалари юритилади.

Ой тугаганидан кейин қайдномаларда маҳсулот турларига кўра қанча тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилгани ҳисоблаб чиқарилади ва ҳақиқий таннархга кўра баҳоланади.

Тайёр маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи маҳсулот турлари ёки буюртмалари бўйича асосий ишлаб чиқаришнинг аналитик ҳисоби маълумотларига кўра белгиланади.

Ҳар бир маҳсулотнинг тури бўйича белгиланган таннарх суммаси тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш қайдномасига ёзиб қўйилади, сўнгра жамланади. Шундай қилиб, бутун ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи ҳал бўлади.

Ҳар томонлама мустақилликни қўлга киритган субъектлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини эркин нархда, истеъмолчилар билан келишилган нархда сотишга интиладилар.

Камёб молларни мол, товар биржалари орқали сотиш, кимошди савдоси кенг ривожланган.

Омборга қабул қилинган ва харидор корхоналарга жўнатилган маҳсулот бухгалтерия ҳисобида ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича акс эттирилади. Бироқ цехлардан маҳсулот омборга қабул қилинганда унинг ҳақиқий таннархи маълум бўлмагани учун маҳсулотнинг ҳаракатини ҳисобда қабул қилинган режа таннархи ёки улгуржи баҳода-шартнома нархда ҳисобга олинади, яъни баҳоланади. Ҳисобот ойи давомида маҳсулот режа таннархи билан ҳақиқий таннархи ёки ҳақиқий таннарх билан улгуржи баҳо ўртасидаги фарқ алоҳида ҳисобга олинади.

Тайёр маҳсулотни бухгалтерияда ёки омборда ҳисобга олиб бориш учун счётлар режасига кўра 2800-"Омбордаги маҳсулотлар" актив инвентарь счётлари кўзда тутилган. Ушбу счётлар қуйидагилардан иборат:

— 2810-"Омбордаги тайёр маҳсулотлар;

— 2820-"Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар";

Ушбу счётлардан омборда қанча тайёр маҳсулот борлиги ва унинг ҳаракати тўғрисидаги ахборотни акс эттиришда фойдаланилади.

2800-"Омбордаги тайёр маҳсулот" счётларининг дебети 2010-"Асосий ишлаб чиқариш", 2310-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш" счётларининг кредити билан ўзаро боғланади, кредити бўйича эса 9100-"Сотилган маҳсулотлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар"нинг таннархини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланади ва бунда 9110-"Сотилган маҳсулотларнинг таннархи" счёти қўлланилади.

Чет учун бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати 2800- "Омбордаги тайёр маҳсулотлар" счётларида акс эттирилмайди, булар бўйича амалдаги харажатлар ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлардан бевосита 9100-"Сотилган иш ва хизматларнинг таннархи" счётларига ўтказилиб, ҳисобдан чиқарилади.

Ишлаб чиқаришда маҳсулот тайёрлашнинг аналитик ҳисоби "Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг қайдномаси"да натура ва қиймат ифодасида юритилади.

Бу маълумотлардан ишлаб чиқариш ҳажми бўйича режанинг бажарилишини назорат қилишда, жамлама ҳисоб варақларида бухгалтерия ёзувларини қайд қилишда фойдаланила-

ди. Тайёр маҳсулотларнинг киримини қайд этиш билан боғлиқ хўжалик муомалалари 10/1-журнал-ордерда амалга оширилади.

Дебет 2800-"Омбордаги ва кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар" счётлари.

Кредит 2010-"Асосий ишлаб чиқариш" счёти.

Омбордаги тайёр маҳсулотлар омбор ҳисобида миқдор ва қиймат ифодасида ҳисобга олинади ёки материалларни ҳисобга олишга ўхшаб турлари, сони, нави ва баҳоси кўрсатилиб ҳисобга олинади.

Бу варақчалар (карточкалар) субъектнинг бухгалтерияси томонидан тайёр маҳсулотнинг ҳар бир номенклатура рақами учун очилади ва тилхат олиб омбор мудирига топширилади. Варақчаларга ёзувларни моддий жавобгар шахслар муомалалар содир бўлиши сари, тайёр маҳсулотларнинг келиб тушиши ва чиқиб кетиши тўғрисидаги ҳужжатларга асосланиб ёзилади. Варақчада ҳар бир ёзувдан кейин янги қолдиқ ҳисоблаб топилади. Варақчалар омборда махсус қутиларда сақланади. Ҳар бир қутида варақлар тайёр маҳсулотларнинг гуруҳлари, улар ичида эса номенклатура рақамлари бўйича жойлаштирилади.

Моддий жавобгар шахс ҳар куни ёки бир неча кунда барча бирламчи ҳужжатларни бухгалтерияга топширади. Ҳисобнинг тезкор сальдо усули қўлланилганда бу ишларнинг ҳаммаси бевосита омбор мудири томонидан бажарилади. Бухгалтерия ходими муттасил, камида ҳафтасига бир марта бевосита омборнинг ўзида омбор мудири иштирокида маҳсулотнинг ҳаракати ҳусусидаги бирламчи ҳужжатларнинг маълумотларини омбор ҳисоби варақчаларига ўтказишнинг тўғрилигининг текшириб кўриши ва буни ўз имзоси билан тасдиқлаши керак ва аниқланган тафовутлар ва хатолар шу ернинг ўзида бартараф этилади. Айни вақтда бирламчи ҳужжатлар бухгалтерия ходимига топширилади.

Одатда бирламчи ҳужжатларни қабул қилиш-топшириш махсус реестр билан расмийлаштирилади. Лекин моддий жавобгар шахсларнинг розилиги билан ҳар бир муомала бўйича ёзувларнинг текширилгани тўғрисида омбор ҳисоб варақчасидаги бухгалтерия ходимининг имзоси ҳужжатларни қабул қилиш-топшириш учун асос бўлиши мумкин.

Ҳисобнинг тезкор сальдо (қолдиқ) усулида омбордаги тайёр буюмларнинг ҳам сон, ҳам нав жиҳатдан ҳисобга олишнинг бухгалтерияда худди шу буюмларнинг қиймат ифодасидаги ҳисоби билан алоқаси омбордаги тайёр маҳсулотларнинг

қолдиқлари ҳисоби қайдномаси ёрдамида амалга оширилади. Бир ой мобайнида бу қайднома бухгалтерияда сақланади ва маълумотнома сифатида фойдаланилади.

Ой охирида қайднома ҳар бир номенклатура рақами бўйича омбор ҳисоби варақчаларидан ой охирида тайёр маҳсулот қолдиқларининг қанча бўлганини ёзиб қўйиш учун омборга берилади. Шундан сўнг қайднома яна бухгалтерияга берилади, бу ерда эса қолдиқларнинг миқдори аниқланади ва суммаси ҳисоблаб чиқилади.

Айрим субъектларда омбордаги маҳсулотнинг қолдиқлари қайдномаси ўрнига моддий жавобгар шахснинг омбордаги тайёр маҳсулотнинг бир ой мобайнидаги ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботидан фойдаланилади. Ушбу ҳисобот омбор ҳисоби варақчаларининг якуний маълумотларига кўра тузилиб, уларда ҳар бир номенклатура рақами асосида омбордаги тайёр буюмларнинг миқдорий ифодаси акс эттирилган бўлади. Бухгалтерияда ҳисобот маълумотлари асосида тайёр маҳсулотларнинг навлари ва турлари бўйича айланма қайдномаси тузилади.

Бундан ташқари, бухгалтерияда тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг натура ва сумма ифодасидаги қайдномаси, шунингдек 16- "Тайёр буюмлар ҳаракатини, тайёр маҳсулот ҳамда моддий бойликларни юклаб жўнатиш ва сотиш"нинг ҳисоби қайдномаси ҳам юритилади.

16-қайдноманинг 1-бўлимида бир хил маҳсулот гуруҳлари бўйича ҳисоб нархлари ҳамда амалдаги таннархга кўра омбордаги тайёр буюмларнинг ҳаракати кўрсатилган бўлади. Бу ерда қолган ва ишлаб чиқаришдан келган тайёр маҳсулотнинг амалдаги таннарх салмоғининг ҳисоб нархлари бўйича қиймати аниқланади. Ушбу фоиз нисбатидан бухгалтерияда ҳисобот ойида юклаб жўнатилган, харидорлар томонидан қайтарилган ва ой охирида қолган тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблашда фойдаланилади.

Ой охирида омборда қолган ҳисоб нархларидаги тайёр маҳсулотнинг қолдиғи (омбордаги маҳсулот қолдиғининг ҳисоби қайдномасига биноан ёки моддий жавобгар шахснинг ҳисоботига кўра) 16-"Тайёр маҳсулотларнинг ҳаракати, уларни юклаб жўнатиш ва сотиш" қайдномасининг 1-бўлимида акс эттирилган шунга мос қолдиқ билан солиштирилади. Қолдиқларнинг бир хиллиги ҳисобнинг тўғрилигидан далолат

беради, бир хил чиқмаслиги эса, хатолар борлигини кўрсатади, бу хатоларни эса ўз навбатида бартараф этиш лозим.

Масалан. Хўжалик юритувчи субъект томонидан "А" маҳсулотни ишлаб чиқариш учун 100000 сўм сарфлаш назарда тутилган, яъни режадаги таннархи 100000 сўм.

Ишлаб чиқарилган ушбу маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи бухгалтерия маълумотига кўра 98000 сўмни ташкил қилади. Маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи билан режа таннархи ўртасидаги фарқ (тежалган) 2000 сўмни (100000-98000) ташкил қилган. Ҳисобда бу қуйидагича бухгалтерия ўтказмалари тузиш билан счётларда акс этади.

Д-т 2810-"Омбордаги тайёр маҳсулотлар" счёти - маҳсулот режа таннархига (ҳисобот ойи давомида) - 100000 сўм(ой давомида).

Д-т 2810-"Омбордаги тайёр маҳсулот" счёти - маҳсулот ҳақиқий таннархи билан режа таннархи ўртасидаги фарқ суммасига (ҳақиқий таннарх аниқлангандан сўнг) (-) 2000 сўм, ойнинг охирида.

К-т 2010-"Асосий ишлаб чиқариш" счёти - маҳсулотнинг ишлаб чиқариш режадаги таннархига 100000 сўм, ой давомида ва К-т 2010-"Асосий ишлаб чиқариш" (=) 2000 сўм, ойнинг охирида.

Тайёр маҳсулотни ҳисобга олишда улгуржи, чакана нарх ва режа таннархидан фойдаланиладиган бўлса, у ҳолда жўнатилган ҳамда сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи билан ҳисобда қабул қилинган баҳо ўртасидаги фарқни аниқлаш зарурияти туғилади.

Тайёр маҳсулотларнинг синтетик ҳисоби 2800 счётларда юритилади. Бу счётларнинг дебети 2010-"Асосий ишлаб чиқариш", 2310-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар" счётларининг кредити билан, кредити эса 9110-"Сотилган маҳсулотларнинг таннархи" счётининг дебети билан корреспонденцияланади.

Жорий ҳисобда ишлаб чиқаришдан омборларга қабул қилинган маҳсулот қуйидагича акс эттирилади. Ҳақиқий таннарх маълум бўлгандан кейин ўртасидаги фарқ суммага счётларда қуйидагича бухгалтерия ўтказмалари тузилади:

2010-"Асосий ишлаб чиқариш"

2310-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар"

2800-"Тайёр маҳсулотлар"

Д-т	К-т		Д-т	К-т
С-N		режа	С-N	
	100000	тан-нархи	100000	
	-2000	Фарқ	-2000	

Тайёр маҳсулотлар ҳаракатининг ҳисобини тўғри ташкил қилиш учун корхона томонидан ишлаб чиқиладиган маҳсулотларнинг турлари номининг рўйхати - номенклатурасидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Уни тузиш асосида тайёр маҳсулотни туркумлаш, яъни ушбу субъектда ишлаб чиқариладиган бир маҳсулот турини бошқа маҳсулотдан ажратиб турувчи маълум белгилари ётади. Номенклатура рўйхатини тузиш асосида қуйидаги белгилар олинади: модель, фасон, артикул, марка, нав ва ҳоказо.

Ҳар бир маҳсулот турига номенклатура рақами бириктирилади ва у ҳар хил сондан иборат бўлади. Маҳсулот номенклатурасидан субъектнинг қуйидаги хизматларида фойдаланилади:

– диспетчерлик хизмати маҳсулотларни ишлаб чиқариш графигининг бажарилишини назорат қилади;

– цехлар - ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ассортиментини назорат қилиб омборга тайёр маҳсулот топширишда юкхати ёзиш учун фойдаланади;

– маркетинг бўлими - тайёр маҳсулотларни жўнатиш бўйича шартномаларни бажариш имкониятини назорат қилиш учун фойдаланади;

– бухгалтерия - тайёр маҳсулотларнинг аналитик ҳисобини юритиш, умумий маълумотлар ва ҳисоботлар тузиш учун фойдаланади.

Тайёр маҳсулотларнинг харидорга жўнатилгани, ишлар бажарилгани ва хизматлар кўрсатилгани, воситачилик асосида ёки бошқа шунга ўхшаш асосларда тайёр маҳсулотлар сотиш учун ўтказилганлиги хусусида тегишли ҳужжатлар (юкхатлар, қабул қилиш-топшириш далолатномалари) билан расмийлаштирилганида маҳсулот (иш, хизмат)ларни юклаб жўнатилган (сотилган) маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар деб аталади.

"Асосий хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар" номли 2-БХМС мувофиқ маҳсулот омбордан чиқарилган ёки тўлов ҳужжатлари банкка топширилган вақтдан бошлаб, харидорлар уларга ҳақ тўлашидан қатъий назар маҳсулот сотилган деб ҳисобланади.

Тайёр маҳсулот харидорларга маҳсулот етказиб бериш шартномаси ва юклаб жўнатиш режасига кўра жўнатилади.

Шартномада етказиб берилаётган маҳсулотнинг номи, миқдори, тури ва сифат даражаси ёзилади, нарх, ҳисоблашишлар тартиби, маҳсулот етказиб берувчи билан харидорнинг тўлов ва почта реквизитлари ҳамда бошқа бир қанча маълумотлар қайд этилади. Маҳсулот сотиш бўлими шартномага асосан тайёр маҳсулот омборига маҳсулотни харидорга юклаб жўнатиш ҳақида буйруқ беради. Маҳаллий харидорларга маҳсулот ишончнома асосида, бошқа шаҳарлик харидорларга эса фармойиш ва юкхат асосида берилади.

Фармойишли юкхатда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

– берилиши лозим бўлган ва аслида берилган маҳсулотнинг номи, нави ва миқдори;

– нархи ва умумий суммаси;

– харидорнинг манзили;

– жавобгар (топширган ва олган) шахсларнинг имзолари.

Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар топшириш далолатномалари билан расмийлаштирилади.

Субъектнинг бухгалтерияси маҳсулотни жўнатиш ҳужжатлари ёки бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларни топшириш далолатномаси асосида харидор, буюртмачи номига тўлов ҳужжатларини, яъни счёт-фактура (илова), тўлов талабномаси (илова) ва тўлов талабнома-топшириқномаларини (илова) ёзиб беради. Бу ҳужжатлар маҳсулот сотиб олувчини тайёр маҳсулот юклаб жўнатилганидан хабардор қилади ва унинг ҳақининг тўланишини талаб қилади. Тўлов ҳужжатларининг нусхалари бухгалтерияда қолади ва жўнатилган маҳсулотларни ҳисобга олишда асос бўлиб хизмат қилади.

Техник назорат бўлими томонидан қабул қилинган, тайёр ҳолга келтирилган маҳсулотлар омборга топширилади. Бу жараён кўпчилик субъектларда топшириш юкхати ёки маҳсулотни топшириш қайдномаси билан расмийлаштирилади. Бу ҳужжатларда топширувчи цех, топширилиш муддати, маҳсулотнинг номенклатура рақами, унинг номи, миқдори, режа таннархи ва тегишли моддий жавобгар шахсларнинг им-

зоси кўрсатилади. Қабул ҳужжатлари асосида бухгалтерия маҳсулотни топшириш қайдномасини юритади. Бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматлар қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Омборларда маҳсулот ҳаракатининг миқдор кўрсаткичларидаги ҳисоби варақаларда юритилади. Варақага ҳар бир кирим ва чиқим ҳужжатлари асосида маҳсулотнинг ҳаракати билан боғлиқ муомалалар ёзиб борилади.

Тайёр маҳсулотнинг омбордаги ҳисоби тезкор бухгалтерия усули бўйича ташкил қилинади, яъни ҳар бир маҳсулот номенклатура рақамига омбор материаллари ҳисоби карточкаси очилади (М-17 шакли). Тайёр маҳсулотнинг келиб тушиши ва четга берилиши биланоқ, омбор ходими ҳужжатлар асосида уларнинг сонини карточкаларга ёзиб қўяди ва ҳар бир ёзувдан кейин колдиқ ҳисоблаб қўйилади. Бухгалтер ҳар куни тугаган сутка учун ёки белгиланган график бўйича омбордан ҳужжатларни қабул қилиб олиши керак (қабул қилиш-топшириш юкхати, товар-транспорт юкхатлари). Омбор ҳисобининг тўғри юритилганлиги омбор ҳисоби карточкаси асосида ҳар ойда тайёр маҳсулотнинг номенклатураси, ўлчов бирлиги, миқдорига асосланган ҳолда тайёр маҳсулотнинг қолдиқ ҳисоби баҳолари бўйича қолдиқлар аниқланади.

Маҳсулотнинг кирими ва чиқиб кетиши билан боғлиқ муомалалар расмийлаштирилган дастлабки ҳужжатлар омбор варақаларига ёзилгандан сўнг бухгалтерияга топширилади. Бу ерда ҳужжатлар текширилади, гуруҳланади ва улар асосида тегишли ҳисоб регистрлари тузилади. Тайёр маҳсулот ҳаракатининг пул кўринишда ифодаланган ҳисоби бухгалтерияда омбор мудирининг ҳисоботи маълумотлари асосида юритилади.

Ҳисобнинг журнал-ордер шаклида тайёр маҳсулотнинг аналитик ҳисоби 16-қайдномада юритилади. Бу қайдноманинг 1-бўлими "Тайёр маҳсулотнинг пул шаклидаги ҳаракати" деб номланади, унда маҳсулотнинг ҳисобот ойи бошланишига қолдиғи, омборга қабул қилингани, харидорларга жўнатилгани ва ҳисобот ойи охирига қолдиғи, ҳисобда қабул қилинган баҳо ҳамда ҳақиқий таннархда кўрсатилади.

Жўнатилган маҳсулотни аналитик ҳисобга олиш қуйидагиларни кўзда тутади:

– маҳсулотни жўнатишга доир муомалаларни харидор манзилига юборилган тўлов ҳужжатлари асосида жорий рўйхатдан ўтказиш зарурлигини;

– юк-хати ва тўловномаларни тўлашдан бош тортилган тақдирда уларни кузатиб боришни;

– ҳар бир ой давомида қайд этилган ёзувларни умумлаштиришни.

Бу шундай тартибда амалга оширилиши лозимки, унда жамлама счётларга доир бухгалтерлик маълумотлари кўзга ташланиб турсин.

У 16-"Тайёр маҳсулотларнинг ҳаракати, уларни жўнатиш ва сотишни ҳисобга олиш" журнал-ордерининг 1-"Маҳсулотни жўнатиш, уни бериш ва сотиш" номли бўлимида юритилади. Журнал-ордернинг бу бўлимида ҳар бир тўлов талабнома-топшириқномаси (счёт-фактура) қайд этилади. Ушбу тўлов талабнома-топшириқномасининг тегишли устунларида харидорлар, тайёр маҳсулотлар, уларнинг миқдори ва қиймати, харидорлар томонидан тўланадиган транспорт харажатлари, шунингдек юк (иш, хизмат)ларни олувчилар ҳисобига ўтказиладиган устама ва чегирмалар кўрсатилиши лозим. Бу ерда маҳсулотни жўнатиш, сотиш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш) ҳамда харидорлар ва буюртмачилар билан амалга оширилган ҳисоблашишларнинг аналитик ва синтетик (жамлама) ҳисоби бирлаштирилади.

Маҳсулотларни жўнатиш ва сотишнинг аналитик ҳисобини ташкил этиш айрим маҳсулот турлари бўйича, тўлов ҳужжатлари бўйича натура ифодасида ҳам амалга оширилади. Ушбу тадбир икки хил нархда - сотилиш нархларида ва ҳақиқий таннарх баҳосида амалга оширилади.

Ҳисобга олиш нархлари ва тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ айрим маҳсулот турлари бўйича кескин ўзгариб туриши мумкин бўлган субъектларда тайёр маҳсулотнинг ҳаракати ҳақидаги маълумотлар мазкур маҳсулотларнинг гуруҳлари бўйича акс эттирилади. Субъект маҳсулотларни гуруҳлар бўйича тақсимлашни ҳақиқий таннархнинг айрим маҳсулотларнинг ҳисобга олиш нархига доир қийматидан чекиниши даражасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширади. Бундай мақсад уларнинг ҳар бир гуруҳда тахминан бир хил оғишига эришишдан иборатдир.

16-қайдноманинг 2-бўлимини очиш ва юритиш тартиби қуйидагичадир: 16-қайднома ҳар ойда очилади. Ушбу

қайдномани очишда унга ўтган ойдаги қайдномага оид тўланмаган тўловларнинг ой бошидаги қолдиғи кўчириб ўтказилади. Шундан сўнг жўнатиш ва тўлов ҳужжатлари асосида жорий ойга доир ёзувлар қайд этилади. Банк кўчирмаларининг келиб тушишига қараб қайдноманинг тегишли устунларида тўловномалар тўлангани ҳақида тегишли ёзув қайд этилади. Унда тушум санаси, суммаси ва қайси счётга ўтказилгани ёки ҳисоблашиш қайси йўл билан амалга оширилгани кўрсатилади. Шу билан 2-бўлим якунланади.

16. "Тайёр маҳсулотларнинг ҳаракати, уларни жўнатиш ва сотишни ҳисобга олиш" қайдномасининг 3-бўлими "Тўланган ва тўланмаган счётлар ҳақида умумий маълумотлар" деб номланади. Унда жўнатилган ва сотилган маҳсулотлар тўғрисида умумий маълумотлар кўрсатилади.

Ушбу қайдноманинг 4-бўлимида солиқ юзасидан солиқ муассасалари билан ҳисоблашишга доир маълумотлар акс эттирилади.

Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси

2810-"Омбордаги тайёр маҳсулотлар" ва 2820-"Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар" счётлари.

Счётларнинг кредитидан		**Счётларнинг дебетига**	
Дебет			**Кредит**
C-N			
2010-	Асосий ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот кирим қилинди	Тайёр маҳсулотларнинг молиявий қўйилма сифатида берилиши	-0610 (9110)
2310-	Ёрдамчи ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот кирим қилинди	Тайёр маҳсулотларнинг материаллар таркибига киритилиши	-1010
2320-	Хизмат кўрсатувчи тармоқлардан тайёр маҳсулот кирим қилинди	Асосий ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжи учун сарфланиши	-2010
2820-	Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар омборга кирим қилинди	Ёрдамчи цехларга ишлов бериш учун берилиши	-2310
6110-	Мустақил балансдаги бўлинмалардан тайёр маҳсулотларнинг олиниши	Умумишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ишлатилиши	-2510
4710-	Таъсисчилар томонидан баъдал сифатида берилиши	Яроқсиз деб топилган маҳсулотларга ишлов бериш учун сарфланиши	
9370-	Омбордаги тайёр маҳсулотлар баҳосининг оширилиши	Кўргазмага қўйиш учун берилиши	-2820

Счётларнинг кредитидан		Счётларнинг дебетига	
Дебет			Кредит
9380-	Текинга олинган тайёр маҳсулотларнинг қиймати акс эттирилди	Келгуси давр сарфлари учун ишлатилиши	-3190
9390-	Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча тайёр маҳсулотларнинг кирим қилиниши	Мустақил балансдаги ички бўлинмаларга берилиши	-4110
		Инвентаризация натижасида аниқланган камомаднинг жавобгар шахс зиммасига олиб борилиши	-4630
		Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар хисобига берилиши	-5800 (9110)
		Сотилган тайёр маҳсулотнинг қийматининг хисобдан чиқарилиши	-9110
		Умумхўжаликнинг эхтиёжи учун ишлатилиши	-9429
		Инвентаризация натижасида аниқланган камомад суммасининг меъёрдаги қисмини хисобдан чиқариш	-9433
		Омбордаги тайёр маҳсулотларнинг қийматини арзонлаштириш	-9435
		Хизмат кўрсатувчи тармоқларга тайёр маҳсулотларнинг берилиши	-9450 (4110)

Бухгалтерия ҳисобининг вазифаларидан бири даромад келтирмайдиган харажатлар, яроқсиз маҳсулотлар, бекор туриб қолишлар, камомад ва моддий бойликларнинг бузилишидан кўриладиган йўқотишларни ўз вақтида топиш ва аниқлашдан иборатдир. Бундай маълумотлар субъект маблағларининг самарасиз сарфланиши сабаблари ва айбдорларини билиб олишга имкон беради.

Ўз сифати жиҳатидан белгиланган стандартлар ёки техник шартларга мос келмайдиган, асосий мақсади бўйича фойдаланиб бўлмайдиган ёки яроқсиз маҳсулотни тузатиш учун қўшимча чиқимлар қилингандан сўнг фойдаланса бўладиган маҳсулотлар, ярим тайёр маҳсулотлар, деталлар, узеллар ва ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар ҳисобланади.

Яроқсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш ресурсларининг самарасиз чиқимларини ташкил қилади. У яроқли маҳсулот ишлаб

чиқаришнинг ҳажмини камайтиради ва унинг таннархини оширади.

Маҳсулотни техник қабул қилишда аниқланган нуқсоннинг даражасига қараб, яроқсиз маҳсулотлар тузатса бўладиган ва тузатиб бўлмайдиган турларга ажратилади. Тузатиш учун қўшимча чиқимлар қилинганидан сўнг ўз жойида фойдаланиш мумкин бўлган маҳсулот тузатса бўладиган яроқсиз маҳсулотлар жумласига киради. Тузатишнинг техник жиҳатдан имкони йўқ ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган маҳсулотлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва ишлар тузатиб бўлмайдиган яроқсиз маҳсулотлар ҳисобланади.

Аниқлаш жойига қараб яроқсиз маҳсулотни маҳсулотни тайёрлаган субъектда аниқланган - ички, яъни маҳсулотга ишлов бериш, уни йиғиш, монтаж қилиш ёки ишлатиш жараёнида аниқланган ва харидор томонидан аниқланган - ташқи хилларга бўлинади.

Яроқсиз маҳсулотни қабул қилиш жараёнида техник назорат бўлими назоратчиси ёки ишлаб чиқаришдаги усталар аниқлайди. Яроқсиз маҳсулот далолатнома билан расмийлаштирилади, унда яроқсиз деб топилган маҳсулотнинг номи, миқдори, яроқсизлик даражаси, пайдо бўлиш сабаблари ва айбдорлари, шунингдек яроқсиз маҳсулотнинг таннархини моддалар бўйича калькуляциялаш учун зарур маълумотлар кўрсатилади.

Яроқсиз маҳсулотни (келгусида брак) баҳолаш, калькуляциялаш, унинг ўрнини қоплаш суммасини ва ундан кўриладиган йўқотишларни аниқлаш учун 2610-"Ишлаб чиқаришдаги (брак) яроқсиз маҳсулотлар" актив калькуляциялаш счёти қўлланилади. Бу счётнинг дебет томонида узилкесил брак қилинган маҳсулотнинг таннархи, бракни тузатиш учун сарфланган харажатлар, яъни брак қилинган буюмларнинг таннархи ёки сарфланадиган харажатлар, белгиланган меъёрларга қўшимча равишда жиҳозларни созлашда ишдан чиққан материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг қиймати, фойдаланиш кафолати билан чиқарилган маҳсулотни тузатиш учун белгиланган кафолатли тузатиш меъёридан ортиқча сарфланган харажатлар акс эттирилган бўлади.

Ички узил-кесил брак ишлаб чиқариш таннархи бўйича, тузатса бўладиган брак эса цех таннархи бўйича калькуляция қилинади.

2610-"Ишлаб чиқаришдаги брак" счётининг кредит томони бўйича брақдан йўқотишларнинг ўрнини қоплаш суммалари: айбдорларнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолишлар, узил-кесил брақдан олинган чиқиндиларнинг фойдаланиш мумкин бўлган нархи бўйича қиймати, маҳсулот етказиб берувчилар ва брақнинг келиб чиқишига айбдор бўлган бошқа субъектлар томонидан қондирилган ёки тан олинган даво суммалари ҳисобга олинади.

Бекор туриб қолишлар деганда жиҳозлар, цехлар ёки бутун ишлаб чиқаришнинг режалаштирилмаган тўхташи муносабати билан механизмлар ва ишчи кучининг ноилож ишламаслиги тушунилади.

Бекор туриб қолишлар улар ҳақидаги варақлар ёки далолатномалар билан расмийлаштирилади. Унда ишчиларнинг исми-шарифи ва табель рақами, ишламай турган станокларнинг хили ва инвентарь рақамлари, бекор туриб қолишнинг бошланиши ва тугаш вақти, субъектда ишлаб чиқилган номенклатурага мувофиқ унинг сабаблари ва айбдорларнинг кодлари кўрсатилади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган бекор туриб қолишлар ва бошқа самарасиз харажатларо улар ишлаб чиқаришнинг қайси босқичида юз бергани ва бунга сабаб нима эканига қараб 2510-"Умумишлабчиқариш харажатлари" ва 9400-давр сарфларини ҳисобга олувчи счётлар гуруҳидаги 9439-"Бошқа муомалавий сарфлар" счётида ҳисобга олинади.

Бекор туриб қолишдан йўқотишларга ишлаб чиқаришдаги ишчиларга бекор турилган вақт учун тўланадиган меҳнат ҳақи, ижтимоий суғуртага ажратмалар, ишлаб чиқариш тўхтатилган даврда самарасиз сарфланган материаллар, ёқилғи, энергия қиймати, машиналар ва жиҳозларни асраш ва улардан фойдаланиш харажатларининг бир қисми қўшилади. Ташқи сабаблар туфайли ҳосил бўладиган бундай харажатлар давр харажатлари таркибида (9439), ички сабаблар туфайли вужудга келганлари эса умумий ишлаб чиқариш чиқимлари (2510) таркибида ҳисобга олинади.

Бекор туриб қолишларни ҳисобга олиш бўйича бухгалтерия ўтказмалари қуйидагича бўлади. Ички сабаблар билан бекор туриб қолишлар бўйича.

2510-"Умумишлаб чиқариш харажатлари" ёки 9439-"Бошқа муомалавий сарфлар" счётининг дебети, 1000-"Материаллар" счётларининг, 6520-"Ижтимоий суғурта бўйича

ҳисоблашишлар", 6710-"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоблашишлар" ва бошқа тегишли счётларнинг кредитида қайд қилинади.

Ташқи сабаблар туфайли бекор туриб қолишдан йўқотишларнинг ўрнини қоплаш юзасидан маҳсулот етказиб берувчилар ва бошқа айбдорларга даъволар топширилганда тан олинган ёки тўланган даъволар суммасига қуйидаги ўтказмалар тузилади:

4210-"Даъволар бўйича олинадиган тўловлар" счётининг дебети ва 2510-"Умумишлабчиқариш харажатлари" счёти ёки 9439-"Бошқа муомалавий сарфлар" счётининг кредити.

2600-«Ишлаб чиқаришдан олинган фойдаланишга яроқсиз маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётнинг чизмаси»

2610-«Ишлаб чиқаришдан олинган яроқсиз (брак) маҳсулотлар»

Счётларнинг кредитидан **Дебет**		**Счётларнинг дебетига** **Кредит**
С-N		
1010- 1050, 1090-	Яроқсиз маҳсулотларни тузатиш учун ҳом-ашё ва материалларнинг сарфланиши	Яроқсиз маҳсулотларни ҳисобдан чиқариш натижасида фойдаланиш мумкин бўлган баҳода материалларни қабул қилиш -1010
2010, 2310-	Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда аниқланган яроқсиз маҳсулотларнинг ҳисобдан чиқарилиши	Яроқсиз маҳсулотларни ҳисобдан чиқариш натижасида фойдаланиш мумкин бўлган баҳода АТБ қабул қилиш -1210
2110-	ўзининг ишлаб чиқаришидаги яроқсиз яримфабрикатларнинг ҳисобдан чиқарилиши	Яроқсиз маҳсулотлар қийматининг асосий ишлаб чиқариш сарфларига қўшилиши -2010
2510-	Тузатиладиган ва тузатилмайдиган яроқсиз маҳсулотларнинг таннархига умум ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли улушини олиб бориш	Яроқсиз маҳсулотлар қийматининг ёрдамчи ишлаб чиқариш сарфларига қўшилиши -2320
2810-	Харидорларга яроқсиз деб топилган маҳсулотни бериш натижасида унинг таннархини акс эттириш	Яроқсиз маҳсулотларнинг қийматини жавобгар шахсларнинг зиммасига олиб бориш -4630
5110, 5210, 5220,	Ҳисоблашиш, валюта ва бошқа счётлардан яроқсиз маҳсулотларни	Яроқсиз маҳсулотнинг қийматини жавобгар шахс-ишчининг меҳнат ҳақидан -6710

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
5510, 5520-	ташиш, алмаштириш сарфларининг тўланиши	ушлаб қолиш	
6010-	Яроқсиз маҳсулотларни тузатиш ва кафолатли таъмирлаш сарфлари юзасидан мол етказиб берувчиларнинг счётини тўлашга қабул қилиш	Олдинги йилларда содир бўлган ва қопланмаган яроқсиз маҳсулотларнинг қийматини зарарга қабул қилиш	-9439
6530-	Маҳсулотнинг яроқсизлиги билан боғлиқ бюджетдан ташқари жамғармаларга бериладиган бадаллар суммаси		
6710-	Яроқсиз маҳсулотларни тузатган ишчиларга меҳнат ҳақининг ҳисобланиши		
6520-	Ҳисобланган меҳнат ҳақига нисбатан ижтимоий суғуртага ажратмалар		
4420- 4490, 6870-	Яроқсиз маҳсулотларни истеъмолчилардан олиб келиш сарфларининг ҳисобдор шахслар томонидан амалга оширилиши		

Маҳсулотнинг сотилиши субъект фаолиятининг асосий салмоқли кўрсаткичи ҳисобланади. Сотиш жараёни маҳсулот (иш, хизмат)ларни жўнатиш ва сотишга доир хўжалик муомалаларининг яхлитлиги билан боғлиқдир.

Амалдаги қоидага мувофиқ 1 январ 1998 йилдан қабул қилинган ҳисоблаш усулига мувофиқ маҳсулотлар (иш, хизматлар) жўнатилган сана ёки банкка тўлов-ҳисоблашиш ҳужжатларини тақдим этган кун сотув амалга оширилган сана деб ҳисобланади. Лекин халқаро стандарт бўйича касса усули, яъни сотилган маҳсулот, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматлар учун харидорлардан маблағларнинг келиб тушиши санаси ҳам тавсия қилинади.

9100-Сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси.

9110-"Сотилган маҳсулотларнинг таннархи"

9120-"Сотилган товарларнинг таннархи"

9130-"Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи"

9140-"Товар-моддий захираларни сотиб олиш" (даврий усулда)

9150-"Товар-моддий захираларнинг баҳосини муқобиллаштириш" (даврий ҳисоб усулида)

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
1000-	Инвентаризация якуни натижасида ТМЗ кўпайиши	Материалларнинг камайиши	-1000
2010-	Инвентаризация натижасида тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ўсиши	Устиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг камайиши	-1100
2010-	Асосий ишлаб чиқариш хизматларининг сотилиши	АТБ камайиши	-1200
2010-	Ишларнинг тугатилган босқичлари бўйича ҳисобдан чиқарилиши	Тугалланмаган ишлаб чиқариш суммасининг камайиши	-2010
2310-	Ёрдамчи ишлаб чиқариш хизматларининг сотилиши	Тайёр маҳсулотларнинг камайиши	-2810
2810-	Тайёр маҳсулотларнинг харидор ва буюртмачиларга жўнатиш натижасида таннархини ҳисобдан чиқариш	Товарларнинг камайиши	-2910
2810-	Тайёр маҳсулотларнинг узоқ муддатли инвестиция учун берилиши	ТМЗ сотиб олиш счётининг ёпилиши	-9900
2810-	Бошқа бўлинма ва субъектларга текинга берилиши	ТМЗ баҳосини муқобиллаштириш счётининг ёпилиши	-9900
2810-	Тайёр маҳсулотларни қисқа муддатли инвестиция учун бериш		
2810-	Тайёр маҳсулотларнинг ўсиши		
2910-	Товарларнинг сотилиши натижасида таннархини акс эттириш		
2910-	Товарларни узоқ муддатли инвестиция ҳисобига бериш		
2910-	Товарларни қисқа муддатли инвестиция ҳисобига бериш		
2910-	Товарларни ички бўлинма ва субъектларга текинга бериш		
2910-	Товарларнинг ўсиши		
5000, 6010-	ТМЗ олиш		

Субъектларда маҳсулот ва товарларни сотиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишга доир ахборотларни умумлаштириш, шунингдек сотув натижаларини аниқлаш учун счётлар режасида 9910-"Якуний молиявий натижалар" жамлама счёти кўзда тутилган.

9910-"Якуний молиявий натижалар" счётининг дебетида сотилган ёки жўнатилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи, маҳсулотни сотиш харажатлари, маҳсулот нархига устама равишда тўланадиган идиш баҳоси, қўшилган қиймат солиғи суммаси, акциз ва божхона солиқлари суммаси акс эттирилади. Ушбу суммалар асосан 9110-"Сотилган маҳсулотларнинг таннархи", 9410 ва бошқа счётларнинг кредитидан олинади.

9910-"Якуний молиявий натижалар" счётининг кредитида сотилган ёки жўнатилган маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) учун тўлов ҳужжатлари бўйича кўрсатилган суммалар ёки кўрсатилган хизматлар учун харидорлардан олинадиган суммалар (4010) ва банк счётларига ётказилган суммалар қайд қилинади. Ушбу суммалар тегишли 9010-"Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган даромадлар" ва 9030-"Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар" счётларининг дебетидан олинади.

Маҳсулот жўнатилганидан ёки сотилганидан сўнг ва тўлов ҳужжатлари кўрсатилганидан кейин субъектнинг бухгалтериясида қуйидаги ёзувлар қайд этилади:

Сотув нархларининг қиймати миқдорига:

– 4010-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счётининг дебети;

– 9010-"Маҳсулотларнинг сотилишидан олинган даромадлар" счётининг кредити;

Бир вақтнинг ўзида:

– 9110-"Сотилган маҳсулотларнинг таннархи" счётининг дебети ва

– 2810-"Тайёр маҳсулот" счётининг кредити ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи миқдорига.

Маҳсулотларни жўнатиш ва сотиш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)нинг ҳисоби 11-журнал-ордерда юритилади. Мазкур журнал-ордер 2800-"Тайёр маҳсулотлар", 2910-"Товарлар", 9110-"Сотилган маҳсулотларнинг таннархи", 9130-"Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи", 4010-"харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган тўловлар"

счётларининг кредитига оид муомалалар ҳамда 9010, 9030 ва 9110 счётларининг аналитик маълумотларини акс эттиришга мўлжалланган.

11-журнал-ордер ва 15,16-қайдномалар аналитик маълумотлар асосида юритилади. 9110, 9130 ва 9010, 9030 счётларининг аналитик маълумотлари ҳақиқий таннарх, ҳисоб нархлари, тақдим этилган тўловнома ёки унинг нархини кўрсатиб ўрнини босувчи ҳужжатга доир сумма, шунингдек ҳисобот ойи муомалалари ҳамда йил бошидан бери амалга оширилган ҳажми бўйича солиқ суммалари ҳам 11-журнал-ордерда келтирилади.

9010, 9030 ва 9110, 9130 счётларининг аналитик ҳисоби сотилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ҳар бир тури бўйича айрим олган ҳолда юритилади.

Сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш учун дастлаб 11-журнал-ордерда йил бошидан бери жўнатилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи муомаласи унинг тақдим этилган тўловномалар (ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар) бўйича қийматига фоиз нисбати белгиланади. Олинган фоиз билан ой якуни ҳолатига кўра ҳали тўланмаган, лекин жўнатилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи аниқланади. Бунинг учун ой якуни ҳолатига кўра ҳали тўланмаган барча тўловномаларнинг сотув қиймати ушбу фоиз нисбатига кўпайтирилади. Сотилган маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) ва харидорларга жўнатиш харажатларининг ҳақиқий таннархга уларни ҳисобот ойида жўнатиш қиймати (қайтарилган маҳсулот суммаси бунга кирмайди) қўшилади ва ундан ой охиридаги қолдиғи айириб ташланади.

11-журнал-ордерда шунингдек, яроқсизлиги учун харидорлар томонидан қайтарилган маҳсулотларга доир муомалалар ҳам акс эттирилади. Агар маҳсулот унинг қиймати тўлангунга қадар қайтарилса, ҳисобда қуйидаги ёзувлар қайд этилади:

– сотув нархи қиймати миқдорига:

9040-"Сотилган маҳсулотларнинг қайтарилиши" счётининг дебети;

4010-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган тўловлар" счётининг кредити;

– маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ҳақиқий таннархи миқдорига:

2810-"Тайёр маҳсулот" счётининг дебети;

9110-"Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннархи" счётининг кредити;

– фойда ёки зарар суммаларининг ҳажми эса 9910-"Якуний молиявий натижалар" счётида аниқланади:

9010-"Сотилган маҳсулот (иш, хизматлардан олинган даромадлар" счётининг дебети;

9910-"Якуний молиявий натижалар" счётининг кредити;

9910-"Якуний молиявий натижа" счётининг дебети;

9040-"Сотилган маҳсулотларнинг қайтарилиши" счётининг кредити;

9110-"Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннархи" счётининг кредитидан 9910-"Якуний молиявий натижа" счётининг дебетига ўтказилади.

Ҳақиқий таннарх миқдорига:

2810-"Омбордаги тайёр маҳсулотлар" счётининг дебети, 2010-"Асосий ишлаб чиқариш" счёти кредити ва 9110-"Сотилган маҳсулотларнинг таннархи" счётининг дебетига 2810-"Омбордаги тайёр маҳсулотлар" счётининг кредитидан ўтказилади.

Агар маҳсулот ҳақи харидор томонидан тўланган бўлса, бу ҳолда санаб ўтилган бухгалтерия ёзувларидан ташқари келиб тушган пул маблағлари суммасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

6310-"Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар" счётининг дебети ва 4010-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган тўловлар" счётининг кредити ва қолган сумма 5010, 5110 ёки 5210 счётларининг дебетида ва 4010 счётининг кредитига қайд қилинади.

Харидорлар томонидан қайтарилган яроқсиз маҳсулот қуйидагича расмийлаштирилади:

2610-"Ишлаб чиқаришдаги брак" счётининг дебети ва 6860-"Даъволар бўйича тўланадиган тўловлар" счётининг кредити.

Маҳсулотни харидорга ўз ҳисобидан етказиб беришга доир транспорт харажатлари учун қуйидаги ўтказма амалга оширилади:

9410-"Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ сарфлар" счётининг дебети ва 2310-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш" счётининг кредити.

Брак маҳсулотининг харидор томонидан етказиб берилишига доир транспорт харажатлари қуйидагича акс эттирилади:

2610-"Ишлаб чиқаришдаги брак" счётининг дебети;

5110-"Пул маблағлари" счётининг кредити.

Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилишининг молиявий натижаси 9910-"Якуний молиявий натижалар" счётининг кредити ва дебети жамламаларини таққослаш йўли билан аниқланади. Агар 9910-счётнинг кредит томонидаги жамламаси дебет томонидаги жамламасига қараганда юқорироқ бўлса, бу ҳолда субъект фойда олган ҳисобланади ва ойнинг жамлама счётида тўлалигича ҳисоблаб чиқарилади ҳамда бу ҳолда маълумотлар 15-журнал-ордерда қайд қилинади.

Агар 9910-счётнинг кредитдаги жамлама суммаси дебетидаги жамлама суммасидан кам бўлса, у ҳолда субъект зарар кўрган бўлади ҳамда 11-журнал-ордерда қайд қилинади.

Маҳсулотни сотиш харажатларига қуйидагилар киради:

– маҳсулотнинг жўнатилишини ташкил этиш (маркетинг муомалалари)га доир харажатлар;

– тайёр маҳсулотлар омборидаги маҳсулотнинг идиши ва уни ўраб-боғлаш харажатлари;

– маҳсулотни етказиб берувчи ҳисобидан у жўнатиладиган станция (порт)га етказиб бериш, вагонлар, кемалар, автомобиллар ва бошқа транспорт воситаларига юклаш харажатлари;

– маҳсулотни жўнатиш ва бошқа воситачилик йиғимлари (ажратмалари)ни тўлаш харажатлари;

– маҳсулотни сотиш жойидаги улар сақланадиган бинолар-нинг қарови ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида сотувчилар-нинг меҳнатига ҳақ тўлашга доир харажатлар;

– реклама харажатлари;

– бошқа, юқорида қайд қилинган харажатлардан ташқари мақсадли харажатлар.

Маҳсулотни ўраб-боғлаш ва сақлашга оид харажатлар харидорлар томонидан сарфланса сотув харажатларига киритилмайди.

Омбордаги тайёр маҳсулотларни харидорларга сотиш субъектнинг маркетинг бўлими томонидан амалга оширилади. Ушбу жараённи амалга ошириш учун харидорлар билан олдиндан тузилган шартномалар ва жўнатиш графигига асосан субъект раҳбарининг буйруғи чиқарилади ёки маҳаллий истеъмолчиларга юк хатига асосан сотилади. Субъектнинг молия бўлими ёки бухгалтерия харидор-субъектнинг номига счёт ёки тўлов-

талабнома ҳужжатини ёзиб, товар сотувчи субъектга хизмат кўрсатадиган банкка топширади.

Тўлов-талабнома мол етказиб берувчининг счёт-фактурага мос равишда ортиб жўнатилган маҳсулот қиймати учун харидорнинг ҳисоблашиш рақамидан маблағни ўтказиб бериши тўғрисида банкка берган буйруғидир. Унда ортиб жўнатилган маҳсулот қиймати ва сотиш баҳоси, миқдори ва ассортименти қайд қилинади.

Франко-омбор мол етказиб берувчининг омбори.

Ушбу тартибда маҳсулотни ортиб-жўнатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни харидор ўз зиммасига олади ва тўлов талабномасида кўрсатилмайди. Бу сарфлар маҳсулотларни юклаш, бекатга олиб бориш, темирйўл тарифи ва маҳсулотни вагонга ортиш харажатларининг йиғиндисидан иборат.

Маҳсулот омбордан харидор-субъектнинг вакилига берилган ишончномаси асосида жўнатилади ва товар транспорт юкхати ҳужжати билан расмийлаштирилади. Маҳсулот жўнатилгандан сўнг сотилган маҳсулот қиймати 2810-"Омбордаги тайёр маҳсулотлар" счётининг кредитидан 9110-"Сотилган маҳсулотларнинг таннархи" счётининг дебетига ёзилади ва шу вақтда 4010-"харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар"нинг дебети ва 9010-"Сотилган маҳсулотлардан олинган даромадлар" счётининг кредитида қайд қилинади.

4000-Олинадиган счёт(тўлов)ларни ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси

4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счёт(тўлов)лар"

4020-"Олинадиган васиқаларнинг жорий қисми"

Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ харажатларга доир ахборотлар 9400-"Давр харажатлари" счётларининг 9410-"Сотиш билан боғлиқ сарфлар" счётларида тўпланади. Маҳсулотни жўнатиш ва сотишга доир барча харажатлар кўрсатиб ўтилган номенклатурага мувофиқ равишда 9400-"Давр харажатлари" счётлари гуруҳига кирувчи 9410 счётларининг дебетида кўрсатилади.

Ҳар бир ҳисобот давринг охирида 9410-"Сотиш билан боғлиқ сарфлар" счётидаги сумма 9910-"Якуний молиявий натижалар" счётининг дебет томонига ўтказилади.

Счётларнинг кредитига Дебет		Счётларнинг дебетидан Кредит	
С-N			
0910-	Олинган васиқаларнинг жорий қисмга ўтказилиши	Ҳаридорлардан васиқа олиш	-4020
6940, 7690-	Қисқа ва узоқ муддатли қарз ўрнига васиқаларнинг олиниши	Ҳаридорлар томонидан билдирилган даъвонинг қабул қилиниши	-4210
9010- 9030-	Ҳаридор ва буюртмачиларга тақдим этилган счётлар бўйича сотилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат бўйича олинадиган даромадларнинг акс эттирилиши	Шубхали қарзлар бўйича захираларнинг яратилиши	-4910
9210-	Асосий воситаларни сотиш натижасида харидорларнинг қарзи	Ҳаридорлар ва буюртмачилар томонидан сотиб олинган маҳсулотларнинг қийматини тўланиши	- 5010, 5020, 5110, 5210, 5220
9220-	Бошқа активларни сотиш натижасида харидорларнинг қарзи	Олинган васиқалар юзасидан фоизларнинг тўланиши	- 5010, 5020, 5110, 5210, 5220
		Мол етказиб берувичлар ва харидорлар ўртасидаги қарзнинг ўзаро сўндирилиши	- 6010, 6020, 7010, 7020
		Тўлиқ ҳисоблашишда олинган бўнак суммасининг чегирилиши	-7310
		Қопланмаган қарзларнинг зарарга ўтказилиши	-9439

Маҳсулотни сотиш харажатларининг ҳисобини юритиш учун субъектнинг бухгалтериясида қуйидаги ёзувлар қайд қилиб борилади:

Тайёр маҳсулот омборидаги идиш ва ўраб-боғлаш материаллари қийматига:

9413-"Идиш сарфлари" счётининг дебетига;

1070-"Идиш ва идиш материаллари" счётининг кредитидан.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш ва маҳсулотни ўраб-боғлаш ҳамда жўнатиш бўлинмаларига хизмат кўрсатиш цехлари томонидан кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннархи миқдорига:

9410-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш билан боғлиқ сарфлар" (9411 ва 9413) счётининг дебетига;

2300-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш" счётларининг кредитидан.

Тижорат харажатлари қаторига ўтказиладиган ишлар ва хизматларга касса орқали ҳақ тўлашга:

9410-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш билан боғлиқ сарфлар" счётининг (9419 счёти) дебетига;

5010-"Кассадаги миллий валютадаги маблағлар" счётининг кредитидан.

Тижорат хизматлари (реклама, сотишга ёрдам бериш ва бошқа)нинг ҳақиқий қиймати миқдорига:

9412-"Реклама ва сотишга ёрдам бериш сарфлари" счётининг дебетига ва

6010-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қарзлар" счётининг кредитига;

Ходимларга юклаш ва тушириш ишлари учун ҳақ ҳисобланганда:

9411-"Сотиш ва ташиш сарфлари" счётининг дебетига ва

6710-"Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ходимларга бўлган қарзлар" счётининг кредитига;

Ижтимоий суғурта жамғармасига ажратмалар ўтказишга:

9415-"Меҳнат ҳақи жамғармасидан ажратмалар" счётининг дебети ва

6520-"Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар" счётининг кредитига;

Ҳисобдор шахслар томонидан тўланган тайёр маҳсулотларни жўнатиш харажатларининг суммаси миқдорига:

9419-"Бошқа савдо сарфлари" счётининг дебетига

6870-"Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар" счётининг кредитидан.

9410-"Маҳсулот (иш, хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ харажатлар"нинг аналитик ҳисоби белгиланган номенклатурага мувофиқ 15-қайдномада юритилади. Ой якунида 9410 счётининг дебет томонида ҳисобга олинган суммалар 9910-"Якуний молиявий натижалар" счётига ҳисобдан чиқарилади.

9910-"Якуний молиявий натижалар" счётининг дебетига

9410-"Маҳсулотларни сотиш сарфлари" счётиларининг кредитидан.

Ушбу ўтказмалар 11-журнал-ордерда акс эттирилади.

9400-Давр сарфларини ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси

9410-"Сотиш билан боғлиқ сарфлар" счётлари

9411-"Сақлаш ва ташиш сарфлари"

9412-"Реклама ва сотишга ёрдам бериш сарфлари"
9413-"Ўраш (қадоқлаш), навларга ажратиш ва идиш сарфлари"
9414-"Меҳнатга ҳақ тўлаш сарфлари"
9415-"Меҳнат ҳақи жамғармасидан ажратмалар"
9419-"Бошқа савдо сарфлари"

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит
6710, 6520-	Тайёр маҳсулотлар ва товарларни юклаш, тушириш сарфларининг амалга оширилиши	Тайёр маҳсулотлар ва товарларни сотиш билан боғлиқ сарфларнинг якуний молиявий натижаларга ўтказилиши -9910
2310-	Тайёр маҳсулотлар ва товарларни *омборда* сақлаш сарфлари	
5010, 5110-	Тайёр маҳсулотлар ва товарларни ташвиқот қилиш учун сарфларнинг амалга оширилиши	
1000, 6710, 6520-	Ўраш (қадоқлаш), навларга ажратиш ва идиш сарфлари	
6710, 6520-	Сотувчилар, сотув билан боғлиқ ходимларга меҳнат ҳақи ва ажратмаларнинг ҳисобланиши	
5010, 5110, 5210-	Бошқа савдо сарфларининг амалга оширилиши	

Қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитаси 1997 йил 5 декабрда "Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида" йўриқномани ишлаб чиқди ва 1998 йил 1 январдан амалда қўллаш учун тавсия этди.

Йўриқнома, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексига мувофиқ Ўзбекистон ҳудудида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар қўшилган қиймат солиғини тўловчилар бўлиб ҳисобланади. Юридик шахслар деганда солиққа тортиш мақсадида мулкга эга бўлган корхона, бирлашма, ташкилотларнинг ҳамма турлари, хўжалик юритувчи ёки мулкни бошқарувчи, ушбу мулкга ўзининг мажбурияти бўйича жавоб берувчи ҳамда мустақил баланс ва ҳисоб счётига эга бўлган субъектлар тушунилади. Қўшилган қиймат солиғи 20% ставкада

тўланади. Бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғининг суммаси реализация қилинган товарлар, бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар учун ҳисобланган қўшилган қиймат солиғининг суммаси реализация қилинган товарлар, бажарилган ишларнинг суммасидан ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига қўшиладиган товарлар қиймати учун тўланиши керак бўлган солиқ суммасининг оширмасига тенг ва барча хўжалик юритувчи субъектларга тааллуқли.

Корхоналар қўшилган қиймат солиғини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ тўғри ҳисоблашга ва ўз вақтида тўлашга масъулдирлар. Қўшилган қиймат солиғининг синтетик ҳисоби 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" счётида қўшилган қиймат солиғи бўйича айрим аналитик счётда юритилади. Агарда субъектлар бюджет тўловлари юзасидан бўнаклар берилса ушбу суммалар 4510-"Солиқлар бўйича бўнак тўловлари" счётининг дебетида ва 5110-"Ҳисоблашиш" счётининг кредитида акс эттирилади.

Маҳсулотларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга доир даромадлар солиққа тортиш объекти ҳисобланади.

Солиққа тортиладиган даромадларга қуйидагилар киради:

– ўзи ишлаб чиқарган ёки четдан харид қилинган маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар;

– истеъмол қийматини қўшиш, шунингдек янги қиймат билан боғлиқ ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми;

– ўз истеъмоли учун субъект ичида сотилган товарлар ва кўрсатилган хизматларга доир харажатлар, уларнинг харажатлари маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннархига киритилмайди, шу жумладан, ўз ходимларига товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатишга доир ҳамда бошқа товарларни сотишга доир суммалар;

– бевосита пул тўловисиз, бошқа товарларга айрбошлаш учун жўнатилган товарларга доир суммалар;

– товарларни бошқа субъектлар ёки жисмоний шахсларга текинга ёки қисман ҳақ тўлаш эвазига беришга доир суммалар;

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида четдан келтирилган товарлар (ишлар, хизматлар) ва товарлар (ишлар, хизматлар)ни чет эл валютасига сотишга доир суммалар;

– субъектлар ўз харидорларига товарлар (ишлар, хизматлар) сотишда молиявий ёрдам шаклида оладиган ёки даромадни оширишга йўналтириладиган пул маблағларининг суммаси.

Қўшилган қиймат солиғи бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг сотиш нархига қўшилади. Бироқ харидорлардан уларга товарлар сотилганлиги учун ундирилган қўшилган қиймат солиғи билан қиймати ҳисобот даврида ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига киритилган моддий ресурслар, ишлар, хизматлар учун маҳсулот етказиб берувчиларга тўланган қўшилган қиймат солиғи ўртасидаги фарқ бюджетга ўтказилади. Унинг бухгалтерия ўтказмаси қуйидагича бўлади:

Сотилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат учун ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммаси миқдорига:

9110, 9130-"Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннархи" счётларининг дебети

6410-"Бюджетга тўловлар юзасидан қарзлар" счётининг кредити;

Ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғининг фарқи суммаси миқдорига (олдиндан бўнак тўланган бўлса):

6410-"Бюджет тўловлари юзасидан қарзлар" счётининг дебети

4510-"Солиқлар бўйича бўнак тўловлари" счётининг кредити;

Бюджетга ўтказиладиган қўшилган қиймат солиғи суммаси миқдорига:

6410-"Бюджетга тўловлар юаэсидан қарзлар" счётининг дебети ва

5110-"Ҳисоблашиш счёти" счётининг кредитида акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1998 йил 20 августда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби 2-сонли "Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар" Миллий стандартда асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадларни ҳисобга олишнинг тартиб қоидалари белгиланган.

Бухгалтерия ҳисобининг ушбу миллий стандарти "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни асосида ишлаб чиқилган бўлиб Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий жиҳатдан тартибга солиш тизимининг бир элементидир.

Хўжалик фаолиятидан тушадиган даромад асосий, муомалавий ва молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлардан иборат бўлади.

Ушбу стандартда даромад деганда хўжалик юритувчи субъектнинг оддий фаолияти давомида олинган даромадлар, шу жумладан маҳсулотни сотиш (ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш)дан олинган даромадлар, олинган фоизлар, дивидендлар, роялтилар ва бошқалар тушунилади.

Қуйидаги ҳоллар бажарилганда товарларни сотишдан тушган даромад деб тан олинади:

– хўжалик юритувчи субъект товарларга эгалик қилишнинг хатарлари ва афзалликларининг анча қисмини харидорга топширганда;

– хўжалик юритувчи субъект одатда мулкка эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган даражадаги раҳбарлик давомийлигини ҳам, сотилган товарларни назорат қилиш самарадорлигини ҳам сақлаб қолмаганда;

– даромад миқдори ишончли даражада баҳоланганда;

– хўжалик юритувчи субъект битим билан боғлиқ иқтисодий наф олиши эҳтимоли мавжуд бўлганда;

– битим билан боғлиқ сарфланган ёки сарфланиши кутилаётган харажатлар ишончли даражада аниқланадиган бўлганда.

Хизмат кўрсатишни ўз ичига оладиган битим натижаси аниқ белгиланадиган бўлса, шу битим билан боғлиқ даромад йиллик молиявий ҳисобот тузиш вақтида битимнинг бажарилиш босқичига қараб тан олинади.

Битим натижаси эса қуйидаги шартларни бажариш бўйича аниқ белгиланиши мумкин:

– даромаднинг миқдори аниқ баҳоланиши мумкин;

– хўжалик юритувчи субъектга битим билан боғлиқ даромадларнинг тушиш эҳтимоли мавжуд;

– бухгалтерия баланси ҳисобот давригача битимнинг тугалланиш босқичи юксак ишончлилик даражаси билан баҳоланади;

– битимни бажариш чоғида сарфланган харажатлар ва битимнинг ниҳоясига етишига доир харажатлар юксак ишончлилик даражаси билан баҳоланиши мумкин.

Харидорнинг илтимосига биноан маҳсулот етказиб бериш муддати узайтириладиган, айни пайтда харидор мулк эгаси ҳуқуқига эга бўлган ва ҳисоблашиш бўйича мажбурият қабул қилинадиган товарни етказиб беришни кечиктирувчи битим.

Харидор қуйидаги шартларда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини қабул қилиб олганда даромад тан олинади:

– маҳсулот етказиб берилганда;

– товар мавжуд ва сотиш эътироф этилган пайтда харидорга етказиб беришга тайёрлаб қўйилганда;

– харидор маҳсулот етказиб беришни кечиктириш шартларини алоҳида тарзда тасдиқлайди;

– қақ тўлашнинг оддий шартлари маъқул бўлади.

Товарни сотиб олиш муддаоси бўлса ёки уни вақтида етказиб бериш учун товар ишлаб чиқариш нияти бўлса, даромад тан олинмайди.

Қуйидаги шароитларда товарлар юклаб жўнатилади:

1. Ўрнатиш ва техника назорати;

Харидор етказиб берилган товарни қабул қилиб олганда, шунингдек жойлаш ва техника назорати ниҳоясига етишда даромад тан олинади. Бироқ қуйидаги ҳолларда харидор етказиб берилган товарни қабул қилиб олиши билан даромад тан олинади:

– ўрнатиш жараёни жуда содда;

– кўздан кечириш фақат шартнома нархларини аниқлаш учун.

2. Харидор товарни қайтариб бериш ҳуқуқи чекланган ҳақида огоҳлантирилган ҳолларда маъқуллаш.

Агар даромаднинг тушишида ноаниқлик мавжуд бўлса, харидор юкланган молни расмий равишда қабул қилишни эътироф этганда ёки товарлар етказиб берилган бўлиб, ундан бош тортиш муддати ўтганда даромадлар эътироф этилади.

3. Товарларни сотиб олувчи юкни жўнатувчи номидан товарни сотиш мажбуриятини оладиган консигнация савдоси.

Товарни олувчи уни учинчи томонга сотгандан сўнг юк жўнатувчи томонидан даромад тан олинади.

4. Етказиб бериш чоғида ҳақини тўлаш шарти билан сотиш.

Товар етказиб берган чоғда ёки сотувчи ёки унинг вакили пул маблағини олган пайтда даромад тан олинади.

Харидор ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш йўли билан узил-кесил ҳисоблашишни амалга оширган тақдирдагина товарни етказиб бериш бўйича тўлов шарти кечиктирилган савдо.

Савдо-сотиқнинг бундай шароитида товарлар етказиб берилгандан сўнг даромад тан олинади. Бироқ катта ҳажмдаги товарлар шу усулда сотилган тақдирда дастлабки тарзда тўланадиган ҳақнинг анчагина қисми тушганда ва омборда қолган товарлар харидорга сотилганда ва унга етказиб бериш учун тайёрлаб қўйилганда даромад тан олинади.

Шу пайтда нақд бўлмаган товарларни етказиб бериш учун бўнак сифатида ҳақ тўланган буюртмалар. Даромадлар товар харидорга етказиб берилган пайтда тан олинади.

Сотувчи шу товарларни ўзини анча кечроқ муддатда қайтадан сотиб олишга рози бўлган ёки сотувчи қайтариб сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган ёхуд харидор сотувчидан товарни

қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган савдо-сотиқ ва қайтадан сотиб олиш бўйича битимлар.

Сотувчи товарга эгалик қилиш хатари ва фойдасини харидорга топширилганлигини аниқлаш учун битим шартларини таҳлил этиш, бинобарин даромадни тан олиш учун битим шартларини таҳлил этиш йўли билан даромад эътироф этилади. Мулкка эгалик қилиш юридик ҳуқуқи топширилган бўлса ҳам мулкка эгалик қилиш хатари ва нафи сотувчида сақланиб қолса, бундай битим молиявий битим ҳисобланади ва даромадни тан олишга олиб келмайди.

Товарларни дистрибьютер, дилер ва бошқа қайтадан сотадиган воситачига сотишдан келадиган товарга эгалик қилиш билан боғлиқ хатар ва наф топширилган деб ҳисобланган тақдирдагина даромад тан олинади. Бироқ харидор фақат агент сифатида ҳаракат қилса, бундай савдо-сотиқ консигнацион савдо деб қаралади.

Даврий нашрлар ва шунга ўхшаш маҳсулотларга обуна бўлиш, мавжуд нашр ҳар бир муваққат даврда бир хил қийматини сақлаб қолса, шу нашрларни жўнатиш содир этилган даврга тўғри келадиган усул асосида даромад тан олинади. Агар нашр қиймати турли ҳисобот даврида турлича бўлса, умумий миқдорга киритилган барча товарларнинг баҳоланган умумий қийматига нисбатан жўнатилган нашр қиймати асосида даромад тан олинади.

Товар қийматини бўлиб-бўлиб тўланадиган насияга сотишда фоиздан ташқари сотиш нархига оид бўлган даромад шу сотиш вақтигача тан олинади. Муваққат фоиз ставкаси бўйича олиниши лозим бўлган қисман тўловларни дисконтлаш асосида савдо-сотиқ нархи аниқланади. Фоизларнинг ўзи эса муваққат фоиз ставкасини ҳисобга оладиган вақтинчалик нисбат асосида олинган сари даромад сифатида эътироф этилади.

Мулкка эгалик қилиш юридик ҳуқуқи харидорга ўтганда одатда даромад тан олинади. Лекин юридик қонунларга мувофиқ айрим ҳолларда мулкка эгалик қилиш юридик ҳуқуқи харидорга ўтмасдан олдин мулк улушининг фоизи харидорга берилиши мумкин, шу сабабли эгалик қилиш хатари ва нафи шу босқичда топширилади. Бундай ҳолларда битимни ниҳоясига етказиш юзасидан сотувчи кўп ҳаракат қилишига ҳожат қолмаган тақдирдагина даромадни тан олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам мулкка эгалик қилиш юридик ҳуқуқи ёки бу ҳуқуқнинг бир қисми белгилангандан

сўнг сотувчи кўп харажат қилишга мажбур бўлса, даромадлар ана шу харажатлар амалга оширилгандан кейин тан олинади.

Айрим ҳолларда кўчмас мулк сотувчининг иштироки ва хатар ҳамда мукофотни бермаслик шарти билан сотилиши мумкин. Бундай ҳолларда сотувчининг давом этаётган иштироки ва моҳиятининг даражаси битимнинг қандай ҳисобга олиниши лозимлигини кўрсатади. Уни мулкни сотиш сифатида ёки фойдани тўғрилаш тўғрисидаги бошқа бирор битим деб ҳисобга олинса, сотувчи иштирокининг давом этиши даромад тан олинишини кечиктириши мумкин.

Шунингдек, сотувчи ҳақ тўлаш воситасини ва харидорда ҳақ тўлашни ниҳоясига етказиш мажбуриятлари мавжудлигини ҳисобга олиши лозим.

Тайёр маҳсулотларнинг сотилишини назорат қилиш учун 9000-"Асосий муомалавий фаолиятдан олинган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар" қўлланилиб унда қуйидаги счётлар мавжуд:

– 9010-"Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар";

– 9020-"Товарларни сотишдан олинган даромадлар";

– 9030-"Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар";

– 9040-"Сотилган товарларнинг қайтарилиши ва чегирмалар".

Ушбу счётларда сотилган маҳсулотлар ва товарлардан олинган даромадлар қайд қилиб борилади: дебет 4000-"Олинадиган счётлар" туркумидаги счётлар ва кредит 9000-"Олинган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар".

9000-Асосий (муомалавий) фаолиятдан олинган даромадларни ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси

9010-"Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар"

9020-"Товарларни сотишдан олинган даромадлар"

9030-"Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар"

9040-"Сотилган товарларнинг қайтарилиши"

9050-"Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар"

Маҳсулот етказиб бериш режасининг бажарилишини тезкор ҳисобга олиш, ахборот тўплаш ва жўнатиш жараёнларини бошқариш, турли истеъмолчиларга йил давомида маҳсулот сотиш учун жуда зарурдир. У харидорлар ва сотилаётган маҳсулот номенклатураси бўйича тузиладиган, тайёр маҳсулотни жўнатиш ва сотиш қайдномалари бўйича юритилади.

Счётларнинг кредитига Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
4010, 4110-	Кредит (қарз)га сотилган маҳсулот ва товарларнинг харидорлар ва буюртмачилар томонидан қайтарилиши	Тайёр маҳсулотлар ва товарларнинг узоқ муддатли инвестиция шаклида берилиши	-0610
4010, 4110-	Сотилган маҳсулотлар ва товарлар бўйича харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар	Капитал қўйилмага бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг даромад сифатида акс эттирилиши	-0800
9910-	Ҳисобот давринининг охирида даромадлар счётининг ёпилиши	Ёрдамчи ишлаб чиқаришга кўрсатилган хизматларнинг даромад сифатида акс эттирилиши	-2320
		Умум ишлаб чиқариш бўлимига кўрсатилган хизматларнинг даромад сифатида акс эттирилиши	-2510
		ТМЗ, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисобланган даромадлар	-4010
		Маҳсулот, иш ва хизматларни ўзининг бўлинмаларига сотишдан олинадиган даромадлар	-4110
		Консигнация муомаласи бўйича олинган даромадлар	-4890
		Маҳсулот, иш ва хизматларни нақд пулга сотишдан олинган даромадлар	- 5010, 5020
		Қайта ҳисоблаш натижасида харидор ва буюртмачилардан қўшимча олинган суммалар	-5110
		Маҳсулот ва товарларни қисқа муддатли инвестиция кўринишида бериш	-5800
		Муддати узайтирилган даромадларни (бўнак тўлови тартибида) сотиш ҳажмига қўшиш	-6210
		Тайёр маҳсулотларни ва товарларни етказиб бериш учун харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	-6310
		Маҳсулот ва товарларни сотишда қатнашган субъектларга ҳисобланган дивидендлар	-6710
		Хўжаликнинг фаолиятида қатнашган субъектларга	-6710

Счётларнинг кредитига Дебет	Счётларнинг дебетига Кредит
	ҳисобланган дивидендлар
	Маҳсулотлар ва товарларни сотиш учун кўрсатилган хизматларнинг қиймати -9410
	Умум хўжалик фаолияти учун кўрсатилган хизматларнинг қиймати -9420
	Хизмат кўрсатувчи тармоқлар учун сарфланган маҳсулотлар, бажарилган ишларнинг қиймати -9450
	Сотилган маҳсулотлар, товарларнинг қайтарилиши ва харидорларга берилган чегирмалар -9910

Ҳисобот маълумотларида кўрсатилган тайёр маҳсулотнинг амалда омборда мавжуд бўлган тайёр маҳсулотга мувофиқ келиши тайёр маҳсулотни инвентаризация қилиш асосида аниқланади.

Маҳсулот етказиб бериш режасининг бажарилишини ҳисобга олиш тезкор ҳисобга олишнинг махсус регистрида юритилади.

Мазкур регистр асосида тайёр маҳсулотни белгиланган ҳажмда етказиб бермаслик ёки тўловнинг кечиктирилиши сабаблари аниқланади ва тегишли чора-тадбирлар кўрилади.

Тайёр маҳсулотни инвентаризациядан (йўқламадан) ўтказиш тартиби айланма маблағларнинг таркибига кирувчи бошқа моддий бойликларни инвентаризация қилиш тартиби билан бир хил. Баъзи фарқлари шундан иборатки, тайёр маҳсулотлар қатор ҳолатларда нафақат ўзининг омборларида, балки цехларнинг омборларида ва маҳсулотларни сотиб берувчи субъектларнинг омборларида жавобгарлик асосида сақланади. Бухгалтерия ҳисобида ва инвентаризация руйхатларида улар яхлит ҳолда акс эттирилади. Тайёр маҳсулотларнинг ҳаракати жадал равишда рўй беради, шунинг учун тайёр маҳсулотларнинг инвентаризациясини имкони борича қисқа муддатларда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Инвентаризация жараёнида тайёр маҳсулотларни қайта ҳисоблаш, ўлчаш ва тортиб кўриш йўли билангина эмас, балки уларнинг бутлиги, нави ва бошқа сифат тавсиялари ҳам текширилади.

Инвентаризация рўйхатларида моддий бойликларнинг коди, номи, миқдоридан ташқари уларнинг номенклатура рақами, маркаси (русуми) ва нави ҳамда бошқа алоҳида белгилари ҳам кўрсатилади.

Туриб қолган ва қиммати тўлиқ бўлмаган маҳсулотлар учун алоҳида рўйхат тузилади. Яроқсиз ҳолга келган маҳсулотлар рўйхатга киритилмайди. Улар юзасидан махсус далолатнома тузилади. Бу далолатномада тайёр маҳсулот бузилишининг сабаби ва айбдор шахслар, қадрсизланиш суммаси кўрсатилади.

Инвентаризация ўтказиш вақтида маҳсулотлар инвентаризация комиссияси иштирокида қабул қилинади ва алоҳида рўйхатга киритилади. Жўнатилган деб ҳисобланган ёки ҳақи тўланган, лекин омбордан олиб чиқиб кетилмаган маҳсулотлар ҳам алоҳида қайд этилади. Жойлаш ва сақлаш идиши ҳам тури, мақсади ва тоифасига қараб (янги, фойдаланишда бўлган тайёр маҳсулот билан бирга инвентаризациядан ўтказилади.

Жўнатилган маҳсулотлар ва товарлар ва харидорлар томонидан муддатида ҳақи тўланмаган маҳсулотлар ва товарлар юзасидан ҳар бир юклаб жўнатиш бўйича алоҳида йўқлама рўйхати тузилади. Уларда маҳсулот, товарлар ва харидорнинг номи, жўнатиш санаси, тўлов топшириқномаси ёзиб берилган сана, унинг рақами ва берилган счёт-фактура бўйича суммаси кўрсатилади.

Бошқа субъектлар (консигнатор)нинг омборларида сақланаётган тайёр маҳсулотлар ушбу моддий бойликларнинг масъулиятли сақлашга топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида рўйхатга киритилади. Масъулиятли сақлашга қолдирилган маҳсулот учун сақлаш тилхатларини инвентаризация бошланган санага яқин санага қайта расмийлаштириш лозим.

Инвентаризация натижалари юзасидан таққослаш қайдномалари фақат ҳисобга олиш маълумотларидан чекинишга йўл қўйилган маҳсулотларнинг турлари бўйича тузилади.

Инвентаризация натижаларида аниқланган тайёр маҳсулотларнинг қолдиқлари жорий ҳисобда қабул қилинган нархлар бўйича баҳоланади.

Инвентаризация жараёнида аниқланган мавжуд тайёр маҳсулотларнинг қолдиғи ва ҳисобга олиш маълумотлари ўртасидаги фарқ моддий бойликлар учун қабул қилинган умумий тартибда бартараф этилади.

Агарда инвентаризация натижасида тайёр маҳсулотлар ортиқча чиқса улар омборга қабул қилинади. Дебет 2810-

"Омбордаги тайёр маҳсулотлар" ва 9390-"Бошқа муомалавий даромадлар" счёти кредитланади.

Мабодо инвентаризация натижасида тайёр маҳсулотларнинг меъёр даражасидаги камомади аниқланса далолатномага мувофиқ 9439-"Бошқа муомалавий сарфлар" счётининг дебетида ва 2810-"Омбордаги тайёр маҳсулотлар" счётининг кредитида, агарда жавобгар шахс зиммасига юклатилса 4630-"Моддий зарарларни қоплаш юзасидан ходимларнинг қарзи" счётининг дебетига 2810-"Омбордаги тайёр маҳсулотлар" счётининг кредитидан ўтказилади.

IX БОБ. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Бозор иқтисоди шароитида ҳар бир юридик ёки жисмоний шахс хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида чет эл фирмалари билан савдо сотиқ алоқаларини ўрнатиши ва ўз маблағларидан ташқари чет эл маблағларини ҳам молиявий-хўжалик фаолиятига жалб қилиши ёки чет эл фирмаларининг хўжалик-молиявий фаолиятида ўзининг улуши билан қатнашиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъектлар қуйидаги йўналишларда хориж компания ва фирмалари билан молиявий хўжалик муомалаларини амалга оширадилар:

– савдо-сотиқ фаолияти - тузилган шартномаларга асосан хориждаги субъектларга ўзининг тайёр маҳсулотлари ёки товарларини сотади ёки улардан товарларни сотиб оладилар;

– инвестиция (молиявий қўйилма) фаолияти - келишилган ҳолда чет эл сармояларини ўзининг фаолиятига жалб қилади ёки ўзининг вақтинча ортиқча маблағларини чет эл фирмаларининг фаолиятига улуш сифатида берадилар;

– ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш - тузилган контрактларга асосан чет эл фирмаларининг буюртмалари бўйича ишларни бажарадилар ва хизмат кўрсатадилар ва ўз навбатида чет эл фирмаларига буюртмалар берадилар, уларнинг бажарган ишларини қабул қиладилар ва хизматларини истеъмол қиладилар;

– лицензия, савдо маркалари, дастурлар ва патентларни сотиш ёки сотиб олиш ва бошқалар.

Субъектларнинг ташқи иқтисодий алоқалари давлатнинг қонун ва қарорлари ва халқаро қоидаларга асосан тартибга солиб турилади. Ушбу муносабатлар бизнинг давлатимизда тегишли Президентимизнинг Фармони, Қонунлар, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари ва тегишли Вазирликлар томонидан чиқарилган (қонундан четга чиқмаган ҳолда) йўриқномалар билан тартибга солинади ва шуларга асосан назорат қилинади. Ўзбекистон Республикасида "Экспорт ва импорт муомалалари" ва "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Вазирлар маҳкамаси-

маҳкамасининг ушбу Қонунларга асосан чиқарган қарорлари асос бўлади. Бу Қонунлар ва Қарорларда қатнашаётган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолият турлари ва шартлари кўрсатилган.

Тартибга солишнинг тезкорлик усулида товар ва хизматларни экспорт ва импорт қилишга лицензия (рухсат) бериш уларнинг квотаси (миқдори, ҳажми), товар номенклатураси (турлари)ни, божхона тартибини ўрнатиш ва ҳисоблашишнинг валюта тартибини белгилашдир. Чунки ушбу усуллар тизими дастлабки молиявий ҳужжатларни тузишга, экспорт ва импорт муомалалари бўйича сарфланган харажатларга ва ушбу муомалалар юзасидан аниқланган молиявий натижаларга бевосита таъсир қилади.

Субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш аввало божхона тартиби орқали амалга оширилади. Божхона тизимида давлат чегарасидан ўтадиган товарлар, ишлар ва хизматларга қўлланиладиган тартиблар кўрсатилади:

– божхона тарифи (олинадиган йиғимлар, тўловлар);
– товар ва хизматларни чегарадан ўтказиш тартиби;
– контрабандага қарши тадбирлар;
– ўтказиладиган ва киритиладиган товарлар, ишлар ва хизматларнинг турлари ва миқдори;

Товар ва ишларнинг номенклатурасига асосан қуйидагилар тузилади:

– дастлабки ҳужжатларнинг шакли ва унинг мазмуни ўрнатилган халқаро тартиб ва қоидага асосан ўзгартирилган ҳолда;
– божхона декларацияси - тегишли товарлар, иш ва хизматларнинг номлари, миқдори ва қиймати кўрсатилган ҳолда;
– халқаро юкхатларнинг ўзига хос хусусиятлари, махсус белгилар қўйилган ҳолда.

Ушбу фаолиятда асосий босқичлардан биттаси тегишли контрактларни тузиш, миқдор, баҳо ва товарларни етказиб бериш тартиби ва графиги ҳисобланади. Чунки ушбу талабларнинг бажарилиши устидан тезкор ва қаттиқ назорат ўрнатилади.

Бундан ташқари ҳисоблашиш жараёни ташқи иқтисодий фаолиятда асосий ўринлардан бирини эгаллаб, бу муносабатлар "Валюта тартиблари ва валюта назорати тўғрисида"ги Қонунга асосан амалга оширилади. Валюта тартибларига риоя қилиш

Марказий банк томонидан назорат қилиниб, ушбу Банкга қуйидаги ваколатлар юклатилган:

– хориж валюталари муомалаларининг тартиби ва фаолият жараёнлари;

– резидент ва норезидентлар томонидан валюта муомалаларини амалга ошириш қоидалари;

– валюта муомалаларини ҳисобга олиш, ҳисоблаб ҳужжатлаштириш ва статистикасининг умумий тартибини ўрнатиш.

Халқаро тартиблар эса "Товарларнинг халқаро олди-сотди тўғрисидаги шартнома" БМТ конвенцияси, A/CONE. 97/18. Annex 1. ва Инкотермс ҳужжатларига асосланади. Ушбу ҳужжатларда:

– иқтисодий алоқаларга қулай шарт-шароитлар яратиш, алоқа ўрнатиш, шартномалар тузиш ва тегишли тартиб ва қоидаларни ўрганиш учун маълумотлар ва ахборотлар билан таъминлаш;

– товарларни олиш ва сотишдаги тўсиқлардан ўтиш, шартномалар тузиш, товарларнинг турлари, миқдори ва графикларини белгилаш ва етказиб бериш учун шароитлар яратиш;

– товарларни сотиб олиш ва сотиш бўйича камситишлар (дискриминация)ни тугатиш, томонларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда хўжалик муомалаларини амалга ошириш;

– шартномаларни амалга оширишга сарфланадиган вақт ва харажатларни қисқартириш мақсадида кўрсатилган шаклларда харажатларни ҳисобга олишда тасдиқланган "Низом" қоидаларига амал қилинади.

Ушбу "Харажатларнинг таркиби тўғрисидаги Низом"га мувофиқ экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича сарфланган асосий харажатларга қуйидаги харажатлар киради:

– асосий ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг меҳнат ҳақи;

– меҳнат ҳақи жамғармасидан ижтимоий муҳофаза жамғармасига ажратма;

– асосий ишлаб чиқаришга сарфланган материал ва хом ашё қиймати.

Келишилган буюртма ва тузилган контрактга асосан хорижда пудрат усулида қурилишни амалга ошираётганда қурилиш харажатларига қуйидагилар киради:

– қурилиш материалларининг қиймати;

– ўрнатиладиган ускуналарнинг қиймати ва ўрнатиш харажатлари;

– ускуна ва материалларни олиб бориш харажатлари;

– мутахассисларни тайёрлаш харажатлари.

Сарфланган харажатларни ва тайёр маҳсулотларни ҳисобга олаётганда 2020-"Экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш" ва 2830-"Тайёр экспорт маҳсулотлари" счётлари қўлланилади. Келишилган контракт ва буюртмага асосан экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқараётганда унинг учун сарфланган харажатларни ҳисобга олиш учун 2020 счётини очиш мақсадга мувофиқ ва ушбу маҳсулотлар тайёр ҳолига келтирилган ва тегишли назоратчиларнинг кўригидан ўтгандан кейин давр жараёнида режа таннархида 2830-"Экспорт маҳсулотлари" счётига ўтказиш маъқул - Дебет 2830 ва Кредит 2020. Ҳисобот даврининг охирида ушбу маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи калькуляция қилиниб фарқ суммаси тегишли 2020 счётнинг кредитидан 2830 счётнинг дебетида қайд қилинади, тежалган сумма (-) ва ортиқча сарф эса (+) белгисида.

2830-"Экспорт қилинган (хориждаги истеъмолчиларга жўнатилган) тайёр маҳсулотлар";

2840-"Экспорт қилинган (хориждаги истеъмолчиларга жўнатилган) товарлар".

Счётларнинг кредитидан Дебет		**Счётларнинг дебетига Кредит**	
С-N			
2810-	Тайёр маҳсулотларнинг экспорт қилиниши (хориждаги истеъмолчи ва буюртмачиларга жўнатилиши)	Экспорт қилинган (хориждаги истеъмолчиларга жўнатилган) маҳсулотларнинг таннархи	-9110
2910-	Товарларнинг экспорт қилиниши (хориждаги истеъмолчи ва буюртмачиларга жўнатилиши)	Экспорт қилинган (хориждаги истеъмолчиларга жўнатилган) товарларнинг таннархи	-9120
2310-	Ёрдамчи ишлаб чиқаришда бажарилган ишларнинг экспорт қилиниши (хориждаги истеъмолчи ва буюртмачиларга жўнатилиши)	Экспорт қилинган (хориждаги истеъмолчилар ва буюртмачиларга топширилган) бажарилган ишларнинг таннархи	-9130
		Экспорт қилинган (хориждаги истеъмолчилар ва буюртмачиларга кўрсатилган) хизматларнинг таннархи	-9130

Тайёр маҳсулотларни экспорт қилаётганда қуйидаги тижорат сарфлари ҳосил бўлади:

– товарларни жўнатишга тайёрлаш, идишларга жойлаш, сифат ва сонини текшириш;

– товарларни транспортга юклаш;

– товарларни транспортда истеъмолчиларга жўнатиш;

– товарларни йўлда муҳофаза қилиш;

– товарларни йўлда тушириш, сақлаш ва юклаш;

– транспорт экспедиция ташкилотларига тўловлар;

– божхона тўловлари, божхона тарифлари ва йиғимлари;

– банк хизмати тўловлари;

– солиқ битимлар ва товарларнинг камомади ва йўқотишлар (агарда суд даъвони тан олмаса).

Ушбу харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар субъектдаги шунга ўхшаш мамлакат ичида содир бўлган муомалалар бўйича сарфланган тижорат сарфларини тасдиқловчи ҳужжатларга ўхшайди, лекин қўшимча қуйидачи ҳужжатлар тўлғазилади:

– божхона декларацияси;

– йўлдаги товарларни муҳофаза қилиш шартномаси.

Муомала харажатларига қуйидагилар киради:

– ходимларга ҳисобланадиган меҳнат ҳақи ва мукофотлар;

– нафақа фоизи, ижтимоий, тиббий муҳофаза ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар;

– хизмат сафари сарфлари;

– хўжалик ва канцелярия сарфлари;

– транспортдан фойдаланиш сарфи;

– иморат ва иншоотларнинг ижара сарфлари;

– қўриқлаш сарфлари ва ҳоказо;

– савдо муомаласи сарфлари (товарлардан намуналар сотиб олиш, вакилларни қабул қилиш, ваколатхоналар сарфи ва ҳоказо).

Ушбу харажатлар икки гуруҳга бўлиниб ҳисобга олинади:

– савдо-муомала харажатлари;

– маъмурий бошқарув харажатлари.

Ушбу харажатлар 9410-"маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш билан боғлиқ сарфлар" счётида ҳисобга олиб борилади ва ушбу счётлар гуруҳида қуйидаги счётлар очилиши мумкин:

– 9411-"Сақлаш ва ташиш сарфлари";

– 9412-"Реклама ва сотишга ёрдам бериш сарфлари";

– 9413-"Ўраш, навларга ажратиш ва идиш сарфлари";

– 9414-"Меҳнатга ҳақ тўлаш сарфлари";

– 9415-"Меҳнат ҳақи жамғармасидан ажратмалар":

– 9419-"Бошқа савдо сарфлари".

Лекин экспорт ва импорт муомалалари натижасида сарфланган харажатларни айрим ҳисобга олиш ва тезкор назорат ўрнатиш, ушбу фаолият бўйича аниқлаш мақсадида қуйидаги қўшимча счётларни юритиш лозим:

– 9416-"Товарларни экспорт қилиш бўйича савдо сарфлари";

– 9417-"Товарларни импорт қилиш бўйича савдо сарфлари".

Савдо харажатлари тузилган ҳар бир контракт бўйича айрим олган ҳолда ҳисобга олиб борилиши керак.

Савдо ва муомала сарфлари хўжалик юритувчи субъектларнинг якуний молиявий натижаларига олиб борилади, 9910-"Якуний молиявий натижалар" счётининг дебетида ва 9410-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш билан боғлиқ сарфлар" счётининг кредитида қайд қилинади.

Экспорт - товарларнинг давлат чегарасидан ўтказилишидир. Товарларнинг экспортини назорат қилиш иш ва хизматлар экспортини назорат қилишдан осон, чунки у мулк ва аниқ кўринишга эгадир.

Лекин иш ва хизматларнинг экспортини назорат қилганда қуйидагиларга асосланиш керак:

– хориждаги шахс билан тузилган контракт;

– бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматнинг ҳақиқий жойи;

– халқаро юкларни ташиш ҳужжатлари.

Чунки бу чегараланиш валюта муомалаларини тартибга солиш, молиявий натижаларни аниқлаш ва солиққа тортиш жараёнини тўғри амалга оширишда асос бўлади.

Товар, иш ва хизматларни экспорт қиладиган субъектлар уч гуруҳга бўлинади:

– экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар;

– экспорт билан шуғулланадиган савдо фирмалари;

– даллол фирмалар - комиссион йиғим эвазига ишлаб чиқарувчи ёки савдо фирмаларининг тайёр маҳсулотлари ёки товарларини сотиб берадилар ёки сотувчиларнинг топшириғини бажарадилар.

Савдо фирмалари товарларни экспорт қилиш учун ишлаб чиқарган субъектлардан сотиб олганда, дастлабки ҳужжатларга асосан счётларда қуйидагича қайд қиладилар:

Дт 2910-"Омбордаги товарлар" ёки 2960-"Экспорт қилинадиган товарлар";

Дт 6410-"Бюджетга тўловлар юзасидан қарзлар" счёти (ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммасига)

Кт 6010-"Мол еткаиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар".

Экспорт қилинган товарларни ҳисобга олиш учун давлат чегарасидан ўтган ёки хориж истеъмолчисига берилганлигини тасдиқловчи дастлабки ҳужжатлар асос бўлади. Ушбу ҳужжатларга қуйидаги ҳужжатлар киради:

– хусусиятлари, патталари, коносамент ва юкхатларнинг нусхалари илова қилинган мол етказиб берувчи фирманинг счётига тўлов розилиги;

– почтанинг юкни жўнатиш учун қабул қилинганлигини тасдиқловчи паттаси;

– қабул қилиш далолатномаси;

– жўнатиш ҳужжатларига асосан ёзилган тўлов счётлари;

– тижорат (коммерция) далолатномаси;

– экспедитор ва консигнаторларнинг қабул қилиш далолатномаси.

Дунёда товарларни етказиб беришнинг ҳар хил тартиблари мавжуд бўлиб бу тартиблар "Инкотермс"да умумлаштирилган.

Масалан: "Франко-ташувчи" (FCA) - сотувчи ўз товарини олувчига ёки унинг вакилига топширган вақтдан бошлаб жавобгарликдан соқит бўлади.

"Франко-чегара" (DAF) - сотувчи товарини чегарадаги кўрсатилган манзилга етказиб беради.

Ушбу воқеалар содир бўлгандан кейин товарлар 9110-"Сотилган маҳсулотларнинг таннархи" счётида қайд қилинади ва 2910-"Омбордаги товарлар" ёки 2960-"Экспорт қилинадиган товарлар" счётининг кредитидан 9110-"Сотилган маҳсулотларнинг таннархи" счётининг дебетига ўтказилади.

Жўнатилган товарларнинг ҳаракати устидан назоратни кучайтириш мақсадида ва экспортнинг хусусиятлари ва қоидаларидан келиб чиққан ҳолда "Экспортга жўнатилган товарлар" номли 2960 счётни очиш ва унда қуйидаги қўшимча счётларни очиш мақсадга мувофиқдир:

– 2961-"Экспортга жўнатилган йўлдаги товарлар"- истеъмолчиларга жўнатилган, лекин мулк ҳуқуқи берилмаган;

– 2962-"Жўнатилган ва фактураланган экспорт товарлари"- хориждаги истеъмолчига жўнатилган ва унга мулк ҳуқуқи берилган товарлар учун.

Агарда товарлар тегишли тузилган контрактларга асосан экспорт қилинсаю, лекин мулкчилик ҳуқуқи берилмаса:

Дт 2961-"Экспортга жўнатилган йўлдаги товарлар" счётига;

Кт 2960-"Экспорт қилинадиган товарлар" счётидан ўтказилади.

Агарда шу вақтнинг ўзида харидорга мулкчилик ҳуқуқи берилса:

Дт 9120-"Сотилган товарларнинг таннархи" счётига;

Кт 2961-"Экспортга жўнатилган йўлдаги товарлар" счётидан ўтказилади ва шу билан бир вақтда уларнинг контрактда кўрсатилган суммаси;

Дт 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар";

Кт 9020-"Товарларни сотишдан олинган даромадлар" счётларида қайд қилинади.

Жўнатилган товарлар 2960 (2961) счётда хориж валюталарининг сўмга нисбатан курсидан қатъий назар сўмда акс эттирилиб борилади.

Экспорт маҳсулотларини сотиш учун 9010-"Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромад" счётида тегишли 9011-"Экспорт маҳсулотни сотишдан олинган даромад" счётини очиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу счётда экспорт муомалалари қуйидаги дастлабки ҳужжатларга асосан амалга оширилади:

– маҳсулот ёки товарлар учун - контракт, юкхати жўнатиш, бериш қайдномаси ва бошқа жўнатиш ҳужжатлари;

– бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат учун - бажарилган иш ва кўрсатилган хизматнинг далолатномаси ва чегарадан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

– трубопровод товарлари (нефть, газ, сув ва бошқалар) учун ҳисобловчи ускуналар (счётчик)нинг маълумотларини кўрсатадиган далолатномалар.

Жаҳон амалиётида тайёр маҳсулот ёки товарларни сотилган деб эътироф қилишнинг иккита усули мавжуд:

– маҳсулот ва товарларни харидорга жўнатган ёки улар юзасидан тўлов ҳужжатларини тегишли банкка берган вақтдан бошлаб улар сотилган деб тан олинади;

– тайёр маҳсулотлар ёки товарларни харидорларга жўнатгандан кейин уларнинг шартномада кўрсатилган қиймати пул маблағлари счётига кирим қилинган вақтдагини сотилган деб тан олинади.

Маҳсулот қиймати истеъмолчи томонидан тўланганда (ҳисоблашиш счётига кирим қилинганда) сотилган деб тан олинганда счётларда қуйидагича қайд қилинади:

- маблағ хориж валютаси счётига келиб тушганда импортчи ушбу маҳсулотнинг қийматини тўлашга розилик берса:

Дт 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар";

Кт 9010-"Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар" счёти;

Дт 5210-"Мамлакат ичидаги хориж валютасидаги маблағлар" ёки 5220-"Хориждаги валюта счётидаги маблағлар" счёти;

Кт 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счёти.

Сотилган маҳсулотнинг қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

Дт 9110-"Сотилган маҳсулотларнинг таннархи" ва

Кт 2861-"Экспортга жўнатилган йўлдаги тайёр маҳсулотлар" счёти.

Агарда экспорт маҳсулот жўнатилган вақтидан сотилган деб қабул қилинса ва мулкий ҳуқуқ хориж истеъмолчига берилса, товар истеъмолчига жўнатилиб счёт-фактура (инвойс) қўйилса, контрактда кўрсатилган суммага:

Дт 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счёти

Кт 9010-"Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар" счёти ва шу вақтда сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархига:

Дт 9110-"Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи" счёти

Кт 2810-"Экспортга тайёрланган маҳсулотлар" счёти.

Ушбу муомала бўйича истеъмолчилар қарзини тўласалар

Дт 5210-"Мамлакат ичидаги" ёки 5220-"Хориждаги валюта счёти"

Кт 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар"да қайд қилинади

ёки бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар бўйича:

Дт 9130-"Сотилган иш ва хизматларнинг таннархи" счёти

Кт 2020-"Экспорт қилинадиган ишлар" счёти.

Экспорт маҳсулотини реализация қилиш натижасида молиявий натижанинг аниқлаш учун жаъми сарфлар ва даромадлар якуний молиявий натижалар счётида тегишли йўллари бўйича йиғилади:

1. Дт 9010-"Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар" счёти

Кт 9910-"Якуний молиявий натижалар" счёти.

2. 9910-"Якуний молиявий натижалар" счёти

9110-"Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи" счёти ва

3. Дт 9910-"Якуний молиявий натижалар" счёти

Кт 9410-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш билан боғлиқ сарфлар" счётлари.

Хориж фирмаларининг товарларни, иш ва хизматларини сотиб олиш билан боғлиқ қарзлари 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счётида чет эл валтаси ва сўмда кўрсатилади ва ҳар ойда аниқланган валюта курсининг фарқи агарда валюта курси сўмга нисбатан пасайса субъектнинг фойдасига

Дт 5210-"Мамлакат ичидаги валюта счёти"

Кт 9540-"Сўм курсидаги ижобий фарқ бўйича даромадлар" счёти олинган фойда суммасига ва агарда валюта курси сўмга нисбатан ошса субъектнинг зарарига олиб борилади:

Дт 9630-"Сўм курсидаги салбий фарқ бўйича зарарлар" счёти Кт 5210-"Мамлакат ичидаги валюта счёти" счётларида қайд қилинади.

Хориж фирмалари тўлаган пул маблағлари субъектнинг тегишли счётига кирим қилинса:

Дт 5210-"Мамлакат ичидаги валюта счёти" ёки 5220-"Хориждаги валюта счёти"

Кт 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар"да валюта ва сўмда қайд қилинади.

Мабодо хориж фирмасидан жўнатиладиган маҳсулот учун олдиндан бўнак олинган бўлса у вақтда бўнак суммаси счётларда қуйидагича акс эттирилади:

Дт 5210-"Мамлакат ичидаги валюта счёти" ёки 5220-"Хориждаги валюта счёти"

Кт 6310-"Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар" счёти истеъмолчи олган тайёр маҳсулотнинг ёки товарнинг қийматини тўлаганда илгари олинган бўнак суммаси тўлиқ ҳисоблашишда инобатга олинади:

Дт 6310-"Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар"

Кт 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар"

ва қолган сумманигина истеъмолчилар тўлайдилар:

Дт 5210-"Мамлакат ичидаги валюта счёти" ёки

Кт 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар"да қайд қилинади.

Мабодо олинган бўнак экспорт маҳсулотининг тўлиқ қийматини ташкил қилса. Яъни контрактга асосан қийматини олдиндан тўласа маҳсулот сотилганда счётларда қуйидагича акс эттирилади:

Дт 6310-"Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар"

Кт 9010-"Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар" счётида валюта ва сўмда қайд қилинади. Яъни 4010 счётини қўллаш зарурати қолмайди.

Айрим ҳолларда, айниқса кейинги вақтларда маҳсулот, иш ва хизматларни экспорт қилиш жараёнида воситачи (даллол) фирмалар актив иштирок қиладилар. Бу даллол фирмалар сотувчи ва истеъмолчиларни бир-бири билан боғланганлиги учун мукофот, яъни ҳақ оладилар.

Бу ишни амалга ошириш учун аввало ишлаб чиқарувчи корхона билан даллол ўртасида контракт тузилиб унда комиссионер (даллол) истеъмолчини топиб товар эгаси (комитент)нинг товарини ўз номидан сотади ва бунинг учун товар эгаси (комитент)дан комиссион йиғим (рағбатлантириш) хизмат ҳақини олади.

Комиссия шартномасига мувофиқ хориж фирмаси билан шартномани воситачи тузади ва у товарларни истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ ишларнинг ҳаммасини бажаради:

– божхона йиғимлари ва тўловларини тўлайди;

– товарларни олиб бориб бериш - транспорт харажатларини ва товарларни сақлаш, юклаш ва тушириш харажатларини ҳам тўлайди.

Чунки бу сарфларни кейинчалик товар эгаси - комитент воситачига (комиссионерга) қоплайди.

Сотиб бериш учун олинган товарларни воситачи балансдан ташқари 004-"Комиссияга (сотиб беришга) қабул қилинган товарлар" счётида қайд қилади, комитент эса 2861-"экспортга жўнатилган йўлдаги тайёр маҳсулотлар" счётида ҳисобга олади. Воситачи товарни хориждаги истеъмолчига топширгандан кейин 004-"Комиссияга (сотиб беришга) қабул қилинган товарлар" счётидан ҳисобдан чиқаради.

Сотилган товарлар бўйича олинган даромадлар воситачининг валюта счётига кирим қилинади ва шу куни комтентга хабар бергандан сўнг ушбу суммани комитент ўзининг тегишли счётларида (5210 ёки 5220) акс эттиради.

Агарда товарларни сотиш билан боғлиқ харажатлар комитент томонидан қопланса ушбу муомалалар қуйидаги счётларда акс эттирилади:

Дт 6830-"Роялти ва гонорарлар бўйича қарзлар" счёти

Кт 5110-"Ҳисоблашиш счёти" ёки 5210-"Мамлакат ичидаги валюта счёти"

ва ушбу тўланган суммаларни қуйидаги счётларда қайд қилади:

Дт 9410-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш билан боғлиқ сарфлар"

Кт 6830-"Роялти ва гонорарлар бўйича қарзлар" счёти.

Хориж фирмасидан олган товарлари учун хориж валютаси келиб тушса воситачи қуйидагича қайд қилади:

Дт 5210 ёки 5220-"Мамлакат ичидаги ва хориждаги валюта счётлари"

Кт 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар".

Воситачидан сарфланган харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилган счётни олгандан кейин комитент унга қарздор бўлади ва экспорт контракти бўйича сотишдан ҳисобланган даромадни қайд қилади:

Дт 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар";

Кт 9010-"Маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар" счёти;

Дт 9110-"Сотилган маҳсулотларнинг таннархи";

Кт 2871-"Экспортга жўнатилган маҳсулотлар" счётлари.

Қиймати олинганда эса:

Дт 5210 ёки 5220-"Мамлакат ичидаги ва хориждаги валюта счётлари";

Кт 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар".

Хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолияти жараёнида маҳсулотларни экспорт қилишдан ташқари ўзига четдан товарлар, ускуна ва материаллар ҳам олиши мумкин. Бу жараёнлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

– ишлаб чиқариш истеъмоли учун хом-ашё ва материаллар олиш;

– ўз корхонаси учун машина ва ускуналар олиш;

– ўзининг харидорлари ва буюртмачиларига сотиш учун четдан товарлар олиш.

Ушбу муомалалар амалга оширилаётганда ҳисобнинг асосий вазифаларидан бири олинаётган қийматликларнинг қийматини тўлиқ ва тўғри ҳисоблаш ва жорий ҳисобда акс эттиришдир. Шунинг учун 1510-"Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш"

синтетик счётида 1520-"Импортга олинган товар-моддий захиралари" счётини очиб унда юқорида келтирилган товар-моддий қийматликлари бўйича сарфланган ҳамма харажатларни йиғиб бориш ва ушбу товар-моддий захираларнинг таннархини аниқлаш зарур.

Ушбу 1520-"Импортга олинган товар-моддий захиралари" счётининг дебет томонида импорт товарлари, хом-ашё ва материаллар ва машина ва ускуналар бўйича сарфланган ҳамма харажатлар ва уларнинг сотиб олиш баҳолари кўрсатилиши лозим. Кейинчалик ушбу товар-моддий захираларини тегишли 2900, 1000, 0700 ва 0800 счётларга ҳақиқий-тўлиқ таннархда ўтказилади. Чунки йўриқномага мувофиқ импорт қилинган товар-моддий захираларининг таннархига қуйидагилар қўшилади:

- товар-моддий захираларни сотиб олиш баҳоси;
- ҳисобланган акциз суммаси;
- божхона тўлови ва йиғимлари;
- товар-моддий захираларни олиб келиш сарфлари.

Агарда хориждан моддий бойлик сотиб олинса:

Дт 1510-"Товар-моддий захираларни тайёрлаш ва сотиб олиш" счёти;

Кт 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қарз" счёти.

Ҳисобланган божхона тўловлари ва йиғимлари суммасига:

Дт 1510-"Товар-моддий захираларни тайёрлаш ва сотиб олиш" счёти;

Кт 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашиш" счёти.

Агарда мол етказиб берувчи истеъмолчининг омборигача етказиб берса ҳисобланган акциз солиғи суммасига:

Дт 1510-"Товар-моддий захираларини тайёрлаш ва сотиб олиш" счёти

Кт 6410-"Бюджетга тўловлар юзасидан қарзлар" счёти.

Агарда ушбу солиқни истеъмолчи тўласа тўланган қ.қ.с. ва акциз солиқлари қуйидагича акс эттирилади:

Дт 6410-"Бюджетга тўловлар юзасидан қарзлар" счёти ва

Кт 5110-"Ҳисоблашиш счёти".

Кейинчалик товар-моддий захираларининг тўлиқ таннархи аниқланиб ушбу 1510 счётдан тегишли ТМЗ ҳисобга олувчи счётларга ўтказилади:

Дт 1000, 1100, 1200, 2900 (ТМЗ турлари бўйича)

Кт 1510-"Товар-моддий захираларни тайёрлаш ва сотиб олиш" счёти.

Олинган товар ва моддий қийматликлар субъектнинг мулки бўлган санадан унинг балансига кирим қилинади ва ҳисоблашиш амалга оширилган санада хориж валютаси билан сўм курси белгиланади.

Сотиш учун олинган импорт товарлари уларнинг турлари, гуруҳи бўйича айрим ҳолда 2900 счётлар гуруҳидаги тегишли счётларда ҳисобга олиб бориш мақсадга мувофиқ. Чунки товарларнинг турлари, олиш вақти ва олиб келиш тартиби билан уларнинг акциз солиғи, қ.қ.с., божхона тўловлари ва транспорт харажатлари ҳар хил бўлади.

Харажатларни ҳисобга олишда қуйидаги тартиблар ва ҳужжатлар тасдиқланган:

– денгизда ташишда - пароход, коносамент;

– темир йўл билан ташишда - вагон, халқаро темир йўл юкхати;

– автотранспортда - автотранспорт, халқаро автотранспорт юкхати (TIR);

– ҳаво транспортида - ҳаво лайнери, халқаро ҳаво транспорти юкхати.

Корхона ва фирмалар товарларни улгуржи савдода сотиб олиш баҳосида ва чакана савдо ва умумий овқатланишда сотиш баҳосида ҳисобга олиши мумкин.

Чакана савдо корхоналари ва умумий овқатланиш корхоналари товарларни сотиш баҳосида ҳисобга олганликлари учун товарларни сотиш баҳосига етказиш мақсадида қ.қ.с., акциз солиғи, божхона тўловлари ва олиб келиш сарфларини товарларнинг сотиб олиш қийматига қўшадилар.

Тайёрлов, таъминот-сотиш, улгуржи ва бошқа субъектлар импорт товарларни ҳақиқий таннархда ҳисобга олиб борадилар. Улгуржи савдо корхоналари товарларни сотиб олиш баҳосида ҳисобга оладилар. Лекин қ.қ.с., акциз солиғи ва божхона тўловларини айрим ҳисобга олиб борадилар. Харидор ва буюртмачилар билан келишилган баҳолар ҳисобидан давлат бюджетига солиқлар, мол етказиб берувчиларга тўланадиган контрактда кўрсатилган сумма, божхона тўловлари, транспорт сарфлари ва муомала сарфлари қопланади, шу билан бирга фойда ҳам олиниши керак.

Тузилган контрактга асосан хориж фирмаларидан товар олинди.

Товарнинг келишилган контракт баҳоси:

улгуржи ва чакана савдо корхоналарида:

Дт 2900-"Товарларни ҳисобга олувчи счётлар" - товарларнинг гуруҳи ва турлари бўйича

Кт 6010-"Мол етзкаби берувчи ва буюртмачиларга бўлган қарз" счёти.

Божхона тўловлари ва йиғими суммасига:

улгуржи ва чакана савдо корхоналарида:

Дт 2900-"Товарларни ҳисобга олувчи счётлар" - товарларнинг гуруҳи ва турлари бўйича

Кт 6890-"Ҳар хил ҳисобланган мажбуриятлар" счёти.

Акциз солиқлари ҳисобланганда (агарда харидор солиқни тўласа):

улгуржи ва чакана савдо ташкилотларида

Дт 4010-"Истеъмолчи ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" - истеъмолчиларнинг гуруҳи ва турлари бўйича

Кт 6410-"Бюджетга тўловлар юзасидан қарзлар" счёти.

Қўшилган қиймат солиғи ҳисобланганда (агарда харидор солиқни тўласа):

улгуржи ва чакана савдо корхоналарида

Дт 4010-"Истеъмолчи ва буюртмачилардан олинадиган счётлар"- истеъмолчиларнинг гуруҳи ва турлари бўйича

Кт 6410-"Бюджетга тўловлар юзасидан қарзлар" счёти.

ҳисобланган солиқлар суммаси тўланганда:

Дт 6410-"Бюджетга тўловлар юзасидан қарзлар" счёти

Кт 5110-"Ҳисоблашиш счёти"

Божхона тўловлари ва йиғимлари тўланганда:

Дт 6890-"Ҳар хил ҳисобланган мажбуриятлар" счёти

Кт 5110-"Ҳисоблашиш счёти"

Сотиш билан боғлиқ харажатларни тегишли ҳужжатларга асосан акс эттириш:

Дт 9410-"Муомала харажатлари" сарфларнинг турларига қараб- 9411-9419 счётлари ва

Кт савдо сарфларининг турлари- 0200, 6710, 6520, 2310, 9450 ва ҳоказо счётлари.

Товарларни сотиш натижасида ҳисобланган даромадлар суммасига:

улгуржи ва чакана савдо корхоналарида

Дт 4010-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар"
Кт 9020-"Товарларни сотишдан олинган даромадлар" счёти.

Сотилган товарларнинг қиймати ҳисобдан чиқарилганда:
товарларнинг ҳақиқий таннархида улгуржи ва чакана савдода

Дт 9120-"Сотилган товарларнинг таннархи" счёти

Кт 2910-"Омбордаги товарлар" счёти.

Товарларни сотишдан олинган даромад суммасига. Улгуржи ва чакана савдо корхоналарида:

Дт 5110-"Ҳисоблашиш счёти"

Кт 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" ҳисобдан чиқарилган муомала харажатларига.

Иккала савдо ташкилотлари ҳам

Дт 9910-"Якуний молиявий натижа" счёти;

Кт 9410-"Муомала сарфлари" сарфларнинг турлари бўйича.

Ушбу муомалаларнинг якунига асосан молиявий натижаларни аниқлаш қуйидагича амалга оширилади:

Ҳисобдан чиқарилган товарларнинг таннархи якуний молиявий натижаларга олиб борилади

Дт 9910-"Якуний молиявий натижалар" счёти

Кт 9120-"Сотилган товарларнинг таннархи" счёти

Дт 9020-"Товарларни сотишдан олинган даромадлар" счёти

Кт 9910-"Якуний молиявий натижалар" счёти.

Демак, 9910-"Якуний молиявий натижалар" счётининг дебет томонида - сарфларда сотилган товарларнинг таннархи ва муомала харажатлари акс эттирилади, шу билан бир вақтда ушбу 9910-"Якуний молиявий натижалар" счётининг кредит томонида маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган даромадлар қайд қилинади ва ушбу 9910 счётнинг дебет ва кредит томонлар таққосланиб якуний молиявий натижа аниқланади:

– агарда сотилган товарларнинг таннархи ва муомала харажатлари олинган даромад суммасидан кам бўлса фойда олинади.

– агарда сотилган товарларнинг таннархи ва муомала харажатларининг йиғиндиси олинган даромад суммасидан кўп бўлса зарар кўрилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида импорт товарлари бартер (товарларни айирбошлаш) усулида ҳам олиниши мумкин. Бу усул қўлланилаётганда тузилган контрактга асосан хориждаги фирмалардан товарлар, хом-ашё ва материаллар, ускуналар ёки бошқа қийматликлар олиниб, баҳолари келишилган ҳолда уларга бошқа товарлар, хом-ашё ва материаллар ёки бошқа қийматликлар берилади. Масалан: пахта толаси жўнатилиб тайёр газлама ёки пахта териш комбайнлари жўнатилиб пўлат ёки чўян олиниши мумкин. Бу усул қўлланилаётганда иккала томон ҳам истеъмолчи ва сотувчи ҳисобланиб ундаги экспорт ва импорт контрактининг асосий шарти баҳоларни келишиб олиш ва дунё бозорини яхши ва чуқур ўрганиши талаб қилинади ва

қилинади ва хориж валютаси билан сўм курсининг даражасига эътибор бериш керак.

Бу фаолият тегишли "Низом"лар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Молия вазирлиги билан Давлат солиқ қўмитасининг кўрсатмаларига асосан тартибга солиб турилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар бартер айирбошлаш муомалаларини амалга ошираётганда қуйидагиларга эътибор бериши керак:

– бартер маҳсулотлари, ишлар ва хизматларнинг кирим суммасини солиққа тортаётганда шу ойда ушбу маҳсулот, иш ва хизматларнинг баҳосини бозор баҳосида (ҳақиқий таннархдан арзон бўлиши мумкин эмас) ҳисобга олиши зарур;

– хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкини ҳисобга олиш Низоми ва тегишли стандартларга асосланган ҳолда қийматликлари хориж валютасида акс эттирилган бартер муомаласида ушбу муомала содир бўлган кундаги хориж валютаси билан сўм курсини тўғри аниқлаб қийматини солиққа тортиши лозим.

Бартерга олинган товарлар субъектнинг мулкига ўтгандан кейин унинг турларига қараб дастлабки ҳужжатларга асосан счётларда қуйидагича қайд қилинади:

Дт 0700-"ўрнатиладиган ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар";

Дт 0800-"Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар";

Дт 1000-"Материалларни ҳисобга олувчи счётлар";

Дт 1100-"Ўстиришга ва боқувга қўйилган ҳайвонларни ҳисобга олувчи счётлар";

Дт 1200-"Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларни ҳисобга олувчи счётлар";

Дт 2900-"Товарларни ҳисобга олувчи счётлар";

Дт 9410-"Сотиш харажатлари" ва ҳоказо счётлар ва

Кт 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қарзни ҳисобга олувчи счётлар" ва 7010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар", 6020 ва 7020-"Берилган васиқалар"счётлари.

Агарда маҳсулот бўйича қарзлар тўланганда реализация қилинган деб ҳисобланса экспорт қилинган хорижга сотилган товарлар ҳақиқатдан истеъмолчига жўнатилган бўлса сотувчидан мулк ҳуқуқи хориждаги истеъмолчига ўтган вақтидан бошлаб ушбу товарлар, ишлар ва хизматлар сотилган деб ҳисобланади ва счётларда қуйидагича қайд қилинади:

– бартер натижасида жўнатилган товарларнинг таннархи ёки келишилган баҳоси ҳисобдан чиқарилади:

Дт 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар";

Кт 2910-"Омбордаги товарлар" счёти.

– жўнатилган товарлар қийматига хориждаги истеъмолчига бўлган қарз камаяди:

Дт 6010-"Хориждаги истеъмолчиларга бўлган қарз";

Кт 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар".

Агарда товар жўнатилгандан бошлаб ҳисобда сотилган деб қайд қилинса у вақтда мулк эгачилиги хориж корхонасига ўтишдан қатъий назар ушбу товарлар контрактга асосан жўнатилгандан кейин унинг қиймати счётларда қуйидагича қайд қилинади:

— жўнатилган товар ва ишнинг контракт қийматига ёки таннархига:

Дт 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар";

Кт 2910-"Омбордаги товарлар" счёти.

— хориж корхонасидан бартер усулида олинган товар қийматига:

Дт 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қарз" счёти;

Кт 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар".

Ҳозирги шароитда кўпчилик савдо фирмалари импорт товарларини воситачилик усулида комиссия йиғими (гонорар) олиб сотадилар.

Комиссия шартномасига мувофиқ комиссионер (даллол) ўз номидан комитент (товар эгаси)нйнг товарини сотиб бериш мажбуриятини олади. Сотилган товарлар бўйича тушумлар комитент счётига ўтказилади ва контрактда келишилган миқдорда товар сотган фирма комитентдан хизмат ҳақи (гонорар) олади.

Сотишга олинган импорт товарлар савдо фирмасининг мулки ҳисобланмайди, ва 004-"Комиссияга олинган товарлар" счётида божхонадан олинган кундаги хориж валютасига нисбатан сўм курсида ҳисобга олиб борилади. Сотилган товарларнинг суммаси ва хориж корхонасининг даромадини аниқлаш учун товарларнинг турлари бўйича аналитик ҳисоб юритилади.

Экспорт ва импорт контрактига мувофиқ кўп ҳолларда товарларнинг сотиш харажатлари:

– божхонадан ўтаётганда тўланадиган қўшилган қиймат ва акциз солиқлари;

– божхона тўловлари ва йиғимлари;

– товарларнинг транспорт харажатлари (юклаш, ташиш ва тушириш);

– омборхоналарда сақлаш харажатлари;

– товарларнинг реклама харажатлари;

– муомала харажатлари ва ҳоқазолардан ташкил топади.

Ушбу харажатлар товарнинг эгаси - комитент томонидан қопланади, яъни ушбу сарфлар комиссияга олувчи (даллол) томонидан амалга оширилиб, товарларни сотишдан тушган маблағлар ҳисобига қопланади ва олинган даромаддан комиссионерга тўланадиган ҳақ - гонорар суммаси чегирилиб қолган қисми товар эгасига тўланади.

Комиссия шартномалари муомалаларини ҳисобга олиш учун 6890-"Кредиторларга тўланадиган бошқа мажбуриятлар", 9020-"Товарларни сотишдан олинган даромадлар" ва 9410-"Муомала сарфлари" счётлари қўлланилади.

Товарларни сотиб берувчилар (даллол) билан комитент ўртасидаги ҳисоблашишларни тўлиқ ва тезкор олиб бориш ва назоратни кучайтириш мақсадида 6890 счётда 6891-"Комитентларга тўланадиган мажбуриятлар" счётини очиш ва унда ҳар бир комитент учун алоҳида аналитик счёт юритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Аналитик счётнинг кейинги номери экспорт-импорт контрактининг номери билан бир хил бўлиши лозим. Масалан, контракт № А-187, демак аналитик счёт шифри ҳам 6891-А-187 бўлиши керак.

Ушбу таклиф бўйича комиссия савдосидаги содир бўлган муомалалар счётларда қуйидагича акс эттирилади:

а)комиссияга олинган товарлар сотилиб ҳисобланган даромад ҳисоблашиш счётига тушди:

Дт 5110-"Ҳисоблашиш счёти"

Кт 6891- А-187 "Комитентга тўланадиган мажбуриятлар" счёти

б) товарларни сотиш учун харажат қилинди:

Дт 6891- А-187"Комитентга тўланадиган мажбуриятлар" счёти

Кт 5010, 5110, 2320, 9410-харажатларнинг турлари бўйича.

в) сотилган товарлар бўйича қўшилган қиймат ва акциз солиғи ҳисобланди:

Дт 6891- А-187-"Комитентга тўланадиган мажбуриятлар" счёти

Кт 6410-"Бюджетга тўловлар юзасидан қарзлар" счёти.

Хориж фирмаларига қўшилган қиймат солиғи чегирилган ҳолда товарнинг қиймати тўланади, агарда улар қўшилган қиймат солиғини тўловчи шахслар ҳисобланса, у ҳолда товарнинг қийматига ҚҚС суммаси қўшилади ва комитент бюджетга ҚҚС ва акциз ҳисобламайди, яъни комитентнинг ҳисобида солиқ муомаласи қайд қилинмайди.

г) комиссион даромад ҳисобланди:

Дт 6891- А-187-"Комитентга тўланадиган мажбуриятлар" счёти

Кт 9020-"Товарларни сотишдан олинган даромадлар"

д) комитентга сотилган товарлар қиймати тўланди:

Дт 6891- А-187-"Комитентга тўланадиган мажбуриятлар"

Кт 5210-"Мамлакат ичидаги валюта счёти".

е) олинган даромад - гонорар комиссионернинг (даллолнинг) молиявий натижалар счётига олиб борилади:

Дт 9020-"Товарларни сотишдан олинган даромадлар" счёти

Кт 9910-"Якуний молиявий натижалар" счёти.

Экспорт товарларни асосан контрактга мувофиқ хориж фирмаларидан оладилар. Ушбу контрактда ҳамма шартлар - томонларнинг мажбуриятлари, ҳуқуқлари ва иқтисодий жазолар кўрсатилади.

Хориж фирмалари билан ҳисоблашишни амалга ошираётганда ҳисоблашиш турлари ва мол етказиб бериш шартларига амал қилинади. Хориждаги фирмалар билан ҳисоблашишнинг қуйидаги шакллари амалга оширилади:

- аккредитив усули билан ҳисоблашишлар;
- тижорат кредити билан ҳисоблашишлар;
- ўтказиш васиқа (вексел)лари (тратт) ёрдамида ҳисоблашишлар;
- ҳисоблашишнинг иккала шакли қўлланган ҳолда;
- очиқ счётлар билан ҳисоблашишлар.

Аккредитив билан ҳисоблашиш тартиби "Ҳужжатлар аккредитив билан ҳисоблашишнинг умумий қоидаси ва тартиби" (Жаҳон савдо палатаси №400) билан ўрнатилган.

Ушбу ҳисоблашиш тартибида тўловчининг илтимоси ва кўрсатмасига асосан банк-эмитент) қуйидаги муомалаларни амалга оширади:

а) олинган ёки олинадиган товарларнинг қийматини учинчи шахсга пулда ёки ўтказиладиган васиқа (вексел)да тўлаши;

б) бошқа банкка ушбу муомалаларни амалга ошириш ҳуқуқини бериш мумкин.

Ушбу шакллардаги ҳисоблашишлар қуйидаги тартибда содир бўлади:

– истеъмолчи (импортчи) сотувчи (экспортчи) товарларнинг тайёрлиги тўғрисидаги хабарни олгандан кейин ўзининг банкига экспортчининг банкида контрактда кўрсатилган суммада аккредитив очиш учун ариза беради. Ушбу аризада суммани тўлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар кўрсатилади ва истеъмолчининг банки сотувчига хизмат қиладиган банкда тегишли сумма бўйича белгиланган муддатда аккредитив очади. Сотувчи (экспортчи) товарларни жўнатгандан кейин ўзининг банкига контрактда кўрсатилган ҳужжатларни топшириб тегишли суммани аккредитивдан олади ва ушбу муомалани сотувчининг банки истеъмолчининг банкига тегишли ҳужжатлар билан етказади.

Коммерция кредити билан ҳисоблашиш тартибида сотувчи (экспортчи) истеъмолчига (импортчига) товарлар қийматининг бир қисмини ёки умумий суммасини кейин тўлаш шарти билан товар жўнатади. Олинган товарнинг қиймати контрактда кўрсатилган муддатда ва кредит фоизи қўшилган ҳолда истеъмолчи томонидан товар эгасига (экспортчига) тўланади.

Васиқа (вексель) ёрдамида ҳисоблашишда қарз мажбурияти васиқа билан тасдиқланади. Васиқа оддий ва бошқа шахсларга ўтказиладиган (тратта) шаклда бўлади.

Оддий васиқа ёрдамида ҳисоблашишда васиқа берувчи уни олган шахсга васиқада кўрсатилган суммани белгиланган муддатда тўлаш мажбуриятини олади.

Ўтказиладиган васиқада (тратта) шаклида ҳисоблашишда васиқа эгаси (трассант)га васиқа берувчи (трассат) унда кўрсатилган суммани белгиланган муддатда бошқа шахсга тўлаш учун буйруқ беради. Бунинг учун васиқа ўтказувчининг ёзуви, имзоси ва муҳри билан мустаҳкамланади.

Инкассо шаклида экспортчи жўнатилган товарлар суммасини импортчининг банкидан тегишли ҳужжатларга асосан истеъмолчининг розилигини кутмай 3 кундан кейин олади.

Бунинг учун аввало импортчининг розилигини (3 кун) кутиши ва кейин банкдан талаб қилиши лозим. Ҳозирги шароитда бу усул Ўзбекистон Республикасида кам қўлланилади.

Очиқ счётлар билан ҳисоблашиш тартиби доимий алоқада бўлган сотувчи (экспортчи) ва истеъмолчилар (импортчи) ўртасида қўлланилиб, ушбу жараёнда товар эгаси молни жўнатгандан кейин тегишли ҳужжатларни ва контрактда

кўрсатилган суммани белгиланган муддатда тўлаш тўғрисидаги илтимос хатини истеъмолчига жўнатади.

Ушбу муомалаларни ва ҳисоблашиш шаклларни амалга ошириш учун тегишли счётлар гуруҳида қуйидаги счётларни очиш мақсадга мувофиқдир:

6010- "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" гуруҳида:

6011- "Экспорт товарлари бўйича мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар";

6012- "Экспорт ишлар ва хизматлар бўйича мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар";

6013- "Бошқа импорт муомалалари бўйича мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар";

6014- "Коммерция кредити бўйича ҳисоблашиш";

6020- "Берилган васиқалар бўйича ҳисоблашиш";

5500- "Банкдаги махсус счётлар" гуруҳида:

5511- "Мамлакат ичидаги аккредитивлар";

5512- "Хориждаги аккредитивлар";

5521- "Чек дафтарчалари".

Аккредитивлар хорижда очилганда уларнинг аналитик ҳисоби аккредитивлар, давлатлар, контракт турлари ва валюта кодлари бўйича юритилиши мақсадга мувофиқ.

X БОБ. САРФЛАР, ДАРОМАДЛАР ВА ЯКУНИЙ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ

Хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг молия-хўжалик фаолиятларини асосан қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширадилар:

– асосий хўжалик фаолияти, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулотларини сотиш, ишларни ва буюртмаларни бажариш ва хизмат кўрсатиш;

– бошқа асосий муамалавий фаолиятлар - асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа ТМЗ сотиш ёки ҳисобдан чиқариш жараёнлари;

– молиявий фаолиятлари - роялти, фоизлар, курсларнинг фарқи, дивидентлар олиш, қимматбаҳо қоғозларни чиқариш, сотиш, қайта баҳолаш каби муомалаларни амалга оширадилар.

Ушбу фаолиятлари бўйича сарфларни амалга оширадилар, даромадлар оладилар ва молиявий натижаларни - олинган фойда ёки кўрилган зарарларнинг суммасини аниқлайдилар.

Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланиш тартиби 1999 йил феврал ойининг 5-кунида Вазирлар Маҳкамасининг 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг таннархига қўшиладиган ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиши тўғрисидаги Низом» ҳамда 2, 3 ва 4- Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида ёритилган.

Ушбу сарфлар, даромадларнинг ҳисобини юритиш ва якуний молиявий натижаларни аниқлаш учун счётлар режасида қуйидаги счётлар ажратилган:

А. Сарфларни ҳисобга олувчи счётлар.

1. 9100-Сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётлар.

- 9110-«Сотилган маҳсулотларнинг таннархи».
- 9120-«Сотилган товарларнинг таннархи».
- 9130-«Сотилган иш ва хизматларнинг таннархи».
- 9140-«Товар моддий захираларини сотиб олиш».

– 9150-«Товар-моддий захираларининг баҳосини муқобиллаш».

2. 9400-Давр сарфларини ҳисобга олувчи счётлар.

– 9410-«Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш билан боғлиқ сарфлар». Ушбу сарфларнинг аниқ турлари бўйича 9411, 9412, 9113, 9414, 9415 ва 9419- счётлар.

– 9420-«Маъмурий сарфлар» тегишли сарфларнинг турлари бўйича очилган 9421-9429 счётлар.

– 9430-«Бошқа муомалавий сарфлар ва зарарлар» счётлари гуруҳида қуйидаги счётлар очилган:

– 9431-«Асосий воситаларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар натижасида кўрилган зарарлар»;

– 9432-«Бошқа активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар натижасида кўрилган зарарлар»;

– 9433-«Товар-моддий захираларнинг камомади ва бузилишларидан кўрилган зарарлар»;

– 9434-«Шубҳали қарзларнинг натижаси бўйича кўрилган зарарлар»;

– 9439-«Бошқа муомалавий сарфлар»;

– 9440-«Келгусида солиққа тортиладиган асос суммасидан чегириладиган ҳисобот даврининг сарфлари»;

– 9450-«Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётлари.

3. 9600-Молиявий фаолият бўйича сарфларни ҳисобга олувчи счётлар.

– 9610-«Роялти ва капиталнинг трансферти бўйича сарфлар».

– 9620-«Фоиз кўринишидаги сарфлар».

– 9630-«Сўмнинг курсидаги салбий фарқ бўйича зарарлар».

– 9640-«Қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича сарфлар».

– 9650-«Қимматбаҳо қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш натижасида кўрилган зарарлар».

– 9690-«Молиявий фаолият бўйича бошқа сарфлар».

4. 9700-Фавқулоддаги фойда ва зарарларни ҳисобга олувчи счётлар.

– 9720-«Фавқулоддаги зарарлар».

Б. Олинган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар:

1. 9000-Асосий (муомалавий) фаолиятдан олинган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар.

– 9010-«Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар».

– 9020-«Товарларни сотишдан олинган даромадлар».

– 9030-«Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар».

– 9040-«Сотилган товарларнинг қайтарилиши ва чегирмалар».

2. 9300-Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счётлар.

– 9310-«Асосий воситаларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар натижасида олинган фойда»;

– 9320-«Бошқа активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар натижасида олинган фойда»;

– 9330-«Ундирилган жарима, ўсимлар ва беқарорлик тўловлари»;

– 9340-«ўтган йилги фойдалар»;

– 9350-«Рента даромадлари ва ёрдамчи хизматдан олинган даромадлар»;

– 9355-«Жорий лизинг юзасидан олинган даромадлар»;

– 9360-«Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинган даромадлар»;

– 9370-«Товар-моддий заҳираларнинг баҳосини ошириш»;

– 9390-«Бошқа муомалавий даромадлар».

2. 9500-Молиявий фаолиятлар натижасида олинган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар.

– 9510-«Роялтидан олинган даромадлар»;

– 9520-«Дивидент кўринишидаги даромадлар»;

– 9530-«Фоиз кўринишидаги даромадлар»;

– 9540-«Сўм курсидаги ижобий фарқ бўйича даромадлар»;

– 9550-«Молиялаштириладиган лизингдан олинган даромадлар»;

– 9560-«Қимматбаҳо қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар»;

– 9590-«Бошқа молиявий фаолиятлар натижасида олинган даромадлар».

2. 9700-Фавқулодда фойда ва фавқулодда зарарларни ҳисобга олувчи счётлар.

– 9710-«Фавқулодда фойдалар».

9000-Асосий фаолиятдан олинган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар ва 9100-Сотилган маҳсулот, товарлар, бажарилган ишлар ва хизматларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётлар тегишли «Тайёр маҳсулотлар ва уларнинг сотилиши» бўлимида батафсил ёритилган.

9210-Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш (сотиш, эскириши, текинга бериш ва бошқа таъсирлар натижасида) тартиблари ва муомалалари тегишли «Асосий воситаларнинг ҳисобини юритиш» бўлимида ёритилган.

Субъектлар ўзларининг муомалавий фаолиятида бошқа активларни (номоддий активлар, ТМЗ) ҳам сотиши мумкин. Ушбу активларни текинга бериши, эскириши, йўқотилиши натижасида ҳисобдан чиқариши мумкин.

Ушбу муаммоларни қайд қилиш учун 9220-«Бошқа активларни ҳисобдан чиқариш» счёти қўлланилади.

9220-«Бошқа активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар» счётининг дебети бўйича чиқиб кетаётган бойликларнинг баланс қиймати, шунингдек, бу билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан сарфлар (комиссион, мукофотлар ва ҳоказо) акс эттирилади.

9220-«Бошқа активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар» счетининг кредитига бойликларни сотишдан олинган даромад, яъни сотилган мулк учун субъектга тегишли бўлган сумма киради. Номоддий активларнинг объектлари, ТМЗ, арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларнинг сотилишида ва чиқиб кетишида 9220-«Бошқа активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар» счётининг кредитига, шунингдек бу объектлар бўйича ҳисобдан чиқариш пайтигача ҳисобланган эскириш суммаси ҳам, номоддий активлар, арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар ҳисобининг мос счётлари билан корреспонденциялашган ҳолда ёзилади.

Бу счёт бўйича дебет қолдиғи (зарар) 9432-«Бошқа активларни сотишдан ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар натижасида кўрилган зарарлар» счётига, кредит қолдиғи (фойда) эса 9320-«Бошқа активларни сотишдан ва бошқа ҳисобдан чиқаришлардан олинган фойда» счётининг кредитига ёзилади.

9220-Бошқа активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир активнинг объектлари бўйича айрим олган ҳолда юритилади.

9220-«Бошқа активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар» счётининг чизмаси

Счетларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
С- N			
0410- 0490-	Номоддий активларнинг сотилиши ва бошқа ҳисобдан чиқарилиши	Сотилган ва ҳисобдан чиқарилган НМА эскиришини қайд қилиш	-0500
0610-	Узоқ муддатли инвестициялар сифатидаги қимматбаҳо қоғозларни сотиш	Сотишдан ва ҳисобдан чиқарилган АБТ эскиришини қайд қилиш	-1310
1010- 1090-	Сотилган хом-ашё ва материалларни ҳисобдан чиқариш	Бошқа активларни сотишдан ҳисобланган даромаднинг акс эттирилиши.	-4010
1010- 1090-	Хом-ашё ва материалларни бошқа қийматликларга алмаштириш	Бошқа активларни ўзининг бўлинмаларига сотишдан ҳисобланган даромадларнинг акс эттирилиши	-4110
1110, 1120-	Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни сотиш	Бошқа активларни сотишдан келган маблағлар, олинган акциялар ва облигацияларнинг қийматини мулк билан тўлаш, хориж валютасини сотишдан олинган маблағлар	-5010, 5110
1110-	Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни узоқ муддатли ва қисқа муддатли инвестиция баъдали ҳисобидан бериш	Бошқа активларни сотиш ва ҳисобдан чиқариш натижасида аниқланган зарар суммасини акс эттириш	-9432
1210-	АТБ ва ижара буюмларини сотиш ва қисқа муддатли инвестиция тартибида берилиши		
1610-	Сотилган ва ҳисобдан чиқарилган ТМЗ қийматидаги фарқни ҳисобдан чиқариш		
2310-	Ёрдамчи цехнинг бажарган ишларининг қимматбаҳо қоғозларга алмаштирилиши		

Счетларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит
5110-	Хориж валютасини сотиш билан боғлиқ сарфларни акс эттириш.	
5210-	Хориж валютасини валюта биржаларида сотиш.	
5810-	Қисқа муддатли инвестициялар бўлмиш облигацияларни сотиш.	
9320-	Ҳисоб даврида бошқа активларнинг сотилиши ва чиқиб кетиши бўйича фойданинг аниқланиши.	
9450-	Кўрсатилган хизматларнинг қимматбаҳо қоғозларга алмаштирилиши.	

Умумий хўжалик фаолиятининг натижаларини - фойда ёки зарар суммасини аниқлайдиган асосий оқимлардан бири фаолият бўйича олинадиган даромадлар ёки амалга оширилган сарфлардир (давр сарфлари). Чунки ушбу даромад суммалари фойдага қўшилади ва сарфлар эса фойда ҳисобидан қопланади, натижада умумий фойда суммасини камайтиради.

Хўжалик фаолият кўрсатиш жараёнида бир нечта сарфларни амалга ошириш зарурияти туғиладики, лекин ушбу сарфлар маҳсулот таннархига қўшилмайди, балки Низом кўрсатмасига асосан субъектнинг ҳисобот даврида олган фойда суммаси ҳисобига қопланади. Ушбу харажатлар давр харажатлари деб номланган бўлиб, унга ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлар киради, яъни:

- маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар;
- маъмурий-бошқарув харажатлари;
- умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар ва зарарлар.

Ушбу сарфларнинг аниқ ва уларнинг тегишли моддалари ва элементлари Низомнинг тегишли 2, 2.1, 2.2, 2.3 ва 2.4 бўлимдаги моддаларида батафсил келтирилган.

Юқорида қайд қилинган харажатларни ҳисобга олиш даврининг охирида субъектнинг фойдасига олиб бориш ёки зарарига ўтказиш учун 9400-«Давр сарфларини ҳисобга олувчи» синтетик транзит счётнинг гуруҳи қўлланилади.

Ушбу счётда давр харажатларини ҳисобга олиш мақсадида счётларнинг гуруҳида очилган:

9410-«Маҳсулотларни, хизматларни сотиш билан боғлиқ сарфлар/савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида муомала харажатлари»;

9420-«Маъмурий сарфлар»;

9430-«Бошқа муомалавий сарфлар ва зарарлар»;

9440-«Келгусида солиққа тортиш асоси суммасидан чегириладиган ҳисобот давридаги харажатлар»;

9450-«Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар».

Маҳсулотларни, хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ (ушбу низомнинг 2-бўлими).

Маҳсулотларни, хизматларни сотиш билан боғлиқ харажатлар қуйидаги сарфлардан ташкил топгани:

– маҳсулотларни, хизматларни транспортда ташиш харажатлари ва ушбу транспортларнинг бекор туриб қолган вақти учун тўланган жарима суммалари;

– маҳсулотларни ўраш, сақлаш, жўнатиш жойигача етказиш ва транспортга юклаш сарфлари (агарда ушбу сарфлар истеъмолчи - харидорлар томонидан қопланмаса);

– тасдиқланган меъёрдаги реклама (маҳсулотларни тарғибот қилиш) сарфлари - бозор ва кўргазмаларда қатнашиши, шартномага асосан харидорларга бепул берилган товарларнинг қиймати;

– маркетинг сарфлари – товар бозорлари ва истеъмолчиларнинг талаб ва хоҳишларини ўрганиш, ваколатхоналар очиш харажатлари.

Субъектларнинг асосий фаолияти, тегишли тармоқлар йўналишлари бўйича юқорида қайд қилинган харажатларнинг турлари, моддалари ўзгариб боради. Масалан, Низомнинг 2-бўлимининг 2.1-қисмига мувофиқ савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ушбу харажатлар яна ҳам аниқ ва содда ҳолда келтирилган бўлиб, ушбу харажатлар муомала харажатлари дейилади ва тегишли 9410-«Муомала харажатлари» номли счётда ҳисобга олиб борилади. Бу харажатлар қуйидаги элементлардан ташкил топган:

– маҳсулот (иш, хизмат)ни сотиш билан боғлиқ меҳнатга ҳақ тўлаш сарфлари;

– ҳисобланган меҳнат ҳақига нисбатан ижтимоий суғурта ажратмалари;

– бино, иншоот ва хоналарни ижарага олиш, асраш ва таъмирлаш харажатлари;

– асосий восита ва номоддий активларнинг амортизацияси;

– кийимлар, дастурхон, сочиқлар, идиш-товоқлар ва бошқа арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларнинг эскириши;

– газ, ёқилғи ва бошқа қувватланиш сарфлари;

– товарларни сақлаш, ишлаб бериш, навларга ажратиш, харажатлари;

– савдо рекламаси, ташвиқот харажатлари;

– товарларни ташиш, сақлаш ва сотиш жараёнидаги йўқолиши;

– ўраш ва жойлаш учун сарфланган материал қийматликлари;

– мулкни мажбурий суғурта қилиш;

– маркетинг сарфлари;

– муомала фаолиятига тегишли бошқа харажатлар.

(Мазкур Низомнинг 2.12.1-2.12.19; 2.1.2 ва 2.1.3 бандларида келтирилган харажат турлари).

Давр харажатлари туркумининг 2-қисми маъмурий сарфлар йиғиндисидан иборат бўлиб бу бўлимда умум хўжалик аҳамиятига эга бўлган мамурият ва бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақлари, иморат ва иншоотларни асраш ва улардан фойдаланиш ва бошқа тегишли харажатлар киради. Бу харажатларни бир тизимга келтириш ва йиғиб бориш учун 9420-«Маъмурий сарфлар» номли счётларнинг гуруҳи очилган. Ушбу счётда сарфлар қуйидаги моддалар бўйича ҳисобга олиб борилади:

– бошқарув ходимларига ҳисобланган меҳнат ҳақи;

– ушбу ҳисобланган меҳнат ҳақига нисбатан ижтимоий суғурта жамғармасига ажратилган сумма;

– хизмат юзасидан олинган автомобиллар, ижарага олинган транспорт воситаларини асраш, ижара ҳақи ва таъмирлаш сарфлари;

– хўжалик юритувчи субъектни ва унинг таркибий бўлинмаларини, ташкил этиш ва бошқариш харажатлари;

– бошқарувнинг техник ва алоқа воситалари, ҳисоблаш марказини (ҳисоблаш техникаларини) асраш ва улардан фойдаланиш харажатлари;

– алоқа узелларига хизмат ҳақи (АТС, йўлдош, уяли, рейдинг) шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизмати ҳақи харажатлари;

– маъмурий-бошқарув учун зарур бўлган иморат ва иншоотларнинг ижара ҳақлари;

– асосий воситаларни асраш, таъмирлаш ва амортизация ажратмалари;

– юқори ташкилотлар-бирлашма, уюшмалар, концернлар ва вазирликларни асраш учун ажратмалар;

– ходимларни ва мулкни мажбурий суғурта қилиш харажатлари;

– хизмат сарфлари харажатлари;

– хўжалик юритувчи субъектнинг вакиллик харажатлари;

– биноларни текинга бериш ва коммунал хизмат ҳақлари;

– экология сарфлари.

Ушбу бўлим харажатларининг тегишли моддалари Низомнинг 2.2.1-2.2.15 моддаларида кенг ва чуқур ёритилган ҳолда келтирилган.

Ҳисобот даврининг охирида 9410-«Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш билан боғлиқ сарфлар» ва 9420-«Маъмурий сарфлар» счётларида йиғилиб келинган ушбу харажатлар тегишли 9910-«Якуний молиявий натижа» счётининг дебет томонига олиб борилади. Субъектнинг фойдаси ҳисобидан қопланадиган харажатларга бошқа муомала юзасидан сарфланган харажатлар киради. Ушбу харажатларнинг турлари Низомнинг 2.3 бандида келтирилган ва ҳисобот даврида тегишли 9430-«Бошқа муомалавий сарфлари ва зарарлар» счётларида ҳисобга олиб борилади ва ушбу сарфлар қуйидаги гуруҳлардан таркиб топган:

– кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, янги ташкил қилинган субъектда ишлаш учун тайёрланадиган кадрлар учун сарфланган харажатлар бунга кирмайди;

– лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларида аниқланган чала ишларни бартараф этиш, объект ёнидаги омборгача ускуналарни ташиш вақтида уларнинг шикастланишини тузатиш ва шунга ўхшаш субъект зиммасига олинадиган сарфлар;

– маслаҳат ва ахборот хизматларига ҳақ тўлаш;

– аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш;

– ўзининг хизмат кўрсатувчи тармоқлари ва хўжаликларининг фаолияти натижасида кўрилган зарарлар;

– саломатликни муҳофаза қилиш ва дам олишларни ташкил қилиш;

– вақтинча тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини асраш харажатлари;

– банк ва депозитарий хизматлари тўловлари;

– бюджетга мажбурий тўловлар, амалдаги қонунчиликка мувофиқ бюджетдан ташқари махсус жамғармаларга тўловлар;

– экология, соғломлаштириш, маданий маиший ташкилотлар ва ҳайрия жамғармаларига ўтказиладиган бадал суммалари;

– зарарлар, жарималар ва ўсимлар (пеня);

– ҳукумат қарорига асосан қоплама (компенсация) тўловлари;

– кўп йиллик хизматлари учун бир вақтда бериладиган мукофот, рағбатлантириш ва тўловлар;

– вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотгани учун қўшимча тўланган сумма;

– нафақага қўшилган сумма;

– ишчи ва ходимларга тўланган моддий ёрдам;

– идиш бўйича амалга оширилган муомалалардан кўрилган зарарлар;

– суд сарфлари;

– даъво муддати ўтган дебитор қарзи бўйича кўрилган зарарлар;

– жорий йилда аниқланган, ўтган йилларда содир бўлган муомалалар бўйича кўрилган зарарлар;

– жавобгар шахс аниқланмаган йўқотиш ва ўғирликлар натижасида кўрилган зарарлар;

– субъектнинг мулкларини сотишдан кўрилган зарарлар;

– ҳайр-эҳсон сифатида бепул берилган мулклар бўйича кўрилган зарарлар;

– тўланиши шубҳали бўлган қарзлар бўйича захирага ажратмалар;

– табиий офатлар натижасида кўрилган (қопланмайдиган) зарарлар;

– солиқ кодекси ва бошқа қонунларни бузганлиги учун жарима ва ўсма (пеня)лар.

Ушбу сарф ва харажатлар ҳисобот даври мобайнида тизимга солинган ҳолда 9430-«Бошқа муомалавий сарфлари ва зарарлар» счётлар гуруҳининг дебет томонидан йиғиб борилади ва давр охирида 9910-«Якуний молиявий натижа» дебет томонига ўтказилади (дебет 9910 ва кредит 9430).

9410-«Тайёр маҳсулотларни ва товарларни сотиш билан боғлиқ харажатлар (савдо билан шуғулланувчи субъектларда муомала сарфлари)».

9411-«Сақлаш ва ташиш сарфлари».

9412-«Реклама ва сотишга ёрдам бериш сарфлари».

9413-«Ўраш (қадоқлаш), навларга ажратиш ва идиш сарфлари».

9414-«Меҳнатга ҳақ тўлаш сарфлари».

9415-«Меҳнат ҳақи жамғармасидан ажратмалар».

9419-«Бошқа савдо сарфлари».

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит
1070-	Ўраш, навларга ажратиш ва идиш сарфлари	Ушбу сотиш сарфларининг якуний молиявий натижаларга ўтказилиши -9910
2310-	Маҳсулотларни магазинга етказиш сарфлари	
5000, 5110, 5200-	Маҳсулотларни реклама қилиш ва сотишга ёрдам бериш сарфлари	
5000, 5110, 5200-	Дўконларни асраш,қўриқлаш, ижара ҳақи ва бошқа сарфлар	
6520-	Меҳнат ҳақи жамғармасидан ажратмалар	
6710-	Сотувчилар, маркетинг ходимларига меҳнат ҳақи сарфлари	
9450-	Омборхонадан фойдаланиш сарфлари (эскириш, таъмирлаш, иситиш, қўриқлаш ва ҳоказолар)	

9420-Маъмурий сарфларни ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси.

9421-«Меҳнатга ҳақ тўлаш сарфлари».

9422-«Меҳнат ҳақи жамғармасидан ажратмалари».

9423-«Маъмурий аҳамиятдаги асосий воситаларнинг эскириши».

9424-«Маъмурий аҳамиятдаги асосий воситаларнинг ижара сарфлари».

9425-«Маъмурий аҳамиятдаги асосий воситаларни суғурта қилиш сарфлари».

9426-«Маъмурий аҳамиятдаги НМА эскириши».

9427-«Юқори ташкилотларни асраш сарфлари».

9429-«Бошқа маъмурий аҳамиятдаги сарфлар».

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
0200-	Маъмурий аҳамиятдаги асосий ва товар-транспорт воситаларига эскириш ҳисоблаш.	Ҳисобот даврининг охирида ушбу сарфларининг якуний молиявий натижаларга олиб бориш.	-9910
0500-	Номоддий активларга эскириш ҳисоблаш.		
5110-	Юқори ташкилотлар-концериларни асраш сарфлари.		
6510-	Маъмурий аҳамиятдаги асосий воситаларни суғурта қилиш.		
6520-	Меҳнат ҳақи жамғармасидан ажратмалар.		
6710-	Раҳбар ходимларга, хизматчиларга меҳнат ҳақи ҳисоблаш.		
6710-	Раҳбар ходимларга ва хизматчиларга мукофотлар ҳисоблаш.		
6810-	Маъмурий аҳамиятдаги асосий воситаларга ижара ҳақи ҳисоблаш.		
6870-	Хизмат сафари сарфлари.		
6890-	Биноларни иситиш сарфлари.		
6890-	Электр энергияси билан таъминлаш.		

9430-Бошқа муомалавий харажатларни ҳисоб счётларининг чизмаси.

9431-«Асосий воситаларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар натижасидан кўрилган зарарлар».

9432-«Бошқа активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар натижасидан кўрилган зарарлар».

9433-«Қийматликларнинг камомади ва бузилишлари натижасида кўрилган зарарлар».

9435-«ТМЗ баҳосини арзонлаштириш натижасида кўрилган зарарлар».

9434-"Шубҳали қарзлар бўйича сарфлар"

9439-«Бошқа муомалавий сарфлар».

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
1000. 1100. 1200. 2900-	ТМЗ баҳоларининг арзонлаштирилиши.	Ҳисобот йилининг охирида ушбу сарфларини якуний молиявий натижаларга олиб бориш.	-9910
1000. 1100. 1200. 2900-	Давр харажатларига олиб бориладиган камомадларнинг суммаси.		
2010-	Тугатилган буюртмалар бўйича сарфларнинг ҳисобдан чиқарилиши.		
4910-	Шубҳали қарзлар бўйича захираларнинг ҳисобланиши.		
5110-	Маҳаллий транспортлардан фойдаланиш учун абонементларнинг олиниши.		
5910-	Ходимларнинг дам олиши ва санаторияларга йўлланмаларининг қиймати.		
6410-	Солиқлар бўйича жарималарнинг ҳисобланиши		
6710-	Бир маротабалик моддий ёрдамнинг тўланиши.		
6890-	Олий ўқув юртлари учун ажратмалар.		
6840-	Шартномаларни буэганлиги учун ҳисобланган жарималар.		
8710-	Олдинги йилларда кўрилган зарарлар.		
9210-	Асосий воситаларни сотиш ва уларнинг бошқа чиқимларидан кўрилган зарарлар.		
9220-	Бошқа активларни - НМА, ТМЗ сотиш ва бошқа чиқимларидан кўрилган зарарлар.		

9440-«Келгусида солиққа тортиладиган асос суммасидан чегириладиган ҳисобот даврининг сарфлари» счётининг чизмаси.

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит
0200 -	Янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда. Янги технологик жараённи ўзлаштиришда, қазиб олиш тармоқларида тайёргарлик ишларини бажаришда қатнашаётган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш.	Ҳисобот йилининг охирида ушбу сарфларнинг молиявий натижаларга олиб борилиши. -9910
0500 -	Юқоридаги фаолиятларда қатнашаётган НМА эскириш ҳисоблаш.	

9450-«Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» бўйича сарфларни ҳисобга олувчи счётнинг чизмаси.

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит
0200-	Асосий воситаларга эскириш ҳисобланиши.	Мақсадли тушумлар ва мақсадли молиялаштириш ҳисобидан қопланиши. -7710
0500-	Номоддий активларга эскиришнинг ҳисобланиши.	Маъмуриятга кўрсатилган хизматлар. -9420
2300-	Ёрдамчи хўжаликнинг кўрсатган хизматлари.	Ҳисобот даврининг охирида ҳисобдан чиқарилиши. -9910
6710-	Ходимларга меҳнат ҳақи ҳисоблаш.	
6520-	Меҳнат ҳақи жамғармасидан ажратмалар.	
6890-	Бошқа субъектларнинг кўрсатаётган хизматлари (сув, иссиқлик, энергия таъминоти).	

Ушбу сарфлар амалга оширилаётган бир даврнинг ичида субъектлар ўз навбатида асосий фаолиятлари бўйича бошқа даромадларни ҳам олиши мумкин.

Бу даромадларнинг моддалари ва турлари мазкур Низомга мувофиқ қуйидаги элементлардан ташкил топган:

– шартнома талабларини бажармаганлиги учун олинган жарима, ўсма ва бошқа маблағлар;

– ҳисобот йилида аниқланган ўтган йилларда олинган фойда суммаси;

– маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа муомалалар ва фаолиятидан (рента даромади, ошхонадан ва бошқа тармоқлардан келган тушумлар) олинган даромадлар;

– идишлар бўйича амалга оширилган муомалалардан олинган даромадлар;

– асосий воситаларни ва бошқа мулкларни тугатиш ва сотишдан олинган даромадлар;

– даъво муддати ўтган кредитор қарзлар ва депонент қарзларини ҳисобдан чиқариш натижасида олинган даромадлар;

– товар-моддий қийматликларни ва тайёр маҳсулотларни қайта баҳолаш натижасида (уларнинг баҳосининг ошган фарқ суммасига) олинган даромадлар;

– давлат субсидияларидан олинган даромадлар;

– беғараз молиявий ёрдам (ҳайр-эҳсон);

– юқорида қайд қилинмаган бошқа муомалалар натижасида тушган даромадлар.

Ушбу муомалаларни амалга ошириш натижасида тушган даромад суммаларининг ҳисоби 9300-"Бошқа асосий фаолиятлардан олинган даромадлар" счётларида юритилади.

1. Хўжалик шартномасига риоя қилмаслик натижасида ҳисобланган ва олинган жарима, ўсимлар ва беқарорлик тўловлари суммасига:

– дебет 4210- «Даъволар бўйича олинадиган счётлар» ва кредит 9330-«Ундирилган жарима, ўсим ва беқарорлик тўловлари» счёти.

Ушбу сумма олинганда:

– дебет 5110-«Ҳисоблашиш счёти» ёки 5210-«Мамлакат ичидаги хориж валюталари счёти» ва кредит 4210-«Даъволар бўйича олинадиган счётлар».

2. Олдинги йилда олинган, лекин жорий йилда аниқланган фойда суммасига:

– дебет 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» кредит 9340-«Ўтган йилги фойдалар».

Ушбу сумма олинганда:

– дебет 5110-«Ҳисоблашиш счёти» ёки 5210 - «Мамлакат ичидаги валюта счёти» ва кредит 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар».

3. Қисқа муддатли ижара ҳақини ҳисоблаганда ушбу суммага:

– дебет 4811-«Тезкор лизинг юзасидан олинадиган счётлар» ва кредит 9355-«Жорий лизинг юзасидан олинадиган даромадлар» счёти.

Ушбу сумма келиб тушганда:

– дебет 5110-«Ҳисоблашиш счёти» ёки 5210-«Мамлакат ичидаги хориж валютаси счёти» ва кредит 4811-«Тезкор лизинг юзасидан олинадиган счётлар».

4. Асосий воситаларни сотиш ёки бошқа сабабларга кўра ҳисобдан чиқариш натижасида фойда олинса.

– дебет 9210-«Асосий воситаларни сотиш ёки бошқа ҳисобдан чиқаришлар» счёти ва кредит 9310-«Асосий воситаларни сотиш ёки бошқа ҳисобдан чиқаришлар натижасида олинган фойда» счёти.

5. Бошқа мулкларни активларни сотиш ёки бошқа сабабларга кўра ҳисобдан чиқариш натижасида фойда олинса:

– дебет 9220-«Бошқа активларни сотиш ёки бошқа ҳисобдан чиқаришлар» счёти ва кредит 9320-«Бошқа активларни сотиш ёки бошқа ҳисобдан чиқаришлар натижасида олинган фойда» счёти.

6. Ёрдамчи хизмат қилувчи соҳаларнинг фаолиятидан олинган даромадлар суммасига:

– дебет 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» ва кредит 9350-«Ёрдамчи хизматдан олинган даромадлар» счёти.

7. Депонент қарзларнинг тўлаш муддати ўтгандан кейин улар субъектнинг даромадига кирим қилинса ушбу суммага:

– дебет 6720-«Депонентланган меҳнат ҳақи» счёти ва кредит 9360-«Депонент қарзларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинган даромадлар» счёти.

8. Товар-моддий заҳираларининг баҳоси оширилганда ушбу суммага:

– дебет 1000-«Товар-моддий заҳираларининг тегишли счёти» ва кредит 9370-«Товар-моддий заҳираларининг баҳосини ошириш» счёти.

9. Текинга молиявий ёрдам олинганда олинган суммага:

– дебет 5110-«Ҳисоблашиш счёти» ва кредит 9380-«Текинга олинган молиявий ёрдам».

Ёки давлат субсидияси бўлса:

– дебет 5110-«Ҳисоблашиш счёти» (пул маблағлари берса), кредит 8810-«Грант ва субсидия (капитал)лар» счёти. ва дебет 8810-«Грант ва субсидия (капитал)лар» счёти ва кредит 9380-«Текинга олинган молиявий ёрдам».

Ушбу муомалаларни амалга ошириш натижасида тушган даромад суммалари қуйидаги 9310-9390-«Асосий фаолият натижасида олинган бошқа даромадлар» счётлар гуруҳида ҳисобга олиб борилади.

9310 ва 9320 счётларининг кредит томонида хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари ёки бошқа мулкларини сотиш натижасида олинган фойдалар ҳисобга олиб борилади.

Солиққа тортиш нуқтаи назаридан асосий воситалар ёки мулкни сотишдан олинган фойда суммаси ушбу мулкларнинг қолдиқ қийматидан сотган суммасининг ортиқча қисмидир. Асосий воситаларни сотиш натижасида аниқланган молиявий натижалар суммаси 9210-«Асосий воситаларни сотиш ва бошқа йўллар билан ҳисобдан чиқариш» счётида аниқланади: агарда ушбу муомала натижасида фойда олинса бу сумма 9210-счётининг дебет ва 9310-счётининг кредит томонида, мабодо ушбу муомала натижасида зарар кўрилса 9431-счётнинг дебети ва 9210-счётнинг кредит томонига ёзилади ва қўшимча равишда ушбу сумма субъект фаолиятининг зарарига ўтказилади. 9910-счётнинг дебети ва 9431-счётнинг кредити.

Бундан ташқари хўжалик юритувчи субъект ўзига тегишли бўлган бошқа мулкларини ҳам сотиши мумкин. Ушбу мулкларга қуйидагилар киради:

- номоддий активлар;
- ўрнатиладиган ва ўрнатилмайдиган (тайёр) ускуналар;
- тугалланмаган капитал қурилиши;
- хом ашё ва бошқа моддий қийматликлар;
- кам баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар;
- пул ҳужжатлари;
- қимматбаҳо қоғозлар - акция, патент, облигациялар ва бошқалар.

Ушбу мулкларни сотишдан олинган фойда суммаси уларнинг бошланғич қиймати (номоддий активлар ва кам баҳоли ва тез эскирувчан буюмларнинг қолдиқ қиймати) дан сотиш баҳосининг ортиқча суммаси кўринишида аниқланади.

Бошқа мулкларни сотиш натижасида аниқланган молиявий натижалар қуйидагича счётларда қайд қилинади:

– агарда ушбу муомала натижасида субъект фойда олса, ушбу сумма 9220-«Бошқа активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар» счётининг дебет томони ва 9320-«Бошқа активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар» счётининг кредит томонида қайд қилинади ва ҳисобот давринининг охирида 9320 счётнинг дебетидан ва 9910-«Якуний молиявий натижа»счётининг кредитига қайд қилинади.

– агарда ушбу муомала натижасида субъект зарар кўрса ушбу сумма аввало 9432-"Бошқа активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлардан кўрилган зарарлар" счётининг дебет томони ва 9220-счётнинг кредит томонида қайд қилиниб ҳисобот даври охирида 9910-«Якуний молиявий натижа» счётнинг дебетига 9432-счётнинг кредитидан ўтказилади.

9300-Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси.

9310-«Асосий воситаларни сотишдан ва бошқа ҳисобдан чиқаришлардан олинган фойда».

9320-«Бошқа активларни сотишдан ва бошқа ҳисобдан чиқаришлардан олинган фойда».

9330-«Ундирилган жарималар, ўсимлар ва беқарорлик тўловлари».

9340-«Ўтган йиллардаги фойдалар».

9350-«Рента даромадлари ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар».

9360-«Кредитор ва депонентлик қарзларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинган даромадлар».

9370-«Товар-моддий заҳираларнинг баҳосини оширишдан олинган даромадлар».

9380-«Текинга олинган молиявий ёрдам».

9390-«Бошқа муомалавий даромадлар».

Счётларнинг кредитидан Дебет		**Счётларнинг дебетига Кредит**	
9910-	Ҳисоботдавринининг охирида бошқа асосий фаолиятлардан олинган даромадларнинг якуний молиявий натижаларга олиб борилиши	Номоддий активларга ҳисобланган ортиқча амортизация суммаси.	-0510-0590

...ларининг кредитидан ...т	Счётларининг дебетига Кредит
Қурилаётган асосий восита объектининг таннархига қўшилаётган ускуна ва бошқа моддий қийматликларнинг ортиқча миқдори.	-0810-0890
ТМЗ қийматини таннархга ортиқча ёзиб юбориш.	-1000, 1510, 1610
Асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи тармоқлардаги тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги ортиқча буюмлар.	-2010, 2310, 9450
Айланма маблағларга тегишли бўлган бойликлар товарларнинг суммасини ошириш.	-2900
Ортиқча маҳсулот ва товарларни кирим қилиш.	-2810, 2910
Ўтган йилги муомалалар бўйича харидорлар билан қайта ҳисоблашиш натижалари.	-4010
Шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун бошқа субъектларга билдирилган даъволар.	-4210
Жавобгар шахс зиммасига юкланган қийматликларнинг баҳолари ўртасидаги фарқ.	-4630
Илгари ҳисобдан чиқарилган дебиторлик қарзининг келиб тушиши ва ҳозирги кредиторлик қарзини ҳисобдан чиқариш натижасида олинган фойда.	-4810-4890, 6810-6890
Олдинги йилда ташкил қилинган шубҳали қарзлар бўйича заҳиранинг фойдага олиб борилиши.	-4910
Текинга олинган пул маблағларининг кирим қилиниши.	-5110-5120
Даъво муддати ўтган мол етказиб берувчиларга бўлган қарзни ҳисобдан чиқариш.	-6010
Ўтган йиллардаги камомадлар бўйича қарз	-6210

Счётларнинг кредитидан Дебет	Счётларнинг дебетига Кредит	
	суммалари, ижарага берилган асосий воситаларнинг келишув баҳолари ўртасидаги фарқ.	
	Харидор ва буюртмачилардан олинган ва ўз вақтида талаб қилинмаган суммалар.	-6310
	Мулк сугуртаси бўйича олинган тўловлар.	-6510
	Асосий воситаларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқариш натижасида олинган фойда.	-9210
	Бошқа активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқариш натижасида олинган фойда.	-9220

Бошқа муомалалар бўйича молиявий натижаларни аниқлаш тартибини ёритиш муқаддимасида қуйидагиларни қайд қилиш лозимдир:

– ушбу юқорида қайд қилинган учта моддалар бўйича йиғма суммалар «Молиявий натижалар юзасидан ҳисобот» номли 2-шаклнинг қуйидаги қаторларида акс эттирилади:

– сотиш билан боғлиқ харажатлар, 80-қаторда;

– маъмурий-бошқарув харажатлари, 90-қаторда;

– бошқа муомалалар юзасидан амалга оширилган сарфлар ва асосий фаолият юзасидан олинган даромадлар суммаси 100-қаторда.

– ушбу қаторларнинг йиғиндиси (80+90+100) бошқа муомалалар натижаси бўйича молиявий натижалар суммасини (фойда ёки зарар) акс эттиради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор иқтисоди шароитида фаолияти яна ҳам кенгайиб боради. Субъектлар давр тараққиёти билан шаҳдам қадам ташлаш мақсадида ўз фаолиятининг турларини кўпайтиради ва ривожлантиради.

Ушбу ўзига хос турлари ҳозирги даврда кенг ва тезкор ривожланиб бораётган молиявий фаолиятдир. Ушбу фаолият тўғридан-тўғри асосий фаолият билан боғлиқ бўлмай балки хўжаликка қўшимча даромад олиб келади.

Ушбу молиявий фаолиятга роялти, акция, облигация, қимматбаҳо қоғозлар, молиялаштириладиган лизинг ва шунга ўхшаш бошқа муомалалар киради.

Молиявий фаолият ўз навбатида субъектнинг умумий фойда жамғармасига қуйидаги йўллар билан улушини қўшади:

– роялтидан олинган даромадлар;

– Ўбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қўшган улуши бўйича олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар, облигация ва тегишли қимматбаҳо қоғозлар бўйича олинган даромадлар;

– мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар (молиялаштириладиган лизинг бўйича даромад);

– валюта счётлари ва чет эл валюталари билан амалга оширилган муомалалар бўйича валюта ва сўм орасидаги ижобий фарқ;

– қимматбаҳо қоғозларни, авлод корхоналарига ва шунга ўхшаш субъектларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш натижасида аниқланган даромадлар;

– дисконт бўйича ижобий кўрсатмаларнинг фарқи;

– молиявий фаолиятнинг бошқа турларидан олинган даромадлар (солиққа тортишда ялпи даромад ҳажмига киритилмайди).

9500-Моливий фаолиятдан олинган даромадларни ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси.

9510-«Роялтидан олинган даромадлар».

9520-«Дивиденд кўринишидаги даромадлар».

9530-«Фоиз кўринишидаги даромадлар».

9540-«Курс фарқларидан олинган даромадлар».

9550-«Лизинг шартномасига асосан ижарага берилган мулклар бўйича олинган даромадлар».

9560-«Қимматбаҳо қоғозларни қайта баҳолаш натижасида олинган даромадлар».

9590 - «Бошқа молиявий фаолиятдан олинган даромадлар».

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
9910-	Ҳисобот даврининг охирида олинган даромадларнинг «Якуний молиявий натижалар» счётига ўтказилиши	Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар бўйича хориж валютасининг курсининг ижобий фарқи.	-0610-0690
		Қимматбаҳо қоғозларнинг номинал ва сотиб олиш қийматларининг ўртасидаги	-0610-5810

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит
	ижобий фарқи.	
	Бўлинмалар билан ҳисоблашиш жараёнидаги валюталарнинг курси ўртасидаги ижобий фарқ.	-4110
	Ҳисобдор шахсларга бўнак кўринишида берилган валюталарнинг курси ўртасидаги ижобий фарқ.	-4620, 4630
	Узоқ муддатли ижара шартномасига биноан ижара тўловлари ва қарз мажбуриятлари бўйича ҳисобланган фоизлар.	-4820
	Хиссали қатнашишдан, банклардан олинган даромадлар, қимматбаҳо қоғозлар бўйича олинган даромадлар.	-4830, 4890, 5000, 5100, 5200
	Роялти бўйича ҳисобланган суммалар.	-4840
	Валюта счётидаги маблағлар бўйича ҳисобланган курснинг ижобий фарқи.	-5210
	Муддати узайтирилган даромадлар счётидаги қарзларни қабул қилиш вақтидаги валюта курсининг ижобий фарқи.	-6210
	Солиқлар ва мажбурий тўловларни хориж валютасида тўлаш вақтида уларнинг курси ўртасидаги ижобий фарқ.	-6410

Ушбу даромадларнинг вужудга келишида хўжалик юритувчи субъект маълум харажатларни амалга ошириши зарур, ушбу харажат ва сарфлар низомга мувофиқ қуйидаги кўринишга эга:

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган ҳисоб даражалари (ставкаси) доирасида ва улардан юқори даражада қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бўйича, шу жумладан, тўлов муддати ўтган ва узайтирилган кредитлар юзасидан тўловлар;

– мол етказиб берувчиларга бўлган қарзлар юзасидан тўланадиган фоиз суммалари;

– мулкни узоқ муддатли ижарага олиш юзасидан (молиявий лизинг) тўланадиган харажатлар;

– валюта счётлари ва чет эл валюталари билан амалга оширилган муомалалар бўйича валюта ва сўм курси орасидаги салбий фарқ суммаси;

– авлод корхоналарига, қимматбаҳо қоғозларни сотиб олишга ва шунга ўхшаш муомалаларга сарфланган маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар суммаси;

– ўзининг қимматбаҳо қоғозларини - облигация, акция, васиқаларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ сарфлар, бунга, дисконт бўйича салбий кўрсаткич суммаси, бланкаларни сотиб олиш ёки тайёрлаш, уларни тарқатиш учун банкка тўланадиган суммалар ва шунга ўхшаш молиявий фаолиятга тааллуқли бошқа муамолалар бўйича амалга оширилган харажатлар киради.

Юқорида қайд қилинган молиявий фаолиятнинг турлари юзасидан сарфланган харажатлар ва олинган даромадлар бухгалтерия ҳисобининг счётларида қуйидаги тартибда қайд қилинади:

1. Хўжалик юритувчи субъект учун ҳисобланган дивиденд ёки фоизлар суммасига 4830 ва 4820 счётнинг дебети ва 9520 ва 9530 счетнинг кредити, агарда ушбу сумма субъектнинг тегишли счётига кирим қилинса 5110 ёки 5210 счётларнинг дебети ва 4830 ва 4820 счётларнинг кредитига ёзилади.

2. Банкдан олинган кредитлар ва мол етказиб берувчиларга бўлган қарзлар бўйича фоизлар, лизинг ҳақи ҳисобланса 9620 счётнинг дебети ва 6820-"Тўланадиган фоизлар" ва 6811-"Тўланадиган тезкор лизинглар" счётларининг кредитига ва ушбу ҳисобланган суммалар тўланса 6820, 6811 счётларининг дебетига ва 5110, 5210 счётларнинг кредитига ёзилади.

3. Бошқа қарзлар бўйича фоизлар ҳисобланса ҳам 9620 счётнинг дебетига ва 6820 счётнинг кредитига, ушбу сумма тўланса 6820 счётнинг дебетига ва 5110, 5210 счётларнинг кредитига ёзилади.

4. Хўжалик субъектлари сотиб олган облигациялар бўйича мукофотлар, облигациянинг номинал қийматидан ортиқча суммаси ҳисобланганда 0610, 5810 счётларнинг дебети ва 8521 счётнинг кредит томонига қайд қилинади.

5. Облигацияларнинг номинал қийматининг тушиб кетган суммасини (номинал қиймати бозорда белгиланган ёки

харидорлар билан келишилган баҳодан юқори бўлса) субъектнинг зарарига чиқарилганда 9650 счётнинг ва 0610, 5800 счётларнинг кредитига ушбу фарқ суммаси ёзилади.

6. Валюта муомалалари амалга оширилаётганда хориж валютаси билан миллий валюта - сўм курсининг ўртасидаги салбий фарқ (хориж валютасининг курси ошса, ушбу ошган суммага) суммасига 9630 счётнинг дебети ва 5210 счётнинг кредитига ёзилади.

7. Бошқа субъектларнинг фаолиятига қўйилган инвестиция маблағларининг, қимматбаҳо қоғозларнинг қадри тушса, ссуда ва қарзлар бўйича фоиз ҳисобланса ушбу суммалар 9650, 9620 счётларининг дебети ва тегишли 0610 ва 5800 счётларининг кредит томонидан қайд қилинади.

8. Агарда 6 ва 7 муомалалар натижасида тескари натижага эришилса, яъни валюта ижобий натижага эришилганда, инвестиция маблағлари ва қимматбаҳо қоғозларнинг қадри ошса, берилган қарзлар юзасидан фоизлар ҳисобланса, ушбу сумма 0610, 5210, 5800 счётларнинг дебети ва 9530, 9540, 9560 счётларининг кредит томонига қайд қилинади.

9. Қимматбаҳо қоғозларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш (бланкаларга буюртма бериш, сотиб олиш, қимматли қоғозларни тарқатиш) сарфлари тўланганда 9640 счётнинг дебетига ва 5110, 5210 счётларнинг кредитига ёзилади.

9600-Молиявий фаолият бўйича сарфларни ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси.

9610-«Роялти бўйича сарфлар».

9620-«Файзлар кўринишидаги сарфлар».

9630-«Валюталарнинг салбий курсларидан кўрилган зарарлар».

9640-«Қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича сарфлар».

9650-«Қимматбаҳо қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар».

9690-«Молиявий фаолият бўйича бошқа сарфлар».

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
0610-0690 -	Хориж валютасидаги инвестициялар билан боғлиқ муомалалар бўйича курснинг салбий фарқи.	Ҳисобот даврининг охирида олинган даромадларнинг «Якуний молиявий натижалар» счётига ўтказилиши.	-9910

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит
0610 -	Қимматбаҳо қоғозларнинг номинал ва бозор қийматлари ўртасидаги фарқ.	
0600, 5800 -	Қимматбаҳо қоғозларга ва бўлимларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар.	
0800 -	Капитал қўйилмалардаги валюталар курсининг салбий фарқи.	
4110 -	Филиаллар билан ҳисоблашиш жараёнидаги валюталар курсининг салбий фарқи.	
4420, 4430, 4490 -	Ҳисобдор шахсларга берилган хориж валюталарини сўндириш вақтидаги салбий фарқлар.	
5210 -	Валюта маблағининг қолдиғи бўйича курсларнинг салбий фарқи.	
6410, 6450 -	Солиқлар ва мажбурий тўловларни хориж валютасида тўлаётганда курсларининг салбий фарқи.	
6820 -	Лизинг тўловлари бўйича ва бошқа қисқа муддатли қарзлар бўйича файз тўловлари.	
6830 -	Роялти бўйича сарфларнинг суммаси.	
6910, 7510 -	Валютада олинган қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бўйича валюта курсларининг салбий фарқи.	
6920, 7600 -	Валютада олинган қисқа ва узоқ муддатли қарзлар (заём) бўйича валюта курсларининг салбий фарқи.	

Ушбу содир бўлган муомалалар суммаларини умумлаштириш мақсадидда «Молиявий натижалар юзасидан

ҳисобот» шаклининг тегишли қаторларида олинган даромадлар ва тўланган сарфлар қайд қилинади:

– уюшган ва авлод корхоналарнинг фаолиятида қатнашгани учун олинган дивидендлар - 120 - қаторда;

– бошқа қўйилмалар бўйича олинган дивидендлар - 125 - қаторда;

– олинган ва уюшган ва авлод корхоналарга берилган қарзлар юзасидан тўланган фоизлар - 130 - қаторда;

– тўланган ва олинган бошқа тур фаолияти бўйича фоизлар - 135-қаторда;

– валюта курси бўйича фарқ - 140 - қаторда;

– молиявий фаолият юзасидан олинган бошқа даромадлар ва сарфланган бошқа харажатлар - 145-қаторда, (1-иловага қаранг).

Натижада умумхўжалик фаолияти бўйича тегишли молиявий натижаларнинг ҳамма моддалари билан танишиб чиққандан кейин ушбу кўрсаткични умумлашган ҳолда ҳисоблаб чиқиш мумкин. У кўрсаткич, яъни умумлаштирилган ёки якуний молиявий натижа қуйидаги тартибда аниқланади:

- маҳсулот (иш, хизмат)ни сотишдан олинган ялпи даромадлар суммасига бошқа муомала ва молиявий фаолиятдан олинган даромад суммаси қўшилиб, умумий суммадан бошқа муомала сарфлари ва молиявий фаолият бўйича сарфлар суммаси чегирилиб натижада якуний молиявий натижа суммаси топилади.

Ушбу усулни қуйидаги кўринишда акс эттириш мумкин:

$$Х_{ф.м.н} = (М^1_{сд} + М^2_д + М^3_д) - (М^4_т + М^5_д + М^6_с + М^7_с)$$ бунда

$Х_{ф.м.н.}$ - хўжалик фаолияти бўйича якуний молиявий натижа;

$М^1_{сд}$ - маҳсулот сотишдан олинган даромад;

$М^2_д$ - бошқа муомалалар бўйича олинган даромад;

$М^3_д$ - молиявий фаолият натижасида олинган даромад;

$М^4_т$ - сотилган маҳсулотнинг таннархи;

$М^5_с$ - давр сарфлари.

$М^6_с$ - бошқа муомалалар бўйича қилинган сарфлар;

$М^7_с$ - молиявий фаолият бўйича қилинган сарфлар.

Ушбу аниқланган молиявий натижанинг якуний суммаси тегишли «Молиявий натижа юзасидан ҳисобот» шаклининг 150-қаторида кўрсатилади.

Ушбу кўрсаткич тегишли «Молиявий натижалар юзасидан ҳисобот» шаклининг қаторлари бўйича қуйидагича ҳисобланади: (110+120+125)-(130+135+140+145).

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларини чуқур ўрганиш давомида «Молиявий натижалар юзасидан ҳисобот» шаклининг 160- қаторига эътибор берилади. Ушбу қатор «Фавқулодда (кутилмаган) даромад ва зарарлар» деб номланган фавқулодда (кутилмаган) даромад ва зарарлар нима? Ушбу саволга мамалакатимизда қабул қилинган 3- «Молиявий натижалар юзасидан ҳисобот» шакли ва тегишли БХМС тўлиқ ва чуқур тавсиф берилган.

Фавқулодда (кутилмаган) фойдалар ва зарарлар - хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятида камдан-кам ҳолларда рўёбга чиқадиган, оддий воқеалар бўлмаган ва ушбу субъектни бошқарув қарорларининг бажарилиши натижалари бўлмаган ходисаларнинг натижаларидир.

Фавқулодда (кутилмаган) фойдаларнинг моддалари - бу хўжалик юритувчи субъектнинг тасарруфидан ташқари воқеалар ва ходисалар натижасида кутилмаган ва фавқулодда олинган фойдалардир. Бунга даромадларнинг фавқулодда моддалари ёки асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар бўлимида акс эттирилиши керак бўлган ўтган даврлардаги фойда суммаси кирмайди. Бундай даромадлар асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар бўлимида акс эттирилиши лозим.

Фавқулодда (кутилмаган) зарарларнинг моддалари - бу хўжалик юритувчи субъектнинг тасарруфидан ташқари воқеалар ва ходисалар натижасида вужудга келадиган ва содир бўлиши кутилмаган одатдан ташқари харажатларнинг моддаларидир. Бунга фавқулодда моддалар ва давр харажатлари таркибида акс эттрилиши керак бўлган ўтган давр харажатларининг моддалари кирмайди.

У ёки бу модда (фойда ёки зарарларнинг турлари) фавқулодда (кутилмаган) фойдалар ёки зарарларнинг таркибига киритилиши учун қуйидаги учта мезонга жавоб бериши керак:

– субъектнинг одатдаги хўжалик фаолиятига мос эмаслиги;

– бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги лозимлиги;

– бошқарув ходими (ходимлари) томонидан қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ эмаслиги.

Тегишли моддаларни фавқулодда моддаларга киритиш ёки киритмаслик тўғрисида қарорлар қабул қилишда ишларни амалга оширадиган шароитларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Агарда хўжалик юритувчи субъект алоҳида иқлим шароитларида жойлашган бўлса, у ҳолда - иқлим шароитларига боғлиқ ҳолдаги ишламай (бўш) туриб қолишлар фавқулодда деб баҳоланиши мумкин эмас, чунки ушбу модда «бир неча йил давомида такрорланмаслиги керак» мезонига жавоб бермайди.

Демак, ҳар бир фойда ёки зарар моддаси нооддийлиги, кутилмаганлиги ва такрорланмаслиги мезонларига жавоб бериши лозим.

Хўжалик субъектининг фаолиятида шундай моддалар рўёбга чиқиши мумкинки, улар фақат нооддий воқеалар, ходисалар ёки кутилмаган воқеалар ва ходисалар гуруҳига киритилади. Масалан, хориж валютаси билан муомала қилиш натижасида даромад олиш ёки зарар кўриш мумкин бу кутилмаган ҳодиса, лекин натижасида бу даромад ва зарарлар оддий ҳодисалардир.

Демак, ишончсиз дебитор қарзларини ҳисобдан чиқариш (қоплаш) натижасида кўрилган зарарлар, ушбу мақсад учун заҳира суммасини яратиш, валюта муомалалари юзасидан ва валюта курси бўйича кўрилган зарарлар, баҳолар ёрдамида тартибга солиш, активларни қайта баҳолаш (баҳосини ошириш ёки камайтириш), солиқ ёрдамида тартибга солиш, ҳисобот йилида аниқланган ўтган йилларда олинган фойда ва кўрилган зарарлар фавқулодда (кутилмаган) фойда ва зарарлар моддасига кирмайди.

Кўпчилик ривожланган мамлакатларнинг амалиётида фавқулодда зарарлар моддаларига қуйидагилар киритилган:

– табиий офат натижасидаги йирик йўқотишлар-зарарлар;

– сиёсий тебранишлар – урушлар, революцияларнинг натижасида кўрилган зарарлар;

– ушбу мамлакатнинг тегишли қонунларининг ўзгариши натижасидаги йўқотишлар (масалан, мулкларни ижтимоийлаштириш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши).

Бундан ташқари у ёки бу воқеалар ва ҳодисаларни фавқулодда (кутилмаган) ҳодисалар қаторига қўшиш вақтида хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятига таъсир қилувчи ташқи муҳитни ҳам эътиборга олиш зарур: агарда ушбу субъект жойлашган манзилда қишлоқ хўжалик экинларини тез-тез совуқ уруш ҳолатлари кузатилса ҳосилни совуқ урушининг натижасида кўрилган зарарлар фавқулодда зарарлар моддасига

олиб борилмайди; чунки бу ҳодиса мезоннинг 2-талабига жавоб бермайди.

Фавқулодда (кутилмаган) фойда ва зарарларни тартибга келтириш ва аниқлашнинг асосий мақсади тегишли субъектлар фаолиятининг молиявий натижаларини холис баҳолаш ва тўғри аниқлашдир, чунки бу моддалар субъектнинг фаолиятини баҳолашда салбий таъсир қилади. Чунки қуйидагиларни ҳам эътиборга олиш лозим - у ёки бу компания учун даромад ёки сарфлар нооддий ва кам такрорланадиган бўлса бошқа компаниялар учун эса бундай бўлмаслиги мумкин.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки қуйидаги хусусий ва ўзига хос ҳодисалар натижасида олинган даромадлар ва кўрилган зарарлар фавқулодда (кутилмаган) фойда ва зарарлар моддасига олиб борилади:

– муомалаларни тўхтатиш натижасида кўрилган зарарлар ва олинган даромадлар;

– экстроординар даромадлар ва зарарлар.

Шунга қарамай кўпчилик бухгалтерлар юқорида қайд қилинган тартиб, усул ва мезонларга эътибор бермайдилар, натижада ушбу даромад ва зарарлар суммасини нотўғри гуруҳлаштирадилар. Шунинг учун юқорида таърифланган фавқулодда (кутилмаган) даромад ва сарфларнинг тегишли моддаларини чуқурроқ ёритиш лозим.

А) Муомалаларни (фаолиятни) тўхтатиш натижасида олинган даромадлар ва сарфларни ҳисобга олиш.

Бозор иқтисоди шароитида иқтисодий қонунларнинг талабларига асосан рақобатга бардош бермаган айрим субъектлар ўз фаолиятини (муомаласини) умуман тўхтатиши (банкротга учраши) ёки ушбу рақобат курашида енгиб чиқиш мақсадида фаолиятининг бир қисмини (муомаласини) тўхтатишга мажбур бўладилар. Чунки давр ва шароит талаби билан рўёбга чиққан ҳоллардирки бу шароитда фақатгина бозорнинг талабларига мослашиш ва зарур чораларни тезкорлик билан кўришни тақозо қилади, акс ҳолда субъектнинг фаолияти инқирозга учраши мумкин. Бу ҳолатлар объектив заруриятдан келиб чиққанлиги учун ҳам Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартининг 3-«Молиявий натижалар бўйича ҳисобот» қисмида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини (муомаласини) тўхтатиш натижаларига муҳим эътибор берилган.

Муомалаларни тўхтатиш деганда бизнес фаолиятининг битта йўналиши (қисмини), яъни ажратилган, мустақил балансга эга бўлган ва молиявий ҳисоботни мукаммаллаштириш мақсадида мустақил бўлган бўлинмаларнинг фаолиятини тўхтатиш ёки уларни сотиш тушунилади.

Фаолиятни (муомалани) тўхтатиш натижалари умумхўжалик фаолиятидан олинган фойдага ёки кўрилган зарарга қўшилади. Агарда хўжалик фаолиятида содир бўладиган оддий воқеалардан ташқари бошқа ҳодисалар таъсирида бундай тадбирлар амалга оширилса уларнинг натижаси умумхўжалик фойдаси ёки зарарига олиб борилмайди (Низомга қаранг), чунки ушбу олинган даромад ёки зарар, тегишли мезон талабларига жавоб берса фавқулодда моддаларга ўтказилиши мумкин.

Муомала (фаолият)ни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин ушбу йўналиш объектнинг, бўлим ёки бўлинманинг активи фаолият йўналиши, муомалаларининг натижаси субъектнинг умумий активидан, муомалаларининг натижасидан ва фаолият йўналишидан ажратиш имконияти бўлиши керак. Активларни тугатиш бизнес йўналиши билан бир хил бўлиши шарт эмас. Масалан, қуйидаги тугатиш турлари муомалаларни тўхтатиш гуруҳига кирмайди:

– хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг бир қисмини тугатиш;

– у ёки бу йўналишдаги фаолияти учун ишлаб чиқариш ёки бозор фаолиятининг манзилини ўзгартириш;

– ишлаб чиқаришнинг йўналишини ва хизмат турларини ажратиб чиқариш;

– технология жараёнини такомиллаштириш натижасида киритилган ўзгаришлар;

– ва шунга ўхшаш тадбирлар натижасида содир бўлган ўзгаришлар.

Хўжалик фаолияти тугатилганда «Молиявий натижалар бўйича ҳисобот» шаклида муомалаларни тўхтатишнинг натижалари 2 та кўрсаткичда қайд қилиниши зарур:

– тугатилаётган йўналиш фаолиятининг натижалари, унинг даромади ва зарарлари;

– тугатиш билан бевосита боғлиқ даромадлар ёки зарарлар (масалан, фойдаси билан ёки зарарига сотиш).

Тадбиркорлик (фаолият) йўналишини сотиш муомаласидан олинган фойда ёки зарарни ўлчаш учун иккита календар

санасини аниқлаш зарур - фойда ва зарарни ўлчаш ва уни ҳисобдан чиқариш саналари.

Ушбу натижаларни ўлчаш санаси деганда хўжалик юритувчи субъектнинг тадбиркорлик йўналишини сотиш режасини тақдим қилиш санаси тушунилади. Ушбу санага тегишли активларни ҳисобдан чиқариш натижалари - даромад ёки зарарнинг миқдори аниқланади. Агарда фойда олиш мумкин бўлса ва шу фойда рўёбга чиқса у сотиш натижаси билан аниқланади ва ҳисобдан чиқариш санаси билан белгиланади. Мабодо зарар кўрилса бу натижа ўлчаш санаси билан қайд қилинади.

Ҳисобдан чиқариш санаси эса активларни сотишни тугатган кун (мулкни бошқа эгасига ўтказиш куни) билан ёки тадбиркорлик йўналиши фаолиятини тугатган кун билан белгиланади.

Тадбиркорлик йўналишини ҳисобдан чиқариш, тугатиш натижаси олинган даромад ёки кўрилган зарар ҳисобланиб, уларни тўғри аниқлаш ва ҳисобдан чиқариш муҳим аҳамиятга эга, чунки ушбу натижалар умумхўжаликнинг молиявий натижалари суммасига ижобий ёки салбий таъсир қилади. Шунинг учун ҳам ушбу муомалани амалга ошираётганда ва натижаларни - олинган даромад ва кўрилган зарар суммаларини аниқлаш жараёнида унга таъсир қилувчи қуйидаги омилларга эътибор қаратиш зарур:

– тугатилган йўналишнинг соф сотиш (шартнома) баҳоси билан унга кирувчи активларнинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ суммаси;

– баҳолаш ва ҳисобдан чиқариш саналари оралиғида тугатилаётган йўналиш фаолиятини давом қилдириш натижасида олинадиган даромаднинг миқдори ва кўриладиган зарарларнинг қийматини баҳолаш.

Ушбу омилларга амал қилган ҳолда муомала натижасида аниқланган даромад ёки зарар суммасини тегишли счётларда йиғиб бориш ва хўжалик юритувчи субъектнинг умумий фойда ёки зарар суммасини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга чунки бу умумий - якуний кўрсаткични таҳлил қилаётганда ва чуқур ўрганилаётганда фойда ёки зарарларни йўналиши бўйича тавсифлаш заруриятини келтириб чиқаради. Ваҳоланки субъектнинг келгусидаги фаолиятини белгилаш, у ёки бу иқтисодий йўналишдаги қарорларни қабул қилишга асос бўлади ва фаолиятининг барқарорлигига ва ривожланишига

ижобий таъсир қилади. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисобининг счётлари тизимидаги 80-«Фойда ва зарарлар» синтетик счётида субъектларнинг у ёки бу муомала йўналишини тугатиш натижаларини - олинган даромад ёки кўрилган зарарларни ҳисобга олиш ва ушбу натижавий маълумотларни йиғиб бориш учун 80/5 - «Фавқулодда (кутилмаган) фойдалар" ва 8720-"Фавқулодда (кутилмаган) зарарлар» счётлари очилган ва ушбу счётларда фаолиятни тўхтатиш натижасида олинган даромадлар ёки кўрилган зарарлар айрим аналитик счётларда ҳисобга олиб борилади.

Б. Экстраординар (нооддий ва аҳён-аҳёнда содир бўладиган) муомалаларнинг натижасида олинган даромад ва зарарларни ҳисобга олиш.

Экстраординар даромад ва зарарларга хусусияти билан тубдан фарқ қиладиган ва камдан-кам содир бўладиган ҳодисалар ва келишувлар натижасида олинган даромадлар ва зарарлар киради.

Чунки хўжалик фаолиятида шундай ҳодиса ва воқеалар бўлиши мумкинки уларнинг натижасини, олинган даромад ва кўрилган зарарларни у ёки бу гуруҳларга олиб бориш имконияти бўлмайди чунки ушбу натижаларнинг рўёбга чиқиши ўзига хос хусусиятга эгадир. Шунинг учун ҳам субъектнинг якуний натижасини аниқлаштириш ва тўғри баҳолаш учун ушбу гуруҳ, ҳодиса ва муомалаларини ажратиш лозим.

Содир бўлган воқеа, ходиса ва муомалаларни ушбу гуруҳга, экстроординар гуруҳига киритиш учун қуйидаги иккита мезон талабига жавоб бериши лозим:

– ўта нооддий хусусиятга эга бўлиши - содир бўлган ҳодиса, муомала ва келишув ўз табиатига кўра ўта даражада номеъёрий кўринишга эга бўлиши, хўжалик фаолияти билан умуман боғлиқ бўлмаслиги ёки тегишли субъект фаолият кўрсатаётган муҳитни эътиборга олган ҳолда унинг фаолияти билан тасодифан боғлиқ бўлиши мумкин;

– содир бўлишининг жуда кам кутилиши - аҳён-аҳёнда содир бўлиши - хўжалик юритувчи субъект фаолият кўрсатаётган муҳитни эътиборга олиб ақл билан иш кўрганда ушбу ҳодиса ва келишувларнинг содир бўлиши эҳтимоллигини кутмаслик даражаси.

Ушбу содир бўлган кутилмаган, ўта нооддий ҳодисалар ва келишувларга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин:

– табиий офатлар ёки бахтсиз ходисалар (ернинг қимирлаши, селнинг келиши тайфунлар)нинг бевосита натижалари;

– экспроприация - куч ишлатиб мулк эгалигини ўзгартириш;

– янги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш натижасида субъектнинг фаолиятини таъқиқлаш.

Ушбу воқеа, ходиса ва келишувлар ўзининг моҳияти билан нооддийлик ва аҳён-аҳёнда содир бўлиш меъёрига жавоб бериши учун субъектларнинг фаолият кўрсатаётган муҳитига эътибор қаратиш зарур, яъни ишлаб чиқариш тармоғи, ҳудудий жойланиши, давлат томонидан тартибга солиниши.

Экстраординар ҳодисалар учун кўп ва умумий қўлланиладиган мисоллар юқорида келтирилган мезонлардир, яъни ер қимирлаши, селнинг келиши, тайфунлар, экспроприация ва янги қонун ҳужжатларининг талаби. Лекин шу билан бир қаторда унинг мезонлари бўйича айрим чекинишлар мавжуд, агарда ер қимирлаш ҳодисаси сейсмология нуқтаи назаридан беқарор ҳудудда содир бўлса, бу ҳодиса тегишли мезон талабини қондирмайди, чунки бундай ҳодиса нооддий ва кутилмаган ҳодиса қаторига кирмайди.

Шунинг учун ҳам содир бўлаётган ҳодисалар хўжалик фаолияти учун нооддий ва кам рўёбга чиқадиган талабга тўлиқ жавоб бериши қийин бўлганлиги учун экстроординар даромадлар ва зарарлар моддаси субъектнинг молиявий ҳисоботида айрим олган ҳолда ҳисобга олинмайди балки 8710-«Фавқулодда фойдалар" ва 8720-"Фавқулодда зарарлар» счётларида биргаликда ҳисобга олиб борилади. Фавқулодда фойда ва зарарлар счётининг дебет томонида кўрилган зарарлар ва кредит томонида эса олинган фойда суммаси йиғиб борилади ва ҳисобот даврининг охирида ушбу суммалар солиштирилиб тегишли умумлаштирувчи синтетик 9910-«Якуний молиявий натижалар» счётига ўтказилади.

9700 - Фавқулодда фойдалар ва фавқулодда зарарларни ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси.

9710 - «Фавқулодда фойдалар».

9720 - «Фавқулодда зарарлар».

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
0100, 0400, 1000, 1200,	Табиий офатларнинг натижасида кафолатланмаган зарарлар	Табиий офатларнинг натижасини тугатишдан олинган асбоб-ускуналарнинг қиймати.	-0700

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
2800, 2900- 0710, 0720, 1000, 1200, 2900-	Табиий офатларнинг натижасида йўқотилган асбоб-ускуналар, товар-моддий заҳираларининг қиймати.	Табиий офатларнинг натижасини тугатишдан олинган материаллар ва буюмлар.	-1000, 1210
2010, 2300, 3100-	Тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар ва келгуси давр сарфларининг ҳисобдан чиқарилиши.	Табиий офатларнинг натижасини тугатишдан олинган товарларнинг қиймати.	-2910
	Табиий офатларнинг натижасини тугатиш бўйича сарфлар:		
1000, 1200-	Материал сарфлари	Ҳисобот даврининг охирида фавқулодда зарарлар суммасининг «Якуний молиявий натижалар» счётига ўтказилиши.	-9910
2300-	Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг сарфи.		
5000, 5100, 5200-	Пул маблағларининг сарфланиши.		
6520-	Ижтимоий муҳофаза жамғармасига ажратмалар.		
6710-	ҳисобланган меҳнат ҳақи.		
6870-	Ҳисобдор шахслар томонидан тўланган суммалар.		
9450-	Хизмат қилувчи бўлинмаларнинг кўрсатган хизматлари.		
9910-	Ҳисобот даврининг охирида фавқулодда фойдалар суммасининг «Якуний молиявий натижалар» счётига ўтказилиши.		

Бозор иқтисоди шароитида субъектлар ўзларининг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш уни меъёрий ҳужжатлар чегарасида ўзгартириш ҳуқуқига эгадирлар, чунки бу ўз навбатида ушбу

субъектнинг шароитига мослашиши ва талабларга юқори даражада жавоб бериш имкониятини яратади.

Ҳисоб сиёсати - бу молиявий фаолияти бўйича ҳисоботни тайёрлаш, тузиш ва фойдаланувчиларга (ички ва ташқи) тақдим қилиш учун маълум тамойилларни, шарт ва чегараланиш ва қонун ҳужжатларидан четга чиқмаган ҳолда қоидаларни - маблағларни баҳолаш, харажатларни ҳисоблаш, билвосита харажатларни объект ва маҳсулот турларига тақсимлаш, калкуляция объекти ва бирлигини белгилаш, маҳсулот, иш, хизматларнинг таннархини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашдир.

Амалиёт тартибига мувофиқ ҳисоб сиёсати субъектнинг ҳисобот даври фаолиятида асосан ўзгармасдан қолади. Илгари содир бўлган, илгари бунга ўхшаш бўлмаган ҳодисаларнинг содир бўлиши ёки ушбу ҳодисаларнинг натижаси хўжалик фаолиятига кам таъсир қиладиган муомалаларга ҳисоб сиёсатининг қўлланилиши ушбу сиёсатнинг ўзгариши деб ҳисобланмайди.

Ҳисоб сиёсатини қўллаш ва уни ўзгартириш асосий таъсир қиладиган ҳодисаларга асосан амалга оширилади, чунки ушбу усул ёрдамида умумхўжалик фаолиятини ҳалол, беғараз баҳолаш ва субъектларнинг ривожланишига баҳоли қудрат ёрдам бериш зарур. Ҳисоб сиёсатининг ўзгариши келгуси давр йўналишида ва ўтган давр йўналишида амалга оширилиши мумкин.

Субъектларда ҳисоб сиёсатининг асосий ва муҳим қисми бу ташкил қилинган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобни юритиш усулларининг мажмуаси ҳисобланиб унда асосан уч турдаги ўзгаришлар содир бўлиши мумкин:

- ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар;
- бухгалтерия баҳосининг ўзгариши;
- ҳисоб ва ҳисоботда қайд қилинган хатоларни тузатиш.

Ҳисоб сиёсатига (ҳисобга олиш тамойилларини ўзгартириш ёки бир хил бухгалтерия ҳисоби усулидан иккинчи хилдаги бухгалтерия ҳисоби усулига ўтиш) ўзгартириш киритиш маълум муҳит, шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритувчи субъектнинг хоҳиши билан ва янги меъёрий ҳужжатлар (стандартлар) киритилиши натижасидагина амалга оширилиши мумкин.

Агарда хўжалик юритувчи субъект ҳисоб юритишнинг у ёки бу усулини ўзгартирса ушбу ўзгариш таъсир кўрсатадиган ол-

динги давр ҳисоб усулларига ўзгартириш киритиш зарурияти туғилади, чунки ушбу ўзгариш натижалари даромад ва зарарларнинг пайдо бўлишига таъсир қилади. Масалан, шундай усулларга амортизация ҳисоблашнинг тўғри йўналиши усулидан тезлаштирилган амортизация ҳисоблаш усулини келтириш мумкин. Бундай ўзгартиришнинг, умумий натижаси қўлланилаётган янги ва эски усуллар кўрсаткичининг фарқи ҳисобланади. Бу фарқлар ўзгартириш ўз ичига олган ҳамма даврлардаги фарқларнинг йиғиндисидан иборат бўлади.

Ушбу фарқдан ташкил топган даромад ёки зарарлар суммаси хўжалик юритувчи субъектнинг оддий фаолияти натижасидан молиявий натижалар каби акс эттирилади. Юқоридаги усуллардан ташқари ҳисоб тамойиллари усулларини ўзгартиришга қуйидагиларни ҳам киритиш мумкин:

– ишлаб чиқариш заҳираларини ҳисобга олиш усули;

– кам баҳоли ва тез эскирувчан буюмларни ҳисобдан чиқариш усули;

– билвосита харажатларни тақсимлаш усули;

– харидор ва истеъмолчилар билан ҳисоблашиш усули;

– калькуляция объекти ва калькуляция бирлигини аниқлаш усули ва ҳоказо.

Бухгалтерия баҳолашининг ўзгариши (ҳисобга олиш усулини ўзгартирмай баҳолаш усулини ўзгартириш) келгуси даврни акс эттиради, яъни хўжалик юритувчи субъект олдинги йилларнинг ҳисоботини ўзгартирмайди ва йиғилган нафни - самарани ҳисобламайди балки жорий йил ҳисоботигагина ўзгартириш киритади. Бундан ташқари ушбу ўзгариш таъсирида келувчи давр ҳисоботи ҳам ўзгаради ва ушбу ҳисоботнинг иловаси- эслатмаси ушбу ўзгариш натижаларида тавсифланади.

Айрим ҳолларда, айниқса аудитор текшириши натижасида субъектнинг ҳисоб юритиш ва ҳисоботда хатолар топилиб қолиши мумкин. Ушбу хатолар билиб йўл қўйилган ва билмай йўл қўйилган хатоларга бўлинади. Содир бўлиш сабабидан қатъий назар ушбу хатоларни ҳисоб ва ҳисоботда қайд қилиши зарурияти туғилади.

Натижада ушбу аниқланган хатоларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш ўз навбатида ҳисобга ўзгартириш киритиш ҳолларига олиб келади. Бу жараённи ўргатаётганда ва текшираётганда асло бўлган хатоларга эътибор қаратиш лозим.

Асосий (моҳиятли) хатоларга жорий даврда аниқланган ва уларнинг таъсири натижасида субъектнинг молиявий ҳисоботи

ўзининг ишончлилиги ва барқарорлигини йўқотадиган муҳим ва салбий таъсир қилувчи хатолардир.

Аниқланган хатолар улар тегишли бўлган жорий даврларда тузатилиши лозим, акс ҳолда уларнинг моҳияти ва аҳамияти йўқолади ва ҳисобот маълумотларга бўлган ишонч даражасига салбий таъсир қилади.

Мабодо йўл қўйилган хатолар илгариги ҳисобот даврига тааллуқли бўлса (лекин жорий ҳисобот даврида аниқланса) улар олдинги давр фаолиятини тартибга солиш деб тушунилади ва жорий йил (давр) ҳисоботида эса тақсимланмаган фойда суммасининг йил (давр) бошидаги қолдиғига ўзгартириш киритиш мумкин. Хатоларни тўғрилаш натижалари «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» шаклининг «Умумхўжалик фаолияти натижасининг молиявий натижалари» бўлимида қайд қилинади.

Ушбу юқорида қайд қилинган усул ва тартибларнинг қўлланилиши хўжалик юритувчи субъект ҳисоботининг ва ҳисоб сиёсатининг ташқи ва ички фойдаланувчилар олдидаги обрўйини яна ҳам оширади. Чунки ушбу ишонч қозониш бозор иқтисодиёти тамойилларининг асосларидан биридир.

Субъектлар ўзининг фаолияти жараёнида Солиқ кодексига асосан белгиланган солиқлар бўйича йил давомида ўрнатилган графикка асосан солиқлар бўйича бўнак суммаларини тўлаб борадилар. Ушбу тўланган бўнаклар йилнинг охирида якуний молиявий натижаларга олиб борилади.

Ушбу ажратмалар келгусида олинадиган фойда ҳисобидан амалга оширилиб, уларнинг турлари бўйича қуйидаги счётларда ҳисобланади.

9810-«Даромад (фойда) солиғи».

9820-"Мажбурий ажратмалар ва йиғимлар".

9890-«Бошқа ажратмалар».

Фойдадан солиқларни тўлаш ва ажратмалар қилиш қонунчилик ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ҳисобот даври якунида йиллик бухгалтерлик ҳисоботни тузиш учун ушбу счётлар ёпилади.

9810-«Даромад (фойда) солиғи», 9820-«Йиғимлар ва бошқа мажбурий ажратмалар», 9890-«Бошқа ажратмалар» счётларининг дебетида йил давомида ҳисобланган солиқлар, йиғимлар ва бюджетга бошқа ажратмалар бюджетига бўлган тўлов мажбуриятларини ҳисобга олувчи 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича

қарз", 6420-"Мажбурий тўловлар бўйича қарз" счётлари билан корреспонденциясида акс эттирилади. Ушбу счётлардаги суммалар 9910-«Якуний молиявий натижа» счётининг дебети билан ёпилади.

Мазкур счётларнинг аналитик ҳисоби солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари бўйича юритилади.

9800-Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси.

9810-«Даромад (фойда) солиғи бўйича сарфлар».

9820-«Йиғимлар ва бошқа мажбурий ажратмалар бўйича сарфлар».

9890-«Бошқа ажратмалар бўйича сарфлар».

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
0930-	Тўлаш муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича ижобий фарқ суммасининг муқобиллаштириш (6410 счётнинг кредитига)	Ҳисобот йилининг охирида солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларни тўлашда фойданинг ишлатилиши.	-9910
3210-	Ижобий фарқ ҳисобланган муддати кечиктирилган солиқ суммасининг йилнинг охирида мутаносиб равишда ҳисобдан чиқарилиши (6410 - дебетига)		
6410-	Йил давомида ҳисобланган даромад (фойда солиқлари).		
6410-	Асосланмаган ҳолда олинган фойданинг ва иқтисодий жазо сифатида олинган суммалар.		

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодига ўтиши иқтисодиётдаги сиёсатни тубдан ўзгартиришга ва унинг асосий қисмларидан бири бўлган, яъни иқтисодий ахборотлар билан таъминловчи бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг тутган ўрнини тубдан кенгайтиришга олиб келмоқда. Чунки илгари - советлар даврида молиявий ҳисобот тизими асосан ҳукуматнинг режаси ва қарорларини бажаришга йўналтирилган бўлса, ҳозирги даврга келиб тегишли субъектнинг хўжалик юритиш фаолияти

билан қизиқувчи шахсларни зарур ва ишончли ахборотлар билан таъминлаш унинг асосий вазифасига айланди. Чунки ушбу шахсларни асосан тегишли корхона ва фирмаларнинг молиявий ҳолати, рақобатбардошлиги қизиқтиради, чунки уларнинг сармоялари қисман субъектнинг фаолиятида қатнашмоқда ёки келгусида сармоя қўйиш ниятлари бор.

Хўжалик юритувчи субъектларни ўз фаолиятининг якуний натижаси ўлароқ молиявий натижалар (фойда оладилар ёки зарар кўрадилар) қизиқтиради.

Молиявий натижалар - т егишли ҳисобот даврида субъектнинг молиявий - хўжалик фаолиятининг натижаси бўлмиш олинган фойда ёки кўрилган зарардир. Ушбу натижалар бўйича маълумотлар ўз вақтида ва тўлиқ равишда тегишли ҳужжатларда қайд қилиниши, умумлаштирилиши зарур. Шунинг учун ҳам молиявий натижаларнинг ҳисоби хўжалик фаолияти тўғрисида олинадиган маълумотларнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Ушбу субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларга қизиқувчиларни уларнинг ушбу маълумотлардан фойдаланиш нуқтаи назаридан 2 та гуруҳга - ички ва ташқи фойдаланувчилар гуруҳида бўлиш мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини бошқариш жараёнида тезкор қарорлар қабул қилиш учун зарур маълумотларга зарурият туғилади, яъни субъектнинг бошқарув ходимлари - устадан то бош директоргача (директорлар кенгашининг раиси) ишлаб чиқариш ёки молиявий хусусиятга эга бўлган қарорларни қабул қилиш учун улар субъектнинг фаолияти бўйича тегишли маълумотлар билан таъминланиши лозим. Ушбу юқоридаги хусусиятга эга бўлган истеъмолчилар ички яъни субъектнинг ичидаги истеъмолчилар дейилади.

Бундан ташқари молиявий ҳисоботнинг маълумотлари билан ташқи шахслар (субъектдан ташқаридаги) ҳам қизиқадилар, чунки улар субъект фаолиятининг натижаси билан манфаатдор ёки шундай қарорни қабул қилмоқчи. Ушбу ахборотнинг истеъмолчилари икки гуруҳга бўлинади, яъни молиявий натижаларга бевосита қизиққан ва молиявий натижалар маълумотига билвосита қизиқаётган шахслар.

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари маълумотларига бевосита қизиққан шахслар булар субъект мулкининг эгалари, инвесторлар, таъсисчилар ва унинг фаолияти билан ўзларининг фаолиятини бевосита боғлаган бошқа юридик ва жисмоний шахслардир. Чунки уларнинг

фаолияти субъектнинг фаолияти билан чамбарчас боғлангандир ва ушбу натижалар билан иқтисодий жиҳатдан манфаатдор бўладилар. Бу шахслар қаторига асосан субъектнинг манзилидан ташқарида жойлашган қуйидаги юридик ва жисмоний шахслар кирадилар:

– мол етказиб берувчилар- берган хом ашё ва материалларининг қийматини ўз вақтида олиб туриши учун;

– кредиторлар- юридик ва жисмоний шахслар қарзга берган маблағларини ўз вақтида қайтриб олишга ишонч ҳосил қилиши учун;

– инвесторлар- қўйилган капитал маблағларининг бутлигига ишонч ҳосил қилиш ва дивидендлар олиб туриш учун;

– таъсисчилар ва акциядорлар- қўшган улушлари ва акция қийматларининг бутлиги ва номинал қийматининг сақланиб қолиши, ушбу улушлари ва акциялари учун тегишли дивиденд ва фоизларни ўз вақтида олиб туриш учун;

– солиқ органлари- давлат бюджетига тегишли солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва ушбу суммаларнинг ўз вақтида тушиб туриши учун.

Иккинчи гуруҳга тааллуқли юридик шахслар субъектнинг фаолияти билан қизиқувчилар, яъни келгусида шу субъектнинг фаолиятига ўзининг улушини қўшмоқчи ёки шу субъектнинг акцияларини сотиб олишга қизиқувчи юридик ва жисмоний шахслар, бундан ташқари 1-гуруҳнинг фойдасини ҳимоя қилувчи шахслар-аудиторлик хизмати, молиявий масалалар бўйича маслаҳатчилар, контракт шартларини бажаришга баҳо бериш ҳолларини ва қонун ҳужжатларининг талабларига риоя қилиш ва фойда ва дивидендларни тўлаш тартиблари билан қизиқувчи шахслардир.

Ушбу заруриятлардан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар икки хил ҳисобот тузишга мажбур бўладилар:

– Биринчиси ички фойдаланувчилар учун, яъни хўжалик фаолиятининг натижаларини тўлиқ, чуқур ва ҳар томонлама ёритувчи - хўжалик раҳбарлари ва ходимлари учун субъектни бошқариш ва фаолиятига одил баҳо бериш учун зарур бўлган ички ҳисобот - бошқарув ҳисоботи.

– Иккинчиси ташқи фойдаланувчилар, таъсисчилар, инвесторлар, солиғ муассасалари, мол етказиб берувчилар ва бошқа қизиқувчилар учун тегишли маълумотларни йиғиб бир тизимга солган ҳолда молиявий ҳисоб маълумотларига асосланган молиявий ҳисоботдир.

Молиявий ҳисоб ёрдамида йиғилаётган ахборотлар бир хил кўринишда бўлиши шарт, чунки бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик фаолиятида қатнашаётган ёки унинг фаолиятига қизиқаётган юридик ва жисмоний шахслар маълумотларни тўғри ва тўлиқ тушуниши лозим. Шунинг учун ҳам ушбу ахборотларни йиғиш ва бир тизимга келтиришда унинг олдида нималарни йиғиш ва уларни қандай тартибда ёритиш масаласи кўндаланг туради. Ушбу муомалаларга тўлиқ, ҳар томонлама ва чуқур жавоб бериш мақсадида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига, Солиқ кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг талабига тўлиқ жавоб берадиган янги «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги янги Низом ишлаб чиқилиб Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланди. Мазкур Низомда харажатларни гуруҳлаштириш ва молиявий натижаларни шакллантириш тартибидан тўлиқ, тушунарли ёритилганки, бу ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектлар учун тегишли ҳисобот даврида жами ишлаб чиқариш харажатлари ва олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ йиғиш, ишлов бериш тизими ва усулларини ишлаб чиқиш имкониятини берса, иккинчи томондан тегишли солиқ қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари талабига жавоб берадиган молиявий ҳисобот тизими имкониятини яратди. Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу Низом тегишли халқаро стандартларга ва ЕС нинг 4.7 қарорига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хусусиятлари инобатга олинган ҳолда яратилган.

Ушбу Низомга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти юзасидан кўрилган молиявий натижалар қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

1. Маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи фойда- сотилган маҳсулот бўйича олинган даромад суммасидан ушбу сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини чегириш натижасидир: ЯФ=ЯД-МТ., бунда:

ЯФ-Ялпи фойда кўрсаткичи;

ЯД-Ялпи даромад ва

МТ-Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи.

2. Асосий фаолият натижасида олинган фойда- ушбу кўрсаткич маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи фойда суммасидан давр харажатлари чегирилиб олинган кўрсаткичга асо-

сий фаолият натижасида олинган бошқа даромадлар қўшилган ёки кўрилган бошқа зарарларнинг суммаси чегирилади.

АФ=(ЯФ-Дх)±БД, БЗ. бунда:

АФ-асосий фаолият натижасида олинган фойда;

ДХ-давр харажатлари;

БД-асосий фаолият натижасида олинган бошқа даромадар;

БЗ-асосий фаолият натижасида кўрилган бошқа зарарлар.

3. Умумхўжалик фаолиятининг натижасида олинган фойда суммаси- субъектнинг асосий фаолияти натижасида олинган фойда суммасидан молиявий фаолияти натижасида кўрилган зарар суммаси чегирилади ёки олинган фойда суммаси қўшилади:

УФ=ФА±МФ, МЗ., бунда:

УФ-умумхўжалик фаолиятининг натижасида олинган фойда;

МФ-молиявий фаолиятининг натижасида олинган фойда;

МЗ-молиявий фаолиятининг натижасида кўрилган зарар.

4. Солиқ суммасини тўлагунча аниқланган фойда суммаси - умумхўжалик фаолияти бўйича олинган фойда суммасидан фавқулодда ҳолатлардан олинган фойда суммаси қўшилади ёки кўрилган зарарларнинг суммаси чегирилади. СТф=УФ±ФФ, ФЗ., бунда:

СТф-солиқ суммасининг тўлагунча аниқланган фойда суммаси;

ФФ-фавқулодда холатлардан олинган фойда суммаси;

ФЗ-фавқулодда ҳолатлардан кўрилган зарар суммаси.

5. Соф фойда хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қоладиган фойда бўлиб у солиқ тўлагунга қадар ҳисобланган умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда суммасидан «Солиқ кодекси»да кўрсатилган даромад (фойда) ва бошқа солиқлар, тўловлар суммаси чегирилиб олинган ҳосиладир.

СФ=СТф-(ДС+БС)., бунда:

СФ-субъект ихтиёрида қолдириладиган соф фойда (тақсимланиладиган фойда);

ДС-даромад (фойда) солиғи;

БС-бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар.

Юқорида биз субъектлар ўзининг фаолияти натижасида оладиган ҳар хил даромад (фойда) ларнинг турларини тавсифладик. Лекин, шу билан бир қаторда ушбу субъектлар зарар ҳам кўриши мумкин. Ушбу ҳолатларни чуқур ва ҳар томонлама ёритиш мақсадида Низомда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ушбу жараён натижасида оладиган даромадлар ва сарфланадиган харажатларини ҳам кўрсатиш тавсия қилинган. Хўжалик юритув-

чи субъектлар томонидан хўжалик фаолияти натижасида оладиган даромадларини ҳисоботга қуйидаги бўлимлар бўйича киритиш лозим:

– маҳсулот сотишдан олинган даромад;

– асосий фаолияти бўйича (муомала даромадлари) олинган даромадлар;

– молиявий фаолиятидан олинган даромадлар;

– фавқулодда олинган даромадлар.

Субъектнинг ушбу хўжалик фаолияти жараёнида сарфланган харажатлари ҳам қуйидагича гуруҳлаштирилади:

– маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар;

– давр харажатлари;

– молиявий фаолияти бўйича сарфлар;

– фавқулодда заралар.

Бухгалтерия ҳисобининг счётлари режасига мувофиқ субъектнинг хўжалик фаолияти натижаларини умумлаштириш учун яъни фойда ва зарарлар ҳақида маълумотларни акс эттириш заруриятини келтириб чиқаради.

1998 йил 26 августдан «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» номли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартини қабул қилиш натижасида молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботни тузишда бир қанча ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу стандартга мувофиқ молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот бир нечта бўлимлардан ташкил топган:

– маҳсулот (иш, хизмат)ларни реализация қилиш натижаси;

– муомала фаолиятининг натижаси;

– молиявий фаолиятининг натижаси;

– умумхўжалик фаолиятининг натижаси;

– фавқулодда олинган фойдалар ва кўрилган зарарлар.

Ҳисобот даврида соф фойда хўжалик юритувчи субъект фаолиятига баҳо берадиган муҳим кўрсаткичдир. Чунки ушбу кўрсаткич хўжалик юритувчи субъектнинг менежери ва ташқи фойдаланувчиларнинг диққат эътиборида бўлади. Ушбу кўрсаткич молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг якунловчи ва жамловчи кўрсаткичи ҳисобланади.

Жорий ҳисобот йилида олинган соф фойданинг қандай тартибда келиши ва ҳисобланиши тегишли стандартда аниқ ва тўлиқ ёритилган.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг янги шаклини илгариги шаклига нисбатан ўзгаришига қуйдаги шарт-шароитлар ўз таъсирини ўтказади:

– бозор иқтисоди шароитида молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчиларнинг янги турларининг пайдо бўлиши, энг аввало акциядорлар, ва бошқа инвесторлар;

– хўжалик юритувчи субъект менежерларининг ахборотларга бўлган янги талабларининг туғилиши;

– молия бозорининг асосий талабларига ва субъектни бошқариш зарурияти талабаларига жавоб берадиган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот таркибини аниқ ишлаб чиқиш заруриятининг туғилиши ва ҳоказолар.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг янги шаклини жорий қилиш натижасида қуйидаги муҳим ўзгаришлар киритилди:

– реализация қилинган маҳсулот (иш, хизмат)нинг таннархига фақатгина ушбу маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар қўшилади, бошқа харажатлар давр харажатлари сифатида муомала сарфларининг моддалари бўйича акс эттирилади;

– илгариги хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолдирилган фойда ҳисобидан қопланадиган харажат моддалари ҳозирда субъектнинг солиққа тортиладиган асос суммасидан чегирилмайдиган харажатлар моддаси деб қаралади (қонун ҳужжатларида кўрсатилган, ходимларга ўрнатилган меъёрдан ортиқча тўланган тўловлар, моддий қийматликларнинг табиий камайиш меъёридан ортиқча бузилиши ва камайиши ва белгиланган меъёридан ортиқча бошқа тўловлар).

Субъектнинг молия-хўжалик фаолиятига баҳо бериш ва якуний молиявий натижани аниқлаш учун 9910-"Якуний молиявий натижалар" счёти қўлланилади. Ушбу счётда хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси олинган жамики даромадлар ва сарфларни таққослаш натижасида қолдиқ сифатида акс эттирилади. Ушбу счётнинг дебет томонида ҳамма сарфлар ва зарарлар, кредит томонида эса жамики олинган даромадлар ва фойдалар қайд қилинади. Натижада кредит томонида қолдиқ қолса, субъект фойда олган, дебет томонида сальдо қолса субъект ҳисобот даврини зарар билан якунлаган ҳисобланади. Ушбу синтетик счётда ҳисобот даврининг бошидан охиригача олинган даромадлар ва фойдалар, кўрилган зарарлар, яъни 9910-«Якуний молиявий натижа» счёти даромадлар олиш, ёки зарар кўриш жараёнининг ҳаракатини ёритади.

9910-«Якуний молиявий натижа» синтетик счёти: - бухгалтерия балансида тенглаштирувчи ролни бажаради; - даромадлар ва сарфлар тўғрисида маълумот беради; - мулк эгалари

ўртасида олинган даромадларни тақсимлаш масаласини ечади; - олинадиган дивиденд даражасини аниқлайди;

– даромадлар ва сарфларнинг даражаси тўғрисида аниқ маълумотлар беради;

– самарадорлик (рентабеллик) кўрсаткичлари бўйича умумлаштирилган ва соддалаштирилган маълумотларни олишга ёрдам беради;

– ушбу молиявий натижаларнинг даражасини, эгаллаш даражасини, эгаллаш омилларини кўрсатади;

– хўжалик юритувчи субъектнинг даромади ва сарфларининг барқарорлигини ёритади ва ҳоказо.

9900 - Якуний молиявий натижа счётининг тизмаси.

9910 - «Якуний молиявий натижа».

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
9910-	Ҳисобот йилининг охирида сотилган маҳсулотларнинг таннархини ҳисобдан чиқариш.	Ҳисобот йилида асосий фаолиятдан олинган даромадларнинг қайд қилиниши.	-9000
9400-	Давр сарфларини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши.	Ҳисобот йилининг охирида бошқа асосий фаолиятдан олинган даромадларни қайд қилиш.	-9300
9600-	Ҳисобот йилининг охирида молиявий фаолият бўйича сарфларни ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши.	Ҳисобот йилининг охирида молиявий фаолиятдан олинган даромадларни қайд қилиш.	-9500
9720-	Ҳисобот йилининг охирида фавқулодда кўрилган зарарларнинг ҳисобдан чиқарилиши.	Ҳисобот йилининг охирида фавқулодда олинган фойдаларни қайд қилиш.	-9710
9800-	Ҳисобот йилининг охирида йил давомида келгуси фойда ҳисобидан тўланган солиғлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларнинг қопланиши.	Ҳисобот йилининг охирида кўрилган зарари ҳисобот йилининг тақсимланмаган зарарига ўтказиш.	-8710
8710-	Ҳисбот йилининг охирида олинган фойда суммасини ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдасига ўтказиш.		

XI БОБ. СОЛИҚЛАР, УЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ВА ТЎЛАШ МУОМАЛАЛАРИНИНГ ҲИСОБИ

Республикамиз ҳудудида жойлашган ва фаолият кўрсатаётган ҳар бир юридик ва жисмоний шахс "Солиқ кодекси"да белгиланган таркибда ва тартибда қуйида келтирилган солиқларни тўлайдилар.

Шахсларнинг фойдасини солиққа тортиш

Ўзбекистон Республикасида жойлашган ва фаолият кўрсатаётган ҳар бир корхона ва бошқа юридик шахслар мулкчилик шаклидан қатъий назар фойдадан солиқ тўлайди. Фойда ҳисобидан солиқ ҳисоблаш ва уни тўлаш тартиблари Ўзбекистон Республикасининг "Солиқ кодекси", "Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантириш ролини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги" Республикамиз Президентининг Фармонига асосан Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг №123/170 "Корхона ва ташкилотларнинг фойдасидан солиқ ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тўғрисидаги кўрсатма"сига амал қилган ҳолда олиб борилади.

Ушбу Қонун, Фармон ва кўрсатмаларга асосан қуйидаги корхона ташкилот ва бошқа юридик шахслар фойдадан солиқ тўлашдан озод қилинади:

– хориж инвестицияси асосида ташкил қилинган субъектлар;

– чет эллик юридик шахслар (чет эл давлатининг қонунига мувофиқ ташкил қилинган ва фаолиятини мамлакатимизда жойлашган ваколатхонаси орқали амалга ошираётган компания, фирма ва бошқа ташкилотлар);

– деҳқон (фермер) хўжалиги;

– хусусий корхоналар;

– савдо корхоналари;

– банк муассасалари;

– суғурта ташкилотлари ва компаниялари ва ҳоказолар.

Қуйидаги корхоналар, ташкилот ва муассасалар мулкчилик шаклидан қатъий назар фойдадан солиқ тўлайдилар:

– юридик шахс ҳисобланган, Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган корхона, бирлашма, ташкилотлар (бюджет ташкилотлари ҳам). Бюджет ташкилотларига асосий фаолияти тўлиқ ёки қисман даромад ва сарфлар сметаси бюджет маблағлари билан молиялаштириладиган муассасалар киради:

– ушбу корхона, бирлашма ва ташкилотнинг қарамоғидаги юридик шахслар ҳисобланмаган, лекин мустақил баланси ва банк муассасаларида ҳисоблашиш счёти бўлган бўлимлар, филиаллар, ваколатхоналар ва бошқа шунга ўхшаш бўлинмалар.

Ҳар йили Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган тармоқ ва бирлашманинг субъектлари билан солиқлар бўйича бюджет билан ҳисоблашиш марказлаштирилган тартибда амалга оширилади.

Солиққа тортиш объекти бўлиб корхона, бирлашма ва ташкилотларнинг ялпи фойдаси ҳисобланади. У қуйидагилардан ташкил топган:

– маҳсулот, иш ва хизматларни, асосий фондларни, номоддий активларни, хом-ашё ва материлларни сотиш, сотишдан ташқари муомалалардан тушган даромадлар (сарфланган харажатларни чиқариб ташлаган ҳолда);

– маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган даромадлар (ҚҚС ва акциз солиғи қўшилмаган ҳолда)дан маҳсулот, иш ва хизматларнинг таннархига қўшиладиган ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари чегирилган ҳолда, экспорт маҳсулотлари бўйича эса даромаддан божхона йиғимлари ва тўловлари суммаси чегирилган ҳолда;

– асосий воситаларни ва субъектнинг бошқа мулкларини сотганда асосий воситалар, номоддий активлар ва арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларнинг қолдиқ қиймати билан сотиш баҳосининг ошиқча фарқи солиққа тортилади. Агарда бу муомаладан субъект зарар кўрса ушбу сумма субъектнинг ихтиёрида қолдирилган фойданинг умумий суммасидан қопланади;

– маҳсулотларни бартер усулида ва таннархга тенг баҳода сотадиган субъектларга эса ушбу маҳсулотларга ўхшаш маҳсулотларнинг бозор (товар биржалари) баҳолари қўлланилиб олинган даромад шу баҳоларда ҳисобланади ва фарқ суммаси (фойда) солиққа тортилади;

– реализациядан ташқари муомалалардан тушган даромад (сарф)ларга қуйидагилар киради:

а) бошқа субъектларнинг фаолиятига қўшган улуши бўйича олинган даромадлар;

б) мулкларни ижарага беришдан тушган даромадлар;

в) акция, облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар бўйича тушган даромадлар;

г) маҳсулот, иш ва хизматларни ишлаб чиқиш ва сотиш билан боғлиқ бўлмаган муомалалардан олинган даромад (сарф)лар;

д) жазолар қўллаш натижасида кўрилган зарарларни қоплаш учун олинган даромадининг суммалари;

е) бошқа субъектлардан эҳсон сифатида олинган маблағлар (давлат бюджети ва таъсисчилар томонидан эҳсон сифатида берилган ва устав капиталига қўшилган мулклардан ташқари).

– корхоналарнинг чет эл валютасида олган даромадлари ва миллий сўмда олган даромадлари қўшилган ҳолда солиққа тортилади. Хориж валютасининг сўмга нисбатан курси Марказий банк томонидан валюта счётига кирим қилинган ёки кассага қабул қилинган вақтдан ҳисобланади;

– солиққа тортишдан аввал ялпи фойда суммасидан бошқа субъектларнинг фаолиятига қўшган улушидан олинган даромадлар, акция, облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар бўйича тушган дивиденд ва фоизлар суммаси чегирилиб қолган суммадан солиқ олинади. Юқоридаги қайд қилинган даромадлар эса айрим солиққа тортилади.

Субъектлар кўп тармоқли ва хилма-хил фаолият кўрсатса олган даромадини ҳар бир фаолияти бўйича айрим ҳисобга олиб бориши ва ушбу фаолияти бўйича олинган фойда суммаси ҳисобланиб солиққа тортилиши лозим. Агарда олган даромаднинг ҳисоби айрим ҳолда юритилмаса субъектнинг бошқа тармоқларига ҳам ушбу субъектнинг тармоқларига ўрнатилган солиқнинг юқори даражаси қўлланилади.

Давр сарфлари, муомалавий ва молиявий фаолият бўйича сарфлар тармоқлар фаолиятидан олинган даромадларнинг умумий суммасидан чегирилади.

Бюджет муассасалари ва нокоммерция ташкилотлар (жамоат ташкилотлари ва жамғармалар, диний бирлашмалар ва бошқалар) ишбилармонлик фаолиятини юритиб даромад олсалар ушбу даромадларидан солиқ тўлайдилар.

Хайрия ва эҳсон қилинган суммалардан солиқ олинмайди. Корхона, фирма, АЖ ва ташкилотлар ҳисобланган ялпи фойда суммасининг 35%ни солиқ сифатида давлатга тўлайдилар.

Қуйидаги ҳолларда солиқ даражаси камайтирилади:

а) ўтган йилнинг шу кварталига нисбатан ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг ҳар бир фоизига 0,3% солиқ суммаси камайтирилади (даллол воситачи фирмалар бундан мустасно).

Мисол: АЖ ўтган йил 2-кварталда 15 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган. Жорий йилнинг 2-кварталида эса 15750 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш 750 минг сўмга ўсди ва 5%ни ташкил қилди: ўсиш суммаси 15750000-15000000=750000 сўм.

Фоизи

((15750000-5000000)*100%)/15000000 = (750000*100%)/15000000= =5%

– солиқ суммасининг имтиёзи=5%*0.3%=1,5%

– ўрнатиладиган солиқ даражаси=35%-1.5%=33.5%

– АЖда ўтган йили ушбу кварталда 4,5 млн фойда олган, жорий йилда эса 5,0 млн сўм фойда олган

– ўтган йилда тўланган солиқ суммаси=1575000 сўм=(4500000*35%)/100

– жорий йилда тўланган солиқ суммаси=1675000 сўм= (5000000*36,5%)/100

Жорий йилда қўшимча олган 500000 сўмдан фақат 100000 сўм солиқ, яъни 20% солиқ тўлаган ва 15%=75000 сўм субъектнинг ҳисобига қолдирилган. Ваҳоланки, ушбу имтиёз ((1,5%) қўлланилмаганда субъект жами 1750000 сўм (5000000х35%) солиқ тўлар эди.

б) ишлаб чиқаришни ривожлантириш, реконструкция қилиш ва техника билан жиҳозлашга фойдасининг 30-50%ни сарфласа солиқ миқдори 5%га камайтирилади:

Мисол: АЖда ҳисобот йилида капитал қўйилма учун 3800000 сўм сарфлади, ялпи фойда эса 12250000 сўмни ташкил қилди яъни фойданинг 31%=((3800000*100%)/12250000) капитал қўйилма учун сарфланди. Натижада субъектнинг олган фойда суммасидан олинадиган солиқ суммаси 30%ни (35%-5%) ташкил қилади, демак йилнинг охиридаги баланс бўйича фойда суммасининг 30%и солиқ сифатида олинади.

Субъектнинг олган ялпи (баланс) фойдаси суммасидан олинадиган солиқ миқдорини аниқлаш:

Мисол: йил охирида субъектнинг хўжалик фаолияти кўрсаткичлари қуйидагича:

– маҳсулот ишлаб чиқарилди- 46000000 сўм;
– ўтган йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот- 40000000 сўм;
– олдинги йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши. %+15%;
– жорий йилда олинган ялпи фойда- 12250000 сўм;
– ўтган йил олинган фойда- 10000000 сўм;
– жорий йилда сарфланган капитал қўйилма маблағлари сўмда- 2500000 сўм, фоизда 25%;
– ўтган йилда тўланган солиқ- сўмда- 3500000, фоизда- 35%;
– жорий йилда ҳисобланган солиқ- сўмда- 3491250, фоизда- 25,5% яъни, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳажми 15%, капитал қўйилма 5% ва олинган фойда 22,5%га ўсишига қарамасдан субъектнинг тўлаган солиқ суммаси ўтган йилга қараганда кам суммани ташкил қилди:
– маҳсулот ҳажмининг ўсиши натижасида (12250000*4,5)= =551250 сўм;
– капитал қўйилмаларнинг ўсиши натижасида (12250000*5,0)= =612500 сўм;
– жаъми 1163750 сўм кам тўланган.

в) монополист субъектлар учун рентабеллик даражасининг оширилган ҳар бир фоизига 0,5%га солиқ суммаси оширилади. Ушбу субъектнинг рентабеллик даражаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Мисол: "Тошкент қишлоқ хўжалиги машиналари" АЖ пахта териш машиналарини ишлаб чиқарадиган ягона (монополист) субъект ҳисобланади. Ушбу субъект учун Молия вазирлиги томонидан рентабеллик даражаси 30% белгиланган. Ушбу субъектнинг хўжалик фаолияти бўйича кўрсаткичлари қуйидагича:
– ялпи маҳсулот- 1500000000 сўм;
– ялпи фойда сўмда- 600000000, фоизда- 40%;
– ялпи фойдадан тўланадиган солиқлар:

оддий солиқ: сўмда- 210000000
фоизда- 35%
қўшимча солиқ: сўмда- 30000000
фоизда- ((40-30)*0.5)-5%

Яъни олинган 60000000 сўмнинг тенг ярми солиққа тортилди.
Жаъми: 240000000 сўмни ташкил қилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, монополист субъектларнинг рентабеллигини оширишдан олган қўшимча фойда суммаси-

нинг ҳаммасини давлатга солиқ сифатида олиниши ва уларга қўшимча иқтисодий жазо берилиши мақсадга мувофиқдир.

Фойда солиғидан озод қилиш ва бошқа имтиёзлар тегишли Қонунлар, Фармонлар ва Вазирлар маҳкамасининг қарорларида батафсил келтирилган ва улар қуйидагилардан иборатдир:

Солиқ бўйича имтиёзлар:

а) Фойдадан солиқ тўлашдан қуйидаги шахслар озод қилинади:

– ходимларининг 50% ва ундан ортиғи ногирон бўлган субъектлар;

– ходимларининг 75% ва ундан ортиғи ўрта мактаб ва билим юртларининг ўқувчилари бўлган субъектлар;

– протез-ортопедия маҳсулотлари ва ногиронларга протез хизматлари кўрсатадиган субъектлар;

– тарихий ва маданий ёдгорликларни тиклаш ва таъмирлашдан олинган фойда суммаси;

– даволаш муассасалари қошидаги даволаш ишлаб чиқариш устахоналари, қайд қилинган ногиронларнинг ташкилотлари, уларнинг муассасалари, бирлашма ва корхоналари;

– Қизил Ярим ой, уруш ва меҳнат фахрийларининг жамиятлари, Ўзбекистон хотин-қизлари қўмитаси, "Орол", "Наврўз", "Экосан" жамғармалари ва ҳоказолар;

– Олий, ўрта ва касб ҳунар ўргатадиган билим юртлари қошида ёшлар ва касаба уюшмаси томонидан ташкил қилинган субъектларнинг талабалар ва ўқувчиларнинг шароитини яхшилашга қаратилган фойда суммаси;

– қурилиш, кенгайтириш, меҳмонхоналар қуриш, кўкаламзорлаштириш ва фойдаланиш сарфларини қоплаш учун сарфланган деҳқон бозорларининг фойдаси;

– шаҳар йўловчи транспорти (таксидан ташқари)нинг фойдаси;

– босма нашриёт маҳсулотларини аҳолига тарқатишдан олинган фойда;

– умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини таъмирлаш ва уларни асраш бўйича тушган фойда;

– уруш ва меҳнат фахрийларининг корхона ва ташкилотлари, агарда уларда ишлаётган нафақахўрлар 50%дан кам бўлмаса;

– меҳнат тарбия муассасаларининг субъектлари ва ҳоказолар (тегишли кўрсатмага қаралсин).

б) Қуйидаги фаолиятлардан олинган фойда суммаси вақтинча солиққа тортилмайди:

– патент эгалари ушбу патентларни ўзининг ишлаб чиқаришида фойдалансалар;

– патентларга лицензия сотишдан;

– фойдаланиш муддатига қараб:

а) патент бўйича материаллар- 5 йилгача;

б) патент олди ихтироси- 3 йилгача;

в) патент олди ихтироларининг саноат намуналари- 2 йилгача;

г) гувоҳномалар бўйича фойдали моделлар- 2 йилгача.

– саноат мулки бўлган объектлардан фойдаланиш лицензиясини олган шахслар:

1) патент ихтиролари- 5 йилгача;
2) патент олди ихтироси- 5 йилгача;
3) патент бўйича саноат намуналари- 3 йилгача;
4) патент олди саноат намуналари- 2 йилгача;
5) гувоҳнома бўйича фойдали моделлар- 2 йилгача;
6) товар ёки хизмат кўрсатиш белгиси- 1 йилгача.

– янги ташкил қилинган (биржалар, тайёрлов, улгуржи, таъминот ва сотиш, воситачи ва савдо-коммерция корхоналаридан ташқари) субъектлар қайд қилинган вақтидан бошлаб олган фойдасидан ўрнатилган даражанинг 1 йилда 25% ва 2 йилда 50% солиқ тўлайдилар. Агарда 3 йил ичида ушбу субъектлар тугатилса олдинги йилларда олган фойдаси учун ҳам имтиёзсиз ўрнатилган даражада, яъни 100% солиқ тўлайдилар.

Мисол: Янги ташкил қилинган субъектнинг хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари қуйидагича:

– субъект 01.01.20хх йилда ташкил қилинган;

– 1-йилда олинган ялпи фойда- 3,5 млн сўм;

– 2-йилда олинган ялпи фойда- 5,0 млн сўм;

– субъектнинг фаолият кўрсатиш даврида солиқ даражаси- 40%;

– 1-йилда тўланган солиқ (3,5х0,4:4)- 350000 сўм;

– 2-йилда тўланган солиқ (5,0х0,4:2)- 1000000 сўм;

– субъект 3 йил 1 октябрда тугатилган ва шу даврда олган ялпи фойда суммаси 1000000 сўмни ташкил қилган;

– 3 йилда тўланадиган солиқ (1,0х0,4)- 400000 сўм;

– 1 йил учун қўшимча солиқ (3,5х0,4)-350000=1050000 сўм;

– 2 йил учун қўшимча солиқ (5,0х0,4)-1000000=1000000 сўм;

Жаъми қўшимча тўланадиган солиқ суммаси- 2050000 сўм.

Агарда субъектнинг фаолияти 3 йилдан кейин тугатилганда эди 2050000 сўм солиқ суммасидан озод бўлар эди.

– субъектнинг эксопрт қилинадиган маҳсулот, иш ва хизматлари ялпи маҳсулотнинг 30%ни ташкил қилса (валютада) солиқ суммаси 2 баробар камаяди.

Мисол: "В. Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш" АЖ хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари қуйидагича:

– ялпи маҳсулот - 600 млрд. сўм;

– шундан четга валютага сотилган маҳсулот- 210 млрд. сўм;

– олинган ялпи фойда - 15 млрд. сўм;

– субъектнинг фаолият кўрсатиш даврида фойда солиғининг даражаси - 35%;

– ҳисобланган солиқ суммаси - ((15 млрд*35)/2)/100 2625 млн. сўм;

– оддий солиқ ҳисоблаганда, яъни экспорт маҳсулоти<30% ташкил этганда,<180 млрд. сўмгача фойдадан олинадиган солиқ суммаси (15 млрд*35)/100 5250 млн. сўмни ташкил қилар эди. Бизнинг мисолимизда, яъни экспорт маҳсулотининг улуши 30%дан ошганлиги сабабли субъект 2625 млн. сўм солиқдан озод бўлди. Экспорт ҳажмини 30 млрд. сўмга кўпайтириб 2625 млн. сўмни субъектнинг соф фойдасига қўшган.

Субъектнинг олган фойдасининг солиққа тортиладиган суммаси қуйидаги ҳолларда камаяди:

– маҳаллий ҳукумат томонидан тасдиқланган ва субъектнинг балансида турган ва ўз улуши билан қатнашаётган соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйи, болалар муассасалари, болаларнинг дам олиш уйлари, маданият, спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, уй-жой фондига сарфланган харажатлар миқдорига;

– солиққа тортиладиган фойданинг 1%гача экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига тўланган бадал суммаларига;

– диний ва жамоат ташкилотларининг (профсоюз ва партия ташкилотларидан ташқари) устав капиталини ташкил қилиш учун ажратилган суммасига;

– корхона, ташкилотларнинг уй-жой ва маданий маиший қурилишига йўналтирилган фойда суммасидан 50% солиқ олинади;

– табиатни қўриқлаш тадбирларига ажратилган суммадан 30% солиқ олинади;

– болалар, ўқув, техникавий ва илмий адабиётлар чиқаришдан олинган фойдадан 20% солиқ олинади.

Фойдадан солиқ олиш тартиблари ва бериладиган имтиёзлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини тасдиқлаётган вақтда Олий Мажлис томонидан ўзгартирилиши мумкин. Фойда ҳисобидан солиқни тўловчилар ҳар ойнинг 10 ва 25 кунларигача квартал тўловининг 1/6 қисмини бўнак сифатида тўлаб борадилар. Солиқ тўловчилар белгиланган муддатда солиқ муассасаларига бухгалтерия ҳисоботи, баланс ва фойда ҳисобидан солиқ суммаси ҳисобланган шакл(декларация)ни топширадилар.

Солиқ тўловчилар ойлик ва кварталлик ҳисоботларини топширган кундан бошлаб 5 кун ва йиллик ҳисоботни топширган кундан бошлаб 10 кун ичида ҳисобланган солиқ суммасини тўлашлари лозим.

Агарда солиқ назоратчилари томонидан ҳисоблашишда фарқ суммаси топилса ушбу сумма 5 кун ичида тўланиши керак, агарда ушбу муддатда тўлаб улгурмаса ёки тўламасалар жарима тўлайдилар.

Субъект томонидан солиқ бўйича тўлов топшириғи ҳисоблашиш счётининг ҳолатидан қатъий назар банк томонидан биринчи навбатда бажарилади.

Агарда тўловчилар ўз вақтида солиқ суммасини бюджетга тўламасалар кечиктирилган ҳар бир кунига 0,2% жарима суммаси тўлайдилар.

Мисол: Субъект 10.04.20хх йилгача бюджетга фойда солиғи бўйича 50000 сўм тўлаши лозим. Лекин ушбу суммани 15.05.20хх йилда тўлади. Тўланган сумма 50500 сўм, яъни 50000 сўм солиқ ва 500 сўм (50000*(0,2*5))=(50000*1%) жарима суммаси дебет 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарз" счёти ва кредит 5110-"ҳисоблашиш счёти".

Давлат солиқ назоратига "Малика" АЖ

Солиқ назоратининг белгиси олинди_____

20xx йил III-кварталда кўтилаётган фойда суммасидан солиқнинг бўнак бадалини тўлаш тўгрисида

МАЪЛУМОТ

"Малика" акциядорлар жамияти

Минг сўм

№ Кўрсаткичлар номи

1. Кварталда кутилаётган фойда миқдори (минг сўм)
2. Солиқ даражаси %
3. Тўланадиган солиқ суммаси- сўм

Субъектнинг раҳбари _____
имзоси

Бош бухгалтер _____
имзоси

Давлат солиқ назоратига "Малика" АЖ

Солиқ назоратининг белгиси олинди_____

Ажримлаштириладиган номер 000000000
20xx йил III-кварталда олинган фойдани

ҲИСОБЛАШ

Минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Қатор	Сумма
1	2	3	4
1.	Фойда солиғини тўлашгача молиявий натижа	010	
2.	Солиққа тортиладиган ҳажмига қўшиладиган сарфлар (даромад солиғи тўлайдиган субъектлар томонидан тўлғазилади)	020 030	
3.	Солиққа тортиладиган ҳажмдан чегирилмайдиган сарфлар (9430 счётда ҳисобга олинадиган сарфлар)	040	
	Солиққа тортиладиган ҳажмдан чегириладиган олдин сарфланган харажатлар (9440 счёт бўйича махсус ҳисоблашиш)	050	
	Солиққа тортиладиган ҳажмга қУшилиши керак бўлган харажатлар (040-050)	060	
4.	Дивидендлар ва улуши бўйича сарфланган харажатлар	070	
5.	Солиққа тортиладиган ҳажм (010+020+030+060+070)	080	
6.	Берилган имтиёзларга асосан солиққа тортиш миқдорининг камайиши (далолатнома илова қилинади)	090	
7.	Солиққа тортиладиган фойда (даромад) (080-090)	100	
8.	Фойда солиғининг даражаси %	110	

№	Кўрсаткичлар	Қатор	Сумма
9.	Тартибга туширилган фойда (даромад) солиғининг даражаси %	120	
10.	Бюджетга тўланадиган фойда (даромад) солиғининг суммаси- (100*120)/100%	130	
11.	Дивидендлар бўйича солиқ даражаси	140	15%
12.	Олинган даромадлар бўйича солиқ суммаси (070*15%)/100%	150	
13.	Бюджетга ҳисобланадиган солиқ суммаси (130+150)	160	
14.	Бюджетга ҳисобланган	170	
15.	Белгиланган муддатда солиқ ҳисоблаш учун	180	
16.	ҳисобланган солиқни камайтириш учун	190	

Корхона раҳбари _____ имзо

Олинди _____ имзо _____ сана

Бош бухгалтер _____ имзо

Даромаддан олинадиган солиқ

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига асосан киритилган ўзгаришларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқарилган Кўрсатмага мувофиқ:

1. Қуйидаги юридик шахслар олинган даромадидан солиқ тўловчилар қаторига киритилади:

а) мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик шахс бўлган корхона, бирлашма ва ташкилотлар, бундан ташқари юридик шахс бўлмаган, лекин мустақил балансга эга бўлган ва банк муассасаларида ҳисоблашиш счёти бўлган корхона, бирлашма ва ташкилотларнинг филиаллари, бўлимлари ва ваколатхоналари (Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида хориж инвестициясида ташкил қилинган субъектлар ва фаолияти бўйича даромад олаётган хориж юридик шахслари учун айрим кўрсатма ишлаб чиқилган);

б) хўжалик ҳисобида бўлмаган ташкилотлар, лекин хўжалик (коммерция) фаолиятидан даромад олаётган ташкилотлар (бюджет маблағи билан таъминланадиган илмий тадқиқот ташкилотларидан ташқари);

в) хўжалик (коммерция) фаолиятини амалга ошираётган халқаро нодавлат ташкилот ва бирлашмалар;

г) банклар, суғурта қилиш муассасалари.

2. Солиқ тўловчиларнинг махсус даражаси (категорияси) Давлат бюджети тасдиқланаётганда Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

3. Ўзбекистон темир йўли, Ўзбекистон ҳаво йўллари, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Ўздавкафолат субъектлари билан солиқ бўйича ҳисоблашиш марказлаштирилган тартибда амалга оширилади.

4. Субъектда солиққа тортиладиган объект унинг ялпи даромадидир, яъни маҳсулот, иш ва хизматни сотишдан олинган даромад+моддий қийматликларни сотишдан олинган даромад+номоддий қийматликларни сотишдан олинган даромад+молиявий фаолият бўйича олинган даромадларнинг йиғиндисидан ташкил бўлган сумма.

Агарда тайёр маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоблашиш ҳужжати истеъмолчига ва банкка топширилган ёки харидорларга жўнатилган вақтидан бошлаб улар сотилган ҳисобланади.

Савдо ва умумий овқатланиш субъектлари, таъминот-сотиш, тайёрлов субъектларида товарларнинг олинган ва сотилган қийматликлари ўртасидаги фарқ солиққа тортилади.

Воситачи (даллол) корхоналардан олинган хизмат ҳақи суммасидан солиқ олинади.

Биржалардан олинадиган солиқ суммасини ҳисоблашда уларнинг олган суммасидан, хизмат ҳақи+брокер ўрнини сотишдан тушган+савдода қатнашиш учун тўлов+хизмат кўрсатиш тушумлари суммаси йиғилиб солиққа тортилади.

Мулкларни ижарага топширишдан олинган даромаддан, олинган жарималар, облигация даромадлари, берилган қарзларнинг фоизлари ва бошқа даромадлар (сарфлар суммаси чегирилгандан кейин) молиявий фаолият муомалаларининг натижалари дейилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ўрнатилган тегишли солиқларини ўз вақтида тўламаганлиги учун кўрилган жазо сифатида олинган жарималарнинг бюджетга кирим қилинган суммалари, субъектнинг ихтиёрида қолдирилган даромадлар ҳисобидан қопланади.

Акция бўйича олинган дивидендлар, солиқ корхоналарининг устав капиталига қўшган капиталлардан олинган даромадлар солиққа тортилмайди.

Субъектлар бартер усулида товар сотсалар сотиш даромадининг миқдорини ҳисоблаганда шу вақтда ва шунга ўхшаш товарларнинг сотиш баҳосига асосан амалга оширадилар.

Қайд қилинган баҳо ва таъриф бўйича ишлаётган субъектларда, биржа баҳоси ялпи даромад суммасини ҳисоблашда асос бўлади.

5. Умумий муаммоларни ечиш учун субъектлар томонидан йиғилган бадал, улуш ва бошқа мақсадли молиялаштириш маблағлари солиққа тортилмайди. Агарда ушбу маблағлар коммерция ва бошқа мақсадларда фойдаланилса, бу маблағлар суммаси солиққа тортилади.

6. Субъектлар солиққа тортиладиган суммаларни аниқлаганда қуйидаги тўлов ва харажатларни чиқариб ташлаши керак:

а) реализация даромадига қўшилган ҚҚС, акцизлар, хомашё ресурси ва маҳсулот солиғи, ер, мулк ва транспорт эгаларидан олинадиган солиқ;

б) нафақа, бандлик, ижтимоий муҳофаза жамғармаларига ажратмалар, суғурта тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар;

в) банкнинг қисқа муддатли кредитлари бўйича тўланган фоизлар (тўлов муддати ўтган кредитлар бўйича тўланган фоизлар суммаси кирмайди);

г) рентанинг тўловлари суммаси;

д) ҳисобланган ва маҳсулот таннархига қўшилган асосий жамғармаларни, тўла тиклаш учун ҳисобланган амортизация жамғармасининг суммалари;

е) ижара тўловлари (молиялаштириладиган лизинг бўйича ҳисоблашиш). Агарда ижарага олинган субъект давлатники бўлса ижара ҳақи республика ёки маҳаллий бюджетга тўланади;

ж) буюм кўринишида бўлмаган, субъектга даромад келтирадиган ёки даромад келтиришга шароит яратиб берадиган номоддий активларни сотиб олиш суммаси;

– патент, автор ҳуқуқи, лицензия, "ноу-хау", дастур таъминотининг қиймати;

– хусусий патентлаш сарфи;

– савдо маркаларидан фойдаланиш, брокер ўрнини сотиб олиш.

Номоддий активлар моддасидаги сарфлар 5 йил мобайнида эскириш суммаси сифатида ҳисобдан чиқарилади.

Мисол: 1 йилда номоддий активларни сотиб олиш учун 450 минг сўм сарфланган ва 3 йилда дастур ва "ноу-хау" учун 500 минг сўм сарфланди. Шу йилда тўланадиган даромад солиғига тортиладиган умумий суммадан (450000+500000)/5=(950000/5)= =190000 сўм чегирилади.

з) Ўзбекистон Республикасининг Қонунларида кўрсатилган номоддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқини олиш тўловларининг барча турлари;

и) маҳсулотларни сертификациялаш харажатлари, маслаҳат, ахборот ва аудиторлик хизматлари сарфлари;

к) махсус муассасаларда ёнғинга қарши курашиш ва қўриқлаш тўловлари;

л) алоқа ва ҳисоблаш маркази хизматларининг тўловлари;

м) хизмат сафари (дала шароити ва қурилиш ташкилотларининг кўчиб юриш турлари бўйича тўловлар ҳам қўшилади) юзасидан сарфлар;

н) ваколатлик мақсадлари учун сарфлар;

о) реклама сарфлари;

п) солиққа тортиш даврида қиймати тўланган ва сотилган маҳсулот, иш ва хизматларнинг қийматига қўшилган материал сарфларининг қиймати.

7. Бартер усулида товар сотадиган ва таннархи бўйича товар сотадиган корхона ва ташкилотларга ушбу кўрсатманинг 4,5 ва 6 моддалари қўлланилмайди.

8. Солиққа тортиш даражаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ва қуйидаги 4-иловада келтирилган.

Халқ хўжалигининг айрим олинган тармоқларида даромад солиғининг даражаси.

№	Халқ хўжалигининг тармоқлари	Солиқ даражаси %
1.	Қишлоқ хўжалиги (қишлоқ хўжалиги фаолияти бўйича)	3
2.	Илм-фан (илмий текшириш, конструкторлик, лойиҳа қидирув ташкилотлари) коммунал хўжалиги, геология разведкаси	15
3.	Саноат, моддий-техника таъминоти, сотиш, хаво ва темир йўл транспорти, ўзбексаноатбанки, ўзсаноатқурилиш банки	25
4.	Банклар ва мухофаза ташкилотлари (ўздавкафолат ва Халқ банкидан ташқари) биржалар ва брокер идоралари	35
5.	Воситачилик (даллоллик) фаолияти	
6.	Савдо сохаси:	
	а) савдо устамасини юқори даражада қўлланадиган савдо ташкилотлари	
	б) товарларни эркин баҳода сотадиган (савдо устамаси қўйилмайдиган) савдо коммерция ва бошқа корхона ва ташкилотлар	

Эслатма: -Ушбу рўйхатга кирмаган халқ хўжалигининг тармоқлари 18% миқдорида даромад солиғи тўлайдилар.

– Давлат нашриёти ва полиграфия корхоналари ижтимоий тармоққа киритилган.

– Қишлоқ хўжалиги ва унга тенглаштирилган хўжалик ва ташкилотлар ушбу Қарорга асосан солиқ тўлашдан озод қилинган.

Даромад солиғидан озод қилинган қишлоқ хўжалик субъектларининг рўйхати.

№	Субъектларнинг номи
1.	Хамма ишлаб чиқариш йўналишидаги жамоа хўжаликлари
2.	Совхозлар, паррандачилик фабрикалари. чорва саноати комплекси, мева ва парранда инкубатори, станциялари, племзаводлар
3.	Деҳқон (фермер) хўжалиги
4.	Қишлоқ хўжалик кооперативлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик ва бошқа корхоналар
5.	Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги хўжаликлараро корхоналар
6.	Бўрдоқичилик хўжаликлари ва бўлинмалари
7.	Бош пилла қуриткичлар, пиллаларга дастлабки ишлов берувчи корхоналар, грен заводлари, ипак қурти чиқарадиган бўлинмалар
8.	Хайвонларни тайёрловчи ва Устирувчи туман идоралари
9.	Қишлоқ хўжалиги фаолиятига ихтисослашган илмий текшириш ва ўқув юртларининг ўқув ва ўқув тажриба хўжаликлари
10.	Наслдор хайвонлар ва сунъий қочириш булинмалари
11.	Хўжаликлараро биолабораториялар
12.	Мустақил балансдаги ёрдамчи хўжаликлар

Қишлоқ ва сув хўжалигида ўзгаришлар содир бўлиши натижасида юқорида қайд қилинган хўжаликларнинг номлари ўзгариши мумкин, лекин фаолият йўналиши тўғри келса шу рўйхатда татбиқ қилинган имтиёзлар қолдирилади.

Мисол: Совхозлар-жамоа хўжаликлари ёки ширкатларга, бўрдоқичилик хўжаликлари-акциядорлар жамиятига (АЖ) айлантирилиши мумкин:

– акция дивидендлари ва бошқа субъектларнинг устав капиталига қўшган капитали бўйича олган даромадларидан 15% солиқ олинади.

Имтиёзларнинг бошқа турлари фойдадан солиқ олиш тартибидаги имтиёзларга ўхшайди ва солиқ бўйича қуйидаги имтиёзлар мавжуд:

– қишлоқ хўжилиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва қайта ишлов берувчи, халқ истеъмоли товарлари, қурилиш ма-

териаллари, ишлаб чиқариш техника ускуналари, қурилиш, таъмирлаш, моддий хизмат кўрсатиш йўналишида янги ташкил қилинган мустақил субъектлар- фермер ва хусусий хўжаликлар икки йил мобайнида солиқ тўлашдан озод қилинадилар. Агарда уч йил ичида тугатилса олдинги йиллар учун ҳам солиққа тортиладилар.

Солиққа тортиш суммаси қуйидагича камаяди:

– маҳаллий ҳокимият томонидан белгиланган объектларга, яъни соғлиқни сақлаш каби субъектларга сарфланган харажатлар суммасига;

– озиқ-овқат, қурилиш материаллари ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга олинган кредитларни қоплаш харажатларининг 50%и;

– ихтисосликка ўқиш, малака ошириш, ўсмирлар билан ўқишдан ташқари вақтда шуғулланиш харажатлари;

– маиший тармоқ объектларини қураётган қурилиш ташкилотларининг даромадидан 15%;

– хусусий субъектларнинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қуроллантириш харажатлари.

Маҳаллий ҳокимиятлар субъект фаолиятининг турларига қараб солиқ миқдорларини ўзгартириши мумкин.

Давлат облигациялари ва давлатнинг қимматбаҳо қоғозларидан тушган дивидендлар солиққа тортилмайди.

Солиқ суммасини ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари субъектларнинг ялпи фойдасидан олинадиган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби билан бир хилдир. Даромад солиқлари бўйича бюджет билан ҳисоблашиш 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" ва 4510-"Солиқлар бўйича бўнак тўловлари" счётларида ҳисобга олинади. Ҳисобланган даромад солиғига

Дт 8700-"Тақсимланмаган фойда" счёти

Кт 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" счёти.

Ҳисобот даври давомида белгиланган тартибда бюджетга солиқлар бўйича тўланган бўнак суммалари Дт 4510-"Солиқлар бўйича бўнак тўловлари" счёти ва Кт 5110-"Ҳисоблашиш счёти"да акс эттирилиб борилади. Ҳисобот даврининг охирида тўлиқ ҳисоблашиш ўтказилганда жаъми ҳисобланган солиқ суммасидан тўланган бўнак суммалари чегирилади: Дт 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" счёти ва Кт 4510-"Солиқлар бўйича бўнак тўловлари" счёти ва қолган қарз суммаси бюджетга тўланади: Дт 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича

қарзлар" счёти ва 5110-"Ҳисоблашиш счёти". Ушбу муомала натижасида 6410 счёти ёпилади.

Чет эл инвесторлари қатнашаётган қўшма корхоналарнинг даромадларини солиққа тортиш

Қўшма корхоналарнинг даромадларини солиққа тортиш Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига асосан амалга оширилади.

Ушбу кодексга амал қилинган ҳолда Республика Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитаси қўшма кўрсатма чиқардилар. Ушбу кўрсатмага асосан қўшма субъектларнинг даромадидан солиқ олиш тартиби қуйидагича:

– агарда қўшма корхоналарни ташкил қилаётганда томонлар шартнома орқали даромадларни ҳисоблаш тартиблари келишилмаса шу шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолияти ва чет мамлакатдаги фаолияти бўйича олган ялпи даромадининг суммаси солиққа тортилади;

– солиққа тортиш тартиби ва ўрнатиладиган имтиёзлар ўзбекистонлик ва хорижий шахсларнинг субъектнинг устав капиталидаги улушига боғлиқ;

– агарда хорижлик шерикнинг субъектнинг устав капиталидаги улуши <ёки=30% бўлса олинадиган даромад солиғи 18%;

– агарда ушбу улуш > ёки =30% бўлса олинадиган даромад солиғи 10% белгиланган. Бу тартиб ушбу субъектларнинг филиалларига ҳам тааллуқлидир;

– қўшма субъект таъсисчиларининг улуши қўшилган бадал суммаси кейинги ойнинг биринчи кунидаги Марказий банк курси билан белгиланади. Агарда ҳисобот вақтига шерикнинг улуши қўшилмаган бўлса, ушбу субъект оддий субъект сифатида унинг олган даромади умумий тартибда солиққа тортилади;

– солиққа тортиш объекти субъектнинг ялпи даромадидир, яъни:

а) маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан, моддий қийматликларни сотишдан, муомалавий ва молиявий фаолият бўйича муомалалардан олинган даромадларнинг йиғиндисини ташкил қилади. Бу тартибда ушбу муомалалар бўйича ҳисобланган ёки ҳисоблашиш, валюта, махсус счётларга ва кассага кирим қилинган суммалар ҳисобга олинади;

б) қурилиш-монтаж, таъмирлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ташкилотларда буюртмачи томонидан тасдиқланган бажарилган ишларнинг контрактда кўрсатилган қиймати;

в) савдо, умумий овқатланиш, таъминот-сотиш, тайёрлов ташкилотларининг даромади сотиб олиш ва сотиш баҳоларининг ўртасидаги фарқ суммаси;

г) воситачи корхоналарнинг солиққа тортиладиган даромади даллоллик фаолияти бўйича оладиган рағбатлантириш суммасидир;

д) сотишдан ташқари муомалалар (молиявий фаолият)дан олинган даромадларга қуйидагилар киради:

– мулкни ижарага топширишдан олинган даромад суммаси;

– кирим қилинган жарималар (тўланган сумма чегирилади)суммаси;

– облигация бўйича олинган даромадларнинг суммаси;

– берилган қарзлар бўйича киримларнинг суммаси;

– бошқа тушумларнинг (сарфлар суммаси чегирилган ҳолда) суммаси.

Кўрилган жазо чораси сифатида бюджетга тўланган суммалар субъектнинг ихтиёрида қолдирилган даромад ҳисобидан тўланади.

Акция бўйича дивидендлар, бошқа субъектларнинг устав капиталига қўшилган капитал бўйича олинган даромадлар сотишдан ташқари муомалалар (молиявий фаолият)дан олинган даромадлар қаторига киритилмаса бу даромаддан 15% солиқ олинади.

Қатъий белгиланган баҳода маҳсулот сотаётган субъектларда, қатъий баҳо ва бошқа баҳода маҳсулот сотаётган субъектларда биржанинг ўртача баҳоси қўлланилади.

Махсус вазифалар (буюртмалар)ни бажарувчи субъектларнинг ушбу вазифалар (буюртмалар)ни бажариш учун олган бадал, улуш ва бошқа мақсадли маблағларидан солиқ олинмайди.

Субъектнинг даромадини солиққа тортишдан олдин умумий даромадининг суммасидан қуйидагилар чегирилади:

– ҚҚС, акциз солиғи, четга чиқарилаётган хом-ашё ва маҳсулотлардан олинадиган солиқ ва ер солиғи суммалари;

– пенсия жамғармаси, бандлик жамғармаси, ижтимоий муҳофаза мажбурий суғурта тўловлари ва бошқа тўловларнинг суммаси;

– банк кредитлари бўйича тўланадиган %лар суммаси (вақтинчалик солиқ кредитларининг %идан ташқари);

– рента тўловлари суммаси;

– тўла тиклаш учун ҳисобланган амортизация жамғармасининг суммаси;

– ижара бўйича тўловлар (молия лизинги бўйича ҳисоблашиш) суммаси;

– буюм кўринишида бўлмаган номоддий активлар (патент, муаллифлик ҳуқуқи, лицензия, "ноу-хау", дастурлар)ни сотиб олиш суммаси;

– ўзи учун патент олиш учун сарфланган сумма;

– савдо белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун сарфланган сумма.

Ушбу сарфлар беш йил давомида амортизация ажратмасига ўхшаб субъектнинг даромади суммасидан чегирилади. Номоддий активлар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси тегишли харажат счётларининг 2010, 2300, 2510, 9410, 9420 ва 9450 дебетида ва 0500-"Номоддий активларнинг амортизацияси" счётларининг тегишли гуруҳида, кредитида қайд қилинади. Ушбу активлар ҳисобдан чиқарилганда эса дебет 0500 ва кредит 0400 счётларида акс эттирилади, агарда фойдаланиш муддатидан олдин ҳисобдан чиқарилса, қолган эскириш суммаси субъектнинг зарарига олиб борилади: дебет 9432-"Бошқа активларни сотишдан кўрилган зарарлар" счёти ва кредит 9220-"Бошқа активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар" счёти.

– номоддий активларга бўлган ҳуқуқларни олиш бўйича сарфланган тўловлар суммаси;

– маҳсулотларни сертификация қилиш, ахборот ва аудиторлик хизматлари юзасидан тўловлар суммаси;

– ёнғиндан сақланиш ва қўриқлаш сарфлари;

– алоқа ва ҳисоблаш марказларининг харажатлари;

– ваколатхонани асраш харажатлари;

– реклама, кўргазма, ярмаркаларда қатнашиш харажатлари;

– сотилган товарлар қийматига олиб борилган ва қиймати солиқ даври охиригача тўланган материалларнинг қиймати;

– маҳсулотларни экспорт қилиш харажатлари.

Захира ва шунга ўхшаш жамғармаларга ажратилган маблағлар, агарда субъектнинг олган ялпи даромади суммасининг 20% ва устав капиталининг 25%ни ташкил қилган бўлса.

Қўшма субъектларнинг даромадидан яна ушбу сарфлар чегирилади:

– хориж капиталининг улуши 30%дан ошиқ бўлганда чет элдан келган вакилларнинг турар жойи ва коммунал хизмати юзасидан сарфлари;

– банк хизматлари учун комиссион тўловлар;

– маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланган маданий-маиший объектларнинг харажатлари;

– қизил ярим ой жамиятига тўланган бадаллар ва бошқа эҳсонлар суммаси;

– озиқ-овқат, қурилиш материаллари ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш учун инвестиция харажатларининг 30% ва шу мақсад учун олинган кредитларни тўлаш маблағлари;

– табиатни муҳофаза қилиш, илмий-текшириш, тажриба конструкторлик ишлари, янги технология ва маҳсулотларни ўзлаштиришга сарфланган харажатларининг 30%;

– ўтган йилга нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли товарлари, болалар учун товарлар, озиқ-овқат ва дори-дармонларни ортиқча ишлаб чиқаришдан олинган даромаднинг 20%;

– экология, соғломлаштириш ва бошқа жамғармаларга ажратилган суммалар;

– маданий-маиший ташкилотларга бадаллар суммаси-даромад суммасининг 1%гача;

– ихтисоси бўйича ўқитиш, малака ошириш ва ўсмирлар билан мактабдан ташқари ишлаш харажатлари;

– даврий матбуот, болалар, ўқув адабиётлари 2000 нусхагача илмий ва техника адабиётларини чоп қилишдан олинган даромаднинг 20%;

– ижтимоий тармоқ объектларини қуришдан олинган даромаднинг 15%.

Қўшма субъектнинг даромадини солиққа тортишдан озод қилиш тартиби фойдани солиққа тортишдан озод қилиш тартибига ўхшайди.

Янги ташкил қилинган қўшма субъектлар 1-йили 25% ва иккинчи йил 50% олинган даромад суммасидан солиқ тўлайдилар, агарда улар 3 йилгача тугатилса 1 ва 2 йилига ҳам даромад солиғини тўлиқ (100%) тўлайдилар.

Даромад солиғи бухгалтерия балансининг маълумотларига асосан ҳисобланади ва ҳар кварталда кутилаётган даромаддан белгиланган фоиз суммасининг 1/4 қисми бюджетга қуйидаги муддатларда тўланиб борилади- 15 март, 15 июн, 15 сентябр, 15 декабргача. Ушбу муомала 4510-"Солиқлар бўйича бўнак тўловлари" счётининг дебет томонида қайд қилинади, кредит 5110-"Ҳисоблашиш счёти".

Ҳақиқий олинган даромаддан ҳисобланган солиқ суммасининг бўнак тўловидан фарқи 25 мартгача тўланиши зарур. Ушбу муомалалар счётларда қуйидаги тартибда қайд қилинади: жаъми ҳисобланган даромад солиғи суммасига- дебет 9810-"Даромад солиғи бўйича сарфлар" счёти, кредит 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" счёти ва илгари тўланган бўнак суммаси чегирилиб ташланади:

Дебет 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" счёти

Кредит 4510-"Солиқлар бўйича бўнак тўловлари"

Қолган сумма бюджетга тўланганда:

Дебет 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" счёти ва

Кредит 5110-"Ҳисоблашиш счёти".

Йилнинг охирида 9810-"Даромад (фойда) солиғи бўйича сарфлар" счётининг дебет томонида йиғилган сумма 9910-"Якуний молиявий натижа" счётининг дебетига ўтказилиб 9810 счёти ёпилади.

Қўшма корхоналарнинг ўзбекистонлик таъсисчиларининг акциялари ва устав капиталига қўшган улуши бўйича олган даромадларидан 15% солиқ олинади, хориж шерикларининг олган даромад суммаларидан ушбу суммалар чет элга ўтказилаётганда 10% солиқ олинади ва ўз вақтида тўланманган солиқлар суммасига ҳар куни 0,5% жарима ҳисобланади.

Ушбу Солиқ кодекси ва тегишли кўрсатмадаги тартиб ва қоидаларни ўрганишни осонлаштириш учун айрим мисоллар келтирамиз:

1-мисол Ўзбекистон Республикасида ташкил қилинган ва устав капиталида чет эл капиталининг улуши 30%дан ошиқ бўлган қўшма корхона Англияда тижорат фаолиятини амалга оширди.

Олинган даромади- Ўзбекистонда- 750000 сўм

Англияда- 250000 сўм

Жаъми- 1000000 сўм.

Англияда тўлаган солиғи 22.500 (150000*15%/100) сўм, Ўзбекистонда даромадни солиққа тортиш тартиби қуйидагича:

Қўшма корхоналарнинг даромади 1000000 сўм

Солиққа тортиладиган даромад 375000 сўм

Олинадиган солиқ суммаси 37500 сўм=(375*10%).

Ўзбекистонда жорий қилинган солиққа тортиш тартибига мувофиқ Англияда олинган даромаддан 15000 сўм (150000*10) олиниши керак. Жаъми тўланган солиқ суммаси 30000 сўм (52500-22500)га тенг.

2-мисол. Ўзбекистон Республикасида ташкил қилинган қўшма корхонанинг 30%дан ортиқ устав капитали немис ишбилармонларники ва у Германияда савдо сотиқ билан шуғулланади. Жорий йилда ушбу корхона 1300000 сўм даромад олди. Шундан 1100000 сўм Ўзбекистонда ва 200000 сўм Германияда.

Германияда тўлаган солиқ суммаси 24000=(60000*40%) Ўзбекистонда тўланадиган солиқ суммаси 55000=((350000+ +200000)/10%);

Хорижда тўлаган солиқнинг фақат 20000 сўми=(200000*10%) ҳисобга олинади, демак жаъми тўланиши керак сумма 55000 сўмга тенг ва фарқ сумма 4000 сўмга қўшма корхонанинг ўзида қолдирилган даромаднинг миқдори камайтирилади.

3-мисол. Ўзбекистон Республикасида ташкил қилинган қўшма корхонанинг 30%дан ортиқ устав капитали покистонлик ишбилармонларникидир.

Олинган даромади жаъми	2500000 сўм
Шундан: Покистонда	500000 сўм
Ўзбекистонда	2000000 сўм.

Покистонда тўлаган солиғи 66000 сўм (300000*20%) Ўзбекистонда тўланадиган солиқнинг суммаси 200000 сўм= =(2000000*10%).

Жаъми тўланадиган солиқ суммаси 250000 сўм=(2000000+500000)/10%.

Тўланиши керак бўлган солиқ суммаси 250000 сўм=(200000+50000). Демак, Покистонда тўланган солиқнинг фақат 50000 сўми ҳисобга олинади, қолган 16000 сўм эса субъектнинг ўзида қолган даромади ҳисобидан қопланади.

Агарда қўшма корхоналарнинг устав капиталида хориж шерикларнинг улуши 30%дан кам бўлса ҳам солиқ суммасини ҳисоблаш тартиби шунга ўхшаш, лекин солиқ олиш фоизи бошқа даражада бўлади.

Қўшма корхонанинг номи_____
_____ноҳияси Давлат солиқ назоратига

Қўшма корхонанинг олган даромадидан 20хх йил учун солиқ ҳисоблаш

№	Кўрсаткичлар	Корхоанинг режаси бўйича	Тўловчининг маълумоти	Солиқ назоратчисининг маълумоти
1.	2.	3.	4.	5.
1.	Устав капитали (01.01.20xx й)	15000000	15000000	15000000
2.	Таъсисчиларнинг маблағлари Ўзбекистонликларники:			
	жаъми суммаси	9750000	9750000	9750000
	улуши %	65	65	65
	хорижликларники:			
	жаъми суммаси	5250000	5250000	5250000
	улуши %	35	35	35
3.	Захира жамғармаси			
4.	Захира жамғармасининг юқори миқдори (25%)	3750000	3750000	3750000
5.	Субъектнинг олган ялпи даромади	18000000	20000000	20000000
5.1	Сотишдан олинган даромад (маҳсулот, иш ва хизматлардан)	-	-	-
5.2	Бошқа муомалавий фаолиятдан олинган даромадлар	800000	600000	600000
5.3	Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар	1000000	900000	900000
6.	Субъектнинг ялпи даромадидан чегирилади:			
6.1	Мажбурий тўловлар ва ажратмалар:			
	а)			
	б)			
	в)			
	г)			
	д)			
	е)			
	ж)			

№	Кўрсаткичлар	Корхоанинг режаси бўйича	Тўловчининг маълумоти	Солиқ назоратчисининг маълумоти
	з)			
	и)			
	к)			
6.2	Банкнинг қисқа муддатли кредитлари бўйича %			
6.3	Рента тўловлари			
6.4	Ижара тўловлари			
6.5	Амортизация ажратмаларининг суммаси			
6.6	Материаллар ва унга тенглаштирилган харажатлар			
7.	Солиққа тортиладиган суммадан (5-6) қуйидагиларга чегирилади:			
7.1	Акция даромадлари ва солиқ корхоналарининг устав капиталига қўйилган маблағларидан тушган даромадлар			
7.2	Солиқ бўйича имтиёзлар			
8.	Солиққа тортиладиган даромад			
9.	Белгиланган солиқ даражаси %			
10.	Давлат бюджетига тўланадиган солиқ суммаси (8x9)/100			
11.	Солиқ корхоналарининг дивидендларидан олинадиган солиқ суммаси (7,1*15%)/100			

№	Кўрсаткичлар	Корхоанинг режаси бўйича	Тўловчининг маълумоти	Солиқ назоратчисининг маълумоти
12.	Давлат бюджетига ҳисобланадиган жаъми солиқ суммаси (10+11)			
13.	Чет мамлакатда тўланган солиқ суммаси			
13.1	Шундан ҳисобга олинадиган сумма			
14.	Ҳисобланган солиқ суммаси (12-13)			
15.	Белгиланган муддатда солиқ тўлаши лозим			
16.	Ортиқча тўланган солиқ суммаси қайтарилди.			
	Йиллик балансни топшириш муддати	х	х	х

Қўшма корхонанинг бош директори _____
имзо

Бош бухгалтер _____
имзо

М.Ў. Ҳисобланган маълумотни қабул қилдим
Солиқ назоратчиси _____
имзо

Хорижлик юридик шахслар фақатгина Ўзбекистон Республикасидаги манбаларидан олган даромадлари бўйича солиқ тўлайдилар.

Банк ва суғурта муомалалари бўйича олинган даромадлардан 30% ўйинлар, томошалар ва бошқа тадбирлардан (кодекснинг 3 ва 4 банди) олган даромадларидан 60% солиқ тўлайдилар.

Ҳар бир юридик шахс солиқ тўлаши ёки тўламаслигидан қатъий назар рўйхатдан ўтиши зарур, акс ҳолда ваколатхоналарнинг олган даромадига белгиланган миқдорда солиқ ва шу миқдорда жарима тўлайдилар. Хорижий юридик шахсларнинг турлари ва шакли Кўрсатманинг 5-бандида келтирилган.

(Чет эл юридик шахсларнинг даромадини солиққа тортиш ҳақида кўрсатма. 1993 йил 5 апрелда Молия вазирлиги, Солиқ

қўмитаси томонидан тасдиқланган ва кейинчалик Вазирлар Маҳкамасининг қатор Қарорлари билан ўзгартиришлар киритилган).

Қўшилган қиймат солиғи

Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) маҳсулотлар, иш ва хизматларни сотиш жараёнида янги ташкил қилинган қийматдан хосил қилинган соф даромаднинг бир қисмини бюджетга олиш усулидир.

Ушбу ҚҚС ҳисоблаш ва тўлаш тартиби Солиқ кодексига асосан Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган кўрсатмага мувофиқ амалга оширилади.

ҚҚС солиғи тўлайдиган юридик шахсларга қуйидагилар киради:

а) юридик шахс бўлган ва мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар, юридик шахс бўлмаган, лекин мустақил баланси ва банк муассасаларида ҳисоблашиш счётлари бўлган бўлимлар, ваколатхоналар ва шунга ўхшашлар;

б) хўжалик ҳисобида бўлмаган, лекин тижорат фаолиятини амалга ошираётган ташкилотлар;

в) хориж инвестицияси асосида ташкил қилинган корхоналар, авлод корхоналари, бўлимлари, тижорат фаолиятини юритадиган халқаро бирлашмалар;

г) ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини амалга ошираётган хусусий ва оилавий корхоналар;

д) ишбилармонлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар.

Банк муассасаларига ҳисоблашиш ҳужжатлари топширилган жўнатилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати солиққа тортилади. Ушбу товарлар бўйича тўлов ҳужжатлари муомала содир бўлган куннинг эртасига банкка топширилиши шарт, акс ҳолда жўнатилган маҳсулотлар, иш ва хизматларнинг ҳамма суммаси солиққа тортилади.

Солиққа тортиш объектлари қуйидагилардир:

– ўзи ишлаб чиққан ва сотиб олинган ва жўнатилган маҳсулот ва товарлар (маҳсулот, товар, кўчмас мулкларни сотиш, электр, иссиқлик энергияси, газ, сув таъминоти ва шунга ўхшашлар);

– бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар;

– харажатлари маҳсулот таннархига қўшилмаган ўз истеъмоли учун сотилган, ишчи ходимларига сотилган маҳсулотлар, иш ва хизматларнинг қиймати, ёрдамчи хўжалик маҳсулотларининг қиймати;

– бошқа субъектлар ёки жисмоний шахсларга текинга ёки қисман тўлов шаклида берилган товарлар;

– хориж валютасида республиканинг ҳудудида сотилган импорт товарлари;

– истеъмолчи (буюртмачи)ларга молиявий ёрдам, махсус йўналишдаги жамғармаларни тўлғазиш ёки фойдани кўпайтириш учун йўналтирилган реализациядан олинган даромадлар.

ҚҚСни ҳисоблаш тартиби қуйидагича:

– ҚҚС ва акциз солиғининг даражаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан белгиланади;

– ҚҚСга тортиладиган товарларга акциз суммаси ҳам қўшилади;

– сотилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматнинг қиймати шартнома баҳосида ёки қайд қилинган баҳода ҳисобланади.

Мисол: "Подъёмник" АЖ асосий восита ҳисобланган ускунани бошқа субъектга сотди. Бошланғич қиймати 1500000 сўм. Эскириш суммаси 250000 сўм. ҚҚС қўшилган ҳолда сотиш баҳоси 1000000 сўм. ҚҚС=200000с(1000000*20%). Ушбу ускунанинг бозор баҳоси 1500000 сўм. Демак, ускуна қолдиқ баҳосидан кам баҳога сотилаётгани учун унинг бозор қиймати ҚҚСга тортилади: ҚҚС=300000 сўм (1500000*20%).

– бартерга сотишда, бепул ёки қисман қийматини тўлаш шарти билан товарлар берилса уларнинг қиймати акциз суммаси қўшилган ҳолда шартнома баҳосида ёки давлат томонидан қайд қилинган баҳода аниқланади;

Мисол: Субъект жорий ойда бошқа субъектга бартер усулида маҳсулот берди. Маҳсулотнинг келишилган баҳоси 500000 сўм ва акциз солиғи 100000 сўм (500000*20%). ҚҚС суммаси 120000с(600000*20%).

Субъект бошқа субъектга текинга эҳсон сифатида маҳсулот берди. Маҳсулотнинг қиймати 300000 сўмга баҳоланади. Шу ойда ушбу маҳсулотнинг бозор қиймати 400000 сўмга тенг. Акциз солиғи субъектнинг ҳисобида 60000 сўм (300000с*20%) ва ҳисобланган ҚҚС=72000 сўм (360000*20%).

Ушбу маҳсулотнинг бозор қийматига асосан ҳисобланиши зарур бўлган ҚҚС-80000 сўм=(400000*20%) ва акциз солиғи ҳам 80000 сўмни (400000х20%) ташкил қилди. Демак, субъектнинг қўшимча ҳисоблаши зарур:

а) қўшимча ҳисобланган акциз солиғининг суммаси 20000 сўм (80000-60000);

б) қўшимча ҳисобланадиган ҚҚС суммаси=8000 сўм (80000-72000);

в) жаъми қўшимча ҳисобланадиган солиқлар суммаси 28000 (20000+8000) сўм.

– ўзининг истеъмоли учун сарфланган товарлар, иш ва хизматларнинг қиймати уларга ўрнатилган баҳо ёки ҳақиқий таннархи бўйича ҳисобланади;

– агарда ходимларнинг меҳнатига ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан ҳақ тўланса ушбу маҳсулотларнинг қийматига акциз солиғининг суммаси қўшилган ҳолда шартнома баҳосида ёки қайд қилинган баҳода ҳисобланади;

– субъектнинг ўз ходимларига ёки четга нақд пулга сотган товарларининг қиймати шартнома баҳосида ҳисобланади;

– импорт товарлари бўйича (агарда ҚҚС тўланмаган ёки номаълум бўлган) сотиб олиш ва сотиш баҳолари ўртасидаги фарқ суммаси ҚҚСга тортилади.

Қайтарилган идишлар қиймати (гаров суммаси бўлган), агарда ушбу идишлар сотилмаса, ҚҚСга тортилмайди.

– агарда маҳсулот истеъмолчининг хом-ашё ва материалидан ишлаб чиқарилса фақатгина ишлов бериш қиймати ва акциз суммаларининг йиғиндиси ҚҚСга тортилади.

Қуйидаги фаолиятлар ва субъектлар ҚҚСдан озод қилинадилар:

– маҳсулот, ярим фабрикат, иш ва хизматларнинг субъектнинг ичида ишлаб чиқаришда фойдаланилса;

– кооператив мулкларни тугатиш натижасида унинг аъзолари ўртасида тақсимланган мулк;

– қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқараётган қишлоқ хўжалик субъектлари-ширкатлари, фермер хўжаликлари ва уюшмалари.

Ушбу хўжаликлар ташқаридан олган уруғ, ўғит, ёқилғи ва бошқа хом-ашё ва материалларни ҚҚС тўланган ҳолда олиб ушбу ҚҚС суммасини харажатларга қўшадилар:

– шаҳар йўловчи транспорти (таксидан ташқари) шаҳар атрофи, темир йўл, сув ва автомобил транспорти хизмати;

– халққа кўрсатилган уй-жой, коммунал ва фойдаланиш (меҳмонхона хизматидан фойдаланишдан ташқари) хизмати;

– хусусийлаштирилган мулк хизмати, давлат корхонасини ижарага олиш тўловлари;

– кредит бериш ва кредит олиб бошқага бериш;

– қимматбаҳо қоғозлар билан муомала қилиш;

– халқ таълими хизмати;

– умумий фойдаланиш йўлларини таъмирлаш ва улардан фойдаланишдан олинган даромадлар;

– халққа кўрсатилаётган маданий-маиший хизматлар ва соғломлаштириш хизматларидан келган даромадлар;

– ва шунга ўхшаш хизматлар.

Қўшилган қиймат солиғи 1 январь 1998 йилдан бошлаб 20% белгиланган. Агарда инвентаризация натижасига кўра субъектнинг омборида қолган тайёр маҳсулотлар бўйича истеъмолчилар билан шартнома тузилган бўлса ва ушбу шартномада 18% ҚҚС кўрсатилган бўлса ушбу ҚҚС фарқи- 2% (20-18) субъектнинг зарарига олиб борилади.

Мисол. Инвентаризация натижасида қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

– субъектнинг омборидаги тайёр маҳсулотларнинг қолдиғи-500000 сўм

– тузилган контрактларга асосан қолдиқ товарларга ҳисобланган ҚҚС (500000*18%)-90000 сўм

– қолдиқ товарларга ҳисобланган янги ҚҚС (500000*20%)-100000 сўм

– зарарга олиб бориладиган фарқ сумма (100000-90000)=10000 сўм. Ушбу сумма 9810-"Фойдадан олинадиган солиқ бўйича сарфлар" счётининг дебети ва 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" счётининг кредитида қайд қилинади.

Ҳисобот даврининг охирида ушбу 9810-"Фойдадан олинадиган солиқ бўйича сарфлар" счётининг дебетидаги суммалар 9910-"Якуний молиявий натижаларга" (Дебет 9910 ва Кредит 9810) ўтказилади.

Субъектлардаги қолдиқ хом-ашё ва материалларга тегишли ҚҚС ўртасидаги фарқ сумма ишлаб чиқариш харажатига қўшилади.

Қўшилган қиймат солиғини акс эттириш учун бухгалтерия ҳисобида 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" счёти қўлланилади.

Ушбу ҳисобланган ҚҚС тегишли объектлар-активларнинг қийматига олиб борилади ва қуйидаги тартида ҳисобдан чиқарилади:

– хом-ашё, материаллар ва арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар бўйича- уларнинг фойдаланиш (сарфланиш) даражасига қараб тегишли объектларнинг сарфларига олиб борилади;

– номоддий активларга ҳисобланган ҚҚС олти ой давомида ушбу номоддий активлар фойдаланилаётган тармоқларга ҳисобдан чиқарилади;

– сотиб олинган машина ва ускуналар бўйича ҚҚС ҳам олти ой давомида ушбу ускуналар ўрнатилаётган тармоққа ҳисобдан чиқарилиб борилади;

– асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича тўланган ҚҚС ушбу асосий воситалар қабул қилинган ва номоддий активлар ҳисобга олинган вақтда бюджетга тўланадиган умумий суммадан чегирилади;

– ноишлаб чиқариш тармоқлари учун олинган асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича ҳисобланган ҚҚС, енгил автомобиллар ва микроавтобуслар бўйича ҳисобланган ҚҚС субъектнинг ихтиёрида қолган фойда суммаси ҳисобидан қопланади;

– қишлоқ хўжалик корхоналари олган ушбу воситалар ва бошқа активлар учун тўланган ҚҚС суммасига тўланадиган бошқа солиқлар суммаси камайтирилади.

Жўнатилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисобланган ҚҚС сотишдан олинган даромадда кўрсатилади:

Дебет 4010 "Харидор ва буюртмачилардан олинган счётлар"

Кредит 9010-"Маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар"

Кредит 9030-"Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар" счётлари ва ушбу ҳисобланган ҚҚС бюджетга қарз сифатида акс эттирилади:

Дебет 9110-"Сотилган маҳсулотнинг таннархи"

Дебет 9130-"Сотилган ишлар ва хизматларнинг таннархи"

Кредит 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарз" счётлари.

Ушбу ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи бюджетга тўланганда:

Дебет 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарз" счёти ва

Кредит 5110-"Ҳисоблашиш счёти".

Чакана савдо, умумий овқатланиш субъектларида ва товарларни аукцион орқали сотишда ҚҚС товарларнинг сотиб олинган ва сотилган суммалар ўртасидаги фарқдан олинади ва 9120-"Сотилган товарларнинг таннархи" счётининг дебети ва 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарз" счётининг кредит томонларида қайд қилинади.

Мисол: Чакана савдо субъекти истеъмолчиларга товар сотди-800000 сўм, ушбу товарнинг сотиб олиш баҳоси 600000 сўм, олинган даромад 200000 сўм (800000-600000 сўм) ва ҳисобланган ҚҚС суммаси 40000 сўм (200000*20%). Дебет 9120 ва кредит 6410.

Агарда истеъмолчилардан сотиладиган товарлар учун бўнак олинса бу суммага:

Дт 5110-"Ҳисоблашиш счёти" ва

Кт 6310-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар" счётида ушбу бўнак суммаси қайд қилинади ва ҳисобланган қўшилган қиймат солиғининг суммасига:

6310-"Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар" счёти ва 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарз" счётида қайд қилинади.

Субъект жорий ойда мол етказиб берувчилардан хом-ашё ва материаллар олди

Сотиб олиш баҳоси 3000000 сўм

Қўшилган қиймат солиғи 600000 сўм

Шу ойда ушбу материаллар бўйича бўлган қарзнинг 2400000 сўми тўланди демак, 6410 счётда ҳисобга олинаётган ҚҚС суммасининг 48000 сўми тўланган материаллар қиймати бўйича ҚҚС қисмига ўтказилади ва материалларнинг таннархига қўшилади.

Жорий ойда АЖ истеъмолчиларга тайёр маҳсулот сотди:

- унинг таннархи 3200000 сўм
- контракт баҳоси 5000000 сўм
- ҚҚС 1000000 сўм

Дебет 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар"-5000000 с.

Кредит 9010-"Маҳсулотларни сотишдан олинган дармоадлар" счёти-5000000 с.

Дебет 9110-"Сотилган маҳсулотнинг таннархи"-4200000 с.

Кредит 2810-"Омбордаги тайёр маҳсулотлар" ва- 3200000 с.

Кредит 6410-"Бюджетга тўловлар (ҚҚС) бўйича қарзлар" счётлари-1000000 с.

Мисол: Жорий ойда АЖ молиявий ёрдам сифатида буюртмачилардан маблағ олди.

Жаъми 1500000 сўм ва қўшилган қиймат солиғи- 300000 сўм.

Дебет 5110-"Ҳисоблашиш счёти"

Кредит 6310-"Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар"- 1500000 сўм

Дебет 6310-"Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар"

Кредит 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича (ҚҚС) қарзлар" счёти-300000 с.

Давлат солиқ назоратига

ижрочининг исми ва шарифи
тел._____

Солиқ муассасасининг қайд қилиш белгиси
олинган "___"_____20xx й.

_____(сўм)_____

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш қайдномаси
_____ойи 20_____й.

№	Кўсаткичлар	Оборот	ҚҚС	
			%	суммаси
1.	Олинган қийматликлар бўйича ҚҚС-жаъми, шундан:			
	а) моддий қийматликларнинг қиймати тўланган бўйича ҚҚС шундан:			
	–ишлаб чиқариш учун олинган моддий қийматликлари бўйича ҚҚС –ҳисобга олинган номоддий активлар бўйича ҚҚС –фойдаланишга топширилган асосий воситалар бўйича ҚҚС –..... –.....			
2.	Импорт товарлари бўйича тўланган ҚҚС			
3.	ҚҚСга тортиладиган сотиладиган товарлар (шартнома тузилган)			
4.	Олинган бўнаклар бўйича ҳисобланган ҚҚС			
5.	Олдинги ойдаги олинган бўнаклардан ҳисобланган ҚҚС (-)			
6.	Жорий ойдаги ҳисобланган ҚҚС: а) бюджетга тўланадиган ҚҚС б) бюджетдан қопланадиган ҚҚС			

№	Кўсаткичлар	Оборот	ҚҚС	
			%	суммаси
7.	Келгуси давр тўловлари ҳисобидан бюджетга тўланган ҚҚС а) декада бўйича тўланган бўнаклар			
8.	Қўшимча тўлаш лозим (+)			
9.	Қайтарилиши лозим бўлган сумма (-)			
10.	ҚҚС тортилмайдиган товарларнинг қиймати.			

Субъектнинг раҳбари_____
Бош бухгалтер_____

Назоратчининг белгиси ва эътирозлари.
Олдиндан текшириш натижасида қуйидаги ўзгаришлар киритилди.

"____"_____20хх й. Назоратчи_____имзо

ҳисоб бўйича назоратчининг маълумотномаси.
Ушбу ҳисоблаш бўйича тўловчининг шахсий счётига сўм ҳисобланди.

"___"_____20хх й. Назоратчи:_____имзо

Акциз солиғи

Акциз солиғи бевосита солиқ сифатида бюджетга олинадиган субъектнинг соф даромадининг бир қисми ҳисобланиб, унинг миқдори Солиқ кодексига асосан белгиланади.

Акциз солиғини тўловчи субъектлар мулкчилик шаклидан қатъий назар акциз солиғига тортиладиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхона, фирма, бирлашма ва ташкилотлар ҳисобланади.

Жўнатилган ва ҳисоблашиш ҳужжатида кўрсатилган маҳсулотларнинг суммаси акциз солиғига тортилади. Айрим товарлар натура ўлчовида бўлса, бирлик товарга акциз солиғининг суммаси белгиланади, агарда сўм қийматида берилса % кўринишида акциз солиғининг суммаси кўрсатилади.

Ўзи ишлаб чиқариб экспортга жўнатган товарлардан акциз солиғи олинмайди. Агарда акциз солиғи тўланган товарлар истеъмолчилар томонидан қайтарилса акциз суммаси кейинги ойда ҳисобланади.

Акциз солиғини тўлаш муддати қуйидаги тартибда белгиланади:

– ароқ-шароб маҳсулоти ишлаб чиқарувчи ва сотувчи корхона ва фирмалар муомала содир бўлгандан кейин учинчи куни акциз солиғининг суммасини тўлаши;

– бошқа субъектлар ҳар ўн кунликда- ойнинг 13, 23 ва 3 кунлари акциз солиғини тўлаши лозим.

Акциз солиғини тўловчилар акциз солиғи бўйича ҳисоблашиш ҳисоботини кейинги ойнинг 15гача солиқ назоратига тақдим қилиши керак.

Акциз солиғини ҳисоблаш қайдномаси:
20____й. _____ойи учун

№	Товарларнинг номлари	Ўлчов бирлиги	Тортиладиган ҳажми		Акциз солиғи	
			натура кўрининиш да	қиймат кўрининш ида	даражаси %	суммаси (сўм)
1	2	3	4	5	6	7
	Жаъми:					

1. Жорий ойдаги бўнак тўловидан сўм ____
2. Қўшимча тўланадиган сўмма сўм ____
3. Ортиқча тўланган сумма ҳисобга олинади сўм ____
4. Бюджетга тўлов бўйича қарз суммасининг қолдиғи сўм ____
5. Тўланадиган сумма сўм ____
6. Ортиқча тўланган сумма сўм ____

Субъектнинг раҳбари имзо
Бош бухгалтер имзо

Акциз солиғининг суммаси товарларни жўнатиш бўйича тузилган қайднома маълумотларига асосланиб ҳисобланади. Ушбу қайдномада товарларнинг турлари, нави, миқдори, баҳоси, қиймати дастлабки ҳужжатларга асосланиб кўрсатилади.

Акциз солиғига тортиладиган товарларнинг сотилиш баҳоси ичида акциз суммаси бўлади: улгуржи баҳо+акциз суммаси. Бошқача айтганда акциз суммаси истеъмолчи томонидан тўланади (қопланади).

Мисол: Субъектнинг улгуржи баҳодаги тайёр маҳсулотлари- 1500000 сўм

– Сотиш баҳосига нисбатан акциз солиғининг даражаси 15%
– Сотиш баҳоси (контракда кўрсатилган сумма) 1775000 сўм

– Акциз солиғининг суммаси 225000 сўм.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула ёрдамида топилади:

ΣА=Уб х Aq/100

бунда

ΣА- акциз солиғининг суммаси;

Уб- улгуржи баҳо;

Aq- акциз солиғининг даражаси (%).

Акциз солиғининг даражаси кейинги вақтларда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тез-тез ўзгариб турибди.

Мисол: Спиртли ичимлик маҳсулотларига 1 литрига 3800 сўмдан 65%га

Гилам ва гилам маҳсулотларига	-60%дан 15%га
Алкоголь маҳсулотларига	-90%дан 60%га
Тамаки маҳсулотларига	-40%дан 50%га
Пахта ёғига	-70%га

ва ҳоказо.

Мулкни солиққа тортиш.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида жойлашган мустақил балансига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар мулк солиғини тўлайдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига асосан мулк солиғини тўловчилар қуйидагилар ҳисобланади:

– юридик шахс ҳисобланадиган ҳамма корхона, бирлашма ва ташкилотлар;

– банклар ва кредит ташкилотлари;

– компания, фирма ва бошқа ташкилотлар;

– мустақил балансда турган ва ҳисоблашиш счётига эга бўлган филиаллар ва бошқа бўлинмалар;

– бюджет ташкилотлари, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро органлари, маҳаллий ҳукуматлар;

– адвокатларнинг жамоалари;

– диний ташкилотлар ва миллий маданий марказлар;

– шаҳарнинг уй-жой, коммунал ва бошқа хўжаликлари;

– тижорат фаолияти кўрсатмаётган жамоа ташкилотлари;

– янги ташкил қилинган субъектлар 2-йилгача;

– ижарага берилган мулкдан баланс қийматига асосан мулк солиғи тўланади (жорий ижарада);

– давлат корхоналари асосида ташкил бўлган ижара субъектлари ўзининг ва ижарага олган мулкларига солиқ тўлайдилар (молиялаштирилган лизингда).

Субъект балансининг активида кўрсатилган мулклар солиққа тортилишидан аввал ундан қуйидаги суммалар чегирилади:

– асосий воситалар, номоддий активлар ва арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларнинг эскириши;

– капитал қўйилмалар ва бўнаклар;

– кредитлар ва бошқа қарзга олинган маблағлар;

– ҳисоблашишдаги ва бошқа пассивлар;

– кварталда фойданинг ишлатилиши.

Бундан ташқари солиққи тортиладиган суммадан қуйидагилар чегирилади:

– уй-жой, коммунал, маданий ва маиший объектларнинг қиймати;

– қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, селекциялаш, балиқларни ўстириш, овлаш ва ишлов бериш объектлари;

– табиатни қўриқлаш, санитар тозалаш ва ёнғин хавфсизлиги объектлари;

– йўллар, алоқа, энергия ўтказиш, уларнинг фаолиятига ёрдам берувчи объектлар ва ажратилган ерлар;

– алоқа йўлдошлари;

– Республика ҳукуматининг қарорига мувофиқ консервация қилинган объектлар;

– субъектларнинг автотранспортлари;

– қурилишидан солиқ тўланган қурилишлар.

Субъект мулкининг қийматидан 2% солиқ ҳисобланиб, ушбу солиқ суммаси харажатларга қўшилади ва биринчи навбатда маҳаллий бюджетга тўланади.

Бухгалтерия ҳисоботи маълумотига асосан ҳар кварталда йиллик мулк солиғи суммасининг 1/4 қисми бюджетга тўланиб борилади. Солиқ бўйича бўнак тўлаш ҳар ойнинг 20 кунигача амалга оширилади ва квартал суммасининг 1/3 қисми миқдорида бюджетга тўланиб борилади.

Субъект йилнинг бошида солиқ назоратига солиққа тортилмайдиган, қўшимча имтиёз берилган мулкларнинг рўйхати ва суммасини беради.

Субъект мулкининг йиллик ўртача қиймати қуйидаги тартибда ҳисобланади:

– кварталлик=квартал бошидаги мулк қийматининг ярми+квартал охиридаги мулк қийматининг ярми;

– ярим йиллик=1 январ ва 1 июлдаги мавжуд мулкнинг ярим суммаси+1 апрелдаги мавжуд мулкнинг тўлиқ суммалари йиғиндисининг ярми;

– 9 ойлик=1 январ ва 1 октябрдаги мавжуд мулк суммаларининг ярми+1 апрел ва 1 июлдаги мавжуд мулкнинг суммалари қўшилиб 1/3 қисми олинади:

– йиллик=ҳисобот йилининг 1 январига мавжуд мулк қийматининг 1/2 қисми+1 апрел, 1 июл ва 1 октябрдаги мавжуд мулкнинг тўлиқ қийматлари қўшилиб, умумий сумманинг 1/4 қисми олинади.

Мулкнинг ўртача қийматини ҳисоблаш учун балансдаги қуйидаги счётларнинг маълумотларидан фойдаланилади:

0100-"Асосий воситалар" ва 0300-"Молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар" (-эскириш суммаси, счёт 0200)

0400-"Номоддий активлар" (-амортизация суммаси, счёт 0500)

1000-"Материаллар"

1200-"Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар" (-эскириш суммаси, счёт 1310)

1510-"Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш" (агарда ҳисоб сиёсатида ушбу счёт кўрсатилса)

1610-"Материаллар қийматидаги фарқлар"

2010-"Асосий ишлаб чиқариш"

2110-"Ўзида ишлаб чиқарилган ярим фабрикатлар"

2300-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш"

2800-"Тайёр маҳсулотлар"

2900-"Товарлар" (сотиб олиш баҳосида, ҚҚС қўшилмаган ҳолда)

3000-"Нокапитал ишлар"

3100-"Келгуси давр сарфлари"

9410-"Давр харажатлари (муомала харажатлари)"

9450-"Хизмат кўрсатадиган хўжаликлар ва ишлаб чиқариш"

Мулк солиғи бўйича бюджет билан ҳисоблашиш 6410-"Бюджетга солиқлар бўйича қарзлар" счётининг "Мулк солиғи" номли аналитик счётида ҳисобга олиб борилади.

Ушбу счётнинг кредитида ҳисобланган солиқлар:

Дебет тегишли объектларнинг харажатлари счётлари ва

Кредит 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" счёти

Мулк солиғининг бюджетга тўланган суммасига:

Дебет 6410-"Тўловлар бўйича бюджетга қарзлар" ва Кредит 5110-"Ҳисоблашиш счёти"

Агарда ҳисобот даври давомида мулк солиғи бўйича бўнак суммаси тўланса:

Дебет 4510-"Солиқлар бўйича бўнак тўловлари" счёти

Кредит 5110-"Ҳисоблашиш счёти"

ва квартал ва йилнинг охирида ҳисоблашиш жараёнида ушбу тўланган бўнак суммаси умумий тўланадиган суммадан чегирилиб қолинади

Дебет 6410-"Тўловлар бўйича бюджетга бўлган қарзлар" счёти ва 4510-"Солиқлар бўйича бўнак тўловлари" қолган сумма умумий тартибда тўланади.

Мулк солиғини ҳисоблаш

"Малика" АЖ

Субъект ёки шахснинг номи

20____й. III-квартал.

№	Кўрсаткичлар	Тўловчининг маълумоти	Назоратчининг маълумоти
1.	Мулкнинг ўртача қиймати	950000000	950000000
2.	Солиқдан озод қилинган мулкнинг ўртача қиймати	250000000	250000000
3.	Солиқ тўланадиган мулкнинг ўртача қиймати	700000000	700000000
4.	Солиқнинг даражаси	2%	2%
5.	Тўлаш учун ҳисобланган солиқ суммаси	14000000	14000000
6.	Жорий йилда ҳисобланган солиқ суммаси	26500000	26500000
7.	Қўшимча тўлаш лозим	12500000	12500000
8.	Тўланган солиқ суммасини камайтиришга	-	-

Балансни тақдим қилиш муддати

квартал _____

йиллик _____

Субъектнинг раҳбари

_____

имзо

Солиқ назоратининг раҳбари

_____

имзо

Бош бухгалтер

_____

имзо

Назоратчи

_____

имзо

Солиқ назоратчисининг хулосаси

Текшириш натижасида ҳеч қандай ўзгартириш киритилмади.
"8" октябр 20... йил.
Ҳисобга олувчи иқтисодчи _____
имзо

Транспорт воситалари, ўзи юрар машина ва механизмалардан олинадиган солиқ

Транспорт воситалари, ўзи юрар машина ва механизмлардан олинадиган солиқ (келгусида транспорт солиғи), Ўзбекистон Республикасининг "Солиқ кодекси"га асосан амалга оширилади. Ушбу солиқ транспорт эгаларидан транспорт воситаларини қайд қилишидан олдин, қайтадан қайд қилаётганда ва ҳар йили техника кўригидан ўтказаётганда олинади.

Ушбу солиқни тўловчи юридик ва жисмоний шахслар: корхона, бирлашма, ташкилотлар, фуқаролар ва бошқа транспорт эгаларидир.

Транспорт солиғидан қуйидаги субъектлар озод қилинади:

– давлат бюджетидаги ташкилот ва муассасалар;

– гусеницали машина ва механизм, пахта, дон йиғувчи ва бошқа махсус комбайнларнинг эгалари;

– умумий фойдаланиш автотранспорти, йўловчиларни ташувчи транспорт (таксидан ташқари);

– ногиронларларнинг мулки бўлган транспортлар;

– уруш ва партизанлик ҳаракати қатнашчиларининг мулки бўлган транспортлар;

– йўл хўжалиги ташкилотларининг эгаларидаги транспортлар;

– ҳарбий кучлар учун кадрлар тайёрловчи субъектларининг транспорти.

Солиқ миқдори автотранспортнинг маркаси ва қувватига қараб белгилинади.

Ҳисобланган солиқни қайд қилиш ва бюджетга тўлашни акс эттириш счётларда қуйидагича қайд қилинади:

– солиқ ҳисобланганда:

Дебет 9429-"Бошқа маъмурий сарфлар" счёти
Кредит 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарз" счёти

– Ушбу ҳисобланган солиқ тўланганда:

Дебет 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарз" счёти
Кредит 5110-"ҳисоблашиш счёти".

Транспорт эгаларидан олинадиган солиқ суммасини ҳисоблаш қайдномаси

Корхона номи							
№	Транспорт воситасининг тури ва маркаси	Транспорт воситасининг қуввати (о.к ёки квт)	Транспорт воситасининг миқдори	Қувватининг жаъми	1 о.к. ёки квт дан олинадиган солиқ	Солиқ суммаси	
						қўловчининг маълумотида	солиқ назоратчисининг маълумотида
1	2	3	4	5	6	7	8

Субъектнинг раҳбари_____Солиқ назоратининг бошлиғи_____
имзо имзо

Бош бухгалтер_____ Солиқ назоратчиси_____
имзо имзо

Транспорт турлари бўйича бирлик қувватдан (от кучи ёки квт.) олинадиган солиқ суммасини ҳисоблаш нисбатан осон бўлганлиги учун ушбу маълумотни келтириш мақсадга мувофиқ эмас деб топдик (муаллиф).

Ер солиғи

Ер солиғи Ўзбекистон Республикасининг "Солиқ кодекси"га асосан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш жараёнида қуйидаги юридик ва жисмоний шахслар ёр солиғини тўлайдилар:

– корхона, бирлашма ва ташкилотлар;

– ушбу корхона, бирлашма ва ташкилотларнинг филиаллари ва бўлимлари;

– чет эл фуқаролари, уларнинг корхоналари ва қўшма корхоналар;

– Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлат фуқаролари, фуқаро бўлмаган жисмоний шахслар.

Қуйидаги ерларнинг турлари солиқдан озод қилинади:

– умумий фойдаланиш учун ажратилган ерлар;

– табиатни қўриқлаш учун ажратилган ерлар;

– соғломлаштириш йўналишидаги ерлар;

– халқнинг дам олишини ташкил қилувчи ташкилотларга ажратилган (рекриацион) ерлар;

– тарихий-маданий йўналишдаги ерлар;

– сув фонди ери- сув фонди ва уни ҳимоя қилиш учун ажратилган ерлар;

– ер захиралари;

– газ, нефть ўтказиш, электр, иссиқлик ўтказиш, алоқа йўллари, подстанциялар учун ажратилган ерлар;

– спорт ўйинларининг майдонлари, соғломлаштириш ва даволаш муассасалари учун ажратилган ерлар;

– автомобил, темир йўли, ҳаво йўли, метрополитен, шаҳар электр транспорти учун ажратилган ерлар;

– гидрометеорология, гидрогеология ва молларни ҳайдаб ўтиш учун ажратилган ерлар;

– ҳукумат қарорига асосан қурилаётган ёки консервация қилинган иморат ва иншоотлар учун ажратилган ерлар;

– коммунал хўжалик ерлари.

Қуйидаги юридик ва жисмоний шахслар ер солиғини тўлашдан озод қилинадилар:

а) "Ватанпарвар" мудофаа жамияти, "Орол" жамғармаси ва бошқа экологик жамиятлар;

б) қўшма корхоналарнинг устав капиталида 30%дан ортиқ маблағи бўлган хориж инвесторлари 2 йил мобайнида;

в) сув хўжалиги корхона ва ташкилотлари;

г) қаҳрамонлар, уруш ногиронлари, I-II гуруҳ меҳнат ногиронлари;

д) якка тартибдаги уй қуриш учун ажратилган ердан 3 йил мобайнида;

е) четдаги чорва фермасининг чўпонлари, подачилари, отбоқарлари ва бошқа ходимлари;

ж) кўчиб келган фуқаролар- 5 йилгача ва ҳоказолар.

Юридик шахслар "Ерлардан фойдаланувчиларни ҳисобга олиш" китобида жисмоний шахслар эса "Фуқаролар тўлаётган солиқларни ҳисобга олиш китоби"да ҳисобга олиб борилади. Юридик шахсларнинг ер майдонлари 0,01га, шаҳарда истиқомат қилаётган жисмоний шахсларники м-2 ва қишлоқда истиқомат қилаётган шахсларники 0,01га миқдоригача аниқликда ҳисобга олинади.

Белгиланган меъёрдан ортиқча олинган ерларга 2 баробар миқдорда солиқ суммаси солинади.

Ер солиғининг суммалари тегишли счётларда ҳисобга олиб борилади ва харажат счётларига қўшилади. Ушбу солиқни ҳисоблаганда:

Дебет- Тегишли харажат объектларининг счётлари ва
Кредит 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" счёти
Ушбу қарз тўланганда:
Дебет 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" счёти ва
Кредит 5110-"Ҳисоблашиш счёти".

XII БОБ. СУБЪЕКТНИНГ ХУСУСИЙ КАПИТАЛИ, ФОЙДАСИ ВА ЗАХИРАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг молиявий ресурс (маблағ)ларини ташкил қилиши ва ундан фойдаланиши мумкин. Бу маблағларнинг манбаи эса фойда, амортизация ажратмаси, қимматбаҳо қоғозларни сотишдан тушган маблағлар, акция эгаларининг бадали ва таъсисчиларнинг улушлари, кредитлар, қарзлар, ажратилган грантлар, мақсадли молиялаштириш маблағлари ва шунга ўхшаш йўналишдаги маблағлардир.

Бу бўлимда асосан субъектнинг устав капитали, махсус йўналишдаги жамғармалар, захиралар, фойда ва бошқа маблағлари ўрганилади.

Субъектнинг хусусий капитали қонунга мувофиқ ёки таъсис ҳужжатлари асосида яратилган жамғармалар ва захиралар қўшилган ҳолда, уларнинг ҳаракати ва ҳолати ўрганилади ва назорат қилинади.

Хусусий капитал хўжалик юритувчи субъектнинг активи ва мажбуриятлари ўртасидаги фарқни ўзида мужассамлаштиради. Ўз навбатида хусусий капитал 2 гуруҳга (категорияга) бўлинади – қўйилган (инвестиция) капитал ва тақсимланмаган фойда.

Хусусий капитал, ишлаб чиқариш ва мулк эгасига тўлаш, қўшимча инвестиция ва бошқа фаолиятларнинг натижаларига боғлиқ ҳолда кўпайиши ёки камайиши мумкин.

Ушбу мулк, жамғармалар, фойда ва захираларнинг ҳисоби қуйидаги:

8510-«Устав капитали (фонди)»ни ҳисобга олувчи счётлар;

8520-«Қўшилган капитал»ни ҳисобга олувчи счётлар;

8530-«Захира капитали»ни ҳисобга олувчи счётлар;

8600-«Сотиб олинган ўз акциялари»ни ҳисобга олувчи счётлар;

8700-«Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)»ларни ҳисобга олувчи счётлар;

8800-«Грантлар ва субсидиялар (капитал)»ни ҳисобга олувчи счётлар;

8900-«Келгуси харажатлар ва тўловларнинг захираси»ни ҳисобга олувчи счётларда юритилади.

Субъектнинг устав капитали унинг маблағларининг ташкил бўлишида асосий манба ҳисобланади. Бу капиталнн ташкил қилиш қонун ва таъсис ҳужжатларига асосан тартибга солинади.

Давлат корхоналарининг устав капитали давлатнинг бюджети томонидан корхонанинг фойдаланилишига топширилган вақтда ажратилган маблағларнинг йиғиндисидир.

Нодавлат, коммерция субъектларининг капитали эса акциядорлар томонидан қўйилган маблағларнинг йиғиндисига тенг бўлади.

Акциядорлар жамияти (АЖ) юридик шахс бўлиб унинг капитали акция эгаларининг қўйган улушидан ташкил топган. АЖ фаолияти устави билан тартибга солинади ва акциядорлар фақат устав капиталига қўядиган улуши бўйича мажбурият оладилар.

АЖ-очиқ ва ёпиқ турда бўлади.

Очиқ АЖ акциялари очиқ усулда сотилади, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтади, яъни қимматбаҳо коғозлар биржасида сотилиши мумкин.

Ёпиқ АЖ акциялар бозорга чиқарилмайди, бундан ташқари ўз улушларини бошқа акциядорларнинг розилигисиз сотиши мумкин эмас.

АЖ устав капиталининг ҳажми унинг уставида кўрсатилган бўлади. Устав капиталининг кўпайиши ёки камайиши акциянинг номинал қийматининг бозордаги талаб ва таклифнинг таъсирида ошиши ёки камайишига боғлиқ.

АЖ томонидан чиқарилган акциялар нақд пулга, пул ўтказиш йўли билан, мулкка, яъни узоқ ва қисқа муддатли активлар ҳисобига ҳам сотилиши мумкин.

Устав капитали (фонди)нинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш қуйидаги:

8511-«Оддий акциялар»;

8512-«Имтиёзли акциялар»;

8513-«Улушлар ва омонатлар» счётларида амалга оширилади.

Устав капитали- таъсис ҳужжатида белгиланган, субъектнинг мулкини ташкил этишда, унинг фаолиятини бир маромда юргазишда таъсисчиларнинг (қатнашувчиларнинг) пул ифодасида қўйган маблағлари (улушлари, акциялари-номинал қиймати)нинг йиғиндисидир.

Бу счётларда рўйхатдан ўтказилган акциялар қийматининг чегарасидаги ёки пули тўланган акцияларнинг номинал қийматидаги устав капитали акс эттирилади. Устав капиталининг ҳажми уставдаги рўйхатдан ўтказилган суммадан ошиб кетиши мумкин эмас. Субъектнинг устав капиталининг кўпайиши ёки камайиши фақат таъсисчиларнинг қарори билан ва субъектнинг низоми ва бошқа таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилгандан кейингина амалга оширилиши мумкин.

Таъсисчилар қўйилмаларининг ҳақиқий келиб тушиши 4710-«Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» счётининг кредитига ўтказилади, ҳар хил активларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебети билан боғланган ҳолда моддий қийматликлар ва номоддий активлар, устав капиталига киритилган қўйилмаларнинг қиймати аниқ, ҳақиқатда мавжуд бўлган бозор баҳосида ёки таъсисчиларнинг розилиги бўйича баҳоланади.

Таъсисчилар улушининг қайтарилиши устав капиталининг миқдорини камайтирмайди. ҳисобда бу муомала худди акциядорлар жамиятининг сотиб олинган хусусий акцияларидек қуйидаги 8610-«Сотиб олинган ўзининг оддий акциялари» счёти ва 8620-«Сотиб олинган ўзининг имтиёзли акциялари» счётларига ўтказилади.

8511-«Оддий акциялар" счёти овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган оддий акцияларнинг қиймати қўшилган ҳолдаги акциядорлар капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ва имтиёзли акциялар учун тўланадиган дивидендлар қайд этилгандан кейин қолган соф даромадни тақсимлашда қатнашувчилар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Акциядорлик жамияти давлат рўйхатидан ўтгандан кейин унинг низом капитали акциядорларга тақдим этилган ўз акциясининг улушини тўлашдаги маблағларининг ҳисобига шаклланади ва рўйхатга олинган эмиссия йўналишидаги сумма 8511-«Оддий акциялар» счётининг кредити бўйича 4710-«Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» счётининг дебети бўйича акс эттирилади. Акциялар учун тўловлар бўйича ҳақиқий келиб тушган маблағларга 4710-«Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича таъсисичиларнинг қарзлари» счёти кредитланиб, пул маблағларини, ТМЗ ва бошқа активларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебет томони билан корреспонденцияланади.

Муомалада қатнашаётган чиқарилган (акциядорлар томонидан аъзо бўлиш амалга оширилган) ёки эълон қилинган (чиқаришга рухсат берилган) оддий акцияларнинг ҳар қайси чиқарилиши бўйича алоҳида аналитик ҳисоб юритилади ва хали чиқарилиши тугатилмаган, аммо рўйхатдан ўтказилган миқдорда шундай акциядорлик капитали сифатида акс эттирилади. Акциядорлар жамияти капиталининг ҳуқуқийлик даражаси унинг номинал қийматини аниқлаб, акцияларни чиқаришга рухсат берилганлигини рўйхатдан ўтказишда белгиланади. Қимматбаҳо коғозларни чиқаришни рўйхатдан ўтказиш тартиби, одий ва имтиёзли акцияларни чиқариш шарти ва уларнинг банк томонидан сотиб олиниши 26.04.1996 йил, 223-1-сонли «Акциядорлар жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ва 10.07.1998 йил, 423- сонли «Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида қимматбаҳо коғозларни рўйхатдан ўтказиш ва чиқариш тартиби тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинади. Чиқарилган акциялар 8511- «Оддий акциялар» счётида номинал қиймати бўйича ҳисобга олинади, уларни сотишдан олинган суммалар 8521- «Эмиссия даромади» счётида акс эттирилади.

Акциядорлар жамиятлари ўзининг устав капиталини янги акцияларни чиқариш ёки уларнинг номинал қийматларини ошириш йўли билан кўпайтириши мумкин. Акциядорлар жамиятларининг устав капитали миқдорининг камайиши акцияларнинг номинал қийматининг пасайиши ҳисобига ёки капиталга обуна тўғрисидаги хабарда обуна суммасининг миқдорини қопламаган тақдирда субъектлар томонидан хусусий акцияларнинг бир қисмини акция эгаларидан сотиб олиши ҳисобига рўй бериши мумкин.

Акцияларни тугатиш мақсадида уларни майдалаб юбориш яъни, уларнинг номинал қийматини мутаносиб равишда камайтириб умумий миқдорини кўпайтириш лозим бўлади.

Ушбу акцияларни майдалаш натижалари акциядорлар капиталининг ҳажмига таъсир қилмайди, фақатгина янги чиқарилган акцияларнинг номинал қийматини ва муомаладаги акцияларнинг миқдорини кўпайтиради. Ушбу муомалалар бўйича бухгалтерия ёзувлари амалга оширилмайди, лекин ушбу муомалаларни 8511-«Оддий акциялар» счётига очилган аналитик ҳисоб регистрларида қайд қилиш зарур.

8511-«Оддий акциялар»нинг ҳисоби бўйича аналитик ҳисоб хўжалик ахборотларининг шаклланишини таминлаши шарт.

8512-"Имтиёзли акциялар» счёти имтиёзли акция кўринишида чиқарилади, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган, лекин акция эгасига дивиденд кафолатини берадиган, яъни олинган фойдани тақсимлаш жараёнида оддий акция эгаларига нисбатан имтиёзи белгиланган (дивиденд олиш кафолати) акциядорлар капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун қўлланилади.

Акцияларнинг ҳисоби 8512-«Имтиёзли акциялар» счётида ушбу акцияларнинг номинал қиймати бўйича амлага оширилади.

Ушбу акцияларнинг номинал қийматидан юқори баҳода сотишдан олинган ҳар бир сумма 8521-«Эмиссия даромади» счётида қайд қилинади.

Имтиёзли акциялар бўйича аналитик ҳисоб хўжалик юритувчи субъектлар бўйича ва капиталнинг шаклланиш босқичи бўйича ахборотларнинг шаклланишини таъминлаши шарт.

8513-«Улушлар ва омонатлар» счёти хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий ҳуқуқий шаклларига асосан давлат ёки хусусий, қўшма корхоналарда қатнашувчиларнинг бадаллари ҳисобига ташкил қилинган капиталларнинг ҳолати ва ҳаракатини ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

Давлат корхоналари давлат томонидан ажратилган асосий ва айланма маблағлардан ташкил қилинган ва ўрнатилган тартибда устав жамғармаларини ташкил қиладилар.

Улуш капитали мазкур хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятини юритиш учун таъсисчилар омонатларининг йиғиндисидан ташкил топади.

Улуш жамғармаси- мазкур хўжалик юритувчи субъектнинг биргаликдаги ишбилармонлик фаолиятини юритиш учун ишлаб чиқариш кооперативи аъзоларининг улуш бадаллари йиғиндисидан ташкил топади.

Уставда қайд қилинган ва таъсис ҳужжатларда кўрсатилган таъсисчиларнинг улуши ва омонатларидан ташкил топган субъектнинг устав капиталини рўйхатдан ўтказилгандан кейин таъсисчиларнинг улуши ва омонатларининг суммаси 8513-«Улуш ва омонатлар» счётининг кредити ва 4710-«Устав капитали (фонди)га бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» счётининг дебетида қайд қилинади.

Таъсисчилар омонатининг субъектга келиб тушиши 4710-«Устав капитали» (фонди)га бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» счётининг кредитида ва пул маблағларини, моддий

ва номоддий қийматликларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебет томонида кўрсатилади.

Устав капитали (фонди)нинг аналитик ҳисоби хўжалик юритувчи субъектнинг ҳар бир таъсисичиси бўйича айрим олган ҳолда юритилиши лозим.

8510-Устав капитали (фонди)ни ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси.

8511-"Оддий акциялар", 8512-"Имтиёзли акциялар" ва 8513-"Улушлар ва омонатлар" счётлари

Счётларнинг кредитига **Дебет**		**Счётларнинг дебетига** **Кредит**	
			C-N
0110- 0190-	Асосий воситаларнинг текинга берилиши	Устав капиталининг субъект рўйхатидан ўтгандан кейин тасдиқланиши: улушлар, омонатлар ва акцияларга обуна суммалари	-4710
4710-	Устав капиталининг тўланган суммасига камайиши	Устав капиталини кўпайтиришга фойданинг бир қисимни ўтказиш	-8710
6620-	Акцияларнинг номинал қийматига камайиши, таъсисчилар улушининг қайтарилиши	Субъектнинг фойдаси ҳисобига жамоа аъзоларига акцияларнинг текинга берилиши	-4710, 8710
8600, 9590-	Сотиб олинган ва бекор қилинган акцияларнинг қиймати	Мақсадли молиялаштириш (грант ва субсиядилар) маблағларининг жалб қилиниши	-8810
		Аукционда сотиб олинган мулкнинг бозор баҳоси ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ (+)	-0440

Қўшилган капитал оддий ва имтиёзли акцияларни сотишдан олинган суммаларининг номинал қийматидан ошиқча суммаларининг, бундан ташқари қайтариб бермаслик шарти билан олинган мулклар қийматининг йиғиндисидан ташкил топади.

Қўшилган капитал, акцияларнинг номинал қийматидан ошиқча баҳоси бўйича биринчи сотувдан олинган эмиссия даромадини акс эттиради.

Бундан ташқари қўшилган капиталнинг таркибида устав капиталига қўйилган омонатларни тўлашда ҳосил бўладиган курсдаги фарқларнинг суммаси ҳам ҳисобга олинади.

Қўшилган капиталнинг мавжудлиги ва ҳаракати қуйидаги:
8521-«Эмиссия даромадлари»
8522-«Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар»
8523-«Текинга олинган мулклар» счётларида ҳисобга олинади.

8521-«Эмиссия даромади» счёти акцияларнинг номинал қийматидан юқори олинган маблағлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Келиб тушган суммалар 8521-«Эмиссия даромадлари» счётининг кредити бўйича ҳисобга олинади, хусусий акцияларни сотиб олишда ва сотиб олинган хусусий акцияларни бекор қилишда курсдаги фарқларни қоплаш учун фойдаланилганда ушбу муомалалар бу счётнинг дебети бўйича ҳисобга олинади.

Қўшимча тўланган капиталнинг аналитик ҳисоби оддий ва имтиёзли акциялар бўйича алоҳида юритилади.

8522-"Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» счёти устав капиталини шакллантириш жараёнида ҳосил бўладиган курсдаги фарқаларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

Валютада ва валюта қийматликлари ҳисобига устав капиталини шакллантириш вақтида устав капиталига бадал тўлаш вақтида амал қилинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича баҳоланади. Валюта ва валюта қийматликларини баҳолаш ва бошқа мулкларни рўйхатдан ўтказиш вақтида таъсис ҳужжатларидаги баҳолардан фарқ қилиши мумкин. Ҳосил бўлган бу курсдаги фарқлар 8522 -«Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» счётида ҳисобга олинади. Баҳолардаги ижобий фарқлар, мулклар, валюталар ва валюта қийматликлари счётларининг дебети бўйича ва 8522-«Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар счётининг кредити бўйича, салбий фарқлар эса тескари тартибда (дебет 8522 ва кредит, мулк, валюта ва валюта қийматликлари счёти) бухгалтерия ўтказмалари бўйича акс эттирилади. Баҳолардаги ва курсдаги баҳолашнинг бу тартибда ҳисобдан чиқарилиши таъсис ҳужжатларида олдиндан келишилган устав капиталидаги таъсисчилар улушининг ўзгармаслигига имкон беради.

Устав капиталини шакллантиришда ҳосил бўлган курсдаги фарқларнинг аналитик ҳисоби, очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг акция эгалари билан ҳисоблашишдан ташқари, ҳар бир таъсисчи бўйича юритилади.

8523-«Текинга олинган мулклар» счёти текинга олинган мулкни ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

Текинга олинган мулклар 8523-«Текинга олинган мулклар» счётининг кредити бўйича узоқ муддатли моддий ва номоддий активлар ва материалларнинг ҳисоби счётлари билан корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади. Текинга олинган мулкларнинг қиймати даромад (фойда)га қўшилиб солиқ тўлашга тортилади.

Солиққа тортишнинг тартиби Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексига асосан белгиланади.

8520-Қўшилган капитални ҳисобга олувчи счётлар.

8521-«Эмиссия даромади»

8522-«Устав капиталини шакллантиришдаги сўм курсининг фарқи» ва

8523-«Текинга олинган мулклар»

Счётларнинг кредитига		**Счётларнинг дебетидан**	
Дебет			**Кредит**
4710, 4790-	Устав капиталини шакллантириш жараёнида, капиталнинг қийматини тўлаш вақтидаги сўмнинг салбий фарқи	Утав капиталини шакллантириш жараёнида капиталнинг қийматини тўлаш вақтидаги сўм курсининг салбий фарқи	-4710, 4890
8610, 8620-	Ўзининг акцияларини арзон баҳода сотганда қўшилган капитал маблағидан фойдаланиш ва ўзининг акцияларини тугатганда (аннулирование) номинал ва *сотиб олиш* баҳосининг фарқини қоплаш	Асосий воситаларнинг текинга олиниши ва ижарачи томонидан қайтарилган асосий воситалар қийматининг оширилиши	-0110-0190
		Қимматбаҳо қоғозларнинг текинга олиниши	-0610, 5810
		Йиғишни ва ўрнатишни талаб қиладиган ускуналарнинг текинга олиниши	-0710, 0720
		Қўшимча акцияларни чиқариш натижасида номинал ва сотиш қиймати ўртасидаги фарқ	-5010, 5020

Субъектнинг таъсис ҳужжатларига асосан, фойда ҳисобидан ҳосил қилинган захиралари, активларни қайта баҳолашдан

юзага келадиган инфляция захираларини яратиш заруриятини келтириб чиқаради.

Мавжуд бўлган ҳаракатдаги захира капиталининг ҳисоби қуйидаги счётларда олиб борилади:

8531-«Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

8532-«Захира капитали (мулки)»

Захира капиталининг ҳисоби счётлари бўйича аналитик ҳисоб шундай шаклда ташкиллаштириладики, токи у маблағларнинг ишлатилиши ва йўналиши бўйича маълумотларни йиғишга хизмат қилсин.

8531-«Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида активларни қайта баҳолаш натижасида аниқланган(усган) қиймати ҳисобга олинади. Захира капиталининг тузатилиши ва тўлдирилиши активларни қайта баҳолаш натижасида ҳосил бўлса 8531-«Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг кредити бўйича активларнинг қийматини қайта баҳолаш натижасида ўсган суммасига тегишли активларни ҳисобга олувчи счётлар корреспонденцияланади.

Агар қайта баҳолаш натижасида активларнинг қиймати пасайса, унда ҳозирча пасайган қийматнинг ўрни ўша активнинг аввалги ўсган қиймати ҳисобига тўлдирилади, ушбу муомала 8531-«Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг дебетида акс эттирилади. Арзонлаштирилган сумма, шу активнинг аввалги қайта баҳолашдаги қиймати ўсишининг оширилгани ҳаражат сифатида тан олинади ва 9439-«Бошқа муомалавий ҳаражатлар» счётида акс эттирилади.

8531-«Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти бўйича қолдиқ баланснинг «Захира капитали» моддасида акс эттирилади.

Ушбу счётнинг дебети бўйича ёзувлар қуйидаги ҳолларда юз бериши мумкин:

- 8531-«Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида ҳисобга олинган, қайта баҳолаш натижасида аниқланган мулкнинг пасайган қийматининг суммасига маблағлар камайтирилганда, пасайган қиймати аниқланган мулкларни ҳисобга олувчи счётлар билан корреспонденцияланади.
- 8531-«Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида ҳисобга олинган, қайта баҳолаш натижасида аниқланган инвестициянинг пасайган қийматининг суммасига маблағлар камайтирилганда, пасайган қиймати аниқланган инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар билан корреспонденцияланади.

- Субъектни тугатиш натижасида таъсисчиларнинг орасида суммалар тақсимланганда 6620-«Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича қарзлар» счёти билан корреспонденцияланади ва ҳоказо.

8532-«Захира капитали» счёти амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган тартибга асосан ташкил қилинган акциядорлар жамияти, қўшма корхоналар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ бундан ташқари акциядорлар жамиятининг мулкини кўпайтирадиган бошқа тушумлар ҳисобига мавжуд бўлган ва ҳаракатдаги захира капитали тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Захира капиталининг маблағлари қандайдир оддий бўлмаган муомалалардан кутилаётган сарф-ҳаражатларни, қарзларни ва бошқа мақсадлар учун қилинган сарфларнинг ҳисобдан чиқарилиш ва қайтарилиш эҳтимоли бўлмаган бошқа мақсадлардан келган умумий баланс зарарларини қоплаш захираларини яратиш учун фойдаланилиши мумкин.

Захира капиталининг шаклланиши 8532-«Захира капитали» счётининг кредити бўйича акс эттирилиб, 8710-«Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси» счёти билан корреспонденцияланади.

Захира капитали маблағларининг фойдаланилиши 8532-«Захира капитали» счётининг дебети бўйича ҳисобга олиниб, бу маблағларни истеъмол қилувчиларнинг (фойдаланувчилар) счётлари билан корреспонденцияланади. Масалан, 6610-«Тўланадиган дивидендлар» счёти билан, қатнашувчиларга дивиденд йўналишида тўланадига суммага, ҳисобот йили фойдаси бўлмаганда ёки бу мақсадлар учун фойда суммасининг етарли бўлмаганида.

8530-Захира капиталини ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси.

8531-«Активларнинг баҳосини муқобиллаштириш» ва 8532-«Захира капитали (мулки) счётлари.

Счётларнинг кредитига Дебет		**Счётларнинг дебетидан Кредит**	
0110-0199	Асосий воситалар баҳосининг арзонлаштирилиши	Асосий воситалар баҳосининг оширилиши	-0110-0199
0610-0690, 5810-9560-	Инвестицияларнинг баланс қийматининг арзонлаштирилиши	Инвестицияларнинг баланс қийматининг оширилиши	0610-0690, 5810
	Қимматбаҳо қоғозларнинг сотилиши	Молиялаштириладиган лизинг тартибида ижарага олинган асосий воситалар баҳосининг оширилиши	-0310

Счётларнинг кредитига Дебет		Счётларнинг дебетидан Кредит	
0211-0290-	Асосий воситалар баҳосининг оширилиши натижасида эскириш суммасини индексациялаш	Йиғишни талаб қиладиган ускуналар баҳосининг оширилиши	-0710, 0720
	Мажбуриятлар счётлари-субъектни тугатиш натижасида захира капиталининг камайиши	Тугалланмаган молиявий қўйилмалар баҳосининг оширилиши	-0810, 0820
6610, 6620-	Субъектни тугатиш натижасида дивидендлар ҳисоблаш	Асосий воситалар баҳосининг арзонлаштирилиши натижасида эскириш суммасини индексациялаш	-0211-0290
6610-	Зарар кўрилиши натижасида ёки фойданинг етмаслиги сабабли акциядорларга дивиденд ҳисоблаш	Тақсимланмаган фойданинг бир қисмини йўналтириш	-8710
		Жорий ижарага олинган асосий воситаларнинг қайтариб берилиши натижасида қийматининг оширилиши	-0110-0199

Бозор иқтисодиёти шароитида айрим ҳолларда акцияларнинг номинал ёки бозор баҳосини ушлаб туриш ёки иқтисодий обрўга путур етказмаслик учун субъектлар илгари сотилган оддий ва имтиёзли акцияларни эмитент (акциядорлик жамияти) томонидан кейинчалик қайта сотиш ёки ҳисобдан чиқариш (бекор қилиш) мақсадида сотиб олиши мумкин. Ушбу сотиб олинган ўз акцияларининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш қуйидаги:

8610-"Сотиб олинган ўзининг оддий акциялари"

8620-"Сотиб олинган ўзининг имтиёзли акциялари" счётларида юритилади.

Бошқа хўжалик юритувчи субъектлар (маъсулияти чекланган жамиятлар, уюшмалар ва шунга ўхшаганлар) 8610-"Сотиб олинган ўзининг оддий акциялари" ва 8620-"Сотиб олинган ўзининг имтиёзли акциялари" счётларидан хўжалик юритувчи субъект томонидан қабул қилинган тартибга мувофиқ бошқа қатнашувчиларга ёки учинчи шахсга бериш учун устав капиталига қўйган улушини ҳисобга олиш учун қўлланадилар.

Ўзининг акцияларини сотиб олишни ҳисобга олувчи счётлар 8510- "Устав капитали"ни ҳисобга олувчи счётларга нисбатан контр-пассив счёт ҳисобланиб акциядорлар жамиятининг акциядорлик капиталининг камайишини кўрсатади ва балансда

кўрсатиладиган устав капитали суммасидан чегириладиган сумма ҳисобланади.

Сотиб олинган ўзининг акциялари уларнинг қайта сотилиши вақтигача ҳеч қандай ҳуқуқга эга эмаслар; - овоз бериш, мулк, дивидендлар олиш ва субъектни тугатиш вақтида акциядорлар жамияти активнинг улуши ҳуқуқига эга эмаслар.

Агарда акциялар номинал қийматда ёки ундан юқори баҳода сотилиб кейинчалик эмитент (жамият) томонидан қайта сотиб олинган бўлса бошланғич эмиссия жараёнига зид равишда номинал қийматидан паст баҳода сотилиши мумкин.

Эмитент (жамият) томонидан сотиб олинган ўзининг акцияларининг қиймати 8610-"Сотиб олинган ўзининг оддий акциялари" ва 8620-"Сотиб олинган ўзининг имтиёзли акциялари" счётларининг дебети томонида номинал қийматда ёки сотишнинг бошланғич баҳосида эмас, балки ҳақиқий сотиб олиш баҳосида қайд қилинади.

Эмитентлар сотиб олинган ўзининг акцияларини сотиб олиш баҳосидан юқори баҳода қайтадан сотсалар ушбу муомалалар натижасидаги сотиб олиш ва қайта сотиш баҳоларининг ўртасидаги фарқ суммани 9590- "Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар" счётининг кредити томонидан акс эттирадилар. Агарда ушбу акциялар сотиб олиш баҳосидан кам баҳога сотилса ушбу муомаладаги баҳолар ўртасидаги фарқ зарар сифатида 9690-"Молиявий фаолият юзасидан кўрилган сарфлар"счётининг дебети томонида кўрсатилади.

Агарда эмитентлар ўзининг акцияларини бекор қилиш мақсадида уларни номинал қийматидан юқори баҳода сотиб олсалар, қиймати ва сотиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқ суммаси 9690-"Моляивий фаолият юзасидан кўрилган сарфлар" счётининг дебети томонида кўрсатадилар.

Ўзининг акцияларини ҳисобдан чиқариш (бекор қилиш) учун уларни номинал қийматдан паст баҳода сотиб олсалар, номинал қиймати ва сотиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқ суммаси 9590-"Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар" счётининг кредит томонида қайд қилинади.

8610-"Ўзининг акцияларини сотиб олиш" счётлари бўйича аналитик ҳисоб акциянинг ҳар бир тури ва акция эгалари бўйича айрим олган ҳолда юритилади.

8600-Ўзининг акцияларини ҳисобга олувчи счётларнинг тизмаси

8610-"Сотиб олинган ўзининг оддий акциялари" ва 8620-"Сотиб олинган ўзининг имтиёзли акциялари".

Счётларнинг кредитига Дебет		Счётларнинг дебетидан Кредит	
С-N			
5010, 5110, 5210, 5220, 6620-	Акциядорлардан акцияларнинг сотиб олиниши	Илгари сотиб олинган акцияларнинг қайтадан сотилиши	-5010, 5020
9590-	Сотиб олиш ва сотиш қийматлари ўртасидаги фарқнинг ижобий (+) суммасига	Баҳоларнинг ижобий фарқи (+) суммасига	-(4710 −9590)
		Илгари сотиб олинган улушларнинг қайтадан сотилиши	-5010, 5020
		Баҳоларнинг ижобий фарқи (-) суммасига	-(4710 −9590)
		Салбий фарқ (-) суммасига	-9690
		Сотиб олинган ўз акцияларини ҳисобдан чиқариш баҳолари ўртасидаги фарқ (+) 8512, 8511-9590)	-8511, 8512
		Баҳолар ўртасидаги салбий фарқ (-) суммасига	-9690
		Сотиб олинган ўз акцияларининг номинал қийматига устав капиталининг камайиши	-8513
		Баҳолар ўртасидаги салбий фарқ (-) суммасига	-9690

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятининг натижалари, яъни молиявий натижа 9910-"Якуний молиявий натижа" счётида аниқланади. Ушбу счётга тегишли даромадлар ва сарфларни ҳисобга олувчи (9000, 9100.....9800) счётлардаги суммалар олиб борилади, яъни унинг дебети томонига (сарфлар) ва олинган даромадлар эса кредити томонида йиғилади. 9910-"Якуний молиявий натижалар" счётининг дебетида йиғилган суммалар билан кредитида йиғилган суммалар таққосланиб молиявий натижа аниқланади. Дебет томонидаги сумма кредит томонидаги суммадан кам бўлса субъект ўзининг молия-хўжалик фаолиятидан фойда олган бўлади, агарда дебет

томонидаги сумма кредит томонидаги суммадан кўп бўлса субъект зарар кўрган ҳисобланади. Ушбу олинган фойда суммасидан белгиланган тартибда ва ўрнатилган %да солиқ ва мажбурий тўловларни тўлайди. Қолган суммани эса тақсимланмаган фойдага қўшади. Ушбу суммадан дивидендлар, улушларни тўлайдилар ва субъектнинг фаолиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга йўналтириладиган жамғармаларга ажратадилар.

Субъект фаолиятининг олдинги даврлари ва ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойдалар ва қопланмаган зарарлар суммасининг ҳолати ва ҳаракати юзасидан ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда юритилади:

8710-"Ҳисобот йилидаги тақсимланмаган фойдалар (қопланмаган зарарлар)"

8720-"Жамғарилган фойдалар (қопланмаган зарарлар)"

Жамғарилган фойда- фаолият кўрсатиш давридан бошлаб мулк эгаларининг қарорига асосан хусусий капиталига реинвестиция қилинган ва жами олинган фойда суммасидан ҳар хил зарарлар, дивидендлар ва сарфларнинг чегирилиши натижасида хўжалик юритувчи субъект ихтиёрига қолган соф фойда суммасидир.

8710-"Ҳисобот йилидаги тақсимланмаган фойдалар (қопланмаган зарарлар)" счётининг кредитига 9910-"Якуний молиявий натижалар" счётининг дебетидан қопланмаган зарарлар суммаси эса 8710-"Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)лар" счётининг дебетига ва 9910-"Якуний молиявий натижалар" счётининг кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

Дивидендлар ҳисобланган кейин ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойданинг қолган суммаси 8710-"Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)лар" счётидан 8720-"Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)лар" счётига ўтказилади. Агарда олинган фойда суммасидан кўрилган зарарлар ва тўланган даромадлар (дивидендлар) суммаси кўп бўлса, 8710-"Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)лар" счётининг дебет томонида қолдиқ (сальдо) суммаси вужудга келади. Ушбу зарарлар суммаси 8720-"Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)" счётининг дебет томонига 8710-"Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)лар" счётининг кредитидан ўтказилади ва жамғарилган фойда ҳажми ушбу суммага камаяди.

Тақсимланмаган фойда суммасининг бир қисми дивиденд (даромад)ларни тўлаш учун йўналтирилса, ушбу йўналитрилган сумма 8710-"Тақсимланмаган фойда(қопланмаган зарар)лар" счётининг дебети ва 6610-"Тўланадиган дивидендлар" счёти-

нинг кредитида акс эттирилади, агарда дивидендлар акция кўринишида тўланса (ўртача бозор баҳосида) бу муомала 8710-"Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)лар" счётининг дебети ва 4710-"Устав капиталига баъдали бўйича таъсисчларнинг қарзи" счётининг кредитида акс эттирилади.

Тақсимланмаган фойда суммаларидан қонунчиликда белгиланган тартибда захира капиталларини шакллантириш учун фойдаланиш мумкин, ушбу муомалалар 8710-"Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)лар" счётининг дебети ва 8532-"Захира капитали" счётининг кредитида қайд қилинади.

Тақсимланмаган фойда ва қопланмаган зарарлар бўйича аналитик ҳисоб тақсимланмаган фойдалар, қопланмаган зарарлар ва жамғарилган фойдалар бўйича айрим олган ҳолда юритилади.

8700-"Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси

8710-"Ҳисобот йилидаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)" ва 8720-"Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)" счётлари

Счётларнинг кредитига Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит
6610, 6710-	Таъсисчиларга дивиденд (даромад) ҳисоблаш учун фойданинг ишлатилиши	Ҳисобот даврининг охирида кўрилган зарарнинг қопланиши -8720
8532-	Захира капиталини яратишга фойданинг ишлатилиши	Ҳисобот даврининг охирида олинган фойданинг акс эттирилиши -9910
8720-	Фойданинг жамғарма фойдага ўтказилиши	
9910-	Ҳисобот даврининг охирида кўрилган зарарнинг акс эттирилиши	

Хўжалик юритувчи субъектлар айрим умумдавлат ёки маҳаллий аҳамиятдаги тадбирларни амалга ошириш (экологик, бандлик, ҳудудни ривожлантириш) учун давлатдан, халқаро жамғармалардан ёки маҳаллий ҳокимиятлардан молиявий ёрдам (грант, субсидия) оладилар. Агарда ушбу маблағлар белгиланган мақсадларга сарфланмаса ушбу ажратилган маблағлар қайтарилиб олинади.

Грантлар ва субсидия (капитал)ларнинг ҳолати ва ҳаракати қуйидаги счётда ҳисобга олинади:

8810-"Грантлар ва субсидия (капитал)лар ва беғараз ёрдамлар"

Субъектларга давлат томонидан берилган ёрдам (субсидия) бу иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида ва улар томонидан белгиланган шартларни бажарганда давлат (ҳукумат) томонидан пул ва моддий кўринишда текинга берилган ёрдамдир.

Давлат (ҳукумат) томонидан текинга берилган ёрдам ҳар хил шаклда (қўшимча бериш, субвенция ва бошқалар) бўлиши ва ҳар хил шартларга мувофиқ берилиши мумкин.

Давлат (ҳукумат) томонидан берилган субсидияларнинг ҳисобини юритиш тартиби 10-"Давлат (ҳукумат) субсиядияларини ҳисобга олиш ва давлат (ҳукумат) ёрдамини тавсифлаш" номли БХМС келтирилган. Шу билан бир қаторда субъектларга субсидия (капитал) ва грантлар маълум дастур ва лойиҳаларни бажариш учун ҳар хил нодавлат, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томонидан ажратилиши мумкин.

Субсидия ва грантларни субъектнинг хусусий капитали сифатида акс эттириш шартлари қуйидагича:

– белгиланган шартларнинг бажарилиши натижасида қайтариб берилмаслиги;

– субсидия ва грантларни жалб қилиш юзасидан сарфларни талаб қилмайди, шунинг учун субъектнинг даромади ҳисобланмайди (тааллуқлилик шартидан келиб чиққан ҳолда).

Грантлар ва субсиядиларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир субсидия ва грант бўйича ва уларнинг манбалари бўйича юритилади.

8800-Грантлар, субсидия (капитал)лар ва беғараз ёрдамларни ҳисобга олувчи счётларнинг чизмаси

8810-"Грантлар, субсидия (капитал)лар ва беғараз ёрдамлар" счёти

Счётларнинг кредитига		Счётларнинг дебетига	
Дебет			Кредит
8511, 8512, 8513, 8523	Илгари олинган грант ва субсидия суммасининг устав капиталига қўшилиши	Ажратилган грант ва субсидия ҳақида хабарноманинг олиниши (ушбу маблағларнинг олиниши 5010, 5110, 5210, 5220)	-4890
8532-	Илгари олинган грант ва субсидия суммасининг устав капиталига қўшилиши		
8532-	Илгари олинган грант ва субсидия суммасининг захира капиталига қўшилиши		

Субъектнинг ҳисоб сиёсатида кўрсатилган тартибга мувофиқ (тегишли стандартларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда) жорий даврда сарфланган маблағларни (таъмирлаш сарфлари), келгусида кутилаётган сарфларни (таътил пулини ҳисоблаш) тармоқларнинг сарфларига имконияти борича бир текисда қўшиш мақсадида келгуси сарфлар ва тўловларнинг захираларини яратиш зарурияти туғилади. Ушбу захиралаштирилган маблағларнинг ҳаракатини қайд қилиш ва ҳолатининг устидан назорат ўрнатиш мақсадида 8910-"Келгуси сарфлар ва тўловларнинг захиралари" счёти қўлланилади. Масалан, ушбу счётда асосий воситаларни таъмирлаш учун қилинадиган сарфлар қайд қилиниши мумкин. Ишлаб чиқариш ва муомала ҳаражатлари ҳисобидан маблағларни захиралаштириш тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатлар ҳамда "Маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларининг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби" тўғрисидаги Низомга асосан тартибга солинади.

Захираларни ҳисобга олиш муомалалари 8910-"Келгуси сарфлар ва тўловларнинг захиралари" счётининг кредити ва тегишли ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва муомала ҳаражатларини ҳисобга олувчи 2010, 2310, 2510, 3100, 9400 счётларининг дебети томонида қайд қилиб борилади.

Захирага ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган сарф ва тўловларнинг суммаси захираларнинг камайишига олиб борилади- дебет 8910-"Келгуси сарфлар ва тўловларнинг захиралари" счёти ва:

– кредит 2310-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш"- субъектнинг цехлари томонидан асосий воситаларни таъмирлаш қийматига;

– айрим ҳолларда илгари келгуси сарфлар таркибида захиралаштирилган материал қийматликларининг сарфи (1000), асосий воситаларнинг эскириши (0200), тегишли счётлардан тўғридан-тўғри (8910-"Келгуси сарфлар ва тўловларнинг захиралари" счёт қатнашмаган ҳолда) ҳаражатларга олиб борилади.

У ёки бу захиранинг ташкил қилиниши ва маблағларнинг фойдаланиши вақти-вақти билан (йилнинг охирида албатта) меъёр, ҳисоблар ва бошқаларга асосан текширилиб турилади, зарурият туғилганда муқобиллаш (корректура)тирилади.

8910-"Келгуси сарфлар ва тўловларнинг захиралари" счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир захира ва тўловлар бўйича алоҳида юритилади.

8900-Келгуси сарфлар ва тўловларнинг захираларини ҳисобга олувчи счётнинг чизмаси

8910-"Келгуси сарфлар ва тўловларнинг захиралари" счёти

Счётларнинг кредитига Дебет		Счётларнинг дебетига Кредит	
1010- 1090-	Материаллар чиқимининг акс эттирилиши	Ишлаб чиқариш ҳаражатлари ҳисобидан захира яратиш	-2010, 2110, 2310, 2320, 2510, 2610
0211- 0299-	Мавсумий тармоқларда келгуси сарфларга киритилган ва захираланган эскириш суммасини қайд қилиш	Мавсумий тармоқларда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобидан захира яратиш	-3110- 3190
1210- 1230-	Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар чиқимининг акс эттирилиши		
2310, 2320, 9450-	Ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг бажарган ишлари		
2710- 2790-	Вақтинчалик иморат ва иншоатларни қўриш қиймати		
3190-	Мавсумий тармоқларнинг ҳаражатлари		
5110, 5210, 5220-	Ушбу сарфларнинг тўланиши		
6890- 7410-	Ҳар хил субъектлар томонидан кўрсатилган хизматларнинг қиймати		
9010- 9030-	Ҳисобланган, лекин фойланилмай қолган суммаларнинг даромадга айлантирилиши		

XIII БОБ. ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ МУЛКЧИЛИК ШАКЛИНИ ЎЗГАРТИРИШ (ПРИВАТИЗАЦИЯ ҚИЛИШ) ТАРТИБИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Ҳозирги даврга келиб бозор иқтисодиётининг талабларига асосан давлат корхоналари тезкорлик билан хиссадорлик жамият (ХЖ)ларига, қўшма корхоналарга, акциядорлар жамиятига айлантирилмоқда, яъни мулкчилик шакли ўзгартирилмоқда (приватизация қилинмоқда).

Приватизация қилиш - давлат мулки бўлган корхоналарни ўрнатилган тартибда хиссадорларга, акциядорларга сотишдир, яъни ушбу корхоналарни давлат тасарруфидан чиқаришдир. Ушбу корхона ходимлари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар корхонанинг акциясини белгиланган тартибда сотиб олиши мумкин.

Давлат томонидан мулкчилик шаклини ўзгартиришнинг ҳар хил вариантлари ишлаб чиқилиб унда корхона ходимларига бериладиган имтиёзлар ва акциялар пакетининг назорат ҳажми белгиланган.

Қандай вариант қўлланишидан қатъий назар хусусийлаштириш, яъни мулкчилик шаклини ўзгартириш жараёни тўрт босқични босиб ўтади:

а) корхонада приватизация қилиш бўйича ишчи комиссияси ташкил қилинади;

б) комиссиянинг ишлаш жараёни тасдиқланади;

в) акциядорлар жамиятини таъсис қилиш ишлари амалга оширилади;

г) чиқадиган акцияларни тақсимлаш тартиби белгиланади ва тақсимланади.

Корхона раҳбари томонидан ташкил қилинган ишчи комиссияси қуйидаги ишларни амалга оширади:

– корхона мулкини баҳолаш- приватизация қилинадиган субъектнинг шу даврдаги қийматини бозор баҳосида аниқлаш;

– хусусийлаштириш вариантларини танлаш учун ходимларни етарли маълумотлар билан таъминлаш, яъни субъект хо-

димларига зарур бўлган маълумотлар: унинг капитали, ликвидлик даражаси, активлари ва мажбуриятлари;

– хусусийлаштириш вариантини танлаш мақсадида жамоа аъзоларининг йиғинини ўтказиш, ушбу йиғинда приватизациянинг қайси вариантининг афзалликларини муҳокама қилиш ва танлаш;

– корхонани хусусийлаштириш билан боғлиқ режасини тузиш, тугатиш баланси, чиқариладиган акцияларнинг миқдори, қиймати ва тақсимлаш тартибини белгилаш;

– корхона мулки баҳоланган далолатномани ўрганиб чиқиш ва умумий йиғинда тасдиқлаш;

– АЖнинг уставини ишлаб чиқиш ва давлат мулкини бошқариш қўмитасига зарур ҳужжатларни хусусийлаштириш режаси, мулк баҳоси ва уставни тақдим қилиш.

Давлат мулкини бошқариш қўмитаси корхонани очиқ турдаги акциядорлар жамиятига айлантиришга асос бўладиган хусусийлаштириш режасини тасдиқлайди. Шундан кейин ДМБҚ давлат қайдномасидан ўтиш учун ушбу субъектга таъсис ҳужжатлари, ариза ва акциялар чиқаришни қайд қилиш учун эмиссия лойиҳасини (проспекти) беради. Корхона давлат қайдномасини олган кундан бошлаб акциядорлар жамияти ҳисобланади.

Акциядорлар жамиятининг бош директори раҳбарлигида директорлар кенгаши тасдиқланиб, унга бош директор вакили, ДМБҚ, меҳнат жамоаси ва маҳаллий ҳукумат вакиллари киритилади.

Чиқарилган акциялар икки усулда тақсимланади:

а) Оддий акциялар. Ушбу акция эгалари субъектни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга:

– директорлар кенгашини сайлаш;

– жамиятнинг бюджетини тасдиқлаш;

– дивиденд миқдорини белгилаш;

– йиғилишда кўриладиган бошқа муҳим масалаларни тасдиқлаш.

Лекин оддий акцияларнинг эгалари, агарда субъектнинг хўжалик молиявий фаолияти натижасида фойда олмаса дивиденд ҳисобланмайди.

б) Имтиёзли акциялар. Ушбу акцияларнинг эгалари субъектнинг фаолиятини бошқариш ҳуқуқига эга бўла олмайдилар, лекин уларнинг акциялар бўйича оладиган дивиденд (даромад)

суммаси субъектнинг хўжалик-молиявий фаолиятидан қатъий назар (зарар кўрса ҳам) кафолатланган бўлади.

Ҳукуматнинг қарорига мувофиқ хусусийлаштиришнинг қуйидаги учта варианти мавжуд.

Хусусийлаштиришнинг 1-варианти. Ушбу вариантда корхонанинг ишчи ва ходимлари имтиёзли акцияларни бепул олади ва ушбу акциянинг эгалари корхонани бошқаришда қатнашмайдилару лекин корхона фаолиятининг хўжалик молиявий якунидан қатъий назар акциялари учун дивиденд олиш кафолатланади.

Ушбу акцияларнинг суммаси корхонанинг устав капитали суммаси бўйича чиқарилган акцияларнинг 10%ни қуйидаги имтиёзлар билан олиши мумкин:

– номинал қийматининг 30% чегирилган ҳолда;

– уч йил давомида номинал қийматини тўлаш шарти билан;

– дастлабки бадал суммаси номинал қийматининг 15%ини ташкил қилган ҳолда.

Корхона маъмуриятининг аъзолари корхона акциясининг 5%гача миқдорида номинал қийматида сотиб олиши мумкин.

Хусусийлаштиришнинг 2-варианти. Корхонанинг ишчи ва ходимлари ёпиқ обуна бўйича устав капиталининг 15%гача қийматда оддий акцияларни сотиб олиши мумкин. Қолган акциялар тегишли мулкчилик жамғармасига берилади. Ушбу мулк жамғармаси 49% ва ундан ортиқ ҳажмдаги акцияга эгалик қилиши ва ушбу акцияларнинг 20% овоз бериш ҳуқуқидаги акциялар бўлади, қолган акциялар имтиёзли акциялар ҳисобланиб унинг эгаси овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Ушбу акцияларнинг қиймати обуна тугаган кундан бошлаб обуначилар томонидан 90 кун ичида тўланиши лозим.

Хусусийлаштиришнинг 3-варианти. Бу вариантда корхорна ходимларининг айрим гуруҳи корхонанинг банкротга учрашишининг олдини олиш ва уни қайта ташкил қилиш мақсадида давлат мулки жамғармаси билан шартнома тузади. Ушбу шартнома жамоа томонидан тасдиқланиб 1 йилга тузилади. Шартнома тузган ходимларнинг акциялари умумий акцияларнинг 20%ни ташкил қилиши керак. Мулкчилик жамғармаси 60% акцияга эгалик қилиб, унинг 20% овоз бериш ҳуқуқидаги оддий акциялар бўлади, қолганлари эса имтиёзли акциялардир ва обуна тугаган кундан бошлаб акция обуначилари 90 кун ичида

акциянинг номинал қийматини акциядорлар жамиятига тўлаши шарт.

Асосий жамғармаларнинг қиймати 1-50 млн. сўм ва ходимлар сони 200 кишидан ортиқ бўлган корхоналарда акцияларни сотишдан тушган даромадларнинг (жамоа аъзоларига сотилган акцияларнинг қийматидан ташқари 10% ходимларнинг шахсий ҳисобига кирим қилиниши лозим.

Мулкчилик шаклини ўзгартириш жараёни ва уни бухгалтерия ҳисобида қайд қилишнинг стандарт шарт-шароитлари қуйидагича белгиланган:

– корхонани хусусийлаштириш тўғрисида умумий йиғин қарори чиққан ва уни ҳокимият томонидан тасдиқланган вақтдан бошлаб субъектнинг бошланғич баҳоси аниқланиши зарур. Шунинг учун приватизация жараёни ҳисобининг бошланиши мулк қийматликларини инвентаризация қилишдан бошланади. Бу қийматликлар сотиб олинадиган давлат мулкидир. Лекин янги ташкил қилинаётган акциядорлар жамияти (корхона)га давлат корхонаси томонидан тўланадиган мажбуриятлари (банк кредити, бюджетга бўлган қарзи, мол етказиб берувчиларга, ижтимоий муҳофаза жамғармасига, ишчи ва ходимларга, кредиторларга бўлган қарзлари) суммаларининг миқдорига унинг сотиб олиш баҳоси (бошланғич баҳоси) камаяди. Хусусийлаштириш жараёнида яратилаётган хусусийлаштириш жамғармасининг суммаси ҳам сотиш қийматига кирмайди. Хусусийлаштириш жамғармасининг миқдори хусусийлаштириш жараёни, махсус йўналишдаги жамғармалар ва тақсимланмаган фойда суммасининг миқдорига боғлиқдир.

Хусусийлаштириш жамғармаси субъектнинг ихтиёрида қолдирилиб субъект ходимларига бўлиб берилади ва бу сумма уларнинг шахсий счётларида қайд қилинади. Бу сумма субъектнинг акциясини сотиб олишга ёки бошқа субъектларнинг мулкини сотиб олишга ишлатилиши мумкин.

Инвентаризация натижалари жамоанинг бошланғич капиталининг баҳоси ҳисобланган мулкни баҳолаш далолатномасида қайд қилинади.

Масалан: "Наврўз" тикувчилик фибрикаси "Юлдуз" АЖга айлантирилиши жараёнида қуйидаги хусусийлаштириш муомалалари амалга оширилди.

Мулкни баҳолаш далолатномаси 01.09.200... й.

№	Кўрсаткичларнинг номи	Сумма (м.сўм)
1.	Корхона балансидаги активнинг жами суммаси. Шундан:	31186
	- асосий воситалар – қолдиқ қийматда	25050
	- номоддий активлар – қолдиқ қийматда	310
	- капитал қўйилмалар, бўнаклар ва бошқа олинадиган счётлар	592
	- узоқ муддатли молиявий қўйилмалар	512
	- захиралар ва харажатлар	2264
	- пул маблағлари, ҳисоблашишдаги маблағлар ва бошқа эквивалентлар	2458
2.	Актив моддаларининг қийматидан чегириладиган баланс пассиви моддаларининг қиймати – жаъми Шундан:	4208
	- хусусийлаштириш жамғармасини ташкил қилишга йўналтириладиган – махсус йўналишдаги жамғарма маблағлари ва фойда суммаси	910
	- кредитлар ва бошқа олинган қарзлар	1426
	- қарзга олинган, жалб қилинган маблағларни акс эттирувчи ва мажбуриятлар бўйича ҳисоблашиш маблағлари	1504
	- келгуси сарфлар ва тўловлар захираси капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг ўз манбалари, келгуси давр даромадлари	368
3.	Мулк қийматидан чегириладиган сумма – жаъми. Шундан:	8792
	- қонун бўйича хусусийлаштирищнинг махсус тартиби ўрнатилган мулкнинг қиймати	5912
	- давлат, ҳокимият мулкида қолдирилган объектларнинг қиймати	2880
	Устав капиталининг қийматиқ 1-(2+3)	18186

Давлат корхоналари приватизация қилинаётганда инвентаризация натижасига асосан тузилган мулкни баҳолаш далолатномасига асосан тугатиш баланси тузилади ва акциядорлар жамиятининг устав капиталини ташкил қилиш жараёнига асосан корхонани акциядорлар жамиятига топшириш баланси тузилади.

Тугатиш баланси 01.09.20хх

Актив	Сумма (минг сўм)	Пассив	Сумма (минг сўм)
Узоқ муддатли активлар		ўзининг капитали	36485,4
Асосий воситалар (қ.қ.)	25059	Махсус йўналишдаги жамғармалар	2358,6
Номоддий активлар (қ.қ.)	310	Шундан:	
Узоқ муддатли инвестициялар	512	Капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг ўз манбаи	116
Капитал қўйилмалар	190	Мақсадли молиялаштириш ва тушумлар	476
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ва муддати узайтирилган ҳаражатлар	102	Тақсимланмаган фойда	600
1-бўлимнинг жаъми	26464	1-бўлимнинг жаъми	28365
2- Захиралар ва ҳаражатлар	2264	2-Узоқ муддатли пассивлар	1080
2-бўлимнинг жаъми	2264	2-бўлимнинг жаъми	1080
3. Пул маблағлари, ҳисоблашишлар ва бошқа активлар	1142	3. ҳисоблашишлар ва бошқа пассивлар	
Олинадиган счётлар	958	Банкнинг қисқа муддатли кредитлари	282
Мол етказиб берувчиларга берилган бўнаклар	166	Қисқа муддатли қарзлар	64
Жорий инвестициялар	192	Кредиторлар билан ҳисоблашишлар	1186
		Олинган бўнаклар	318
		Келгуси давр даромадлари	138
		Келгуси давр сарфлари ва тўловларининг захираси	114
3-бўлимнинг жаъми	2458	3-бўлимнинг жаъми	2102
БАЛАНС	31546	БАЛАНС	31546

Акциядорлар жамиятининг бухгалтериясига келиб тушган тугатиш баланси маълоумотларига асосан устав капиталини ташкил қилиш учун бухгалтерияда қуйидаги муомалалар амалга оширилади:

- ўтган йилги зарарлар суммаси қопланади- (360000с)
- захира жамғармасидан- 54000с.
  Дт 8910 Кт 8520
- тақсимланмаган фойдадан- 304000с.
  Дт 8710 Кт 8520

натижада баланс валютаси 360000 сўмга камаяди.

Агар кўрилган зарарлар суммасини қоплаш манбаи бўлмаса бу сумма хусусийлаштирилган субъектнинг балансида қолдирилади ва шу суммага бошланғич баҳо ёки мулк қиймати камайтирилади. Захира жамғармасининг фойдаланилмаган қисми субъектнинг устав капиталига қўшилади. Хусусийлаштириш жамғармаси тақсимланмаган фойда ва махсус йўналишдаги жамғармалар ҳисобидан ташкил қилинади. Хусусийлаштириш жамғармаси бўйича аналитик ҳисоб ходимларининг шахсий мақсадли счётлари бўйича юритилади.

Бухгалтерия 8800-"Грант, субсидия ва бегараз ёрдамларни ҳисобга олувчи счётлар"даги, 8810-"Грант ва субсидиялар" счётининг ҳолатини таҳлил қилиб ушбу счётда мақсадли дастурларни амалга ошириш учун тушган маблағларнигина қолдириши мумкин. Бюджет ёки бюджетдан ташқари жамғармадан тушган мақсадли тушумлар ва молиялаштириш маблағлари устав капиталига киритилади.

Бизнинг мисолимизда бу манба 476000 сўм. ушбу сумма дебет 8810 ва кредит 8520 счётларида қайд қилинади.

Акциядорлар жамиятининг устав капиталининг баланс моддалари "Келгуси давр даромадлари" ва "Келгуси сарфлар ва тўловлар"да кўрсатилган суммага камаяди, чунки бу сумма субъектнинг бошланғич баҳосидан чегирилади. Агарда корхонани жисмоний шахс сотиб олса бу сумма корхонанинг бошланғич баҳоси ёки устав капиталига қўшиб сотилади.

Айрим ҳолларда корхоналарнинг турлари ва йўналишига қараб айрим объектлар хусусийлаштирилмай давлат мулки бўлиб қолиши мумкин. У ҳолда шу объектларнинг қийматига акциядорлар жамиятининг устав капиталининг умумий суммаси камаяди, лекин махсус йўналишдаги жамғармалар қаторига қўшилиб акциядорлик жамиятининг ихтиёрида қолдирилади.

8792000 Дт 8510 Кт 8810

Ундан кейин ҳисобдан чиқарилмаган фойда ва махсус йўналишдаги жамғармалар суммасини ҳисоблаш лозим. Бунинг учун эса балансдаги фойданинг қолдиқ суммасидан кўрилган зарарлар ва хусусийлаштириш жамғармасининг суммаларини чегириб ташлаш лозим.

Бизнинг хусусийлаштирилаётган "Юлдуз" АЖда

Балансдаги қолдиқ фойда -600000 сўмни ташкил қилади шундан фойдаланилган:

- зарарни қоплашга -306000
- хусусийлаштириш жамғармасини яратишга -104000 сўм

Жаъми: 410000 сўм

Демак, субъектнинг устав капиталига 190000 сўм киритилади (600000-410000) Дт 8720 Кт 8530

Балансда махсус йўналишга ажратилган жамғарма 2358600 сўмга тенг шундан фойдаланилган:

– хусусийлаштириш жамғармасини яратиш учун- 806000 сўм

– жамғарма ҳисобидан капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг ўз манбалари жамият ихтиёрига қолдирилади -116000 сўм

Жаъми: 922000 сўм

Демак. устав капиталига қолган сумма 2264000 сўм (2358600-922000) қўшилади. Натижада устав капиталининг қиймати -18186000 сўм

Шундан:

– тугатилиш баланси бўйича -3648000 сўм

– фойда ҳисобидан -190000 сўм

– махсус жамғармалар ҳисобидан-22664000 сўм

– мақсадли молиялаштириш маблағлари ҳисобидан - 476000 сўм

– хусусийлаштирилмаган объектларнинг қиймати чегирилиб ташланади (-) -8972000 сўм

Жаъми: 18186000 сўм

Натижада янги ташкил қилинган махсус йўналишдаги жамғармаси -8908000 сўмни ташкил қилади

шундан:

– капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг манбалари - 116000 сўм

– хусусийлаштирилмайдиган объектлар қиймати-8792000 сўм

Юқорида содир бўлган хўжалик муомалаларининг маълумотларига асосланиб Давлат мулк қўмитасининг тегишли муассасасининг қарорига асосан бошланғич капитал, хусусийлаштириш жамғармаси, мажбуриятлар ва активларнинг суммаларига асосан бухгалтериянинг топшириш баланси тузилади.

Давлат корхонасини акциядорлар жамиятига топшириш баланси

Актив	Сумма, минг сўм	Пассив	Сумма, минг сўм
1. Узоқ муддатли активлар		1. Ўзининг капитали	
Асосий воситалар (к.к.)	25050	Устав капитали	18186
Номоддий активлар (к.к.)	310	Захира капитали	3850
Узоқ муддатли инвестициялар	512	Қўшилган капитал	4518
Капитал қўйилма	410	Тақсимланмаган фойда (зарар)	910
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлар ва муддати узайтирилган харажатлар	180	Грант ва субсидиялар	170
		Келгуси давр харажатлари ва тўловларнинг захиралари	470
1-бўлимнинг жаъми	26464	1-бўлимнинг жаъми	28004
2. Жорий активлар		2. Мажбуриятлар	
Товар-моддий захиралари	2100	Узоқ муддатли мажбуриятлар:	
Келгуси давр харажатлари	104	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган қарзлар	1000
Дебиторлик қарзлар	910	Банкнинг узоқ муддатли кредитлари	718
Қисқа муддатли инвестициялар	192	Узоқ муддатли қарзлар	282
Пул маблағлари	114	Жорий мажбуриятлар:	2182
Бошқа жорий активлар	110	Қисқа муддатли банк кредитлари	1186
		Қисқа муддатли қарзлар	624
		Мехнат хақи юзасидан қарзлар	358
		Бошқа қарзлар	114
		2-бўлимнинг жаъми	3182
Баланс	31186	Баланс	31186

Корхонани тугатиш ва топшириш балансларини таққослаб ва таҳлил қилиб қуйидаги хулосага келиш мумкин:

– баланс валютаси (жаъми суммаси) олдинги йилда кўрилган зарар суммасига камайди;

– баланснинг актив томони бошқа ҳамма моддаларида ўз мазмунини сақлаб қолди;

– асосий ўзгаришлар ўз маблағларининг манбаи билан боғлиқ, яъни устав капиталининг яратилиши натижасида унинг ҳажми беш маротаба кўпайди.

Натижада баланснинг пассив қисмида қуйидаги моддалар тушириб қолдирилди:

– захира жамғармаси;

– жорий йилдаги тақсимланмаган фойда;

– капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг ўз манбалари;

Махсус йўналишдаги жамғармаларнинг ички тузилиши тубдан ўзгарди ва жалб қилинган маблағлар- субъект мажбуриятларининг манбалари ўзгармади.

Корхоналар хусусийлаштирилганда яъни, акциядорлар жамиятига айлантирилганда энг аввало субъектнинг ходимларига берилган акциялар билан бир қаторда, шундай имтиёзга эга бўлган олдин корхонада ишлаб кетган, лекин ҳозирги вақтда нафақага чиққан ходимларга берилган имтиёзли акцияларни ҳисобга олиш тартибини ёритиш зарур. Хусусан:

– акцияларнинг бир қисмини бепул бериш;

– акцияларнинг бир қисмини қийматини бўлиб-бўлиб тўлаш шартида номинал қийматда маъмурият ходимларига сотиш;

– ёпиқ обунада акцияларни номинал қийматидан чегирилган ҳолда ёки келишилган баҳода тарқатиш.

Хусусийлаштирилган корхоналарда акцияларни тақсимлаш билан боғлиқ обуна ва бошқа ишлар очиқ турдаги акциядорлар жамиятини қайд қилишгача амалга оширилади.

Акциялар бўйича ҳисоблашиш муомалаларини қайд қиладиган бухгалтерия ёзуви ва акциядорларни қайд қилиш дафтаридаги ёзувлар акциядорлар жамияти қайд қилингандан кейин амалга оширилади.

Акциядорлик жамиятида энг аввало устав капитали қайд қилиниб ушбу капитал 8500-"Капитал (мулк)ни ёки жамғармани ҳисобга олувчи счётлар"да ҳисобга олинади.

Ушбу счётлар гуруҳида қуйидаги счётлар мавжуд:

8510-"Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар"да корхонани акциядорлар жамиятига топшириш балансида қайд қилинган устав капиталининг суммасини ҳисобга олади ва қуйидаги счётлар акциядорлар жамияти рўйхатдан ўтказилгандан кейин очилади:

– 8511-"Оддий акциялар" счётида рўйхатдан ўтказилган акцияларнинг қиймати чегарасида ёки пули тўланган акцияларнинг номинал қийматидаги устав капитали акс эттирилади.

– 8512-"Имтиёзли акциялар" счётида имтиёзли акциялар-овоз бериш ҳуқуқи бўлмаган, лекин акция эгасига дивиденд кафолатини берадиган (субъектнинг молиявий натижасидан қатъий назар) акциядорлар капиталининг ҳолати ва ҳаракатини акс эттиради.

– 8513-"Улушлар ва омонатлар" счёти субъектларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларига асосан уларнинг фаолиятида қатнашувчи шахсларнинг бадаллари ҳисобига ташкил қилинган капиталнинг ҳолати ва ҳаракатини акс эттиради.

– 8600-"Ўзининг акцияларини сотиб олиш" счётларида акциядорлардан сотиб олинган оддий ва имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати қайд қилинади ва унда қуйидаги счётлар очилади: 8611-"Сотиб олган ўзининг оддий акциялари" ва 8512-"Сотиб олган ўзининг имтиёзли акциялари".

Акциядорлар жамиятини рўйхатдан ўтказгандан кейин:

– мулкни бошқариш қўмитасига ҳар бир шахсга миқдори кўрсатилган ҳолда бепул берилган имтиёзли акциялар ва уларнинг эгаларининг рўйхати берилади;

– ушбу қўмитадан топшириқ (розилик) олингандан кейин ушбу жисмоний шахслар (ходимлар) акциядорлар рўйхатига киритилади;

– тарқатилган имтиёзли акциялар бухгалтерия ҳисобида қўшимча муомалалар сифатида қайд қилинмайди ва ушбу акцияларнинг қиймати 8510 счётда қолади;

– обуна бўйича тарқатилган ҳамма имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати эълон қилинган капитал суммасидан обуна капитали суммасига ўтказилади - дебет 8512-"Имтиёзли акциялар" ва кредит 8511-"Оддий акциялар" счётлари.

Бир вақтнинг ўзида корхонанинг ишчи ва ходимлари ва унга тенглаштирилган жисмоний шахслар обуна бўлган акцияларнинг номинал қийматига акциядорлар жамияти мулк жамғармасига қарз ва обунага қатнашган шахсларнинг акциядорлар жамиятига қарзи сифатида ҳисобга олинади ва счётларда қуйидагича қайд қилинади:

Дт 4710-"Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи" счёти

Кт 8810-"Грант ва субсидиялар (капиталлар)" счёти.

Обуна қилинган акцияларнинг номинал қийматидан чегирилган суммага ушбу қарзлар суммаси камаяди:

Дт 8810-"Грант ва субсидияла(капитал)лар" счёти

Кт 4710-"Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи" счёти.

Агарда обуначиларга акциялар номинал қийматдан ортиқча баҳода сотилса счётларда тескари ёзув амалга оширилади, лекин номинал қиймати билан сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ 8510-"Устав капитали" счётларида кўрсатилмайди.

Мулк жамғармасига сотилиш учун берилган акциялар 8510-"Устав капитали" счётида қайд қилиб борилади ва сотилганлиги тўғрисида маълумот олинганда счётларда қуйидагича қайд қилинади:

Дт 5010 ёки 5110, 5210 счётлари ва

Кт 4710-"Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи" счёти.

Шундай қилиб, 8510-"Устав капитали" счётининг кредит суммасида акциядорлик жамияти томонидан ходимларга бепул берилган ва мулк жамғарма ихтиёрида қолган акцияларнинг номинал қиймати акс эттирилади.

Ёпиқ обуна тартибига мувофиқ субъектнинг ходимлари акциядорлар жамиятини қайд қилиш кунигача қонунда белгиланган тартибда чегараланган миқдордан ортиқча акция чиқариш имконияти мавжуд. Бунинг учун хоҳловчилар бўнак сифатида пул маблағлари ўтказадилар. Шунинг учун 5540-"Обуначиларнинг депозити" счёти очилади ва депозитарийларнинг шахсий счётидан ўтказилган суммаларга:

Дт 5540-"Обуначиларнинг депозити" счёти ва

Кт 6320-"Акция обуначиларидан олинган бўнаклар" счёти боғланади.

Акцияларни сотишдан тушган маблағлар акциядорлар жамиятига кирим қилинмайди балки давлат мулки ҳисобланиб мулк жамғармасига кирим қилинади. Шунинг учун ушбу маблағлар тегишли жамғармаларга келишилган муддатда ўтказилади:

Ўтказиладиган суммага:

Дт 8810-"Грант ва субсидиялар" счёти ва

Кт 6530-"Бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар" счётининг кредити боғланади.

Агарда ушбу сумма жамғармага ўтказилса:

Дт 6530-"Бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар" счёти ва Кт 5100, 5200, 5500 ва бошқа маблағлар счётлари боғланади.

Қачонки мулк жамғармасига бўлган қарз тўлиқ тўлангандагина акциялар сотилган ҳисобланади ва

Дт 8510-"Устав капитали" счёти ва Кт 4710-"Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи" счётида қайд қилинади.

Бир вақтнинг ўзида акция эгаларининг реестрида акцияларнинг акциядорлар мулкига ўтганлиги қайд қилинади.

Дт 5540-"Обуна қатнашчиларининг депозити",

6530-"Бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар",

4710-"Устав капиталига баъдаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи",

8510-"Устав капитали" счётлари ва

Кт 8810-"Грант ва субсидиялар" счёти боғланади.

Шундай қилиб, 8510-"Устав капитали" корхонанинг бошланғич баҳоси ёки аукцион баҳосини акс эттириб, акциядорлар жамиятининг ташкил қилиниши жараёнида фақат тегишли счётлар бўйича қайд қилиб борилади.

Хусусийлаштирилаётган корхоналарни сотиб олувчилар жисмоний ва юридик шахслар бўлади. Юридик шахслар корхонани тўлиқ сотиб олган ёки акцияларнинг бир қисмини сотиб олган вақтидан бошлаб узоқ муддатли молиявий қўйилмачилар (инвесторлар) ҳисобланади:

Дт 9220-"Бошқа активларни сотиш" счёти

Кт 0610-"Қимматбаҳо қоғозлар" счёти

Юридик шахсларнинг тўлаган суммаларига:

Дт 5110-"Ҳисоблашиш счёти" ва Кт 9220-"Бошқа активларни сотиш ва бошқа чиқиб кетишлар" счёти.

Агарда бошланғич баҳоси тўлансаю, лекин тўланган суммаси бошланғич баҳодан кам бўлса:

Дт 0610-"Қимматбаҳо қоғозлар" счёти

Кт 5110-"Ҳисоблашиш счёти"

Кт 8521-"Эмиссия даромади" баҳолар ўртасидаги фарқ суммасига.

Кейинчалик 9560-"Қимматбаҳо қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш натижасида олинган даромадлар" счётининг қолдиғида йиғилган суммалар субъект фаолиятининг молиявий натижаларига қўшилади ва Дт 9560 ва Кт 9900 сифатида счётларда акс эттирилади.

Агарда олинган акцияларнинг қисман қиймати маълум вақтдан кейин тўланса, у вақтда олувчининг мулк жамғармасига кредиторлик қарзи пайдо бўлади:

Дт 0610-"Қимматбаҳо қоғозлар" счёти

Кт 5110-"Ҳисоблашиш счёти" тўланган қийматига.

Кт 6530-"Бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар" счёти, қарз суммасига.

Ушбу олинадиган акцияларга олдиндан гаров суммаси берилса:

Дт 6530-"Бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар"

Кт 5110-"Ҳисоблашиш счёти" боғланади.

Олди-сотди муомалалари содир бўлиши натижасида дебитор қарзларнинг суммаси ҳисобдан чиқарилиб борилади:

Дт 0610-"Қимматбаҳо қоғозлар" счёти ва Кт 6560-"Бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар" счёти боғланади.

Агарда объект аукционда сотилсаю, унинг сотиш баҳоси бошланғич қийматидан юқори бўлса. Бошланғич қиймати сотиш баҳосига тенглаштирилиб ушбу сумма баланснинг "Келгуси давр даромадлари" моддаларида ва капитал қўйилмаларни молиялаштириш маблағларининг ўз манбаларида қайд қилинади. Акциядорлар жамиятининг устав капитали тўланган суммада акс эттирилади ва бошланғич қиймат билан сотилган баҳо ўртасидаги фарқ суммаси 9390-"Бошқа муомалавий даромадлар" счётида кўрсатилади:

Дт 0610-"Қимматбаҳо қоғозлар" счёти ва Кт 8510-"Устав капитали" счёти боғланади

Агарда ушбу муомалада, яъни акцияларнинг сотиб олиш баҳоси унинг номинал қийматидан юқори бўлса, у ҳолда баҳо ва қиймати ўртасидагни фарқ суммаси 9439-"Бошқа муомалавий сарфлар" счётига олиб борилади ва кейинги 10 йил ичида (агарда бошқа муддат белгиланмаса) субъектнинг харажатига қўшилиб ҳисобдан чиқарилади.

Ижара корхоналари ўз фаолиятида ўзининг маблағлари ҳисобига яратилган асосий жамғармалардан ташқари қарзга олинган маблағлар ҳисобидан яратилган бошқа жамғармалардан ҳам фойдаланадилар.

Ушбу субъектнинг мулкига ўзининг объектларидан ташқари давлат ва бошқа шасхлардан, кейинчалик сотиб олиш ва сотиб олмаслик шарти билан, узоқ муддатли ижарага (молиявий лизингга) олинган объектлар ҳам киради.

Ушбу мулклар ижарачида 0310-"Лизинг шартномаси бўйича ижарага олинган асосий воситалар" счётида шартномада келишилган баҳода ҳисобга олинади ва 6800-"Тўланадиган молиялаштириладиган лизинглар" счётининг кредити томонида тўланадиган ижара суммаси акс эттирилади.

Ушбу ижаралар молиялаштириладиган ижаралар (лизинглар) ҳисобланиб ҳар ойда ҳисобланган эскириш суммаси билан қопланиб борилади.

Дт 2010, 2310, 2510, 9410, 9420 счётлари ва Кт 0299-"Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши" счётининг кредитида акс эттирилади.

Асосий воситалардан ташқари ижарага ҳар хил моддий ва номоддий активлар ҳам олинади. Ушбу қийматликларнинг қиймати баланснинг активида ва узоқ муддатли қарз сифатида пассивида қайд қилинади:

Дт 0400-"Номоддий активлар" патент, лицензия, савдо маркаси ва хоказолар счёти ва Кт 7600-"Узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счётлар"нинг тегишли счёти боғланади.

Ушбу муомалалар амалга оширилгандан кейин ижарачи ва ижарадор ўртасида қуйидаги тартибда ҳисоблашишлар амалга оширилади.

Ижарага олинган объектлар бўйича тўловлар ҳисобланади:

Дт 2510-"Умумишлаб чиқариш сарфлари" ёки 9484-"Маъмурият аҳамиятидаги асосий воситаларнинг ижара сарфлари" счёти ва Кт 6810-"Тўланадиган молиявий лизинглар"

6811-"Тўланадиган тезкор лизинглар" счётида қайд қилинади.

Ушбу ҳисобланган маблағлар ижарадор счётига тўланади:

Дт 6811-"Тўланадиган тезкор лизинглар" счёти ва Кт 5010, 5110, 5210 ёки 5510 счётларида қайд қилинади.

Ижарага олинган мулклар бўйича ижара фоизи ҳисобланади:

Дт 9620-"Фоиз кўринишидаги сарфлар" счёти ва Кт 6820-"Тўланадиган фоизлар" счётида қайд қилинади.

Ушбу ҳисобланган фоизлар тўланади:

Дт 6820-"Тўланадиган фоизлар" счётида ва Кт 5010, 5110, 5210 ёки 5510 счётларида қайд қилинади.

Агарда ижарачи ва ижарадор ўртасида тузилган контрактда ушбу мулкни ижарачига кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи берилса. Ижара мажбуриятлари суммаси тўлиқ тўлангандан кейин ушбу объект ижарачининг мулки ҳисобланади:

Дт 0120, 0130, 0140, 0150 ва ҳоказо счётлар ва Кт 0310-"Молиялаштириладиган лизинг бўйича олинган асосий воситалар" счёти.

Ҳозирги вақтда ижара субъектлари асосида масъулияти чекланган субъектлар ва очиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳам фаолият кўрсатиши мумкин.

Ижарага олинган объектларнинг кейинчалик сотиб олиш баҳоси қуйидаги тартибда белгиланади:

– сотиб олиш ҳуқуқини берадиган ижара контрактида кўрсатилган шартлар бўйича;

– сотиб олиш ҳуқуқини берадиган ижара контрактига асосан, лекин унда ҳамма шартлар кўрсатилмаган ҳолда;

– ижарага олинган мулкнинг контрактда кўрсатилган қийматининг икки баробар баҳосида;

– давлат ёки ҳокимиятга тегишли акцияларнинг номинал қийматининг 2 баробар баҳосида ва ҳоказо.

Ижарага олинган асосий воситалар ва оборот маблағларининг тўланмаган қийматлари бўйича мажбуриятларнинг суммаси тегишли 6810-"Тўланадиган молиявий лизинглар" ва 6820-"Ҳисобланган фоизлар" счётларида акс эттирилиб борилади.

Асосий воситаларнинг қийматини ошириш тўғрисида қонун ва қарорлар чиқса, ўша оширилган қиймати ижарага олинган асосий воситаларнинг ижаралари бўйича тўланмаган суммасига тааллуқлидир. Масалан, асосий восита молиялаштириладиган лизинг контрактига асосан олинди:

бошланғич қиймати	700000 сўм
тўланган сумма	450000 сўм
қолдиқ сумма	250000 сўм

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ушбу асосий воситанинг қиймати 2,3 баробар оширилди демак, тўланмаган сумма 575000 (250000+325000(250000*1.3)) сўмга тенгдир.

Ушбу суммага-325000 сўм тўланадиган молиялаштириладиган лизингларнинг узоқ муддатли қисми кўпайтирилади:

Дт 8531-"Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" счёти ва 7630-"Тўланадиган молиялаштириладиган лизинглар" счёти боғланади.

Агарда ижарага олинган бошқа-бошқа активларнинг қиймати оширилса ҳам ушбу тартибда тўланмаган қийматига:

Дт 8531-"Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" счёти ва Кт 7630-"Тўланадиган молиялаштириладиган лизинглар" счёти боғланади.

0400-"Номоддий активлар" счётининг қолдиғи субъектнинг харажатларига қўшилади, лекин индексация қилинган сумма захира жамғармасига йиғилади ёки тақсимланмаган фойда ҳисобидан қопланади.

Агарда ижара корхонаси асосида очиқ турдаги акциядорлар жамияти ташкил қилинса, унинг устав капитали қуйидаги манбалар ҳисобига барпо қилинади.

Ижара мажбуриятларининг қолдиғи

Дт 6810-"Тўланадиган молиялаштириладиган лизинглар" счёти

Кт 8510-"Устав капитали" счёти билан боғланади.

Моддий рағбатлантириш жамғармасининг қолдиғи

Дт 8720-"Жамғарилган фойда" счёти

Кт 8510-"Устав капитали" счёти билан боғланади.

Капитал қўйилмаларни давлат субсидияси билан молиялаштириш:

Дт 7710-"Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш" ёки 8810-"Субсидия, грантлар ва текинга берилган ёрдам" счётлари

Кт 8510-"Устав капитали" счёти билан боғланади.

Шу билан бир вақтда хусусийлаштирилмайдиган объектлар қийматига устав капитали суммаси камаяди:

Дт 8510-"Устав капитали" счёти

Кт 8600-"Ўзининг активларини сотиб олиш" счётлари билан боғланади.

Ижарачилар ўз улушидаги мулклар бўйича мулкий ҳуқуқига эга бўлганлиги учун акцияларга ёпиқ обуна қилинганда улар биринчи навбатда обуна бўлиш ҳуқуқига эга. Жисмоний ва юридик шахсларнинг обуна суммаси бўйича қарзи 4710-"Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи" счётида қайд қилинади:

4710-"Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи" счёти

Кт 8511-"Оддий акциялар" ёки 8512-"Имтиёзли акциялар", 8513-"Улушлар ва омонатлар" счётлари билан боғланади.

Хусусийлаштириш бўйича таъсисчиларнинг тўлаган бадал суммаларига:

Дт 5010, 5110, 5210 ва ҳоказо счётлари

Кт 4710-"Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи" счёти билан боғланади.

Кейинчалик муддатли тўловлар шарти билан берилган акциялар бўйича қолдиқ сумма тегишли 4710 счётида аниқланиб

муддати келган тўлов суммаси ҳисобланади ва ушбу сумма акция эгалари томонидан тўлангандан кейин мулк жамғармасига ўтказилади:

Дт 7410-"Бошқа шахсларга бўлган узоқ муддатли қарзлар" счёти ва Кт 5010, 5110 ёки 5210 счётлари билан боғланади.

Корхоналар хусусийлаштирилган (приватизация қилинган)дан кейин уларга берилган юридик статусга асосан бухгалтерия ҳисоби ташкил қилинади ва юритилади.

Агарда хусусийлаштириш (мулкчилик шаклини ўзгартириш) натижасида субъектнинг статуси ўзгариб акциядорлар жамияти шахсларнинг инвестиция жамғармаси ихтиёрига ўтиб юридик шахс ҳисобланса уларда бухгалтерия ҳисоби "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун"га ва "Счётлар режасига" асосан юритилади ва счётларга бошланғич маълумотлар топшириш балансидан олинади.

Корхонани сотиб олган шахс ёки шахслар ушбу субъектни мустақил балансга эга бўлган юридик шахс сифатида қолдириши ёки ўз субъектининг балансига қабул қилиб ҳисоб юритиш тизимини ташкил қилиши мумкин.

Шунинг учун бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритишнинг иккита тури мавжуд:

– субъект юридик шахс ҳисобланмай мустақил балансга эга бўлиб сотиб олувчи ёки олувчиларнинг корхонасидаги йиғма балансга қўшилади. Бу вақтда янги ташкил бўлган субъект ва фаолият кўрсатаётган субъектлар ўртасида ўзаро ҳисоблашиш муносабатлари пайдо бўлади ва 4110-"Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар" ва 6110-"Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга тўланадиган тўловлар" счётларини юритиш зарурияти туғилади.

Лекин бу ҳисоблашишлар умумий балансда кўрсатилмайди. Топшириш баланси ва инвентаризация далолатномасига асосан актив қисмининг счётларида суммалар дебет томонида кўрсатилиб, ушбу сумма 4110 счётнинг дебетига қайд қилинади ва пассив қисмининг счётларидаги суммалар кредит томонида кўрсатилиб ушбу сумма 6110 счётнинг кредитида қайд қилинади. Чунки хусусийлаштирилган корхонанинг тўлаш мажбуриятларини янги шахс ёки шахслар ўз зиммаларига оладилар.

Сотиб олинган мулкларнинг қиймати фаолият кўрсатаётган субъектнинг умумий балансига қўшилади ва натижада баланснинг актив ва пассив қисмидаги моддаларнинг суммаси кўпаяди ва тегишли счётлардаги суммалар ҳам кўпаяди;

– хусусийлаштириш натижасида субъект мустақил юридик шахсга айлантирилса унинг баланси қабул қилиш баланси асосида тузилади ва сотиб олинган мулклар тегишли моддаларда қайд қилинади.

Хусусийлаштирилган субъектларда ҳисобни юритиш учун қуйидаги счётлар режасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

Счёт-ларнинг гуруҳи	Счётлар гуруҳининг номи	Счётнинг шифри	Счётнинг номи	Балансда жойланиши (А, П)
0400	Номоддий активларни ҳисобга олувчи счёт-лар	0410	Патентлар, лицензия ва ноу-хау	А
		0420	Савдо маркаси ва саноат намунаси	А
		0430	Дастурий таъминот	А
		0440	Гудвилл	А
		0450	Ташкилий сарфлар	А
		0460	Франчайзинг	А
		0470	Муаллифлик ҳуқуқи	А
		0480	Ер ва табиий бойлик-лардан фойдаланиш ҳуқуқи	А
		0490	Бошқа номоддий ак-тивлар	А
		9390	Сотиб олиш ва баҳолаш қиймати ўртасидаги фарқлар	Т
		9690	Давлат мулкини сотиб олиш қийматини ин-дексациялаш	Т
5500	Банкдаги махсус счёт-лар	5510	Аккредитивлар	А
		5520	Чек дафтарчалари	А
		5530	Бошқа махсус счётлар	А
		4890	Акция обуначилари-нинг депозитлари	А
6530	Бюджетдан ташқари ҳисоблашишлар	6530	Мулкчилик жамғармаси билан ҳисоблашишлар	П
6700	Ходимлар билан мех-нат ҳақи юзасидан ҳисоблашишлар	6730	Ходимлар билан бошқа муомалалар бўйича ҳисоблашишлар	П
		6320	Акция обуначилари-нинг маблағлари	П
		4710	Акция обуначилари-нинг қарзи	А
9500	Келгуси давр даро-малари	9510	Сотиб олиш ва қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ	Т
8500	Капитал ва жамғармаларни ҳисобга олувчи счётлар	8510	Устав капиталини ва жамғармани ҳисобга олувчи счётлар	П

Счёт-ларнинг гуруҳи	Счётлар гуруҳининг номи	Счётнинг шифри	Счётнинг номи	Балансда жойланиши (А, П)
		8520	Қўшилган капитални ҳисобга олувчи счётлар	П
		8530	Захира капиталини ҳисобга олувчи счётлар	П
7700	Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар	7710	Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар	П
8800	Грантлар, субсидия ва текинга олинган ёрдамлар	8810	Грантлар, субсидия ва текинга олинган ёрдамлар	

Хусусийлаштирилган (приватизация қилинган) корхоналарда бухгалтерия аппарати бажарадиган ишларнинг ҳажми бирмунча ошади ва қуйидаги қўшимча ишларни бажаришда қатнашиши ва ҳисобини юритиш зарурияти туғилади:

– акцияларни сотиш учун биринчи жойлаштиришда қатнашиш;

– акцияларнинг иккиламчи муомалаларини ташкил қилиш;

– акцияларга обуна қилиш давомида тўловларни ҳисобга олиш;

– акциядорларни қайд қилувчи (реестр) китобни юритиш;

– акцияларнинг ҳолати ва ҳаракатини ҳисобга олиш;

– акцияларга дивидендларни тақсимлаш, ҳисоблаш ва тўлаш ва бошқалар.

Шунинг учун бухгалтер хусусийлаштириш тўғрисидаги Қонун ва кўрсатмаларни чуқур ўрганиши, таъсис ҳужжатлари ва субъектнинг устави билан таниш бўлиши шарт. Ушбу шарт-шароитларни яратиш натижасида зарур маълумотларни олиш мумкин. Ушбу ҳаққоний маълумотлар асосида хўжалик фаолиятининг назоратини амалга ошириш, таҳлил қилиш, хўжаликни муваффаққиятли бошқариш жараёнида тўғри қарорларни қабул қилиш субъектнинг хўжалик-молиявий фаолиятидан фойда олиш, ходимларни иқтисодий ҳимоя қилиш, уларнинг шарт ва шароитларини яна ҳам яхшилаш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш мумкин.

XIV БОБ. ҲИСОБОТ, УНИНГ ТУРЛАРИ, ТАРКИБИ, ТУЗИШ ВА ТАҚДИМ ҚИЛИШ ТАРТИБЛАРИ

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг олдига қўйган мақсадларига эришиши учун энг аввало:

– ўзининг ўтган ҳисобот давридаги молиявий хўжалик фаолиятини акс эттириши, таҳлил қилиши ва баҳолаши;

– ташқи (инвесторлар, давлат муассасалари ва юқори ташкилотлар) ва ички истеъмолчилар учун ўзининг молиявий хўжалик фаолиятини умумлаштирувчи маълумотларни бир тизимга келтирган ҳолда йиғиб тақдим қилишлари лозим.

Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда мулкий ва ташкилий шаклларидан қатъий назар ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг ўтган даврдаги молиявий хўжалик фаолиятини ёритиши ва унга баҳо бериши, яъни ҳисобот тузиши шарт. Чунки ҳисоботда хўжалик юритувчи субъектларнинг маълум даврдаги шарт-шароити ва фаолиятининг натижасини ёритадиган кўрсаткичларнинг тизими акс эттирилади. Чунончи:

– жорий ҳисоб кўрсаткичларидан олинган қисқа маълумотлар;

– молиявий хўжалик фаолиятини ёритувчи жамғарма маълумотлар.

Ҳисобот бухгалтерия ҳисоби жадвалининг тугалланувчи босқичи ҳисобланиб, жорий ҳисобнинг ҳамма шаклларида жамғарилган маълумотларга асосан тузилади:

– тезкор (оператив) ҳисобнинг маълумотлари;

– бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари;

– статистика ҳисобининг маълумотлари.

Ҳисобот орқали сифат, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари ёрдамида субъектнинг фаолиятига тавсиф берилади. Тасдиқланган шакллардаги бухгалтерия ҳисоботида сотилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар, ишлаб чиқариш харажати, субъектнинг мулки, молиявий ҳолати ва хўжалик фаолиятининг натижалари бўйича маълумотлар маълум тизимда акс эттирилади.

Бизга маълумки бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёни асосан тўртта босқичдан иборатдир:

– ҳар бир воқеа (муомала) ҳужжатлаштирилади;

– ушбу воқеа (муомала)даги маълумотлар гуруҳлаштирилиб бир хил кўринишдаги маълумотларга айлантирилади, яъни бухгалтерия ҳисобининг счётларида қайд қилинади;

– Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шакл ва мазмундаги ҳисобот шакллари тўлғазилади;

– хўжалик фаолиятини баҳолаш ва уни яна ҳам ривожлантириш мақсадида тадбирлар белгилаш учун ҳисобот маълумотлари таҳлил қилинади.

Ушбу босқичлар бир бутун булиб ўрганиш жараёнида ушбу бирликка ва уларнинг ўзаро боғланишига эътибор бериш лозим. Бухгалтерия ҳисоботи субъектнинг келгусидаги ишини ривожлантириш, назорат қилиш ва уни баҳолаш, жамоа, таъсисчилар, акциядорлар, бошқарув муассасалари ва қизиқувчи ташкилотлар учун энг асосий ахборот манбаи ҳисобланади.

Ҳисоботлар асосан қуйидаги белгиларга мувофиқ бир биридан фарқ қилади:

– тақдим қилинаётган маълумотларнинг ҳажми бўйича;

– қандай мақсад учун тузилиши;

– қамраган даври бўйича.

Маълумотларнинг ҳажмига қараб ҳисоботлар қуйидагича гуруҳланади:

– қисман - субъектнинг аниқ у ёки бу бўлимнинг фаолиятини тавсифлайдиган ва баҳолайдиган маълумотларни жамғаради;

– умумий - субъектнинг жами хўжалик фаолиятини тавсифлайдиган ва баҳолайдиган маълумотларни жамғаради.

Фойдаланиш мақсадига қараб қуйидагича гуруҳланади:

– ташқи - субъектнинг фаолияти билан манфаатдор ёки унга қизиқувчи шахслар фойдаланиши учун, субъектнинг фаолият тури, даромадининг даражаси ва мулкининг аҳволи тўғрисидаги маълумотлар. Бу ҳисоботни матбуотда эълон қилиш зарурияти туғилади ва халқаро терминда "Омма учун" деб ҳам юритилади;

– ички - хўжалик маъмуриятининг талаби учун тузиладиган ҳисоботлар.

Қамраган даври бўйича ҳисоботлар қуйидагича гуруҳланади:

– даврий ҳисобот - йил ичида тузиладиган кундалик, ҳафталик, ойлик, кварталлик ва ярим йиллик ҳисоботлари;

– йиллик - субъект фаолиятининг йиллик кўрсаткичларини чуқур ва тўлиқ қамраган маълумотлар йиғилади.

Ҳисоботни чуқур ўрганиб ва таҳлил қилиб эришилган муваффақиятларнинг омиллари, камчиликларининг сабабини аниқлаш ва уларни тугатиш учун тадбирлар белгилашга асос бўлади.

Ҳисоботдан ташқи фойдаланувчилар ушбу маълумотларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб қуйидаги имкониятларга эга бўладилар:

– у ёки бу субъект билан иш юритиш лозимлиги ва шарт-шароитларни белгилаш;

– ишончсиз шахсларга қарз бериш ёки бермаслик;

– у ёки бу субъектнинг активини сотиб олишнинг мақсадга мувофиқлиги;

– истеъмолчи ва буюртмачилар билан муносабатни тўғри ўрнатиш;

– келгусида алоқа қиладиган субъектларнинг молиявий аҳволини баҳолаш;

– ишни бошлаш ва юритиш жараёнида баъзи бир таваккалчиликни ҳисобга олиш.

Даврий ва йиллик ҳисоботлар асосан юқори ташкилот, солиқ муассасаси, банк, статистика муассасаларига тақдим қилинади. Айрим ҳолларда таъминотчиларга, манфаатдор ва қизиқувчи шахсларга ҳисобот маълумотлари ҳам берилади.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда йиллик ҳисобот тузилаётганда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг қуйидаги шартларига амал қилиш лозим:

– жорий йил давомида айрим хўжалик муомалаларини қайд қилиш ва Қонунда кўрсатилган тартибда субъектнинг мулкини баҳолаш тартибини белгиловчи қабул қилинган ҳисоб сиёсатига амал қилиш;

Агарда ҳисоб сиёсати ўзгартирилса ушбу ўзгариш йиллик ҳисоботга илова сифатида берилади.

– жорий йилда амалга оширилган хўжалик муомалаларини тўлиқ акс эттириши ва мулк ва мажбуриятларининг инвентаризация маълумотларини тўғри ва тўлиқ юритиш;

– бухгалтерия ҳисобининг счётлар режаси, тегишли Стандартларга асосан ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи

тўғрисидаги Низомга мувофиқ даромад ва сарфларни жорий йилда тўғри ҳисобга олиб бориш;

– ҳисобни ташкил қилишда ишлаб чиқариш ва муомала бўйича жорий харажатларни ва капитал қўйилма харажатларини ажраттан ҳолда ҳисобга олиш;

– йиллик инвентаризация ўтказиш вақтига аналитик ҳисоб маълумотларининг синтетик ҳисоб маълумотига тўғри келиши.

Шундай қилиб, йиллик ҳисобот тузишдан олдин ўтган йилда содир бўлган ҳамма хўжалик муомалалари бухгалтерия ҳисобининг счётларида қайд қилинган бўлиши лозим. Шу билан бир қаторда бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари тўлиқ ва тўғри бўлиши билан йиллик ҳисобот ва бошқа жорий ҳисобот шаклларини чуқур ва ҳаққоний юритиб бориш имкониятига тўла эга бўла олмайди. Чунки субъект мулкининг ва мажбуриятларининг ҳажми ва ҳолати текширилиб ҳисоботга ўзгартиришлар киритилади.

Ҳисоботнинг ишончли бўлишининг асосий шарти жорий йил маълумотларини ўтган йил маълумотлари билан таққослаш имкониятини яратишдир. Ҳисоботдаги маълумотлар ўчирилиши ёки ўзгартирилиши мумкин эмас, агарда ўзгартирилиш киритилса ёки хато ёзувлар тўғриланса ҳисоботга имзо қўйган жавобгар шахслар киритилган ўзгаришларни имзоси билан тасдиқлаши шарт.

Эълон қилинган ҳисобот маълумотларига асосан ташқи истеъмолчилар томонидан қилинган хулосаларнинг ишончли ва мустаҳкамлиги ишбилармонлар томонидан қўйиладиган талабнинг асосидир. Шунинг учун ҳар хил нотўғри хулосалар рўёбга чиқмаслик учун тегишли Низом ва Кўрсатмалар талабига жавоб бериши ёки бермаслиги учун олдиндан махсус лицензияси бўлган юқори малакали аудитор томонидан текширилиб тасдиқнома олинади. Ушбу хулосада - тасдиқномада ҳисобот маълумотлари, субъектнинг молиявий ҳолати баҳоланади ва банкротликка яқинлик даражаси кўрсатилади.

Бухгалтерия ҳисобининг Халқаро стандартидаги асосий талаблардан бири - ҳисобот тушунарли ва оддий бўлишидир. Ҳисобот маълумотларининг сифат белгиси, яъни "яхши" маълумотни "ёмон" маълумотдан ажратиш, ахборотнинг ўз жойида ва ишончли бўлишидир. Чунки ўз жойида ва ишончли бўлиши у ёки бу қарорни қабул қилишда асосий кўрсаткич ҳисобланади. Ахборотларни жой-жойида ва ишончли тақдим қилиш айрим ривожланган давлатларда "объектив ва ҳақиқат кўзгуси" деб

кўзгуси" деб юритилади. Чунки субъектнинг ҳисоботи унинг ҳолати ва фаолиятини акс эттирувчи кўзгу ҳисобланади.

Агарда ҳисобот ахбороти асосан қиймат баҳосига ёки ҳозирги ва келгуси даврда қабул қилинадиган қарорга таъсир қилса ўз жойида берилган ҳисобланади. Ҳисоботда келтирилган маълумотларнинг жой-жойида берилишига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

– ўз вақтида - маълумотлар зарур вақтида берилиши шарт, чунки кечиктирилган маълумотнинг қиймати пасаяди ёки умуман унга зарурият йўқолади;

– прогноз қилиш (истиқболни белгилаш) учун аҳамияти-ҳисобот маълумотлари субъектнинг ҳолати ва фаолиятини баҳолаш ва қарор қабул қилиш учун асос бўлади. Ҳисобот тузувчи ушбу маълумотлардан фойдаланувчиларни қайси маълумотлар қизиқтиришини яхши билиши керак. Чунки у ёки бу маълумотнинг ҳажми ва мазмуни қарорлар қабул қилишда қандай кучга эга бўлишини билиши шарт. Чунки бу маълумотларга асосан у ёки бу истеъмолчи тегишли қарор қабул қилади;

– молиявий-хўжалик фаолиятини ёритиши билан бир қаторда келгусида субъектнинг фаолияти ва равнақи учун қабул қилинадиган қарорлар ва тадбирлар учун асосий омил ҳисобланади, яъни унинг келгусида оладиган даромадлари, сарфлар, дивиденд даражаси, биржадаги баҳоси ва бошқа маълумотларни аниқлаш учун хизмат қилади;

– молиявий-хўжалик фаолиятининг натижаларини таққослаш - ҳисобот маълумотларига асосан субъектнинг олдинги йиллардаги фаолиятининг натижалари билан турдош субъектларнинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятларининг натижалари таққосланади ва истеъмолчилар ва инвесторлар томонидан у ёки бу тадбир учун қарор қабул қилишга асос бўлиб хизмат қилади;

– ишончли маълумотларни акс эттириш - ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчилар учун субъектнинг фаолиятини ва унда содир бўлган воқеаларни объектив, холисона ёритувчи, сифатини белгиловчи кўрсаткичидир. Ушбу ишончли маълумотларни йиғиш ва ёритишга қуйидаги омиллар ёрдам беради:

– маълумотларнинг ҳақиқийлиги - берилган ахборотларда фақат тегишли воқеалар ёритилиши шарт.

Масалан: агарда ҳисоботда фойда ва зарарлар тўғрисидаги маълумотлар маълум даврни қамраган бўлса, фақат шу даврдаги даромадлар ва сарфлар тўлиқ ёритилиши лозим; шунинг учун

тегишли даврдаги ҳисобга олиш ва қўлланилган баҳолар тартиби ва усули, яъни ҳисоб сиёсати тақдим қилиниши лозим;

– мазмунининг шаклдан устунлигини - айрим вақтларда ҳисоботда келтирилган маълумотлар ва воқеалар ҳар хил тушунилади. Ушбу воқеаларни юридик ва иқтисодий томонидан кўриш лозим. Лекин субъектларнинг ҳисобот маълумотларида муомала ва воқеалар асосан иқтисодий мазмунига асосланиб баён қилиниши лозим.

– холислик - фойдаланувчиларнинг қандай бўлишидан қатъий назар ахборотлар объектив (холисона) бўлиши зарур. Бухгалтерия ҳисоботида фойдаланувчиларнинг у ёки бу қарорни қабул қилишга ёрдам берувчи маълумотлар келтиришидан қатъий назар ундаги маълумотлар холис бўлиши шарт;

– эхтиёткорлик (консерватизм) - ҳисобот маълумотларининг ишончлилик даражасини баҳолаётганда унинг номаълумлик омилини ҳам эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Бу маълумотлар ўтган йилда содир бўлган воқеаларни ўзида акс эттиришига қарамай бу воқеаларнинг келгуси даврга таъсир қилиши нуқтаи назарида ўрганиш натижасида уларнинг моҳияти очилади. Шунинг учун ҳам ҳисобот тузаётганда ва ушбу натижаларни баҳолаётганда эҳтиёт бўлиш зарур;

– текшириш мумкинлиги - айрим ҳолларда у ёки бу муомала ёки воқеаларга ишончсизлик билан қаралса мустақил ва малакали аудиторлар томонидан ҳисоботдаги маълумотлар қисман ёки тўлиқ текширилиши мумкин;

– маълумотларнинг таққосланиши - ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчилар субъектнинг ҳисоботига асосан унинг динамикасини ва тузилишини таҳлил қилиши мумкин. Ҳисоботларни таққословчи баҳода ёки бирликда тузиш шу давр ичида ушбу субъект ёки бир нечта турдош субъектларнинг коммерция, ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятларини ўрганиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғриисда"ги Қонунига асосан субъектларнинг йиллик ҳисобот маълумотлари банклар, биржалар, инвесторлар, истеъмолчилар, таъсисчилар, мол етказиб берувчилар ва бошқа ташқи фойдаланувчилар учун очиқ ҳисобланади ва ушбу маълумотлар тегишли тартиб ва муддатда газета ва журналларда чоп қилиниши лозим.

Қонунга мувофиқ субъектнинг чоп қилинаётган ҳисоботи аудитор хулосаси билан тасдиқланиши лозим. Бухгалтерия ҳисоби

ва ҳисоботи тўғрисидаги Низомга мувофиқ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларининг тўғрилиги ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида мулк миқдорини тўғри аниқлаш учун субъектлар ҳисобот тузишдан олдин асосий воситалар, капитал қўйилмалар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва капитал қурилиши, товар моддий қийматликлари, пул маблағлари, ҳисоблашишлар ва баланснинг бошқа моддаларида кўрсатиладиган маблағ ва манбаларни инвентаризация қилиши шарт.

Маълум муддатга субъектда мавжуд бўлган маблағлар ва уларнинг манбалари, ҳақиқатда сарфланган харажатлар, яъни тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг қолдиғини ҳисоблаб аниқлаш ва ҳисоб маълумотлари билан таққослаш инвентаризация ёрдами билан амалга оширилади.

Инвентаризациянинг асосий мақсади субъектнинг балансида акс эттирилган товар-материал қийматликлари, касса, банкдаги счётлардаги пул маблағлари, олинадиган счётлар ва мажбуриятлар, келгуси давр сарфлари, жамғармалар, захиралар ва бошқа моддалардаги суммаларнинг ҳақиқийлигини аниқлашдир.

Инвентаризация ўтказишда қуйидаги вазифалар қўйилади:

– субъектнинг мулки, моддий қийматликлари ва кассадаги пул маблағларининг хақиқий ҳолатини аниқлаш;

– кассадаги пул маблағларини ҳисобдаги пул маблағлари билан таққослаш йўли билан субъект мулкининг мавжудлигини назорат қилиш;

– сотиш мақсадида зарур бўлмаган ва ортиқча асосий воситалар ва моддий қийматликларни аниқлаш;

– моддий қийматликлар ва пул маблағларининг сақланиши, уй-жой фондидан фойдаланиш, гаражлар ва бошқа иморат ва иншоотларни асраш қоидаларига риоя қилишни текшириш;

– олинадиган счётлар ва мажбуриятлар бўйича ҳисоблашишлар, айниқса гумонли қарзлар бўйича ҳисоблашишларнинг ҳолатини текшириш.

Инвентаризация объектини қамраши бўйича икки турда бўлади:

– тўлиқ инвентаризация - субъект ресурсларининг ҳамма турини ўз ичига олади;

– қисман инвентаризация - субъект ресурсининг у ёки бу турини текшириши мумкин - моддий қийматликлар, ёки олинадиган ёки тўланадиган қарзлар ва ҳоказо.

Инвентаризация ўтказилишини кутиш нуқтаи назаридан:

– режага асосан - субъект томонидан илгари тузилган режага асосан ўтказиладиган инвентаризация - йиллик ҳисоботни ва балансини тузишдан олдин ўтказиладиган инвентаризация;

– режадан ташқари (кутилмаганда, тўсатдан) ўтказиладиган инвентаризация - шикоят тушганда, жавобгар шахс алмашганда ва ҳоказо.

Жорий йилда ўтказиладиган инвентаризациянинг миқдори, тартиби, ўтказиш муддати, текшириладиган мулк ва мажбуриятнинг турлари субъект томонидан белгиланади. Лекин қуйидаги ҳолларда инвентаризация ўтказиш шарт:

– субъектнинг мулкини ижарага бериш, сотиш ёки субъектни бошқа мулкчилик шаклига ўтказиш вақтида;

– моддий жавобгар шахс алмашганда;

– ўғирлик, суиистеъмол қилиш аниқланганда, табиий офат, ёнғин ва бошқа экстремал шароитлар натижасида мулкларга зарар етказилганда;

– субъектни тугатганда ёки мулкчилик шакли ўзгарганда;

– Қонунда кўрсатилган бошқа шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда.

Субъектнинг ҳисоботини тузишдан олдин ўтказиладиган инветаризация ишчи инвентаризация комиссияси томонидан амалга оширилади ва унга тафтиш комиссиясининг аъзолари, бухгалтерия ходимлари ва тегишли мутахассислар жалб қилинади.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар йиллик ҳисобот ва баланс тузишдан олдин инвентаризация ўтказилишининг қуйидаги муддати тавсия қилинади:

– асосий воситалар - йилда 1 марта, 1 октябрдан кейин;

– иморат, муқим турган объектлар - 2-3 йилда;

– кутубхона фонди - 5 йилда бир маротаба;

– капитал қўйилмалар- йилда бир марта, 1 декабрдан кейин;

– тугалланмаган ишлаб чиқариш - 1 октябрдан кейин;

– асосий воситаларнинг тугалланмаган таъмирлаши, келгуси давр сарфлари, моддий қийматликлар, кам баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар - йилда бир марта;

– ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар, паррандалар, қуёнлар, бошқа ҳайвонлар, асаларилар ва тажриба учун боқилаётган ҳайвонлар - кварталда 1 марта;

– омбордаги тайёр маҳсулотлар - йилда бир марта, 1 октябрдан кейин;

– омборда ва бозордаги саноат моллари - йилда бир марта;

– омборда ва бозордаги озиқ-овқат маҳсулотлари - йилда икки марта;

– ёнилғи ва мойлаш материаллари, овқатланиш таомлари- ҳар кварталда;

– хом-ашё ва бошқа моддий қийматликлар - 1 октябрдан кейин;

– пул маблағлари, пул ҳужжатлари, пул эквивалентлари, қатъий ҳисобот бланкалари - ҳар ойда;

– банк билан ҳисоблашиш - кўчирма олиш жараёнида;

– бюджет билан ҳисоблашиш - кварталда бир марта;

– олинадиган счётлар ва мажбуриятлар бўйича ҳисоблашиш - йилда икки марта;

– ишлаб чиқариш бўлинмалари билан ҳисоблашиш - ҳар ойнинг 1 кунига;

– баланснинг бошқа моддалари - ҳисобот йилининг кейинги ойининг 1 кунига.

Хўжалик юритувчи субъектларда инвентаризация натижалари бўйича маълумотлар қуйидаги ҳужжатларда қайд қилинади:

– инв.1 шакли "Асосий воситаларнинг инвентаризация рўйхати" асосий воситаларнинг турган жойлари ва жавобгар шахслар бўйича рўйхатга қайд қилинади.

– инв.2 шакли "Инвентаризация ёрлиғи" хом-ашё, тайёр маҳсулотлар, товарлар, материаллар ва бошқа моддий қийматликлар бўйича тўлғазилади. Ушбу шакл маълумотларига асосан "Товар-моддий захираларининг рўйхати" инв.3 шакли тўлғазилади.

– инв.3 шакли "Товар-моддий захираларининг инвентаризация рўйхати" товар-материал қийматликларининг сақланиш жойлари ва моддий жавобгар шахслар бўйича қолдиғи акс эттирилади;

– инв.4 шакли "Жўнатилган товарларнинг далолатномаси"- тўлов муддати келмаган ва тўлов муддати ўтган жўнатилган товарлар бўйича айрим далолатнома тўлғазилади;

– инв.5 шакли "Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликларининг инвентаризация рўйхати"- масъул сақлашга қабул қилинган ТМЗ қайд қилинади;

– инв.6 шакли "Йўлдаги товар ва материалларнинг инвентаризация далолатномаси"- инвентаризация вақтида йўлдаги товар ва моддий қийматликлар тўғрисида маълумотлар қайд қилинади;

– инв.4,5,6 шаклларининг ўрнига тегишли журнал-ордернинг табуляграммаси ёки жамғарма қайдномаси қўлланилиши мумкин;

– инв.8 шакли "Қимматбаҳо металлар ва улардан бўлган буюмларнинг инвентаризация рўйхати";

– инв.9 шакли "Қимматбаҳо тошлар ва жавохирлар ва улардан тайёрланган буюмларнинг инвентаризация рўйхати".

Ушбу қимматбаҳо металл, тош ва жавоҳирларнинг сақланиш ва ишлатиш жойлари бўйича инвентаризация маълумотлари йиғилади:

– инв.10 шакли "Асосий воситаларнинг тугалланмаган капитал таъмирлашни инвентаризация қилиш далолатномаси". Тегишли объектларни капитал таъмирлаш харажатларини қайд қилади;

– инв.11 шакли "Келгуси давр сарфларининг инвентаризация далолатнмоаси" тегишли счётларда қайд қилинган суммаларни текшириш якунлари акс эттирилади;

– инв.12 шакли "Савдо ташкилотларида товарлар, материаллар ва идишларнинг инвентаризация рўйхати";

– инв.13 шакли "Савдо ташкилотларида товарлар, материаллар, идишлар ва пул маблағларининг инвентаризация рўйхати". Ушбу икки шакл ёрдамида савдо ташкилотларида ҳисобга олинган ушбу қийматликларнинг ҳақиқий мавжудлиги жавобгар шахслар бўйича аниқланиб икки нусхада тузилади ва 1-нусхаси жавобгар шахсга ва 2-нусхаси бухгалтерияга топширилади;

– инв.14. шакли "Умумий овқатланиш корхоналарида маҳсулот ва ярим фабрикатлар қолдиғининг инвентаризация рўйхати";

– инв.15 шакли "Пул маблағларининг мавжудлиги бўйича инвентаризация далолатномаси"- кассадаги нақд пуллар, лотереялар, чипталар ва шунга ўхшаш қийматликларнинг ҳақиқий мавжудлиги қайд қилинади;

– инв.16 шакли "Қийматликлар ва қатъий ҳисобот бланкаларининг инвентаризация рўйхати";

– инв.17 шакли "Истеъмолчи, мол етказиб берувчи, дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашишнинг инвентаризация далолатномаси" (таққослаш далолатномаси ҳам дейилади);

– инв.18 шакли "Асосий воситаларнинг инвентаризация натижасини таққослаш жамғарма қайдномаси";

– инв.19 шакли "Товар моддий захираларининг инвентаризация натижаларини таққослаш жамғарма қайдномаси";

– инв.20 шакли "Савдо ташкилотларида товарлар, материаллар ва идишларнинг инвентаризация натижасини таққослаш жамғарма қайдномаси";

– инв.21 шакли "Савдо ташкилотларида товарлар, материаллар, идишлар ва пул маблағларининг инвентаризация натижаларини таққослаш жамғарма қайдномаси";

– инв.18,19,20 ва 21 шакллари тегишли инвентаризация рўйхатларининг маълумотлари билан бухгалтериядаги аналитик ҳисоб маълумотлари таққосланиб ортиқча ёки кам чиққан моддий қийматликлар аниқланади.

Инвентаризация натижасида аниқланган субъект мулкининг фарқлари қуйидагича тартибга солинади:

– ортиқча чиққан асосий воситалар, моддий қийматликлар, пул маблағлари ва бошқа мулкларнинг қабул қилиниши ва молиявий натижаларга ёки жамғармаларнинг кўпайтирилишига ёзилиши лозим;

– қийматликларнинг белгиланган меъёр чегарасидаги камайиши субъект раҳбарининг буйруғига мувофиқ харажатларга ёки субъектнинг зарарига олиб борилиши зарур;

– моддий қийматликларнинг меъёрдан ортиқча аниқланган камомад суммаси жавобгар шахслар зиммасига олиб борилади.

Агарда жавобгар шахс аниқланмаса ёки суд томонидан эътироз билдирилса ушбу камомад суммаси субъектнинг зарарига олиб борилади.

Йиллик ҳисобот муносабати билан инвентаризация комиссияси ташкил қилинади ва бу комиссия инвентаризация ўтказиш режасини тузади.

Ушбу режага асосан инвентаризация натижаси марказий инвентаризация комиссияси томонидан кўрилиб тегишли қарорлар қабул қилинади ва улар бўйича баённомалар тузилади:

– аниқланган камомаднинг миқдори ва сабаби ва уни субъектнинг жавобгарлигига қабул қилиш ёки жавобгар шахсдан ундириш;

– аниқланган ортиқча моддий қийматликларни кирим қилиш тартиби.

Тузилган баённомалар аниқланган камомаднинг миқдори, сабаби ва унинг ҳажмига қараб субъектнинг раҳбари томонидан ёки айрим ҳолларда субъект раҳбарининг илтимосномасига асосан тегишли қарорлар юқори ташкилот томонидан тас-

диқланади. Ушбу тасдиқланган баённомага асосан бухгалтерия бу воқеаларни тагишли счётларда қайд қилади ва инвентаризация маълумотлари билан жорий ҳисоб маълумотларининг бир хиллигини таъминлайди, яъни субъект мулкининг ҳақиқий ҳолатини ёритади.

Инвентаризация ўтказиш натижаларини ёритишни чуқурроқ ўрганиш мақсадида бир нечта мисол келтирамиз:

а) асосий воситаларни инвентаризация қилиш:

Субъектнинг ўзига тегишли асосий воситалари билан бир қаторда ижарага олинган асосий воситалари ҳам инвентаризация рўйхатида (айрим рўйхатда) қайд қилиниб, бухгалтериядаги аналитик маълумотлари билан таққосланади ва инвентаризация натижалари ёритилади ва комиссиянинг баённомаси тузилиб қарор қабул қилинади:

Хўжалик муомалалари	Дебет	Кредит
а) Ҳисобга олинмаган объект (компьютер) аниқланиб кирим қилинди:		
- баланс қийматига	0150	9390
- аниқланган эскиришикириш суммасига	9390	0250
- Камомад ҳисобланган асосий восита (мебель) ҳисобдан чиқарилди		
- баланс қийматига	9210	0140
- эскириш суммасига	0240	9210
- қолдиқ қиймати жавобгар шахснинг зиммасига юкланган суммага	4630	9210
- ушбу объект бўйича жавобгар шахс аниқланмаса, қолдиқ қийматига	9433	9210
Инвентаризация натижасида арзон баҳоли в тез эскирувчан буюм (стол)лар асосий воситага ўтказилганда:		
- бошланғич қийматига	0140	1210
- эскириш суммасига	1310	0240
- фарқ суммасига	9423	1310
б) Товар-моддий захираларининг инвентаризация натижаларини акс эттириш:		
- субъектнинг омборидаги хом-ашёнинг ортиқчаси аниқланди	1010	9390
- фойдаланишдаги АБ ТЭБ ортиқчаси аниқланди:		
- эскириш суммаси (50%)	1220	1310
- қолган суммага	1210	9390
- Асосий восита АБ ТЭБ қаторига ўтказилди:		
- бошланғич қийматига	1210	0140
- эскириш қийматига	9429	1310
- ҳисобга олинмаган вақтинча қурилган (титулсиз) иншоат кирим қилинди	1230	9390
- Омборхоналарда моддий қийматлик (матери-	9433	1010

Хўжалик муомалалари	Дебет	Кредит
ал)ларнинг камомади аниқланди ва хақиқий таннархда акс эттирилди (жавобгар шахс аниқланмаган)		
- Фойдаланишдаги АБ ТЭБ камомади аниқланиб счётларда қайд қилинди (жавобгар шахснинг зиммасига олиб борилди)		
- баланс қийматига	1310	1220
- қолган 50% қийматига	4630	1310
- Камомади аниқланган моддий қийматликлар (нефть маҳсулотлари) ҳисобдан чиқарилди:		
- жавобгар шахслар зиммасига юклатилди	4630	1030
- хақиқий таннархи билан чакана баҳоси ўртасидаги фарқ суммасига	4630	9390
- табиий меъёрда камайиш суммасига	9433	1030
- табиий меъёрдан ортиқча камайиши суммасига, агарда жавобгар шахс аниқланмаса ёки ундириб олиш суд томонидан инкор қилинса	4630 9433	1030 1030
- тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги ортиқча сарф хақиқий таннархда кирим қилинди	2010	1010
- тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги камомад суммаси хақиқий таннархда акс эттирилди	9433	2010
в) Тайёр маҳсулотларнинг инвентаризация натижалари:		
- омборхонадаги тайёр маҳсулотларнинг аниқланган ортиқча қисми кирим қилинди	2810	9390
- омборхоналардаги тайёр маҳсулотларнинг камомади аниқланди ва жавобгар шахснинг зиммасига олиб борилди	4630	2810
г) Пул маблағларининг инвентаризация натижалари:		
- кассада миллий валютадаги нақд пулларнинг ортиқча қисми кирим қилинди	5010	9390
- кассада миллий валютадаги пулларнинг камомади аниқланди ва кассирнинг зиммасига олиб борилди	4630	5010

Дебитор (олинадиган счётлар) ва кредиторлар (қарз мажбуриятлари бўйича) билан ҳисоблашишларни инвентаризация қилишда ҳисоблаш жараёнининг ҳолати тегишли корхона, ташкилот ва жисмоний шахслар бўйича айрим олган ҳолда таққосланади. Бунинг учун ҳар бир дебитор ёки кредиторга хат жўнатилади ёки субъектнинг бухгалтери хизмат сафарига жўнатилиб таққослаш далолатномаси тузилади. Инвентаризация жараёнида муддати ўтган дебитор қарзларга алоҳида эътибор бериш ва уларни ундириб олиш имкониятини топиши зарур. Шу билан бир қаторда шубҳали қарзлар бўйича ушбу суммаларнинг миқдорига захира яратилади. Дебет 8910-"Келгуси сарфлар ва тўловларнинг захираси" ва Кредит 4910-"Шубхали қарзлар бўйича захиралар" счётлари. Ушбу шубхали дебитор

қарзлар бўйича айрим рўйхат қилиниб, ҳар бир дебитор қаторига ишончсизлик сабаби (субъект тугатилган, қарзни инобатга олган субъект йўқ, дебитор қарзини бўйнига олмайди ва ҳоказо) кўрсатилади. Марказий инвентаризация комиссиясининг қарорига асосан ва субъект раҳбарининг буйруғига мувофиқ шубхали қарзларнинг захираси ҳисобига қопланади. Дебет 4910-"Шубхали қарзлар бўйича захиралар" счёти ва кредит 4890-"Бошқа шахсларнинг қарзи" счёти ва ушбу қарз суммаси балансдан ташқаридаги счётда 5 йилгача ҳисобга олиб борилади, дебет 007-"Тўлов қобилиятини йўқотган дебитор қарзларнинг зарарга ўтказилиши" счёти.

Хулоса қилиб айтганда инвентаризация ҳисобот тузишга тайёрланиш ва уни бошлашнинг биринчи босқичи ҳисобланиб субъект мулкининг белгиланган вақтидаги ҳақиқий ҳолатини кўрсатишда асос бўлади ва қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

– инвентаризация объектини белгилаш;
– инвентаризация услубини белгилаш;
– инвентаризация натижаларини қайд қилиш;
– инвентаризация комиссияларининг таклифига мувофиқ марказий комиссяининг қарори ва унинг субъект раҳбари томонидан тасдиқланиши;
– ушбу қарорга мувофиқ инвентаризация натижаларини тегишли регистрлар ва счётларда қайд қилиш.

Хўжалик юритувчи субъектларда квартал ва йиллик ҳисоботларни ўз вақтида тузиш ва топшириш мақсадида бухгалтерия аппаратининг бажарадиган ишлари ва бажариш вақти кўрсатилган умумий иш графиги тузилади. Ушбу таслиқланган графикка асосан бухгалтерия ходимлари қуйидаги ишларни бажарадилар:

– журнал-ордерлардаги суммаларни жамлайдилар;
– зарурият туғилганда суммаларни бир регистрдан иккинчи регистрга ёзадилар;
– счётлар корресопнденциясидаги суммаларни ўзаро таққослайдилар.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида муомала суммаларини ўтказиш ва ҳисоб регистрларини ёпиш тартиби қуйидагича:

– расшифровка варақларидаги дебет ва кредит томони бўйича жамланма суммалари журнал-ордер ва қайдномаларга ўтказилади ва янглишиб кетмаслик мақсадида ушбу суммаларга

белги қўйиб борилади: масалан, 1-қайдномадаги 5000-"Кассадаги пул маблағлари" ва 2-қайдномадаги 5110-"Ҳисоблашиш счётининг" дебетидаги жамланма суммалар 3, 10/1, 13 ва бошқа тегишли журнал-ордерларига ўтказилади;

– 7,12,14,15,16,17 аналитик ҳисоб қайдномалари ва бошқа тегишли қайдномаларнинг суммалари жамланади ва ушбу суммалар тегишли журнал-ордерларга ўтказилади;

– тегишли журнал-ордерлардаги счётларнинг кредитидаги суммалар жамланади.

Агарда журнал-ордерда счётлар бўйича аналитик маълумотлар бўлса суммалар ҳисобланиб келгуси ойга қолдиқ аниқланади ва алоқада бўлган регистрлардаги жамланган суммалар таққосланади.

Мисол: 1-журнал-ордердаги 5110 счётнинг дебети ва 5110 счётнинг кредити ўзаро алоқа қиладиган устундаги суммаларнинг жами ушбу суммаларни кўрсатадиган 2-қайдномадаги счётларнинг суммаси билан таққосланади. Шунга ўхшаш таққослашлар ҳамма журнал-ордерлар бўйича ўтказилиб бўлгандан кейингина ушбу суммалар бош дафтарга кўчирилади ва ушбу суммалар бош дафтарга ўтказилгандан кейин журнал-ордерларга белги қўйиб чиқилади. Хулоса қилиб айтганда молиявий ҳисоботни тузиш жараёни қуйидаги босқичларни босиб ўтади:



Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунига" асосан ва 1997 йил 15 февралдаги Мо-

лия вазирлигининг 5-сон буйруғига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар ўрнатилган муддатларда ва тегишли адресларга қуйидаги шакл ва ҳажмда чорак ва йиллик молиявий ҳисоботлар топширадилар. Чет эл инвестицияси иштирокида ташкил қилинган қўшма корхоналар фақат йиллик ҳисобот топширадилар:

а) йиллик ҳисобот қуйидаги шаклларнинг мажмуасидан ташкил топади:

– бухгалтерия баланси - 1 шакл;

– молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот - 2 шакл;

– дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома - 2а шакл;

– асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот - 3 шакл;

– пул оқимлари тўғрисида ҳисобот - 4 шакл;

– хусусий капитал тўғрисида ҳисобот - 5 шакл;

– тушинтириш хати.

в) ярим йиллик ҳисобот қуйидаги ҳисобот шаклларини ўз ичига қамраб олади:

– бухгалтерия баланси - 1 шакл;

– молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот - 2 шакл;

– пул оқимлари тўғрисида ҳисобот - 4 шакл;

– дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома - 2а шакл.

с) чораклик (уч ойлик) ҳисобот қуйидаги шакллардан ташкил топади:

– бухгалтерия баланси - 1 шакл;

– молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот - 2 шакл;

– дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома - 2а шакл.

Йиллик молиявий ҳисоботга, субъект фаолиятининг ҳисобот йилидаги якуний натижаларига таъсир этувчи асосий омиллар, субъектнинг йиллик молиявий ҳисоботи ва соф фойдани тақсимлаш бўйича қабул қилинган акциядорлар йиғилишининг қарорлари, молиявий ҳисоботнинг текширилганлиги тўғрисидаги аудиторлик хулосалари илова қилинади.

Агар кириш баланси йил бошига ўзгартирилган бўлса, у ҳолда ҳисоботга илова қилинган тушунтириш хатида ўзгартириш сабаблари тушунтирилади. Шунингдек, унда қабул қилинган ва кейинги йилга қабул қилиниши керак бўлган

ҳисоб сиёсати (агар у ҳисобот йилидаги қабул қилингандан фарқ қилса) келтирилади.

Молиявий ҳисобот шаклларидаги кўзда тутилган ҳамма кўрсаткичлар келтирилади. У ёки бу модда (сатр, устун) тўлдирилмаган ҳолларда, яъни субъектнинг керакли активлари, пассивлари, жараёнлари бўлмаганда, ўша моддалар (сатрлар, устунлар) чизиб қўйилади.

Шаклнинг муқова қисми қуйидаги тартибда тўлдирилади.

Зарурий қисм "Хўжалик юритувчи субъект"да - корхонанинг (белгиланган тартибда рўйхатга олинган таъсис ҳужжатларига биноан) тўлиқ номи ва унинг коди ОКПОга мувофиқ кўрсатилади.

Зарурий қисм "Тармоқ (фаолият тури)"да - тармоқ (фаолият тури) ва унинг коди ОКОНХга мувофиқ кўрсатилади.

Зарурий қисм "Давлат мулкини бошқариш органи"да- давлат ёки ҳудудий (агар шундай субъект мавжуд бўлса) субъект устидан бошқарув ҳуқуқига эга бўлган ва молиявий ҳисобот юбориладиган органнинг номи кўрсатилади.

Зарурий қисм "Манзили"да - субъектнинг алоқа учун тўлиқ манзили кўрсатилади.

Зарурий қисм "Назоратдаги миқдор" - субъект томонидан тўлғазилмайди.

Йил (чорак)лик ҳисобот тузишда субъектнинг эгаси ва давлатнинг манфаатларига риоя этиш, инвесторлар, кредиторлар, акциядорлар, солиқ нозирликлари, таъсисчилар, банк муассасалари, халқаро стандартларнинг талабларини ҳисобга олиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг амалдаги Фармонларидан, Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги" Қонунидан, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларидан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1995 йил 4 апрелдаги 17-02/28-сонли хатидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексидан, ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузишга тааллуқли барча амалдаги йўриқномалардан фойдаланиш зарур.

Корхона, ишлаб чиқариш бирлашмаси ва ташкилот ўзининг барча булинмаларининг молиявий-хўжалик фаолиятининг кўрсаткичларини ҳисобот шаклларининг маълумотларига киритиши шарт.

Молиявий ҳисобот тузишда ҳисобот даврининг энг охирги календар куни ҳисобот тузиш куни ҳисобланади.

Тугатилган ёки қайта ташкил қилинган, мулкчиликнинг давлат шаклини жамоа шаклига ўзгартирган субъект ҳисобот даврида йил бошланганидан то тугатилган (қайта ташкил қилинган) давригача ҳисобот беришнинг амалдаги шакллари бўйича ҳисобот топширади.

Янгидан ташкил этилган субъектлар ўз маблағлари ва уларнинг манбаларини (сотиб олиш, қабул қилиш қийматида) ҳисоботда, уларни белгиланган тартибда рўйхатга олинган ойнинг 1 кунидан бошлаб ҳисобот йилининг 31 декабрига, ҳисобот йилининг 1 октябрдан кейин ташкил қилинган субъектлар эса, давлат томонидан рўйхатга олинган кунидан бошлаб ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 31 декабрига кўрсатадилар.

Субъект балансининг моддалари тўлиқ ўтказилган активлар ва пассивлар инвентаризация (йўқлама)сининг маълумотларига асосланган бўлиши керак. Бунинг учун, йиллик ҳисоботни тақдим этишга қадар, амалдаги доимий инвентаризация комиссиясининг аъзолари томонидан инвентаризация натижасида аниқланган моддий бойликларнинг ҳақиқий миқдори билан бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ўртасидаги фарқлар тўғриланиши лозим. Шунингдек, дебитор ва кредитор қарзлари ҳам таққослаш далолатномаси ўзаро тасдиқланган ҳисоблашиш жараёнидаги қолдиқлари расмийлаштирилган хатлар асосида инвентаризация ўтказилган бўлиши керак. Йиллик ҳисоботга илова қилинадиган тушунтириш хатида, ўтказилган инвентаризацияларнинг сони ва натижалари шунингдек, инвентаризация муддати ўтказилган инвентаризацияларнинг сони ва натижалари шунингдек, инвентаризация ўтказилмаган бўлса, унинг сабаблари акс эттирилиши шарт.

Баланс моддаларининг миқдори молия, солиқ органлари ва банк муассасаларининг ҳисоблари билан таққосланган ва айнан бир хил бўлиши шарт. Ушбу ҳисоблашишлар бўйича ноаниқ миқдорларни балансда қолдиришга йўл қўйилмайди.

Молиявий ҳисоботнинг тегишли шаклларида бирорта ўчириш ёки чизиб тўғрилаш бўлмаслиги керак. Агар шундай ҳолларга йўл қўйилса, хато тузатилган сана кўрсатилган ҳолда ҳисоботнинг ушбу шаклларига масъул шахслар имзо чекиб тасдиқланган ва ушбу шахсларнинг тегишли изоҳлари бўлиши шарт.

Жорий йил ҳисоботи (у тасдиқлангандан сўнг) маълумотларининг ҳам, жорий ҳисобот маълумотларининг ҳам нотўғрилиги

эътироф этилса, бу нарса жорий ҳисоботда (хатога қайси даврда йўл қўйилган бўлса ўша давр ҳисобига, чорак, йил бошидан) тўғриланади.

Йиллик молиявий ҳисоботни текшириш мобайнида ишлаб чиқариш харажатларига, унга боғлиқ бўлмаган харажатларни қўшиш натижасида даромаднинг яширилганлиги ёки молиявий натижанинг камайтирилганлиги аниқланган ҳолларда, жорий йилги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига ўзгартириш киритилмасдан, балки ҳисобот даврида аниқланган жорий йил фойдаси кўринишида ҳисоботда акс эттирилади.

Бухгалтерия баланси 1-шакл

Бухгалтерия баланси ҳисобот даврининг боши ва охирида субъектга тегишли бўлган мулкнинг ҳақиқий ҳолати ва мавжудлигини ўзида акс эттиради.

Баланс тузишга қадар, жорий йил охирига аналитик счётларнинг оборот (айланма)лари ва қолдиқлари билан Бош дафтардаги счётларнинг оборот (айланма)лари ва қолдиқлари албатта таққосланиши зарур.

Жорий йил охирига бўлган баланс маълумотлари субъектнинг ташкилий қайта кўрилиши, товар-моддий захираларининг қайта баҳоланиши ва бошқа шунга ўхшашларни ҳисобга олган ҳолда, 3-устунда, яъни кириш балансининг маълумотлари йил бошига кўрсатилади.

Баланс моддаларининг ва умумий суммасининг йил бошига ва йил охирига маълумотларининг бир-бирига мос бўлиши учун, тасдиқланган баланс моддалари йил охирига бўлган баланс моддалари ва гуруҳланган бўлимларига мос келтирилиши шарт.

010. "Асосий воситалар" моддасида ҳам ҳаракатдаги, ҳам консервация ёки захирадаги асосий воситалар тўғрисида маълумотлар кўрсатилади.

Шунингдек, бу моддада ер унумдорлигини оширишга (мелиорациялаш, уларнинг захини ювиш, ирригацион ва бошқа ишлар) қилинган капитал қўйилмалар, ижарага олинган бинолар, иншоотлар, жиҳозлар ва асосий воситаларга кирувчи бошқа объектлар ҳам акс эттирилиб, ҳамда бу моддада субъект томонидан амалдаги қонунчиликка биноан, ер участкаларини сотиб олишга ҳақиқатда сарфланган ҳаражатлар ҳам кўрсатилади.

Ижарачи ва ижарага берувчи ўртасида тузилган ижара шартномаси (ёки бошқа аҳдлашув)га биноан ижарага олинган асосий восита ижара муддатининг тугаши билан ёки шартномага мувофиқ сотиб олиш баҳосига ўтказиб бериш билан ижарачи мулки ҳисобланган асосий воситалар, ҳамда 0310-"Лизинг шартнома бўйича олинган асосий воситалар" счётида ҳисобга олинувчи узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситалар ҳам кўрсатилади.

Корхонанинг 0100-"Асосий воситалар" ва 0310-"Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар" счётларида ҳисобга олинган асосий воситалар бўйича ҳисобланган эскириш суммалари ушбу моддада алоҳида кўрсатилади. Асосий воситаларга эскириш ҳисоблашда, асосий фондларни тўлиқ қайта тиклашда белгиланган ягона амортизация ажратмаларининг меъёрларидан фойдаланиш керак.

020. "Номоддий активлар" моддасида субъект ўз хўжалик фаолияти давомида узоқ давр мобайнида фойдаланадиган ва унга даромад келтирадиган номоддий объектларга сарфланган харажатларини кўрсатади. Буларга, табиий ресурслардан, ер майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқлари, патентлар, лицензиялар, ақлий мулк, ташкилий харажатлар ва солиқлар киради. Номоддий активларни таъсисчилар (мулкдорлар) томонидан субъектнинг Устав капиталига ҳисса тарзида қўйган бўлиши ёки субъект ўз фаолияти давомида сотиб олган бўлиши мумкин.

Ушбу модда бўйича номоддий активлар ҳам бошланғич, ҳам қолдиқ қийматларида алоҳида, шунингдек ҳисобланган эскириш моқдорларида келтирилади. Номоддий активларнинг эскириш меъёри субъект томонидан уларнинг бошланғич қиймати ва улардан фойдаланиш муддатларидан келиб чиққан ҳолда (лекин субъектнинг фаолият кўрсатиш муддатидан ошмаган ҳолда) ҳисобланган ойлик меъёрлари бўйича ҳисобланиб, ойма-ой маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннархига (давр харажатларига) олиб борилади. Хизмат қилиш муддатларини аниқлаб бўлмайдиган номоддий активлар бўйича эскириш меъёри беш йилга (лекин субъектнинг фаолият кўрсатиш муддатидан ошмаган ҳолда) белгиланади.

030. "Капитал қўйилмалар" моддасида хўжалик ва пудрат усулларида олиб борилаётган, тугалланмаган қўрилишларнинг қиймати кўрсатилади.

Асосий подани ташкил этиш, геология-қидирув ишлари бўйича харажатлар, шу мақсадларда вақтинчалик фойдаланиш учун субъектлар томонидан бўнак (аванс) тарзида берилган қўйилмалар ҳам ушбу моддада акс эттирилади.

"Авлод корхоналаридаги акциялар" (040-сатр) моддасида 0600-"Узоқ муддатли инвестициялар" 0620-"Авлод корхоналарига инвестициялар" счётининг аналитик қисмида ҳисобга олинувчи авлод корхоналарнинг акциясига қўйилган маблағларнинг миқдори бўйича маълумотлар кўрсатилади.

"Авлод корхоналарга берилган қарзлар" (050-сатр) моддасида 4110-"Бўлинмалардан олинадиган счётлар" 0620-"Авлод корхоналарига инвестициялар" счётида ҳисобга олинадиган авлод корхоналарга берилган қарзларнинг миқдори акс эттирилади.

"Уюшма корхоналаридаги акциялар" (050-сатр) моддасида аналитик ҳолда 0600-"Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар" 0640-"Уюшма корхоналарига инвестициялар" счётида ҳисобга олинувчи уюшган корхоналарнинг акциясига қўйилган маблағларнинг миқдори кўрсатилади.

"Уюшма корхоналарига берилган қарзлар" (070-сатр) моддасида 4110-"Айрим баланслаги бўлинмалардан олинадиган счётлар" счётида ҳисобга олинадиган уюшма корхоналарига берилган қарзларнинг миқдори акс эттирилади.

"Узоқ муддатли инвестициялар" (080-сатр) моддасида давлатнинг даромад келтирувчи активларига (қимматбаҳо қоғозлар-акция, облигациялар), Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ташкил этилган субъектларнинг устав капиталига (уюшма ва шўъба корхоналарнинг устав капитали буларга кирмайди) ва бошқа шу кабиларга қўйилган (бир йилдан кам бўлмаган муддатга) инвестицияларнинг миқдори кўрсатилади (бошқа субъектларга берилган қарзлар бунга кирмайди).

Молиявий инвестициялар белгиланган солиқ тартибига кўра сарфланган ҳақиқий харажатлар миқдорида ҳисобга олинади.

Агар инвестор дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлиб, қўйилма учун масъулиятни ўзига олганда, тўлиқ тўланмаган акция ва улушларнинг тўлиқ сотиб олиш қиймати баланснинг активида, тўланмаган қиймати эса, баланс пассивининг кредиторлар моддасида кўрсатилади. Бошқа ҳолларда, сотиб олишга мўлжалланган акция ва улушлар учун ўтказилган суммалар баланс пассивининг дебиторлар моддасида кўрсатилади.

"Бошқа қарзлар" (090-сатр) моддаси бўйича 0990-"Бошқа узоқ муддатли дебитор қарзлари" счётида ҳисобга олинадиган ва юқоридаги моддаларда ҳисобга олинмаган узоқ муддатли қарзларнинг миқдори кўрсатилади.

Бундан ташқари, баланс активининг "Бошқа дебиторлар" моддасида меҳнат ҳақи тўловлари бўйича ҳисоблашишлар ва суғурталарни акс эттирувчи счётларнинг дебет қолдиғи кўрсатилади.

"Бошқа активлар" (100-сатр) моддасида юқоридаги моддаларда келтирилмаган узоқ муддатли воситалар ва қўйилмалар кўрсатилади. Шу билан бирга, ижарага берувчи субъект 0920-"Олинадиган лизинглар" счётида ҳисобга олинувчи узоқ муддатга ижарага берилган асосий воситалар бўйича ижара тўлови мажбуриятининг қолдиқ миқдорини кўрсатади.

"1-бўлим бўйича Жаъми" (110-сатр) моддасида 012, 022, 030, 040, 050, 060, 070, 080, 090 ва 100 сатрларнинг йиғиндиси кўрсатилади.

Баланс активининг 2-бўлими "Оборот активлари"да субъектнинг мулки бўлган қисқа муддатли активларнинг миқдори кўрсатилади.

"Ишлаб чиқариш захиралари" (120-сатр) моддасида 1000-"Материаллар", 1100-"ўстиришда ва боқувдаги ҳайвонлар" ва 1210-"Омбордаги арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар" счётларида ҳисобга олинадиган хом-ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, чиқиндиларнинг қайтими, ёқилғи, сотиб олинган ярим фабрикатлар (ярим тайер маҳсулотлар) ва бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, бўш идишлар ва бошқа моддий қийматликларнинг ҳақиқий таннархи, арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар, шу жумладан махсус асбоб-ускуналар ва мосламалар, махсус оёқ кийимлар ва ёток жиҳозларининг қолдиқ қиймати (1200-"Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар" счётларида ҳисобга олинган буюмларнинг дастлабки қиймати билан Ўзбекистон Республикасида тегишли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига мувофиқ ҳисобланган ва 1300-"Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларнинг эскириши" счётларида ҳисобга олинган эскириш миқдори ўртасидаги фарқ кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш захираларини ҳамда арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларни ҳисобга олиш учун фойдаланилган 1510-"Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш" ва 1600-"Материалларнинг қийматидаги фарқлар" счётларидаги

кўрсатилган суммалар "Ишлаб чиқариш захиралари" моддасида акс эттирилади.

"Тугалланмаган ишлаб чиқариш" (130-сатр) моддасида тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ишлар (хизматлар) бўйича сарфланган харажатлар, яъни бухгалтерия ҳисоби счётлар режасининг "Товар-моддий захиралари" номли 2-бўлимнинг счётларида ҳисобга олинадиган харажатлар кўрсатилади. Бунинг учун тугалланмаган ишлаб чиқариш, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 5 феврал куни 54-сон қарори билан "Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ даромаддан олинадиган солиқни ҳисоблашда эътиборга олинадиган режалаштириш, ҳисобга олиш ва маҳсулот (иш, хизмат) таннархини калькуляция қилиш бўйича услубий тавсияномаларга мувофиқ ҳисобланган баҳода акс эттирилади.

Субъектлар (қурилиш, илмий текшириш ва қидирув билан шуғулланувчи) жорий йилда буюртмачилар билан тузилган шартнома асосида алоҳида моҳиятга эга бўлган тугалланган иш босқичлари учун ҳисоблашишларни амалга оширади ва уни ҳисобга олади. Ушбу усулда буюртмачи балансга фақатгина тўлиқ тайёр бўлган маҳсулотларни қўшади.

Бухгалтерия ҳисобида тугалланган, белгиланган тартибда қабул қилинган ва тўланган босқичлар ёки счётларнинг (банк томонидан тўлашга қабул қилинган) ҳақиқий харажатларининг миқдори 2010-"Асосий ишлаб чиқариш" счётидан 9110-"Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи" ёки 9130-"Сотилган иш ва хизматларнинг таннархи" счётларининг дебетига чиқим қилинади. Бир вақтнинг ўзида тўланган ёки тўловга қабул қилинган счётлардаги миқдорга 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар"нинг дебети билан 9010-"Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар" ёки 9030-"Иш ва хизматларни сотишдан олинган даромадлар" счётларининг кредити корреспонденцияланади. Буюртмачилардан бажарилган ишларнинг тугалланган ва қабул қилинган босқичлари учун олинган маблағлар 5110-"Ҳисоблашиш счёти"нинг дебетига ва 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счётининг кредитида акс эттирилади.

Ҳамма ишлар тугатилиши билан буюртмачи томонидан жами босқичлар учун тўланган ҳақ қиймати 4010-"Харидор ва бу-

юртмачилардан олинадиган счётлар" счётининг кредитига ёзилади.

4010 счётда ҳисобга олинган тўлиқ тугатилган ишлар қиймати олинган бўнак (аванс) ҳисобига 6310 счётнинг дебети ва 4010 счётнинг кредитлари бўйича ёзув қилинади ва буюртмачилардан охирги ҳисоблашишга кўра олинган сумма ҳисобига (5110 счётнинг дебети ва 4010 счётнинг кредити) ёпилади.

Шунингдек, ушбу моддада қишлоқ хўжалигининг тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари, тайёр маҳсулотнинг ишлаб чиқариш қиймати айрилган ҳолда акс эттирилади ва ҳисобот давринининг охирига нисбатан тугалланмаган асосий воситаларни таъмирлаш ишлари бўйича харажатлар кўрсатилади.

"Тайёр маҳсулот" (140-сатр) моддасида буюртмачилар билан тузилган шартнома асосида ва тегишли техник шартларга ҳамда стандартларга мувофиқ барча қисмлари билан бутланган ва қабул қилиш учун синовдан ўтказилган, тўлиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қолдиғи ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархида кўрсатилади. Кўрсатилган талабларга жавоб бермайдиган маҳсулотлар, топширилмаган ишлар тугалланмаган ҳисобланади ва тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг таркибида кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш учун 2800-"Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар" фойдаланганда, тайёр маҳсулот ушбу моддада меъёрий (режа) таннархда акс эттирилади.

"Олиб сотиладиган товарлар" (150-сатр) моддасида ўз Низомига кўра савдо ва умумий овқатланиш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар сотиб олган товарлари қолдиғининг қийматини кўрсатади. Бунда умумий овқатланиш субъектларининг ошхона ва омборларида қолган хом ашёларни, шунингдек емакхоналардаги товарларнинг қолдиғи кўрсатилади.

Бу моддада саноат ва бошқа ишлаб чиқариш субъектлари сотиш учун келтириладиган маҳсулотларни, материалларни, буюмларни, шунингдек саноат корхоналаридаги келтирилган маҳсулотларни (лекин чиқарилаётган маҳсулот таннархига қўшилмайдиган), яъни харидор томонидан алоҳида ҳақ тўланадиган тайёр буюмларнинг қийматини кўрсатади.

Ушбу моддада товарларнинг қиймати сотиб олиш ва сотиш баҳоларида алоҳида, шунингдек мол етказиб берувчилар томонидан бериладиган чегирмалар ва товарларга қўйилган устама баҳо суммалари алоҳида келтирилади.

"Келгуси давр сарфлари" (160-сатр) моддасида ҳисобот даврида сарфланган, лекин келгуси ҳисобот даврларида ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига олиб бориладиган, яъни вақт оралиғида узилиши лозим бўлган харажатларнинг миқдори кўрсатилади. Бундай харажатларга шу билан биргаликда асосий воситаларни ўз вақтидан ташқари ўтказилган таъмирлаш (таъмирлаш жамғармаси ташкил қилинмаган субъектлар бўйича), даврий нашрларга, обуна, олдиндан тўланган ижара ҳақи ва бошқа харажатлар ҳам киради.

"Миллий валютадаги пул маблағлари" (170-сатр) моддасида субъектнинг 5100-"Ҳисоблашиш счёти", 5500-"Банклардаги махсус счётлар", 5600-"Пул эквивалентлари ва йўлдаги пул маблағлари", 5700-"Йўлдаги пул ўтказмалари" счётларидаги пул маблағларининг қолдиқ миқдорлари кўрсатилади. Баланснинг бу моддасида акс эттирилган маблағлар миқдори банк кўчирмаларидаги миқдорларга мос келиши шарт.

"Хориж валютасидаги маблағлар" (180-сатр) моддасида субъектнинг банкдаги хориж валютасидаги счётлардаги маблағларни Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан ҳисобот даврининг охирги кунига белгиланган курс бўйича сўмга айлантирилган хориж валютасидаги маблағларининг қолдиғи кўрсатилади.

"Ғазнадаги пул маблағлари" (190-сатр) моддасида баланс тузилган кунга субъектнинг ғазнасидаги миллий ва хориж валютасидаги маблағларининг қолдиғи кўрсатилади. Маълумотлар 5010-"Миллий валютадаги пул маблағлари" ва 5020-"Хориж валютасидаги пул маблағлари" счётларидан олинади.

"Қисқа муддатли қўйилмалар" (200-сатр) моддасида бошқа субъектларнинг қимматбаҳо қоғозларига, фоизли давлат облигацияларига маҳаллий қарзларга ва шунга ўхшаш бошқа қарзларга қилинган қўйилмалар (инвестициялар) (бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда) ва шу билан бирга бошқа субъектларга берилган қарзларнинг миқдори кўрсатилади. Ушбу маълумотлар 5800-"Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар"нинг қолдиғидан олинади.

"Сотиб олинган хусусий акциялар" (210-сатр) моддасида субъектнинг ўзи чиқарган хусусий акцияларини қайта сотиб олиб, кейинчалик тарқатиш учун бир йил муддатгача ўзида сақланган акцияларнинг миқдори кўрсатилади. Сотиб олинган хусусий акциялар 5810-"Қимматбаҳо қоғозлар" счётида ҳисобга олинади. Фойданинг тақсимланишида сотиб олинган хусусий акциялар бўйича дивидендлар ҳисобланмайди.

"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" (220-сатр) моддасида харидорларга жўнатилган маҳсулот ва товарлар, буюртмачиларга (харидорларга) топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар тўлиқ ҳақиқий таннархда, молиявий натижани аниқлашда эса жўнатиш ёки смета қийматларида субъектнинг пул маблағлари (ёки бошқа) счётларига тўловлар келиб тушгунга қадар ёки ўзаро тўлов талабномаларида ҳисобга олингунча ва олинган васиқалар билан таъминлангунга қадар кўрсатилади. Ушбу маълумотлар 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" ва 4020-"Олинган васиқаларнинг жорий қисми" счётларининг қолдиғидан олинади.

"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнак (аванс)лар" (230-сатр) моддасида бошқа субъектларга кейинчалик ҳисоблашишлар учун берилган бўнак (аванс) миқдорлари 4300-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар" счётининг маълумотларига асосан кўрсатилади.

"Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бўнаклар" (240-сатр) моддасида солиқ ва молия муассасаларига берилган бўнаклар, шу билан биргаликда солиқлар бўйича кўп тўланганлик ҳолатлари қўшилган ҳолда, бюджетга бўлган йиғим ва бошқа тўловлар кўрсатилади.

"Ходимларга берилган бўнаклар ва уларнинг бошқа қарзлари" (250-сатр) моддасида субъект ишчи ва ходимларининг банк ёки шу субъектнинг маблағлари ҳисобига олган кредит ва қарзлари, субъектга келтирилган моддий зарарни қоплаш ва ушбу кабилар бўйича бўлган қарзлар кўрсатилади. Шу билан биргаликда бу моддада жамоа ва шахсий уй-жой қурилишига ёки дала ҳовли сотиб олиш ва боғ участкаларида яшаш шароитини яхшилаш учун ходимларга берилган қарзлар, ёш оилаларга яшаш шароитларини яхшилаш ва уй хўжалигини ташкил этиш учун бериладиган фоизсиз қарзлар акс эттирилади. Тегишли маълумотлар 4400-"Ходимларга берилган бўнаклар" ва 4600-"Ходимларнинг бошқа муомалалар бўйича қарзлари" счётларидан олинади.

Субъект балансининг активи ва пассивидаги "Авлод корхоналаридан олинадиган счётлар" (065-сатр) моддасида, авлод корхоналари билан бўлган жорий ҳисоблашишлар (балансларо ҳисоблашувлар) бўйича олинадиган маблағларнинг суммалари акс эттирилади. Бунда авлод корхонаси тимсолида ҳуқуқий шахс ҳисобланувчи ҳамда инвестицион ва молиявий фаолиятини белгилаш ҳуқуқи асосий субъектга доимий равишда берил-

ган корхоналар тушунилади. Асосий субъект ва унинг авлод корхонаси бўйича маълумотлар жамланиши лозим. Йиғма ҳисоботда ушбу кўрсатилган моддалар жамланади.

"Айрим балансга ўтказилган бўлинмалардан олинадиган счётлар" (260 ва 270-сатр) моддасида филиаллар ва уюшма корхоналари билан бўлган жорий жараёнлар бўйича 4110-"Мустақил балансдаги бўлинмалардан олинадиган счётлар" счётида юритиладиган ҳисоблашиш маълумотлари акс эттирилади.

"Таъсисчиларнинг қарзи" (280-сатр) моддаси бўйича 4710-"Таъсисчиларнинг устав капиталига қўшадиган улушлари бўйича қарзлари" счётида ҳисобга олинадиган субъект таъсисчиларининг устав капталига улуши бўйича қарзлари кўрсатилади.

"Бошқа дебиторлар" (290-сатр) моддасида 4420, 4430 ва 4490 счётларнинг маълумотларига асосан ҳисобдор шахсларнинг, товар-моддий қийматликларни қабул қилиш пайтида аниқланган камомадлар бўйича мол етказиб берувчиларнинг қарзлари (4210 счётга асосан) кўрсатилади. Шунингдек бу моддада хўжалик фаолияти натижаларига олиб бориладиган, яъни қарздор томонидан тан олинган ёки суд, арбитраж ва бошқа муассасалар томонидан уларни ундириш тўғрисидаги қарори билан олинган жарималар, ўсимлар ва беқарорлик тўловлари акс эттирилади.

Ушбу маълумотлар 4820 ва 4890 счётлардан олинади.

"2-бўлим бўйича Жами" (300-сатр) моддасида 120-290 сатрларнинг йиғиндиси кўрсатилади.

"Баланснинг активи бўйича ҳаммаси" (310-сатр) моддасида 110 ва 300 сатрларнинг йиғиндиси ёрдамида топилувчи баланс активининг умумий суммаси кўрсатилади.

Баланснинг пассиви икки бўлимдан: "Ўз маблағларининг манбалари" ва "Мажбуриятлар"дан таркиб топган.

"Ўз маблағларининг манбалари" бўлими қуйидаги моддалардан таркиб топган:

"Устав капитали" (320-сатр) моддасида субъект таъсисчиларининг Устав капиталига қўшган ҳиссаларининг (қисмлар, номинал қийматдаги акциялар, улуш бадаллари) мажмуи, яъни таъсис ҳужжатларида рўйхатга олинган миқдорлар кўрсатилади.

Балансда Устав капитали ва таъсисчиларнинг устав капиталига қўшиши керак бўлган ҳақиқий қарзи алоҳида кўрсатилади.

"Қўшилган капитал" (330-сатр) моддасида субъект ўз акцияларини номинал қийматдан юқори баҳоларда бирламчи сотиш-

дан олдин олинган эмиссия даромадларининг миқдори кўрсатилади. Ушбу маълумотлар 8521 "Эмиссия даромадлари" счётидан олинади.

"Захира капитали" (340-сатр) моддасида субъектнинг Низомига мувофиқ фойда ҳисобидан ташкил қилинган захиралар мол-мулкини қайта баҳолашда ташкил этилган захиралар, шунингдек беғараз олинган мулклар ва ҳиссадорлик (ўртоқчилик) жамиятларини мулкларини оширадиган бошқа (пулли маблағлардан ташқари) тушумларнинг миқдори кўрсатилади. Бу моддалар учун маълумотлар 8531-"Активларни қайта баҳолаш", 8523-"Текинга олинган мулклар" счётларининг маълумотларига асосан тўлғазилади.

Чораклик ҳисоботнинг "Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар") (350сатр) моддасида соф (нетто) фойда, яъни тайёр маҳсулот, ярим-фабрикат, сотиб олинган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг сотилишидан аниқланган молиявий натижалар, шунингдек муомалавий даромадлар ва тушумлар, 9430-"Бошқа муомалавий сарфлар" счётидаги харажатлар, субъектнинг молиявий фаолияти бўйича даромад ва харажатлари, фавқулоддаги, яъни кутилмаган тасодифий фойда ва зарарларни акс эттирувчи 9000, 9100, 9300, 9430, 9500, 9600, 9700 счётлари билан 9800 счётда қайд қилинадиган ҳисобот йили мобайнида тўланиши керак бўлган солиқлар, шунингдек якуний ҳисобланилган фойда (даромад) солиғи ва атроф муҳитни тозалаш учун маҳаллий йиғимларни акс эттирувчи 9800-"Солиқ ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилиши" счётларининг қолдиқлари ўртасидаги фарқ кўрсатилади.

Ҳисобот йилининг охирида 9800-"Солиқ ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилиши" счётларининг дебетида йиғилган миқдор 9900-"Якуний молиявий натижа" счётининг дебетига олиб борилиб ушбу 9800 счёт ёпилади ва 1 январ санасига қолдиқ қолмайди.

Ҳисобот йилида 9900-"Якуний молиявий натижа" счётида қоладиган қолдиқ фойда (зарар) 8710-"Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)" счётининг (зарар) дебетига ёки (соф фойда) кредитига олиб борилади ва ушбу 9900 счёт ёпилади.

Йиллик ҳисоботда 8710-"Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)" счётининг кредитига ўтказилган фойда ҳам кўрсатилади. Шу билан бирга агарда 8720-

"Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)" счётида ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойда қолдиғи бўлса. Ҳисобот йилидаги тақсимланмаган фойданинг қолдиғи олдинги йилгиси билан қўшилиб кўрсатилади.

Агарда субъект зарар кўрса у ҳолда бу зарар шу сатрда "манфий" белги билан чорак охирида кўрсатилади. Шу билан бирга 9800-"Солиқ ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилиши" счётлари қолдиғининг 9900-"Якуний молиявий натижалар" счётининг қолдиғидан ортиқча миқдори ҳам "манфий" белги билан кўрсатилади.

Ҳисобот йилидаги субъектнинг кўрган зарари декабр ойидаги 9900-"Якуний молиявий натижалар" счётининг якуний оборотлари 8700-"Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)" счётининг кредити билан корреспонденциялангандан кейин ҳисоботнинг "Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)" моддасида кўрсатилади. Ҳисобот даврида олинган зарар миқдори ҳам йил мобайнида шу сатрда акс эттирилади.

"Мақсадли тушум ва жамғармалар" (360-сатр) моддасида мақсадли тадбирларни амалга ошириш учун 78 ва 88 "Грант ва субсидиялар" счётида ҳисобга олинган бюджетдан, тармоқ ва тармоқдан ташқари махсус мақсадларга мўлжалланган жамғармалардан, юридик ва жисмоний шахслардан келган пул маблағларининг қолдиғи кўрсатилади.

"Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун захиралар" (370-сатр) моддасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини 1994 йил 26 мартдаги 164-сонли Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида"ги Низом ва тегишли БҲМС ва "Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом"га мувофиқ ишчилар таътилига ҳақ тўлаш, ҳар йилги мукофот тўловлари, хизмат кўрсатиши, асосий воситаларни таъмирлаш ва шунга ўхшаш мақсадлар учун захираланган маблағларнинг қолдиғи кўрсатилади. Харажатларнинг захираланиши, уларни ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига бир текисда қўшиш имконини беради.

"Келгуси давр даромадлари" (380-сатр) моддасида ҳисобот даврида олинган, лекин кейинги ҳисобот даврларига тегишли бўлган маблағлар (ижара ҳақлари ва шу кабилар), шунингдек амалдаги тартибга биноан 9550-"Молиялаштириладиган лизинг бўйича даромадлар" счётида ҳисобга олинадиган маблағларнинг миқдорлари кўрсатилади.

"I-бўлим Жами" (390-сатр) моддасида 320-380 сатрларнинг йиғиндиси кўрсатилади.

"Узоқ муддатли қарзлар" (400-сатр) моддасида бошқа корхона ва муассасалардан (банклардан ташқари) олинган узоқ муддатли (тўловни узиш муддати бир йилдан кам бўлмаган) қарз миқдорлари кўрсатилади.

Ижара берувчидан узоқ муддатли ижара шарти билан олинган асосий воситалар бўйича қарзларнинг ҳолати 6810-"Тўланадиган молиялаштириладиган лизинг" счётларида ҳисобга олинувчи кредиторлик қарзи ижарачи томонидан 0310-"Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар" счётида ҳисобга олиниб, унинг миқдори ҳам шу сатрда кўрсатилади.

"Узоқ муддатли кредитлар" (410-сатр) моддасида банк билан келишилган ҳолда улардан олинган узоқ муддатли (тўловни узиш муддати бир йилдан кам бўлмаган) кредитлар бўйича қарзлар миқдори кўрсатилади. Ушбу моддани тўлғазиш учун маълумотлар шу номдаги 7510 счётдан олинади.

"Қисқа муддатли қарзлар" (420-сатр) моддасида 6970-"Банкдан ташқари қарзлар" счётида ҳисобга олинувчи бошқа юридик ва жисмоний шахслардан (банклардан ташқари) олинган қисқа муддатли (тўловни узиш муддати бир йилдан кўп бўлмаган) қарзлар бўйича қарз миқдорлари кўрсатилади.

Бундан ташқари ушбу моддада 6920, 6930 ва 6990 счётларнинг маълумотлари ҳам келтирилади.

"Қисқа муддатли кредитлар" (430-сатр) моддасида банк билан келишилган ҳолда улардан олинган (тўловни узиш муддати бир йилдан кўп бўлмаган) кредитларнинг миқдори кўрсатилади. Шу билан бирга бу моддада якка тартибдаги уй-жой, дала ҳовли қуриш, бошқа мақсадлар учун ходимларга берилган банк ссудалари, шунингдек савдо корхоналарига улар томонидан ходимларга кредитга сотилган товарлар қийматини қоплаш бўйича олинган қарзларнинг миқдори ҳам кўрсатилади. Маълумотлар 6910-"Банкнинг қисқа муддатли кредитлари" счётидан олинади.

"Харидор ва буюртмачилардан (счётларга келиб тушган) олинган бўнаклар" (440-сатр) моддасида маҳсулотлар етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун 6310-"харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар" счётида ҳисобга олинувчи харидор ва буюртмачилардан кейинги ҳисоблашишлар бўйича олинган бўнакларнинг миқдори кўрсатилади.

"Мол етказиб берувчиларга бўлган қарзлар" (450-сатр) моддасида кирим қилинган моддий қийматлик, бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга, шунингдек фактураланмаган ТМЗ учун мол етказиб берувчиларга бўлган қарзларнинг миқдори акс эттирилади. Бундан ташқари, бу ерда 6010, 7010-"Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" 6020, 7020-"Берилган васиқалар" счётларида ҳисобга олинган мол етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар билан таъминлаш учун субъект томонидан берилган васиқалар бўйича қарзларнинг миқдори ҳам кўрсатилади.

"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" (460-сатр) моддасида субъектнинг бюджетга бўлган тўловларининг барча турлари бўйича, шу билан бирга ўзининг ходимларидан ушланадиган даромад солиғи бўйича қарзлар 6410-"Бюджетга тўлов бўйича қарзлар" счётида кўрсатиладиган суммалар акс эттирилади.

"Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар" (470-сатр) моддасида ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган меҳнат ҳақининг миқдорлари 6710-"Меҳнат ҳақи юзасидан ходимлар билан ҳисоблашишлар" ва 6720-"Депонентланган меҳнат ҳақи" счётлари бўйича қолдиқ суммалари кўрсатилади.

"Ижтимоий суғурта ва нафақа таъминоти бўйича қарзлар" (480-сатр) моддасида субъектнинг ижтимойи суғурта, нафақа таъминоти ва тиббий суғурта ажратмалари бўйича қарзларнинг миқдори акс эттирилади.

Ушбу маълумотлар 6520-"Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар" счётидан олинади.

"Мулк ва шахсий суғурталар бўйича қарзлар" (490-сатр) моддасида субъект ишчиларининг ва мулкининг мажбурий ва ихтиёрий ва субъект суғуртачи вазифасини бажарадиган бошқа хил суғурталар бўйича қарзлар кўрсатилади. Тегишли маълумотлар 6510-"Мулк ва шахсий суғурталар бўйича тўловлар" счётидан олинади.

"Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар" (500-сатр) моддасида субъектнинг бюджетдан ташқари ажратмалар бўйича давлат бошқарув органларига ва солиқчиликда белгиланган тартибга мувофиқ давлат органларига ўтказиладиган бошқа махсус жамғармаларга ажратмалари бўйича қарзлари кўрсатилади ва маълумотлар 6530-"Бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар" счётидан олинади.

"Авлод корхоналарига бўлган қарзлар" (510-сатр) моддасида авлод корхоналар билан жорий қарзлар (балансларараро ҳисоблашиш) бўйича маълумотлар акс эттирилади. Бунда авлод корхонаси тимсолида ҳуқуқий шахс ҳисобланувчи ҳамда стратегик иқтисодий сиёсат масалалари бўйича жорий, инвестицион ва молиявий фаолиятини белгилаш ҳуқуқи асосий субъектга доимий равишда берилган бўлинмалар тушунилади. Асосий субъект ва унинг авлод корхоналари бўйича маълумотлар жамланиши лозим. Йиғма ҳисоботда кўрсатилган моддалар 6110-"Мустақил балансга ўтказилган бўлинмаларга бўлган тўловлар" счёти ёрдамида жамланади.

"Уюшма корхоналарига қарзлар" (520-сатр) моддасида 6110-"Мустақил балансга ўтказилган бўлимларга бўлган тўловлар" счётида ҳисоби юритиладиган уюшма корхоналарига бўлган қарзларнинг миқдори акс эттирилади.

"Бошқа кредиторлар" (530-сатр) моддасида "Кредиторлар билан ҳисоблашишлар" гуруҳининг моддаларида ўз аксини топмаган бошқа ҳисоблашишлар бўйича қарзлар кўрсатилади. "Кредиторлар" гуруҳи бўйича субъектнинг мол етказиб берувчи ва пудратчиларга, бюджетга, меҳнат ҳақи бўйича субъектнинг ходимларига, ижтимоий суғурта ва таъминот муассасаларидан ташқари бошқа субъектларга бўлган кредиторлик қарзлари акс эттирилади. Балансга ҳар бир "Кредиторлар" гуруҳи таркибида кирувчи кўрсаткичлар ушбу йўриқномaнинг 2.51-2.59 бандларида ёзилган. Тегишли маълумотлар 6800-"Ҳар хил кредиторларга бўлган қарзлар ва бошқа ҳисобланган мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар"дан олинади.

"2-бўлимнинг Жами" (540-сатр) моддасида 400-530 сатрлар йиғиндисининг натижаси кўрсатилади.

"Баланснинг пассиви бўйича ҳаммаси" (550-сатр) моддасида 390 ва 540 сатрлар йиғиндисининг натижаси ёрдамида топилган баланс пассивининг миқдори акс эттирилади.

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот 2-шакл

Ушбу шаклда хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий, муомалавий ва молиявий фаолияти натижасида олган фойда ёки кўрган зарарларининг миқдори тегишли моддалар бўйича ёритилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар "Маҳсулот (иш, хизмат)ни сотишдан тушган даромад" моддасида (010-сатр) савдо устама-

лари, харидор ва буюртмачилар томонидан тўлаган солиқлар билан биргаликда, маҳсулот, товар, иш, хизматларни сотишдан тушган жами даромад (қайтарилган товарлар, тайёр маҳсулотлар қийматининг миқдори ва сотиш баҳосидан харидор ҳисобидан чегириб ташлангандан кейин) акс эттирилади. Айрим товарларнинг экспорт қилиниши сабабли хорижий валютада тушган даромаднинг мажбурий сотиладиган қисми, яъни Марказий банк муассасаси томонидан тасдиқланган курсда 010-сатрда акс эттирилади.

020-сатрни ("Қўшилган қиймат солиғи" моддасини) тўлдирганда маълумотларнинг қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет билан ҳисоблашиш қисмида "Солиқ кодекси"нинг қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тўғрисидаги тартибларга риоя қилиши лозим.

Акциз солиғи тўловчи субъектлар "Акцизлар" моддасида (030-сатр) сотиш счётида ҳисобга олинган тушум таркибидаги 9100-"Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннархи" счётининг дебети ва 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" счётларининг кредитида кўрсатилган миқдори акс эттирилади. Акциз солиқларини ҳисоблаш ва уларнинг тўланиш қоидаси Солиқ кодекси билан белгиланган.

040-сатрда маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг четга чиқариш билан боғлиқ бўлган солиқлар, экспорт бўйича божхона тўловлари ва кўзда тутилаётган ажратмалар учун тўловлар ёзилади.

"Сотишдан олинган даромад" моддасида (050-сатр) субъектнинг асосий фаолиятида маҳсулот, товар, иш, хизматларни сотишдан, эгри солиқ ва экспорт божхона тўловлари чегирилгандан кейинги тушган даромад, шу билан биргаликда субъектнинг ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи бўлинмаларидаги маҳсулотларнинг бошқа субъектларга сотилишидан тушган даромад, хўжалик ҳисобида турмаган ташкилотларнинг даромадининг харажатидан ошиқ қисми, хўжалик ва бошқа тижорат фаолиятидан олинган даромадлар кўрсатилади. Сотишдан олинган даромад 010-сатр кўрсаткичидан 020-030-040-сатрлар кўрсаткичларини камайтирилганига тенгдир.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ 2010-"Асосий ишлаб чиқариш", 2300-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш", 9450-"Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар" счётларидаги жами харажатларнинг йиғиндисидан тугалланмаган ишлаб чиқариш сарфлари чегирилиб қолган сумма маҳсулот таннархи ҳисобланиб,

060-сатр "Сотилган маҳсулот, иш, хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархи"да кўрсатилади. Бундан ташқари ушбу маълумотлар умумлаштирилган ҳолда 9110, 9120 ва 9130 "Сотилган маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматларнинг таннархи" счётларида йиғилиб борилади. Савдо ташкилотлари мазкур сатрда сотилган товарларнинг сотиб олиш қийматини акс эттирадилар. Товарларнинг айланиши (товарларни кирим қилиш ва сотиш)да қатнашмасдан, хизмат ҳақи сифатида даромад оладиган воситачи (дилер) субъектлар бу сатрни тўлдирмайдилар.

"Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа" (070-сатр) сотишдан олинган даромад ва сотилган маҳсулот, иш, хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги фарқ билан аниқланади (050-сатр-060-сатр).

9400-"Давр харажатлари" счётларининг туркумида жамланган маълумотлар ёрдамида 080-"Сотиш бўйича сарфлар", 090-"Маъмурий харажатлар" ва 100-"Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларида сарфланган харажатлар" сатрлари тўлдирилади. 100-сатрнинг жамғарилган даромад қисми 9300-"Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни ҳисобга оладиган счёт"ларнинг маълумотлари ёрдамида тўлдирилади.

Асосий фаолиятнинг молиявий натижаси ("Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар)" моддаси, (110-сатр)ни аниқлаш учун, сотишдан тушган ялпи даромаддан (070-сатр) сотилган маҳсулот, иш, хизмат ва товарларнинг таннархи, сотилган асосий воситалар ва бошқа активларнинг қийматини чегириб чиққан натижага бошқа даромадлар (100-сатр, 5-устун)ни қўшиш билан аниқланади.

Ҳисоботнинг 120-сатр ("Уюшма ва авлод корхоналаридан олинган дивидендлар"), 125-("Бошқа олинган дивидендлар"), 130-("Уюшма ва авлод корхоналаридан олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар"), 135-("Бошқа тўланган ва олинган фоизлар"), 140-("Хориж валютаси курсининг фарқи"), 145-("Молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва харажатлар") сатрлари 9500-"Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар" счётларидаги умумий суммадан 9600-"Молиявий фаолият бўйича сарфларни ҳисобга оладиган счёт"ларда йиғилган сарфлар чегирилиб қолган суммага тўлғазилади.

"Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар)" (150-сатр) субъектнинг асосий фаолиятдан олинган даромади суммасига молиявий фаолиятдан олинган даромадлар қўшилиб олинган суммадан асосий ва молиявий фаолият

бўйича амалга оширилган сарфлар чегирилиб аниқланади. Ушбу сумма 9900-"Якуний молиявий натижа" счётида кўрсатилади.

160-сатр-("Фавқулоддаги фойда ва зарар") 9710-"Фавқулоддаги фойдалар" ва 9720-"Фавқулоддаги зарарлар" счётларининг маълумотига мувофиқ тўлдирилади.

170-сатр ("Солиқ тўлангунга қадар умумий молиявий натижа (фойда ёки зарар)")да 150 ва 160-сатрлар йиғиндисидан (Қ- белгиларни ҳисобга олган ҳолда) иборат олинган натижа кўрсатилади. Бундан ташқари ушбу маълумотлар 8710-"Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)" счётида йиғилиб борилади.

Бу счётнинг натижаси фойда солиғини ҳисоблашда асосий кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади.

180-сатр "Фойда (даромад)дан солиқ ва йиғимлар"да 9810-"Фойда (даромад) солиғи бўйича сарфлар" счётининг дебетида ҳисобга олинган ва йил бошидан буён ҳисобланган, яъни бюджетга ўтказилиши керак бўлган фойда (даромад) солиғининг миқдорлари ҳамда 9820-"Йиғимлар ва бошқа мажбурий ажратмалар" бўйича сарфлар, 9890-"Бошқа ажратмалар бўйича сарфлар" счётларидан маълумотлар олинади.

Субъектлар 200-сатр "Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар)"да 170 ва 180-сатрларнинг фарқи натижасида ҳисобланган соф тақсимланмаган фойда (ёки қопланмаган зарар) миқдорини кўрсатадилар.

"Бюджетга тўланмалар тўғрисида маълумот"да, субъектлар ўз манбалари ҳисобига қуйидаги меъёрий ҳужжатларга асосан бюджет тўловларини кўрсатадилар:

210-сатр "Мулкдан олинадиган солиқ" Ўзбекистон Республикасида 1998 йил 1 январдан амал қилинаётган "Солиқ кодекси"га асосан.

220-сатр "Фойдадан олинадиган солиқ" Ўзбекистон Республикасида 1998 йил 1 январдан амал қилинаётган "Солиқ кодекси"га асосан.

230-сатр "Даромаддан олинадиган солиқ" Ўзбекистон Республикасида 1998 йил 1 январдан амал қилинаётган "Солиқ кодекси"га асосан.

240-сатр "Қўшилган қийматдан олинадиган солиқ" Ўзбекистон Республикасида 1998 йил 1 январдан амал қилинаётган "Солиқ кодекси"га асосан.

250-сатр "Акциз солиқлари" Ўзбекистон Республикасида Давлат солиқ қўмитасининг 1995 йил 15 февралдаги 18/16-

сонли Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киритилаётган алоҳида товарларга акциз солиқларини қўллаш учун вақтинчалик йўриқномаси, 1996 йил 21 августдаги 275-сонли "Ўзбекистон Республикасидаги тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларига қўлланиладиган акциз маркалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 304-сонли (3 илова) "ЎзДЭУ" авто қўшма корхонасида автомашиналарни ишлаб чиқариш, сотиш ва техник хизмат кўрсатиш тўғрисида"ги Қарорига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 23 сентябрдаги 333-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1996 йил 5 ноябридаги 71/96-89-сонли йўриқномалари ва кейинчалик қабул қилинган "Солиқ кодекси"га асосан.

260-сатр "Экспорт бўйича бож тўловлари" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 октябрдаги 485-сонли "экспорт ва импорт қилинаётган алоҳида товарларга бож тўловларини ҳисоблаш ва олиш тартиби тўғрисида"ги Қарорига ва кейинги киритилган ўзгартиришларга асосан:

270-сатр "Импорт бўйича бож тўловлари" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 20 мартдаги 114-сонли Қарорига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 304-сонли (4-илова) "УзДЭУ" авто қўшма корхонасида автомашиналарни ишлаб чиқариш, сотиш ва техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги" Қарорларига ва кейинги киритилган ўзгартиришларга асосан:

280-сатр "Сувдан фойдаланиш тўловлари" Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 05.05.95 йилдаги 52/39-сонли "Сувдан фойдаланиш ҳақи тўғрисида"ги хати ва "Солиқ кодекси"га асосан:

310-сатр "Даромад солиғи" Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 15 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқароларидан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида"ги хати, 21.01.94 йилдаги 9/84-сонли 24.02.95 йилдаги 20/17-сонли 10.03.95 йилдаги 28/21-сонли ўзгариш ва тўлдиришлар 1998 йил 1 январдан бошлаб "Солиқ кодекси"га асосан:

320-сатр "Бошқа солиқлар" Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқ тўғрисида"ги ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан

олинадиган даромад солиғи тўғрисидаги Қарорлари ва солиқ кодекси асосида белгиланган бошқа ҳамма турдаги солиқлар кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 29 июндаги 303-сонли Қарорига мувофиқ ва 1998 йил 1 январдан бошлаб "Солиқ кодекси"га асосан табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф муҳитни ифлослантирувчи оқава сувларни чиқариш бўйича тўловлар миқдори ҳисобланиб, шу сатрда акс эттирилади. Шуни назарда тутиш лозимки, атроф муҳитни ифлослантирувчи оқава сувларни чиқариш тўловлари белгиланган меъёрлар тартибида бўлса. У ҳолда бу тўловлар ишлаб чиқариш (муомала) харажатларига олиб борилади, белгиланган меъёрлардан ошиқ тўловлар субъект ихтиёрига қолаётган фойда ҳисобига қопланади.

330-сатр "Солиқ ҳисоблаш ва уни тўлаш тартибининг бузилиши туфайли белгиланган иқтисодий жарималар"да Ўзбекистон Республикаси Солиқчилиги асосида "Ўзбекистон Республикасининг корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқ тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқароларидан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисидаги қарорлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Нархларни эркинлаштириш тўғрисида"ги Қарори ва бошқалар асосида) субъектларнинг ўз ихтиёрида қоладиган фойдалари ҳисобидан бюджетга ўтказиб берилган иқтисодий жарималарнинг миқдорлари кўрсатилади.

340-сатр "Маҳаллий бюджетга тўланмалар"да соф фойда ҳисобидан ажратмалар, яъни ҳудудларни тозалаш йиғими, ижара хақидан ажратма ва солиқлар каби тўловлар тўғрисидаги ҳокимнинг амалдаги қарорига асосланган ҳолда, маҳаллий бюджет учун ҳисобланган солиқ ва йиғимларнинг миқдори акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг ҳаркати тўғрисидаги ҳисобот 3-шакл

Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган асосий воситаларнинг таснифлагичи бўйича субъект эгалик қилаётган ва унинг мулки ҳисобланган барча асосий воситаларнинг турлари бўйича ҳолати ва ҳаракати кўрсатилади.

3 ва 6-устунларда субъект эгалик қилаётган ва унинг мулки ҳисобланган, яъни унинг балансида турган барча асосий воситаларнинг қиймати (мос равишда ҳисобот давринининг бошидаги ва охиридаги ҳолати), шу билан биргаликда бошқа хил асосий воситалар: ижарага берилган, бепул олинган ёки вақтинча фойдаланилмаётган (консервациядаги, захирадаги ва х.к.) асосий воситаларнинг қиймати ҳам акс эттирилади. Маълумотлар бошланғич қийматда келтирилади.

4-устунда ҳисобот йилидаги асосий воситаларнинг турли манбалари бўйича кириминнинг умумий ҳолати акс эттирилади. Бунга асосий восита баҳосининг ошиши, олдин ҳисобга олинмаган асосий воситалар, сотиб олинган асосий воситалар, айланма маблағлар гуруҳидан асосий воситалар гуруҳига ўтказилган воситалар, бошқа корхона ва ташкилотлардан тушган воситалар (агар кириш баланси ўзгартирилган бўлса), шу билан биргаликда ҳамма молиявий манбалар, банк кредитлари ва қарзлар ҳисобига ҳисобот йилида фойдаланишга қабул қилинган янги асосий воситалар ҳам қўшилган ҳолда акс эттирилади.

5-устунда ҳисобот йилидаги асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилган умумий суммаси акс эттирилади. Бунга асосий воситалар қийматининг камайиши, ортиқча ва фойдаланилмаётган субъект мол-мулкининг сотилиши, асосий воситаларнинг айланма маблағлар гуруҳига ўтказилиши, бошқа корхона ва ташкилотларга текинга берилиши, шу билан бирга ҳисобот йилида фойдаланишга яроқсизлиги, эскиргани, табиий офат, ҳалокат, қайта тиклаш, янгича қуриш ва бошқа хил сабаблар оқибатида асосий воситаларнинг тўлиқ қийматда (эскириш суммаси чегирилмасдан) тугатилиши ҳам киради.

7 ва 10-устунларда ҳисобот давринининг боши ва охирига ҳисобланган ва асосий воситаларнинг турлари бўйича йиғилган эскириш суммасининг миқдорлари акс эттирилади.

8-устунда ҳар хил манбалар ҳисобига кирим қилинган асосий воситаларнинг ҳисобот даври учун ҳисобланган эскириш суммасининг миқдорлари акс эттирилади. Бунга асосий воситалар қийматининг ошиши туфайли қўшимча ҳисобланадиган эскириш суммасининг миқдорлари, олдин ҳисобга олинмаган эскириш миқдорлари ва фойдаланишдаги асосий воситаларнинг эскириш суммаларининг миқдорлари ҳам киради.

9-устунда асосий воситаларнинг тугатилиши, сотилиши ва бошқа хил ҳисобдан чиқарилиши бўйича ҳисобланган эскириш суммасининг миқдорлари акс эттирилади.

11-устунда 3 ва 7-устунда келтирилган маълумотлар фарқининг натижаси, яъни йил бошига бўлган асосий воситаларнинг соф қолдиқ қиймати акс эттирилади.

12-устунда 6 ва 10-утунда келтирилган маълумотлар фарқининг натижаси, яъни ҳисобот даври охирига бўлган асосий воситаларнинг соф қолдиқ қиймати акс эттирилади.

"Жаъми" моддасида алохида сатрлар бўйича ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришдаги асосий воситаларнинг ҳаракати кўрсатилади.

Ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларга саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қўрилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо, умумий авқатланиш, транспорт, қишлоқ хўжалигида маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва бошқа хил моддий ишлаб чиқариш доираси билан боғлиқ асосий воситалар киради.

Ноишлаб чиқариш учун мўлжалланган асосий воситаларга уй-жой ва коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот, халқ таълими, маданият ва бошқа соҳалар билан боғлиқ асосий воситалар киради.

"Тугалланмаган қурилиш" моддасида субъектнинг ҳам пудрат, ҳам хўжалик усулида объектларни қуриш ва шу билан бирга асосий воситаларга эгалик қилиш харажатларининг ҳаракати кўрсатилади.

4-устундаги ёрдамчи қисмда субъект томонидан объектларни қуришга сарфланган (тўлашга қабул қилинган ва пудратчи ташкилотларга тўланган счётлар) ва асосий воситаларга эгалик қилиш учун сарфланган харажатлари кўрсатилади.

5-устундаги ёрдамчи қисмда фойдаланишга қабул қилинган қурилиш объектлари ва эгалик қилинган асосий воситаларнинг қиймати, шу билан бирга асосий воситалар қийматини оширмайдиган ҳисобдан чиқарилган (ҳисобланган) харажатлар кўрсатилади.

"Маълумот учун" бўлимчасида қуйидагилар кўрсатилади:

– Субъект томонидан йил давомида қайси гуруҳ манбалари ҳисобига объектларнинг қурилиши ва асосий воситаларнинг эгалик қилинишининг молиялаштирилиши кўрсатилади.

– Бошқа субъектларга ижарага берилган айрим асосий воситаларнинг қиймати кўрсатилади.

– Айрим сатрда ижарага олинган асосий воситаларнинг қиймати ва уларнинг ижарачи субъектининг ҳисобида туриши кўрсатилади.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот 4-шакл

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳисоботликларга киритилган бўлиб, мазкур молиявий ҳисобот ҳужжатида пул маблағларининг ҳаракати нуқтаи назаридан субъектнинг мулки бўлган молиявий ресурсларининг ўзгариши акс эттирилади. Бу ҳисобот ёрдамида инфляция шароитида, бошқа молиявий ҳисобот шаклларини тўлдиришда ҳисоблаш усулидан фойдаланишни эътиборга олган ҳолда, субъектнинг ликвидлигини объектив баҳолаш имкони яратилади.

Субъектнинг жорий хўжалик, инвестицион ва молиявий фаолиятининг таъсирида барча пул маблағларининг ўзгариши ва пул маблағлари ва унга тенглаштирилган маблағларнинг қолдиқлари ўртасидаги боғлиқликни ҳисобот даврининг боши ва охирига нисбатан ўрнатиш имконини беради.

Ушбу 4-шакл "Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот" бешта бўлимдан ташкил топган:

1. Хўжалик фаолиятида пул маблағларининг ҳаракати.
2. Инвестиция фойдаси ва молиявий хизмат кўрсатишдан олинган ва тўланган маблағлар.
3. Солиқни тўлаш учун сарфланган маблағлар.
4. Инвестиция фаолияти учун сарфланган ва олинган маблағлар
5. Молиявий фаолият бўйича сарфланган ва олинган маблағлар.

Бундан ташқари айрим бўлимда хориж валютасининг ҳаракати тўғрисида маълумот келтирилган моддаларда акс эттирилмасдан, улардан мос равишда 040 ва 041-сатрларда акс эттирилади.

Субъектлар "Ходимларга ва ходимлар номидан тўланган пул маблағлари" моддасида (012-сатр) ходимларга меҳнат ҳақи ва мукофот кўринишида), ҳамда пенсия жамғармасига, бандлик жамғармасига, шахсий суғурта учун давлат ва нодавлат суғурта жамғармаларига, даромад солиғи учун бюджетга, касаба уюшмаларига, алиментга, уй-жой жамғармасига, ходимларга берилган банк кредитлари учун, ходимларга кўрсатилган хизматлар

учун ва бошқа харажатлар учун ғазна ва банк счётларидан ходимларга ва улар номидан тўланган пул ва унга тенглаштирилган маблағларнинг миқдорини кўрсатадилар.

"Бошқа пулли тўловлар ва тушумлар" моддасининг "Кирим" устунида (013 ва 014-сатрлар) ҳар хил мукофотлар, комиссион ва бошқа хил даромадлар, савдо ва дилерлик мақсадида тузилган шартномаларга тегишли комиссион мукофот учун пул ва унга тенглаштирилган маблағларнинг тушуми, "Чиқим" устунида эса, мазкур мақсадлар учун ва миллий валютани хорижий валютага алмаштириш учун банкка тўланган тўловларнинг миқдорлари кўрсатилади.

"Жами. Хўжалик фаолиятидан пул маблағларининг соф кирими/чиқими" моддасида, "Кирим" устунидаги "=" ва "Чиқим" устунидаги "-" белгилар таъсирини ҳисобга олган "Кирим" = 010 сатр ва "Чиқим" эса 010 + 011 + 012 + 013 + 014 сатрлар йиғиндисининг натижаси кўрсатилади.

Инвестиция ва молиявий хизмат кўрсатиш фаолияти бўйича "Олинган фоизлар" (020-сатр) ва "Тўланган фоизлар" (021-сатр) моддаларига мос равишда банкдаги счётларга, кассага келиб тушган ва тўлаган фоизларнинг миқдорларини кўрсатадилар. Олинган ва тўланган фоизлар юзасидан маълумотлар 9530-"Фоиз кўринишидаги даромадлар" ва 9620-"Фоиз кўринишидаги сарфлар" счётларидан олинади.

"Олинган дивидендлар" (022-сатр) ва "Тўланган дивидендлар" (023-сатр) моддаларида пул ва унга тенглаштирилган маблағлар кўринишида олинган ва тўланган дивидендларнинг миқдорлари кўрсатилади.

Олинган ва тўланган фоизлар бўйича маълумотлар тегишли 9420-"Дивиденд кўринишидаги даромадлар" ва 6610-"Тўланадиган дивидендлар" счётларидан олинади.

"Чиқим" устунидаги "-" белгилар таъсирини ҳисобга олган ҳолда 020 + 022 ва 021 + 023 сатрлар йиғиндисининг натижаси кўрсатилади.

Солиқни тўлаш бўлимида:

"Даромад (фойда)дан тўланган солиқ" моддасида (030-сатр) фойда (даромад)дан тўланган солиқнинг миқдори кўрсатилади. Ушбу маълумотлар 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" ва 4510-"Солиқлар бўйича бўнак тўловлари" счётларидан олинади.

"Бошқа тўланган солиқлар" моддасида (031-сатр) даромад (фойда) солиғидан ташқари барча тўланган солиқлар, божлар ва шуларга тенглаштирилган йиғим ва ажратмалар кўрсатилади.

Фойда (даромад)дан олинадиган солиқлар ва даромад солиқлари бу моддада акс эттирилмайди.

"Жами. Тўланган солиқлар" моддасида (032-сатр) 030 ва 031-сатрларнинг йиғиндиси акс эттирилади.

Инвестиция фаолияти бўлими.

"Номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш" моддасининг (040-сатр) "Чиқим" устунида номоддий активларга эгалик қилиш учун мол етказиб берувчилар ва пударчиларга тўланган (шу жумладан, олдиндан тўланган бўнаклар ҳам) пул маблағлари ва унга тенглаштирилган маблағларнинг миқдори кўрсатилади. "Кирим" устунида эса, номоддий активларни сотишдан тушган даромадлар (эгри солиқлар билан бирга) кўрсатилади, агар бундай сотишлар субъект учун бошқа активларнинг сотилиши ҳисобланса.

Субъектлар "Узоқ муддатли моддий активларни сотиб олиш ва сотиш" моддасининг (041-сатр) "Чиқим" устунида узоқ муддатли моддий активларни яъни, кўчмас мулк, бино, жиҳоз ва бошқа асосий воситаларни сотиб олиш учун мол етказиб берувчиларга тўлаган (шу жумладан, олдиндан тўланган бўнаклар ҳам) пул маблағлари ва унга тенглаштирилган маблағларнинг миқдорини кўрсатадилар. Узоқ муддатли моддий активларни сотишдан тушган даромад (эгри солиқлар билан бирга) "Кирим" устунида кўрсатилади, агар бундай сотишлар субъект учун бошқа активларнинг сотилиши ҳисобланса.

Субъектлар "харид қилинган узоқ ва қисқа муддатли қўйилмалар" моддасининг (042-сатр) "Чиқим" устунида воситачиларга комиссион тўловлар ва биржада тўланган фоизларни ҳисобга олмаган ҳолда, қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш учун тўлаган пул маблағларини кўрсатадилар. "Кирим" устунида ўзиники бўлмаган қимматбаҳо қоғозларни, шу билан бирга банк ва бошқа юридик шахсларнинг қисқа ва узоқ муддатли кредити ва қарзларини сотишдан тушган тушум кўрсатилади.

Мазкур моддада капитализация қилинадиган тажриба конструкторлик ишларига тўловлар ҳам кўрсатилади.

"Жами. Инвестиция фаолиятидаги соф пул оқимларининг кирими/чиқими моддасида 043-сатр), "Кирим" устунидаги "+" ва "Чиқим" устунидаги "-" белгилар таъсирини ҳисобга олган ҳолда, 040-041-042 сатрлар йиғиндисининг натижаси кўрсатилади.

"Жами. Пул маблағларини соф кирими/чиқими (молиялаштиргунга қадар)" моддасида (044-сатр), "Кирим" устунидаги

"+" ва "Чиқим" устунидаги "-" белгилар таъсирини ҳисобга олган ҳолда, 014-024-032-043-сатрлар йиғиндисининг натижаси кўрсатилади.

Молиявий фаолият бўйича бўлимида.

"Акция чиқаришдан капиталга келиб тушган даромад" моддасида (050-сатр) ҳиссадорларининг ҳисобот даврида акция чиқаришдан келиб тушган пул маблағларининг миқдори акс эттирилади.

"Узоқ ва қисқа муддатли қарзларнинг келиб тушиши" моддасининг (051-сатр) "Кирим" устунида, субъектлар ҳисобот даврида келиб тушган кредитга ва қарзга олган пул маблағларини, "Чиқим" устунида кредит ва қарзларнинг қайтарилишини акс эттирадилар.

Субъектлар "Ижара мажбуриятлари бўйича тушум ва тўловлар" моддасининг (052-сатр) "Чиқим" устунида ижарага берувчига тўланган, "Кирим" устунида ижарачидан келиб тушган ижара ҳақи, яъни пул ва унга тенглаштирилган маблағларни кўрсатадилар.

"Жами. Молиявий фаолият бўйича соф кирим/чиқим" моддасида (053-сатр) 050-051-052-сатрлар йиғиндисининг натижаси кўрсатилади.

"Соф ўсиш (камайиш) (пул ва унга тенглаштирилган маблағлар учун)" моддасида (060-сатр) субъект учун маблағларнинг кирим ёки чиқим бўлган миқдор, яъни (+/- белгилар таъсирини ҳисобга олган ҳолда) 044 ва 053-сатрларнинг йиғиндиси кўрсатилади.

Субъектлар "Пул маблағлари ва унга тенглаштирилган маблағларнинг ҳисобот йили бошига ҳолати" моддасида (070-сатр) ҳисобот йилининг 31 декабр ҳолатига пул маблағлари счётларидаги (5000, 5100, 5200, 5500, 5600, 5700, 5800) ғолдиқ ва балансннинг 62-3-"Олинган васиқалар" счётида ҳисобга олинадиган қисқа муддатли қимматбаҳо қоғозларнинг миқдорларини кўрсатадилар.

"Пул ва унга тенглаштирилган маблағларнинг ҳисобот даври охирига ҳолати" моддасида (080-сатр) ҳисобот даврининг охирги календар кунига пул маблағлари счётларидаги (5000, 5100, 5200, 5500, 5600, 5700, 5800) қолдиқ ва балансннинг 4020-"Олинган васиқалар" счётида ҳисобга олинадиган қисқа муддатли қимматбаҳо қоғозларнинг миқдорлари кўрсатилади.

"Хориж валютасидаги маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумот" бўлимида субъектнинг ҳисобот йилидаги валюта маблағларининг ҳаракати кўрсатилади.

"Йил бошига қолдиқ" моддасида (90-сатр) субъектнинг 5200 хориж валютасини ҳисобга олувчи счётлари ва 5020 ғазнасидаги хориж валютасидаги маблағлари кўрсатилади.

Субъектлар "Жами кирим моддасида (100-сатр) йил бошидан буён хориж валютасидаги маблағларининг умумий киримини, "Шу жумладан" моддасида эса. Кирим қилинган маблағларининг манбаларини кўрсатадилар:

101-сатр- а) "Сотишдан тушум" - йил бошидан буён субъектга тушган пул маблағлари ва унга тенглаштирилган маблағларнинг тушуми;

102-сатр- б) "Хорижий валютага алмаштирилган" - валюта биржасидан сотиб олинган валюталарнинг миқдори;

103-сатр- в) "Олинган кредит" - хорижий валютада олинган кредитнинг миқдори;

104-сатр- г) "Олинган қарз" - хорижий валютада олинган қарзларнинг миқдори;

105-сатр- д) "Бошқа манбалар" - 101-103-сатрларда келтирилмаган манбаларга кўра, субъектнинг хорижий валюта счёти ва ғазнасига келиб тушган бошқа валюта маблағларининг йиғиндиси.

"Жами сарфланган" моддасида (110-сатр) субъект томонидан турли мақсадларда сарфланилган умумий хориж валютасидаги маблағлари акс эттирилади. Хориж валютасидаги маблағларининг сарфланиши "Шу жумладан" моддасининг 111-116-сатрларида ёритилади:

111-сатр- "Ишлаб чиқариш (муомала) сарфларига қўшиладиган харажатлар" - маҳсулотнинг таннархи ва давр харажатларига қўшилган хориж валютасидаги маблағлари сарфларининг йиғиндиси кўрсатилади. Масалан, банк хизмати учун тўловлар;

112-сатр- "Ишлаб чиқаришни ривожлантириш харажатлари" - асосий воситаларни, жиҳозларни сотиб олиш ва бошқа капиталлаштириш хусусиятидаги харажатлар учун сарфланган хориж валютасидаги маблағларининг йиғиндиси кўрсатилади;

113-сатр- "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўловлар" - хом-ашё, материал, товар ва бошқа оборот маблағларини сотиб олишга узоқ муддатли активларни яратишга

сарфланган хориж валютасидаги маблағларининг йиғиндиси кўрсатилади;

114-сатр- "Кредит учун тўловлар, шу жумладан фоизлар учун ҳам" - кредит ва унинг фоизларини узишга сарфланган хориж валютасидаги маблағларининг йиғиндиси кўрсатилади;

115-сатр-"Қарз учун тўловлар, шу жумладан фоизлар учун ҳам қарз ва унинг фоизларини узиш учун сарфланган хориж валютасидаги маблағларининг йиғиндиси" кўрсатилади;

116-сатр-"Бошқа мақсадлар учун" - бошқа мақсадлар учун (111-115-сатрларда келтирилган мақсадлардан ташқари) сарфланган хориж валютасидаги маблағларининг миқдори кўрсатилади.

Субъектлар "Ҳисобот даври охирига қолдиқ" моддасида (120-сатр) ҳисобот даври охирига хориж валютасидаги счётлари (5200) ва ғазнасидаги (5020) хориж валютасидаги маблағларининг қолдиқ миқдорини акс эттирадилар. Бу миқдор, 90-100-110-сатрлар йиғиндисининг натижасига тенг бўлади.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот 5-шакл

Ушбу ҳисоботда субъектнинг мулки ҳисобланган ва унинг тасарруфида бўлган хусусий капиталининг - узоқ ва қисқа муддатли активларнинг йил бошига ва йилнинг охиридаги ҳолати акс эттирилади.

"Йил бошига қолдиқ" моддасида субъектлар ҳисобот йилининг бошига нисбатан хусусий маблағларининг йиғиндисини кўрсатадилар:

3-устун - "Устав капитали"да 8510-"Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлардаги маълумотларга асосан таъсис ҳужжатларида кўрсатилган Устав капиталининг оддий акциялар, имтиёзли акциялар, улуш ва омонатларнинг миқдори кўрсатилади;

4-устун - "Қўшилган капитал"да 8520-"Қўшилган капитал"ни ҳисобга олувчи счётлардаги маълумотларга асосан эмиссия даромали, хориж валютасининг курсидаги фарқи ва текинга олинган мулкларнинг миқдори акс эттирилади;

5-устун - "Захира капитали"да белгиланган қоидага кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рухсати билан ташкил этилган захирадаги капиталнинг миқдори, яъни асосий воситаларни қайта баҳолашдаги фарқ суммаси, захира капита-

ли, ҳисоботни умумлаштираётганда (йиғма ҳисобот) содир бўлган сўм курсидаги фарқларнинг миқдори акс эттирилади;

6-устун - "Тақсимланмаган фойда"да 8710-"Тақсимланмаган фойда" счётининг маълумотларига асосан йил бошига нисбатан тақсимланмаган фойда миқдори кўрсатилади;

7-устун - "Хусусий капитал билан қопланмаган зарарлар"да субъектнинг балансидаги йил бошига бўлган зарарларнинг миқдори кўрсатилади.

"Хусусий (ҳиссадор) капиталининг ўсиши" моддасида (020-сатр) Хусусий (ҳиссадор) капиталининг ўсиши акс эттирилади.

"Қимматбаҳо қоғозлар эмиссияси" моддасида (030-сатр) бирламчи ва иккиламчи қимматбаҳо қоғозлар эмиссиясининг миқдори акс эттирилади.

"Асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши" моддасида (040-сатр) белгиланган қонунчилик қоидаларига асосан ўтказилган асосий воситаларнинг қайта баҳоланган қиймати акс эттирилади.

Субъектлар ҳисоботнинг "Захира учун ажратма" моддасида (050-сатр) таъсис ҳужжатлари ва қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда Захира жамғармасини шакллантириш учун ажратилган маблағларнинг миқдорини кўрсатадилар. Шу билан бирга, ҳиссадорлик жамиятлари ва хорижий инвестиция билан ташкил этилган субъектлар, қонунчиликка мос равишда, бюджет билан ҳисоблашгунга қадар мазкур жамғармага ажратмалар қилишлари мумкин.

"Жорий йил фойдаси/зарари/" моддасида (060-сатр) ҳисобот даврида олинган тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) миқдори кўрсатилади.

Субъектлар ҳисоботининг "Дивидендлар" моддасида (070-сатр) ҳисобот даври бошидаги тақсимланмаган фойдадан бошқа йил учун ҳисобланган дивиденднинг миқдорларини кўрсатадилар.

Корхоналар 8510-"Устав капитали" счёти, 8520-"Қўшилган капитал" счёти, 8530-"Захира капитали" счётининг қолдиқларини ва 9900-"Якуний молиявий натижа" счёти билан 6410-"Фойда (даромад) солиғи бўйича бюджетга қарз" счёти ва 9800-"Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилиши" счётларининг ўртасидаги фарқ, яъни тақсимланмаган фойда қолдиқларини "Ҳисобот даври охирига қолдиқ" моддасининг (080-сатр) мос устунларида акс эттирадилар.

Субъектлар "Ҳисобот даври охирида устав капиталига киритилган бадаллар" моддасида (090-сатр) таъсисчи ва ҳиссадорлар

томонидан субъектнинг Устав капиталига хақиқатда киритилган маблағларнинг йиғиндисини акс эттирадилар.

100-122-сатрларни ҳиссадорлик жамиятлари тўлдирадилар.

Балансга илова - Дебиторлик (олинадиган счётлар) ва кредиторлик (мажбуриятлар бўйича) қарзлари ҳақидаги маълумотнома (2а-шакл)

1. "Дебиторлик ва кредиторлик қарзи бўлган Вазирлик, концерн ва бошқа субъектларнинг номлари" устунида ҳисобот даврининг охирги кунига қарзлари бўлган дебитор ва кредиторлик қарзлари бўлган ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг рўйхати келтирилади. Ушбу маълумотлар дебитор қарзлар (олинадиган счётлар) бўйича айрим олган ҳолда тегишли олинадиган счётлар гуруҳидаги 4000-"Олинадиган счётларнинг жорий қисми", 4100-"Бўлинмалардан олинадиган счётлар", 4200-"Даъволар бўйича олинадиган счётлар", 4300-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар", 4400-"Ходимларга берилган бўнаклар", 4500-"Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари", 4600-"Бошқа муомалалар бўйича таъсисчиларнинг қарзи" ва 4800-"Ҳар хил дебиторларнинг қарзи" счётларидан олинади.

Кредитор қарзлар (жорий мажбуриятлар) бўйича маълумотлар эса 6000-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг счётини тўлаш", 6100-"Айрим балансга ажратилган бўлинмаларнинг счётини тўлаш", 6200-"Муддати узайтирилган мажбуриятларнинг жорий қисми", 6300-"Олинган бўнакларнинг жорий қисми", 6400-"Бюджет тўловлари бўйича қарз", 6500-"Суғурта ва бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар", 6600-"Таъсисчиларга бўлган қарзлар", 6700-"Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашиш", 6800-"Ҳар хил кредиторларга ва бошқа ҳисобланган мажбуриятлар бўйича қарзлар", 6900-"Қисқа муддатли банк кредитлари ва олинган қарзлар"ни ҳисобга оладиган счётлардан ва 7000-7900-"Узоқ муддатли мажбуриятлар" гуруҳи счётларидан олинади.

Бундан ташқари, кўп дебитор ва кредиторлар билан муомалада бўлган субъектлар 2А шаклини ҳар бир дебитор ва кредиторлар бўйича очилган аналитик маълумотлари бўйича айрим олган ташкилотлар - Вазирлик, бирлашма ва концернлар бўйича дебитор қарзларни алоҳида ва кредитор қарзларни алоҳида жамлаш йўли билан тўлдириши ҳам мумкин.

Агар дебитор (кредитор)лар ўзидан юқори турувчи Вазирлигига (идорасига) эга бўлмаган ҳолларда, бундай ҳуқуқий шахсларнинг қарзи алоҳида ёзилиб киритиладиган "Бошқа субъектлар" моддасида кўрсатилади.

Мазкур дебитор ва кредитор қарзларини акс эттириш тартиби, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган дебитор ва кредиторларга тааллуқли эмас. Уларнинг номларини тўлиқ ёки умумий қабул қилинган қисқартиришлар билан келтириш ва шу билан бирга қавслар ичида давлатларнинг номи кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

2а-шаклдаги сатрларнинг сони кўрсатилаётган дебитор ва кредиторларнинг сонига боғлиқ.

2. "Умумий қарзлар" устунида қарзларнинг миқдори ҳар бир дебитор ва кредитор учун алоҳида кўрсатилади. Агар, бир ҳуқуқий шахснинг ҳам дебиторлик, ҳам кредиторлик қарзи бўлиб, субъект уларни ҳар хил счётларда ҳисобга олса ва айрим сабабларга кўра ўзаро ҳисоблашиш (қоплаш) ўтказилмаган тақдирда, дебиторлик қарзларининг миқдори алоҳида ва кредиторлик қарзларининг миқдори алоҳида кўрсатилади.

3. "Жумладан Республикадан ташқаридаги" устунида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган субъектларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг миқдори кўрсатилади.

4. "Умумий қарзлардан олиш ва тўлов муддати ўтган қарзлар ва солиғи" устунида дебиторлик ва кредиторлик қарз тўловлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 май "Корхона (ташкилот) раҳбарларининг халқ хўжалигида ҳисоблашишларни ўз вақтида ўтказиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги №УП-11584-сонли Қарорида келтирилган муддатларда узилмаган қарзларнинг миқдори кўрсатилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ўзиш муддатларининг кечикиши шартнмоада (масалан, қарз шартномасида) кўрсатилган вақтга асосан аниқланиши лозим (мол етказиб бериш, олди-сотди шартномалари бунга кирмайди).

5. "Жумладан республика ҳудудидан ташқаридаги" устунида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган дебитор ва кредиторлар қарзининг муддати ва солиқ миқдори кўрсатилади (муддати ва солиқлар бўйича қарзлар юқорида кўрсатилган бўлимдаги каби аниқланади).

6. 2а-шакл субъектнинг раҳбари ва бош бухгалтер томонидан имзоланиб, унинг ҳар бир вароғи муҳр билан тасдиқланади.

7. Тушунтириш хати.

Молиявий ҳисоботга ёзилган тушунтириш хати, субъектнинг ҳисоб сиёсатини ёритиши, унинг мулкий ва молиявий ҳолатини ҳаққоний баҳолаш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар билан ҳам ҳисоботдан фойдаланувчиларни таъминлаши керак.

Тушунтириш хатида субъектнинг молиявий ҳисоботи бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларидан келиб чиққан ҳолда тузилганлиги кўрсатилиш керак. Айрим қоидадан четга чиқиш ҳоллари содир бўлганда ҳар бир қоидадан чиқишларнинг сабаби ва натижаси тушутириш хатида кўрсатилиши керак.

Тушинтириш хатида қуйидаги қўшимча маълумотлар ёритилиши керак:

– субъектларнинг ҳуқуқий манзили;

– субъектнинг асосий фаолиятининг тури;

– ҳисобот даврида ишловчиларнинг ўртача йиллик сони, шу жумладан асосий тоифадагиларнинг ҳам;

– субъектнинг ижро ва назорат органлари таркибининг аъзолари (исми, шарифи ва мансаби);

– субъектнинг ижро ва назорат органлари аъзоларига ҳисобот даврида тўланган мукофотларнинг умумий миқдори, ва шу билан биргаликда субъект томонидан тўланган солиқ имтиёзлари;

– айрим турдаги номоддий активларнинг эскиришини кўрсатган ҳолда, уларнинг ҳисобот даврининг боши ва охирига нисбатан миқдори ва ҳисобот давридаги ҳаракати тўғрисида маълумот;

– айрим турдаги молиявий қўйилмаларнинг ҳисобот даврининг боши ва охирига нисбатан миқдори ва ҳисобот давридаги ҳаракати тўғрисида маълумот;

– дебитор ва кредитор қарзларининг ҳисобот даврининг боши ва охирига нисбатан миқдори тўғрисида маълумот;

– фаолиятининг тури ва жуғрофий савдо ҳудудлари бўйича маҳсулот, товар, иш, хизматларнинг сотилиш ҳажми тўғрисида маълумот;

– ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби тўғрисида маълумот;

– давр харажатларининг таркиби тўғрисида маълумот;

– ҳар қандай таъминланган мажбуриятларнинг берилиши ва олиниши, субъектнинг тўловлари тўғрисида маълумот.

1997 йилдан йил (чорак)лик ҳисобот учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил 15 январдаги 5-сон Буйруғи билан тасдиқланган

Бухгалтерия баланси		Кодлар
	ОКУД бўйича 1-шакл	0710001
_____20--_____йилга сана (йил, ой, кун)		
	ОКПО бўйича	
Субъект----------	ОКНХ бўйича	
------ ----------	ОКПО бўйича	
Тармоқ (фаолият тури)	Назоратдаги миқдор	

Давлат мулкининг бошқариш органи

_____

_____

Жўнатилган сана

Қабул қилинган сана

Ўлчов бирлиги, минг сўм_____

Топшириш муддати

Манзили_____

_____

_____

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Ҳисобот йили бошига	Ҳисобот даври охирига
1	2	3	4
АКТИВ			
I. Узоқ муддатли активлар			
Асосий воситалар:			
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймат (0100, 0300)	010		
Эскиришикириш (0200)	011		
Қолдиқ қиймат 010-011	012		
Номоддий активлар:			
Бошланқич қиймат (0400)	020		
Эскиришикириш (0500)	021		
Қолдиқ қиймат 020-021	022		
Капитал қўйилмалар (0700, 0800)	030		

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Ҳисобот йили бошига	Ҳисобот даври охирига
Авлод корхоналаридаги акциялар (0600)	040		
Авлод корхоналарига берилган қарзлар (0600)	050		
Уюшма корхоналаридаги акциялар (0600)	060		
Уюшма корхоналарига берилган қарзлар (0600)	070		
Узоқ муддатли инвестициялар (0600)	080		
Бошқа қарзлар (0600)	090		
Бошқа активлар	100		
I-БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАЪМИ 012+022+030+040+050+060+070+080+090+100	110		
II. Оборот активлари			
Товар-моддий захиралари (0700, 1000, 1100, 1200, 1300, 1500, 1600) ва 2900	120		
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2010, 2110, 2300, 9450)	130		
Тайёр махсулот (2800)	140		
Олиб сотиладиган товарлар (2900)	150		
Келгуси давр сарфлари (3100)	160		
Миллий валютадаги пул маблағлари (5100, 5500, 5600, 5700)	170		
Хориж валютасидаги маблағлари (5200, 5500, 5600, 5700)	180		
Ғазнадаги пул маблағлари (5000, 5020)	190		
Қисқа муддатли қўйилмалар (5800)	200		
Сотиб олинган хусусий акциялар (0610)	210		
Дебиторлар:			
-харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар (4010)	220		
-харидор ва буюртмачиларга тўланган бўнак (аванс) (4300)	230		
-солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича берилган бўнаклар (4500)	240		
-ходимларга берилган бўнаклар (4400, 4600)	250		
-авлод корхоналаридан олинадиган счётлар (4100)	260		
-уюшма корхоналаридан олинадиган счётлар (4100)	270		
-таъсисчиларнинг қарзи (4700)	280		
-бошқа дебиторлар 94200, 4800)	290		
II-БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАЪМИ 120+130+140+150+160+170+180+190+ 200+210+220+230+240+250+260++270+280+ 290	300		
Баланснинг активи бўйича ЖАЪМИ 110+300	310		
ПАССИВ			
I. Ўз маблағларининг манбалари			
Устав капитали (8510)	320		
Қўшилган капитал (8520)	330		

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Ҳисобот йили бошига	Ҳисобот даври охирига
Захира капитали (8530)	340		
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8710)	350		
Мақсадли тушум ва жамғармалар (7710, 8810)	360		
Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун захиралар (8910)	370		
I-БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАЪМИ 320+330+340+350+360+370+380	380		
II. Мажбуриятлар			
Узоқ муддатли қарзлар (7410)	400		
Узоқ муддатли кредитлар (7510)	410		
Қисқа муддатли қарзлар 6920, 6930, 6940, 6990	420		
Қисқа муддатли кредитлар 6910	430		
Харидор ва буюртмачилардан олинган (счётларга келиб тушган) бўнаклар 6310	440		
Кредиторлар:			
-мол етказиб берувчилар (6010)	450		
-бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (6400)	460		
-меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар (6710)	470		
-ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар (6520)	480		
-мулкий ва шахсий суғурталар бўйича қарзлар (6510)	490		
-бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар (6530)	500		
-авлод корхоналарига бўлган қарзлар	510		
-ушшма корхоналарига бўлган қарзлар (6110)	520		
-бошқа кредиторлар (6800)	530		
II-БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАЪМИ 400+410+420+430+440+450+460+470+480+490+500+510+520+530	540		
Баланснинг пассиви бўйича ЖАЪМИ 390+540	550		

Раҳбар_____

Бош бухгалтер_____

1997 йилдан йил (чорак)лик ҳисобот учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил 15 январдаги 5-сон Буйруғи билан тасдиқланган.

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ		Кодлар
	ОКУД бўйича 2-шакл	0710002
1 январдан_____20--_____йилга сана (йил, ой, кун)		
	ОКПО бўйича	
Субъект----------	ОКНХ бўйича	
--------- ----------	ОКПО бўйича	
Тармоқ (фаолият тури)	Назоратдаги миқдор	
Давлат мулкини бошқариш органи _____ _____	Жўнатилган сана	
	Қабул қилинган сана	
Ўлчов бирлиги, минг сўм	Топшириш муддати	

Манзили_____
_____
_____

Кўрсаткичлар	Сатр рақами	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарар)
Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган умумий даромад	010		x		x
Қўшилган қиймат солиғи	020	x		x	
Акцизлар	030	x		x	
	040	x		x	
Сотишдан олинган соф даромад 010-020-030-040	050		x		x
Сотилган махсулот, иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархи	060	x		x	
Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа 050-060	070				
Сотиш харажатлари	080	x		x	
Маъмурий харажатлар	090	x		x	
Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган даромадлари ва харажатлар	100				
Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) 070-080-090-100	110				
Уюшма ва авлод корхоналаридан олинган дивидендлар	120		x		x
Бошқа олинган дивидендлар	125		x		x
Уюшма ва авлод корхоналаридан олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар	130				
Бошқа тўланган ва олинган фоизлар	135				
Хориж валютаси курсининг фарқи	140				
Молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва харажатлари	145				
Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) 110+120+125+130+140+145					
Фавқулоддаги фойда ва зарар	160				
Солиқ тўлангунга қадар умумий молиявий натижа 150-180	170				
Фойда (даромад)дан солиқ	180	x		x	
Юқорилаги моддаларга кирмайдиган бошқа солиқ ва ажратмалар	190	x		x	
Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар) 170-180-190	200				

Бюджетга тўланмалар тўғрисида маълумот

Кўрсаткичнинг номи	Сатр коди	Ҳисобланган миқдор	Ҳақиқатда тўланган
Мулкдан олинадиган солиқ	210		
Фойда (даромад)дан олинадиган солиқ	220		
Ер солиғи (ер учун тўланма)	230		
Қўшилган қийматдан олинган солиқ	240		
Акцизлар	250		
Экспорт бўйича бож тўловлари	260		
Импорт бўйича бож тўловлари	270		
Сувдан фойдаланиш тўловлари	280		
Ташқи мухитни ифлослантирадиган чиқиндиларни чиқарганн учун тўланма	290		
Табиат ресурсларидан фойдаланганлик учун тўловлар	300		
Даромад солиғи	310		
Бошқа солиқлар	320		
Солиқ қонунчилигининг бузилиши туфайли белгиланган иқтисодий жарималар	330		
Махаллий бюджетга тўланмалар	340		

Раҳбар_____

Бош бухгалтер_____

1997 йилдан йил (чорак)лик ҳисобот учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил 15 январдаги 5-сон Буйруги билан тасдиқланган

Асосий воситаларнинг ҳаракати бўйича ҳисобот		**Кодлар**
	ОКУД бўйича 3-шакл	0710003
_____20--_____йилга сана (йил, ой, кун)		
	ОКПО бўйича	
Субъект----------	ОКНХ бўйича	
---------- ----------	ОКПО бўйича	
Тармоқ (фаолият тури)	Назоратдаги миқдор	
Давлат мулкини бошқариш органи _____ _____	Жўнатилган сана	
	Қабул қилинган сана	
Ўлчов бирлиги, минг сўм	Топшириш муддати	

Манзили_____
_____
_____

1997 йилдан йил (чорак)лик ҳисобот учун Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 1997 йил 15 январдаги 5-сон Буйруғи билан тасдиқланган

Пул оқимлари бўйича ҳисобот			**Кодлар**
		ОКУД бўйича 4-шакл	0710004
_____20--_____йилга сана (йил, ой, кун)			
		ОКПО бўйича	
Субъект----------		ОКНХ бўйича	
----------	----------	ОКПО бўйича	
Тармоқ (фаолият тури)		Назоратдаги миқдор	
Давлат мулкини бошқариш органи _____ _____		Жўнатилган сана	
		Қабул қилинган сана	
Ўлчов бирлиги, минг сўм		Топшириш муддати	

Манзили_____
_____
_____

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр рақами	Чиқим	Кирим
Хўжалик фаолиятида пул маблағларининг ҳаракати			
Харидорлар ва буюртмачилардан келиб тушган пул маблағлари	010		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланган пул маблағлари	011		
Ходимларга ва ходимлар номидан тўланган пул маблағлари	012		
Бошқа пулли тушумлар	013		
Бошқа пулли тўловлар	014		
Жаъми. Хўжалик фаолиятидан пул маблағларининг соф кирими/чиқими (010+011+012+013+014)	015		
Инвестиция даромади ва молиявий хизмат кўрсатиш			
Олинган фоизлар	020		
Тўланган фоизлар	021		
Олинган дивидендлар	022		
Тўланган дивидендлар	023		
Жаъми. Инвестиция даромади ва молиявий хизмат кўрсатишдаги соф кирим (чиқим) (020+021+022+023)	024		
Солиқни тўлаш			
Даромад (фойда)дан тўланган солиқ	030		
Бошқа тўланган солиқлар	031		
Жаъми. Тўланган солиқлар (030+031)	032		
Инвестиция фаолияти			
Номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш	040		
Узоқ муддатли моддий активларни сотиб олиш ва сотиш	041		
Харид қилинган узоқ ва қисқа муддатли қўйилмалар	042		
Жаъми. Инвестиция фаолиятидаги соф пул оқимларининг кирими/чиқими (040+041+042)	043		
Жаъми. Пул маблағларининг соф кирими/чиқими (молиялаштиргунга қадар)	044		
Молиявий фаолият			
Акция чиқаришдан капиталга келиб тушган тушум	050		
Узоқ ва қисқа муддатли қарзларнинг келиб тушиши	051		
Ижара мажбуриятлари бўйича тушум ва тўловлар	052		
Жаъми. Молиявий фаолият бўйича соф кирим/чиқим (050+051+052)	053		
Соф ўсиш/камайиш (пул ва унга тенглаштирилган маблағлар учун) (044+053)	060		
Пул маблағлари ва унга тенглаштирилган маблағларнинг ҳисобот даври бошига холати	070		
Пул маблағлари ва унга тенглаштирилган маблағларнинг ҳисобот даври охирига холати	080		

ВАЛЮТА МАБЛАҒЛАРИНИНГ ХАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Миқдори
Йил бошига қолдиқ	090	
Жаъми тушум	100	
Шу жумладан:		
а) сотишдан тушум	101	
б) хорижий валютага алмаштирилган	102	
в) олинган кредит	103	
г) олинган қарз	104	
д) бошқа манбалар	105	
Жаъми сарфланган	110	
Шу жумладан:		
а) ишлаб чиқариш (муомала) сарфларига қўшиладиган харажатлар	111	
б) ишлаб чиқаришни ривожлантириш харажатлари	112	
в) мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланмалар	113	
г) кредит учун тўловлар, шу жумладан фоизлар учун хам	114	
д) қарзлар учун тўловлар, шу жумладан фоизлар	115	
е) бошқа мақсадлар учун	116	
Хисобот даври охирига қолдиқ	120	

Раҳбар_____

Бош бухгалтер_____

1997 йилдан йил (чорак)лик ҳисобот учун Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 1997 йил 15 январдаги 5-сон Буйруғи билан тасдиқланган

Хусусий капитал бўйича ҳисобот			Коллар
		ОКУД бўйича 5-шакл	0710005
_____20--_____йилга сана (йил, ой, кун)			
		ОКПО бўйича	
Субъект----------		ОКНХ бўйича	
----------	----------	ОКПО бўйича	
Тармоқ (фаолият тури)		Назоратдаги миқдор	
Давлат мулкини бошқариш органи _____ _____		Жўнатилган сана	
		Қабул қилинган сана	
Ўлчов бирлиги, минг сўм		Топшириш муддати	

Манзили_____
_____
_____

Кўрсаткичлар	Сатр рақами	Устав капитали	Қўшилган капитал	Захира капитали	Тақсимланмаган фойда	Хусусий капитал билан қопланмаган зарар	Жами
Йил бошига қолдиқ	010						
Хусусий (хиссадор) капиталнинг ўсиши	020						
Қимматбаҳо қоғозларнинг эмиссияси	030						
Асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши	040						
Захира учун ажратма	050						
Жорий йил фойдаси (зарар)	060						
Дивидендлар	070						
Ҳисобот даври охирига қолдиқ	080						
Ҳисобот даври охирига устав капиталига киритилган бадаллар	090						

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил июн ойининг 1-кунида 930-сон билан қайд қилинган

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил март ойининг 30-кунидаги 37-сон буйруғи билан тасдиқланган

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, 21-БХМС

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома

Мазмуни

Бўлимларнинг номи	Бўлимларнинг тартиб рақами
Умумий қоидалар	1
Амал қилиш соҳаси	2
Таърифлар	3
Кучга кириш санаси	4
1-илова. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси	5
2-илова. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётларини қўллаш бўйича йўриқнома	6

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Хўжалик юритуви субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси молиявий ҳисоботнинг элементлари: активлар, мажбуриятлар, капитал, даромадлар ва сарфлар (1-илова)га мувофиқ гуруҳлаштирилган ҳолатдаги счётларнинг мажмуасидир.

1.3. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётларига асосланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида кўрсатилиши лозим бўлган хўжалик муомалалари бухгалтерия ҳисоби счётларининг ишчи режасини тузадилар.

1.4. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётларининг режасини қўллаш тўғрисидаги кўрсатма (йўриқнома) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади, тасдиқланади ва бухгалтерия ҳисобини юритиш шартларига мувофиқ (2-илова) хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида хўжалик муомалаларини еритиш (қайд қилиш) тартиблари меъёрлаштирилади.

2. Амал қилиш соҳаси

2.1. Ушбу стандарт мулкчилик шаклидан қатъий назар (бюджет ташкилотлари ва банклардан ташқари) ҳамма хўжалик юритувчи субъектларнинг ижро қилиши учун мажбурийдир.

3. Таърифлар

3.1. Бухгалтерия ҳисобининг счётлари - хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий ресурсларининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги бухгалтерия ахборотларини қайд қилиш ва сақлаш усули ва унга қўйилган талаблардир.

3.2. Доимий счётлар - ҳисобот даврининг охирида қолдиқга эга бўлган ва бухгалтерия балансида акс эттириладиган актив, мажбуриятлар ва капитал счётларидир.

3.3. Актив счёт (А) - хўжаликнинг активларини ўзида акс эттирадиган ва иқтисодий ресурсларнинг ҳисобот даври бошидаги қолдиғини ва ҳисобот давридаги кўпайишини дебет томонида ва шу даврдаги камайишини кредит томонида акс эттирадиган счётлардир.

3.4. Пассив счётлар (П) - хўжаликнинг мажбуриятлари ва капиталини акс эттиришга ажратилган, ҳисобот даври бошидаги қолдиқни, ҳисобот даври мобайнидаги мажбуриятларнинг ва капиталнинг ўсишини кредит томонида ва шу даврдаги мажбуриятлар ва капиталнинг камайишини дебет томонида акс эттирадиган счётлардир.

3.5. Контр-актив счётлар (К.А.) - маълум даврга тузилган молиявий ҳисоботда кўрсатилган активнинг соф (фойдаланишга яроқли) қийматини кўрсатиш учун ҳисобот даврининг охиридаги қолдиқ суммаси ушбу счёт билан боғланган актив счётдаги қолдиқ суммасидан чегириб қолдириладиган счётлардир.

3.6. Контр-пассив счётлар (КП) - маълум даврга тузилган молиявий ҳисоботда кўрсатилган мажбуриятлар ёки капиталнинг соф қийматини кўрсатиш учун ҳисобот даври охиридаги қолдиғи у билан боғланган пассив счётнинг қолдиқ суммасидан чегирилиб қолдириладиган счётлардир.

3.7. Транзит (ўтказувчи) счётлар (Т) - молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда кўрсатилмайдиган, ҳисобот даври охирида ёпиладиган ва қолдиқ суммасига эга бўлмаган, ҳисобот даври давомида фойдаланиладиган даромадлар ва сарфларни ҳисобга оладиган счётлардир.

3.8. Балансдан ташқари счётлар (Б.Т.) - субъектнинг мулки бўлмаган, лекин вақтинча субъектнинг ихтиёрида бўлган активлар, шартли ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун тайинланган счётлардир.

4. Кучга кириш санаси

Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлигида 930-2-сон билан 2001 йил декабр ойининг 29 кунида рўйхатга олинган Молия вазирининг 2001 йил декабр ойининг 27 кунидаги 128-сон буйруғига асосан ушбу миллий стандарт:

– чет эл инвестицияси мавжуд бўлган корхоналар ва аудиторлик ташкилотлари учун 2002 йил январ ойининг 1 кунидан (бюджет ташкилотлари ва банк муассасаларидан ташқари);

– мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа хўжалик юритувчи субъектлар учун (бюджет ташкилотлари ва банк муассасаларидан ташқари) 2003 йил январ ойининг 1-кунидан кучга киради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома, 21-бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига 1-илова.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси

Счётларнинг №	Счетларнинг номи	Счётларнинг тури
1	2	3
	1-қисм	
	Узоқ муддатли активлар	
	1-бўлим	
	Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узоқ муддатли активлар	
0100	Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар	А
0110	Ер	
0111	Ерни ободонлаштириш	
0112	Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш	
0120	Иморат, иншоот ва ўзатувчи мосламалар	
0130	Машина ва ускуналар	
0140	Мебел ва идора анжомлари	
0150	Компьютер ускуналари ва ҳисоблаш техникаси	
0160	Транспорт воситалари	
0170	Ишчи ҳайвонлар	
0171	Маҳсулдор ҳайвонлар	
0180	Кўп йиллик дарахтлар	
0190	Бошқа асосий воситалар	
0199	Консервация қилинган асосий воситалар	
0200	Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар	К.А
0211	Ерларни ободонлаштиришнинг эскириши	
0212	Молиялаштириладиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши	
0220	Иморат, иншоот ва ўзатувчи мосламаларнинг эскириши	
0230	Машина ва ускуналарнинг эскириши	
0240	Мебел ва идора анжомларининг эскириши	
0250	Компьютер ускуналари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши	
0260	Транспорт воситаларининг эскириши	
0270	Ишчи ҳайвонларнинг эскириши	
0280	Кўп йиллик дарахтларнинг эскириши	
0290	Бошқа аосий воситаларнинг эскириши	
0299	Молиялаштириладиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши	

Счётларнинг №	Счетларнинг номи	Счётларнинг тури
0300	*Молиялаштириладиган лизинг шартномаси* бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар	А
0310	Молиялаштириладиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар	
0400	Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар	А
0410	Патентлар, лицензия (рухсатнома) ва ноу-хау	
0420	Товар маркаси, товар белгиси ва саноат намуналари	
0430	Дастур таъминоти	
0440	Гудвилл	
0450	Ташкилий сарфлар	
0460	Франчайзлар	
0470	Муаллифлик ҳуқуқи	
0480	Ер майдонлари ва табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқи	
0490	Бошқа номоддий активлар	
0500	Номоддий активларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар	К.А.
0510	Патентлар, лицензия (рухсатнома) ва ноу-хауларнинг эскириши	
0520	Товар маркаси, товар белгиси ва саноат намуналарининг эскириши	
0530	Дастур таъминотининг эскириши	
0540	Гудвиллнинг эскириши	
0550	Ташкилий сарфларнинг эскириши	
0560	Франчайзларнинг эскириши	
0570	Муаллифлик ҳуқуқининг эскириши	
0580	Ер майдонлари ва табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқининг эскириши	
0590	Бошқа номоддий активларнинг эскириши	
0600	Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар	А
0610	Қимматбаҳо қоғозлар	
0620	Авлод корхоналарига инвестициялар	
0630	Қўшма корхоналарга инвестициялар	
0640	Уюшган корхоналарга инвестициялар	
0650	Қарам корхоналарга инвестициялар	
0690	Бошқа узоқ муддатли инвестициялар	
0700	Урантиладиган ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар	А
0710	Мамлакатимизда чиқарилган ўрнатиладиган ускуналар	
0720	Хориждан келтирилган ўрнатиладиган ускуналар	
0800	Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар	А
0810	Тугалланмаган қурилиш	

Счётларнинг №	Счетларнинг номи	Счётларнинг тури
0820	Асосий воситаларни сотиб олиш	
0830	Номоддий активларни сотиб олиш	
0840	Асосий подани ташкил қилиш	
0890	Бошқа капитал қўйилмалар	
0900	Узоқ муддатли дебиторлик қарзлар ва муддати ўзайтирилган сарфларни ҳисобга олувчи счётлар	А
0910	Олинган васиқаларнинг узоқ муддатли қисми	
0920	Молиялаштириладиган лизинг бўйича олинадиган тўловлар	
0930	Вақтинча фарқи бўйича муддати Узайтирилган даромад (фойда) солиғи	
0940	Муддати ўзайтирилган бошқа узоқ муддатли сарфлар (келгуси давр сарфлари)	
0990	Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлар	
	2-қисм	
	Жорий активлар	
	2-бўлим	
	Товар-моддий захиралари	
1000	Материалларни ҳисобга олувчи счётлар	А
1010	Хом-ашё ва материаллар	
1020	Сотиб олинган ярим фабрикатлар ва бутловчи буюмлар	
1030	Ёқилғилар	
1040	Эхтиёт қисмлар	
1050	Қурилиш материаллари	
1060	Ем-хашак ва тўшамалар	
1070	Идиш ва идиш материаллари	
1080	Ишлов бериш учун четга берилган материаллар	
1090	Бошқа материаллар	
1100	Ўстиришга ва боқувга қўйилган ҳайвонларни ҳисобга олувчи счётлар	А
1110	Ўстиришга қўйилган ҳайвонлар	
1120	Боқувга қўйилган ҳайвонлар	
1200	Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларни ҳисобга олувчи счётлар	А
1210	Омборхонадаги буюмларни ҳисобга олувчи счётлар	
1220	Фойдаланишдаги буюмларни ҳисобга олувчи счётлар	
1230	Вақтинча (титулсиз) қурилган иншоотлар	
1300	Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар	К.А.
1310	Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларнинг эскириши	
1400		
1500	Материалларни тайёрлаш ва сотиб олишни ҳисобга олувчи счётлар	А

Счётларнинг №	Счетларнинг номи	Счётларнинг тури
1510	Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш	
1600	Материалларнинг қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётлар	А
1610	Материалларнинг қийматидаги фарқлар	
1700		
1800		
1900		
2000	Асосий ишлаб-чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар	А
2010	Асосий ишлаб-чиқариш	
2100	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим фабрикатларни ҳисобга олувчи счётлар	А
2110	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим фабрикатлар	
2200		
2300	Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришларни ҳисобга олувчи счётлар	А
2310	Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар	
2320	Бошқа ишлаб чиқаришлар	
2400		
2500	Умумишлаб чиқариш сарфларини ҳисобга олувчи счётлар	А
2510	Умумишлаб-чиқариш сарфлари	
2600	Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулот (брак)ларни ҳисобга олувчи счётлар	А
2610	Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулот (брак)лар	
2700	Нокапитал ишларни ҳисобга олувчи счётлар	А
2710	Вақтинчалик (титулдаги) иншоотларни қуриш	
2720	Вақтинчалик (титулсиз) иншоотларни қуриш	
2790	Бошқа нокапитал ишлар	
2800	Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар	А
2810	Омборхонадаги тайёр маҳсулотлар	
2820	Кўргазмадаги (вўставкадаги) тайёр маҳсулотлар	
2900	Товарларни ҳисобга олувчи счётлар	А
2910	Омбордаги товарлар	
2920	Чакана савдодаги товарлар	
2930	Кўргазмадаги товарлар	
2940	Ижара буюмлари	
2950	Товарлар билан банд ва бўш идишлар	
2990	Бошқа товарлар	
	3-бўлим	
	Келгуси давр сарфлари ва муддати узайтирилган сарфларнинг жорий қисми	
3000		
3100	Келгуси давр сарфларини ҳисобга олувчи счётлар	А

Счётларнинг №	Счетларнинг номи	Счётларнинг тури
3110	Олдиндан тўланган ижара ҳақи	
3120	Оллиндан тўланган хизмат ҳақи	
3190	Бўнак пули олинган бошқа сарфлар	
3200	Муддати ўзайтирилган сарфларнинг жорий қисмини ҳисобга олувчи счётлар	А
3210	Вақтинча фарқи бўйича муддати ўзайтирилган даромад (фойда) солиғи	
3220	Бошқа муддати ўзайтирилган сарфларнинг жорий қисми	
3300		
3400		
3500		
3600		
3700		
3800		
3900		
	4-бўлим	
	Олинадиган счётлар (тўловлар)	
4000	Олинадиган счётлар (тўловлар)ни ҳисобга олувчи счётлар	А
4010	Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар (тўловлар)	
4020	Олинган васиқаларнинг жорий қисми	
4100	Бўлинмалардан олинадиган счётлар (тўловлар)ни ҳисобга олувчи счётлар	А
4110	Алоҳида балансга ажратилаган бўлинмалардан олинадиган счётлар (тўловлар)	
4200	Даъволар бўйича олинадиган счётлар (тўловлар)ни ҳисобга олувчи счётлар	А
4210	Даъволар бўйича олинадиган счётлар (тўловлар)	
4300	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар	А
4310	Товар-моддий қийматликлари учун мол етказиб берувчиларга берилган бўнаклар	
4320	Буюртмаларни бажариш учун пудратчиларга берилган бўнаклар	
4330	Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчиларга берилган бўнаклар	
4340	Узоқ муддатли активларни куриш учун пудратчиларга берилган бўнаклар	
4400	Ходимларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар	А
4410	Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар	
4420	Хизмат сафари учун берилган бўнаклар	
4430	Умумхўжалик сарфлари учун берилган бўнаклар	

Счётларнинг №	Счетларнинг номи	Счётларнинг тури
4490	Ходимларга берилган бошқа бўнаклар	
4500	Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счётлар	А
4510	Солиқлар бўйича бўнак тўловлари	
4550	Мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари	
4600	Бошқа муомалалар юзасидан ходимларнинг қарзини ҳисобга олувчи счётлар	А
4610	Қарзга сотилган товарлар юзасидан ходимларнинг қарзи	
4620	Берилган қарзлар юзасидан ходимларнинг қарзи	
4630	Моддий зарарларни қоплаш юзасидан ходимларнинг қарзи	
4690	Ходимларнинг бошқа қарзлари	
4700	Устав капитали (фонди)га бадал бўйича таъсисчиларнинг қарзини ҳисобга олувчи счётлар	А
4710	Устав капитали (фонди)га бадал бўйича таъсисчиларнинг қарзи	
4800	Хар-хил дебиторларнинг қарзларини ҳисобга олувчи счётлар	А
4810	Молиялаштириладиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар	
4811	Тезкор лизинг бўйича олинадиган тўловлар	
4820	Олинадиган фоизлар	
4830	Олинадиган дивидендлар	
4840	Роялти ва гонорарлар бўйича олинадиган счётлар (тўловлар)	
4890	Бошқа шахслар қарзининг жорий қисми	
4900	Гумонли қарзлар бўйича захираларни ҳисобга олувчи счётлар	К.А.
4910	Гуманли қарзлар бўйича захиралар	
	5-бўлим **Пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа жорий активлар**	
5000	Ғазнадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар	А
5010	Миллий валютадаги пул маблағлари	
5020	Хориж валютасидаги пул маблағлари	
5100	Ҳисоблашиш счётидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар	А
5110	Ҳисоблашиш счёти	
5200	Валюта счётларидаги хориж валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар	А
5210	Мамлакат ичидаги валюта счётидаги маблағлар	
5220	Хориждаги валюта счётидаги маблағлар	

Счётларнинг №	Счетларнинг номи	Счётларнинг тури
5300		
5400		
5500	Банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар	А
5510	Аккредитивлар	
5520	Чек дафтарчалари	
5530	Бошқа махсус счётлар	
5600	Пул эквивалентлари ва йўлдаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар	А
5610	Пул эквивалентлари (турлари бўйича)	
5620	Йўлдаги пул маблағлари (турлари бўйича)	
5700	Йўлдаги пул ўтказмаларни ҳисобга олувчи счётлар	А
5710	Йўлдаги ўтказмалар (турлари бўйича)	
5800	Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар	А
5810	Қимматбаҳо қоғозлар	
5820	Берилган қисқа муддатли қарзлар	
5890	Бошқа жорий инвестициялар	
5900	Бошқа жорий активларни ҳисобга олувчи счётлар	А
5910	Бошқа жорий активлар	
	3-қисм	
	Мажбуриятлар	
	6-бўлим	
	Жорий мажбуриятлар	
6000	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар (тўловлар)ни ҳисобга олувчи счётлар	П
6010	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга *тўланадиган счёт (тўлов)лар*	
6020	Берилган васиқалар	
6100	Бўлинмаларга тўланадиган *счёт (тўлов)ларни* ҳисобга олувчи счётлар	П
6110	Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счёт (тўлов)лар	
6200	Муддати ўзайтирилган мажбуриятларнинг жорий қисмини ҳисобга олувчи счётлар	П
6210	Муддати ўзайтирилган даромад	
6220	Солиқлар ва мажбурий тўловлар юзасидан муддати ўзайтирилган мажбуриятлар	
6230	Муддати ўзайтирилган дисконт (чегирма)лар	
6240	Муддати ўзайтирилган мукофот (устама)лар	
6290	Бошқа муддати ўзайтирилган мажбуриятлар	
6300	Олинган жорий бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар	П
6310	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	

Счётларнинг №	Счетларнинг номи	Счётларнинг тури
6320	Акция обуначиларидан олинган бўнаклар	
6390	Бошқа олинган бўнаклар	
6400	Бюджетга тўловлар юзасидан қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (турлари бўйича)	П
6410	Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (солиқнинг турлари бўйича)	
6450	Мажбурий тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)	
6500	Суғурта ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар юзасидан қарзларни ҳисобга олувчи счётлар	П
6510	Мулк ва шахсий суғурта бўйича тўловлар	
6520	Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар	
6530	Бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар (турлари бўйича)	
6600	Таъсисчиларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар	П
6610	Тўланадиган дивидендлар	
6620	Чиқаётган таъсисчиларга улуши бўйича қарзлар	
6700	Ходимлар билан меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар	П
6710	Ходимлар билан меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоблашишлар	
6720	Депонентланган меҳнат ҳақи	
6800	Хар-хил кредиторларга ва бошқа ҳисобланган мажбуриятлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар	П
6810	Тўланадиган молиялаштириладиган лизинглар	
6811	Тўланадиган тезкор лизинглар	
6820	Тўланадиган фоизлар	
6830	Роялти ва гонорарлар бўйича қарзлар	
6840	Кафолатлар бўйича қарзлар	
6850	Тўланадиган узоқ муддатли қарз мажбуриятларининг жорий қисми	
6860	Даъволар бўйича тўланадиган счётлар (тўловлар)	
6870	ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар	
6890	Бошқа мажбуриятлар	
6900	Қисқа муддатли банк кредитлари ва бошқа қарзларни ҳисобга олувчи счётлар	П
6910	Банкнинг қисқа муддатли кредитлари	
6920	Банклан ташқари тўлашга қабул қилинган облигациялар	
6930	Банклан ташқари тўлашга қабул қилинган васиқалар	
6940	Банкдан ташқари қисқа муддатли қарзлар	
6990	Бошқа кредитлар ва қарзлар	П

Счётларнинг №	Счетларнинг номи	Счётларнинг тури
	7-бўлим	
	Узоқ муддатли мажбуриятлар	
7000	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёт (тўлов)ларни ҳисобга олувчи счётлар	П
7010	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёт (тўлов)лар	
7020	Берилган васиқалар	
7100	Бўлимларга бўлган узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счётлар	П
7110	Алоҳида балансга ажратилган бўлимларга бўлган узоқ муддатли қарзлар	
7200	Муддати ўзайтирилган узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар	П
7210	Вақтинчалик фарқлари бўйича муддати ўзайтирилган даромад (фойда) солиғи юзасидан мажбуриятлар	
7220	Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати ўзайтирилган мажбуриятлар	
7230	Облигациялар бўйича муддати ўзайтирилган дисконт (чегирма)лар	
7240	Облигациялар юзасидан муддати ўзайтирилган мукофот (устама)лар	
7290	Бошқа муддати ўзайтирилган мажбуриятлар	
7300	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнакларнинг узоқ муддатли қисмини ҳисобга олувчи счётлар	П
7310	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	
7400	Бошқа шахсларга бўлган узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счётлар	П
7410	Бошқа шахсларга бўлган узоқ муддатли қарзлар	
7500	Банкнинг узоқ муддатли кредитларини ҳисобга олувчи счётлар	П
7510	Банкинг узоқ муддатли кредитлари	
7600	Узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счётлар	П
7610	Тўланадиган облигациялар	
7620	Тўланадиган васиқалар	
7630	Тўланадиган молиялаштириладиган лизинглар	
7690	Тўланадиган бошқа узоқ муддатли счёт (тўлов)лар	
7710	Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумларни ҳисобга олувчи счётлар	П
7711	Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар	
7800		
7900		

Счётларнинг №	Счетларнинг номи	Счётларнинг тури
	4-қисм	
	Хусусий капитал (мулк)	
	8-бўлим	
	Капитал (мулк), фойда ва захиралар	
8000		
8100		
8200		
8300		
8400		
8500	Капитал (мулк)ни (жамғармани) ҳисобга олувчи счётлар	П
8510	Устав капитали (мулк), (жамғарма)ни ҳисобга олувчи счётлар	
8511	Оддий акциялар	
8512	Имтиёзли акциялар	
8513	Улушлар ва омонатлар	
8520	Қўшилган капитал (мулк)ни ҳисобга олувчи счётлар	П
8521	Эмиссия даромади	
8522	Устав капитал (мулк)ининг таркиб топишидаги курснинг фарқи	
8523	Текин (мут)га олинган мулклар	
8530	Захира капитали (мулки)ни ҳисобга олувчи счётлар	П
8531	Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар (муқобиллаштириш)	
8532	Захира капитали (мулки)	
8533	ҳисоботларни умумлаштираётганда рўёбга чиқадиган курснинг фарқи	
8600	Сотиб олинган ўз акцияларини ҳисобга олувчи счётлар	К.П.
8610	Сотиб олинган ўзининг оддий акциялари	
8620	Сотиб олинган ўзининг имтиёзли акциялари	
8700	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи счётлар	
8710	ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	
8720	Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)	
8800	Грант ва субсидия (капитал)ларни, бегараз ёрдамларни ҳисобга олувчи счётлар	
8810	Грант, субсидия ва бегараз ёрдамлар	
8900	Келгусидаги сарфлар ва тўловларнинг захирасини ҳисобга олувчи счётлар	
8910	Келгусидаги сарфлар ва тўловларнинг захираси	

Счётларнинг №	Счетларнинг номи		Счётларнинг тури
	5-қисм		
	Молиявий натижаларнинг таркиб топиши ва уларнинг фойдаланилиши		
	9-бўлим		
	Даромадлар ва сарфлар		
9000	Асосий (муомалавий) фаолиятдан олинган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар		Т
9010	Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар		
9020	Товарларни сотишдан олинган даромадлар		
9030	Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар		
9040	Сотилган товарларнинг қайтарилиши		
9050	Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар		
9100	Сотилган маҳсулотлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётлар		
9110	Сотилган маҳсулотларнинг таннархи		
9120	Сотилган товарларнинг таннархи		
9130	Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи		
9140	ТМЗ сотиб олиш-	даврий ҳисобда	
9150	ТМЗ баҳосини муқобиллаштириш	даврий ҳисобда	
9200	Асосий воситаларни ва бошқа активларни ҳисобдан чиқаришларни ҳисобга олувчи счётлар		Т
9210	Асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришлар		
9220	Бошқа активларни ҳисобдан чиқаришлар		
9300	Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар		Т
9310	Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинган фойда		
9320	Бошқа активларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинган фойда		
9330	Ундирилган жарима, Усимлар (пеня) ва бурдсизликлар		
9340	ўтган йиллардаги фойдалар		
9350	Тезкор лизингдан олинган даромадлар		
9360	Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинган даромадлар		
9370	ТМЗ баҳосини ошириш		
9380	Бегараз молиявий ёрдам		
9390	Бошқа муомалавий даромадлар		
9400	Давр сарфларини ҳисобга олувчи счётлар		Т
9410	Сотиш жараёни билан боғлиқ сарфлар (муомала сарфлари)ни ҳисобга олувчи счётлар		Т
9411	Сақлаш ва ташиш сарфлари		
9412	Реклама ва сотишга ёрдам бериш сарфлари		
9413	Ўраш, навларга ажратиш ва идиш сарфлари		

Счётларнинг №	Счетларнинг номи	Счётларнинг тури
9414	Меҳнатга ҳақ тўлаш сарфлари	
9415	Меҳнат ҳақи жамғармасидан ажратмалар	
9419	Бошқа савдо сарфлари	
9420	Маъмурий сарфларни ҳисобга олувчи счётлар	Т
9421	Меҳнатга ҳақ тўлаш сарфлари	
9422	Меҳнат ҳақи жамғармасидан ажратмалар	
9423	Маъмурият аҳамиятидаги асосий воситаларнинг амортизацияси бўйича сарфлар	
9424	Умуммаъмурият аҳамиятидаги асосий воситаларнинг ижара сарфлари	
9425	Умуммаъмурият аҳамиятидаги асосий воситаларни суғурта қилиш сарфлари	
9426	Умуммаъмурият аҳамиятидаги номоддий активларнинг амортизацияси бўйича сарфлар	
9427	Юқори ташкилотларни асраш сарфлари	
9429	Бошқа маъмурий сарфлар	
9430	Бошқа муомалавий сарфларни ҳисобга олувчи счётлар	Т
9431	Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқишлари натижасида кўрилган зарарлар	
9432	Бошқа активларнинг ҳисобдан чиқишлари натижасида кўрилган зарарлар	
9433	Қийматликларнинг камомади ва бузилиши натижасида кўрилган зарарлар	
9434	Гумонли қарзлар бўйича сарфлар	
9435	ТМЗ баҳосини арзонлаштириш натижасида кўрилган зарарлар	
9436	Узоқ муддатли активларнинг баҳосини арзонлаштириш натижасида кўрилган зарарлар	
9439	Бошқа муомалавий сарфлар	
9440	*Келгусида солиққа тортиладиган суммадан* чегириладиган ҳисобот давринг сарфлари (турлари бўйича)	Т
9450	Хизмат қилувчи хўжаликлар	Т
9500	Молиявий фаолиятдан олинган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар	Т
9510	Роялтидан олинган даромадлар	
9520	Дивиденд кўринишидаги даромадлар	
9530	Фоиз кўринишидаги даромадлар	
9540	Сўм курсидаги ижобий фарқ бўйича даромадлар	
9550	Молиялаштириладиган лизингдан олинган даромадлар	
9560	Қимматбаҳо қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар	
9590	Бошқа молиявий фаолиятлардан олинган даромадлар	
9600	Молиявий фаолият бўйича сарфларни ҳисобга олувчи счётлар	Т

Счётларнинг №	Счетларнинг номи	Счётларнинг тури
9610	Роялти бўйича сарфлар	
9620	Фоиз кўринишидаги сарфлар	
9630	Сўмнинг курсидаги салбий фарқ бўйича сарфлар	
9640	Қимматбаҳо қогозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича сарфлар	
9650	Қимматбаҳо қогозларнинг арзонлиниши бўйича сарфлар	
9690	Молиявий фаолият бўйича бошқа сарфлар	
9700	Фавқулодда фойда (фавқулодда зарар)ларни ҳисобга олувчи счётлар	Т
9710	Фавқулоддаги фойдалар	
9720	Фавқулоддаги зарарлар	
9800	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг фойдаланишини ҳисобга олувчи счётлар	Т
9810	Даромад (фойда) солиги бўйича сарфлар	
9820	Бошқа мажбурий ажратмалар ва йиғимлар бўйича сарфлар	
9890	Бошқа ажратмалар бўйича сарфлар	
9900	Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар	
9910	Якуний молиявий натижа (даромадлар ва сарфларнинг йиғими)	
	Балансдан ташқари счётлар	
001	Жорий ижарага олинган асосий воситалар	Б.Т.
002	Масъул сақлашга қабул қилинган товар-*моддий захиралари*	Б.Т.
003	Ишлов беришга қабул қилинган хом-ашё ва материаллар	Б.Т.
004	*Сотиб беришга комиссияга қабул қилинган* товарлар	Б.Т.
005	Йиғиш ва ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар	Б.Т.
006	Қатъий ҳисобот варақлари	Б.Т.
007	Тўлов қобилиятини йўқотган дебиторлик қарзларнинг зарарга ўтказилиши	Б.Т.
008	Олинган мажбурият ва тўловларнинг таъминланиши	Б.Т.
009	Берилган мажбурият ва тўловларнинг таъминланиши	Б.Т.
010	Вақтинчалик фарқлар бўйича сарфлар	Б.Т.

АДАБИЁТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон бозор муносабатларига утишининг ўз усуллари. "Ўзбекистон", Тошкент, 1993 й.

2. И.А.Каримов Иқтисодий ислоҳот-масъулиятли босқич. «Ўзбекистон», Тошкент, 1994 й.

3. И.А. Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. «Ўзбекистон», Тошкент, 1995 й.

4. И.А.Каримов. Ўзбекистон: иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан. «Ўзбекистон». Тошкент. 1995 й.

5. И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий мустақиллик, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. «Ўзбекистон», Тошкент, 1996 й.

6. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. «Ўзбекистон», Тошкент, 1996 й.

7. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. «Ўзбекистон», Тошкент, 1998 й.

8. И.А.Каримов. Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича. «Ўзбекистон», Тошкент, 2000 й.

9. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида Қонун. Тошкент, 1996 й.

10. Ўзбекистон Республикасининг солиқ Кодекси. Тошкент, 1997 й.

11. Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш ҳақида Низом. Тошкент, 1999 й.

12. Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш ҳақидаги Низомнинг шарҳи. Тошкент, 1999 й.

13. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (№00-№21), Тошкент, 1998-2000 йй.

14. Корхоналар молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби режаси ва уни қўллаш бўйича кўрсатма. С.Вахидов, О.Бобожонов ва бошқалар. Тошкент, 1992 й.

15. Корхона ва ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида. 04.05.95 №17 02/28 Молия вазирлигининг буйруғи.

16. Асосий воситаларга тегишли иморат, иншоот, машина, ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа мулкларнинг эскириши нати-

жасида ҳисобдан чиқариш тўғрисида Низом. 10.09.94 №86. Молия вазирлигининг буйруғи.

17. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси ва уни қўллаш бўйича кўрсатма. Тошкент, 2001 й.

18. Аксененко А.Ф. Внутрихозяйственный расчёт. «Экономиздат», Москва, 1988 г.

19. Астахов В.П. Бухгалтерский учет и валютный контроль во внешнеэкономической деятельности. «Экспертное Бюро», Москва, 1997 г.

20. Абашина А.М., Симонова М.Н. Чистая прибыль, резервы и фонды. «Фимин», Москва, 1997 г.

21. Бабажанов О., Ҳамидов А. Молиявий ҳисоб фанидан амалий машғулотлар. «Фан», Тошкент, 1999 й.

22. Бабажанов О. Молиявий ҳисоб. «Шарқ», Тошкент, 2000 й.

23. Бабажанов О. Финансовый учет. ТГЭУ, Тошкент, 2001 й.

24. Бабажанов А., Джуманиезов К. Финансовый учет. ТГЭУ, Тошкент, 2001 й.

25. Белобежецкий И.А. Бухгалтерский отчетность и методы его контроля. «Финансы и статистика», Москва, 1985 г.

26. Боброва Л.А. Бухгалтерский учет на малом предприятии (практическое пособие бухгалтера). часть 1-2, Москва, 1991 г.

27. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари. «Ўзбекистон иқтисодчилар уюшмаси», Тошкент, 1994 й. 1-2-3 қисмлар.

28. Бухгалтерский учет и отчетности в нормативных документах. Справочник бухгалтера Изд. ИнТЭКЛТД, 1997 г.

29. Бухгалтерский учет и анализ в США. «Совместно советско-амерканское предприятие Крокус Интернэшнл», Москва, 1991 г.

30. Бухгалтерский учет. Под редакцией Козловой Е.П. «Финансы и статистика», Москва, 1999 г.

31. Бухгалтерский учет. Под редакцией Тишковой Е.М. «Высшая школа», Минск, 1996 г.

32. Бухгалтерский учет. Под редакцией Новиченко П.П. «Финансы и статистика», Москва, 1990 г.

33. Бухгалтерский учет. Под редакцией П.Безруких. «Бухгалтерский учет», Москва, 1996 г.

34. Бухгалтерский учет, отчетность и анализ финансового состояния предприятия на основе нового плана счетов под ред. Кадырханова С., (Вахидов С., Джуманиязов К.). ТГЭУ, Тошкент, 1992 г.

35. Волков Н.Г. Бухгалтерский учет операций с наличной иностранной валютой. «Международный центр финансово-экономического развития», Москва, 1995 г.

36. Гадоев Э.Ф. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби: саволлар ва жавоблар. 1-қисм, Тошкент, 1996 й.

37. Гадоев Э.Ф. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби: саволлар ва жавоблар. 2-қисм, Тошкент, 1996 й.

38. Гадоев Э.Ф. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклини қўллашга оид тавсиялар. Тошкент, 1997 й.

39. Гадоев Э.Ф. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси ва уни қўллашга оид тавсиялар. Тошкент, 1998 й.

40. Григорьева Ю.А., Макарьева В.И. Альбом бухгалтерских проводок рублевых и валютных операций. Второе издание, «Международный центр финансово-экономического развития», Москва, 1995 г.

41. Зидулин А.П. Бухгалтерский учет на капиталистических стран. «Издательство УДН», Москва, 1990 г.

42. Кондраков И.А. Бухгалтерский учёт. "Финансы и статистика", Москва, 2000 г.

43. Қодирхонов С.Б. Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. Тошкент, 1993 й.

44. Кодирхонов С.Б., Жуманиезов К.К. Бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлари асосида ташкил этиш асослари. Тошкент, 1994 й.

45. Как читается финансовый отчет. МОТ, «Финансы и статистика», Москва, 1992 г.

46. Ковальев В. и др. Организация учета на совместных предприятиях. «Финансы и статистика», Москва, 1995 г.

47. Корреспонденция счётов основных хозяйственных операций предприятий и организаций. Москва, 1998 г.

48. Леонтьев В. Экономическое эссе. Теория, исследования, факты и политика. Перевод с английского, «Политиздат», Москва, 1990 г.

49. Линнакс Э.А. Финансовый учет акционерного общества в США. Цифровой пример на русском и английском языках. «Финансы и статистика», Москва, 1991 г.

50. Макарьев В.И. Учет в условиях рынка. Консультация. «Финансы и статистика», Москва, 1992 г.

51. Медведев А.Н. Бухгалтерский учет и налогообложение, конфликты и противоречие. «Инфра-М», Москва, 1996 г.

52. Международные стандарты по бухгалтерскому учету. Перевод с английского языка. Москва, 1990 г.

53. Международные стандарты финансовой отчетности (IAS) Москва, 1998 г.

54. Международные стандарты учета и аудита. «Аудит-трейнинг», Москва, 1992 г.

55. Пушкарь М.С. Бухгалтерский учет в системе управления. «Финансы и статистика», Москва, 1991 г.

56. Рудановский А.П. Классики бухгалтерского учета. «Финансы и статистика», Москва, 1992 г.

57. Сборник законодательных и нормативно-правовых актов по приватизации и поддержке предпринимательство, изданных в 1-квартале 1998 г. «ИРИЦ», Ташкент, 1998 г.

58. Ткач В.И., Ткач М.В. Международная система учета и отчетности. «Финансы и статистика», Москва, 1991 г.

59. Тошев С. Бухгалтерия ҳисобининг туб масалалари. «Меҳнат», Тошкент, 1992 й.

60. Умарова М.Г. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. "Меҳнат", Тошкент, 1999 й.

61. Хорнгрен Ч., Фостер Дж. Бухгалтерский учет. Управленческий аспект перевод с англ., «Финансы и статистика», Москва, 1995 г.

62. Шишкин А.К., Микрюков В.А., Дышкант И.Д. Учет, анализ, аудит на предприятии. Москва, 1996 г.

63. Кодирхонов С., Жуманиёзов К.К. Бухгалтерия ҳисобининг стандарт шаклларда ташкил этиш асослари. Тошкент, 1994 йил.

64. Энтони Р., Рис Дж. Учет ситуации и примеры. Перевод с англ., «Финансы и статистика», Москва, 1993 г.

65. Корреспонденция счётов основных хозяйственных операции предприятий и организаций. Москва, 1993 г.

66. Цели и концепции лежащие в основе финансовых ведомостей. Нью-Йорк, ООН, 1990 г.

Қўшимча адабиётлар

1. Бакаев А.С., Шнейдман Л.З. Учетная политика. М., Бухгалтерский учет, 1994 г.

2. Введение в управленческий и производственный учет К.Д. Рурн. М, Аудит, 1994 г.

3. Цели и концепции лежащие в основе финансовых ведомостей. Нью-Йорк, ООН, 1992г.

4. Р. Энтони, Дм. Рис Учет: Ситуации и примеры. М, Финансы и статистика, 1996 г.

5. План и корреспонденция счётов бухгалтерского учета. М, 1995.

6. Журнал Налогоплательщика.

7. Солиқ тўловчининг журнали.

8. Журнал «Бухгалтерский учет».

9. Журнал «Деньги, кредит и финансы».

10. Солиқ ва божхона хабарлари.

11. Налоговые и таможенные вести.

МУНДАРИЖА

Кириш		3
I боб	Бухгалтерия ҳисобининг концептуал асослари ва уни ташкил қилишнинг умумий тартиб-қоидалари.	7
II боб	Пул маблағлари ва унинг эквивалентларини ҳисобга олиш	37
III боб	Асосий воситаларни ҳисобга олиш	97
IV боб	Номоддий активларни ҳисобга олишни ташкил қилиш	178
V боб	Товар-моддий захиралари ва арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларни ҳисобга олиш	206
VI боб	Олинадиган счётлар ва мажбуриятлар (тўланадиган счётлар) бўйича ҳисоблашишлар	263
VII боб	Меҳнат ва унга ҳақ тўлашнинг ҳисобини ташкил этиш ва юритиш	351
VIII боб	Тайёр маҳсулотлар ва уларнинг сотилишини ҳисобга олиш	390
IX боб	Хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳисобга олиш	429
X боб	Сарфлар, даромадлар ва якуний молиявий натижаларнинг ҳисобини юритиш	451
XI боб	Солиқлар, уларни ҳисоблаш тартиби ва тўлаш муомалаларининг ҳисоби	496
XII боб	Субъектнинг хусусий капитали, фойдаси ва захираларини ҳисобга олиш	538
XIII боб	Давлат корхоналарининг мулкчилик шаклини ўзгартириш (приватизация қилиш) тартиби ва унинг натижаларини ҳисобга олиш	556
XIV боб	Ҳисобот, унинг турлари, таркиби, тузиш ва тақдим қилиш тартиблари	576
Адабиётларнинг рўйхати		655